

ТОҲИР МАЛИК

# ШАЙТАНАТ

ЎЗБЕК БЕСТСЕЛЛЕРИ



**«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2013**



*Киприклар — қорачиқнинг соқчилари,  
Ҳақиқат нурларин тўссангиз агар,  
Юлиб ташлагумдир битта қолдирмай...*

*Тоҳир Раҳимов*

ТОҲИР МАЛИК

---

# ШАЙТАНАТ

*Бешинчи китоб*



«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ — 2013



УЎК 821.512.133-31 -  
КБК 84(5Ў)6  
М 22

Ўзбеки адабиёти

Масъул муҳаррир  
Аҳрор АҲМЕДОВ

Т 22      **Малик, Тохир.**  
«Шайтанат»: роман (5-китоб) Масъул муҳаррир А.Аҳмедов. — Т.: «Sharq», 2013. — 640 б.

ISBN 978-9943-26-051-1

Ҳар бир соҳада бўлганидек, шайтанат оламида ҳам маълум бир жиноят гуруҳи ўрнига ёшроқ авлод келади. Кесакполвон ва Чувриндининг ўлиmidан сўнг ёлғизланиб қолган Асадбек қирқилган икки қаноти ўрнига янгиларини тиклаш ҳаракатига тушади. Янги авлод эса шайтанат оламига ҳукмронлик қилиш истаги билан унга яқинлашади. Икки авлод орасидаги зиддият, таъбир жоиз бўлса, шайтанат тахти учун кураш нима билан якун топади – мазкур китоб шу ҳақда ҳикоя қилади.

УЎК 821.512.133-3  
КБК. 84(5Ў)6

ISBN 978-9943-26-051-1

нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
«Алишер Навоий» ширкати, 2011, 2013.

2016/102	Alisher Navoiy
4815	O'zbekiston MK

**Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.**

**«Парвардигор шайтонга айтди:**

**«Малоикалар мақомидан туш. Бас, сенга бу малонкалар мақомида туриб гарданкашлик қилиш ярамайди. Сен хорлик билан жаннатдан чиқ!» Шайтон айтди: «Қиёматгача менга муҳлат бер, мени ўлдирмагил». Худо айтди: «Сенга Қиёматга қадар муҳлат берилди».**

**Иблис айтди: «Мени раҳматингдан маҳрум қилганинг бадалига Одам фарзандларини тўғри йўлдан оздириш учун мунтазир бўлиб тураман.**

**Сўнгра ўнг тарафларидан келиб, васваса қиламан ва орқаларидан келаман ва чап тарафларидан келиб, йўлдан оздираман. Сўнгра уларнинг кўнларини шукр қилгувчи ҳолларида топмассан».**

**Парвардигор айтди: «Эй шайтон, мардудлик ҳолатида хор бўлиб, Худонинг азобига учраб, жаннатдан чиқиб кет! Албатта,**

**Ўз зотимга қасамки, сен билан ва зурриётинг билан ва сенга тобе бўлганлар билан жаҳаннамни тўлдираман».**

*(Аъроф сурасидан маъно таржима.)*

## МУАЛЛИФДАН

*Буюклик ва қудратда ягона, ширк ва нуқсон кирларидан пок, бақонинг эгаси, раҳмли ва шафқатли Аллоҳ таборак ва таолонинг муқаддас номини дилимга муҳрлаган ҳолда сўз бошляпман. Барча неъматларни ато қилгувчи – Аллоҳ, сўнгсиз қаҳр билан интиқом олувчи ҳам Аллоҳ. Осмонлару ерда У зотга шукрлар адади беҳисобдир. Аввалу охир У зот учун ҳамдларга тўла!*

*Очиқ мўъжизалари билан бани Одам ичра мумтоз жаноби Пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга, аҳли байтлари ҳамда саҳобаларига саловату саломлар бўлсин!*

*Ассалому алайкум, ардоқли китобхон!*

*Сизлар билан, яна зойибона тарзда бўлса-да, учраштираётган Аллоҳга ҳамд этиш баробаринда Ул зотдан Сиз азизмонлар хонадонига қут-баракот бермогини, шайтанат офатидан Ўз ҳифзи-ҳимоясига олмогини илтижсо қиламан.*

*«Шайтанат», аввал ҳам айтганимдек, уч китобдан иборат бўлиши керак эди. Сўнг тўртинчи китобни ёзиш эҳтиёжи ҳам тугилдики, бу меҳнатдан бўйин товлаш номардликдай туюлиб, Аллоҳга таваккул қилган ҳолда бу ишни бошлаб, ниҳоясига етказгандай бўлдик. Бу мавзуга яна қайтиш фикридан узоқда эдик. Лекин, начора, кейин эшитган, билган воқеаларимиз кўнгилни қитиқлай бошлади, асарни давом эттиришга даъват этаверди. Турли учрашувларда айрим китобхонлар «асар якунланмаган, давом эттириш керак», деган фикрларни билди-*

риб, каминани кўлга яна қалам олишга ундашди. Ниҳоят, хайрли оқибатни умид қилиб, ишни бошла-  
япмиз. Учрашув ва суҳбатларда китобхонларга му-  
рожаат этиб, асарни шунчаки «давом эттиринг»,  
деб эмас, «яхшилаб ёзинг», деб дуо қилишларини  
сўраб эдик. Дуоларнинг ижобат бўлишига умид  
билан дастлабки сатрларни ёзяпмиз. Сўнги сатр-  
ларга қадар ҳамсуҳбат бўлиб қоласиз, деган умид-  
даман. Шубҳасизки, айрим баёнларда қаламнинг  
оқибатлиги сезилиб қолар, бунинг учун узр сўрайман.  
Асар кўнглингизга мақбул бўлса, бу Аллоҳнинг  
марҳаматидандир, сиз – азизларнинг дуоларингиз  
оқибатидандир. Сизларни бутун қалби билан севув-  
чи адибнинг миннатдорлигини қабул қилинг. Бир-  
бирларимизни хайрли дуо қилишда давом этайлик.

## АХТАМ

*1963 йил, 16 июнь, Магадан*

Рихсия шу куни ўғил кўрди.

Сурурга тўла қизлик пайтларида, ширин хаёллар қанотида учган дамларида ботир ва ҳалол бир ўғлонни учратишни, севиб-севилиб турмуш қуришни, олти ё етти ўғил ва уч қиз кўриб, умрни шукроналик билан ўтказишни орзу қиларди.

Бир ўғлон учраб, қиз кўнглини ром этди. Аммо, надоматким, у ботир эмас, номард бўлиб чиқди. Унинг айёрлик ва муттаҳамлик чодирига буркалган, ҳаромни қасб қилган аблаҳ эканини Рихсия кейинроқ – тақдир ёзуғидан нолиб, қамокда ўтирганида англаб етди. Ундан бўлган болани олдириб ташлашни истади. Бироқ, қамокхона врачлари вақт ўтганини айтиб, рухсат бермади. Бола тушиб кета қолсин, деб оғир-оғир нарсаларни кўтарди, вужудни заҳарлаши мумкин бўлган нарсаларни ҳам еяверди. Лекин ҳароми бўлса-да, бир ўғил кўриши тақдир ёзуғида бор экан, унинг барча ҳаракатлари зое кетди. Қамокхонада туғилган чақалок озодликдаги аёллар ҳам ҳавас қиладиган даражада соғлом ва кўркем эди. Қамокхонадаги хотинлар ҳар куни бола туғавермайдилар. Тукқанлари эса боласини эмизишдан, ҳатто унга бир қараб қўйишдан воз кечавермайдилар. Шу боис Рихсиянинг «эмизмайман ҳам, қарамайман ҳам», деб боладан юз ўгириши ҳамширанинг жаҳлини чиқарди. Аввал яхши гапирди, сўнг пўписа қилди, қор қилмагач, шапалоғини ишга солди.

Қадимда Оврупода ҳамшираларни «меҳрибонлик олиҳалари» деб шарафлашган экан. Агар бу сифат қамокхона ҳамширасига нисбатан қўлланилса, «ок

иштонга жун жияк» деганларидек, ҳам кулгили, ҳам энсани қотирадиган бир ҳол вужудга келиши мумкин эди. Эҳтимол, бу аёл озод эканида меҳрибонлик нима эканини билгандир. Лекин касалхонадаги тинчлантирувчи ва оғриқ қолдирувчи дориларни ўғирлаб, гиёҳвандларга сотиши оқибатида қамоққа тушгач, энг ваҳший ҳайвонларга ҳам бемеҳрлик дарсидан сабоқ бера оладиган даражага етди. Тили эса энг сўконғич эркакларни ҳам аро йўлда қолдириб кетадиган бўлди. Маҳкумалардан қай бири касалга чалиниб, турма шифохонасига бир марта тушса-ю, кейинроқ иккинчи бор хасталанса, шу хотинни кўрмай ўлиб кетишига минг марта рози бўлиб қоларди. Ҳамширани ана шу иллатлари учун қамоқхона маъмурияти иззат қилар, маҳкумалар эса нафратланишарди. «Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ», деганларидай хушбичимроқ маҳкумаларни қандайдир базмларга қантдай қилиб тайёрлаб бериш ҳам унинг зиммасида эди. Маҳкумалар орасидаги гўзалларнинг аксари бу хизматдан бўйин товламас, аксинча, чорланмай қолишса кўнгиллари хуфтон бўларди. Улар бошқа нарсадан – базм яқунлангач, тунни шу эркакшода ҳамшира билан ўтказишдан бешишарди. Бешишса-да, кўнглини овлашга мажбур эдилар. Чунки базму маишат орқасида ҳомиладор бўлиб қолишса, бу ҳамшира доялик қилиб, уларни бу юкдан кутқарарди.

Рихсиянинг ой-куни етиб, кўзи ёрийдиган пайтда шу ҳамшира доялик қилди. Дунёнинг ажабтовурлиги шундаки, ҳаромдан бўлган бола ҳаромни касб қилган хотин қўлида кўзларини очди.

Икки юзига шапалоқ тушган Рихсия кўзларини катта-катта очиб, ҳамширага қўрқув билан қаради, навбатдаги зарбани кутди. Лекин ҳамшира бошқа урмай, маҳкумаларнинг эски чойшабига йўргакланган болани унинг тиззасига қўйди.

– Агар шу бола очдан ўлса, сени қийнаб-қийнаб ўлдираман. Шу пайтгача одамзод кўрмаган азобларни

сенга атаб тайёрлаб қўйганман, – деб ўз ҳукмини маълум қилиб қўйгач, чақалокнинг юзини очди.

Қорнида қимирлай бошлаганидан бери ўлимини истаган боланинг жавдираган кўзларига кўзи тушиши билан Рихсиянинг вужуди титраб кетди. Кўкрагида илиқлик сезилди. Бир оз қараб тургач, кўкрагини очиб, эмиза бошлаганини ўзи ҳам сезмай қолди. Чақалок эма-эма ухлади. Рихсия уни бағрига босганича ўтирмоқчи эди, ҳамшира рухсат бермади. Болани юлқиб олиб, темир панжарали эшикнинг темир панжарали даричасини очди-да, даҳлизда пойлаб турган аёл назоратчига узатди. Рихсия эмизаётган пайтда ҳамширанинг кетмай қараб тургани сабабини билолмай ажабланган эди. Боласи худди кераксиз буюмдай панжара нарёғига бериб юборилгач, вужудида титроқ турди.

– Нега у ёққа бериб юбордингиз? Болам ўзим билан ётмайдимиз? – деди йиғламсираб.

– Уйингда туққанингда ёнингда ётарди. Бу ер онангнинг уйи эмас, – деб ҳамшира гапни калта қилди. Кейин асабий равишда тўнғиллади: – Ҳозиргина болангга ўлим тилаётувдинг-ку, энди меҳринг уйғониб қолдимиз?

Бу гапни айтгандан кўра, ҳамшира уни тепа-тепа абжағини чиқариб юборгани маъкулроқ эди. Ҳамшира туҳмат қилмади, ҳақ гапни айтди. Аччиқ ҳақиқатни тан олиш бу муштипар учун ниҳоятда оғир эди. Эмиза туриб «болада ҳеч қандай гуноҳ йўқ-ку?! Нега унга ўлим тиладим, ундан кўра туғиб ўлганим аълороқ эмасмиди?» деб ўзини ўзи лаънатлади. Бола тўйиб эмиб, ширин уйқуга кетгач, ўзининг ўлиши мумкин эмаслигини, гўдагини кўкрак сути билан боқишга мажбур эканини тушунди. Оналик масъулиятига итоат этган нафасда фарзандини бағридан юлиб олдилар. Шунда у даҳшатли ҳақиқатни англади: қамокхонада дунёга келган ўғли ўзи каби озодликдан маҳрум эди! Ўзи-ку, жинояти учун жабр тортяпти, аммо болада нима гуноҳ!

Назоратчилар инсоф қилишса, кунда тўрт ёки беш марта, боланинг биғиллаб йиғлашидан бешишса, тунда ҳам темир панжарали эшикнинг темир панжарали дарчасини очиб, болани латтага ўралган буюм каби узатардилар. Чақалок эмиб, нафси ором топгач, яна шу ҳолда қайтариб олардилар. Рихсия боласининг оғзига кўкрагини солгач, унинг секинроқ, шошилмай эмишини истарди. Бағрида кўпроқ олиб ўтиришни хоҳларди. Ҳар сафар болани қайтариб бераётганда Рихсиянинг юрагидан битта томир узилгандай бўлаверарди.

Бир ҳафтадан сўнг ҳамшира унга бир янгиликни маълум қилди:

– Болангга туғилганлик ҳақида гувоҳнома ёзиб беришди. Отасининг тайини бўлмагани учун ўзининг фамилиянда қолди. Оти «Ахтам» бўлди.

Рихсия мактабда ўқиб юрганида синфдош болага кўнгили кўйганди. Бу туйғу севги мартабасига етмаган бўлса-да, уни кўп эсларди. Ўғлига ўша йигитнинг исмини беришни ният қилиб ўтирганда бу хабарнинг маълум қилиниши уни ажаблантирди:

– Нега «Ахтам»?

– Кўз очиб кўрган йигитимнинг оти Ахтам эди. У бутун Татаристонни ётқизиб-турғизарди. Москвага борса, энг зўр мафиозлар ҳам қуллуқ қилиб турарди. Ўшанга ўхшаб юрсин, деб ният қилдим. Шу исм мендан сенга ёдгорлик бўлиб қолсин. Қамоқхонада ўлиб кетмасанг, озодликка чиққанинда эслаб юрарсан.

Бу гапни эшитиб Рихсиянинг кўз олди қоронғилашди. Бола туғилганда келажаги гўзал бўлсин, деб умид қиларди. Бу хотин эса бир ўғри-қаллақесарга ўхшашини ният қилибди. Рихсия хужжатда зикр этилган исми сира тилга олмади. Боласини қўлига олганда суйганининг исмини айтиб, эркаларди. Ахтам бу исмга кўникиб ҳам қолган эди. Болалар уйига жўнатилгач, онаси суйган исми унутиб юборди.

Ахтам чақалоклик ёшидан ўтиб, эммай қўйгач, Рихсияга камроқ кўрсатадиган бўлишди. Бола уч ёшга



тўлган куни ҳамшира уни етаклаб кириб, она қалбини тилка-тилка қилиб юборувчи янгиликни айтди:

– Ўғлинг билан хайрлашиб ол, энди, ўлмасанг, қамокдан қутулганингдан кейин кўришасан.

– Нега? – деб сўради Рихсия боласини хавотир билан бағрига босганича.

– Негалигини билмайсанми? Қамокхонада туғилганлар уч ёшга тўлгандан кейин ташқаридаги болалар уйига юборилади. Ўғлинг озод бўлди, қувонсанг-чи!

Уч йил мобайнида қамокхона боғчасида улғайган, озод дунё, озод болалар қандай бўлишини билмайдиган бегуноҳ гўдакнинг эркинликка чиқиши, албатта, қувонарли эди. Лекин у қайси шаҳарнинг қайси болалар уйига боради? Қандай даврада қамолга етади?

Бу қамокхонада она учун ҳам, бола учун ҳам биргина юпанч, биргина бахтли дақиқалар бор эди. Кўришмоқлик, дийдор саодати бу онда барҳам топди. Нақадар бераҳмлик! Бундан сўнг дийдорга қачон етишадилар? Дийдор қиёматга қолса-чи?

Онанинг қалби шу саволлар исқанжасида. Бола қалби бу азобдан холи бўлса-да, онасини бошқа кўрмаслигини сезибми, йиғлай бошлади.

– Вақт бўлди, ташқарида кутиб туришибди. Ўлмасанг, етти йилдан кейин кўрасан болангни, – ҳамшира шундай деб, Ахтамни елкасидан ушлаб ўзига тортди.

Рихсия қўйиб юборгиси келмади.

– Жоним болам, эсингда турсин, сен билан мени бебахт қилган одамни улғайганингда топасан! Бу хўрликларимиз учун ўч ол! Унинг оти...

Боласи эслаб қолсин учун бу исмни уч марта қайтарди. Уч ёшли боланинг бу гапларга тушуниши қийин эди. Шунга қарамай, умид билан айтди. Ҳамшира Ахтамни она бағридан юлқиганча ажратиб, тугун каби қўлтиқлаб олди-да, ташқари томон юрди. Боланинг йиғиси дахлиздан эшитилиб турди. Йиғи тинмай туриб, Рихсия ҳушсиз йиқилди.

Бу дунёда йигирма беш йил умр кўрган жувон бу айрилиққа чидолмади. Кундан кунга сўлиб бораверди. Уч ойдан кейин адолатсиз дунёни ташлаб кетди...

Эркинликдаги болалар уйида ўйинчоқлар кўп бўлгани билан Ахтамга ёкмади. Озодликда туғилиб-ўсаётган болалар билан қамокхонадан келган Ахтамнинг тил топишиши қийин кечди. Озодликда улғаяётган икки бола ўйинчоқ талашса ёки уришиб қолса, энагалар уларга танбеҳ бериб қўя қолишарди. Ахтам талашса ёки биронтасини урса, жазога тортиларди. Қамокхона боғчасидан келган болага муносабат ўзгача эди. Ахтам буни гўдакларга хос фаҳми билан англади. Атрофига нафрат кўзи билан қараш хисси шу ерда туғилди.

Мақтаб ёшига етганда яна бошқа етимхонага жўнатилди. Онасининг қамокдан чиқиб олиб кетишини тоқат билан кутди. Кун санаб яшади. Ўн ёшга тўлганида онаси озодликка чиқиши керак эди. Бу шодлик кунни яқинлашган сайин соат ва дақиқалар санаб яшади. Ўша кун, ўша соат, ўша дақиқа етди. Аммо онаси келмади.

Етимхонада бир меҳрибон энага бор эди, сўраб-суриштириб, Рихсиянинг вафот этганини аниқлади. Лекин ўша йили буни болага билдирмади. Ахтам кун, соат санамаса ҳам онасининг келиб, олиб кетишини кутиб, умид билан яшайверди. Меҳрибон энага «онаси ўлган бўлса, тоғаларими ё амакиларими бордир?» деган илинжда яна сўраб-суриштиради. Рихсиянинг акаси яшайдиган манзилни аниқлаб, унга хат ёзди. Жиянининг ахволини баён қилди. Тоғадан келган мактуб очиб ўқилгунича меҳрибон энага қалбига қувонч бахш этди. «Биз у бадбахт сингилдан юз ўгирганмиз, демак, жиянимиз ҳам йўқ», деган сатрлар эса бу қувончни заҳарли тирноқлари орасига олиб эзгилаб ташлади. Энага бу хатни Ахтамга бермади. Ахтам мактабни битириш арафасидагина кўрсатди.

– Нима учун бундай деб ёзганини билмайман. Балки ўшанда нимадандир норози бўлгандир, энди

ховуридан тушгандир. Унинг олдига бор, ёлғиз юрма, ёлғизлик ёмон, – деди.

– Шу ёшгача қариндошларсиз яшадим, бундан кейин ҳам яшайман, – деди Ахтам ўжарлик билан.

Шундай дегани билан орадан бир йил ўтмай она юртига йўл олди. Қариндошлардан паноҳ излаб эмас, балки онаси ва ўзининг бахтиқаролиги сабабини аниқлаш мақсадида борди.

## ФАЗЛИЯ

*1984 йил, 7 август*

Фазлия эрининг қимор ўйнашига ҳам, кеч келишига ҳам, бир неча кунлар йўқ бўлиб кетишига ҳам кўникиб қолган. Эри пайдо бўлганда «нега кеч келдингиз?» ёки «кеча қаерда санкиб юрувдингиз?» деб кўкрагига санчки тирамайди. «Овқат иситайми, чой ичасизми?» деб сўрайди. Қиморда бахт куёши қиягина кулиб боққан бўлса ҳам, эри олиб келган пулини ўртага ташлаб, то тонгта қадар мақтанишдан чарчмайди. Фазлия пулларни кўриб шодланиб кетмайди, сарфлашга ҳам шошилмайди. Рўзғорга кераклисини олиб, қолганини эрининг кўзидан панароққа яширади. Эри ютқизиб келса сувга бўккан мушукдай кунушиб олади. Тонггача ухламайди, дардини ичига ютиб, ўз ёғига ўзи қоврилиб жимгина ўтираверади. Охири «пулдан қолганми?» деб хотинига ялинади.

Фазлия қиморбозларнинг яхши-ёмон одатлари ҳақида кўп миш-мишларни ҳам, тўғри гапларни ҳам эшитган. Хотинларни қиморга тикиб юбориш оқибатларини озми-кўпми билади. Жойнамозда ўтирган хотинга қиморбозларнинг тегмаслигини унга айтишган. Лекин у эрининг бу қадар пасткашликка бормаслигига ишонгани учун сира жойнамоз устида кутиб ўтирмаган.

Эри бу кеч уйида тунамай, пешинга яқин қайтди. Фазлия унинг тунд чехрасига бир қарашдаёқ ютқизиб келганини англади. Одатига кўра, ортиқча гап-сўз қилмай, ошхонага кириб овқат иситди. Эри овқатга қарамади. Узатилган пиёлани олди-ю, ҳатто чойни ҳўпламай дастурхон устига қўйди. Фазлия ундан садо чиқишини тоқат билан кутиб ўтираверди. Эри қарзга ботган бўлса, сандикда эҳтиётлаб қўйган тугунчани очади, етмаса, сигир-бузоқни сотар... Унинг хаёли эрини қарздорлик ботқоғидан қутқариб олиш билан банд. Эрининг уч-тўрт марта хўрсиниб, сўнг пушаймон бўлган одамнинг хаста овози билан «пулдан борми?» деб сўрашини, пулнинг дарагини эшитгач эса «иккинчи ўйнамайман», деб қасам ичишини кутди.

Эри хўрсинди. Лекин пул эмас, ароқ сўради. Ярим шиша ароқ бор эди. Катта пиёлани тўлдириб, ютоқиб-ютоқиб ичди. Газак қилмай, афтини буриштирганича ўтирди. Бунақа одати йўқ эди, шунинг учун Фазлия хавотирлана бошлади. Охири «тинчликми, дадаси?» деб сўради. Эри «тинчлик» дегандай бош ирғаб қўйди. Лекин унинг кўзларига қарашга ботинмади. Унинг бу ҳолатидан Фазлиянинг хавотири баттар ошди. Ҳатто хаёлига «Мени қимор ўлгурига тикиб, ютқизиб келган бўлса-я!» деган ўй келиб, енгилгина сесканиб олди. «Ёшгина таннозлардан бўлсам экан, қиморга тикса, ютиб олган одам мени бошига урадим!» деб ўзига ўзи таскин берди.

Бундай ўтиравериш ўзининг ҳам жонига тегдими, эри туриб кўча томон юрди. «Ҳозир келаман», деб тўнғиллаб қўйди-да, чиқиб кетди. Шу кетганича икки кун кўринмади. Фазлия қайноғасиникига бориб маслаҳат сўрамоқчи эди, эридан гап очиши билан тўхтатишди:

– Мен у аблаҳга гапиравериб чарчаганман, келин. Ҳадеб бошимни оғритаверманг. Қарз сўраб келган бўлсангиз, аввал олган пулларини тўлаб қўйсин.

– Пул сўраб келмадим, маслахатингиз керак... Қарзларни... тўлаган эдилар-ку? Ё яна олувдиларми?

– Қарзни қачон олиб, қачон тўлагансанлар? Пул ҳар куни ишлаб турмаса, айланиб турмаса кадри кетади. Сенлар обдон кадрилини тушириб, кейин қайтаргансанлар. Жигарим экан, деб индамадим. Энди бундан бу ёғига жигар-пигарчилик йўқ.

Бошқа гапга ҳожат йўқ эди. Фазлия эрини оқламайди, лекин пул туфайли икки жигарнинг айри-айри бўлишига чидаши қийин эди. Пул – қўлнинг кири. Қўлнинг кир бўлиши ҳам осон, ювилиб, тоза бўлиши ундан-да осон. Лекин бу оқибатсизларнинг онаси тирилиб келиб бирига ака, бирига ука туғиб бермайди-ку...

Эри шомга яқин қайтди. Ширакайф эди. Қўлидаги халтада яна икки шиша ароқ, озгина колбаса билан нон бор эди. Сўрига чиқиб, дастурхон солинмаган хонтахта устига нарсаларини қўйди. Ошхона остона-сини ҳатлаган Фазлия унинг ҳаракатларини индамай кузатиб тураверди.

– Шунқорбойваччадан йигирма беш сўм қарз олдим, эртага сўраб келса, берворасан, – деди эри унга қарашга ботинмай. Сўнг халтадан чети учган пиёла чиқаргач, ароқни очди-да, тўлдириб қўйиб сипқорди.

Мана шунисига Фазлия чидай олмади. Чаққон юриб келиб сўрига чикди-да, унинг қўлидаги пиёлани юлқиб олди:

– Бу қанақа қилиқ? Қаердан олдингиз буни? – деди титроқ овозда.

– Бу ёққа бер, пиёла магазинчиниқи, эртага сўраб келса берворасан.

– Балони бериб юбораман. Менга қаранг-чи? Нима бўлди? Яна ютқиздингизми?

– Менми? Мен ютқизаманми? Йў-ўқ... Мен ҳеч қачон ютқизмайман. Мени алдаб-алдаб, аҳмоқ қилиб ютишади. Ҳали мен уларга кўрсатиб қўяман!

Фазлия унинг қанақасига кўрсатиб қўйишини

билмаса-да, овутиш мақсадида «ҳа, у жувонмаргларни болайсиз», деб қўйиб арокни олмоқчи эди, эри жонҳолатда шишага ёпишди. Фазлия ичиб-ичиб ухлаб қолар, эртага ўзига келар, деган ўйда сўридан тушди. Эри ичонғичлардан эмасди, салгинага маст бўлиб қоларди. Иккинчи шишадан ярим пиёла ичиб-ичмай ёнбошига шилқ этиб тушди. Фазлия унинг бошига ёстик қўйиб, устига чойшаб ёпди.

Хуфтон қоронғилиги атрофни ўз ҳукмига олганда болалар ухлаб қолишган эди. Кенжаси инжиклангани учун Фазлия унинг ёнида ётиб кўзи илинган экан. Юраги ўйнадими ё ғойибдан бир нима туртдими, аниқ билмайди, чўчиб кўзини очди. Қандайдир хавотир билан ирғиб ўрнидан турди. Эрининг йиғламсираган овозини эшитиб, ташқарига отилди. Ошхона эшиги тепасидаги чироқ оғилхона томонни ҳам хирагина ёритиб турарди. Ўша томонда эрининг қораси кўрингач, Фазлия югурди. Арқон ушлаб олган эри тимирскиланиб ниманидир излар, йиғламсираганича ўзига-ўзи лаънат ўқир эди:

– Бу кунингдан ўлганинг яхши Норбой! Сен аҳмоқни қийма-қийма қилиб ташлаган одам савобга қолади! Туғилишинг билан онанг тагига босиб ўлдириб қўйганида минг марталаб яхши бўларди. Сендай палидга кафан ҳам ҳайф, гўр ҳам ҳайф...

Бу гапларни эшитиб Фазлиянинг вужудидан жон чиқиб кетаётгандай бўлди.

– Дадаси!

Ўз назарида фарёд қилгандай эди. Лекин ўз овозини ўзи аранг эшитди.


– Дадаси!!

Бу сафарги кичкириғи довдираётган эрини ҳам чўчитиб юборди.

– Қоч, Фазли, қоч, менга халақит қилма, – деди у минғирлаган овозда.

– Уйга юринг...

– Фазли, қоч, мени Худо уриб қўйди.



– Ютқизган бўлсангиз, ўрни тўлиб кетар, сиқилманг.

– Энди ўрни тўлмайди, Фазли. Энди менга бир сўм ҳам сарфлама.

Эрининг аҳди қатъийлигини сезган Фазлия бир сапчиб, унинг кўлидаги арқонни тортиб олди. Эри бундан баттар довириб, хўнграб йиғлай бошлади. Атрофига олазарак қараб, ўнг томонидаги бешлик санчқини чангаллади.

– Фазли, кет! Кета қол!

Фазлия арқонни четга ирғитиб, у ҳам санчқининг дастасини маҳкам ушлади.

– Нега ундай қиялпсиз? Шунчалик кўп ютқиздингизми?

Эри жавоб бермай хўнграганича пешонасини унинг елкасига қўйди. Ҳам хавотир, ҳам иложсизлик чангалида қолган Фазлия кўрқибгина сўради:

– Мени ютқиздингизми?..

Эри жавоб ўрнига баттар хўнгради. «Мени ютқизгандир», деган шубҳа ҳақиқатга айланди. Эридан нафратланди. Бетларини юлиб олгиси келди.

– Шунчаликка бордингизми? – деди нафратли титроқ билан.

– Фазли... Фазли... Сен ўйлагандан ҳам баттар... Сен болларни олиб бирон ёққа қоча қол. Келганлар билан ўзим ҳисоб-китоб қиламан.

Бу гапи ажабланарли бўлди.

– Нега қочаман?

– Фазли, сен билмайсан, мени Худо уриб қўйди... Қиморга сени тикай десам, кўнишмаса, аччиқ устида болларни тикиб юборибман. Сен болларни олиб қоч, ҳозир келиб қолишади у номардлар...

Фазлия қиморга опа ёки сингиллар, хотинлар, ҳатто янгалар ёки келинлар тикилганини эшитган, аммо ўз фарзандини бу балога рўпара қила олувчи ҳайвоншева оталар ҳам мавжудлигини тасаввур ҳам қилолмас эди. Фазлия «ростданми?!» деб аниқлаштирмади. Эрининг

гапи унинг ақлу хушини парчинлаб ташлаган эди. У бор кучи билан санчкини тортди. «Фазли, қоч! Фазли қоча қол!» деб тинмай ялинаётган эри дастани кўйиб юбормади. Оқибатда эр-хотин ўртасида санчки учун олишув бошланди. Эри киндигига тиззаси билан зарба берганда Фазлия оғриққа чидолмай букчайди-да, бир қўлини кўйиб юборди. Шунда бўйнига иссиқ бир нима томди. Кейин яна томди. Бошини кўтариб қараб дод деб юборди. Санчки эрининг бўғзига санчилиб қолган эди...

Фазлия даҳшат тўрига бурканиб, нима қилишини билмай турганида орқа томондан овоз эшитилди:

– Эрини гумдон қилибди-ку!

Овоз келган томонга қараб, нотаниш икки кишини кўрди-ю, хавотир билан уй томон қаради.

– Эринг бизга ютқизиб қўйган эди... Эрингни ўлдирган бўлсанг, бу сенинг ишинг. Бизга бу аҳмоқнинг жони керакмас. Бизнинг ҳисоб-китобимиз бошқа.

– Қанақа ҳисоб-китоб? – деди хиркироқ овозда Фазлия. Буларнинг мақсадини билса-да, яна сўради: – Қанақа ҳисоб-китоб? Ана – эрим, мана – мен! Ҳисоб-китобингизга иккита жон камлик қиладими?

– Сенинг жонинг тикилганда, сен билан ҳисоблашардик. Сенинг жонинг итга ҳам керакмас.

Шундай деб уй томон бурилишганда Фазлия санчкини чангаллаб югурди-да, йўлларини тўсди:

– Инсофинглар борми ўзи! Болаларда нима гуноҳ?

– Бизда инсоф бор, эрингда йўқ эди ўша инсоф. «Болларингни тик», деб ҳеч ким зўрлагани йўқ.

Шундай деб улар яна уч-тўрт қадам қўйдилар. Фазлия тисарилди. Сўнг санчкини ўқталди.

– Ўзимам ўламан, икковингниям ўлдираман, лекин болаларимнинг битта тукини ҳам тўктирмайман.

Улар бир-бирларига қараб олиб, тўхташди.

– Яхши, биз одамхўр эмасмиз. Эрингни кўмиб ол, сенга қирқ кун муҳлат берамиз. Эрингнинг қарзини тўлайсан. Бўлмаса, етимчаларингни олиб кетамиз.



Кўркма, ўлдирмаймиз. Сендан кўра яхшироқ қараймиз. Бизнинг хизматимизни қилиб катта бўлишади. Балки шу болларинг туфайли остонангча тилладан бўлиб кетар.

Улар ўгирилиб кетишгандан кейин ҳам Фазлия жойидан жилмади – санчкини маҳкам ушлаганича тошдек қотиб тураверди. Кейин секин-секин тисарилганича уй остонасига борди. Қўшнилари ёрдамга чақириш, эрига қараш хаёлига ҳам келмади. Назарида бу икки одамхўр уни алдаб сал нари кетишгану ҳадемай қайтишиб, болаларини бир-бир сўйиб чиқишадигандай эди.

Қанча турганини билмайди. Дарвозалари олдида машина тўхтагач, сергакланиб ўша томон тикилди. Бирин-кетин югуриб кирган икки милиция ходими унга тўппончаларини ўқталиб бақаришди:

– Паншахангни ташла, бўлмаса отамиз!

Фазлиянинг назарида боягилар милиция кийимида қайтиб келгандай туюлиб, санчкини ўқталганича қотиб тураверди. Милиционер йигитлар яқинлашишга ҳайиқиб, яна огоҳлантиришди. Шовқинни эшитиб чикқан қўшнилари аввалига ҳайратланиб туришди. Фазлиянинг ҳолатида ўзгариш сезилмагач, бу хонадонга сирдош бўлган қўшни хотин унга аста яқинлашиб, елкасини силади. Сўнг қотиб қолган бармоқларни санчки дастасидан ажратди. Шундан сўнг милиционерлардан бири югуриб келиб, Фазлиянинг кўлига кишан солди. Буни кўрган қўшнилари норози бўлиб, йигитларни ўраб олишди.

– Бу хотин эрини ўлдирган! Милицияга қаршилик кўрсатди, – деди кишанлаган йигит, сўнг атрофдагиларга «тарқалинглари!» деб буюрди.

Оғилхонадаги аҳволдан беҳабар қўшнилари дарров бўш кела қолишмади.

Лекин... чорасиз эдилар...

Фазлияни эрини қасддан ўлдиришда айблаб, олиб кетишди.

Фазлия эрига санчки қандай санчилганини билмай қолган эди. Шу боис айбга бўйин эгишдан ўзга чораси қолмади.

Мурдани қариндошлар, қўшнилар кўмишди. Гарчи кафанга арзимаса ҳам кафанлашди, гарчи лаҳадда ётишга лойик бўлмаса ҳам, икки кулоч ер-у битта гувалани ундан аяшмади.

Болаларни қариндошлар битта-битта бўлиб олишган эди. Қирқ кундан кейин уларнинг барчаси бир кунда, ҳатто бир соатда ғойиб бўлдилар...

## АСАДБЕК

*1955 йил 30 октябрь.*

Асад онасидан ҳам ажрагач, қўни-қўшнилар унинг тақдиридан ташвишлана бошлашди. Унинг ошиқ тепувчи қиморбозларга дастёрчилик қилаётганидан хабар топган Жалилнинг отаси аввалига яхши гапириб кўрди. Ўшанда Асад ўртоғини соткинликда айблаб, у билан хафалашиб қолганди. Жалил ўртоғининг қиморбозлар орасида ўралашиб юрганини, чўнтагида пул пайдо бўлиб қолганини билгани билан отасига айтмаганди. Қўшни маҳалладаги битмаган иморат ёнидан ўтаётган Жалилнинг отаси ичкарида ошиқ тепаётганлар орасидаги Асадни кўриб қолганди. Насихат кулоққа олинмагач, қўшнилар Асаднинг узок қариндошлари билан биргаликда маслаҳат қилишиб, уни мактаб-интернат деб аталмиш янги услубдаги етимхонага топширишни маъкул кўришди. Асад эътироз қила олмасди, чорасиз эди. Овози раста бўла бошлаган ўсмирнинг озод ҳаётдан бу эрксизликка ташланиши оқибатини ҳеч ким ўйламаганди. Улар болани ёмонлар даврасидан асрашмоқчи эдилар. Ҳолбуки, бола бу давра булоғидан баҳра олишга улгурган эди. Энди у учун яхшилар булоғининг суви бемаза тую-

лишини кўшнилар тасаввур эта олмасдилар. Аввалига норози бўлгани билан, бир-икки ҳафтадан сўнг Асад кўшнилариининг бу тadbирларидан қувонди. Қиморбозларга кўшилганида кўшниларнинг сезиб қолишларидан чўчирди. Энди, интернат ҳавосини олгач, истаган пайтда ғойиб бўлиши мумкинлигидан мамнун эди.

Бу интернатда етимлардан ташқари, ота-онаси тирик болалар кўпроқ эди. Катта-кичик мартабаларда хизмат қилиб, боласи тарбияси билан шуғулланишга вақти йўқ ота ва оналар фарзандларини етимхонага топширишдан истиҳола қилишиб, шундай мактаб-интернатларни барпо этишганди.

Асад интернатга жойлашган куниёқ бир қизга маҳлиё бўлиб қолди. Маҳалласида ҳам, мактабида ҳам чиройли қизлар кўп эди, лекин уларни кўрган онларида бундай туйғу уйғонмаганди. Болалик даврлари ортда қолиб, ўсмирликнинг тотли фаслига кириб келганини у ҳали фаҳмламас эди. Унинг билгани – шу ёқимли ва чиройли қизни кўрганида юраги бошқача ура бошлайди. Яна билгани – шу гўзаллик олиҳасига угина эга чиқиши керак! Бошқача бўлиши мумкин эмас! Шу қиз учун олишиш шарт бўлса – олишади! Унга етишмоқ учун қоплон бўлиши зарур бўлса – қоплонга айланади, илон бўлиш талаб этилса – бундан ҳам қайтмайди! Энди у «халқ душмани»нинг фарзанди»га нафратларини изҳор этиб, башарасига тупуриллаётган пайтда мутелик билан турувчи бола эмас. Энди у ғзабини яширмайди, энди атрофни олов бўлиб куйдиришга ҳам қодир...

Қалбда уйғонган муҳаббат чўғи янги Асадни тарбия қила бошлаган эди.

Интернатга келганининг учинчи куни нонушта пайтида, ёнида ўтирган шерикларидан сўраб ҳам ўтирмай, стол устидаги повидлоли тўртта ширин сомсани олди-да, чой ичиб ўтирган ўша қизга яқинлашди. Бир стол атрофидаги тўрт қиз, жумладан, ўша гўзал ҳам, унга ажабланиб қарадилар.

– Отинг Манзур экан-а? – деди у дабдурустдан.

– Манзур эмас, Манзура, – деди ўша чиройли кизнинг дугонаси лабини буриб.

– Нима фарқи бор? – деди Асад, тўпорилик билан, кейин сомсаларни кизнинг олдига қўйди. – Бу сенга.

– Менга? – деб ажабланди Манзура. – Нима қиламан?

– Нима қилардинг, ейсан. Озғинлигингни қара, сен кўп овқат ейишинг керак.

– Сенга озғин қизлар ёқмайдими? – деди бояги қиз, ҳиринглаб кулиб.

– Сендақа хомсемизларга тоқатим йўқ, – деди Асад қўполлик билан.

Бу гаплардан ранжиган Манзура шарт ўрнидан туриб, икки бетини кафтлари билан ушлаганича, ошхонадан чиқиб кетди. Дугоналари ҳам ўринларидан туришди. Бояги қиз дугонасига эргашаётиб Асадни бир гап билан чақиб олишни унутмади:

– Одаммисан, тўнкамисан, нима бало!

Асад ичида сўкинди-ю, қиз бола билан тенг келишни истамади.

Ошхонадан чиқаётганида бўйдор бир бола уни тўхтатди:

– Нега Манзурнинг атрофида ўралашиб қолдинг? – деди у беписандлик билан.

– Ўралашганим йўқ, сомса бердим, – деди Асад унга тик қараб.

Янги келган боланинг бундай қараши бўйдорга ёқмади, унинг ёқасига қўл юборди. Асад чакқонлик қилиб, билагидан маҳкам ушлади. Бўйдор унинг кучини ҳис қилган бўлса ҳам, бўш келишни истамай дағаллик билан деди:

– Агар яна Манзурга яқинлашсанг, битта оёғинг синиб қолиши мумкин, чўлоқланиб юриш ёқса, билганингдан қолма.

– Икки оёғинг сингандан кейин эмаклаб юришингни биров кўрса, орқаси билан кулса керак? – деди Асад заҳарли пичинг билан.

Бу гапни эшитиб, бўйдор қулини силтаб тортиб олди. Бу онда икки жўжахўрознинг юзма-юз туришидан бир ёмонлик исини сезган тарбиячи хай-хайлаб колди.

– Ким эмаклаб қолишини кўрсатаман!

Бўйдор шундай деб ташқарига йўналди. Асад, уч бола унга эргашганидан, унинг интернат зўрларидан эканини билди. Тарбиячи унга яқинлашиб, енгидан силтаб тортиди:

– Нега уришяпсан? – деди кўпол оҳангда.

– Уришганим йўқ, танишдим.

– Сен ўзингдан кетма, бола! Суннатиллани жигига тегмай, жим юр.

– Менинг бу болангиз билан ҳам ишим йўқ. Фақат бир савол берди, шунга жавоб топишим керак экан.

– Қанақа савол?

– «Битта оёқ синиб чўлоқланиб юрган яхшими ё икки оёқ синиб эмаклаб юрган яхшими?» деб сўради.

Бу гапни эшитиб, тарбиячининг капалаги учиб кетди. Ҳатто лаблари бир оз титради ҳам.

– Агар Суннатиллани чертгудай бўлсанг отасидан балога қоласан! – деди.

– Отаси зўрми?

– Зўрми, зўр эмасми, бу сенинг ишинг эмас!

«Яхши бола бўлиб юришга» сўз бериб, тарбиячининг тарбиявий дақиқасидан қутулгач, Асад синфдошларидан бўйдор ҳақида сўраб-суриштирди. Тарбиячининг чўчиб тушиши бежиз эмас экан, бўйдорнинг отаси жисмонан эмас, мартаба жиҳатдан «зўр» бўлгани учун ҳамма унинг эътиборидан чўчиб тураркан. Бўйдор куч жиҳатдан эмас, ана шу обрў жиҳатдан интернатнинг зўри – «пахани» ҳисобланаркан.

Ўша куни пешиндан кейин Асад бўйдорга яна рўпара келди.

Икки дугонаси билан чинор дарахти соясида суҳбатлашётган Манзурага Асад хумор кўзларини қадаганича сал нарида ёниб турарди. Бўйдор ҳам шу яқин атрофда эди. Асад унинг ҳаракатларини ҳам на-

зардан кочирмасди. Бўйдор чўнтагидан қоғоз чиқариб, шеригига берди. У, ҳаялламай, қизлар томон юрди. Манзурага хатни тутқазди-да, кулоғига нимадир деб пичирлади. Қизлар сирли равишда кулишди. Манзура эса уялиб, кафтини бетига тутди. Иккинчи кўлидаги хатни ўқимай, ғижимлади.

Асадбек кузатиб тураверишга ортиқ тоқат қилмай, қиз томон юрди. Унинг яқинлашаётганини кўрган қизлар нари кетишди. Манзура жойидан жилмади. Бу Асадга маъқул келиб, янада дадиллашди.

– Бу хат менга экан, бола пакир адашиб сенга берибди, – деб кўлини чўзди. Манзура чўчинкираганича бўйдор томон бир қараб олиб, сўнг ихтиёрсиз ҳолда хатни узатди. Асад хатни олиб, баттар ғижимлаганича деди: – Сен у найновга қарама, хатларини ҳам ўқима.

– Қараётганим йўқ, ўзи шилқимлик қилаверади, – деди Манзура нажот нигоҳи билан унга қараб. Асадга бу ҳолат ҳам ёқиб тушди.

– Энди шилқимлик қилмайди, менга ваъда қилди, – деди Асад қатъий. Манзура бу гапга ишониб, изох берди:

– Олдинги шанбада уйга кетаётганимда орқамдан эргашиб борди...

– Энди бормайди.

Асаднинг дадил гапириши Манзурага ёқди. Боланинг эрталабки тўпорилиги учун ранжиган қиз кўнглидан хафалик чиқиб кетди. Беихтиёр «рахмат» деди-да, бурилиб, дугоналари изидан югурди. Асадбек хатни майда-майда қилиб йиртган чоғида бўйдор унга яқинлашди.

– Кучайдингми? – деди ўқрайиб қараб. Асад унинг таҳдидига парво ҳам қилмади.

– Нима демоқчисан?

– Чиройли қизлар кучли одамларники бўлиши керак.

– Тўғри айтасан, чиройли қизлар эгасиники бўлади.

– Нима демоқчисан? Эгаси... сенмисан?

– Ҳа, менман.

– Кеча келиб, бугун хўжайинлик қилмоқчимисан? Чиқасанми? – деди бўйдор Асадни олишувга даъват этиб. Асад бу пўписага ҳам парво қилмади:

– Бирга-бирми ё думларинг ҳам қўшилишадими?

– Олдин битта думим билан тушасан. Уни қойил қилсанг, кейин менга чиқасан.

– Ҳозирми?

– Йўк, ҳозир қорнинг очиб, шилқиллаб турибсан. Қоронғи тушганда, ошхонанинг орқасида. Хоҳласанг ўзинг ҳам думларингни олвол.

– Дум сенда бўлади. Мен ўғил боламан!

Бўйдор жавоб қайтара олмади. Гапдан енгилгани алам қилиб сўкинди-да, ўз даврасига қайтди.

Белгиланган жойга шом қоронғисида Асаднинг бир ўзи келди. Ун чоғли бола уни кутиб турган эди.

– Гапимиз ўғил болачасига бўлади, – деди бўйдор уни қарши олиб. – Олдин Шухратик билан тушасан. Эпласанг эпладинг, бўлмаса, жимгина писта қилиб юришга сўз берасан.

Асад куч жиҳатдан Шухратнинг зўр эканини фаҳмлади. Бу болани бўйдор пул берибми ё бирон ваъда биланми ўзига қарам қилиб олганининг сабаби барчага номаълум эди.

Чап бетига тарсаки, ўнг бетига енгил мушт тушганда Асад гангиб қолди. Тўпланганлар масала ҳал бўлди, икки муштлик ҳоли бор экан, деган тўхтамга келишди. Айниқса, бўйдорнинг кўзлари шодликдан қулди.

Ўртадаги икки йигитча бир-бирини яхши танимасди. Шухратдан фарқли ўлароқ, Асад нима учун муштлашаётганини аниқ биларди. Бу олишувда Шухрат кул мақомида эди: хўжайини буюрди, у уришяпти. Енгса, хўжайини миннатдор бўлади, енгилса – кўп нарса йўқотмайди – сўкиш эшитади. Асад эса енгса, кўнгил қўйганига эга чиқади, мағлуб бўлса – ўз фикрига кўра, ҳамма нарсасини бой беради – хорлик ботқоғига чўқади. Шу боис унга фақатгина ғалаба керак!

Асад ҳарифидан кўзларини узмаган ҳолда тезгина тисарилди. Ошиқ тепувчи уйғур йигит унга хитойча тепишни ўргатган эди. Асад ҳозир ўша тепкини ишга солиш вақти келганини англади. Ўнг оёғини орқага букди, ўнг қўли билан панжасини ушлади-да, оёкка куч берди, сўнг қўйиб юборди. Оёғи худди камондан узилган ўк каби учиб Шухратнинг жағига урилди. Бунақа тепкини ҳеч ким кўрмаган, демакки, кутмаган эди. Асад тепиш жараёнида устозининг яна бир ўғитига амал қилди: рақибининг онасини эслаб, бўралаб сўкди. Шухратнинг хушидан кетишига битта тепки кифоя қилди. Асаднинг сўкишини эшитмади, сўкиш бу ёқдагиларнинг кулоқларини қоматга келтирди. Шухрат уч-тўрт дақиқада ўзига келди. Болалар аввалига ўлиб қолди, деб кўрқишди ҳам. Асад уларни кузатганича майдондан чикмай тураверди. Жағи шиша бошлаган Шухрат хушига келгани билан мушталашувни давом эттирадиган ҳолда эмасди. Шу боис бўйдор енг шимариб ўртага тушди.

– Бекор қиялсан, сенга шунинг ўзи кифоя эди, – деди Асад, уни огоҳлантириб.

Бўйдорнинг кўзларида кўрқув зоҳир эди, аммо сир бой бергиси келмади:

– Сен бугундан бошлаб эмаклаб юрадиган бўлиб қоласан!

Бўйдор дағдаға қилмокчи эди. Лекин овозида таҳдид эмас, ишончсизлик оҳанги сезилиб қолди. Аввал зарба учун пайт пойлагандай давра ўртасида айланаверишди. Асад ҳужумни бошламади. Бўйдорнинг мушталарига чап бериш билан қаноатланди. Бир маҳал тепиш учун оёғини орқага букди. Бундан сергакланган бўйдор тисарилди. Лекин Асад уни тепиб шикастлашдан ўзини тийди. Башарасида из қолишини, кейин шу туфайли қандайдир балоларга дуч келишини истамади. Бўйдорни белига қўл юбориб, маҳкам қисди-да, кулатди. Сўнг уни миниб олиб, ўнг қўлини орқасига қайириб олди. Бўйдор оғриқдан додлаб юборди. Болалар «пахан»ларини кутқаришга чоғланишганда бўй-



дор ётган ерида: «Қайтларинг! Ўзимиз келишамиз!» деб бақирди.

Келишдилар...

«Пахан»лик мартабаси ўша ондан Асадга ўтди.

Ўша онда у ўз оламини белгилаб, чегаралаб олди. Ўз оламига ҳоким бўлди. Ўзининг мустаҳкам қалъаси пойдеворига биринчи мустаҳкам тошни қўйди.

Ўшанда энг чиройли қизга тўла эга чикдим, деб янглишган эди. Орадан йиллар ўтиб, уйланиш палласи келганда, совчилари қуруқ қайтишганда адашганини сезди. Энди қизга муштлашув орқали эга чиқа олмас эди. «Қиморни ташлайман» деб қасам ичгач, Жалилнинг отаси қиз хонадонига қатнайвериб, кўнмагунларича ҳоли-жонига қўймади...

Асадбекнинг қиморбоз дўстлари ҳиммат қилишиб, тўйни дабдаба билан ўтказишди. Манзура келинлик либосида остона ҳатлаб кирганда Асадбек ўзини илк маротаба чинакамига бахтли ҳис қилди.

## АБДУРАҲМОН ТАБИБ

*1990 йил, 3 июнь.*

Дев аканинг хужрасини макон тутганлар ҳадеганда йўқолишмади. Худди бу ерга бутунлай кўчиб келишгандай бамайлихотир яшайверишди. Бу атроф қишлоқларни назорат қилувчи милиционер йигит ҳам уларга бир мартагина рўпара бўлди холос, кейин «нима учун берухсат ётибсизлар?» деб сўрамади.

Абдураҳмон табибнинг сезгир юраги қандайдир зулмни ҳис қилиб, сиқилаверди. Беш-олти марта хужра ёнидан ўтди. Аввалига нотаниш маллалар ажабланиб қараб қўйишди. Шу қишлоқда туғилган, улғайган палласида шайтон йўриғига кириб кетиши туфайли бу тупрокка бегона бўлиб қолган Қоровой эса норози қиёфада кўз тикди. Маллаларнинг ажабла-

ниши ҳам, Қоровойнинг норозилиги ҳам бежиз эмасди. Бешинчи марта ўтаётганида Қоровой хужрадан чиқиб, унинг йўлини тўсди.

– Бу томонларга бунча серкатнов бўлиб қолдингиз? – деб сўради у саломни унутиб.

– Доим ўтиб юрадиган йўлим, сенга нима қутқулиги тушиб қолди? – деди Абдурахмон табиб зарда билан.

– Юришингиз ошналаримга ёкмай турибди, сал наридан айланиб ўтганингиз маъқул.

– Ёкмаётган бўлса, ошналарингни олгин-у, бу ердан қорангни ўчир.

– Ўчакишманг, ошналаримнинг жаҳли ёмон.

Тақдир баъзан шундай ғаламислик қиладики, таажубдан кўра ғзаби келади, кишининг. Айниқса, сурбет одам билан юзма-юз келганда ўз қорнига ўзи пичоқ тортиб юборишга ҳам рози бўлиб қолади. Қоровойнинг туриши, нурсиз нигоҳидаги зулм булутининг сояси, тилидан учган совуқ гаплар Абдурахмон табибни шундай кўйга солди.

– Гўрга кириб кетган жаҳли ёмонларни санаб адоғига етиб бўлмаслигини ҳеч ўйлаб кўрганмисан? – деди у жаҳлини яширмай.

Қоровойга бу ҳақиқат ҳам таъсир этмади, ўша совуқ оҳангда эътироз билдирди:

– Булар осонлик билан гўрга кирадиганлардан эмас.

Жимгина оқаётган сув ўз остидаги гирдобни ҳар вақт ҳам яшириб сақлай олмаганидек, Абдурахмон табиб ҳам вужудини қамраб олаётган ғзаб ўтини жиловлашга ожизлик қилиб, овозини кўтарди:

– Унақада буларингни Худо ёмон урибди: ошналарингга гўр ҳам насиб этмас экан...

Бу гапни эшитган эси бутун одам келажagini кўз олдига келтиролса, юраги ёрилиб, ўлиб қолиши ҳам мумкин эди. Қоровой эса пинагини бузмади. Аламини ичига ютиб юрган кишиникига ўхшатиб заҳарханда қилди:

– Совуқ нафас қилманг. Биз ҳали кўп яшаймиз, майшатлар қиламиз, ўйнаб-куламиз.

– «Яшаймиз» дедингми? Сен ҳали ўзингни тирик одам каторида кўряпсанми? Сен Мамасолининг сигирини ўғирлаган кунинг ўлган эдинг. Сен одам эмас, хунук бир шарпасан.

– Агар бир пайтлар онамни даволамаганингизда ҳозирги гапингиз учун гўрингизга бенавбат кирғизворган бўлардим. Иззатингизни билинг-у, жўнанг бу ердан!

Абдурахмон табибни ғазаб баттар бўға бошлади. Бу бадбахт қанчалар қарғишга лойиқ бўлса ҳам, шарият йўриғига амал қилиб, дуоибад этмай, унга инсоф-тавфик тилади-да, нари кетди.

Қоровойнинг нурсиз нигоҳи унга кимнидир эслатди. Ўйлай-ўйлай ёдига тушди, чувақдан келган, сўхтаси совуқ одамни эслади: ўтган йили «ошнам касал, тузатсангиз, оғзингизга сикқанича сўрайсиз, бир тийин кам берган – номард!» деб катта кетган бу одамнинг илтимосини рад этгач, «билиб кўйинг, ошнам ўлса, бу уйда битта ҳам тирик жон қолмайди!» деб дўқ урган эди. Ўшанда табиб: «сен... валади зинога ўхшайсан» деб гапини калта қилганди. Аравондаги улоққа олиб борилаётган отлар ўлдирилганди ўшанда. Абдурахмон табиб ўша воқеани, иблис нури билан чақнаган ўша кўзни унутиши мумкин эмас. Яқинда бир туш кўрди: кўкатлари жазирамада қуриб, қовжираб кетган гўр устида бир калла турганмиш. Кўзларни таниди: ўша одам. Бу кўзлардан қон оқа бошлагач, Абдурахмон табиб босинқираб уйғониб кетди...

Қоровойнинг кўзлари ҳам ўшанга ўхшайди. Зулмни касб қилганларнинг нигоҳлари бир-бирига шунақа ўхшармикин?..

Орадан бир неча кун ўтгач, хуфтонни ўқиб бўлиб, ётишга тайёргарлик кўраётган онда кўча эшиги тақиллади. Бу хонадонда табибнинг ўзими ё энг ки-

чик ўғил набирасими бўлса, бас, биров чақириб келса, эшикни очиш у ёқда турсин, аёллар овоз беришмас эди. Абдурахмон табиб гўдаклигидан бери биладиган бу одатга ҳеч қандай ўзгартиш киритмаганди. Ҳозир ҳам «мен ётяпман, бирортанг чиқа қол», деб буюрмади. Кўйлагини эринмай кийиб, эшик сари юрди. Остона нарёғида турган Қоровойни кўриб ажабланди. Бу сафар Қоровой салом берди. Табиб алик олди. Атроф қоронғи бўлмаганида унинг лаблари салгина титраганини, юзига ташвиш булути соя ташлаб турганини сезган бўлар эди.

– Маслаҳатга келувдим...

Қоровойнинг бемаврид ташрифидан ажабланган Абдурахмон табиб бу овозда титроқ сезиб, таажжуби янада ошди. Ичкарига таклиф қилди. Қоровой кирмади.

– Мен билан бирга мозорга бориб кела оласизми? – деди умид билан.

– Мозорга? Ҳозирми?

– Ҳа... ҳозир...

Тунов кунги учрашувда гўрга бенавбат кирғизвориш истагидаги одамнинг қоронғи кечада мозорга таклиф қилиб келиши ғоят ажабланарли ҳол эди.

– Нима бўлди? Сабабини айт-чи?

– Кўзимга бир нарсалар кўриняпти. Асли... кишлоққа келганимдаёқ бошланувди. Ўтиб кетар, деб ўйловдим. Баттар кучайяпти. Икки кундан бери уйку йўқ. Кўзларимни юмсам, юрагим портлаб кетай деяпти.

– Ўлдирган одамларингни кўраётгандирсан, мурдалардан кўркмасанг ҳам бўлади.

– Улар эмас... онам кўринадилар...

– Унда... онанг қилаётган ишларингдан безовта экан. Сени деб бечора маломатларга қолди, йўлингга кўз тикиб ўлди. Ўғил бўлиб гўрига бир сиқим тупроқ ташламаган эдинг. Ишқилиб адашган бўлайин, ҳар

ҳолда қайтганингдан кейин ҳам мозорбошига борма-  
гандирсан?

Қоровой бу аччиқ ҳақиқатга дарров иқроп бўлмади.  
Сукут сақлади. Кейин хўрсинди:

– Адашмадингиз...

– Анави куни «сен ўлик одамсан», десам аччиқ-  
ландинг...

– Илтимос, мени ҳозир сўкманг, мозорга бориб ке-  
лайлик. Онамга сиз кўп яхшилиқлар қилгансиз. Отам  
ўлганидан кейин ўн ой ўтиб туғилганимни ҳам билла-  
ман. Онамни уятдан қутқариш учун «шунақаси ҳам  
бўлади, баъзан бола бачадонга ёпишиб қолади», деган-  
нингизни ҳам одамлардан эшитганман. Ҳақиқий отам  
кимлигини онам айтмаганлар, сиз ҳам..

Абдурахмон табиб унинг таънасини эшитиб: «ал-  
валаду сирру абиҳ», деб пичирлаб кўйди. Қоровой  
унинг лабидан учган сўзларни эшитди-ю, англамади:

– Нима дедингиз? – деди ажабланиб.

Абдурахмон табиб «бола отасининг сиридур» де-  
ган ҳикматни унга тушунтиришни истамай, гап маро-  
мини бурди:

– Мендан сўрамагансан. Сўраганингда ҳам жавоб  
бера олмас эдим. Бу сир Худога-ю яна онанг билан  
чин отангга маълум эди.

– Онам кўзимга кўринганларида аввал сиз томонга  
бошлаяптилар, кейин мозорга... Балки ўша ерда бир  
сир бордир?

– Буни Худо билади. Бугун ичганмисан ё наша  
тортганмисан?

– Йўқ...

– Мозорга бормоқчи бўлсанг, аввал ичкари кир,  
тахорат қилиб, покланиб ол, бу ҳолатингда қадам бос-  
ма у жойга.

Қоровой билганича, чала-пулча поклангач, йўлга  
тушдилар. Бу вақтда тўлин ой терак бўйи кўтарилиб,  
атроф гўзал нурга буркана бошлаган эди. Қоровой  
ярим қадам орқада борарди. Абдурахмон табиб орқа-

сига ўгирилиб қаради – Ой нури Қоровойга чирой бахш этишга ожизлик қилган, юзи ўликники каби совуқ – нурсиз, ифодасиз эди.

– Кўзингга кўринган шарпа қайси кўчалардан олиб ўтганини эслайсанми? – деб сўради Абдурахмон табиб. У «онангнинг арвоҳи» демоқчи эди, юмшоқроқ гапириш мақсадида «шарпа» деб кўя қолди. Ҳолбуки, арвоҳни тилга олган тақдирда ҳам Қоровой кўрқиб, лабига учуқ тошмаган бўларди.

Қоровой саволга жавобан бош ирғаб, тасдиқ ишорасини қилди.

– Унда олдинга ўт, – деб буюрди Абдурахмон табиб.

Қоровой бугун ароқ ҳам ичмаган, наша ҳам чекмаган эди. Бироқ, кеча ҳар иккисининг кайфида ўтирганида кўзига онаси кўринганди. Кайфи тарқалганда «мозорга хаёлан бориб келдим», деб ўйлаганди. Аслида эса ўзига-ўзи гапириб, худди тунги ойпараст бемор талвасасида бориб келганди.

Мозорнинг кунботар томонида Дев аканинг хужрасига нисбатан ободроқ бир уйча бор эди. Уй сохиби Дев акага ўхшаган девонаваш бўлмаса-да, одамларга кўшилмасди, оила ҳам қурмаган эди. Барчага «Гўрўғли» деган ном билан танилган бу одам, Абдурахмон табиб тахминича, ёш жиҳатдан қишлоқнинг улуғи эди. Исмининг келиб чиқиши ҳақида турли миш-мишлар юрарди: бировлар «онаси ҳомиладорлигида ўлиб, кўмилгач, лаҳадда туғилган, гўрков боланинг йиғисини эшитиб, кавлаб олган», дейди, бошқаси: «очарчилик пайтларида кўшни қишлоқлик хотин боласини боқолмай гўрковга ташлаб кетган», деса, кўпчилик унинг касби – гўрковлигига ишора қилади. Унинг неча йиллардан бери гўрковлик қилишини биров ҳисоблаб кўрмаган. Гўрўғли эса эллик йилнинг нари-берисида кимнинг қаерга ва қачон кўмилганини аниқ кўрсатиб бера олади. Унга қабристоннинг яна айрим сирлари ҳам маълумки, бу

хақда бировга гапирмайди. Фақат Абдурахмон табиб билан суҳбат курганда айримларидан уни воқиф қилиб кўяди. Сир иккинчи одамга айтилса, сирлигидан чиқади, дейишади. Бироқ, гўрковнинг Абдурахмон табибга айтган сири махфийлик чегарасини хатламаган, Қоровойнинг онаси ва ҳақиқий отасига тааллуқли сир ҳам шулар жумласидан эди.

Абдурахмон табиб фақат бир марта Гўрўғлидан эшитган махфий гапни ошкор этишга мажбур бўлганди. Ўшанда Гўрўғли Исматнинг арвоҳи безовталанаётганини айтиб, сабабини англаёлмай гаранг бўлаётганини билдирганди. Арвоҳнинг безовталиқ сабабини Абдурахмон табиб тахминан биларди. Исмат янги уй солаётганида ўзининг ҳовлиси кенггина бўлишига қарамай, кўшниси еридан бир қисмини эгаллаб олган эди. «Кенгга кенг дунё» деб яшовчи кўшни норози бўлса ҳам жанжал қилмаганди. Фақат бир марта Абдурахмон табибга дардини айта туриб: «кўшним охиратини ўйламади-да», деб афсусланганди. Абдурахмон табиб унинг бу афсусини етказганида Исмат бўш келмай, «асли ҳовлисини таг-туғи билан олиб кўйсам ҳам ҳақким бор. Бу жойларнинг эгаси менинг катта дадам эди», деганди. Абдурахмон табибнинг: «Ад-дунё ёвмун ва лано фиҳо савмун» – дунё бир кундек ва биз унда рўзадормиз. Иним, бу ерларнинг, бу сувларнинг эгаси битта – раббимиз Аллоҳ! Сиз билан биз вақтинча фойдаланувчилармиз. Бир-биримиз билан жой талаша-талаша дунёдан кўз юмганимизда бизларга икки қулочгина ер насиб этади. Талашганимиз учун эса охиратда Аллоҳ ҳузурида уялиб қолишимиз мумкин», деган ўғитига парво ҳам қилмаганди. Арвоҳининг безовталигини эшитгач, Исматнинг ўғлига бу сирни ошкор этишни мақсадга мувофиқ деб билди. Ўғил отасидан фарқли ўлароқ, бамаъни эди, табибнинг гапларини эшитгач, «шу уй хосятсиз бўлди, бузиб ташлайман», деди. Бироқ, уйни бузишга кўшниси йўл бермади. У мозорга бориб,

Исматнинг қабри тепасида розилигини Абдурахмон табиб гувоҳлигида айтди... Ушанда, қабристондан қайтишда Абдурахмон табиб бир байт айтиб, маъносини тушунтириб берганда Исматнинг гуноҳини кечирган ўша кўшниси йиглаб юборган эди. Эртасига қоғоз-қалам кўтариб чиқиб, «кеча айтганингизни ёзиб беринг, ёдлаб олиб, керакли жойларда тушунтириб бераман», деб илтимос қилди. Абдурахмон табибга бу маъқул келиб, хуснихат билан ёзди:

«Дунё эрур мазраъан фохира,  
«Ад-дунё мазраъатул-охира».

Кейин қайтадан тушунтирди:

– Бу байт ҳазрат Навоийники. Илоҳий хикматни назмга солиб, деганларки: кўзимизга кўриниб турган дунё чиройли, фахрланса арзигулик экинзорга ўхшайди, аслида эса «бу дунё у дунёнинг полизидур». Бу дунёда яхшилик экинини эксанг, у дунёда жаннат меваларини терасан. Бу дунё полизига ёмонлик уруғини қадасанг, Қиёматда дўзахнинг оташ тошларини ютасан...

Қабристон худудига етганда Қоровой чўчиб, бир неча нафас тўхтаб қолди. Абдурахмон табиб «юрмайсанми?» деб зўрламади. Бир қадам нарида тўхтаб, сабр қилди. «Бировнинг молини ўғирлаётганда, молига қўшиб жонини олаётганда қўллари титрамаган бўлса керак, – деб ўйлади Абдурахмон табиб. – Наҳот, ўликлар оламидан кўрқаётган бўлса? Ҳа... кўрқаётгандир. Ўзини бирон хавфдан асраш учун тирикни ўлдириши мумкин. Ўлик таъкиб қилса-чи?..»

Абдурахмон табиб хаёлидаги саволга жавоб топмай туриб, Қоровой дўмпайиб турган гўрлар орасидаги ёлғизоёқ йўл бўйлаб юриб кетди. Ичкарилиқдаги белгисиз, ташландиқ қабр олдида тўхтаб, ўтирилдида, «бу жойда ким ётибди?» дегандай табибга қаради. Табиб бу қарашнинг маъносини англамагандай инда-



мади. Бир неча нафас тургач, Қоровой яна юриб кетди. Сўнг яна бир ташландиқ гўр олдида тўхтади.

– Онанг шу ерга кўмилган, – деди Абдурахмон табиб унинг савол назарига жавобан.

Қоровой чўкди. Абдурахмон табиб тик тураверди. «Худонинг инсоф бергани рост бўлсин», деб ўйлади.

Икки-уч дақиқадан сўнг Қоровой қаддини тиклаб:

– Мармартошнинг энг зўридан ўрнатиб кўяман, – деди.

Абдурахмон табиб «мармартош кўйиш ўрнига ҳидоят йўлига кирганинг аълороқ», демоқчи бўлди-ю, бу гапнинг ўрни ва мавриди эмаслигини билиб, индамай кўя қолди. Қоровой эса яна қабрлар оралаб юриб, Гўрўғлининг кулбасига яқинлашди-да, «энди нима қилай?» деган маънода қаради.

– Шу ерда тура тур.

Абдурахмон табиб шундай деб, пастак эшикни гижирлатиб очгач, эгилиб ичкари кирди-да, кулба соҳибининг уйғонганига ишонган ҳолда:

– Менман, ака, – деб овоз берди.

– Сенлигингни билиб турибман, – Гўрўғли шундай деб қўлига гугурт олди-да, қорачироқ пилигини ёқди. – Шўртумшуқ бошлаб келдимми? Кеча ҳам ивирсиб юрувди. Изғиб-изғиб, тонгта яқин кетувди. Кеча бошқача эди. Бугун бошқачароқ.

– Кўзига онаси кўринганмиш.

– Кўринади-да... Бу хотин кўмилганидан бери тинчигани йўқ. Сен унинг ёнини олиб, бекор қилгансан. Шармандалиги учун тириклигида роса азоб чекканидайди, ўлганида бунчалик руҳи қийналмасмиди... Ўғлининг рангига қараб «Қоровой», деб сен исм кўйган эдинг. Аслида бу валади зинонинг юраги қора эди, ўшандаёқ билганман...

Гўрўғли бу дашномни авваллари ҳам бир неча марта такрорлаган эди. Шу боис Абдурахмон табиб ўзини оқлашга киришмади.

Рост, ўшанда бу жувоннинг бадном бўлишини

истамаганди. Чунки унинг суюкоёқ эмаслигига ишонарди. Суюкоёқ бўлган тақдирида ҳам, эрининг гўри совимай, бегона тўшакка кириши мумкинлигига ишонмасди. Зинонинг асл сабабини аёл бировга айтмади. Ҳатто Абдурахмон табиб хузурида ҳам ўзини оқламади. Гуноҳини бўйнига олгандай, бош эгиб жимгина ўтираверди. Ҳатто йигламади ҳам. Бу воқеага қадар кўп йиғлаган эди, эҳтимол, кўз ёшлари қуриб битгандир?..

Аввал эридан ажралди, кейин отасидан. Автомобиль ҳалокатида эри нобуд бўлди, унинг кир ювдиси куни отасини қамоққа ташладилар. Машинани отаси бошқаргани учун ҳалокатга асосий сабабчи деб билдилар. Отасини қутқариб олиш имкони бор экан... Ўша одам озодлик эвазига озгина пул талаб қилганида уйига пул олиб борган эди... зўрланиб, номуси топталган, хорланган ҳолда қайтди. Гарчи айбсиз бўлсада, ўзидан ўзи ирганди. Ўзини осмоқчи ҳам бўлди. Қўлига арқон ҳам олди, аммо ўлишдан кўрқди. Агар келажакда шармандалиқ билан ўлишини ўша онда билганида эди, арқондан сиртмоқ ясаётганида қўллари қалтирамаган бўларди. Қўрқоклиги ўз бошига бало бўлди. Ҳомиладорлигини билганида ўз эридан ёдгорлик деб ўйлаб, ҳатто қувонди. Ҳалокатдан бир тун олдин кўшилишларидан аввал эри Худога ёлвориб, ўғил фарзанд тилаган эди. Гинекологга биринчи боришидаёқ, адашганини билиб, ўзини яна ўлдирмоқчи бўлди, яна кўрқди...

Боши узра ёғилган ташвиш дўлларининг ҳисоби унинг ўзигагина маълум. Унинг бегуноҳлигига оз одам ишонади. Агар ўша дамларда арзини айтганида қишлоқ аҳли унга ишонган бўларди. Лекин айтмади... Оқибатда хотинлар орасида «жувонмарг бўлгур эри тириклигида ҳам ўйнашган, бўлмаса қирқи чиқмаёқ иккиқат бўлиб қолармиди?» деган висир-висир гап айланди. Ғийбатчи хотинлар Абдурахмон табибнинг гапига қарши чиқишга журъатлари етмагани сабабли

бу ҳақиқатни баралла айтиб, уни шарманда қилишга журъат эта олишмасди.

Абдурахмон табиб жим тургани учун Гўрўғли гапини давом этди:

– Бу хотин кўмилган кунӣёк гўри устида арвоҳининг чирқиллаб турганини кўрганман: Кўкшапка тириклигида безовта арвоҳи ўшаникига тинимсиз қатнади. Кўкшапка ўлганидан кейин унинг гўри атрофида айланадиган бўлди. Кўкшапкани қарғармиди, билмайман...

Гўрўғли «Кўкшапка» деб атаётган одам шаҳардаги «НКВД» идорасида каттароқ лавозимда ишлаган, Сталин замонида кўп бегуноҳларнинг шўрини куришиб, етимлар ва беваларнинг қарғишига қолган, кейинчалик бу ердагиларга номаълум бўлган сабаб билан хизматдан ҳайдалиб, қишлоққа қайтган эди. Хизматдан мосуво бўлса-да, бошига кўк фуражкани кўндириб юришни қанда қилмасди. Бу қилиқ унга отамерос эди. Отаси ўттизинчи йилларда шундай юарди, ўнлаб деҳқонларни узоқ ва совук ўлкаларга сургун қилганидан керилиб яшарди. «Кўкшапка» деган лақаб ўшанга тақалганди. Кейинчалик бу лақаб ўғилга ўтган эди. Кўкшапка, гарчи амал чавқари устида бўлмаса ҳам, қишлоқдагилар ундан ҳайиқиб туришарди...

Хотира селидан кутулмоқчи бўлган Абдурахмон табиб: «Зоҳир ўлуб «буўсира мо фил-кубур», жилва қилиб «хуссила мо фис-судур», деб пичирлади.

– Бир нима дегандай бўлдингми?

– Ҳа... Қабрдагилар қайтадан чиқарилсалар, дилдагилар ошқор қилинса эди...

– Нима деяпсан? Одам тушунадиган қилиб гапир.

– Балки энди отасининг ким бўлганини айтиб қўйиш керакдир? – деди Абдурахмон табиб.

– Ҳеч кераги йўк, – деб эътироз билдирди Гўрўғли. – Отаси билан ўша гўрда топишади. Шу билан бу лаънатиларнинг зурриёти батамом қурийд.

Ўшандан кейин қишлоққа маълум қилиб қўясан, токи бошқаларга ибрат бўлсин.

Шундай дегач, чирокни пуфлаб ўчирди. Абдурахмон табиб кесакига бошини уриб олмаслик учун эгилганича чиқиб, эшикни ғижирлатиб ёпди. Қоровой унга умид билан бокди:

– Нима дедилар?

– Ҳеч нима... Сен кўркма, кўзга кўринган нарса-нинг зарари йўқ. Эрталаб масжиднинг имомига борсанг, дам солиб қўяди, тинчийсан-қоласан.

– Ўзингиз ўқисангиз-чи?

– Менинг бунақа одатим йўқ.

– Онам сизникига бошлаб бордилар мени...

– Тушда одамга ҳар нарса кўринаверади.

– Ухламаган эдим.

– Сенга шундай туюлган. Бир дақиқага кўзинг илинса ҳам, оламжаҳонга татийдиган воқеаларни тушингда кўраверасан.

Абдурахмон табиб шундай деб олдинга тушди. Қоровой то унинг уйигача жимгина эргашиб борди. Остонасига етгач, табиб «бўлди, изингга қайтавер», дегандай ўгирилиб қаради.

– Мен сизга бир гапни айтиб қўйишим керак, – деди Қоровой хавотирли овозда.

– Айтгинг келса, айт... – деди Абдурахмон табиб.

– Бизнинг хужрага бекорга келмагансиз. Юрагингиз бир нарса ни сезган.

– Бир шумликни сезяпти, – деб аниқлик киритди Абдурахмон табиб.

– Балки шунақадир. Биз аслида камоқда ҳали кўп ўтиришимиз керак эди. Бир хизмат қилиб беришимиз эвазига чиқариб, бу ерга олиб келишди.

– Қанақа хизмат? – деб сергакланди Абдурахмон табиб.

– Қанақалигини вақти келганда айтамин, дейишган. Менинг билганим – бу атрофларда биздақалардан яна бор. Сизга айтганимни билиб қолишса, мени ўлдиришади.

– Унда нима учун айтдинг?

– Билмадим... онам буюрдилар шекилли... Сиз мени ёмон кўрасиз... шерикларим мендан ҳам баттар. Ёмон ишлар бўладиганга ўхшайди. Бола-чакангизни олиб, бошқа жойда тура турганингиз яхшимикин?..

– Мени ўйлама, мени Аллоҳим асрайди. Сени «ўликсан» девдим, сен тирилишингни ўйла. Тирилсанг-тирилдинг, йўкса, жувонмарг бўласан.

Абдурахмон табиб шундай деб, остонасини ҳатлаб, ичкарига қадам босди. Зулфни илмади, эшик қия очик қолди. Қоровой бир оз ҳаракатсиз турди-да, изига қайтди. Лекин ҳужрага кирмади. Харсангтош устига ўтирганича кўзига онаси кўринишини хавотир билан кутди. Тонг отгунига қадар уни ҳеч қандай шарпа безовта қилмади. Тонготарда шерикларидан бири уйғониб чиқиб, унинг ёнига ўтирди-да, газета парчасига ўралган нашани тутатди. Ундан чиққан тутун Қоровойга ҳуш ёкиб, қўлини узатди. Шериғи кулоғига қистириклик ўрамни олиб берди. Қоровой уч-тўрт марта чуқур-чуқур тортгач, ташвишлардан фориғ бўлди-ю, ҳужрага кириб, то кечга қадар қотиб ухлади.

## 1 б о б

---

### 1

– Менинг бу дунёда ҳали ҳақим кўп, – деди Асадбек, бошини кўтармай, – ҳақимни тўлатиб олмагунимча кетмайман, бу дунёдан. Сен яшаш учун туғилган бўлсанг, мен қасос олиш учун келганман.

Зулм учқунлари сачраб турувчи бу гап Жалил учун янгилик эмас эди. Эллигинчи йилнинг биринчи кунида дўстининг совуқдан кўкариб кетган лабларидан учган: «Мен уларнинг ҳаммасини ўлдираман!» деган аҳдни у унутмаганди. Ўшандан бери қасос олажаги ҳақидаги гапни Асадбекдан кўп эшитган, бир куни

ҳатто «Сен бахт излаб умр кечирмадинг, қасос умидида яшадинг, ўч илинжида нафас олдинг», деб дангал айтган ҳам эди. Аввалгиларидан фарқ этувчи ҳозирги гап оҳангидаги ёвузлик Жалилнинг вужудига минглаб игна каби санчилиб, сескантириб юборган бўлса-да, дўстининг руҳиятини инобатга олиб, жавобдан ўзини тийди. «Мен бир нарса десам оловга мой куйгандай бўлиб қолмай, ўзингиз насихат қилиб қўйинг» деган каби Муҳиддин отага қаради. Муҳиддин ота бу қарашнинг маъносини англади, бироқ дарров суҳбатга кўшилмади. «Гапининг давоми бордир», деган ўйда Асадбекдан садо кутди. Асадбек бошқа гапирмади.

Муҳиддин отанинг назарида Асадбек фарзандининг вафотидан кейин тилидан учаётган сўзларига эътиборсиз бўлиб қолгандай эди. Гўё бу фожиа зарбаси биринчи галда сўзларга посбонлик қилувчи ақлни янчиб ташлаганди. Шунинг натижасидами, у айтажак сўзларига хожа эмас, айтилганларига қул бўлиб қолган эди. Айниқса, Асадбекнинг «Худо билан шартномам бор: энди мен унинг уйига қадам босмайман, у меникига кирмайди», деган гапи ўшанда Муҳиддин отанинг юрагига бигиз бўлиб санчилган, орадан бир неча ҳафта ўтганига қарамай, тиг азоби ҳалигача кўтарилмаган эди. Асадбек-ку тавба қилди, лекин Худо кечирдимикан? Албатта, Муҳиддин ота меҳрибон Аллоҳнинг тавбани қабул этишидан умидвор. Тавбанинг тилда айтилиши кифоя қилмаслиги, амалда ҳам гуноҳлардан тўхташи лозимлигини билгани учун қалби хотиржамликни йўқотган. Ҳатто уч-тўрт марта саждага бош қўйган пайтида Асадбекнинг ўша гапи ёдига тушиб, танасидан жон чиқиб кетгандай туюлган эди. Кечалари таҳажжуд намозини ўқиб бўлгач, кўзларида ёш билан Яратганга илтижо қилиб, дўстининг зурриётини авф этишини сўради...

Асадбекнинг ҳозирги гапи аввалгиси каби куфрона тарзида жарангламади. Жарликка қулаётган одамни билагидан ушлаб толиққан киши жисмонан қийналса,

Муҳиддин ота руҳан азобда эди. Ҳозир дардига банди Асадбекка ачиниш билан қараб, Абдурахмон табибнинг гапини беихтиёр эслади. Тўй арафасида боришганда, намоздан сўнг табиб: «Худди шу ерда ўтириб, инимиздаги руҳ хасталигининг чекинмоғига умид қилиб эдик. Умидимиз сароб бўлиб чиқибди. Инимиз зулми аввалгидан кучлироқ ҳолда касб қилибдилар. Ожиз иймонлари янада ожизлашибди», деганда Муҳиддин ота «Замон буларнинг тилини ҳам, дилини ҳам тош қилиб қўйган... На илож... ҳарҳолда Аллоҳдан умидимиз бор...» деб жавоб қайтарган эди. Бу гап Абдулҳамиднинг ўлиmidан олдин айтилганди. «Отамлатсанг отамлатгин, бўтамлатмагин», деб кетганлар бу айрилиқнинг иймонни янада сустлаштириши мумкинлигини ҳам инобатга олганмидилар? Айрилиқ синовига дуч келганда Аллоҳга интилмай, юз ўтирганларни эртага нима кутяпти?

Муҳиддин отанинг юраги қизиб, беихтиёр ўрnidан турмоқчи бўлгандай кимирлаб қўйгач, Асадбек унга қаради. Муҳиддин ота ичида ёнаётган вулқон оловига чидаб, одатига хилоф қилмай, оҳисталик билан, худди ўзига-ўзи насиҳат қилаётгандай сўз бошлади:

– Ҳаёт – бешик ва тобут орасидаги тор бир йўл ва йўлчиликдир. Дунё ҳаёти сўнгсизлик ичида бир совун кўпиги кабидир. «Инсонлар идрок қилган ҳаёт нимадан иборат?» деган саволга ернинг заҳи ва қабр тошларининг қаттиқлиги энг тўғри жавоб бўлур эди. Шундай экан, нафсоний орзулар ва вужуд йўлида ўтган умрнинг маъноси нима ҳам бўлур эди? Бўтам, қасос деганингиз нафсоний умиднинг бир қирраси, холос. Қирраси кескир тошни қўлга олсангиз, ҳеч бўлмаса бармоқларингизни қонатади...

– Китобларда зўр нарсаларни ёзишади-ю... лекин китобнинг гапи бошқа, ҳаётнинг ҳикмати бошқа.

– Фикрингиз ғалат бўлди, бўтам. Сизга қарши баҳс очмайман, чунки сиз ўзингизни ҳаётда кўп адолат-

сизлик кўрганлардан бири деб ҳисоблайсиз. Сизга ўхшаганларнинг фикрини ўзгартириш кийин. Лекин бошларига адолатсизлик дўли ёғилган фақат сизгина эмассиз, буни ҳам ҳисобга олишингиз керак. Бу дунёда текин нарса йўқ. Ҳамма нарса учун ҳақ тўлаш керак. Хусусан, киши ўзининг роҳати ва фароғати бадалига ҳамиша тўлов тўлаб туриши зарур. Сиз учун бу кунларда бу тўловнинг номи – сабрдир, бўтам. Одам боласи қасос олгани эмас, Аллоҳ белгилаб қўйган синовлардан ўтиш учун туғилиб, яшайди. Сизу биз яшаётган олам қасос эмас, синов дунёси. «Қасос – Ҳақдандир», дейилган улуғ Китобда.

– Китобда нима деганини билмайман, лекин менинг тақдиримга қасос ёзилган экан.

Бу гапдан кейин Жалил чидаб туролмади. Муҳиддин отанинг насиҳатомуз ҳилм оҳанги қайсар дўстини инсофга келтира олмаслигини англаб, ўзининг синалган одатини ишга солди: аввал курагига енгил шапати урди. Ғам юкидан эзилиб ўтирган Асадбек кутилмаган бу шапатидан чўчиб тушди. Дўстига «Жиннимисан!» деган маънода қаҳрли нигоҳини қадашга улгурмай, Жалил гапини бошлади:

– Тақдирингга қасос ёзилганини сенга биров айтдимми?

Асадбек ошнасининг ташланишидан осонроқ кутулиш мақсадида «Ҳа, айтди», деб кўя қолди. Бошқа мавзу бўлганида Жалил эҳтимол, шу жавобга қаноатланиб, гапини бас қилиши мумкин эди. Лекин қандайдир балолардан огоҳ этаётган қасос аҳди сабрга ўрин бермади.

– Қайси аҳмоқ айтди шу гапни? – деди бу сафар овозини сал баландлатиб.

– Сенга ўхшаб ишларимга бурнини тикаверадиган аҳмоқ камми бу атрофда?

– Қани, ўша аҳмоқнинг биттасини айт-чи? – Жалил шундай деб дўстининг курагига яна бир шапати туширди.



– Танимайсан, битта фолбин айтган.

– Сен... ҳали фолбинга бордингми?

Асадбек ўйламай гапириб юбориб, арининг инини кавлаб кўйганини англади. «Ёлғон айтдим», деса яна гап чувалашишини билиб: «Манзура борган экан», деб кўя қолди. Жалил Муҳиддин отага қаради:

– Гапини эшитдингмизми? Хотини фолбинга борибди, – Муҳиддин отадан жавоб кутмай Асадбекка қаради: – Ростдан борибдими?

– Ростми ё ёлғонми, ана, ўзидан сўра.

– Агар ростданам фолбинга борган бўлса, ишинг чатоқ ошнам, хотининг талоқ бўлибди, бошқатдан никоҳ ўқитишинг керак.

– Бўлди қил, аклингни ўша домлаларингга бориб ўргат! – деди Асадбек кескин тарзда.

– Ота, бу бўтангизга бир нима денг. Эсини йиғиб олсин. Орқалаб юрган гуноҳлари ҳам етарли, энди никоҳсиз хотин билан...

– Бўлди қил, деяпман!

Икки ошнанинг баҳси чуқурлашиб, жанжалга айланиб кетиш эҳтимоли борлигини сезган Муҳиддин ота гапга аралашди:

– Фолбинга бориш дуруст одат эмас, бўтам, фолбинга ишониш иймон суствлигидан.

– Дангалига «кофирлик», деяверинг. Бунингиз «иймон суствлиги»ни тушунмайди.

– Бутунлай кофирга чиқарманг, – Муҳиддин ота шундай деб, Жалилга норози қараганича бош чайқади. – Айнан мана шу ишлари кофирларга хос бўлибди. Агар астойдил тавба қилсалар, инша Аллох, гуноҳлари кечиради.

– Никоҳ-чи? – деди Жалил бетоқатлик билан.

– Никоҳми?.. – Муҳиддин ота нимадандир истиҳола қилдими ё ўзи ҳам бу масаланинг ечимини аниқ билмасмиди, дарров жавоб бермади. Бундан ажабланган Асадбек унга тикилганича жавоб кутди: – Ҳамонки, банда кофирнинг ишини қилган бўлса,

никоҳи бузилади, деган ҳукми эшитганман. Аммо фатвога ожизман, уламолардан сўраб билиш керак. Агар улар «никоҳ қайта ўқилиши керак», деган ҳукмга иттифок қилсалар, начора, бўйсуниб лозим. Бу бир адашиш холос, фожиа эмас.

– Сиз шунақа дейсиз-у, бунга ўхшаган калта-фаҳмлар фолбинларга тинмай бориб юришибди-да, сал бошқачароқ туш кўришса ҳам югуришади. Бунинг гуноҳлигини сиз билан мен айтиб турмасам, бошларига балолар орттириб олишади. Булар фолбин нима, сеҳр нима билармиди? Ҳатто Сулаймон алайҳиссалом ҳам сеҳргару фолбинларнинг шўрини куритганлар, тўғрими?

Жалил бу гап билан нимани назарда тутаётганини яхши англамаган бўлса-да, Муҳиддин ота унинг шаштини қайтармаслик учун аста бош ирғаб кўйди. Жалил буни тасдиқ ишораси сифатида қабул қилди, гўё ота «Гапираверинг бўтам, айни ҳақ сўзларни баён қиляпсиз», дегандай бўлиб, Асадбекка тикилганича ваъзхонлигини давом этгирди:

– Ўша замонларда Сулаймон алайҳиссаломнинг атрофларини сеҳргарлар ўраб олишган. Сенга ўхшаган довдир-совдирлар Худога ишонмай, ўша шайтонларнинг найрангларига эргашишган. Шунда Сулаймон алайҳиссалом сеҳргарларнинг китобларини қўлларидан тортиб олиб, тахтларининг тагига кўмдириб ташлаганлар. Сулаймон алайҳиссаломнинг ўлимларидан кейин жинлар тахт тагини кавлаб китобларини олволганлар. Нодонларнинг уларга сиғиниши камлик қилиб, Бобил шаҳридаги икки фариштанинг сеҳрларига амал қила бошлашган. Улардан биттасининг оти Ҳорут, иккинчисиники Морут бўлган. Ота, тўғри гапиряпманми? Янглишсам, ўзингиз тўғрилаб кўйинг. Ҳорут билан Морут фаришта бўлгани тўғрими, ё малоика бўлишганми?

Муҳиддин ота бу саволни эшитиб, Асадбекка бир караб олгач, мийиғида кулимсиради.

– Бўтам, «фаришта» ҳам «малоика» ҳам бир маънода. Унақа десангиз ҳам, бунақа десангиз ҳам маъқул, адашмайсиз. Фақат Ҳорут билан Морутнинг фаришталиги хусусинда уламолар орасида баҳс бор. Кўпчилик уламо фаришта, деган фикрга иттифоқ қилишган. Биз каби илмсиз бандаларга шунни билиш кифоя.

– Буни ўзим ҳам билардим, лекин бир пайтавафаҳм мени енгмоқчи бўлди-да.

– Илм саёзлигидан қутула олмаган биз каби бандалар учун баҳслашиш дуруст эмас, оқибатда кулгига қолишимиз мумкин. Шунинг учун, бўтам, сира баҳслашманг.

Муҳиддин ота Жалилни таниганидан бери унинг одатларини зимдан кузатиб, феълини тушуниб қолган эди. Қаердадир, кимдандир эшитган ривоятми ё афсонами ўзига манзур бўлиб қолган бўлса, охиригача айтмагунча тўхтамаслигини билгани учун ортиқча гапдан ўзини тийди. Асадбек эса «бу чала мулланинг гапи отага ёқиб қолди шекилли», деб ўйлаб, ошнасини гапдан тўхтатмади. Унинг сукут сақлаши Жалилга илҳом бериб, гапини давом эттирди:

– Ҳорут билан Морут одамларнинг гуноҳ ишларини кузатиб, уларга таъна тошлари отганларида Худо уларга қараб «Инсонларга берилган нафс сизларга ҳам берилса, сизлар ҳам ўшаларга ўхшаб исёнда бўласизлар», деди. Иккала фаришта ҳам Худонинг бу гапига қўшилмай: «Агар бизга нафсни ғолиб қилганингда ҳам биз ҳаргиз исён этмасмиз», деб катта кетишди. Шунда Аллоҳ таоло уларга нафсни ғолиб қилиб, синамоқ учун ерга туширган экан. Улар ерга тушиб олишгач, халқнинг тепасига қози бўлиб, ҳукм сураверишган. Шунда Аллоҳ таоло синаб кўриш мақсадида бир аёлни шикоят билан уларга юборди. Бу аёл ниҳоятда соҳибжамол экан. «Нафсни берсанг ҳам исён қилмаймиз», деб катта кетган Ҳорут ҳам Морут ҳам унга маҳлиё бўлиб, ваъдаларини унутди. Хотин билан қўшилгилари келди. Хотин уларнинг талаби-

ни эшитиб, «шартим бор», деди-ю, ароқ ичишларини талаб этди. Ароқни ичиб, хотинга яқинлашмоқчи бўлганларида бир одам пайдо бўлиб, йўлларини тўсди. Бу одамни шартга ўлдирдилар. Ўлдирдилар-у, ҳукумат олдида жиноят қилганларини билиб, жазоланишдан қўрқдилар. Талвасага тушиб турганларида шайтон ҳукумат одами қиёфасида пайдо бўлиб: «Агар бутга сиғинсаларинг сенларни жазодан қутқариб қоламан», деди. Улар жонларини саклаб қолиш учун бутга сажда қилдилар. Ўшанда Аллоҳ таоло уларни фаришталик мартабасидан туширган. Кейин ё бу дунё ё у дунё азобидан бирини танлашни айтди. Улар гуноҳлари учун бу дунёда азоб чекишни танладилар. Улар Чохи Бобил деган жойда сочларидан осилган ҳолатда азоб чекарканлар.

Шу ерга келганда Асадбек чидаб тура олмади:

– Бориб кўриб келдингми уларни? Раҳминг келмадимми, азобдан қутқариб қўя қолмабсан-да! – деди заҳархандалик билан.

– Худонинг ишлари гапирилаётганда бунақа майнавозчилик қилма. Мен домлалардан эшитганимни айтяпман.

Жалил нафсга тааллуқли ҳикмат Асадбекка ҳам тегишли эканини ўйлаб кўрмай, бу гаплар эсига тушиб қолгани учунгина айтган эди. Жалил ўйламагани билан Асадбек ўзини исён қилганлар қаторида кўриб, гашланди-да:

– Ҳа, ўзи шунақа бўлади: кўр ушлаганини, қар эшитганини қўймайди, – деб минғирлади.

– Кўр десанг ҳам майли, қар десанг ҳам, чала мулла десанг ҳам қўнавераман. Мен арабча ҳарфлардаги эски китобларни ўқиёлмаганимдан армон қиламан. Ўқиёлганимда...

– Ўқиёлмаганинг ҳам яхши, – деди Асадбек унинг гапини узиб, – бўлмаса мияларимизни ачитиб ташлардинг.

– Сен...

– Энди бирпас жим тур, отам билан маслаҳат-лашадиган гапим бор.

– Бўпти, мен кетдим.

– Бирпас жим ўтир, дедим!

Кўнгли оғриб ўрнидан турмоқчи бўлган Жалил дўстининг бу жеркишидан сўнг амрга итоат эта қолди. Асадбек эса Муҳиддин отага қараб гап бошлади:

– Сабр қилиш керак, деяпсиз, тўғри, бундан бошқа чорам ҳам йўқ. Сабр қиялман. Лекин барибир кўнглим тўлмааяпти. Ойимнинг бир ёнларида Самандар, яна бир ёнларида Ҳамид ўғлим. Ўзим боргунимча адамни олиб келиб қўйишим керак. Шунда жамул-жам бўлиб ётамиз. Илтимос, мусулмончиликка тўғри келмаса ҳам мени бу йўлдан энди қайтарманг.

– Бўтам, агар кўнглингиз тўлмаётган бўлса, на чора, бориб олиб келиш керак.

– Мусулмончилик йўл берадими, ахир?

– Мусулмончиликнинг қаршилиги йўқ... Марғилондаги маҳалламизда бир авлиёнинг қабри бўларди. Йигирма тўққизинчи йилнинг кузида эди шекилли, қайси бир болшевик бадбахтнинг бузуқ бошига шу зиёратгоҳни бузиш ишқи тушган экан. Халқ кўтарилса ҳам тракторини тираб қўйди. Шунда ақли одамлар маслаҳатлашиб, мурдани кўчиришга иттифок қилишди. Дурадгорлар алоҳида тобут ясашди. Суякни лаҳаддан олиб, яна қайта кафанлашди. Кейин қайта жаноза ўқилиб, қабристонга қўйилди. Тумонот одам тобутни бир марта кўтаришга илҳақ бўлган эди. Жанозанинг биринчи сафида турганларни битта қўймай олиб кетишди. Жанозани дадам раҳматли ўқиган эдилар...

– Биз ҳам шундай қиламиз бўлмаса... Фақат... тумонот одам бўлмайди, биринчи сафдагиларга биров даф қилолмайди.

– Аҳдингиз қатъий бўлса, бирга борамиз... Абду-жалил ошнангиз билан учовлон бориб кела қоламиз.

Бу тadbирда ўзининг иштирок этишини Муҳиддин ота тилидан эшитгач, Жалил эътироз билдира олмади.

Бу режани амалга ошириш пайсалга солинмади. Асадбек ўша куниеқ Козловга кўнғироқ қилиб ниятини билдиргач, йўлга отланишди. Хонгирейнинг ўлиmidан сўнг Красноярга қайтган Козлов лозим бўлган барча ишларни амалга ошириб қўйган эди. У насороларнинг одати бўйича ялтиллаб турган тобут ясаттиргани билан, мусулмонлар одати бўйича кафанлик шартлигини ҳисобга олмаган эди. Асадбекку, бунақа одатлардан беҳабар, ҳатто барчага ақл ўргатувчи Жалил ҳам буни ўйламаганди. Муҳиддин отанинг тугунча кўтариб олгани иккала ошнани ажаблантирган бўлса-да, «ўзларига керакли бирон нарсадир», деб қўя қолишганди. Тугун ичида кафанлик борлиги маҳкумлар қабристонига борилганда маълум бўлди.

Йигитлари қабрни қовлашаётганида Козлов Муҳиддин отани четга чорлаб секингина: «Тобутга солиб кўмишганмиди?» деб сўради. У пайтларнинг хожалари «халқ душманлари» деб хорлаётган одамларига тобутни раво қўрармидилар? Насоролар тобутсиз, мусулмонлар кафансиз ва лаҳадсиз ётибдилар бу ерда. Муҳиддин ота биродарининг юзини дарахт пўстлоғи билан ёпиб, ҳашак билан кафанлаган эди. Ёнидаги малла йигитга буларни гапиргиси келмади. Саволига жавобан аста бош чайқаб, «йўк» ишорасини қилди. Козлов янада пастроқ овозда: «Суякни олаётганимизни Бек кўрмай қўя қолсин», деди. Муҳиддин ота ҳам шуни ўйлаган эди. Маъкул ишорасини қилиб, Асадбекка яқинлашди-да, қўлидан ушлади:

– Бўтам... – деб мақсадни англатмоқчи эди, лаблари титраб, гапдан тўхтади.

Асадбек ўгирилиб, унинг намланган киприкларига кўзи тушди-ю, нима демоқчи бўлганини англади.

– Мени қайтарманг, – деди йиғламсираб. – Жон бераётганларида ўғил бўлиб ёнларида ўтирмаган эдим, лаҳадга қўёлмаган эдим. Энди йўлимни тўсманг, ўз қўлим билан олай...

Жалил ҳам дўстини четроқда туришини истаган эди. Асадбекнинг гапидан кейин у ҳам жим қолди. Йигитлар суякка қадар қовлашгач, юқорига кўтарилишди.

Асадбек пастга тушди. Отасининг суякларини гўё кўз ёшлари билан ювди. Суяклар юқорига олингач, Муҳиддин ота авайлаб ювиб, кафанлади...

Юртга қайтишгач, Асадбек айтганидай бўлиб, одам тўпланмади. Лаҳадга ўзи тушиб, кафанланган суякларни кўйди... Кўя туриб нимқоронғи лаҳадга олазарақ қараб олди. Гўрковга иш буюраётганда «лаҳадни кенгроқ кавла, вақти келганда мени ҳам шу жойга кўясан», деб тайинлаган эди. Лаҳад асли қандай ҳажмда кавланишини билмаса ҳам, назарида гўрков буйруқни бажаргандай туюлди. Ўзининг яқин орада шу жойда ётишини тасаввур қилди-ю, кўркувдан юраги тўхтаб қолгандай бўлди. Баданига муз югурди. «Бу дунёда ҳеч кимдан ва ҳеч нимадан кўркмайман, қасос олмагунимча ўлмайман», деб катта кетадиган одам бу онда кўрқди. Одам зотининг табиати ажаб-товур: ҳар қадамда хавотир ва зулм таъқиб этадиган ёруғ дунёда кўркмай яшайверади, ҳеч қандай таҳдид йўқ лаҳадда тинчгина ётишдан эса кўрқади... Чувриндини кўмишганида «Бу ер менинг жойим эди, Маҳмуд укам. Сен келдинг. Ёнингда яна бир жой бор...» деб ўйлаганида ҳам, ўзига мўлжалланган жойга ўғли кўйилаётганида «бу жой меники эди!» деб фарёд урганида ҳам ҳозирги даҳшатни ҳис қилмаган эди. Юқорида турган Жалил дўстининг ҳаракатсиз туриб қолганидан хавотирланиб, меҳрибонлик оҳангида «Асад!» деб чақирди. Пастдан овоз бўлмагач, баландроқ овозда чақириб, «Бўлди энди, чиқақол», деди. Дўстининг овози Асадбекнинг жонини қайтаргандай бўлди. Хушига келиб, кафан устини меҳр ва ўқинч билан силагач, тепага кўтарилди. Унинг оқариб кетган, тер қуйилаётган юзига қараб Жалил кўрқиб кетди. Пешонасига боғланган оқ сурп рўмолни олиб,

дўстининг бетларини артди. Асадбек худди ёш боладай муте ҳолда турди. Кейин эгилиб, лаҳад оғзини гувалалар билан ўзи ёпмоқчи эди, Жалил елкасидан ушлаб тўхтатди:

– Бу ёғи гўрковнинг иши, сен тепага чик.

Шундай деб аввал ўзи юқорига чикди-да, кўлини Асадбекка узатди. Асадбек унинг амрига сўзсиз итоат этди. Қабр айвони бўшагини кутаётган гўрков шу заҳоти сакраб тушиб, ўз ишига киришди.

Тупроқ тортилди. Абдулҳамиднинг қабри бобоси ва бувисининг гўрлари орасида қолди. Муҳиддин ота «Таборақ»ни тиловат қилиб, фотиҳа ўқиғач, ўринларидан туришиб, оғир-оғир қадамлар билан юра бошлашди. Жимгина чиқиб кетаверишни маъкул кўрмаган Жалил гап бошлади:

– «Ўлим – кутилмаган меҳмон», дейишади. Вақтисоати етганда меҳмонни кутиб оламиз-у, биллалашиб шу ерга келаверамиз.

Бу гапни эшитган Муҳиддин ота унга ажабланб қаради:

– Кутилмаган меҳмон, дедингизми? Йў-ўқ, аксинча, кутилган меҳмон. Фақат биз уни кутишга, қаршилашга яхши тадорик кўриш лозимлигини унутиб яшаймиз. Биз унинг ташрифи муқаррарлигини унутмасак, қадамларига пояндоз солиб кутсак, азиз меҳмон каби кутган бўламиз. Пояндоз деганим бу дунёдаги яхшиликларимиз. Кутилган меҳмон шоҳу гадога бир хилда муносабатда бўлади. Унда бу борада айирмачилик иллоти йўқ. Жон бергувчи банда меҳмонини қаршилагач, унинг учун энди фоний дунёда фожиа йўқдир. Фожиа – марҳумнинг ортида қолаётган тириклар учундир...

Муҳиддин отанинг ҳикматга тўла бу гапига эътироз ҳам билдирилмади, жавоб ҳам берилмади. Қабристондан чиқишгач, Жалил яна тилга кирди:

– Шу ерда хайрлашамиз. Ҳамма уй-уйига.

Асадбек унинг бу қилиғидан ранжиб, Муҳиддин отага илтимос назари билан қаради:



– Келинингиз бизни кутяпти.

– Яна зиёфатми? Мен бормайман, – деди Жалил.

– Жириллайверма. Қанақа зиёфат? Ярим косадан мастава. Ичсанг ичарсан, ичмасанг жим ўтирарсан. Ярим соат жим ўтира оларсан, а?

Жалил дўстига жавобан жахл билан кўл силтади. Муҳиддин ота кулимсираб, икки ўртоқни муроасага келтирмоқчи бўлди:

– Мастава бир баҳонаи сабаб, суҳбат ғанимат, бўтам, бора қорайлик.

– Биласиз-ку, бидъатларга тоқатим йўқ.

– Талабни жуда тор олиб юборманг, бўтам, диннинг бағри кенг. Биродарнинг кўнглини олиш сизнинг фикрингизча бидъат бўлса ҳам – бидъати ҳасана, яъни ёқимли одат.

## 2

Кунлар ўтгани сайин Асадбек Муҳиддин отанинг насиҳатлари бўйича янгича ҳаёт кечира олмаслигига тобора ишониб борарди. Хос йигитларга жавоб бериб юборгани билан болохонасига кўзи тушганда пойлоқчилар «хизмат борми, Бек ака?» деб қараётгандай бўлишарди. Уларга рухсат бериб юборганида уйда келинлар борлигини баҳона қилган эди. Кесакполвонга: «Сен билан мени Худо асрайман, деса шу пойлоқчиларсиз ҳам асрайди. Худонинг жонига теккан бўлсак, атрофимизни икки минг кўриқчи билан юз қатлам қилиб ўрасак ҳам Азроил уларнинг орасидан бемалол ўтиб келиб, жонимизни суғуриб олаверади», деганида дўсти: «Худонинг жонига тегмаслик учун одам ўзини эҳтиёт қилиши керак. Бу баҳонанг ўтмайди ошна, кўчанга битта уйча қурдириб, пойлатаман...» – деб эди. Келинлар кетишди... Уйча қурдириб, кўриқчи кўядиган Кесакполвоннинг танази Москванинг қайсидир ахлатхонасида ириб-чириб ётибди. Калласи эса Асадбекнинг марҳамати билан

лахадга кўйилган. Ўшанда «илдизимиз битталигини унутаётганга ўхшайсан. Билиб кўй: сенинг тинчлигинг – менинг тинчлигим, сенинг обрўйинг – менинг обрўйим», деганди.

«...илдизимиз битталигини...»

Шу гапани кўп ўйлайди. Илдизнинг битталиги қисматнинг бир эканлигими?

Хонгирейнинг ўлими ҳақидаги хабарни эшитганидан кейин кўнгил хижиллиги янада ортди. У Хонгирейнинг шунчаки ўлимини эмас, унинг юрагига ўз кўли билан ханжар санчишни истарди. Шунчаки ханжар санчиш билан қасос шаробидан маст бўла олмаслигини биларди. Хонгирей ўзига душман санаган одамнинг бошини кесиб, қутига солиб, яқинларига «совға» қилишдан лаззатланарди. Асадбек учун қасоснинг лаззати нимада? Дунёдаги энг ёвуз одам қилмаган ваҳшийликларни қилса: Хонгирейнинг кўзларини ўйиб ташласа, кўкрак қафасини ёриб, юрагини суғуриб олса, танасини майда-майда қилса ҳам кўнгли ором ололмаслиги ўзига маълум. У бир нарсани аниқ хоҳларди: ўлим билан рўпара келган Хонгирейнинг кўзларида талвасани кўришни истарди. Асадбекка яхшилик истаган дўстлари уни бу лаззатдан ҳам маҳрум қилдилар.

Хонгирей қандай ўлим топганини билмайди, бироқ, бу ўлим энди осойишта ҳаётга эмас, янги фожиялар жарлиги томон йўл очганини фаҳмлаб турарди. Бу жарликка ўзи ёлғиз қулайдими ё йигитларини тўплаб, кулфатдан қутулиб қоладими?

Асадбек Красноярга бориб келгач, биринчи галда шу масалани ечиш режасини пишита бошлади.

Муҳиддин ота билан Жалилни кузатгач, ҳайҳотдай меҳмонхонасига кириб, диванга чўзилганида Манзура эшикни кия очиб:

– Ҳали овсиним телефон қилувдилар, – деди.

Асадбек Кесакполвоннинг хотини нима мақсадда кўнғироқ қилганини фаҳмлаган бўлса-да, сир бой бермай:

– Нима иши бор экан? – деб сўради.

– Билмадим, Хайдар акадан дарак йўқмишми? Қаерга кетаётганларини айтмаган эканлар.

– Қаерга кетарди? Юргандир дунё ташвишларидан кутули-иб, у ёқда ошналари кўп...

Асадбек буни худди ўзига-ўзи гапираётгандай паст овозда айтган эди. «У ёқда...» деганини Манзура бирорта курортдадир, деб тушуниб бош ирғаб қўйди. Асадбек қаддини кўтарди-да, телефон симини ушлаб, ўзига тортди. Сўнг рақамни териб, нотаниш овозни эшитгач, ажабланди:

– Сен кимсан? – деб хотинига қараб олди.

Манзура эри телефонда гаплашаётганда кулоқ солишга одатланмаган эди. Шу сабабли орқасига қайтиб, эшикни ёпди. Телефондаги овоз «Мен сартарошман», дегач, Асадбек сўқиниб қўйди-да, дағал оҳангда:

– Кеннайингни чақир! – деб буюрди.

Кесакполвоннинг хотини сартарошнинг яқинида экан шекилли, дарров овоз берди:

– Ҳа, ким бу?

– Ҳа, сингилжон, одам танимайдиган бўлиб қолдингми? – деди Асадбек пичинг билан.

– Вой, Бек ака, сизмидингиз? – Хотин шундай деб салом берди-ю, бидирлаганича ҳол-аҳвол сўрай кетди. Гал Манзуранинг аҳволини сўрашга келганда Асадбек унинг гапини бўлди:

– «Опажоним», дейсану ҳолидан хабар олмайсан. Сендақа сингилларни бобовларга бериб юбориш керак.

– Вой, ҳар куни телпон қилиб турибман.

– Телпонинг кимга керак? Бу дунёда сендан бекорчи роқ одам йўқ, келиб тур.

– Вой, шунақа дейсиз-у Бек акажон, уйдан чиқолмай қолдим. Куёвим қилиқ чиқарган, юрагим ҳар куни така-пука.

– Нима бўлди?

– Шунча йил индамай яшаган йигит ўлгур, энди хотинини рашк қиладиган бўлиб қолибди.

– Яхши-ку! – деди Асадбек кулимсираб. – Куёвинг энди эркак бўлибди. Сен индама, қўйиб беравер.

– Вой, шунақа дейсиз-у...

– Эринг қани?

Тўсатдан берилган саволдан хотин гангиб қолди. Аслида бу саволни у бермоқчи эди.

– Сиз биласизмикин, деб ўйловдим, – деди у муж-маллик билан.

– Мен эрингнинг қоровулиманми? Уйдан чиқаётганида «Қаёққа кетяпсиз?» деб сўрасанг бирон жойинг камайиб қоладими?

– Вой, шунақа дейсиз-у мен сўраганим билан укангиз жавоб берармидилар?

«Худо бу хотинни ақлдан қисиб, ўрнига ўрин икки қарич тил берган», Асадбек шундай деб ўйлаб, яна унинг гапини кесди:

– Эринг Масковга иш билан кетувди. «Иш битгандан кейин денгиз бўйларига бориб уч-тўрт кун айла-ниб келаман», девди, телпон қилмадими?

– Йўқ.

– Телпон қилса, мен билан хабарлашсин. Шу эр ҳаппаи ҳалол ўзингники, эрта-индин ўзингга қайтиб келади, хавотир олма.

– Қайтиб келмай, гўрга борармиди, Бек ака...

Бу гапни эшитгач, Асадбек хайрлашмаёқ гўшакни жойига қўйди-да, овоз чиқариб сўқинди.

...қайтиб келмай, гўрга борармиди...

«Эрининг боши гўрда эканини билганида нима дерди? Танаси ахлатхонада ириб ётганидан хабардор бўлса-чи? Бундай бефаросат хотин билан яшагандан кўра гўрга боргани ҳам дурует...» Москвага кетиш арафасида бир бева танишларининг уйланишни истамаётганини айта туриб, «қип-қизил аҳмоқ у! Хотиндан осон қутулганига Худога шукр қилиб, битта момақаймоқни олволмайдими! Агар хотиним ўлса, кўмиб, мозордан қайтишимдаёқ уйимга уйланиб келардим», деган эди. Хотинига ўлим истаган эди, мо-

зорда қолиш ўзига насиб этди. Хотини эридан ажралганини билса, бир-икки кун йиғлаб-сиқтагандан кейин нима қилади? Битта лақма эр топиб, тегволиш ҳаракатига тушадими... Эрининг ўнларча ёки юзларча ўйнаши борлигини билган хотин умрининг охиригача аза тутиб ўтирармикин?

Асадбек шуларни хаёлидан ўтказиб, кўнгли гашланганича ўрнидан турди. Алҳол беихтиёр равишда Манзураси билан бу хотинни такқослаб, ўзини омадли эрлар қаторига қўшди. Эр-хотиннинг ўзаро бурчларини тўғри англаганда эди, ўзини шунчаки омадли ҳисоблабгина қолмай, бахтли деб билиб, бунинг учун Яратганга шукрлар қилган бўларди. Шукр қилмаса ҳам, хотинига бўлган меҳри жўшиб, қўшни хонага чиқди. Деразага яқин қўйилган хонтахта ёнида ўтириб китоб ўқиётган Манзура эшик очилиши билан ялт этиб каради-ю, эрини кўргач, шошилиб ўрнидан турди.

– Ўтир, ўтиравер, – Асадбек шундай деб унга яқинлашди-да, лўла болиш ташланган томонга ўтириб, хотини ўқиётган китобни кўлига олди. Муқовасига қарамай, тагига чизиб қўйилган сатрларга кўз ташлади:

«Худога ва Унинг расулларига ихлос билан иймон келтирган ва амрларини бажо келтирган ана шу жамоалар сиддиқлардир. Парвардигор наздида мартабалари улуғлар – шаҳидлардир. Аллоҳ таоло уларга комил ажр ва иймон нури ато қилган. Аммо кофир бўлганлар ва Бизнинг оятларимизни инкор қилганлар дўзах асҳобидирлар. Эй мўъминлар, билингларики, дунёнинг тириклиги ўйин-кулгидир ва зеб-зийнатдир, бир-бирларингиз билан фахрланишдир, молларингиз ва фарзандларингизни кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг мисли шунга ўхшайдикки, осмондан ёмғир ёғиб, ерлардан гиёҳ кўкарса, деҳқонлар хурсанд бўладилар ва «кўп ҳосил оламиз», деб умид қиладилар. Кейин бир совуқ шамол келса, ҳаммасини қуритса, бас, бар-

глари сарғайиб курий бошлаганини кўрасан, кейин ҳаммаси синиб, майдаланиб, сомонга айланади. Дунёнинг нашъу намози ана шулардан иборатдир. Аммо охиратдаги аҳвол икки ҳолатдан ташқари эмас: бири – қаттиқ азоб, иккинчиси – Аллоҳнинг мағфирати ва розилигидир. Дунё ҳаёти одамни алдайдиган лаззатдан бошқа нарса эмас...»

Асадбек саҳифани охиригача ўқигач, хотинига қаради:

– Тағларига сен чиздингми? – деб сўради ажабланиб.

– Мендан олдин ўқиганлар чизишибди.

– Ақлли гаплар экан: одам умид қилган ҳамма нарса майдаланиб, сомонга айланиб кетади... Ким ёзбди?

– Адаси, сиз Куръони Каримнинг маъносини ўқидингиз шекилли...

Асадбек Манзурада диний китоблар ўқишга кизиқиш кучайганини, икки кўча нарида яшайдиган отинойидан дарс олиб, савод чиқараётганини биларди. Манзура бу ҳақда маълум қилганда у «Куръон ўқишни ўргансанг сени сўқишим мумкин бўлмай қоладими?» деб ҳазиллашган ҳам эди. Абдулҳамиднинг вафотидан сўнг у кўпроқ Манзурадан хавотирда эди. «Боласининг ғамида ўзини еб, адо қилмасайди», деб чўчиётган эди. Отинойиникига чиқа бошлаганини билгач, Манзуранинг фарзанд хажри азобини енга олишига ишониб, кўнгли бир оз хотиржам тортди.

Манзура эрининг китобдан яна ўқишини истади. Лекин Асадбек китобни унга узатиб, кўшиб қўйди:

– Бу гапларни овсининг ўқиши керак экан, одамни алдайдиган лаззатлардан роҳатланиб юрибди, эртиндин хор бўлиши мумкинлигига калласи ишламайди.

– Адаси, унақа деманг, яхши нафас қилинг, ҳеч ким хор бўлмасин бу дунёда, – деди Манзура китобни кўлига авайлабгина олиб. У тагига чизиб қўйилган сатрларни ўқиётганида «бизнинг туриш-турмушимиз

хақида экан, адамизга ўқиб берсам бўларкан», деб ният қилувди. Нияти тезгина амалга ошди-ю, лекин Асадбек ўқигани билан ўзига тегишли хулоса чиқара олмади.

Бу он ташқаридан овоз эшитилиб, Манзура ўрнидан турди-да, дераза оша ҳовлига қаради.

– Вой ўлмасам, иккита милиса турибди, – деди Манзура хавотирланиб.

– Менинг уйимда милисага нима бор экан, чиқиб сўра, гапи бўлса айтсин, – деди Асадбек. Манзура эшик томон юрганда ташқарида йигитлар йўқлигини эслаб, қаддини кўтарди. «Ўзим чиқаман», деб уни остонада тўхтатди. Асадбек ташқарига чиққач, Манзура эрига эргашди. Йигитлардан бири салом бергач, эҳтиромдан холи совуқ ва расмий оҳангда «Асадбекнинг прокуратурага чақирилаётганини» маълум қилди.

Белидаги энли камарга кишан осиб олган милиса йигитнинг беодоблигидан ғазабланган Асадбек бу чорловдан мақсад нима эканини билолмай ўйланиб қолди. Аниқ бир тўхтамга келишга фикри ожизлик қилиб:

– Бўпти, кетаверларинг, вақтим бўлса эртага ўтарман, – деди.

– Эртагамас, сизни ҳозир етказиб боришимиз керак.

– Мени сенлар етказиб борасанларми, кейин-чи, кейин қамайсанларми?

– Бу бизнинг ишимиз эмас, биз сизни олиб бориб топширишимиз керак, – деди иккинчи йигит шеригини қувватлаб.

– Мени танийсанларми, кимлигимни биласанларми? – деди Асадбек уларни жеркиб.

– Танисак-танимасак, биз буйрукни бажаряпмиз. Ҳозир олиб кетмасак бўлмайди.

Манзура бир эрига, бир милиса йигитларга қараб йиғини бошлашга тайёр бўлиб қолди. Асадбекка тек-

канидан бери уйларига милиса бунақа бостириб кирмаган эди. Манзура эрини ҳимоя қилиб милиса йигитларга бир нима демоққа оғиз жуфтлаган эди, эрининг қаҳрли қаршига кўзлари тўкнашди-ю, нафасини ичига ютди.

Кўнгли бир ғаламисликни сезиб, ғашланган Асадбек уларни сўкиб ҳайдашни ҳам, талабларига итоат этишни ҳам билмай гарангсиди. Болохонада бунақа милиса йигитларнинг саробини бир дақиқада тўғирлаб юборадиган шотирлари бўлмаса-да, у ҳали Асадбек – «ўқ илон» мартабасидан тушмаган эди. Шу мартабасида турган ҳолда энди дағдаға қилди:

– Мени сенлар олиб кетасанларми? Кетаверларинг, изларингдан ўзим етиб бораман.

– Йўқ, биз билан бирга боришингиз керак.

– Бормасам-чи? – деди Асадбек қайсарлик билан. – Ҳозир погонингни юлиб ташласам-чи!

– Ўзингизга қийин бўлади. Куч ишлатишимизга ҳуқуқ берилган. Ҳозирги гапингизни ҳам етказамиз, протоколга киритиб қўйишади.

– Шунақа дегин? – Асадбек гапираётган милиса йигитни уриб юбориш қасдида унга яқинлашди. Эрининг бу ҳайбатидан чўчиган Манзура беихтиёр «Вой, адаси!» деб юборди. Асадбек ғазаб оловидан қизарган кўзларини хотинига тикиб қаради-да: «Нари бор!» – деб ўдағайлади. Манзура аста орқасига чекинаётганда «Жамшидни топ!» деб буюрди. Шундан сўнг ғўдраниб сўкинди-да, олдинга тушди. Белидаги камарга икки ҳалқали кишанни савлат билан осиб олган милиса йигитлар унинг икки ёнидан жой олдилар.

Икки милиса ҳамроҳлигида милиса машинасига ўтқазиб олиб кетилаётган Асадбекни битта кўшни кўриб қолган эди. Асадбек прокуратурадан қайтгунича ўтган бир ярим соат вақт ичида шаҳар бўйлаб миш-миш тарқалишига шу қарашнинг ўзи кифоя қилди.

Прокуратура терговчисининг муомаласи милиса йигитларникидан фарқ қилмади. Идора расм-русум-



ларига амал этгани ҳолда, исм-насабни сўрашдан бошлаб, Асадбекнинг қаҳрли жавобини эшитди:

– Ҳали исминни билмай туриб чақиртирдингми бу ерга? Эҳтимол сенга Асадбек эмас, Аҳадбек керакдир?

– Ёшингиз катта бўлса ҳам мени сенсираманг, чақалоқлигимда бешигимни тебратиб қўймагансиз. Саволларимга аниқ жавоб беринг, – деди терговчи бўш келмай.

«Ҳавоси баланд-ку, буларнинг, – деб ўйлади Асадбек. – Менга бекорга бундай ташланишмаётгандир... Орқаларида ким турибди?» Асадбек арконни узун ташлаб, терговчининг талабига итоат этишни маъқул кўриб, саволларига оғриниш билан бўлса-да, жавоб бера бошлади.

– Эслаб кўринг: бир минг тўққиз юз тўқсонинчи йил иккинчи апрелда қаерда эдингиз?

Эслашининг ҳожати ҳам йўқ. Аввал Тбилисига, ундан Москвага ўтгани билан булар нима учун қизиқиб қолишди? Буларга Илико керакми ё Хонгирейми? Москвадаги прокурорларнинг тиши ўтмайдиган одамларга бу тирранча нимага қизиқяпти? Асадбек шу саволларга жавоб топмоқ истагида бир оз сукут сақлади.

Терговчи йигит эса «аниғини айтасиз, алдашингизга йўл қўймайман», дегандай унга тикилиб олди. Асадбек бунақа нигоҳлардан чўчийдиган одамлардан эмасди. У ҳам терговчига қаттиқ тикилиб, бу «нигоҳлар тўқнашуви»да енгди.

– Эсладингизми? – деди терговчи кўзини қоғоздаги сатрларга қаратиб.

– Нимани? – Асадбек шундай деб киприк қоқмай тикилиб тураверди.

– Иккинчи апрелда қаерда юрганингизни? – деди терговчи унга яна бир қараб олиб.

– Иккинчида бу ерларда нима фалокат юз берганини билмайман, аммо мен ўша куни Тбилисида эдим. Дўстларим Сулико билан Иликонинг боболарини тўйга таклиф қилгани борган эдим.

– Гувоҳларингиз борми? – деб сўради.

– Гувоҳми? – деб сўради Асадбек, сўнг телефонни кўрсатди: – Ана, гувоҳ. Аэропортга телефон қил.

– Мени сенсирманг, – деб яна танбеҳ берди терговчи.

«Сендақаларнинг жонини Кесакполвон киргизиб кўяр эди. Бахтинга у ўлиб кетди», деб ўйлади Асадбек, унга ғазаб билан тикилиб. Алҳол терговчи яна бирон нима деб танбеҳ берса, Асадбекдан ширин гап эшитмаслиги аниқ эди. У гапга оғиз жуфтлаган пайтда эшик очилиб, прокурор ёрдамчиси кириб келди. Асадбек уни танирди. Винзавод директори Қилич Сулаймонов тақдирига боғлиқ масалаларни Чувринди шу одам билан ҳал қиларди. У дамларда бу одам Асадбекнинг номини эшитгандаёқ кўлини кўксига кўйишга тайёр турарди. Энди-чи? Асадбек «Энди сениям димоғинг қуртладими?» деган маънода унга ҳам қовоқ уюб қаради. Ёрдамчи Бек акасининг кайфияти ёмон эканини шу қарашданок сезса-да, сир бой бермасдан жилмайди-ю, салом бериб, кўшкўллаб сўрашмоқ учун унга яқинлашди. «Дуруст, ҳали ўзингдан кетмабсан», деб ўйлаган Асадбек тундлик либосидан дарров чиқа қолмади.

– Мен акашонни хонамда кутибман, бу ерда нима қилиб олиб ўтирибсан, чой-пой ҳам қилмабсан? – ёрдамчи шундай деб тергаб, Асадбекка хижолатомуз қаради: – Ҳали ёш-да, булар, салом-аликни ҳам яхши билишмайди.

– Салом-аликни билиш учун одам таниши керак, бу... – Асадбек «тиррақи», деб сўқинмоқчи эди, ҳақоратланганини ошкор қилиб, ўзини ерга ургиси келмади.

– Мен сенга нима деган эдим? – деди ёрдамчи овозини бир парда кўтариб.

– Олдириб кел, дедингиз... – Терговчи «буйруғингизни бажарсам ҳам айбдорманми?» дегандай елка қисди.

– Вой галварс! Мен-а? Мен Бек акам билан маслаҳатлашиб кўриш керак, деганман!

Асадбек айтган гапидан тониб, «кўрққан олдин мушт кўтарар», қабалида иш юритувчи каззобларнинг одатини яхши билгани учун бу томошани шу ерда узиб, сўради:

– Қанақа маслаҳат?

– Омади юришган бир ашулачи ўлдирилибди, яна биттаси изсиз йўқолибди. Шунга маслаҳатингиз керак бўлиб қолди.

– Мен ўлдирмабманми ишқилиб? – деди Асадбек пичинг билан.

– Йўғ-е, йўғ-е! Худо асрасин! Иккала ашулачи куёвингиз... Элчин акамларга шогирд эканми...

– Элчин акангнинг ахволини биларсан?

– Биламиз, биламиз, ўзларидан сўраб кўрайлик, десак, яхши гапиролмаётган эканлар. Балки ўша йигитларни сиз биларсиз, деб ўйлабмиз-да.

– Отарчиларнинг асбобини кўтариб юрганимни кўрганмидинг? – Асадбек ўрнидан турди. – Аҳмоқлик ҳам эви билан бўлиши керак. Бек аканг яхши ашулачининг елкасига тўн ёпади, кафанликка ўрамайди, билиб қўй.

Асадбек хонадан чиқишга отланганида эшик очилиб, Жамшид кўринди. У ҳеч бир мулозаматсиз ичкарига бир қадам қўйиб, хавотирли нигоҳини хожасига қадаганича:

– Бек ака, тинчликми? – деб сўради.

– Тинчлик, – деди Асадбек ижирғаниб. – Укашонлар бир пиёла чойга таклиф қилишган экан, ивирсиб етиб келгунимча чой ҳам совибди. Ҳайдар аканг Қора денгиздан қайтганида унга айтгин, укашонларни меҳмонга чакириб, би-ир сийласин.

Асадбек шундай деб прокурор ёрдамчисига маънодор қараб қўйди. Ёрдамчи Кесакполвонни биларди, аммо унинг танасидан жудо бўлган калласи бир неча кун аввал Ҳосилбойвачча ётган лаҳадга қўйилганидан

беҳабар эди. Буни уч кишигина – Асадбек, Жамшид ва гўрков билардиким, меҳмонга чорланиш ҳақидаги ҳозирги гапдан мақсад не экани ҳам шу хонада турган икки кишигагина аён эди. Асадбек «эртами-кечми Хайдарнинг изсиз йўқолганидан шубҳаланиб қовлаштиришни бошлашганда шу гапим асқотади», деган мақсадда айтган эди. Меҳмонга чорлаш ҳақидаги гапни Жамшид аввалига айнан англади – «буларни Хайдар акамнинг ёнига жунатиш керак экан-да, шунанга гуноҳ иш қилишибдимиз?» деб ўйлади. Хожасидан топшириқ олганда «нима учун?» деб сўрашга одатланмагани сабабли «хўп», деб қўйди-ю, Асадбекка эргашиб кўчага чикди. Машинага ўтириб вазифасини ойдинлаштиришга уринганида Асадбек унинг бу соддалигидан кулиб «Ҳе, эси йўқ, уларга тегиб бўладими! Уларни аҳмоқ десам, сен ўтиб тушдинг-ку!» деб мақсадини тушунтирди-да:

– Эски шаҳардан жой тайёрладингми? – деб сўради.

– Хайдар акам вассажуфтли бир уйни мўлжаллаб қўйганидилар. Савдо пишмай турибди. Уйнинг эгаси қарироқ одам экан, феълига тушуниб бўлмапти: бир сотмоқчи бўлади, бир «отамдан қолган жойга ўлганимдан кейин кирасанлар», дейди. Пулнинг ярмини бериб қўйганмиз...

– Кўнмаётган бўлса... индамай кўя қолларинг. Эски жойимизда ўтира тураммиз... – Асадбек шундай деди-ю, қарорининг боисини айтмади. Чувринди ўлганидан кейин бу идорага киришга юраги бетламаётганди. Бошқа жойга кўчишни шунинг учун ихтиёр этганди. Энди ўйлаб қараса, кимнингдир кўзларини ўйнатиб ҳавасини келтираётган, кимнингдир юрагига ваҳима солаётган идорадан воз кечиб панароқдан жой излаши ожизлигидан дарак бериб қўйиши мумкин экан. «Бу ердан кўчсам, эрта-индин оёқости қилиб ташлашади», деган ўй аввалги қарорини ўзгартиришга баҳона бўлди. Шаҳар марказидаги уч қаватли иморат

ертўласидан жой олган видеобар ниқобидаги идораси унинг назарида энг оғир зарбаларга ҳам дош бера оладиган метин қалъа эди.

– Йигитларингни бир эла-эла қилиб, саралаб олсанг бўларди, – деди Асадбек ўйчан тарзда.

Жамшид кейинги ҳафталар ичи «ўнг қўл ва-зир» мақомида юрган бўлса-да, «йигитларингни» деган сўзга алоҳида урғу берилганини сезиб, хо-жасига қаради. Бу сўз фармон мақомида айтилиб, вақтинчалик топширилган мансаб тахтининг энди тўла ва узил-кесил инъом этилганига ишора эди.

– Тарзанга нима дейсан? Юриш-туриши қанақа?

– Ёмон эмас, – Жамшид шундай деди-ю хожа-сининг «мен топган болани менсимаяпсанми?» деб қолишидан чўчиб, тезгина изох берди: – Сиз одамни бир кўришдаёқ кимлигини билиб берасиз. Бекорга на-зарингизга тушмаган.

– Акаларингдан қайси бирига ўхшайди?

– Маҳмуд акамга. Ўйламасдан бир иш қилмайди.

– Кўп ўйлайверишнинг ҳам зарари бор-а?

– Ҳали сизнинг тарбиянғизни олмаган-да. Ўрганиб кетади.

– Ҳайдар акангнинг ўрнини босадиганлари ҳам борми?

– Бор.

– Ўйлаб ўтирмай дангалига «бор!» деяпсан, бирор-тасини мўлжаллаганмисан?

– Тарзаннинг ошнаси бор. Гавдаси ҳам, қилиқлари ҳам ўхшайди. Тарзаннинг режаларини ўша амалга ошириб беради.

– Ҳайдар акангнинг қаҳри қаттиқ эди.

– Бу ҳам худди шунақа. Юмшоқ кўнгил бўлиши сираям мумкинмас.

– Нега?

– Айтувдим-ку, қамокда туғилган аламзадалар-дан. Тарзан билан гаплашган кунингиз уни ҳам кўрувдингиз-ку?

– Эсимда... Ҳозир топ уни. Гаплашиб кўрай-чи. – Асадбек буйруқни бергач, ҳазин оҳангда – Акаларингнинг ўрнини тўлдириш керак, – деб кўйди.

Чувринди билан Кесакполвон унинг икки қаноти эди. Энди янги қанотларга эҳтиёж сезди. Ҳозир «акаларингнинг ўрни билинди», демокчи бўлди-ю, ўзининг бу ондаги ҳимоясиз бечораҳоллигини ошкор қилиб кўйишдан тийилди. «Акаларингнинг ўрнини тўлдириш керак», дегани билан бу икки ўринни аввалгидай қойилмақом тарзда тўлдира олиш мумкин эмаслигини биларди. Кесиб ташланган икки қанот ўрнига янгисини улаш қийин эмас, бироқ бу янги қанотларнинг танага аслидай ўрнашиб кетиши амри маҳол. Айниқса, Чувриндининг ўрнини ҳеч ким, ҳатто Жамшид ҳам боса олмайди. Кесакполвон охирида хиёнат кўчасига ўтиб олган бўлса-да, унинг Асадбек учун кадрли томонлари кўп эди.

Жамшид хожасининг амрини тез бажарди: Тарзаннинг шериги икки соатдан сўнг Асадбекнинг рўпарасида ўтирар эди. Қамокхонада туғилиб, уч ёшига қадар онаси ётган қамокхонада катта бўлган, сўнг болалар уйига ўтказилган Ахтамнинг саргузаштларини Жамшид топшириқ олган кунлариёқ аниқлаб, хожасига қисқа тарзда баён қилган эди. Қамокхонада туғилгани учун бола айбдор эмас, лекин икки марта майда ўғирлик билан қўлга тушиб қамалиши Асадбекка маъқул келмаган, шу боис ўзига яқинлаштирмай турганди.

Асадбек унга ўткир нигоҳини қадаб, сўз бошлашга шошилмади. Ахтам ҳам «майли, обдон тикилиб олинг», дегандай жим ўтираверди. Йигитнинг кўзлари ўйнаб туриши Асадбекка ёқинқирамади. «Чақиртириб бекор қилдимми, изига қайтариб юбораверайми?» деб ҳам ўйлади. Кейин «қанот бўлолмаса, калта дум бўлишга яраб қолар», деган тўхтамга келди.

– Мени қаерда кўрганинг эсингдами? – деди Асадбек, ундан кўзини узмай.

– Сизни кўп жойда кўрганман. Лекин сиз мени бир жойда кўргансиз, – деди Ахтам.

– Эсинг жойида-ку, – деди Асадбек кулимсираб. – Лекин... шилта ишлардан ҳазар қилмас экансан.

– Ҳар қанақа ишнинг ўз ўрни бўлади, ўз ўрнида қилинган ишнинг мазали роҳати ҳам бўлади, – деди йигит, дадил оҳангда.

Жамшид, ҳатто Чувринди ҳам Асадбек билан бундай оҳангда гаплашишга журъат қилган эмас. Бунақа бетгачопарлик фақат Кесакполвонга хос эди. Рўпарасида йигирма йилга ёшарган Кесакполвон ўтиргандай бўлиб, Асадбек ғашланди.

Ахтам рўпарасида ким ўтирганини биларди, лекин у кимтиниш ёки тортиниш каби фазилатлардан холи эди. Асадбекка рўпара бўлган энг дадил ва жасур йигитлар ҳам тиззалари калтираб қолмаса-да, ҳарҳолда эҳтиромлари юқори эканини ҳеч бўлмаганда қўл ковуштириш билан аён этиб кўярдилар. Бу йигит эса... Асадбек унинг дадил ўтиришини кузатиб: «Қамокхона мактабини аъло баҳога тугатибди», деб ўйлади.

– Лақабинг нима? – деб сўради Асадбек.

– «Мурда».

– Қаёқдан топасанлар бунақа лақабларни. Безбетлигинг учун шундай дейишганми?

– Йўк, бошқа сабаби бор.

– Ҳаммининг олдида шунақа сўррайиб ўтирасанми?

– Бўлганим шу.

– Мендан чўчимайсанми?

– Ҳозир чўчимайман. Чунки чақиришингизни билардим, – деди Ахтам.

– Тушингга кирдимми? – деди Асадбек киноя билан.

– Мен туш кўрмайман.

– Йўғ-е?

– Ресторанда менга тикилиб қараган эдингиз.

Кўнглингиздан бир гап ўтганини сезганман. Эртасига Жамшид ака суриштирганларини ресторандагилар айтишган.

– Сезгинг жуда-а ўткирга ўхшайди. Қани айт-чи, кўнглимдан қандай гап ўтган бўлиши мумкин?

– Мен сизга керакман.

Кўзлари ўйнаб турган йигит шундай дегач, Асадбекнинг ўткир нигоҳига тик қаради. Ундан бундай дадил гапни кутмаган Асадбек бир оз гангиб ҳам қолди. Уни йигитнинг дадиллиги эмас, кўнглидаги яширин ниятни англай олгани ҳайрон қолдирди. Асадбек ҳам мард ва дангалчи эди. Бироқ, бу онда: «Қойил, ўғил бола, дилимдагини топибсан!» деб тан бермади. Аксинча, кўзлари муғомбирлик билан қулди:

– Менга керакмисан? – деб сўради пичинг оҳангида. – Чой қуйиб узатадиган мулозимга хожатим йўқ. Эҳтимол мен сенга керакдирман?

– Мени ўша куни кўрдингиз: чой сузиб ўтирадиган сўтакка ўхшайманми?

Ҳаддида туриш нималигини билмайдиган Ахтам бу гапи билан Асадбекнинг сабр косасини чайқатиб юборди.

– Сен баҳоингни ўзингча оширворибсан, бола! Сенга ўхшаган тирраки бузоқларнинг аллақанчаси баланд дорга осиламан деб ўлиб кетганини эшитмаганмисан? – деди Асадбек зардали оҳангида. Унинг кўзларидан сачраган ғазаб учқунлари ҳатто ўзига яқин аёнларни ҳам саросимага соларди. Бу йигит эса пинагини ҳам бузмади.

– Мен бу дунёга осонгина ўлиб кетиш учун келмаганман, – деди кўзларини чақчайтириб.

Шу безбетлиги Асадбекка Ҳосилбойваччани эсла-тиб, ғазаби оловига мой сепди.

– Сен қатта кетаверма, бола! Кўрпангга қараб оёқ узат. Яна чатаноғинг йирилиб кетмасин!

Даврасига олишни мўлжаллаган йигитлар билан Асадбекнинг ўзи гаплашарди. Билаги кучга тўлган,



бирок калласи бўм-бўш йигитлар онда-сонда бўлса ҳам учраб қоларди. Кимнинг ҳузурида турганларини фахм этмай ҳурмат доирасидан чикқудай бўлсалар, Кесакполвоннинг бир-икки тепкисини еб, келган жойларига кетаверар эдилар. Асадбекнинг ғазаблана бошлаганини дарров сезиб, чора кўрадиган Кесакполвон энди йўқ.

«Энди ҳар қанақа тиррақи менга тик қарай-верадими? Ҳар қанақа палид мени оёқости қила-верадими?!» Шу савол хаёлини яшин нури каби ёритди-ю, баданига муз югурди. Заҳрини сочишга шайланганида Ахтам «Бек ака!» деб мурожаат қилди. Асадбекнинг назарида бу сафар унинг овозида ҳам меҳр, ҳам илтижо оҳанги сезилгандай бўлиб, ғазаб алангаси сал пасайди.

– Бек ака, – деди яна Ахтам, – мендан жаҳлингиз чикмасин, турган битганим шу. Мен қамокда туғилганман.

– Биладан.

– Мен қамокда ўладиган одамман, буни ҳеч ким билмайди.

– Худо билади.

Асадбек бу гапни эътиқод соҳиби тили билан эмас, одамларга одат бўлиб қолган шунчаки бир гап сифатида айтди. Ахтам ҳам буни жиддий ҳақиқат ўрнида қабул қилмади. Ҳидоят хусусида жиндеккина тасаввур бўлганда ҳам «Албатта Худо билади», деб қўйиши мумкин эди. Лекин бу гап айтилмади.

– Худо мени яратишга яратиб қўйиб, унутиб юборган. Қаерда ўлишимни ўзим биладан. Одамлар «Худо! Худо!» деяверишади. Лекин мен қойил эмасман, уларнинг худоларига. Менинг айбим нима эди? Хўп, қамокда туғилибман, онам темир панжаранинг у томонида, мен бу томонида биғиллаб ётибман. Уч ёшимгача қамокнинг сассиқ боғчасида сассиқ ўйинчоқларни ўйнаб ўтирардим. Бундан кўра ўлдириб юбора қолганлари яхши эмасмиди? Нима учун ўлмай

қолганимни кейин билдим. Мен бу дунёга қасос олгани учун келган эканман. Қамок боғчасидан болалар уйига чиқаришганда қасам ичганман: мен уларнинг ҳаммасини ўлдираман!

Бу ахдни эшитган Асадбекнинг эти жимирлашиб кетгандай бўлди.

Дадасини қамокқа олиб кетишганда у ҳам шундай деган эди. Қирқ тўққизинчи йилнинг ўттиз биринчи декабрида уйларига бостириб кириб, ҳамма ёқни титиб ташлаган, сўнг дадасини «халқ душмани» деб ҳақоратлаб олиб кетган икки кишининг қиёфаси ҳали ҳам кўз ўнгида: бири новча, иккинчиси паст бўйли одамларнинг сурати кўз олдига муҳрланиб қолган. Ётса ҳам, турса ҳам, бири паст бўйли, иккинчиси новча одамдан қасос олишни ўйлаб яшади. Қасос олди ҳам. Бироқ, кўнгли барибир таскин топмади. Асадбек баъзан ўзи ҳам ҳазар қилиб кетадиган бу оламга «қасос туфайли кирганман», деб ўзини ўзи ишонтирмоқчи бўлади. Ана шундай пайтда қандайдир овоз «ўч мақсадида кирган бўлсанг, қасос олганингдан кейин нима учун чиқиб кетмадинг?» деб нидо қилиб вужудини титратар эди. Тасодифми бу: бир неча кун олдин Муҳиддин ота билан Жалил бу дунёнинг қасос эмас, имтиҳон дунёси эканига уни ишонтирмоқчи бўлишган эди. Рўпарасидаги йигит ҳам қасос олиш учун яшаб юрибди. Агар унга Муҳиддин отанинг гаплари айтилса, нима деркин, тушунармикин?

Асадбекдан тап тортмай безбетларча турган йигит ҳам қасос олмоқчи... Қасос шунчалар ширинми? Ширин қасоснинг оқибати нима? Ширин ўлимми? Асадбек унга ҳаёт фалсафасидан дарс ўтиш нияти йўқ эди, шу боис «Ҳали кўп нарсаларга ақлинг етмайди», деб қўйди. Ахтам унинг бу гапини ҳам ўзига олмади. Киприк қоқмай тикилганича:

– Мен сиз ўйлагандан кўпроқ нарсаларни билман, – деди.

– Дўзахда қуяётган бир йигитчадан «бу ерга нима

учун барвақт тушиб қолдинг?» деб сўрашганда, кўп нарсаларни билиб юборган эдим, деган экан.

– Мен унақалардан эмасман. Уч ойлигимда ўлди, деб камоқхонанинг ўликхонасига ташлашган экан. Қарашса тирик эканман. Демак, мен бир марта ўлиб бўлганман. Балки ҳозир тирик одаммасдирман, арвоқдирман. Арвоқни осонлик билан ўлдириб бўлмайди, мендан кўнглингиз тўқ бўлсин.

Асадбек унга қараб ўйланди. У Ахтамни Кесакполвоннинг ўрнида кўришни истаган эди. Бу бола ўнта Кесакполвонга дарс берадиганга ўхшайди. Яхши ҳамки, уни қаноти остига олди. Йўқса, қайси бир овлоқларда писиб, пайт пойлаб, эртами-индин қутилмаганда ўзига сапчиши тайин эди. Лекин... бугун бўлмаса эртага барибир сапчийди. Фақат тўғридан-тўғри Асадбекка сапчийдими ё аввал Тарзанни, сўнг Жамшидни янчиб ташлашга уринадими? Жамшид билан Ахтамга Ҳайдар билан Маҳмуднинг тақдири на-сиб этадими? Энди бир-бирларини ғажиб адо этиш навбати буларга келдими?

Кўнглини ғаш қилган бу фикрларни ошкор этмади. Ахтамга «боравер», деб синов суҳбати яқунланганини маълум қилди. Йигит ўрнидан тургач:

– Лакабингни ўзгартир, мен атрофимда мурда илакишиб юришини ёқтирмайман, – деди.

– Ўзингиз кўйиб бера қолинг.

– Башарангга қараган одам сурбетлигингни дарров билади.

– «Сурбет» демоқчимисиз? Унда айтишга осонроқ қилиб «Сур» деб қўя қолайлик. Билган одам «Сурбет» деб ўйлар, билмаган одам «душманларини йўлдан суриб ташлайдиган азамат», дер?

Унинг бу гапи Асадбекка маъқул келиб кулимсиради:

– Яхши, лекин ҳозирча биринчи маъноси тўғри, – деди.

– Ичимда яна битта гапим бор, қолиб кетмасин, айтиб олай: сиз шахмат ўйнашни биласизми?

– Хўш, билсам нима эди?

– Қамоқдалингнмда бир одам айтган эди: бу дунёнинг ҳаёти шахмат ўйинига ўхшаркан. Сиз ҳозир мени ўзингизнинг ўйинингизга тортмоқчисиз, тўғрими?

– Хўш, тўғри ҳам дейлик, нима демокчисан?

– Шахмат тахтаси устида ҳар хил доналар бор, мен қайси бири бўламан? Пиёдами?

– Қай бири бўлишни хоҳлардинг? Фарзинми?

– Мен от юришни ёқтираман. От ёмон тепади, фарзинни ҳам пачоғини чиқаради.

– Мақсадинг яхши. Лекин от иккита бўлиши керакку?

– Ҳа. Биттаси – Тарзан-да.

– Тепсанг тепавергин-у, аммо ҳаддингдан ошма.

– Ҳаддимни биламан: сиз шоҳсиз. Тўғрими? Мен шоҳларга ачинаман.

– Нега?

– Шоҳ ёлғиз, бечора ҳамиша ҳимояга муҳтож. Вақти келса, битта пиёдага кучи етмайди. Битта пиёда сурилиб келиб, мот қилиб қўйиши мумкин.

– Ақлинг шунга етса, билиб ол: нодон шоҳ мот бўлади. Сен ўйнайдиган ўйинда аҳмоқ шоҳ йўк!

Асадбек – ўз оламида от суриб юрган ғурурли инсон, эшак аравага осилиб бу оламга кираётган бир тирранча билан отидан тушиб гаплашгани учун ғашланди. Айни чоғда сўнаётган гулхан яқинидаги чўғ аланга олиши муқаррарлигига ишончи борлигини маълум қилиб қўйган эди. Бири кенгайтирган зулм сўқмоғига иккинчиси ибтидонинг ўзидаёқ безбетларча қадам босгач, интиҳоси нима бўларди?!

Яхши ҳамки, буларнинг иккови ҳам: «Эй Одам фарзанди, мен Аллоҳдирман, бандаларни Ўз кудратим билан яратдим, бас, кимларгадир Мен яхшилиқни ирода қилиб, яхши хулқни бериб қўяман, кимларгадир ёмонлик бўлишини ирода қилсам, унга ёмон хулқни бераман», деган илоҳий калимадан беҳабар. Билганларида эди, бу ҳикматни ўзларича нотўғри

талқин этиб, аввал қилган зулмлари ва эндигиларини «ҳаётнинг ўзгармас қонуни» деган аҳмоқона тушунчалари билан оқлаган бўлардилар. «Бировга азоб беришни, ҳатто ўлдиришни менга Худо буюрган», деб даъво қилишдан қайтмасдилар. Аллоҳ ҳар банданинг қаршисида икки йўл очиб қўйганини, шайтон йўлидан юз ўгириб, Раҳмон йўлига бурилиши учун унга ақл ва заковат берганини эса ҳатто ўйлаб ҳам кўрмасдилар. Атрофдаги ҳамма нарсани шайтон кўзи билан кўриб, шайтон қалби билан ҳис этиб, шайтон қулоғи билан эшитиб, шайтон ақли билан фикр қилаверишгач, улардан нимани кутиш мумкин?

## И б о б

---

### 1

Орадан кунлар, ҳафталар ўтиб юз беражак яхши ёки ёмон воқеани кўнгил олдиндан сезиши аниқ. Фақат одамзод ўз кўнгли хитобига қулоқ солмайди, «Бошга тушганини кўз кўрар», деб юраверади. Бўрон бирданига кўзғолмайди, жала бирданига қуймайди. Бўрондан олдин шабада эсади. Одам боласи ҳадемай атрофни ағдар-тўнтар қилиб юборадиган бўрон бошланишини тасаввур ҳам қилмай, шабададан роҳатланади.

Хонгирейнинг ўлими ҳақидаги хабар Асадбекка ёқимли шабада роҳатини бериши керак эди. Лекин қасос лаззати бўлмагани учун бу хабарда роҳатбахш шабадани ҳис қилмади. Аксинча, кўнгли бўлажак ёвузликни сизди. Афсуски, сезги инсон вужудига давомли равишда ҳукмронлик қила олмайди. Кўпинча огоҳлантирувчи сезги чақмоқ нури каби тезоб бўлади. Асадбек Краснояр сафарини режалаштираётгани учун кўнглини хижил қилган сезгига етарли аҳамият бермади.

Кўнгли алдамаган эди. Красноярга учишидан бир

кун олдин Москвада янги зулм дарахти экила бошлаганди.

Шайтанат дунёсида вақт шайтоннинг ўзи сингари ҳамиша бедор ва сергак бўлади. Милиция ухлаши мумкин, лекин кўча ҳамиша уйғоқ – киприк қокмайди. Айникса, ўғрилар оламини бир нафас ҳам ғафлат босмайди. Тўданинг ярми қирилиб кетса ҳам, ҳатто биттагина ўғрининг юраги уриб турса ҳам бу олам тирик ҳисобланади. Хонгирейнинг шериклари ва тобелари унинг ўлимини фожиа деб эмас, балки душманлардан шафқатсиз равишда ўч олишга чақирик сифатида қабул қилишди. Хонгирей жон таслим қилган оннинг ўзида «унинг ўрнини ким эгаллайди?» деган савол туғилган эди. Бу савол Асадбекнинг хаёлини ҳам банд этганди. Аввалига Маматбейни кўз олдига келтирди. Лекин Полшага олиб ўтилмай қолган қорадори машамасида унинг ҳам иштироки борлиги катта мартабани эгаллашига монелик қилиши аниқ эди. Хонгирей Кесакполвонни ўлдиртириб, Маматбейга марҳамат қилган бўлса-да, ўздан четлаштириши аниқлигини Асадбек тўғри тахмин қилганди.

Полшага қорадори олиб ўтилган тақдирда ҳам Хонгирей Маматбейни ўзига ворис деб тайин қилмаган бўларди. Маматбейда князлик мавқеини тутиб тура олувчи қобилият йўқлиги Хонгирейга маълум эди. Шу боис унинг яхши ва беминнат дастёр мақомидан ташқарига чиқишига йўл қўймасди.

Москва атрофида ҳукм юритувчи тўдалар орасида Хонгирейнинг давраси ҳимоя нуктаи назаридан энг ишончлиси ҳисобланар, ҳатто «Горбачёв ўзини ҳимоя қилишни княз Хонгирейдан ўргансин», деган ҳазилнамо гаплар ҳам юрарди. Мақталган ўша кучли ҳимоя қалқонлари орасидан битта ўқ учун кичкинагина тиркиш топилиб қолишини Хонгирей билмасмиди? Унинг ўзи бировни ўлдирмасди, ёнида тўппонча олиб юрмасди. Ўзини ўлимдан қўрқмайдиган қилиб кўрсатарди атрофидагиларга. Аммо... ёвузликни касб

этгани билан, тирик жон-да, барибир ўлимдан кўркарди. Кўркмаганида атрофини кўриқчилари ҳалқаси билан ўраб олармиди?.. Бошқаларни ўлим даҳшати билан кўркитишдан лаззатланувчи одам «мен ўлимдан кўркмайман!» деб жар солган тақдирда ҳам у билан баҳслашиб ўтирмай, кулимсираб қўя қолгани маъкул.

Бирон хатардан огоҳ бўлса-ю, юрагида кучли хавотир уйғонмаса, ҳовлиқмаса, ўлим шарпасидан чўчимасди. У юрагининг алдамаслигига ишонарди. Ўзи тобе бўлган олам аҳлининг узоқ умр кўрмаслиги, ажалини кутиб тўшақда ялпайиб ётмай, биттагина дайди ўк, биргина томчи заҳар ёки бир кулочгина чилвирдан иборат сиртмоқдан ўлим топишини тан олгиси келмас, ҳаёт шони хабарчиси бўлган тушларига ҳам, таъбирчиларнинг гапларига ҳам ишонмасди. «Ҳали ўлимимга кўп вақт бор, бугун менга кафан бичаётганларнинг ўзлари ажалим етгунига қадар гўрда суякларигача чириб кетади», деб ҳисобларди.

Ҳар қандай тўдабоши сингари Хонгирей ҳам ёнида ишончли одамлар бўлишини истарди, бироқ бу ишончли йигитлари орасида ўзидан кучлироқ, ўзидан ақллироқ ва эпчилроғи бўлишини хуш кўрмасди. Қачондир, кимнингдир қўлидан ўлим топганидан сўнг ўзининг ўрнини ким эгаллашини ўйларди. Вақти келганда Хонгирейнинг тахтига ўтирадиган одамга хожасининг васиятномаси кифоя қилмайди. Бу одамни атрофдаги тўдалар тан олиши шарт. Гўрда ётадиган Хонгирейга бунинг аҳамияти йўқ. Унинг учун энг муҳими – тўдасининг обрў-эътибори сусаймаслиги зарур. «Хонгирей» деган номни эшитганда одамлар унинг ўлиmidан кейин ҳам титраб туришлари керак. Нотавон банда! Қиёматга қадар қабр азобига гирифтор этилган, танаси лаҳад қуртларига ем бўлиб ётган одамга бу шуҳратнинг нима зарурати бор экан?!

Дўзах азоби нима эканини сал-пал эшитган, бироқ, Қиёматга қадар давом этадиган қабр азоби нимадан иборат эканидан мутлақо хабарсиз Хонгирей ўлимни

ўйлаганда энг аввало ўлимидан кейин шухрати сўнмаслигини режа қиларди. Қанчалаб одамларнинг шўрини қуритиш эвазига тикланган қонли шухрат саройи унинг назарида узоқ йиллар қад ростлаб туриши керак эди. Бу қонли саройдаги қонли тахтда ўтиришга эса унинг назарида фақат Ахвердил ҳақли эди. Спорт аҳли орасида халқаро микёсдаги самбо устаси Ахвердилнинг шухрати ҳали сўнмаган, ўғрилар олами эса уни ўликхоналар эгаси Моргаш деб билгани учун иззат қилмас, юқори мартабаларга ҳам лойиқ кўрмас эди. Спортда омади юришиб турган кезлари, навбатдаги ғолиблик қувончини ресторанда нишонлаб, кайфи ошиб қолган Ахвердил нимадандир норози бўлиб шовқин кўтарганида танбех берган милиционер йигит кўзига ёмон кўришиб, биттагина мушт туширган эди. Спортдаги мартабасининг барбод этилишига, бир неча ой Москвада хору зор бўлиб юришига шу мушт кифоя қилди. Агар Хонгирейнинг назари тушмаганида шу биргина мушт учун неча йиллик умри камокнинг искирт хоналарида ўтмоғи ҳам мумкин эди. Хонгирей Ахвердилнинг кўшни овулдан эканлигини билгач, уни қанотига олди. Ахвердил милиционерни ургани учун ўғрилар оламида қадрланишини у дамда билмасди. Хонгирей собиқ чемпионни синамоқ учун кичикрок бир ўликхонани унинг ихтиёрига топширди. Ахвердил оғриниб, норозилигини яширмаганида Хонгирей унга бир гап айтди: «Сенга топшираётган ишимнинг яхшилиги шундаки, ўликхонада хизмат қиладиганларни бошқалар ўлдирмайди. Агар бу ишнинг қадрига етсанг, меровлик қилмасанг, эртага, ҳатто индинга ҳам тирик юришингни аниқ биласан». Ахвердил бу гапни ҳикмат ўрнида қабул этиб ишга астойдил киришди. Оқибатда ҳатто Хонгирейни ҳам таажжубга солиб, бир йилда шаҳардаги барча ўликхоналарни ўз қўл остига олди. Спортда шухрати сўна бошлаган ёки омади юришмаётган бақувват йигитлар ўликхоналарда «санитар» деган вазифадан ҳазар қилмай ишга ёлланиш-



ди. Ўликхоналарда ҳар куни неча минг долларлаб пул айланишини бу ерга иши тушмайдиган одам қаердан ҳам билсин? Шаҳардаги пуллик ҳожатхоналарнинг эгалари ҳам бойлар қаторида савлат тўкиб юришганда ўликхона эгаси хорланар эканми? Одам пуллик ҳожатхонага кирмаса ҳам тирикчилиги ўтаверади. Аммо ўликхонага тааллуқли ишини бошқа жойда бажара олмайди. Ҳукумат пуллик ҳожатхоналарни ёпиб қўйса ҳам, ўликхонага даф қила олмайди. Хуллас, барча ўликхоналар Ахвердилнинг назоратига ўтгач, ўғрилар олами унга «Моргаш» деган лақаб берди.

Хонгирей бу чаптаст ва кўркмас йигит билан кўп ишларни амалга оширмакчи эди...

Асадбек Краснояр сафарига тадорик кўраётганида Моргаш Москвадаги «Лебединая песня» деб номланмиш ресторанда меҳмон кутарди. Аслида у тождор ўғрилар тўплантисини чорлашга ҳақсиз эди. Ечилиши мураккаброк муаммони ҳал қилиш учун одатда эътиборли ўғрилар тўпланардилар. Баъзи тўплантида бирикки юз ўғри иштирок этса, айримлари беш-олти ўғри билан чекланарди. Шу боис Моргаш ресторанга фақат Қофказга тааллуқли тождорларни таклиф этишни маъкул кўрди. Баҳона: «Улуғ княз Хонгирей руҳини шод қилиш». Тўпланти «Хонгирейнинг ўрнига фалончи бўлсин», деб қарор чиқармайди. Муҳими – бу мартабага даъво қилаётган Моргашни улар тан олишлари лозим. Дарров тан олмасликлари ҳам мумкин. Лекин ҳурматлари юзасидан маълум қилиб қўйиши шарт.

Таклиф қилинган меҳмонлардан фақат биргина киши – Ҳамзатбей ҳаяллади. Вақтида етиб келган меҳмонларнинг ҳар бири ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлса-да, мезбонни шошилтиришмади. Дастурхонга қўл узатмай, сигарет тутатиб ўтиришди. Ўши олтимишларни қоралаган бўлса-да, адл қоматини йўқотмаган, кўзлари бургутники каби ўткир, ҳаракатлари кескин Ҳамзатбей ярим соат кечикиб келди. Осто-

на хатлаши билан салом бергач, икки қадам босиб тўхтади-да, дастурхон устига норози киёфада бокди:

– Насронийчасига аза очяпсанми? Хонгирей насрониймиди?

Насронийлар дафн маросимидан сўнг дастурхон атрофида йиғилиб, ароқ ичиб, гўё мархумни эслаган, руҳини шодлантиргандай бўлишади. Ҳамзатбей дастурхон устидаги ичкиликларни кўриб шу одатни эслатган эди. Ҳаётлик пайтида Худони танимаган одам ўлганидан кейин ароқ ичиб эсланадими ё ароқсизми, аслида фарқсиздир. Ҳамзатбей ҳам, бошқалар ҳам, гарчи ўзларини насроний ҳисобламасалар-да, уларнинг яхши-ёмон одатларини беками кўст бажараётганларини тан олгилари келмайди. Ҳозир мусулмонликка риоя қилиб «Аллоҳ, бу бандангнинг гуноҳини кечир», деб ароқ ичмаганлари билан, бир соатдан кейин бошқа ресторанда бўкиб ичишлари қайси динга мансуб эканини ҳеч ўйлаб кўрмаганлар.

Ҳамзатбейнинг ҳозирги танбеҳи ўтирганларни хи-жолатга солмади ҳисоб. Шунчаки гап сифатида қабул қилишди. Лекин Моргаш мезбон сифатида муносабат билдириши лозим эди, шунинг учун ўрнидан туриб, меҳмонни кучоқ очиб қаршилади:

– Хуш келдингиз, ардоқли Ҳамзатбей! Нималар деяпсиз? Қанақасига насроний, қанақасига аза? Ахир Хонгирей ўлдими? Сиз бизнинг устозимизсиз, ўзингиз айтинг: қадрдонимиз Хонгирей ўлдими? Йў-ўқ! Хонгирей ҳали ўлгани йўқ! Фақат кимдир шунчаки аҳмақона миш-миш тарқатибди. У қисқа муддатли хизмат сафарига кетди. Аниқроғи... отасини кўргани кетди. Кўради-ю, қайтади.

Моргашнинг бундай дейиши ҳамма учун қутилмаган эди. Шу сабабли бир-бирларига саволомуз қараб олдилар. Фақат Ҳамзатбейгина ундан қахрли нигоҳини узмади.

– Хонгирей ўлмаган бўлса, нега унинг ўрнида

Қрим хонига ўхшаб ялпайиб ўтирибсан. Фақат «билмай ўтириб қўйибман», дема, пичоққа илинадиган баҳона топ.

– Ҳеч қанақа баҳонам йўқ. Хонгирейнинг ўрни мен учун муқаддас бир жой. Қандайдир аблаҳ довдираб-совдираб кириб келиб, эгаси борлигини билмасдан ўтириб қўймасин, дедим холос. – Пичинг аралаш тагдор гапларнинг хотимаси яхши бўлмаслигини билган меҳмонлар энди бир-бирларига маънодор қараб олдилар. Моргаш эса ўзини соддаликка солган ҳолда манзиратини давом эттирди:

– Муҳтарам устоз, Хонгирей узоқ сафарда эканида жойи совимасин, бу ерда ўтириш фақат сизга ярашади.

Ҳамзатбей бундай лаганбардорликка алданадиган лакмалардан эмасди. Асли қашқир бўлган Моргаш шу топда тулки либосида турган бўлса, Ҳамзатбей аслини ўзгартирмаган – кўзлари йўлбарсники каби ёнарди. У дадил юриб бориб, тўрдаги ўринга эмас, ёнидаги бўш жойга ўтирди-да:

– Агар Хонгирей сафарга кетган бўлса, албатта қайтади. Унинг бу «муқаддас жойи»га ўтиришга ҳеч ким ҳақли эмас, – деди кескин оҳангда. «Муқаддас жойи» деган таъкидда киноя оҳанги мавжудлиги ўтирганларга аниқ сезилса-да, эътибор берилмади. Фақат Моргаш бу лутфдан қувонгандай енгил таъзим билан деди:

– Сиз бизнинг примизсиз, бундай ақлли гаплар фақат сиздан чиқади.

Моргаш Ҳамзатбейнинг рўпарасидан жой олди. Хонгирейнинг устози ҳисобланса-да, ҳеч қачон тўрға чиқмаган Байгильдиндан Моргашнинг юқорирокда ўтириши Ҳамзатбейни ғашлантиргани билан, индамади. Хизматдаги йигитлар ичимликлардан қуйишгач, Моргаш ўрнидан турди:

– Азиз меҳмонлар, таклифимизни ерда қолдирмай ташриф буюрганингиз учун миннатдорлигимизни

билдирамиз. Ниҳоят, «тож гули» жамулжам бўлди. Аввал дастурхонга қарайлик, гапни кейинроқ гаплашаверамиз.

– «Тож гули» дедингми? Бу ердагиларнинг ҳаммаси «тож гули»га алоқадорми? Мен бегоналарни ҳам кўряпман шекилли? – деди Ҳамзатбей Моргашга тикилиб.

Моргаш унинг мақсадини англаб, айбдор одам каби кулимсираб, бошини эгди:

– «Бегона» деганда мени назарда тутяпсиз, билиб турибман. Тўғри, мен тождор ўғри эмасман.

– Ҳа, билар экансан! Билсанг, кўрпанга қараб оёқ узат. Сен ҳатто «дайди», ҳатто «ялангоёқ» ҳам эмассан. Сен шунчаки «йўловчи» бўлишинг мумкинدير. Йўловчи эса эл бўлмайди, истаган бекатда тушиб қолаверади.

– Бу гапингиз ҳам тўғри... Лекин... – Моргаш талмовсирагандай бўлиб, худди меҳмонлардан нажот истагандай уларга қараб олди, – мухтарам Хонгирей аввалги тўплантида менга тож кийдиришни таклиф қилган эди.

– Қанақа тож! – Ҳамзатбей шундай деб ўрнидан туриб кетди. – Сенинг бу пўк каллангга қайси аҳмоқ тож кийдиради? Тож кийиш учун ҳеч бўлмаса бирикки марта камокда ўтириш керак. Умрида ўгирлик қилмаган одамни тождор ўғрилар қаторига ким қўшади?! Бу сенга компартиями, ариза берган ҳар қандай довдирни қабул қилаверадиган!

Унинг ғазабдан лаблари титрай бошлаганини кўрган ўғрилар «гапингиз маъқул», дегандай бош ирғаб кўйишди.

Ҳамзатбей Зелихон-Академик, Байгилдин, яқинда Соликамскдаги камокда сирли равишда жон берган Петка-Жавҳар ва яна Монгол каби ўғрилар қаторида бу оламнинг «мўйсафид»ларидан саналарди. Хонгирей сингари нисбатан ёшроқ ўғрилар билан бу «мўйсафид»лар орасидаги фарқ фақат ёшда эмас, ўз

оламларида қарор топган қонунларга бўлган муносабатда ҳам мавжуд эди. Ҳамзатбей ва унинг тарафдорлари ўғрилар оламининг қонунларига ўзгартириш киритишга мутлақо қарши эдилар. Бу соҳада Зелихон, айниқса, қаттиққўл эди. Ҳамзатбей қандай масалага дуч келса, унга суянарди. Академикнинг ўлиmidан сўнг Петка-Жавҳар бу оламини қўлда тутиб турган эди. Олтмиш йиллик умрининг қирқ йилини турмада ўтказган бу чўнтаккесар ўғридан Хонгирей ҳам ҳайиқиб турарди. Байгилдин табиати юмшоқ бўлгани учун маслаҳат бериш билан чекланарди. Қонунларнинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда бўшлик қиларди. Тождор ўғриларнинг муқаддас қонунларидан бири – уйланмаслик, оила қурмаслик, фарзанд кўрмаслик талабларига бўйсунмасликни Ҳамзатбей Худога қарши жанг қилиш билан баробар кўрарди. Ўтган йилги тўплантида «ўғрининг уйланиши мумкинмас», деган қонунга содик қолган ҳолда «фарзанд кўриши мумкин» деган изоҳнинг қабул этилишига у чидолмай, Хонгирейни ҳақорат қилмаган бўлсада, шунга яқин гапларни айтишдан тап тортмаганди. Кўпчиликни ташкил этмаган бу йилги тўплантида ўзларини «ишбилармон тадбиркор» деб атовчи одамлар билан ҳамкорлик қилишга ижозат этилишини ҳам қонунни бузиш деб ҳисоблади. Ўша одамларнинг оладиган фойдадан ўн фоиз тўлаб туришлари эвазига ўғрилар ҳимоясида бўлишларини Ҳамзатбей ўғрилар оламига иснод деб билди. Тўплантиларида у ёшлар даврасида ёлғизлик қилиб қолаётганди. Ёшлар унинг ўжарлигини қариллик инжиқлиги деб билиб, гапларини малол олишса-да, ёшини, ўғрилар оламидаги хизматлари ва мавқеини хурмат қилиб, чора кўришдан ўзларини тийишарди.

Ҳар бир соҳада ҳам кекса авлод билан ёшлар орасида доимий келишмовчилик мавжуд бўлади. Катта авлод ҳаётдаги ўзгаришларни дарров тан ола қолмайди, ёшлар талаб қилаётган янгиликларнинг

ҳали мавриди келмади, деб қаршилик қилишади. Қирқ-эллик йил муқаддам, урушдан олдинги ҳаёт тақозоси билан вужудга келган ўғрилар оламининг қонунлари эскириши мумкинлигини Ҳамзатбей тасаввур ҳам қила олмасди. У «агар зарур бўлиб қолса динимни ўзгартиришим мумкин, лекин ўғрилар қонунини ўзгаришига йўл қўймайман», деб очик айтарди. Ўғирлик қилиш усуллари ўзгаргани, изни усталик билан ёпиш маҳорати ошганини тан оларди, милициянинг иш услуби ҳам энди ўзгача эканини биларди-ю, қонунларнинг эскириши мумкинлигини, ислоҳга муҳтож бўлиб қолишини эса рад этаверарди. Охирги тўп-лангида Моргашга тож кийдириш масаласининг кун тартибига қўйилиши ҳам Ҳамзатбейнинг назарида қонунларга юзсизларча ҳамла қилишнинг бир кўри-ниши эди.

Моргаш унинг ҳозир ғазаб билан айтган гапларидан ранжимагандай босиқ оҳангда деди:

– Ўтган сафар ҳам шундай деган эдингиз. Мен сиздай азиз инсонларнинг ёнидан теппа-тенг жой олишга даъвогар эмасман. Бу таклиф менинг илтимосимсиз, Хонгирейнинг шахсий ташаббуси билан айтилувди. Мен ўғриларга холис хизмат қилганидан қувониб юривчи бир хокисор одамман.

– Ҳа, билар экансан, хизматингни индамай қилиб юравер. Хонгирей сени ахлатлардан арзонгаровга солиб олган эди. Иззатингни шунга қараб билавер.

– Мен иззатталаб эмасман. Кўчада қолган кунларимни унутганим йўқ. Хонгирей мени одам қилди, десам унинг хизматини камситган бўламан. Хонгирей мени ўликларнинг қироли қилди. Ҳа, «ўликлар қироли!» Ҳамзатбей оға, бу унвонни менга ўзингиз берган эдингиз, эсингиздами? Хонгирей княз эди, тирикларнинг қироли эди! Мен эсам ўликларнинг қироли бўлганимдан фахрланаман.

– Тан олганинг яхши. Хонгирейнинг ёрдами билан сен ўликлар оламига эга чиқдинг. Тўғриси, сенга баъ-

зан қойил қоламан. Пойтахтдаги барча ўликхоналарни бу қадар тез муддатда қўлга олишинга тан бериш керак. Яна тан берадиган бир масала бор: ҳаммамиз эртами-кечми ўликхонанга меҳмон бўламиз. Тирик-лигимизда аламингни ололмасанг, ўлигимизни хорлаб хумордан чиқарсан.

– Ундай деманг, Ҳамзатбей оға! Яна шайтонлар «омийн» деб юборишмасин-а! Худо сақласин сизларни, ўликхонага сираям ишларингиз тушмасин. Энди... қисқароқ айтадиган бўлсам, Хонгирей мени яхши кўрарди. Ие, нималар деяпман, «яхши кўрарди», эмас, яхши кўради!

– Яхши кўриши тўғри, – деди Ҳамзатбей мураса оҳангига кўчиб.

– Ҳа, ана, ўзингиз тасдиқлаяпсиз: Хонгирей яхши кўради, лекин сиз негадир мени ёқтирмайсиз. Бу ҳам ҳақиқатми?

– Нега ажабланасан? Дунё ўзи шунақа яралган: кимдир сени яхши кўради, кимнингдир эса сени кўрарга кўзи йўқ. Мен сени яхши кўриш учун яшаб юрганим йўқ. Яшашдан менинг мақсадим бошқа. Мен сени ёмон кўрсам ҳам яшаб юраверасан. Лекин мен ўғрилар оламига бир дақиқа безътибор қолсам, ҳаммамиз хароб бўламиз.

– Бу гапингиз ҳам тўғри. Менам кимларнидир ёқтирмайман. Менга энг маъқули – ўлик одамлар.

– Ҳаддингдан ошма, оғзингни юм, дайди!

Ҳамзатбей шундай деб беихтиёр равишда қўлини ҳаволатди. Моргаш яқинроғида турганида тарсаки уриб юборишдан қайтмаган бўларди. Моргаш унинг ғазабланганини сезмагандай осойишталик билан гапини давом эттирди:

– Хонгирей сафарга кетмасидан олдин иккаламиз ака-ука тутиниб, дилдан суҳбатлашиб бир ишни режа қилган эдик. Хонгирей тириклар салтанати билан ўликлар қироллигини бирлаштирмоқчи эди.

Бу ғоя Ҳамзатбей учун янгилик эмасди. Кундан-кун кучайиб бораётган Моргашни жilовини тортиб

туришни унинг ўзи Хонгирейдан талаб қилган эди. Хонгирейнинг Моргашга тож кийдириб, ўғрилар оламидаги эътиборли зотлар қаторига тортишдан мақсади ҳам шу эди. Моргашга тож кийдирилиши озгина муддат ижобий самара бериши мумкин, яъни у бир йилми ё икки йилми олий зотлар ҳурматини сақлаб юриши эҳтимоли бор эди. Кейин эса қутура бошларди. Ит кутурса биринчи галда эгасини қопишини Хонгирей биларди. Лекин ит қутуриш арафасида отиб ташланади, деб ҳисобларди. Ҳамзатбей Моргашнинг бирлашиш ҳақидаги гапини энди эшитиб таажжубланган кишидай чимирилди:

– Яхши-ку! Демак, бирлашгач, сен подшоҳ, Хонгирей эса содиқ вазираинг бўлармиди?

– Нима деяпсиз? Хонгирейнинг қандай ақлли эканини ҳаммангиз мендан яхшироқ биласиз. Подшоҳлик тугул, мен вазирликка ҳам арзимайман. Мен Хонгирейнинг вафодор ити эдим, ўлгунимча ҳам шундай бўлиб қоламан. Фақат... Хонгирей сафардалиги вақтида юзага чиқадиган масалаларни ҳал этишда иккала кироликни бирлаштириб туришни хоҳлаган эдим. Қарасам, Хонгирей сафарга кетганидан кейин бир-икки муаммолар пайдо бўлибди. Ўйлай-ўйлай, Хонгирейнинг режасини амалга оширдим. Байгильдин оғамизга маслаҳат солган эдим, маъқуллади. Хонгирейнинг салтанатига бир-икки кўзларнинг ола қараётгани менга ёқмай қолди. Бирлашишдан мақсад ўша кўзларни ўйиб олиш. Ахир биз ҳаммамиз биродарлармиз-ку? Бугун қайси бир қанжиқ Хонгирейнинг салтанатига панжа урса, эртага сизга қараб акиллашдан тоймайди. Мен уларнинг панжаларини синдираман, акиллайдиган тилларини кесиб оламан. Ана шунда ҳаммаларимизнинг уйларимиз осойишталик роҳатидан баҳраманд бўлади. Айтмоқчи, Хонгирей сафарга кетмасидан олдин уч-тўртта тобут ясатиришимни буюрган эди. Тобутда кимлар ётишини ҳам айтган, бизнинг ишимизда тобутлар узоқ вақт



бўш ётиши мумкин эмас. Бунинг учун менга сизларнинг ёрдамларингиз шарт эмас. Энг муҳими сиз азизлар, айниқса, сиз мухтарам Ҳамзатбей устоз – менга ҳалақит бермасаларингиз бас. Бирдан-бир илтимосим шу, устоз, мени яхши кўришингиз мутлақо шарт эмас, фақат йигитларингиздан бирортаси оёғимиз орасида ўралашиб қолмасин. Билмасдан босиб олсак, сиз айбамасангиз ҳам ўзим куйиб адо бўламан.

– Қичқириғинг оламини бузадиган-ку, а, жўжахўроз! Сен аввал тобутларингга эгаларини жойлагин-да, кейин ноғора қоқ! Менинг бошқа гапим йўқ!

Ҳамзатбей шу гапларни асабий тарзда айтиб, бошқаларга «хайр» дегандай бир-бир бургутқараш қилиб чиққач, эшик томон юрди.

## 2

«Жўжахўроз» дейилиши кечириш қийин бўлган ҳақорат саналса-да, Моргаш индамади. Уйғонган ғазабини заҳарли илжайиш билан жиловлади. Бу заҳарли илжайиш чодирини остида адоват туғилганини биров билди, биров билмади. Зиммасига Ҳамзатбейнинг уруғини қуритиш вазифаси юкланган бу адоват шу ҳақорат айтилмаса ҳам барибир туғиларди. Ўз ҳаракатлари, ўз талаблари ва даъволари билан ўғрилар олами даҳолигига талабгорлик қилаётган Ҳамзатбей русларнинг «ўзганинг чанасига ўтирма», деган мақолини унутаетганди. Тўғри, унинг ёши бошқаларникига нисбатан улугроқ эди, ўғрилар оламида эътибори юқори эди. Бирок, ҳар бири ўзини Худо деб ҳисобловчи бу оламга катталик қилиш учун шу эътиборнинг ўзи кифоя қилмасди. Бу мартабага Зелихон эришмоғи мумкин эди. Лекин у тўдалашиб юришни ёқтирмасди. Академикдан кейин Петка-Жавҳарнинг сўзи кескир эди. Буларнинг олдида Ҳамзатбей ким бўлибди? Орада қоғазликларга хос кексаларни иззатлаш одати бўлмаса, ўзини катта олаётган бу одамни славянлар янчиб ташлашади.

Ҳамзатбейнинг изидан бошқалар ҳам туришди. Кўполлик қилмай, тавозелик билан хайрлашган бўлсалар-да, уларнинг кўзларидан «Хонгирейнинг ўрнида сени кўришни истамас эдик», деган маънони уқиш мумкин эди. Агар бу фикрни тилларига чиқаришса-ю, улардан «Хўш, кимни кўришни истардиларинг?» деб сўралса, жавоб бермай елка қисиб қўйишлари аниқ эди. Моргаш буни зиёфатга чорламасидан олдин ҳам биларди. Буларга қолса, Хонгирейнинг ўрнини ҳеч ким эгалламаса-ю, салтанатини ўзаро бўлиб-бўлиб олишса.

Меҳмонлар кетишгач, Моргаш тўрдаги бўш ўринга ўтирди. Байгилдин унинг ўнг томонидан, Маматбей эса сал қуйроқдан жой олди. Моргаш ароқ қуйиб қўйилган қадахни қўлга олди-да, бир кўтаришда бўшатди. Байгилдин билан Маматбей ҳам ичишди. Икковининг қарашларида ҳам «энди нима қилдик?» деган хавотир сезилмасди. Улар ҳам янги хожалари каби тўплантининг шундай яқун топишини олдиндан билгандай хотиржам эдилар.

– Байгилдин, – деди Моргаш бир неча нафаслик сукутдан кейин, – мен уларнинг маслаҳатига муҳтож бўлиб чақиртирмаган эдим. Ниятимни маълум қилиб қўйишим шарт эди, шунинг ўзи уларга етарли. Битта каллага битта маслаҳатчи етарли. Хонгирей сени ҳурмат қиларди. Менам ҳурмат қиламан. Менга маслаҳат бераётганингда ўғри эмаслигим эсингда турсин. Ўғриларингнинг қонун-понунларини сарик чақага олмайман. Тожини кийишга кўзим учиб тургани ҳам йўқ. Уришгиси келганлари билан уришаман. Маматбей, Хонгирей сени яхши кўрарди. Полшага қорадори етиб бормагани учун сени ўлдириши керак эди. Мен сенга атаб тобут ҳам ясатиб қўйган эдим. «Нега ўлдиртирмади?» деб кўп ўйладим. Энди билсам, ўзининг ўлимини сезиб, сени қарздор қилиб қўйган экан. Энди бу қарзингни менга тўлайсан. Сен Урта Осиёни яхши биласан. У бизники бўлиши керак.

Энди хато қилсанг, нима бўлишингни ўзинг биласан. Сенинг тобутингни алоҳида меҳр билан ясаттирган эдим. Бировга бериб юборганимча йўк.

Унинг аҳди муҳокама талаб этилмасди. Шу боис маслаҳатгўй ҳам, итоаткор ҳам эътирозга оғиз жуфтлашмади.

Моргашнинг сўздан амалга ўтиши орасидаги масофа жуда қисқа эканлиги эртасигаёқ маълум бўлди. Хонгирейнинг ўлими ҳақида газетага хабар берган мухбирнинг ўлиги ҳожатхонадан топилгач, бу оламга алоқадор одамлар Моргашнинг иш бошлаганини англашди. Мухбирнинг жасади пойтахтнинг қоқ маркази – Ленин мавзолейи рўпарасида жойлашган катта дўконга кираверишдаги пуллик ҳожатхонадан топилгани тасодиф эмасди. Мухбирнинг оғзига ўша газета тикиб қўйилгани ниманинг эвазига ўлим топганига ишора эди.

Баъзи жаллодларга одамнинг дўпписини олиб келиш топширилса, юксак санъатини намойиш этиш ниятида ўша одамнинг бошини ҳам кесиб келаркан. Бу замонда ундай жаллодлар қолмаган бўлса-да, шу зайлда иш кўрувчи мухбирларнинг уруғи кўпайиб кетган эди. Уқувчиларининг диққатини жалб этиш учун ақл бовар қилмас бемаъниликларни ҳам тўкиб ёзадиган бўлиб қолишганди. Хонгирей аслида ҳожатхонада чавақлаб ташланмаган, балки ҳаммомдан чиқаётганида ўлдирилган эди. Жиноят оламида юксак мартабага эга бу одамнинг хорлик билан ўлим топганини бурттириш ниятида мухбир «ҳожатхонада чавақлаб ўлдирилди», деб ёзган, бу ёлғони учун жазо ҳаялламаслигини хаёлига ҳам келтирмаганди.

Одамлар доимий равишда покланиб туришга эҳтиёжлари бўлгани сабабли ҳаммомни ўйлаб топишган. Йигирманчи асрнинг то сўнгги чорагига қадар ҳаммомнинг вазифаси биттагина эди. «Неча минг йиллар мобайнида яшаган одамлар содда бўлишган эканми, ҳаммомда ювинишдан ташқари кайф-сафо ҳам

қилиш мумкинлигини билишмаган», дейилса, авомга мўлжалланганлари назарда тутиладиким, подшоҳу боёнлар саройи, қасридаги ҳаммомлар назардан соқитдир.

Московдаин дабдабали шаҳардаги дабдабали уйларда покланиш учун ҳамма шароит мавжудлигига қарамай, ҳаммомларга бўлган эҳтиёж сусаймади. «Красная пресня» даҳасидаги машҳур рус ҳаммомларининг асл вазифаларига ҳам ўзгартиришлар киритилди. Ҳаммомнинг буғхонасида чўмилгиси келган ишчими ё профессорми бу жойга келишни орзу қилмай, уйдаги душхонада бошидан илиқ сув куйиб ювиниб олишга одатланган. Туркларга алоқаси бўлмагани ҳолда «Турк ҳаммоми» деб номланувчи ҳаммом Хонгирейнинг ихтиёрида эди. Бунга келувчиларнинг мақсади сувда чўмилиш эмас, таъбир жоиз бўлса, гуноҳлар балчиғига янада баттар булғаниб кетиш эди. Бу ерда ақл бовар қилмас мураккаб масалалар ҳам бир зумда ҳал қилиб ташланарди. Ҳаммомнинг эшигидан марҳамат истаб кириб келган икки дўстнинг бири ложувард ҳовузчада нозанинлар қуршовида чўмилиб роҳатланиши, иккинчиси эса Моргашнинг ўликхонасини четлаб ўтиб гўрга кириши ҳам мумкин эди. Ҳовузда маишат қилган ўша биринчи одам кетар вақтида «менинг ёнимда дўстим бор эди-ку?» деб сўраб ўтирмасди.

Кимнингдир яшаш ёки яшамаслиги, яна кимнингдир иши юришиши ёки юришмаслиги ҳал қилинғач, албатта дам ҳам олинарди. «Дам олиш» ёш нозанинлар иштирокидаги маишат билан якуини топарди. Асадбек Хонгирейнинг ўзига хос мана шундай «қабулхонаси» борлигини, катта-кичик амалдорларнинг ҳам «хизмат юзасидан» келиб туришларини эшитган, аммо ўзи келиб кўрмаган эди. Катта-кичик амалдорлар айрим зарур ҳужжатларга шу ҳаммомда имзо чекишғач, шунга яраша мукофотларини олардилар. Мансабдорлар Хонгирейнинг «Интурист» мех-

монхонасидаги шоҳона идорасига киришдан чўчирдилар. Орқаларидан хуфялар кузатиб юришган бўлса, балога учраб қолишдан ҳайиқармидилар ё нафсларига банди бўлиб, гуноҳ ишга қўл уришгач, шу ернинг ўзидаёқ покланиб чиқиб кетишни хаёл қилармидилар, Худо билади. Эҳтимол, уларнинг назарларида сув ҳар қандай гуноҳни ювса керак-да.

Ҳаммомда доимий бўлмаса-да, вақти-вақти билан қиморбозлар катта ўйинларга тўпланиб туришарди. Сулико ҳам кўп келган, бир марта чўнтагидаги борини ташлаб, кейингиларида тўкилганини тўлдириб олганди. Тикилган пул ярим миллиондан ошган пайтларда атрофни ўлик сукунат қоплаб оларди. Биров ҳам молини, ҳам жонини ютқизиб, тақдирга тан берарди, яна биров қулоғига қадар қарзга ботиб, бу ташвишдан қандай қутулишни ўйлаб қоларди. Ютқизганларнинг қайғуси тушунарли. Лекин ютганлар ҳам ташвиш билан тарқардилар. Улар ташқарида ўзларини нима кутаётганини билмасдилар. Ютганлар таланган кунлари «ё укаси Иликога ё бошқа ўғрилар тўдасига маълум қилиб қўйган», деб Суликодан гумонсирашарди. Унинг ўлимига айнан шу гумон сабаб бўлганди. Қайси аламзада қиморбоз кимни ёллаганини Хонгирей билмайди. Лекин Илико шубҳаланаётган одамлар орасида ўзининг номи борлигини тахмин қилади. Катта ишлар орзусида қанот ёзаётган дамларда Иликонинг ўзига душман бўлиб қолишини сира истамасди. Бу оиллага кадрдон бўлган Асадбекка тўғридан-тўғри ташланмай, «патларини» киши билмас тарзда юлишига сабаб ҳам шу эди.

### 3

Моргашнинг Хонгирей билан ака-ука тутингани, ўликлар ва тириклар қироллигини бирлаштириш масаласи ҳаммомда ҳал қилингани ҳақидаги гапи лоф эмас, ҳақиқат. Сўнгги учрашув чиндан ҳам ҳаммомда бўлиб ўтган эди.

Момақалдиروقли тонг Москва аҳли учун ажаб-товур янгилик эмас. Хонгирей эрталаб осмон гумбурдан уйғонганида ажабланмади. Ўрнидан туришга эриниб, чап томонига ўгирилди. Юрагига нимадир ботиб, нафаси қайтди. Ётолмай, қаддини кўтарди. Кейинги пайтларда бундай аҳвол такрорланиб турарди. Ўзини врачга кўрсатганида тунги маишатлар вақтини қисқартириши лозимлиги ҳақида маслаҳат олди. Врачлар ҳам баъзан нодонлик қилишади-да: маишат кишига лаззат бераётган дақиқаларда эрталаб юраги безовта бўлишини ким ўйлар экан?

Хонгирей бу кунги юрак безовталигини ҳам тунги маишат сабабидан деб билди. Бундан кейин бу тўшакда эмас, лаҳадда ётажagini, момақалдиروقли тонг суруридан энди баҳра олмаслигини юраги ҳис қилган эди, ақли сезмади.

Туришга эриниб ётганида Томскдан Балабуха кўнғироқ қилиб, ҳол-аҳвол сўради. Кейинги ҳафтада нишонланиши мўлжалланаётган туғилган кунига таклиф этди. «Сендай улуғ княз дастурхоним тўрида ўтирса, мен учун шараф. Шу зиёфат баҳонасида иттифоқлигимизни мустаҳкамлаб оламиз», деди. Ўзи Томскда яшаса ҳам, Москва атрофидаги славян тўдаларига сўзи ўтадиган Балабуха авваллари ҳам Хонгирейга кўнғироқ қилиб турарди. Москва ва унинг атрофларига ҳукмронлик қилувчи Қофқаз гуруҳлари билан Славян гуруҳлари орасида келишмовчилик чиккудай бўлса, албатта Балабуха аралашарди. Красноярда ғойиб бўлган Козловнинг Балабуха қаноти остига келишини Хонгирей тахмин қилган, лекин изини топа олмаётган эди. Агар тахмини тўғри чикса, Балабуханинг албатта боғланишига ишонарди. Тонги кўнғироқ унга шу хушxabарни етказгандай бўлди. «Демак, Козёл Томскда, демак, унинг тақдири Балабуханинг зиёфатига қадар ўша ерда ҳал қилиниши керак», деб ўйлади.

Одати бўйича ҳаммомга келганида ҳам хаёли шу ўй билан банд бўлди.

Уни Моргаш кутиб олиб, хос хонага бошлади. Хожасининг кайфиятсиз эканини сезиб, аҳвол рухиятидаги ўзгариш сабабини аниқламоқчи бўлгандай ўйчан кўзларига бокди. Хонгирей буни сезиб, пешонасини тириштирди. «Менга бунақа тикилма», деб гўлдираганича диванга чўкди. Сўнг «Наполеон»дан куй», деб буюрди. Тўлдирилган қадахни бир кўтаришда бўшатиб, Моргаш узатган газакка қарамай, лабини биллагига артди. «Хўжайин, нима бўлди, айтинг, дардингизни олай», дегиси келса ҳам Моргаш жим ўтиришга мажбур эди. Дарди бўлса, айтишни лозим кўрса хожасининг ўзи гапиради. Ундан сўрашга бу атрофда фақат Байгилдин ҳақли. Бироқ, одамнинг кўзларига қараб, ичидаги дардни сезиш қобилиятига эга Байгилдин бу ҳуқуқидан деярли фойдаланмайди. У ҳам шогирдининг гап бошлашини сабр билан кутади. Байгилдиндай одам кутганида Моргаш бетоқатлик қилсинми? Ниҳоят, Хонгирей тилга кирди. Аъёнига айёрона бокиб, деди:

– Моргаш, Москвадаги ўликхоналар сенга камлик қилмаяптими?

Кутилмаган бу саволдан мақсад нима эканини англаёлмаган Моргаш жавоб ўрнига елка қисиб кўйишни маъқул кўрди.

– Бошқа шаҳарлардаги ўликхоналарни қўл остингга олишга нима учун уринмайсан? Нега бунча лаллаясан?!

– Қайси шаҳарни айтяпсиз?

– Масалан... Томскни. У ердаги ўликларнинг хўжайини ким, биласанми?

– Биламан. Сигизмунд деган гиёҳванд бола. Ёшлигида тош кўтариб юрарди. Россия биринчилигида бронзадан нарига ўтолмаган.

– Ўша наркоманга кучинг етмайдими?

– Етади.

– Етса нимани кутиб юрибсан?

– Қачон тинчитай?

– Кеча тинчителининг керак эди. Э, ландавур!.. – Хонгирей шундай деб сўкинди-да, жим қолди. Сўнг яна бир нохуш воқеани эсладим, сўкишни давом эттирди. Ғазаб олови шу сўкишлар билан чиқиб, оташ босилгач, яна сўради: – Ўша наркоманнинг Балабуха билан алоқаси қанақа, биласанми?

– Чурраси тушиб, хор бўлиб юрганида Балабуха уни одам қилган, дейишади.

– Балабуха одам қилган бўлса, унга тишинг ўтиши осонмас. Катта кетма. Сен... ёмон бола эмассан-ку, лекин битта айбинг бор, биласанми?

– Айбим кўп, тан оламан, – деди Моргаш ўлимга ҳукм қилинаётган гуноҳкор қиёфасида. Унинг бу туришини кўриб, Хонгирей истехзо билан кулимсиради.

– Айбинг кўплиги ҳеч кимга сир эмас. Ҳар бир айбинг учун ўлимга ҳукм қилинсанг биласанми, нима бўлади? Кунда икки марта сени отиб ўлдириб, яна икки марта тирилтириш керак. Айбинг тамом бўлгунча Худонинг ҳам силласи куриб кетади.

Бунақа гапни фариштадай покиза, гуноҳсиз одам айтса ярашарди. Моргаш ҳар куни икки марта тирилтирилиб, икки марта ўлдирилса, Хонгирей ҳар соатда шундай жазога лойиқ кўрилиши керак эди. Моргаш ҳазил тариқасида бўлса ҳам шундай дегиси келарди, лекин бу ҳазили эвазига қандай мукофот олишини яхши билгани учун «Қойил гапни айтдингиз!» дегандай жилмайиб кўйишни маъқул кўра қолди. Хонгирей эса давом этди:

– Майда-чуйда айбларинг учун Худо билан ўзинг келишаверасан. Мен учун битта энг катта айбинг бор: ўғри эмассан! Мен мана шундан афсусланаман. Ўғри бўлмаганинг учун қалланг яхши ишламайди, доим қалта ўйлайсан. Агар ўғри бўлиб қамокхона яғирини ялаганингда атрофга кўзларингни катта-катта очиб қарардинг. Бизга даф қилиши мумкин бўлган энг кичкина, энг зарарсиз хасни ҳам кўра олардинг.

– Менинг қамалишим ҳечам мумкинмас, – деди Моргаш ҳазил оҳангида.



– Нега энди? Оркангда ой кўринганми?

– Агар бир йилга қамалсам ҳам, чиққанимда бу атрофни сўтак болалар босиб кетган бўлади.

– Бу гапингда жон бор. «Ўғри қамокда ўтириши керак», деган конун ҳаётга тўғри келмай қолди. Мен охирги марта қамокдан чиққанимда кўчаларнинг эгалари мишики болалар эди. Уларнинг гердайган гарданларини букқунимча онамни кўрай дегандим.

Хонгирей тўғри айтди. «Кўчага мен хўжайинман» деб керилиб юрганларнинг бурнини ерга ишқаши осон бўлмаганди. Бу «хўжайин»лардан унинг гапини қулоғига олиб, йўриғига юргани одам бўлди, эгилишни истамагани кўчанинг нутилган тарихига сингиб кетди.

Моргаш бу тарихни озми-кўпми эшитгани учун «ўшанда сизга чиндан ҳам кийин бўлган, бечорагина хўжайиним», дегандай маънос кўзларини унга қадаб тураверди. Хонгирей «қуй» деган маънода қадахга ишора қилди. Моргаш бу амрни дарров бажарди. Хонгирей қуйдиришга қуйдирди-ю, ичишга шошилмади. Қадахни чирокқа тутиб, коньяк таркибини текширгандай бўлди. Унинг бу қилигидан Моргашнинг юраги пича ҳовлиқди: агар коньякда зарра қадар нимадир бўлса унинг шўри қуриydi. Моргашнинг хавотири ортиқча эди. Хонгирей коньякни чирокқа тутиб, унинг тиниқлигига маҳлиё бўлаётганди. Ўз ишидан қониққач, икки хўплам ичиб, қолганини Моргашга узатди. Моргаш қадахни эҳтиётлик билан олиб курси устига қўймоқчи эди «Ичиб қўй!» деган амрни эшитди-ю, ўша нафаснинг ўзидаёқ буйруқни адо этдида, бу лутфдан нақадар қувонганини билдириш учун хожасига миннатдор кўзлари билан боқди.

– Агар коньяк захарланган бўлса, иккаламиз баравар ўламиз, – деди Хонгирей ўткир нигоҳини унга қадаб.

Бу гап ҳазилми ё чинми эканини билмаган Моргаш довдираб қолди. Ҳазил деса, хожаси ғазаб билан тики-

либ турибди. Чин деса, бу ерда гумонга сабаб бўлувчи хавотирли ҳаракатнинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Хонгирейнинг чиғриғидан ўтган хизматчиларнинг барчаси содиқ қуллар каби эдилар. Хонгирей Морғашга тикилиб қарай-қарай охири кулиб юборди:

– Ўлимдан шунчалик кўрқасанми, э сўтак! Ўликларнинг ичида юравериб без бўлиб кетишинг керак эди.

– Мен ўзимдан эмас... – Морғаш хожаси учун жон фидо қилишга ҳам тайёр эканини изҳор этмоқчи эди, Хонгирей гапини узди:

– Мендан хавотирландингми? Хавотирланганингда аввал ўзинг ичардинг.

Бир марта шундай қилганида Морғаш нафси бузукликда айбланиб, балога қолган эди. Кўнгли хира бўлиб турган Хонгирейга бугун иссиқ ҳам, совуқ ҳам ёқмаслигини англаган Морғаш айбдор бола сингари бўйинини қисиб тураверди.

– Чўк, – деди Хонгирей рўпарадаги юмшоқ стулни кўрсатиб. Морғаш лозим пайтда сапчиб туришга шай ҳолда бўлиш учун, омонатгина ўтирди.

– Эрталаб Балабуха кўнғироқ қилиб, меҳмонга айтди. Ўши қирққа бориб қолибди, у шохи йўқ хўкизнинг. Қирқ йиллик умр битта хўкизга кўплик қилмайдими?

– Жуда кўп, – деди Морғаш кулимсираб.

– Қирқ йил яшаш, нима дегани биласанми? Билмайсан. Бу ҳаётда қирқ йил азоб чекиш дегани. Унинг бунчалик азоб чекишига мен айбдорман. Бу азоблардан кутулишига олдинроқ ёрдам беришим мумкин эди. Нега пайсалга солдим? Меҳрибонлик қилдимми? Ҳа... меҳрибонликнинг ҳам ёмон томонлари бор. Энди... яна беш йилми ё ўн йилми азоб чекишига йўл қўймаслигим керак. Унгача туғилган кунини қойилмақом қилиб ўтқазиб олсин, а? Эрталабдан бери «нима совға қилсам экан?» деб бошим қотяпти. Ҳиндистондан она-бола фил олиб келти-

раймикин? Тепасига жавҳару ёкут қадалган гиламча ташласам, а? Шунақа совғага арзийдими ўзи? Арзиймайди! Ўша филиинг тезагига ҳам арзиймайди. Красноярлик Козёл нима бўлди? Балабуха билан қалин ошна эканидан хабаринг борми? Сенлар Козёлнинг изини йўқотдиларинг... – Козловни қидириш ишларига аралашмаган Моргаш тухматдан ўзини химоя қилишни ҳам ўйламай индамасдан ўтираверди. Хонгирей эса гап оҳангини ўзгартирмай давом этди: – У ҳаромини мен ўзим топдим. Ақлим билан топдим! Балабуха Томскда Козёлни тиззасига олиб, бошини силаб ўтирибди. Туғилган кунига силаётган ўша бошни совға қиламан. А, нима дединг? Бунақа аллабало совгани тушида ҳам кўрмаган. Қараб турасан, сенинг кўлингга келгунича жиннихонага тушиб чиқади. Агар менинг ёнимда юраман, десанг, доимо каллангни ишлат. Ҳар ишдан лаззат олишни ўрган. Шартта отиб кетишни кўчадаги ҳар қанақа аҳмоқ ҳам бажараверади. Гап ўлдиришда эмас, гап роҳатланишда! Қани, қуй.

Моргаш қадахга коньяк қуйгач, узатишни ҳам, аввал тотиб кўришни ҳам билолмай гарангсиди. Сўнг таваккал қилиб, лабига олиб борган эди, хожасининг қаҳрли овозини эшитди:

– Нима, мен сенинг саркитингни ичаманми?

Моргаш қўлидаги қадахни шошилганича курси устига қўйди-да, бўш қадахни коньяк билан тўлдириб, узатди. Бу сафар Хонгирей чўқиштириб ичди.

– Асадбекнинг кўзларида ёш кўриб қанчалик роҳатланганимни сен билмайсан. Мен унинг ҳам жиннихонага тушишини кутган эдим. Дийдаси қаттиқ экан энағарнинг. Аслида иккала ўғлини гумдон қилишимиз керак эди. Яна меҳрибонлигим панд бериб, роҳатим яримта бўлди. Бу хатони тузатиш қийин эмас. Яқинда роҳатим бутун бўлади. Мен битта хато қилдим: Ҳайдарни ўлдирмаслигим керак эди. Асадбекни фақат ўша аҳмоқ янчиши мумкин эди. Жамшидга ишонганим чатоқ бўлди.

– Ишончни окламаса, менга беринг уни.

– Йў-ўқ, сенинг қўлингга тушишига ҳали вақт бор. Уни менга Академикнинг ўзи тавсия этган. Устозим одам танлашни биларди. Жамшид хиёнат қилмайди. Фақат... гўрлиги бор. Шу кунларда Асадбек билан олишишга кучи етмайди шекилли. Шунинг учун уни мен сенга бермайман, сени унга бераман. Асадбекни гумдон қилишда Маматбей ҳам иш беролмаса керак. Эсингда турсин: зарур бўлиб қолган пайтда бу ишни ўзинг қўлга оласан.

Хонгирей бу онда келажак режаларини баён қилаётгандай эди. Бир неча соатдан сўнг режанинг васиятга айланишини буларнинг иккови ҳам билмас эди.

Хизматчи йигитлардан бири эшикни қия очиб, Ҳамзатбей келганини айтди. Хонгирей бу ташрифдан норози бўлса ҳам, уни худди кутилган азиз меҳмондай қарши олди. Ҳамзатбей ўтиргач, дастурхон тузаш учун кирган хизматчи йигитни изига қайтарди-да, «шошиб турибман», деб изоҳ берди. «Шошиб турибман»нинг тагида «зарур гапим бор», деган маъно ҳам яширин эди. Моргаш буни англаб, хизматчи йигитга эргашмоқчи эди, Хонгирей кўз қараши билан «ўтиравер», деб амр қилди. Тождорлар билан яккама-якка гаплашишни ёқтирувчи Ҳамзатбейга «дум» иштирокида суҳбатлашиш малол келса-да, меҳмонлик иззатига хилоф қилмай, индамай қўя қолди.

– Эшитдингми, Петка-Жавҳарни ўлдиришибди, – деб Моргашга бир қараб олди.

Хонгирей бу нохуш хабарни бошқачароқ тарзда эшитган эди. Шу сабабли ажабланиб сўради:

– Ўлдириб кетишибдими? Ким?

– Сенга «ўзини ўзи осди», дейишувмиди? Шунга ишондингми? Петка-Жавҳарни Соликамскка жўнатишгандаёқ кўнглим бир бало сезувди. «Оққуш» Петка-Жавҳар борадиган жой эмас.

Соликамскдаги қамоқ лагерига ким ва нима учун

«Оққуш» деб ном берганини ҳеч ким билмайди. Балки «Бу ерга келганлар узоқ яшамайди, тез орада жони оққуш каби парвоз этади», деган маънода қўйилгандир бу ном. Хонгирейнинг ўзи у қамок лагерида ётмаган-у ammo доврўғни эшитган. Бир-бирига муҳаббат билан қараб турган икки оққуш сурати байроқ каби деворига илиниб турадиган бу лагерда инсоний муҳаббат, меҳр деган фазилатлар йўқ эди. Ҳукуматга ёқмаган маҳкумлар кўпинча шу лагерга юбориларди. Бирон ақллироқ одам топилса-да, бу қамок лагери номини ўзгартириб, «Оққуш» ўрнига «Жирасану чиқмайсан», деб қўйса мантиққа муносиб иш қилган бўларди.

– Петка-Жавҳар ўлиши шарт бўлгани учун ўша ёққа «этап» қилинган. Унинг ҳукуматга ёмонлиги йўқ эди. Чўнтаккесар ўғридан ҳукумат кўрқмайди. Петка-Жавҳар ўзини осадиган аҳмоқлардан ҳам эмас. Умрининг қирк йилини қамокда ўтказган ҳалол ўғри эди у! Қайси бир қанжикнинг бир тепкиси билан ўзини осадиганларнинг тоифаси бошқа.

– Ҳукуматнинг чўнтаккесар ўғридан кўрқмаслиги тўғри, – деди Хонгирей ўйчан тарзда.

– Чайналмасдан очикроқ гапир.

Ҳамзатбейнинг кўрслиги ғашини келтирса-да, Хонгирей сир бой бермади. Фикрини очикроқ баён этишга ҳам шошилмади. Хонгирейнинг узоқ ўйлаб сўнг гапирадиган тоифадан эмаслигини Ҳамзатбей жуда яхши биларди. Зелихон-Академик унинг баъзи телбатескари гапларидан аччиқланиб, «калта ўйлама!» деб танбеҳ берганларига бир неча марта ўзи гувоҳ бўлган. Хонгирейнинг ҳозирги ўйчан кўриниши ниқоб эканини Ҳамзатбей сезмаса яна ким сезсин? Сезса-да, шошилмади, тоқат билан кутди.

– Ҳукуматнинг чўнтаккесар ўғридан кўрқмаслиги тўғри, – деб қайтарди Хонгирей, тусини ўзгартирмаган ҳолда, – лекин... у сиз учун оддий ўғри. Биз учун эса тож гулига сўзи ўтадиган юқори эътиборли ўғри. Петка-Жавҳарнинг уйи ҳам биз, оиласи ҳам биз,

болалари-ю қариндошлари ҳам биз эдик. Барча унга сўзсиз бўйсунарди. У тож гулини истаган томонга буриб юбориши мумкин эди. Ҳукумат эса буни биларди.

– Ҳа, яхши биларди, – деб бу фикрни кувватлади Ҳамзатбей, – чунки ичимиздаги айрим қанжиқлар ҳукуматни доимий равишда оғоҳлантириб турарди. Ҳукумат билан биздаги қанжиқлар тил бириктирган пайтда ҳалол ўғриларнинг ўлим топиши осонроқ бўлади. Петка-Жавҳарни ҳукумат одамлари ўлдирмади, ўлдиришга шароит яратиб берди. Уни ўзимизникилар ўлдирди. Петка-Жавҳар охириги учрашувда менга бир сир айтган эди: Академикнинг ўлими тўғрисида унда етарли маълумот бор экан. Зелихон Фарғонадаги турклар билан бўлган жанжални Москва одамлари уюштирганини билгани учун ўлдирилган. «Ҳукумат одамларига Академикни топишда ёрдам берган ўзимизнинг қанжиқларни қамоқдан чиққанимдан кейин тўплантида фош қиламан», девди. Академик билан Петка-Жавҳарнинг қисмати бир бўлди.

Ҳамзатбей бу янгилик қандай таъсир этар экан, деган хаёлда Хонгирейга қаттиқ тикилди. Хонгирей эса тусини ўзгартирмади, қоши сал учгандай бўлди-ю, сир бой бермади:

– Менга ҳам айтган эди шу гапини, – деди босиқ овозда.

– Айтган бўлса... Академик жонингни сақлаб, сени одам қилган эди. Шу пайтгача нега қотилини қидириб топмадинг?

– Қидиряпман, лекин бу менинг зиммамдаги қасос, шунинг учун сизга ҳисоб беришим шарт эмас.

– Академик сенинг устозинг эди. Петка-Жавҳар билан менга эса ардоқли дўст эди. Биз дўстнинг қадрини унутмаймиз. Сендақа ёшлар бизнинг ишимизда дўстлик бўлмайди, деб валдирайверасанлар. Биз ҳалол ўғрилигимизни унутганимиз йўқ. Дўстни ҳам эсдан чиқармаймиз. Бугун Пермга кетяпман. Эрта ё индин жасадини олиб келиб, кўмамиз. Мен билан

бирга бормаслигинг аниқ. Лекин кўмишга тайёргарлик кўриб қўй. Маросим олий мақомда бўлсин. Петка-Жавҳар славянлардан бўлса ҳам, бизга яқинлиги бор эди. То олиб келиб кўммагунизмича славянлар билан нари-бери гап қилиб юрма.

– Жасадини беришарканми, суриштирдингизми? Ё одамларимни ишга солайми?

– Сен айтилган вазифани бажар. Бу ёғини менга қўйиб бер. Битта ўлик топиб, Петканинг жасадига алмаштириш қўлидан келмайдиган ландавурга айланиб қолганманми?!

Ҳамзатбей аҳдини шу тарзда баён қилгач, шашт билан қаддини ростлади. Хонгирей жойидан кўзғолишни истамаса ҳам, ўзини ўзи мажбурлаб ўрнидан туриб, меҳмонни кузатди. Ҳамзатбейни кузатиб, жойига қайтгунича хаёли унинг кейинги гаплари билан банд бўлди. Хонгирей «Менга ҳам айтган эди», деб ёлғон гапирди. Петка-Жавҳар у билан бу ҳақда сира гаплашмаганди. Хонгирей Академикнинг ўлимига ким алоқадор эканини яхши биларди, шу боис қотилни қидиришнинг хожати ҳам йўқ эди. Ўғрилар орасида «ўз оламинг аҳли хузурида ёлғон гапирма», деган қонун мавжуд бўлса-да, Хонгирей бу қонунни бузишдан тап тортмади. Сири очилай деб турган маҳалда қайси аҳмоқ ёлғон ишлатмайди? Ёлғон ишлатиш бир масала, бу ёлғонга бошқаларнинг ишонишлари янада муҳимроқ масала. Ҳозир Ҳамзатбей унинг ёлғонларига ишондимизми ё йўқми – Хонгирейга маълум эмас. Хонгирей бир нарсадан ҳадиксиради: Ҳамзатбейнинг гапларида «Академикни ҳукумат одамларига сен рўпара қилганингни Петка-Жавҳар билиб қолгани учун уни ҳам йўқотдинг», деган маъно яширинмаганмиди?

Академикнинг ўлимида хизмати бор, бу гуноҳини одамлардан яширгани билан, Худонинг қачондир жазо беришини ҳис қилади. Лекин Петка-Жавҳарнинг ўлимига алоқаси йўқ. Ҳамзатбейга ўхшаган «мияси айниб қолганлар»ни бунга қандай ишонтирсин?

Ишонтириш қийинми ё... ишонмаганларни Петка-Жавҳарнинг изидан жўнатиш осонроқми?..

Бу иккинчи навбатда ечиладиган масала эди. Биринчи галда Балабуха билан Козловнинг тақдири ҳал этилиши шарт эди. Ҳамзатбей «славянлар билан нарибери гап қилиб юрма», дегани билан бу вазифани орқага суриш хатарни яқинлаштиражагини Хонгирей англаб турарди. Шу боис Ҳамзатбей билан хайрлашгач, унинг гапларини чуқур мулоҳаза қилиб ўтирмай, ўзининг асосий мақсадига кўчди:

– Кечаги ўйин қандай бўлди? – деб сўради Мор-гашдан.

– Кротнинг иши пачава, иштонигача ечиб олишди. Сулико ўлганидан кейин анча гердайиб, сувюкмас бўлиб қолган эди, яна пачағи чикди, – деди Моргаш.

– Сенга индамадимми?

– Кечаси олдингизга бормоқчи эди, тўхтатдим.

– Ҳозир қаерда?

– Қаерда бўларди, сизни кутиб аза тутиб ўтирибди.

– Чақир.

Кеча ўйин қизигандан қизиганини, Кротнинг каттага тушганини эрталаб эшитган Хонгирей унга мос вазифани тайин қилиб қўйган эди. Насаби Кротский бўлган Андрей исмли йигитча қиморбозлар оламига кириб келган пайтларда унга лақаб излаб бош қотиришга ҳожат бўлмаганди. Насабидаги ҳарфларни қисқартириб «Крот» деб қўя қолишганди. Крот қиморни жону дили ила яхши кўрса-да, каллани ишлатиб эмас, ҳаяжон билан ўйнагани учун омадсизликдан кутулиши қийин бўларди. Ютқизикни тўлашга қурби етмай қолганида Хонгирейнинг паноҳига қочарди. Ўғрилар олами қиморбозларни ёқтирмаслигига қарамай Хонгирей у каби омадсизларни қаноти остига олишдан чўчимасди. Уларнинг қарзини тўларди-ю, ўзларини бирон-бир балога рўпара қилиб, мушкул ишларини бажартириб оларди-да, ўзининг жонини хатардан, номини эса шубҳалардан қутқариб оларди.



Икки йил муқаддам айна шу ҳаммомда Суликога рўпара келган Крот бор-йўғини ютқизиш камлик қилиб, устига-устак тўрт юз минг рубл қарз бўлиб қолди. Агар йигирмата «Волга»си бўлганида бозорда пуллаб, белгиланган муддатда қарзини тўлай оларди. Крот чакана одамлардан эмасди, ўзига яраша тўдаси, жиноят оламида эътибори ҳам бор эди. Лекин қоғказлик ака-укаларга тенг келолмаслигини биларди. Ўтган йили Суликога эллик минг рубл ютқизганда, бир амаллаб узилганди. Эндиги қарз!.. Ўшанда Хонгирей қаршисида тиз чўкканди. Бу оламда бир томон тиз чўкса келишмайдиган иш йўқ. Хонгирей унинг илтижосини рад этмади. Крот эса бу қарзни бир-икки қалтис ишдаги иштироқи орқали узадиган бўлди.

Бу марҳаматдан кўнгли тўлган Крот Москвада анча эътиборли саналган «Прага» ресторанида сингисининг туғилган кунини нишонлаётган эди. Маишат авжига чиққанида унга икки бақувват эркак ва бир аёл яқинлашди. Крот уларни танирди: эркакларнинг бири — оғир вазнли машҳур боксчи Копитов, иккинчиси махсус қисмнинг собиқ офицери, каратэ усулларини мукамал билувчи Потапов эди. Крот уларни танигани учун ҳам нима учун келишганларини тахмин қилди-ю, бироқ, айрим кинофильмларда кўрсатилгандек қочиб кетишга ёки бирон найранг ишлатишга уринмади. Аксинча, дастурхонга лутфан таклиф этди. Крот Копитовни Хонгирейнинг «Турк ҳаммом»ида бир-икки кўрганди. Потапов билан учрашуви эса ўзгачароқ бўлганди. Бир йил аввал «Салтиковка» ресторани хожатхонасида нотаниш йигитлар унинг нақ бўғзига тўшпонча тираб ўттиз минг рубл талаб қилишганда Потапов уни қутқариб қолган эди. Потаповнинг бундай қалтис пайтда тўсатдан пайдо бўлиши тасодифмиди ёки атай уюштирилганмиди, Крот аниқлай олмади. Хонгирей юборган бу икки элчининг вазифаси хожаларининг гапини етказиш эмас, балки қарз эвазига буюриладиган вазифанинг

бажарилишига Кротнинг ё розилигини, ё жонини олиб қайтишлари шарт эди. Крот буйруқни ҳеч бир мулоҳазасиз қабул этди. Чунки, гарчи киморбоз бўлса-да, бу вазифа унинг учун янгилик эмас, демак, мураккаб ҳам эмасди. Сартарош соч-соқол олишни одатий иш деб билгани каби ўғрилар йўлини танлаган Крот ҳам биров тўплаган бойликни шилиб олишни шундай оддий юмуш деб биларди.

Хонгирейдан зарур йўл-йўриқни олгач, ишончли йигитларига бош бўлиб Латвияга қараб жўнади. Риганинг машҳур ибодатхонаси рўпарасидаги беш қаватли уйда йигирма беш йил роҳатда яшаб, энди янада фароғатлироқ ҳаёт кечириш илинжида ҳорижга кетишга шай турган Самовичнинг уйига бостириб кириб: «Сенга Хонгирей салом деб юборди. Қарзингни вақтида тўламай номардлик қилибсан», – деганида у бечора ақлдан озиб қолаёзди. Самович бу ёруғ дунёда Хонгирей деган одам борлигини ҳатто эшитмаганди. Танимаган, билмаган одамдан қанақасига қарз бўлишини тушуниб етиши учун кўп вақт талаб этилмади. Ҳорижга кетишга тайёрланаётган танишларидан бир нечасининг уйини талончилар босиб, топган-тутганларини кўтариб кетганларини эслади-ю, бошига кулфат тоғи ағдарилганини фаҳмлаб, айёрликка хос ниманики билса, барчасини бирин-сирин ишга сола бошлади. «Хонгирей деганингни танимайман, ҳеч кимдан қарзим йўқ», деган гапига бостириб кирганлар киприк ҳам қоқишмагач, ўзининг камбағаллигидан нолиб йиғламсирай бошлади. Кротга бу ҳолат янгилик бўлмагани учун аввалига қўйиб берди.

Самович газли сув сотиб, мол тўплаган эди. Сабр-тоқати туфайли томчи сувлар тилла буюмларга айланганди. Энг арзон кийим-бош кийиб юрувчи бечорасифат кўринишдаги бу одамни босқинчиларга ким сотибди экан? Ахир унинг четга кетишини жуда оз одам биларди-ку? Айёрлик усулларини бир-бир ишга солаётган Самович айна чоғда бу саволга ҳам жавоб

топишга уринарди. Жавоб топган тақдирда ҳам чорасиз эканини эса уйламасди.

Хонгирейдан салом олиб келган Крот бу хонадон аҳли кўзига Азроил бўлиб кўринаётгани билан аслида худди Самович сингари тақдирини қил устида турган бир нотавон эди. Агар буни билганида Самович балки «ўзинг ҳам мендан баттар ночор экансан, кел, яхшилик билан тил топишайлик. Сенга пулимнинг ярмини берайин-у, у муттаҳамлар кўзидан нари бўлиб беркинишингга кўмаклашай», деб тақлиф қилган бўлармиди? Мол аччиғида қақшаётган Самович бойлигининг бир қисмини беришга тайёр эди. Лекин кўзлари косасидан чиққудай бўлиб тикилиб турган Крот бу марҳаматга кўна олмасди. Чунки Хонгирей бу хонадон тўплаган бойликнинг миқдорини айтган, бир сўм бўлса-да камроқ олиб бориш Кротни ўғриларнинг умум пулига хиёнат қилишда айбланиш учун кифоя қиларди. Яхшики, бу уйларнинг жони йўқ. Бўлгандами, эгаларига кўшилиб титрай бошласа, ён-атрофни қиёмат тўзони босарди. Алҳол, ажал таразусининг бир палласига мол талаб қилаётганининг, иккинчисига тийинлаб тўплаган тиллаларини кўзи қиймаётган бойлик эгасининг жони кўйилган эди. Шу боис ҳам Кротнинг Москвага қуруқ қўл билан қайтиши ҳечам мумкин эмасди. Самович «Менда ҳеч қандай бойлик йўқ», деб туриб олгач, аввал ўзи, сўнг кўрқувдан ранги оқариб кетган куёви обдон дўппосланди. Бу ҳам иш бермагач, ортиқча ади-бади айтиб ўтирмай, табобатнинг энг охириги ютуқларига мурожаат қилинди – Самович ақлий жараённи фалаж қилиб қўювчи дори билан эмланди. Оқибатда салкам бир миллион нақд пулга кўшиб яна бир талай олтин буюмлар билан изларига қайтишди.

Вазифани ортиғи билан бажариб кўнгли шодланган Крот бу ўлжадан улуш олишга умидвор эди. Чарм жомадонни стол устига қўйиб, очганда Хонгирейдан «Боплабсан, яхши хизмат қилдинг, ўлжанинг ярми

сеники», деган марҳамат кутди. Лекин Хонгирей ар-зимаган матоҳга менсимасдан қараб қўйгандай кўз кирини ташлади-ю, аъёнига «олиб қўй», деган маънода имлади. Рига сафарининг тафсилоти билан қизиқиб ҳам кўрмади. Крот жонини хатарга қўйиш эвазига қарзидан кутулишдан ташқари Хонгирей қўлидан бир қадаҳ коньяк ичиш билан кифояланди. Алами ичини куйдирса-да, сир бой бермади. Хонадан чиқишда Хонгирей тўхтатиб, дўстона маслаҳат берди:

– Бундан бу ёғига ақлингни ишлатиб ўйна!

Ўшандан бери ютқизмай ўйнаётган Крот бу муваффақиятини ўз ақлу фаросатининг маҳсули деб ўйларди. Хонгирейнинг марҳамати туфайли омад кувончидан роҳатланаётганини эса ўйлаб ҳам кўрмади. Кеча тунда Хонгирейнинг марҳамат булоғи қуримади, аксинча, яна бир қармоқ ташлаб Кротнинг кекирдагидан илиб олди.

Қадим Римнинг Каликула деган султони бўларди. Ўз сингласи билан ўйнашишдан ҳам қайтмагани учун бузуклик тарихида, сингласининг ҳомиласини ўз қўли билан суғуриб олгани учун ваҳшийлик бобида тенгсиз ҳисобланган бу бадбахт билан Хонгирейни тенглаштириш балки инсофдан эмасдир. Ҳарҳолда бузукликнинг барча турларини татиб кўргани билан сингласига тажовуз қилмаган. Каликуланинг яна бир одати бўлган: ҳар ҳафтада биттадан кулни озод этган. Озодликка эришувчи кул кўлига қилич олиб ҳукмдори билан олишишга мажбур бўлган. Оч-наҳор, силласи қуриган кулнинг олишуви нима бўларди? Каликула танадан учган бошни кўриб ҳузурланарди. Хонгирейда ҳам шундай одат бор эди. Ўзига тобелардан бирининг кўнглида норозилик ёки шумлик сезса, унга озодлик инъом этарди. Озодликка чанқоқ аъёни ўз ихтиёри билан яшаш бахтига эришиш учун Римдаги кул сингари сўнгги олишувга чорланарди. Бу олишувда Хонгирей майдонга тушмасди. Ҳатто майдон ташқарисидан кузатмасди. Озодлик илинжидаги

одам Хонгирейнинг душманларидан бирига рўпара бўларди. Душманни маҳв қила олса, орадан кўп ўтмай ўзи ҳам ўша қурбонининг изидан жўнарди. Буни билган аъёнлар унинг марҳаматидан чўчиб туришарди.

Бу кеч Хонгирей Кротга ҳам шундай марҳаматни лозим кўрганди. Кечаги ютқизиқ алаמידан дунё кўзига тор бўлиб кўринаётган Крот чорловдан мақсад айнан шу эканини фаҳм этмай унга рўпара бўлди.

Саломлашганларидан сўнг чуқиштириб ичдилар-у, кечаги ютқизиқдан гап очмадилар.

– Суликога ютқизиб қўйганингда ёнингни олганим учун Илико мени ёмон кўриб қолган. Энди аксининг қотиллари қаторида мени биринчи ўринга қўйяпти шекилли. Сен Қофқазнинг одатини билмайсан: «қонга – қон, жонга – жон!» – бошқача ҳукм йўқ. Майли, Илико билан тил топишиш учун ўзимнинг бошим оғрий қолсин, – Хонгирей «гапларимга тушуняпсанми?» дегандай Кротга тикилиб қолди. Чорловдан асл мақсадни билмаган Моргаш эса бир хожасига, бир омадсиз қиморбозга қараб, гапга аралашмай тураверди. – Ригага бориб келганингда кейин сенам мендан ранжиган эдинг, тўғрими?

– Йў-ўқ... – Крот бош чайқаб эътирозини бошлаган эди, Хонгирей гапини давом эттиришга йўл қўймади.

– Топиб келганингнинг учдан бирини сенга берсам ҳам бўларди. Лекин яна ютқизишингни кўнглим сезиб, улушингни эҳтиётдан олиб қолган эдим. Кўнглим алдамаган экан, яна расвойинг чиқибди. Энди ўша ҳақингни берганим билан қарзингни қоплай олмайсан. Мендан ёрдам кутаётган бўлсанг, мен ёнингданман, ошналаримни хор қилиб қўймайман. Факат... сен ҳам менга ошначилик қиласан. Оёғимнинг тагини кичитаётган бир хас бор, шуни олиб ташлаш керак. Уни Самовичга ўхшаб қийнаб ўтирмайсан. Менинг салом ўқимни пешонасига қадайсану изингга қайтасан.

– Княз, сен иш буюрганингда мен ҳеч қачон йўқ демаганман. Ўл, десанг ўлишим мумкин.

– Сен ўлма, мен учун тирик юравер. Ҳаётнинг лаззатли онларидан маст бўлиб яша. Агар Азроилга ўлик етишмаётган бўлса, оёғимиз остида ивирсиб юрган падарлаънатлар тикилиб ётибди. Битта-битта териб бераверамиз. Унга қадар сен Моргаш билан бир жойга бориб келасан. Қаергалигини айтайми?

Хонгирей худди синаётгандай Кротга синчковлик билан тикилди. Унинг ўткир қарашига кўникиб қолган Крот бу сафар сабабини ўзи ҳам билмаган ҳолда бир оз ўнғайсизланди. «Хоҳласанг айт, истамасанг гапирма», дегандай нигоҳини ерга қадади. Хонгирей эса саволига жавоб кутди. Сўнг:

– Қизиқиб ҳам кўрмайсанми? – деди нигоҳини узмай.

– Мен сен отган ўқман. Ўқ «қаерга бориб санчилай?» деб сўрамайди. Ўқ учун тепки босилиши кифоя.

Крот «жавобим маъкулми?» дегандай Хонгирейга қараб, унинг юзини мамнунлик ели силаб ўтганини кўрди.

– Агар киморга аралашиб аҳмоқлик қилиб юрмаганинда сендан зўр ўғри чиққан бўларди. Бу каллага ўғриларнинг тожи ярашади, тўғрими, Моргаш?

Кротга бу шарафнинг лозим кўрилиши Моргашнинг ғашини келтирган бўлса-да, хожасининг кўнгли учун жилмайиб кўйди.

– Томскда ҳеч қимор ўйнаганмисан? – деб сўради Хонгирей. Крот бу саволни эшитиб, юзига муздек сув томчилари беҳос урилгандай сесканди. Аммо сир бой бермаслик учун кўзларини олиб қочмади. Худди саволга тушунмагандай қараб тураверди. Хонгирей гўё унинг оғир мушкулини енгил қилмоқчидай саволни ўзгартирди: – Ютганмисан ё ютқизганмисан?

– Қиморда ҳар қанакаси бўлади. Томск менга ёқмайди.

– Дидимиз бир хил экан, менга ҳам ёқмайди у лаънати шаҳар. Шаҳар ёқмаса ҳам танишларинг бордир?

– Бор: Яшка-Валет, Заргар...

– Менга қиморбозларинг керакмас. Ўғриларини танитайсанми?

Эндиги савол совуқ сув эмас, гўё қайноқ ёғ томчи-си бўлиб томиб тепакал бошини куйдирди: «Нега гап-ни айлангирипти? Арқонни узун ташлаб, кейин бўғиб ташламоқчимми? Сездими? Ким сотди?»

Хонгирей уни мавҳум ўйин билан қийнамоқда эди. Крот унинг кўлида қандай карта борлигини билмай гарангсиди. Хонгирей ютукли карталари билан хужум қиляптими ё қуруқ пўписами – буни билиш қийин. Лекин ўзининг кўлидаги карталар билан фақат ўлимни ютиши мумкин, буниси – аниқ! Уч кун олдин Яшка-валет билан «Арагви» ресторанида кўришиб, Балабуханинг таклифини қабул қилганди. Балабуханинг вазифасини амалга оширишга уриниши шарт эмас, ўлим топиши учун таклифга кўнганининг ўзи кифоя... Яшка-валет ишончли одам, унда ким хоинлик қилди? Крот узоқ ўйлашга ҳақли эмасди. Хонгирейнинг кўлидаги карталар ютукли эмас, шунчаки ваҳима, деган тўхтамакга келиб, «ўйин»ни дадил давом эттирди:

– Балабухани танийман.

– Балабухани? Танийсанми, номини эшитганмисан ё кўрганмисан, ё ачомлашганмисан?

– Бир марта кўрганман. Томсклик фирромлар қилиқ қилганда катта жанжал чиқувди. Ўшанда Балабуха келиб тинчитган.

– Демак, адолат қилганми?

– Шунақа бўлган.

– Сенга адолат қилибди, демак сен ундан хурсандсан? Пулингни ундириб берганми?

– Бу ўтиб кетган воқеа.

– Шунақа дегин... Сенга адолат қилган одам менга номардлик қилса ажрим қандай бўлиши керак?

– Мен тушундим, княз, оёқ остини қичитаётган хас йўқотилиши шарт.

– Қачон йўқотилади?

– Аслида кеча йўқотилиши керак эди. Лаллайиб, озгина кечикибмиз.

– Озгина эмас, анчагина кечикдинг. Шунинг учун бугуноқ жунайсан адолатли одамнинг ҳузурига!

Хонгирей шундай деб амр этгач, Моргашга қараб «қуй» деб ишора қилди. Крот коньякни ичиб «тўймадим» дегандай аввал хожасига, сўнг Моргашга қаради. Хонгирей кулимсираб қўйгач, шишани ўз қўлига олиб катта қадахга тўлдириб куйди-да, «ишимиз ўнгидан келсин», деб симирди.

Ҳаётда тасодифлар кўп учрайди. Бироқ Крот хозиргина рўпара келган тасодиф тарихда сира юз бермаган бўлса керак. Кечагина Балабуха Хонгирейнинг ўлимини истаганди. Бугун Хонгирей унинг пешонасига ўқ қадамоқчи. Бу ўқни Крот ўз қўли билан қадаши керак! Балабуханинг топшириғи осонроқ – Крот тўппонча отмайди. Хонгирей ҳаммомдан чиқаётганида олдинда келаётган соқчисини чалғитса кифоя. Қолганини рўпарадаги мерганнинг ўзи қойиллатади. Хонгирейнинг топшириғини эртага бажариши керак. Балабуха эса бу кечга мўлжаллаган...

Кротнинг бахтига Хонгирей ҳаммомда узок қолмади. Крот кузатиш мақсадида унга эргашиб кўчага қадар чиқди. Чикди-ю, рўпарадаги такси машинасининг кўк чироғига кўзи тушди. Бу мерганнинг шай турганига ишора. Крот шошиб қолди. Ўзини мастликка солиб чайқалди-ю, қоқилиб кетгандай олдинда бораётган соқчига урилди. Соқчи қанчалик зийрак бўлмасин, бу кутилмаган зарба туфайли оёқда тура олмади.

Ўша захоти ўқ узилди. Пешонасидан ўқ еган Хонгирей нима бўлганини билмай ҳам қолди.

Эртасига унинг ҳожатхонада отилгани ҳақидаги хабар газетада эълон қилинди...

Бўлиб ўтган воқеанинг асл тафсилоти кўпчилик қатори Асадбекка ҳам сирлилигича қолди. Балабуха ҳам, Козлов ҳам бу қасоснинг тафсилотини унга маълум қилишни лозим кўрмадилар.



Моргаш ҳам нима бўлганини аниқ билмасди. Лекин Кротнинг бекорга қоқилмаганига гумони бор эди. Тож гулини йиғиш арафасида уни ўликхонага чакиртди:

– Нима учун қоқилиб кетганингни суриштирмайман. Энди менинг ўйинимни ҳалол ўйнаб берманг, турмайдиган бўлиб қоқиласан. Хонгирейнинг топшириғи ўз кучида қолади. Фақат буни менсиз бажарасан. Режани ҳам бир оз ўзгартирамиз. Аввал Козлов, кейин Балабуха... Князнинг битта тилла бошига икки аҳмоқ калла узилмаса, тарих бизни кечирмайди! – деган марҳамат билан унинг ҳаётини бир оз узайтириб берди. Крот вазифасини англаб, оркасига ўгирилганида Моргаш ўзича «аслида уч аҳмоқ калла», деб минғирлаб кўйди.

### Ш 6 0 6

#### 1

«Истеъфодаги майор Солиевни зиёрат қилиб келмаймизми?» деган гапни эшитиб, Зоҳиднинг кўнгли бузилди. Бу аччиқ ҳақиқат эсланмагани дуруст эди. Тўғри, ҳеч ким фоний дунёга устун бўлолмаган. Туғилган одам борки, аввал ерни таталаб эмаклайди, кейин бора-бора одамларнинг бетларини таталай-таталай, мансаб пиллапояларидан юқорилайди. Пиллапоянинг энг юқорисига чиққач, бўшлиқни кўради-ю, алам оташида ёниб, ўтган кунларини лаънатлайди ва қайдандир пайдо бўлган афсуснинг темир тирноқлари ўз қалбини тимдалай бошлайди. Кейин эса не-не хунарлари эвазига эгаллаган чўққисидан пастга қараб думалайверади. Юқорига чиқиб кетаётганида «биролар менга орқа томонимдан даф қилмасин», деб эҳтиёт чораси сифатида экиб кетган тиконлари энди баданига санчилиб, жонини суғуриб олаверади.

Гарчи Мақсуд Солиев бу тоифа одамлардан бўлмаса-да, қачондир истеъфога чиқиши, умрини

бағишлаган ишидан кетиши аниқ эди. Фақат унинг бу ҳолатда, «хизматга яроқсизлиги учун», «мажруҳ» тамғаси билан хайрлашуви Зоҳидга оғир ботган эди. У Ҳамдам билан учрашган онда «истеъфо ҳақида иккинчи сўз очманг», деб танбеҳ беришни кўнглига тугиб, йўлга чикди. Лекин Ҳамдамнинг биринчи гапийёк хаёлини чалғитиб юборди:

– Устознинг олдига белни бақувват қилиб борадиган бўлдик, – деди у чўнтагини силаб кўйиб.

– Маошларини олволдингизми? – деди Анвар соддалик билан.

– Ҳой прокурор, совет милициясининг маоши чўнтакни шундай қаппайтириши мумкинми?

– Агар ҳаммаси бир рублликдан бўлса қаппайтирар?

– Зехнингга қойилман. Лекин чўнтагимдагиларнинг энг майдаси «қизил сўлкавой». Қолгани йигирма бешталик. Элликталик, юзталик ҳам бор. ОБХССдагиларда майда пул йўқ экан, тангилик қилиб юборишди.

– Тушунмадим?

– Шу тушуниш қийин масалами? Устозга белгиланган пенсия пулини эшитиб, капалагим учиб кетди. Ёрдам қилмасак бўлмайди, деб ҳамкасблардан тўпладим.

– Пенсиялари... қанча экан?

– Мен айтмай, сен эшитиб куйма. Совет милициясига бизнинг хизматимиз ҳалол, ўзимиз... – Ҳамдам шундай деб алам билан кўл силтади. – Агар майор Солиев ушлаб қаматган ўғрилар унинг оладиган пенсиясини эшитишса, орқаларини очиб кулишади.

– Фақат ўғрилар эмас, бошқалар ҳам кулиши мумкин.

– Тўғри, лекин ўғрининг кулиши бошқача бўлади. Мен уларнинг феълини яхши биламан. Улар масхара қилиб кулишга куладилар-у, лекин майорни бу ҳолда ташлаб кўймадилар. Пенсиясига ўн ҳисса қилиб нафақа тўлаб турадилар.

– «Обшак»данми? Шу ерда ошириб юбордингиз.

Агар қариганимизда бизларга ҳомийлик қилиб сийлашса, ҳозир «ахлат» деб ҳақорат қилишмас эди, бу – бир. Иккинчидан ва энг муҳими – Мақсуд ака бундай садақанинг бир тийинини ҳам олмайдилар.

– Сен дўстларинг билан ҳам прокурорчасига гаплашадиган бўлиб қоляпсан, бу бир. Иккинчидан, сенга мисол тариқасида ҳам бир гап айтиш амри маҳол, учинчидан, агар улар шу ишни қилсалар билки, мақсад меҳрибонлик эмас, балки ҳақоратлаш, «бу кунингдан ўл!» деган маънода тупроқ билан тенг қилиш. Тўртинчидан ва энг муҳими, агар гаров ўйнасанг, мен ўзим қаматган ўғрилар билан гаплашиб, ҳазилни чинга айлантириб беришим ҳам мумкин.

– Буниси қўлингиздан келади, – деди Зоҳид кулимираб.

– Гап қўлдан келиш ёки келмаслигида эмас, ўғри зотини ҳамма ёмон кўради.

– Тўғрироғи – ҳамма улардан кўрқади, – деди Зоҳид аниқлик киритиб.

– Айниқса, прокурорлар, – деб янада аниқлик киритди Ҳамдам.

У ҳазил оҳангида гапирган бўлса ҳам, беш кун аввал шаҳар прокуратураси ҳовлисида икки «Волга»нинг ўғирлаб чиқиб кетилганига ишора қилаётганини англаган Зоҳид эътироз билдирмади. Мўлжални аниқ нишонга олганидан қувонган Ҳамдам эса бу жимликдан фойдаланиб давом этди:

– Ҳаммани кўркувда ушлаб турувчи... – Ҳамдам кейинги сўзларга урғу бериб, ҳамроҳининг кўзларига тикилди, – ўғриларнинг тўғриларга ўрناق бўладиган фазилатлари ҳам бор. Масалан, улар дўстларига хиёнат қилмайдилар.

– Шерикларига, – деди Зоҳид унинг гапини бўлиб.

– Хўп, сен айтганча бўла қолсин: шерикларига хиёнат қилмайдилар.

– Чунки хиёнат ўлим билан жазоланади. Демак, уларнинг ўзаро садоқати онгли ва холис эмас, ўлим

кўркуви остида яшагани учун инсоний фазилат саналмайди.

– Гапингни мантиқан тўғри, деб ҳисобласанг, унда жавоб бер: ўлим кўркуви бўлмагани учун тўғрилар бир-бирларига хиёнат қилаверадиларми ёки бошқа сабаб ҳам борми?

– Сабаблар кўп, буни ўзингиз ҳам яхши биласиз.

– Бир мен эмас, ҳамма билади. Барча бало ҳам айнан шунда. Тўғрилар ҳаётида шахсий манфаат биринчи ўринда туради. Ўғрилар, сен айтгандай, кўркув остида бўлса ҳам ўз давралари манфаатини биланд қўядилар. Шунинг учун ҳам уларга қарши курашишимиз қийин кечади. Сен ўғриларга кўп рўпара бўлмагансан, шунинг учун уларнинг феълини билмайсан. Тасодифий қотилликларни очиш бошқа, ҳар бир ҳаракати ўйлаб амалга оширилган ўғирликни фош қилиш бошқа. Тасодифан қотиллик қилган одам иккинчи бу жиноятга қўл урмайди. Лекин ўғри эканидан фахрланувчи аблаҳни қийма-қийма қилиб ташлаб, сўнг қайтадан тикласанг, барибир ўша йўлидан қайтмайди. Нега шунақа? Уларнинг мияси чатоқми ё юрагида бир иблис борми?

– Чиройли савол. Буни ҳозир Мақсуд акамдан сўраймиз.

– Сўрасанг сўрайвер, мен нима дейишларини биламан: жавоб кейинги саволнинг ичида – уларнинг юрагида бир иблис бор!

## 2

Баҳорнинг тотли нафаси билан ёзнинг беҳаловат харорати табиатга эгалик қилиш учун олишаётган паллада хаста одамлар оромларини йўқотадилар. «Қассоб»дан эсдалик бўлиб қолган хасталик туфайли уйга ипсиз боғланган Солиев шогирдларини кўриб қувониб кетди. Ҳамиша кўчада юрган одамнинг уйда ўтиравериши ҳам ўзига яраша азобдир. Кўз кўча

эшигига қадалган, авваллари ёқтирмаган одаминг кириб келса ҳам юрагингда бир чирок ёқилгандай бўлаверади. Собиқ майор тез-тез хабар ололмаётган шогирдларидан гина қилмайди, уларнинг ҳар бир дақиқалари ҳисобли эканини билади. Ўзи ҳам шундай эди. Баъзан яқин қариндошларини йўқлашни галга соларди. Сўнг беоқибатлиги учун улардан уяларди. Мана энди эрталабдан кечгача бекор, қани эди кўчага чиқиб, қариндошлариникига бора олса! Доктор «секин-секин юраверинг», деб ижозат берган. Аммо аҳли аёлининг ҳукми қатъийроқ: яна бир-икки ойсиз кўчага чиқишни ўйлаши ҳам мумкинмас. Солиев «меҳр кўзда», «одам тафтини одам олади», деган ҳикматларнинг қадрини боши ёстикқа етгач англади. Тағин ҳам қариндошлари, биродарлари тирноқ остидан кир қидиришмайди, «саломга яраша алик бўлади» ёки «мен касал ётганимда йўқламаган», деб бемехрлик қилишмайди. Касалхонада хушига келганидан бери барчалари атрофида парвона.

Зоҳид билан Ҳамдам учрашиб, устозникига отланишганда гала-гала булутлар осмон юзини тўла қоплаш қасдида изғишарди. Қора булут оқ ва қўнғир галалар билан бирлашишни истамай бағрини яшин билан чоклаб сузарди. Ана шу гала Солиев яшайдиган маҳаллани майда дўл доналари билан савалаб ўтибди. Ҳамдам билан Зоҳид олдинма-кейин ҳовлига киришганда муз парчалари ҳали тўла эриб битмаган, пайҳон бўлган атиргуллар маъюс бош эгиб қолган эди.

Айвонда ўтирган Мақсуд Солиев табиатнинг бу зулмидан озор чеккан гулларга ачиниб қарарди.

Меҳмонлар билан кўришгач, ачинишини баён қилди:

– Осмондан ёғилган нарса неъмат ҳисобланади-ю лекин табиат ҳам баъзан адолатсизлик қилиб кўяди, – деди гулларни кўрсатиб.

– Бу адолатсизлик эмас, бу яшаш учун кураш! – деди Ҳамдам.

– Эҳтимол шундайдир... – Солиевнинг баҳслашишга ҳуши йўқ эди, шу боис Ҳамдамнинг фикрига қарши чиқмади. Устознинг қайфиятини сезган Ҳамдам суҳбат мавзуини бурди:

– Зерикмай ўтирибсизми, ишқилиб? – деди меҳрибонлик билан.

– Беминнат суҳбатдошим бор, зерикшишга вақт йўқ, – деди Солиев айвон тўрида турган телевизорга ишора қилиб.

– Суҳбатдошингиз соқовми? – деди Ҳамдам қулиб.

– Бу суҳбатдошнинг яхши томони шундаки, мен эшитишни истаган пайтда гапирди, хоҳламасам – соқовга айланади.

– Ҳозир соқовликка ҳукм қилинганми? Бечоранинг жинояти нимадан иборат экан?

– Жиноятими? – Солиев қулимсиради. – Тилининг бесуюклиги-да.

Телевизор Москвадаги депутатларнинг мажлисини кўрсатарди. Овозсиз тасвирдаги ҳаракатларни кузатган киши юзида беихтиёр қулғи пайдо бўларди.

– Томошанинг зўрини топибсиз. Чарли Чаплин ҳам бунақа кино ишлаёлмаган бўларди, – деди Ҳамдам.

– Бу томошага «СССР Олий Советидаги масхарабозликлар», деб ном қўйганман.

– Сал ошириб юбормаяпсизларми? – деди Зоҳид бу кинояларга қўшилмай.

– Прокуроримизга ҳазил ёқмайди. Бу укаҳонимиз мутуйибалар улашиб бўлингандан кейин тузилганлар, – деди Ҳамдам кинояларини давом эттириб. Зоҳид унга жавобан қулимсираб қўйди-да:

– Гап ҳазилда эмас, бу мажлисда жиддий гаплар ҳам айтиляпти. Янги ҳаво оқимини ҳис қилиш мумкин, – деди жиддий тарзда.

– Бу ёғи сиёсатлашиб кетди, – деди Ҳамдам унга норози қиёфада қараб. – Энди «демократияга етишдик», дерсан?

– Бу демократия эмасми?

Савол Ҳамдамнинг гапига эътироз сифатида берилган бўлса-да, жавоб ундан кутилмай, икковлари ҳам устозларига қарашди.

– Мана шу мажлисда мингта депутат ўтирган бўлса, минг хил демократия, минг хил ҳақиқат бор. Ҳар бири ўз демократияси билан сафсата сотади. Ўзининг ҳақиқатини ҳимоя қилади. Битта демократия, битта ҳақиқат бор, деган фикр хаёлларига келмайди. Сен тўғри айтдинг, – шундай деб Зоҳидга қаради, – жиддий гаплар ҳам айтиляпти. Лекин «курук гап кулоққа ёқмас», деган мақол бор. Бизникилардан биттаси чиқиб, куйиб-пишиб гапириб Орол денгизининг қуриб бораётганини билдирди. Эшитган бўлсанг, унинг чиқиши сенга ёққан, албатта. Катта минбардан ҳақиқатни айтиш балки сен учун қаҳрамонлик бўлиб туюлгандир. Лекин бу қаҳрамон аканг айтган гаплар ҳаммага маълум-ку? Йигирма-ўттиз йилдан бери тинмай гапирилади-ку? Унинг Сибир дарёлари сувини Оролга буриш ҳақидаги эски таклифини бир рус ёзувчиси чиқиб рад этди. «Шимолий муз океанига салбий таъсир қилади», деди. Қозоқ чиқиб, «Сибир дарёларининг суви Ўрта Осиё ерларидаги тупроқ таркибини бузади», деди. Бу ҳам зўр гапларми? Аввало бу сафсатабозлар сиёсий мажлисда илмий муаммони ҳал қилишмоқчи. Ҳолбуки, учовида ҳам илм йўқ. Мен бу масалаларни ўн беш йил олдин матбуотда ўқиган эдим. Сени маҳдиё қилаётган бу қаҳрамонларининг битта мақсади бор: минбарга чиқиб ўзини кўз-кўз қилиш. «Азага келган хотин ўз дардини айтиб йиғлайди», деган мақолни биларсан-а? Буларнинг ўшанақа хотинга ўхшашади. Лекин мен бу бечораларни қораламайман. Буларда сиёсий қураш, сиёсий баҳс тажрибаси йўқ. Менинг назаримда кимдир биров арининг уясини чўп билан кавлаб-кавлаб, ўртага микрофон қўйиб қўйганга ўхшайди.

– «Азага келган хотинлар» ҳам бор, лекин Болтиқбўйидан келганлар унақа эмас-ку?

– Зийраклигинга қойилман. Менам асосан ўшаларни эшитаман. Уларнинг аниқ режалари, аниқ мақсадлари бор. Шу кетишда мақсадларига етадилар.

– Мақсадлари... ажралиб чиқишми? – деди Ҳамдам иккиланган оҳангда.

– Ўзгача бўлиши мумкин эмас.

– Уларни бўш қўйишдан балки бошқа мақсадлари бордир. Осонликча эркинликка қўйиб юборишмас?

– Ит курук суякни ҳам қизганиб, ириллайди. Тўкин дастурхоннинг бир улушини ажратиб олиншига ким индамай қараб турар экан? Менингча, уларнинг дадил гапларни айтишга йўл қўйиб берилиши бежиз эмас. Москва уларга ким эргашишини билиб олмоқчи.

– Шароит туғилса, ҳамма эргашади, бунинг нима-си қоронгу?

– Гап ким биринчи эргашади ва қайси йўл билан боради? Қорабоғ билан Бокудаги қонли воқеалар, ўзимизнинг Фарғонадаги фожиалар нимага уюштирилди? Энди навбат кимга?

Солиев саволга жавоб кутгандай сукут сақлади. Сиёсат бобидаги бундай дангал гапларни ҳар ким, ҳар ерда айтавермас эди. Айниқса, улар хизмат қиладиган соҳада бу ҳақиқатга дуч келинганда кўз чирт юмилиб, четлаб ўтишга ҳаракат қилинарди. Солиев билан бирга бўлинган йилларда суҳбат мавзуи асосан жиноят бобида бўлиб, сиёсат оламига камдан-кам ҳолларда назар солинарди. Бир марта чой устида халқаро аҳволдан гап очилганда Солиев буларга «бошларинг-ни оғритмаларинг, бизнинг ечадиган масаламиз жиноят оламида, бошқа оламга мўраламай, жим юраверларинг», деб танбеҳ берганди.

Бир дақиқалик сукутни Ҳамдам бузди:

– Телевизор сизга беминнат суҳбатдош эмас, сиёсий устоз бўлиб қолибди-ку? – деди кулимсираб.

– «Устоз» дейсанми? Ўргулдим бунақа «устоз»дан. Ҳамма нарсани айқаш-уйқаш қилиб ташлади. Булардан кула-кула, ўзимиз ҳам ўшаларга ўхшаб қоляпмиз. Қўй, бу гапларни, ўзимизнинг сиёсатдан гапир.



Суҳбат мавзуининг жиддийлашганини сезган Солиев шундай деб, жилмайди.

– Бу сиёсатчилар сафсата сотаётган дамларда жинойтчилар ўз сиёсатларини қойилмақом қилиб бажариб юрибдилар, – деди Ҳамдам истехзо оҳангида. – Бугунги асосий масала: бир ашулачи ўлдирилган, унинг кадрдон дўсти эса изсиз йўқолган. Бир занжир ҳалқаси бўлмаса, буни оддий жинойтлар сирасига киритиш мумкин эди.

– Қандай ҳалқа экан?

– Иккала ашулачи ҳам Элчиннинг шогирди экан. Элчин эса Асадбекнинг кўёви.

– Бу занжирни ўзинг ўйлаб топдингми? Билишимча, Элчин ҳали касалдан ўнгланмаган.

– Ҳа, ўнгланмаган. Қотилликка алоқаси йўқлиги аниқ. Лекин гумоннинг бир учи барибир Асадбек томонга бошлайди.

– Бошламаслиги ҳам мумкин.

– Бошлаб бўлган. Асадбекни шу масалада шаҳар прокуратурасига чақиришган. Кейин узр сўраб, кузатиб қўйишган.

– Қизиқ... – Солиев афсуслангандай бош чайқади. – Шошилиб-шошилиб, оқибатда қовун тушириб қўйишади-да. Тепадагилар билишадими буни?

Зоҳид ўзига қарата айтилган саволга «хабарим йўқ», деб кўя қолди. Ҳозир тилга олинган жинойтга доир ишни олиб бориш икки соатдан сўнг ўз зиммасига юкланишини билганида жавобни бундай қисқа қилмаган, йўл-йўриқ суриштирган бўлармиди...

Яна бир неча дақиқа давом этган суҳбатдан сўнг устознинг толиқа бошлагани сезилгач, ишлари кўплигини баҳона қилиб, хайрлашдилар. Улар кетгандан сўнг Солиевнинг хотини қоғозхалтани бўшатаётиб, бир ўрам пулга кўзи тушиб, аввалига ажабланди. Буни эрига айтмасликка қарор қилиб, «кейин келишганда қайтариб берарман», деган ўй билан жавонга яшириб қўйди.

Асадбек янги кўшқанотлари билан янада баланд-роқ учишга ҳозирлик кўра бошлади. Аввалги аҳдидан воз кечиб, ўзи жорий этган салтанатидаги қонун-қоидаларни бирин-сирин қайта ўнглади. Бунинг натижаси ўлароқ, болохонада йигитлар яна пайдо бўлди, Асадбекнинг атрофидаги зирҳли кўрғон ҳам тикланди. Гарчи жудолик азоби озаймаганини юзидаги ажинлар ошқор этиб турса-да, у ўзини бошқалар олдида тетик тутишга ҳаракат қиларди.

Абдурахмон табибникида даволанаётган кезлари унинг қалби бир оз юмшагандай бўлиб эди. Кейин яна аслига қайтди. Чунки у тавба йўлини танламаган, балки бу хайрли амал томон шунчаки бир назар ташлаб кўйган эди. Дунёга муккасидан кетган, унинг алдовларига ишониб, шахватлар оғушида қолган кишининг қалби, шубҳасиз, тавба амалидан ғофил, бу неъматдан бебахрадир. Бундай одам ўлим жари ёқасида турган бўлишига карамай, ўлимни эсга олишни ёқтирмайди. Эслаган тақдирда ҳам дунёси қолиб кетаётганига афсус қилиб, бунга ўлим сабабчи бўляпти, деган бемаъни хаёлга боради. Ўлимни бу тарзда эслаш яқинлик ҳосил бўлишига эмас, балки Аллоҳдан узоқлашишига сабаб бўлади. Ўғлининг ўлими уни баттар узоқлаштирди. «Ким Аллоҳ билан учрашишни хоҳламаса, Аллоҳ ҳам у билан учрашишни хоҳламайди», шарафли ҳадиснинг ҳаётдаги исботи Асадбек ҳаётида ўз аксини топди. Асадбек ғофил эди, жоҳил эди. У ҳаётда ўз хоҳиши бўйича яшашни истарди. Яратган ва тарбиячи бўлган Аллоҳ буйруқларига итоат этиши шартлигини эшитган бўлса-да, бу ҳикматдан кўз юмиб юраверарди. У оламлар Роббисининг «Эй Одам фарзанди, ўлим келмасдан бурун ўзинг учун яхши амаллар қилиб ол. «Бу дунёда қилган гуноҳларим охиратда жазосиз қолади»,

деб кибрланма. Чунки якин кунда Аллоҳ ҳузурига сафар килурсан ва қилган гуноҳларингдан сўрок берурсан. Ҳаётлик даврингдаги орзу-ҳаваслар сени савоб ишлардан қолдирмасин. Агар бу ўғитларни рад этсанг, пушаймонлар фойда бермайдиган кунда – қиёматда афсус киласан», деган хитобидан беҳабар эди. Хабардор бўлган тақдирда бу огоҳлантиришни қулоғига олармиди? Гофил кўзлари очилармиди? Дадил равишда «Ҳа!» дейиш мушкул. Қалбини шайтонга топширган кимсани ғафлат уйқусидан уйғотиш ғоят қийин...

Асадбек ўз ташвишлари билан банд, Манзура эса эрининг салтанатига бутунлай зид бўлган янги оламга кириб борарди. Ўғлининг хотирасига бағишланган маъракада мавлуд ўқиган Отин ойи унга ёқиб қолган эди. Орадан кунлар ўтгани сайин уни кўргиси келаверди, юпанчни айнан шу аёл берадигандай бўлаверди. Сабр қалъаси, тоқат қасрининг калитини шу аёл инъом этадигандай қалби ўша томон интилаверди. Келинлари билан Абдусамати хорижга қайтиб кетишгач, у олам аро ёлғиз қолгандай азобланаверди.

Ўлим – қисмати, қабр – қароргоҳи, тупроқ – тўшаги, Мункар ва Накир – суҳбатдоши, қурт-қумурсқалар – улфати, ер ости – хос хонаси, маҳшаргоҳ – ваъдалашган жойи, жаннат ё дўзах сўнгги манзили бўлган ҳар бир кишининг фикру-зикри ўлим, тадбиру тадориги ҳам ўлим учун бўлиши табиий. Манзура ҳам бошқалар каби ўлимдан қўрқади. Лекин у ўзининг эмас, эри ва фарзандларининг ўлимидан қўрқади. Эри тузалмас касалга йўлиққанини билганида тунлари билан кўз ёшлари тўкиб, Худодан шифо тилади. Ўғли ётиб қолганида қон ёшлари тўкиб илтижо қилди. Қанча муножот қилмасин, ўлим уйларига кириб келди. Аммо Манзура эрига ўхшаб Аллоҳ билан ҳақ талашмади. Асадбек шифо топганида шукр қилди. Ўғлидан жудо бўлганида эса ўзига сабр, фарзандига жаннатдан жой сўради. Ўзига маълум бўлмаган

қандайдир гуноҳлар учун ҳақ тўланганини ҳис этиб, ўғлининг руҳи олдида тавбалар қилди.

Манзурага бу ҳовлидаги барча нарса ҳам бегона, ҳам шумшук кўринадиган бўлиб қолди. Ҳатто бу уйни сотиб, бошқа жойга кўчишни эрига таклиф қилмоқчи бўлди. Лекин ўғлининг сўнгги нафаси чиққан уйдан узоқлашишини ўйлаганда жон таслим қилаётгандай туюлди. Мутелик билан умр кечирган аёл энди ёлғиз яшай олмаслигига ишонч ҳосил қилди. Отин ойи билан учрашиш ниятида уйдан чиқди. Мавлуд ўқитганда уни қариндошлари таклиф қилиб келишганди. Сўраб-суриштириб, шаҳарнинг кунботар томонидаги янги маҳаллада жойлашган уйни топиб борди. Эшнк қия очик эди. Кўнғироқ тугмаси йўклиги учун ичкарига иккиланганича қадам босиб «Овсин!» деб чақирди. Овози паст чиққани учун айвонда меҳмони билан суҳбатлашиб ўтирган Отин ойи чақирикни эшитмай, суҳбатини давом эттирди:

– Не-не баҳодирлар ер тишлади, «дунёга устунман!» деган сонсиз ботирларга, кисрою қайсарларга ваъда ҳақ бўлди! Аллоҳ уларни тубсиз чоҳга қулатди. Бас, улар қасрлардан қабрларга, нур балққан бешиклардан қоп-қоронғу гўрларга кўчдилар. Аёллар ва болаларни эркалаш лаззатидан маҳрум бўлиб, ҳашарот ва очофат қуртларга ем бўлдилар. Таом ва шароб неъматидан кесилиб, қаро тупроққа қорилдилар. Улфатларнинг ҳузурбахш базмидан узилиб, даҳшатли ёлғизлик, сўнгсиз безовталиқ ичра қолдилар. Устоз Ғаззолий бу китобда шу маъноларни очиб бериб, гўё бизга шундай хитоб қиладилар: айтинг-чи, дунёда ўлимни сақлайдиган бирор қалъа ёки куч борми?! Бор бўлса, у билан ҳимояланинг, қани, ўзингизни ўлимдан тўсиб кўринг-чи? Ҳа, ҳеч ким тўса олмайди. Ҳасан Басрий ҳазратлари шундай деганлар: «Сабрли бўлинг, белни маҳкам боғланг. Кунлар ўткинчи. Сиз гўё қарвонсиз. Манзилга оз қолди. «Тўхта», дейилса, бас, чақирикка жавоб берасиз. Кўчяпсиз, манзилга энг яхши нарсалар билан боринг».

Отин ойи шундай дегач, жим қолди. Бундаи фойдаланган суҳбатдош аёл гап бошлади:

– Китобдан шу маъноларни тушуниб, ақлим лол қолди.

– Тушуниб ўқиганингиз, сўнг уққанингиз яхши. Тушунганларингизга амал қилсангиз янада аъло! Аллоҳни фақат илм билан таниш мумкин. Ҳозир илм олишга имкон берилди. Бу имкониятдан фойдаланилмаса, гофиллик ботқоғига ботилади. Тўртта хотин йиғилиб миш-мишу ғийбат гуноҳига беланмай, илм саодатидан баҳраманд бўлса, охират саройини қурган бўлади. Китобни ўқиб яна нималардан ҳайратланингиз, тушунганларингизни айтинг-чи?

– Абу Мусо Ашъорий ўлимларига яқин қолган кунларда ибодатга қаттиқ берилган эканлар. Шунда у кишига «Сал дам олиб, нафсингизга енгиллик бермайсизми?» дейишибди. Шунда у зот бош чайқаб шундай жавоб қайтарибдилар: «Чопаётган отлар маррага етай деб қолганларида бутун жон-жаҳдлари билан ташланиб чопмайдими?! Менинг ажалимга бундан ҳам оз вақт қолди». Кўп ўтмай жон берибдилар. Менга яна халифалардан бирининг минбардаги гапи қаттиқ таъсир қилди, ҳатто ёдлаб олдим.

– Қани, айтинг-чи?

– «Эй Аллоҳнинг бандалари! – деб хитоб қилган экан ўша халифа. – Қувватингиз борича Аллоҳдан кўркинлар. Билинг! Дунё фонийдир, ўлим бошингиз узра соя соляпти, сафар тадоригини кўринг. Қискагина муддат учун яралган бу дунё лаҳза сайин кемтилиб, соат сайин емириляпти. Кун ва тун аталмиш ғойиб шарпа уни еб битириляпти. Бу майдонга кирган инсон ё зафар қучади ё мағлуб бўлади. Демак, инсон доимо сафарбар туриши шарт. Нафсига насиҳат этган, тавба қилиб, шахватдан ғолиб бўлган киши Парвардигорига ёруғ юз билан йўлиқади. Ажал қачон йўликишини инсон билмайди. Орзу-ҳаваслар инсонни алдайди. Шайтон унинг ёнида туриб, тавбани кечиктиришга,

гуноҳ қилишга ундайди. Гуноҳ амалларни чиройли кўрсатиб, ўлимдан ғофил қолдирмоқ қасдида бўлади. Огоҳ бўлинг! Сизлар билан жаннат ё дўзахнинг орасида фақат ўлим бордир. Воҳ! Ўлим келса-ю, сиз бундан ғофил бўлсангиз, ўтган умрингиз ўзингизга қарши ҳужжат бўлса, кунлар сизни бадбахтлик сари судраса, бу қандай ҳасрат!»

Суҳбатдош аёлнинг овози титради.

– Аллоҳ сизни ва бизни Ўзининг неъматига шуқр қилгувчи, тоатида бардавом этсин, – деди Отин ойи, сўнг бир неча нафас тин олгач кўшиб кўйди: – Ўлимдан сўнгги ҳасратдан асрасин. Шу ёд олганингизга кўшимча қилиб, Ҳасан Басрий ҳазратларининг сўнгги нафасда айтган гапларини ҳам ўрганинг: «Шошилинг, нажотга шошинг, – деганлар ҳазрат. – Қаён юз буряпсиз?! Каъбанинг Эгаси ҳаққи, билинг, ўлим ёнгинангизда, сиз билан баробар турибди. Парча нонга қаноатланган, ямоқ кийимга рози, ерга ёпишиб ибодатга берилган, хатолари учун йиғлаган, укубатдан қочиб, раҳматидан умидвор бўлган кишига Аллоҳнинг раҳмати бўлсин». Шундай деб жон берган эканлар. Минг йилнинг нарисида айтилган бу гапни биз ҳам бир васият ўрнида қабул этиб, амал қилмоғимиз жоиз.

Ҳовли томон бир неча қадам кўйган Манзура оқ бўз парда билан тўсилган ичкари томон юришдан истиҳола қилиб тўхтади. Парда ортидаги айвондан эшитилаётган бу суҳбатга беихтиёр кулоқ тутди. Кейинги хитобларни эшитди-ю, бадани жимирлаб кетди. Йўқ, ўлим тилга олингани учун кўркмади, орзу-ҳавасларга алданиб яшаётган инсонлардан бири эканини яна бир марта англаб, афсусланди. У суҳбатнинг давомини эшитишни истарди. Лекин ўғриларча тинглашдан уялди. Шундай туравериши ҳам нокулай эди. Шу боис бу сафар баландроқ овозда, энди «Отин ойи!» деб чақирди.

Суҳбат узилиб, Отин ойи «Лаббай, ҳозир!» деганича ўрнидан турди. Суҳбатдош аёл ҳам кўзғалиб,

кетишга изн сўради. Парда сурилгач, мезбон билан хайрлашди-да, Манзура билан сўрашиб, чикиб кетди. Отин ойи Манзурани таниди. Шаҳарга донғи кетган одамнинг хотини ўзи келиб, келганда ҳам ичкарига киришга ийманиб туришидан ажабланди. Лекин бу таажжуб сониялари узоқ давом этмади. Очиқ юз билан яқинлашиб, саломлашди-да, меҳмонни айвонга бошлади. Манзура ҳозиргина суҳбатдош аёл ўтирган жойни эгаллади. Фотиҳа ўқилгач, Отин ойи ҳол-аҳвол сўради. Сўнг Манзуранинг келиши сабабини билиш учун сукут сақлади.

– Мавлуд куни сизни яхши кутиб ололмадим, хафа бўлмадингизми, ишқилиб? – деди Манзура айбдор одам овозида.

– У кун чорловингизни қабул қилишдан муддао зиёфатда еб-ичиш эмас, жаноби Расули акрамнинг муборак ҳаётларидан сўзлаб бермоқлик эди. Меҳмонларингиз бу хикоялардан ўзлари учун бир ибрат олган бўлсалар кифоя. Қолган иззат-икромлар бекорчи ҳаракат ҳисобланади.

– Яна бир борармикинсиз, деб таклиф қилгани келувдим.

– Яна мавлудми?

– Йўқ... бу сафар мушкулкушод ўқитмоқчийдим...

Бу гапни эшитиб Отин ойи унга тикилганича жим қолди. Манзура бу қарашни рад жавобига ишора деб ўйлаб, энди ялиниш оҳангида илтимос қилди:

– Отин ойи, йўқ деманг, кунини белгиламадик, айтган вақтингизда ўтказамиз.

Отин ойи чиндан ҳам бу таклифни рад этмоқчи эди. Бирок, бунинг сабабини қандай тушунтирсам экан, деган мулоҳаза билан ўйга толганди. Манзура ялиниш оҳангига ўтгач, ўзини гўё нархини ошираётган ашулачи ҳис қилиб, хижолат бўлди.

– Опа, илтимос, мени «Отин ойи» деманг. Исмиим Афруза. Мен бир кун мавлудга, иккинчи куни мушкулкушодга қатнайдиғанлардан эмасман. Кўпчиликка

ақл ўргатадиган даражада илмим бўлганида «Отин ойи» деб иззат қилсангиз ярашарди. Ёшлигимда кимё соҳасида ўқиганман, ҳозир шу касбим бўйича ишлайман. Яқинларимнинг илтимосини ерда қолдиргим келмай, зеҳним етганича суҳбат қилиб бсраман. Сизни-кига ҳам шу боис бориб эдим.

Афруза Москвада аспирантурада ўқиётган кезлари бир татар аёлникида ижарада туриб, ундан Ислом илмини ўрганганини айтиб ўтирмади. Ўз ҳаётига доир маълумотларни баён этмоқликка ҳожат ҳам сезмади. Унинг учун ҳозир энг муҳими – бу аёлнинг кўнглини оғритмаган ҳолда илтимосини рад этиш эди. Кўришиб турибдики, бу аёл Ислом илмидан анча узоқ. Кескин гапириб юборса, шубҳасиз, ранжийди.

– Опа, нима учун мушкулкушод ўқитмоқчисиз? – деди у суюмли сингилнинг меҳрибонлиги билан.

– Биласиз-ку...

Манзура ўғлининг вафотини тилга олишга қийналди.

Афруза унинг аҳволини тушунди. Рўпарасида ўтирган аёл шунчаки илтимосчи эмас, фарзанд доғида қуйиб адо бўлаётган ОНА эди! У ўз дардини енгиллатиш учун мушкулкушод ўқитмоқчи эмас. Асло! Онанинг мақсади – фоний дунёни навжувонликда тарк этган фарзандига боқий дунёдаги фароғатни тилаш. Шундай тилакдаги онанинг кўнглига озор етказиш мумкинми? Лекин... кўнглига қараб, гуноҳдан асра-маслик ундан-да ёмонроқ...

– Мушкулкушод ўқитишни ўзингиз ўйлаб топдингизми ё биров ўргатдимиз? – деб сўради Афруза ўйчан тарзда.

– Одамлар қилишади-ку...

– Опа, хафа бўлмасангиз, бир-икки нарсани тушунтириб қўярдим.

– Вой, нега хафа бўларканман, тушунтираверинг.

– Сизнинг дардингиз менга бегона эмас, чунки, мен ҳам онаман... Ёлғиз ўғлимни Афғонистондан те-



мир тобутга солиб олиб келишган. Жонсиз танасини кучоклаш ҳам насиб этмаган менга. Аллоҳнинг иродасига кўра боқий дунёга кетган яқинларимиз биздан тўкин дастурхон тузаб, зиёфат беришимизни кутишмайди. Улар – дуоталаблар. Ҳар бир яхши ишимиздан ҳосил бўлган савоблардан уларни баҳраманд этишини сўраб Аллоҳга ёлборишимиз керак. Тўғри, бу фарзандларни биз тукканмиз. Лекин уларни бизга Аллоҳ берган эди. Ўзи истаган вақтда олди. Фарзанд берганида етарли шукр қилдикми? Буйруқларини бажардикми? Энди-чи? Сабрда, қаноатда ожиз эмасмизми? Шукр қилияпмизми? Бу гапим сизга ғалати туюлди, а? «Ўғли ўлган одам ҳам шукр қиладими?» деб ғашланаётгандирсиз? Ҳа, опажон, мен адаш гап айтмадим, бу қисматга ҳам рози бўлиб, шукр қилишимиз шарт. Гиёҳвандлик ёки бошқа бузуқчилик билан жон беришса, бизларни иснодларга қолдириб кетишса нима қилардик? Додимизни кимга айтардик? Аллоҳ жаннатда фарзандларимиз билан бизларни қовуштириш учун оғир синовни берди. Аллоҳим мен билан сизга ўхшаганларга қарата айтади-ки: «Эй Одам фарзанди, сабрли бўл ва ўзингни паст тут, ўзим сени олий даражага кўтараман. Истиффор айтгил, мағфират қилай. Ҳарна сўрагил, мен уни берай. Менга тавба қил, қабул қилай. Молингдан садақа қил, токи молингга барака берай. Қариндошларингга яхшилик қилиб қўшилиб юр, умрингни узун қилай». Яна «Эй бандаларим! – деб хитоб қилади. – Мен бандаларим ичида бир мўъмин кишини бирон мусибат етказиб имтиҳон қилсам, у менга ҳамд айтиб, менинг имтиҳонимга сабр қилса, у ўша жойидан турганида хатодан – гуноҳлардан онаси тукқан кунидек пок бўлиб туради». Тушуняпсизми, опа, биз сабр ва шукр билан бу имтиҳондан ўтамиз, кетма-кет дастурхон ясатиш билан эмас. Лекин эҳсон ҳам яхши, савоб амаллардан ҳисобланади. Фақат эҳсонни тушуниб, тўғри ҳолда, исрофсиз амалга ошириш керак. Тўқ одамларни чор-

лаб, беш-ўн хил таом билан сийлаш хайрли эҳсон саналмайди. Эҳсону садақалар муҳтожларга аталган бўлсагина савобдан умид қилиш мумкин. Аллоҳ ана шу савобдан ўтганлар руҳини баҳраманд этади. Агар неъматлар исроф этилса, гуноҳ-ку?! Ўтганлар руҳига шу гуноҳларни тортиқ қиламизми? Сиз ўқитмоқчи бўлаётган мушкулкушоднинг мукофоти гуноҳдан бошқа нарса эмас. Кичикроқ гуноҳ бўлса ҳам майли эди. Бу амал ширк бўлгани учун олимлар уни гуноҳи кабира, яъни жуда катта гуноҳ деб аташади. Ширк – қайси бир ҳолдадир Аллоҳнинг шериги бор, дейишнинг ўзиёқ гуноҳ. Мушкулкушод ўқилганда мушкулларни осон қилиб бериш қандайдир Биби сешанбадан тиланадими?

Афруза шу саволни бериб, жавоб кутмаса ҳам сукут қилди. Манзура бир-икки марта мушкулкушод ўқилган маросимда иштирок этган, аммо ўқилган сатрларнинг кўпи қулоғига кирмаган эди. Эшитганларини ҳам унутаёзганди. Эсида қолгани бир етимча қизнинг оғир аҳволию бир хотиннинг мўъжизалари...

– Ҳар қандай ёрдам фақат Аллоҳдан тиланади. Ҳатто пайғамбардан ҳам тиланмайди. Жоҳиллигимиз учун баъзан азиз-авлиёлардан фарзанд тилаймиз, дарахт шохларига латта-лутталар боғлаб келаемиз. Мушкулкушод ҳам ана шунга ўхшаган хурофотларнинг бири. Агар мадфун фарзандингиз учун яхшилик тиласангиз, илм олинг, Исломни ўргансангиз савоб топасиз. Илмсиз одамнинг гуноҳ кўчаларига кириб кетиши осон.

– Бир-иккита китоб ўқидим...

– Илм олиш учун бир-иккита китоб етарли эмас. Китобни ҳам танлаб, билиб ўқиш керак.

– Биз... энди... қўлимизга тушганини ўқийверамиз-да, – деб ўзини оқламоқчи бўлди Манзура.

– Ундай қилманг. Агар дилингизда илмга мойиллик уйғонган бўлса, мен ақлим етганича ёрдам берай.

– Вой... қанийди! Сўрашга тилим бормаи турувди... вақтингиз бўлармикин?..

– Илм олмоқчи бўлганларга вақтимни эмас, жонимни ҳам фидо қилгим келади.

Афруза шундай дегач, Манзурага диннинг моҳияти ҳақида қисқа тушунча берди-да, кейинги келишига китоблар олиб кўядиган бўлди.

Хайрлашишдан олдин айтиб берган ривоят эса Манзуранинг қалбига муҳрланиб қолди. Уйига қайтаётганида ҳаёли фақат шу ривоят билан банд бўлди: «Барчага ибрат ва маслаҳатгўй бўлган бир орифнинг ўғли вафот этди. Таниш-нотаниш – барча бу фожиадан қайғурди, йиғлади. Бирок, ориф одам кўз ёши тўкмади. Аҳли аёли бундан ранжиб дедики:

– Фарзандимиз қисмати учун ҳатто бегоналар ҳам зор йиглаб турса-ю, сиз нега йиғламайсиз? Шунчалар бағритошмисиз? Қалбингиз шунчалар қотган бўлса, маҳшар куни қандай қилиб инсонларга Аллоҳнинг изни ила меҳр-шафқат кўрсатиб, шафоат қиласиз?

Улуғ зот аёлига дедики:

– Эй ҳаётимнинг вафоли йўлдоши, йиғламаганимга мени марҳаматсиз, юраги тош қотган, деб ўйламагин. Менинг кофирларга ҳам раҳмим келади, уларга иймон насиб этсин, дея дуо қиламан. Кўппакларга ҳам ачинаман, ҳатто мени тишлаган кўппакка ҳам. «Ё Раббий, бу бечоранинг феълини ўзгартиргин, одамлардан калтак эмасин, унга тош отишмасин», деб дуо қиламан.

Бу сўзларни эшитган аёли:

– Қалбингиз шунчалар шафқат ва марҳаматга тўла экан, нега ўғлимиз учун йиғламаяпсиз? – деб яна гина қилди.

– Инсон бир нарсани йўқотганида ёхуд ундан айрилганида йиғлайди, ранжийди. Ўз фасли ҳеч қиш фаслига ўхшайдими? Фарзанд ўлсин ёки тирик юрсин – улар кўнгил кўзидан йўқолмайди-ку?! У шундоқ кўз ўнгимда кезиб ўйнаб юрар экан, нега энди сенга ўхшаб йиғлайин, хафа бўлайин? Ўғлимиз бу замон даврасидан чиқди, холос. У йўқолмади, атрофимизда айланиб юрибди, ахир!

Сўнг у ориф одам яна дедики:

– Йиғи ё аламдан, ё айрилиқдан келар экан, мен севганларим билан биргаман. Табиий, ўлган болам билан вуслатдаман. У билан югуриб юрибман. Одамлар уларни тушида кўрса, мен уйғоқ ҳолда, очиқ-равшан кўряпман. Бу дунёда ўзимни яширганимда ҳам, борлиқ дарахтидан туйғу япроғини силкитганимда ҳам у билан биргаман...»

Неча кунларки, Манзуранинг елкасидан нимадир босиб тургандай бўлаверарди. Афрузаникидан қайтишда бу юқдан халос бўлганини сизди. Зулмат ихтиёридаги қалбига ёқилган чироқдан кўнгли равшанлашди. Ана шу равшанлик билан уйига қайтди. Дарвозаси яқинида турган нотаниш аёлга кўзи тушиб, машина ҳайдовчисига тўхташни буюрди. Асадбекнинг амрига кўра, Манзура машинага ҳовлида ўтириб, ҳовлида тушиши шарт эди. Аёлни кўрганда эрининг бу буйруғи эсидан чиқди. Ҳайдовчи хожасининг буйруғини биларди. Шу боис тўхтатмади. Дарвоза очилиши билан ичкари кирди. Манзура бундан аччиқланса-да, йигитга гапирмади. Машинадан тушиши билан орқага қайтди. Дарвозани ёпаётган йигит унга савол назари билан қаради-ю, тўхтатишга журъат этмади. Манзура кўчага чиқиши билан нотаниш аёл тез-тез юрганича унга яқинлашди-да, салом берди.

– Худойимга шукур, сизни бугун ҳам учратолмай қайтиб кетармикинман, деб кўрқаятувдим, – деди у Манзура алик олиб, кўришгач.

– «Бугун ҳам» дедингизми? Унда... кеча ҳам кутувдингизми?

– Ҳа...

Манзура икки кун кўчага чиқмаган эди. Ўзини кимдир интиқ кутиши мумкинлигини ўйлаб ҳам кўрмаганди. Демак, бу аёл кеча келган... ялингандир, йигитлар қўйишмагандир. «Шунчалик ноинсофлик бўлиши мумкинми?» Манзура кўнглида туғилган бу саволга жавоб қайтаришга ожиз эди. Журъати етиш-

са, буни эридан сўрарди. Эрининг нима дейишини эса билади...

– Опа, менинг уст-бошимга, кўринишимга эътибор берманг. Гапни чўзмай, тўғриси айти қолай: мен ўтган куни камокдан чиқдим. Болаларимнинг ташвишида ўзимга қарагим ҳам келмай, нажот тилаб, тўғри сизнинг олдингизга шошавердим.

– Нажот... Мендан? – ажабланди Манзура. Шу топда Афрузанинг гапини эслади: – Нажотни Худо беради, синглим...

– Худо нажот бериши учун ўзим елиб-югуришим керак-да. Ўзимнинг қўлим калта, кўп ишларга ақлим ҳам етмайди. Агар сиз ёрдам бера олмасангиз... билмадим... ўлимдан бошқа нажот қолмаса керак...

– Болаларингизга нима қилди?

– Ўғирлаб кетишибди.

– Ким?

– Қиморбозлардан гумоним бор. Болаларимни эрим ютқизиб қўйган экан...

Бу гапни эшитиб Манзура титраб кетди. Эрга текканидан кейинги ўзининг аҳволини, кўрқувда ўтган кечаларини эслаб, баданига муз югурди.

– Отингиз нима, синглим? – деб сўради бир неча нафаслик сукутдан сўнг.

– Отим Фазлия.

– Фазлияхон, кўчада гаплашмайлик, юринг, ичкари кириг...

Асадбек йигитларига «Мен йўғимда бу ҳовлига ҳатто бегона пашша ҳам учиб ўтмасин», деб амр қилган эди. Манзура Фазлиянинг елкасига қўлини ташлаб, ичкари бошлагач, улар ноилож қолишди.

## 2

Султон Маҳмуд ибни Сабуктагин вафотидан юз йил ўтгач, подшоҳлардан бири туш кўрди: қабрда Султон Маҳмуднинг бадани чириб, тупроққа айлан-

ган, ammo икки кўзи тириклигидагидай назар қилиб турарди. Ҳукамолар бу туш таъбирини айтолмасдилар. Шунда бир дарвиш келиб деди-ки: «Мулк, салтанат бошқаларга қолганидан ҳануз кўз ногирондир»...

Бу ҳикматни Асадбек билмас эди. Кесакполвон ҳам эшитмаган, эшитган тақдирида ҳам оддий гап каби қабул қилган бўларди. Чунки унда ҳикмат мағзини чақиш қобилияти йўқ эди. Лукмони Ҳакимдан: «Ҳикматни кимдан ўргандингиз?» деб сўраганларида у муҳтарам зот: «кўзи ожизлардан ўргандим, чунки улар оёқ кўядиган ерни билмагунларича одим отмаслар», деган эканлар. Кесакполвон, гарчи басир бўлсада, оёқ кўядиган жойига қараб олмаган эди. Хўроз қанчалик шиддатли жанг қила олса ҳам, темир панжа бургутга ҳеч қачон тенг кела олмаслигини у ўйлаб кўрмаганди. Мушук сичқон тутган онда ўзини шер фаҳмлагани каби у «Асадбекнинг мулки икки кишига эмас, бир кишига қолиши керак», деган ўз қонунини яратди. Чувриндининг ўлими бу қонуннинг ғоят тўғри эканини тасдиқ этгандай ҳам бўлди. Лекин у нотавон банда ҳаёт қонуниятини махлуқ эмас, Холик яратишини фаҳм этмас эди. У она қорнида ҳам шошилганди – муддатидан эртароқ туғилганди. Асадбек мулкига эга чиқишга ҳам шошилди – ҳаётдан эрта кетди. Ўзининг ҳавасини келтирган тилла-ю жавҳарлари энди кимнинг кўнглини шодлантиради? Яширин темир сандиқдаги бойлик тўплаган кишисига садоқат қилмагани ҳолда энди кимга ёлғон саодат ваъдасини берар экан?

Кесакполвоннинг хотини кечаги оқшом кўнғирок қилганида Асадбек «Ҳадеб бошимни қотираверма, эринг Масковда сап-сарик жононга уйланиб олган, энди ундан умидингни уз», деган эди. Бу эзма хотинга битта гап камлик қилишини Асадбек фикрлаб кўрмаганди. Нонушта пайти телефон жириглаганда ҳам кечаги хархаша давом этишини кутмаганди. Гўшакни Манзура кўтариб, «айланай овсин, яхши

ўтирибсизми», деб гап бошлаганида хотинларнинг ўзаро вайсаши бошланди, деб ўйлади. Аммо вайсаш кўпга чўзилмай, Манзура «Ҳа, борлар, ёнимда ўтирибдилар», деб гўшакни узатгач, «яна нима балони бошламоқчи», деб ажабланди.

Кесакполвоннинг хотини салом-аликни қисқа қилиб, муддаога ўта қолди:

– Мулла ака, кеча ҳазиллашувдингизми ё сариқ мегажинга уйланиб олганлари ростми?

«Ҳазиллашувдингизми?»

Бу сўз Асадбекка малол келиб, қошларини чимирди. «Мен сен билан ҳазиллашадиган эрманми?» деб бобиллаб бермоқчи бўлди-ю, ўзини тийди:

– Ҳа, нима, рашкинг келяптими? Кечаси билан ухлолмай чиқдингми?

– Бо Худо! Рашк қилиб зарил кептими?! Феълини сезиб юрардим. Бир марта «агар ўлсанг, сени кўмиб, мозордан қайтишимда уйланиб келаман. Сенга жано-за ўқиган мулла ярим соатдан кейин мени ўн саккиз ёшли жононга никоҳлаб қўяди», деган. Мегажинни Масковдан топган бўлса, у ёқда никоҳ ўқилмайди, мулланинг пули ҳам ёнига қолибди. Уйланса ундан нарига, фақат келиб, сейфнинг калитини қўлимга туткизиб кетсин. Жувонмаргта бу уйдан битта чўпни ҳам бермайман.

Ҳар бир одам калласига келган гапни айтишга ҳақли. Айни чоғда бу гапни эшитган ҳар бир одам бу каллага мушт туширишга ҳам ҳақли. Ҳозирги гапларни Кесакполвоннинг хотини эмас, бошқа эр киши айтганида Асадбек муштлишдан қайтмаган бўларди. Бу хотинга эса гап топиб бериши қийин. Шу боис Асадбек кескин равишда:

– Калитни менга бериб кетган, уйингда ўтир, ҳали бораман, – деб гўшакни жойига ташлади. Сўнг бир зум ўйланиб турди-да, гўшакни яна кўтариб, лозим рақамни терди. Жамшиднинг овозини эшитгач:

– Сейф очадиган уста топ, – деб буйруқ берди.

Мартабаси анча юқорилаганига қарамай, Жамшид ҳамон «хўжайин «нимага?»» деган саволни ёмон кўрадилар, «хўп бўлади»ни ёктирадилар», деган қондасига хилоф қилмасдан иш юритарди. Агар ҳозирги топшириқ Кесакполвонга берилганида унинг «банкни ўмармоқчимисан?» деб сўраши тайин эди. Эшитадиган жавоби ҳам шунга яраша бўларди: «Сенга ўхшаган майда ўғриманми, банкни урадиган?»...

Асадбек шаҳар марказидаги уч қаватли иморатнинг ертўласига «видеобар» ниқобида жойлашган идорасига етиб келганда Жамшид вазифани деярли бажарган эди.

– Уста бир соатдан кейин бўшар экан, – деб хожа-сининг кўнглини хотиржам қилди.

– Ишонарли одамми? Гуллаб қўймайдими?

Асадбек аъёнининг ишни пухта қилишини билса ҳам, шубҳа булутини ҳайдаш учунгина шундай деб сўраган эди.

– Маҳмуд акамнинг сейфлари бузилиб қолганида очиб берган эди. Қўли гул уста.

– Бунақа кўли гулларнинг харидорлари сероб бўлади. Ўғрилар билан олди-бердиси йўқми?

– Бу томони ҳам пишиқ. У нозик идоранинг рўйхатида туради. Ўғрилар яқинлашишолмайди унга.

– Ҳайдар акангникига борамиз. Сандиғини очиб, бойлигини олиб бермасак, хотини юрак ўйноғи бўлиб қолади. Мен «эринг Масковда уйланиб, ўша ерда қолди», деганман. Уйланган одамнинг ўша ёқда ўлиши ҳам осон. Маржасининг ўйнаши бир ёқлик қилиб кетар, а?

Жамшид хожа-сининг муддаосини англаб, кулимсираб қўйди:

– Масковда аҳмақона ўлим топадиган эркаклар қанжиқларининг ўйнашлари қўлида жон берар экан.

– Ҳайдар аканга шуниси ҳам насиб этмади. Аблах бўлса ҳам, уйда жон бериб, одамга ўхшаб кўмилгани яхши эди. Туриб-туриб ачиниб кетаман унга...



Уста келгач, ортикча гап-сўз қилиб ўтирмасдан йўлга тушдилар. Жамшид «тилингга маҳкам бўласан», деб пухталаб кўйгани учун уста «қаёққа, нимага?» деб суриштирмади.

Кесакполвоннинг уйига кириб келган Асадбек пастак думалоқ стол атрофида қарта ўйнаб ўтирган нота-ниш йигитни кўриб, ғашланди. Қошларини чимириб «ким бу тавия?» дегандай уй бекасига қаради. Бу савол назарини англаган хотин дарҳол таништирди:

– Бу Гогик, миравой мастер, бизнинг личний парикмахеримиз.

– Между прочим, Гогик Ленинграддаги международний конкурсда приз олди, – деб онасига кўшимча қилди Моника.

Кўпни кўрган Асадбек бир қарашидаёқ, «личний парикмахер»нинг бошқа хизматлари ҳам борлигини фахмлаб, баттар ғазабланди. Агар ҳозир ёнида Кесакполвон бўлганида барча ғазаб ўқларини унга қараб отган бўларди. Чунки, унинг фикрича, хотиннинг ёмонлиги учун фақат эр айбдор. Осмоннинг устуни бўлишни мўлжаллаб юрган одамнинг уйидаги бу аҳволга чидаш мумкин эмасди. Асадбекнинг хаёлига «баттар бўлларинг!» деган ўй ҳам келди. Лекин баттар бўлишига у йўл қўя олмасди. Чунки, Кесакполвон бу дунёдаги мукофотини олиб, ўликлар оламига кетган бўлса ҳам, номи қолган эди. Бу номни тилга олишга ҳазар қилса-да, ўз исми билан чамбарчас боғлиқ эканлигига иқрор бўлмоққа мажбур эди. Агар бу оиладаги бузуклик ҳақидаги хабар эртага кўчага тарқалса, «Асадбекнинг кадрдони Ҳайдарнинг хонадони балчиқ экан», дейишлари аниқ.

– Менга қара, «миравой мастер»мисан, яна нима балосан, шаҳарда сартарошхонанг борми?

– Личний ўзимники эмас-ку, но, зачислит қилинганман.

– Энди ўша «зачислит қилинган» жойингда ишла. Буларнинг сочига бит тушса, ўша жойда тараб кўяверасан.

– Вой, муллакажон, унақа деманг.

– Сен ўчириб тур! – Асадбекнинг қаҳрли овози баландлагач, хотиннинг нафаси ичига тушди. – Эринг Масковдан телпон килиб, «Гогик деган хотинчалиш остонамни ҳатлаб ўтадиган бўлса, тумруғидан осиб кўй», деди.

– Ну-у, бу энди жуда через чур не культурна! – деди Моника лабини буриб.

– Сен жикиллама, отанг бунчалик талтайтириб юборганини билмаган эканман. Эринг қаерда?

– Юргандир, где попало.

– Эрингни топ. Бугун сенларни бу уйга кўчириб кўйишади. Онанг билан бирга яшайсан.

Асадбек Мониканинг ҳар куни шу ерда эканини билмасди. Шунинг учун она-боланинг кўз уриштириб олишлари унга ажабланарли туюлди.

– Сейфинг қаерда? – деди хотинга ковок уюб караб. Асадбек бу уй битганда «муборак бўлсин»га бир мартагина келган, хоналарнинг вазифалари, ашёларининг ўрни унга номаълум эди.

– Калити қани?

– Калит кўчада пойлаб турибди.

Хотин бу гапга тушунмасдан талмовсираб турди-да, сўнг Асадбекни эрининг хос хонасига истамайгина бошлади. Дераза рўпарасида чарм диван. Кесак-полвон шу диванда чўзилиб ётиб, деворга чизилган гулларнинг расмига махлиё бўлишни яхши кўрарди. Наққош уста деворни беназир тарзда гулга буркагани учун пўлат сандиқнинг ўрни билинмасди. Хотин кўли билан кўрсатмаганида Асадбек бойликни бағрига сиғдирган жойни тополмай турган бўларди. У остона ҳатлаб тўхтаган Жамшидга қаради. Жамшид хожасининг амрини шу кўз қарашиданок англаб, орқасига қайтди. Икки-уч дақиқа ўтмай устани бошлаб кирди. Устанинг фақат «кўли гул» эмас, кўзи ҳам ўткир, зийрак экан. Сандиқ қаерда экани айтилмаса ҳам, деворга бир назар ташлашда аниқлаб, яқинлашди-да, портфелидан керакли очкичларини олди.

Асадбек чарм диванда ўтириб, унинг ҳаракатларини жимгина кузатди.

Яқингинада бу жойда шу бойликнинг эгаси яйраб ўтирарди. Баъзан пулларни олиб санаб, тилла, жавохир буюмларни бир-бир силаб, қалби роҳатланарди. Зайнаб ўғирланган кезлари Асадбек руҳи синик, маънос оҳангда «Топган-тутганларимиз неварачевараларимизга ҳам етиб-ортади. Бизга яна нима керак?» деганида Кесакполвон унга ўша заҳоти жавоб қайтармаганди. Уйга келиб, шу диванга ёнбошлаб ўйлаганди: «Бизга яна нима керак?» дедими? Тентак! Бу дунёда нима қилиб юрибмиз ўзи! Бой бўлмасанг сени биров одам ўрнида кўрмайди. Худо бериб турган пайтида тўплайвермайсанми! Невара-чеварангга етадими ё йўқми, санаб нима қиласан? Санаб адоғига етадиган бойлик бойликми?! Тарозида тортадиган бўлганингда керилсанг арзийди...»

Ўқилоннинг яқин орада чувалчангга айланаяжаги, тахтга ўзи ўтиражаги ҳақидаги ширин умид ҳам шу диванда ётганида туғилган эди.

Москвада ўлдирилган одамнинг арвоҳи ўз уйига келиб, сарсари кезадими ё йўқми – буни ҳеч ким билмайди. Агар шундай бўлиши мумкинлиги тасаввур этилсами...

...ширин орзулари туғилган диванда Асадбекнинг хон тахтини эгаллаган каби ўтиришини кўрган Кесакполвоннинг арвоҳи қанчалар азобланар экан? Яна бир неча дақиқа ўтиб, пўлат сандиқ очилгач, бойлигининг хотини кўлига ўтганини кўраётиб арвоҳ қанчалар нолалар қилар экан?..

Уста ишини бажариб, эшикни салгина қиялатиб очди-да, ичкарига разм ҳам солмай, орқасига чекинди.

– Шу қулфга мослаб калит ишлаб берайми? – деб сўради у, асбобларини портфелига жойлаётиб.

– Йўк, йўк! – деди хотин шошилганча. – Янги сейф буюриб қўйганман.

Хотиннинг шубҳаланганини сезган уста, оғринса-да, индамади. Асадбек унинг кўнглини оғритмаслик

учун «Калит кейинрок керак бўлади. Ўшанда чакирамиз яна», деб қўйди.

Жамшид устани эргаштириб, изига қайтди. Хотин «Асадбек ўрнидан туриб келиб, сандиқ ичини бир тафтиш қилар», деган хавотирли ўйда унга савол назари билан қаради. Асадбек ўрнидан турди. Аммо пўлат сандиқ томон эмас, эшикка қараб юрди. Остонага етгач, тўхтаб, унга ўгирилди. «Отлар топиб, эшаклар ейди» деган мақолнинг исботи шу бўлади» деб ўйлади. Бироқ тили бошқа гапни айтди:

– Эрингни қарғайверма, шунча бойликни сенга илиниб йикқани учун дуо қил. Орқа-олдингга қараб сарфласанг, етти пуштингга етади.

– Бо Худо, ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди, мулла ака!

– Сен ётиб ема, юр, бирни ўн қилиш ҳаракатида бўл. Хоҳласанг, эрингнинг соғин сигирларини ўзингга хатлатиб бераман.

– Қанақа соғин сигир?

– Эринг кооперативларини шунақа дейди. Такси кооперативи бор, яна чойхонами, хуллас, алланима балолари бор. Шу ишларни юритолсанг юрит, бўлмаса, фойдаси Масковдаги кундошингга оқиб кетаверади.

– У мегажин заҳаргинани ютсин. Ўзингиз бир ақлирок одам топиб берсангиз, куёв билан биллалашиб амаллаймиз.

– Ҳа, амаллайсан... Сен бундаги бойликдан озгинасини эрингга атаб олиб қўй. Балки қайтиб келар?

– Мегажини билан ўша ёқда қўшмозор бўлсин. Укангиз... «қарғама» дейсиз-у, гўрсўхтани қарғама-сам юрагим ёрилиб кетади-да...

– Ўзинг биласан. Қарғишинг уриб, ўша томонларда ўлиб кетса, кейин пушаймон ейсан.

Асадбек шундай дегач, чиқиб кетди. Хотин пўлат сандиқ ичига бош суқишни ҳам, меҳмонни кузатишни ҳам билмай гангиб қолди. Асадбекнинг қадам товушлари узоқлашгач, сандиқ эшигини ланг очди.

Кесакполвоннинг аҳмоқ килиқлари кўп эди. Бирок, ўғрилиқ кўчасида улғайгани учун эҳтиёт чораларини ҳам унутмасди. Ўғриларга хос эҳтиёткорлиги туфайли яна бир жойга бойлик яширганди. Бунинг сирини ҳеч ким билмагани сабабли ер остида қолиб кетди – ҳеч кимга насиб этмади...

### 3

Асадбек ёмон хотинлар ҳақида турли гап-сўзлар эшитган, лекин бунақаларга ўзи рўбаро бўлмаган эди. Кесакполвоннинг хотинини эси пастроқ, тилига эътиборсиз бир вайсаки деб биларди. Унинг бу даражада бемехр, тошбағир эканини тасаввур ҳам этмаганди. Уйдан чиқар маҳалида «Кесак бу ҳайвонни аллақачон уриб ўлдирвориши ё уч талоқми, саккиз талоқми қўйиб, йўқотиши керак эди», деб ўйлади. Мирзо Бобур Ҳусайн Бойқаро оиласи ҳақида сўзлай туриб, «биринчи хотини шу даражада ёмон эдиким, ул гўё бул дунёдаги дўзахнинг айнан ўзи эрди, Ҳусайн уни қўйди ва дўзах азобидан кутулди», деганини Асадбек билганида «Ҳайдар бу дунёдаги дўзахига у дунёдаги дўзахни улаб кетди», деган бўлармиди...

Уч қаватли бино ертўласидаги ҳашамдор хонасига киргунига қадар ҳам Жамшидга индамади. Идорани бошқа жойга кўчирмасликка қарор қилганидан кейин бу ер тезлик билан таъмирланган, ҳатто деворларнинг ранги ҳам ўзгартирилиб, барча жиҳозлар янгисига алмаштирилган эди. Хонада Чувринди билан Кесакполвонни эслатувчи ҳеч нима қолмаганди. Бўтқанинг ўрнига қўйилган йигитни топиш осон бўлмади. Оёқ-қўли чаққон, тили тиш ҳатламайдиган одамни топиш унча қийин эмас. Лекин садоқатда барчага ўрناق бўла оладиганини бирданига аниқлаш қийин. Жамшид тавсия этаётганларнинг барчаси садоқатли бўлишга қасам ичишга тайёр. Лекин тилда айтилгани қалб қасами билан қувватланадими ё йўқми – буни ҳеч ким аниқлаб

беролмайди. Узоқ вақт текшириш, йигитни ҳамиша шубҳа остида назорат қилиш ҳам яхши натижа бермаслиги мумкин. Шу боис Жамшидга қариндошлиги бор йигитни танлаб, қошлари қалинлигига ишора қилиб, унга «Қорақош» деб лақаб берди.

Қорақош Бўтқага нисбатан сезгирроқ ва чакқонроқ эди. Хожасининг кайфияти бузуқ ҳолда қайтганини фаҳмлаб, буйрукни кутмаёк чой кўтариб кирди. Асадбек «сен айтдингми?» дегандай Жамшидга қаради. Хожасининг жаҳли чиқиб турганида бакириб юбориши мумкинлигини билган Жамшид бу савол назарини англамагандай индамади. Қорақош чой куйиб узатгач, орқага тисарилиб «буюринг, хожам», дегандай кўл боғлади. Гарчи буйрукни Асадбекдан кутаётган бўлса-да, Жамшиднинг имлаб кўйганини кўриб, изига қайтди.

– Уйланадиган бўлсанг, қизнинг етти пуштини сўраб-суриштир. Қошу кўзига хумор бўлсанг, ана шунақасига учрайсан. «Кўзини сузиб, қийшанглаб турадиган бу жононинг сенга икки дунёда хотин бўлмайди», деб Ҳайдар акангга бошида айтганман. Ҳайдар аканг бу тавия билан ётмай кўйганига минг йил бўлгандир. Шунинг учун ҳам бунга эри тирикми ё ўликми – барибир. Вақти келиб, «Ҳайдар акамни Масковда ўлдириб кетишибди», деб хабар берганингда башарасига яхшилаб қараб ол: тариқча ачинишни кўрмайсан. Одамлар айб қилмасин, деб ёлғондан кўз ёши қилиб берар, лекин юраги йиғламайди. Юраги йиғламайдиган хотиндан Худо асрасин! Сени Маҳмуд тарбия қилгани билан, Ҳайдар акангга ўхшаб кўп бевош юрасан. Эҳтиёт бўл, шунақасига илиниб қолма.

– Хўп, Бек ака... лекин... менинг уйланадиган ниятим йўқ.

– Қаматворган хотиннинг алами ҳали ҳам борми? Уйланмайман, дейишинг нотўғри. Одамлар тушунишмайди, маломатга қоласан. «Бу йигитнинг хотин зотига нафрати бор экан», дейишмайди, «майдақадам

бўлса керак», деб ҳукм чиқариб қўяверишади. Йигит кишига ёмон от бир ёпишмасин, кейин қутулиш қийин. Агар ёнимда юришни истасанг, оила қуриб, бола қўришинг шарт.

Жамшид жавобга оғиз жуфтлаган пайтда эшик қия очилиб, Қорақош кўринди:

– Бек ака, Масковдан телефонда сўрашяпти, – деди ичкари кирмай.

– Кимлигини сўрамадингми? – деди Асадбек, норози оҳангда. Унинг талабига кўра, Қорақош тўлик маълумот бериши керак эди. Қорақош дарров хатосини тузатди:

– Сўрадим, «Хонгирейман», деди.

Бу гапни эшитиб Асадбек билан Жамшид бири-бирига ажабланиб қаради.

– Адашмадингми, аниқ шунақа дедими? – деб сўради Жамшид унга яқинлашиб.

– Адашмадим: «Хонгирейман, хўжайинингга «князь Хонгирей чақиряпти», деб айт», деди.

Асадбек гўшакни олиб, қулоғига тутгандан кейин ҳам дарров гапирмади. Қандайдир товуш эшитишни истагандай пича кутди. Кейин бўғиқ овозда «Алло», деди.

– Саломатмисан, Бек, эшитишимча йўталмай қўйганмишсан, а? Одамнинг йўталмай қўйиши бахти кулганидан даракми ё бирон кулфатнинг хабарими бу? Сен нима деб ўйлайсан?

Овоз таниш туюлди, лекин кимлигини аниқлай олмади. Унинг учун бир нарса аниқ бўлди: «Мен Хонгирейман», деб телефонга чақирган бу одам асти Хонгирей эмас. Сурбетлик билан гап бошлашига қараганда ўз кучу қудратига ишонадиган тоифадан. Асадбек Хонгирейнинг ўлимини эшитган онда қасосдан маҳрум бўлгани учун алам ёғида қоврилган, айни дамда, ғанимнинг ўлимидан сўнг, хотиржамлик курсисига ўтирмаган ҳам эди. Чунки у ўтти ўчириб, чўғини қолдириш, илонни ўлдириб, боласини саклаб

қолиш донишмандлар иши эмаслигини яхши биларди. «Ўрмонни кимсасиз деб ўйлама, қайси бир бута орқасида оч қоплон ётгандир», деганларидек, Асадбек ўша қоплоннинг ириллаб товуш беришини кутаётган эди. Ҳозир унга қоплон терисидаги ўша ваҳшийнинг ким эканлиги номаълум эди, холос. Ўзини «Хонгирей» деб таништирган одам унинг хавотирланишини ёки ҳаяжонланишини, ҳеч бўлмаганда ажабланишини кутганлиги аниқ. Асадбек буни тушунгани учун ҳам сир бой бермай, менсимаган оҳангда сўради:

– Ким бу?

– Бизларни унутиб қўйдингми, Бек? Ўғри биродарлар сени ҳали эсларидан чиқаришганича йўқ.

– Ўзинг кимсан?

– Оббо, ошнам-е, овозимдан танимадингми? Йўталинг тузалибди-ю, кулоқ кетибди-да, а? Агар Худо эсингни ҳам олиб қўйган бўлса, аҳволингга ҳавас қилмайман. Энди Москвани, «Окқуш қўшиғи» ресторанини кўз олдинга келтир: уч киши ўтирибмиз – Хонгирей, сен ва мен.

Асадбек энди таниган бўлса-да, дарров жавоб бермади. Чунки бу одамнинг Хонгирей номидан гапира олишга журъат этишини кутмаган эди.

– Ҳали ҳам эсламадингми?

– Эсладим: Моргашмидинг? Ҳа, Моргаш, «ўликлар кироли», тўғрими?

– Тўғрилиқка тўғри, лекин қўполликни сал оширвормадингми?

– Қўполлик қилаётганим йўқ. Хонгирей шундай деб таништирган эди. Бошқача исминг борлигини мен билмайман.

– Бу гапинг ҳам тўғри. Хонгирей ҳар хил номларни тўкиб, ҳазиллашишни яхши кўрарди. Эшитгандирсан-а: Аллоҳ уни ёнига чақирди, лекин у ўлгани йўқ. Хонгирей ўрнига унинг сояси Гирейхон қад ростлади. Англадингми? Гирейхон – менман! Сен менга бир нарсани яширмай, очик айт: Хонгирейнинг ўлими



муносабати билан бошлаган байрамнинг адоғига етди-ми ё ҳали ҳам давом этяптими?

— Мен бировнинг ўлимидан шодланидиган махлук эмасман. Сен ҳозирча шунинг ўзини билиб кўйсанг етарли.

— Сен мени билмайсан, лекин мен сенинг каллангдаги ўй-хаёлларгача биламан. Мени шу пайтгача ҳеч ким лақиллатиб кетмаган. Сен ҳам ҳозирча шуни билиб кўйсанг етарли. Хонгирей оддий одам эмас эди. Янглишмасам, у сенга ука қатори эди, а?

— Вақти келганда буни Худонинг ўзи ажратиб олади. Сен гапни аччиқ ичакдай чўзмасдан мақсадингни ўғил болачасига очиқ гапир, бекорга кўнғирок қилмагандирсан?

— Мақсадимми? Менинг ҳеч қанақа мақсадим йўқ. Хонгирей ўладиган куни сени кўп эслаган эди. Ни-магалигини ўзинг биларсан. Ҳарҳолда сен мендан кўркма.

— Шунақами? Хонгирейнинг ўзидан кўркмаган одам соясидан чўчир эканми?

— Тилингни тий! Сен бир нарсани унутма: Хонгирейнинг ўлими сенинг ғалабанг эмас! Сенинг Москвадаги қашқирларинг шодланишни жуда эрта бошлаб юборишди. Ўрисларнинг «Ғолибларни айб-ламайдилар» деган мақоли бор, а? Сен ҳам, бу ердаги қашқирларинг ҳам ғолиб эмассанлар. Шунинг учун сенларни айблаш мумкин. Сен, Бек, саломатлигингни эҳтиёт қил, яна йўталиб юрмагин. Худодан сўрайсанми ё йўқми, барибир иккаламиз учрашамиз. Мени «Ўликларнинг қироли» деб атадинг. Оқ сурпга ўралиб, қироллигимга меҳмон бўлиб келишдан олдин мен билан дўстона равишда, тирик ҳолингда учра-шишни ният қилавер.

Шу пўписадан сўнг у томондаги гўшак кўйилди. Асадбек унга жўяли жавоб беришга ҳам улгурмади. Бир томондан шундай бўлгани ҳам дуруст эди. Гўшак кўйилмаса, ўзаро пўписалар давом этаверарди. Теле-

фондаги курук гап билан эса ҳеч қандай ҳақиқат юзага чиқмайди.

Асадбек гўшакни жойига қўйиб, ўйга толди. Жамшид «ким экан?» деган саволдан тийилиб, сабр қилди. Уч-тўрт дақиқалик сукутдан сўнг Асадбек унга қараб, сўради:

– Хонгирейнинг қўлида юрганингда «ўликларнинг кироли» ҳақида эшитганмидинг?

– Моргашми? – деб ажабланди Жамшид. – Эшитганман. «Хонгирейнинг ўнг қўлн» дейишарди. Москвадаги ҳамма ўликхоналар шунинг назоратида экан. У ёқда ўликни ювиб, кийинтириб, тобутга солиб бериш ҳам даромадли ишга айланиб қолибди. Ҳозир ўша билан гаплашдингизми?

– Ҳа. Хонгирейнинг ўрнини эгаллаганга ўхшайди.

– Пўписа қиляптими?

– Пўписа дейсанми? Менга пўписа қила оладиган одам ҳали отасининг белида юрибди. Энди бир ўлаксага таъзим қилишимиз қолувди... Тинч яшаб, тинчлик билан ўлиш пешонамга ёзилмаган шекилли. Жамшид, акаларингнинг хатоларини биз такрорламаслигимиз керак. Тарзан билан Сурнинг юриш-туриши қанақа?

– Уларга бемалол ишониш мумкин.

Асадбек «бунақа ҳолатда мен ўзимга ҳам ишонмайман», демоқчи бўлди-ю, аммо фикрини ошкор қилмади. «Ишонганинг яхши», деган маънода бош ирғаб қўя қолди.

## V б о б

---

### 1

Абдурахмон табиб тунни бедор ўтказди. Озми-кўпми илми бор, ҳаёт тажрибалари ҳам етарли бўлсада, бу кечдаги воқеадан аниқ бир хулоса чиқара олмади. Кўнгли бир шумликни сезиб, безовталанарди-ю,

аммо буни шайтон васвасаси деб билиб, хаёлини бошқа томон буришга ҳаракат қиларди. Бомдодни ўқиғач, Ўшга тушиб, яқинларини зиёрат этмок аҳдида тайёргарлик кўрди. Зиёрат аслида бир баҳона, асл мақсад ўша томонларда бирон янги гап эшитиш эди. Агар бу атрофларда бир кулфат олови ёқилишга тайёргарлик кўрилаётган бўлса, унинг назарида, марказдагилар буни билишлари керак эди. У йўлни тўғри автобус бекатига олмай, қабристон томон бурилди.

Гўрўғли уни кутаётгандай, хужраси ёнида йўлга кўз тикиб турарди.

– Ҳа, кечаси пайтавангга қурт тушиб қолдимиз? Сахармардонда қайга отландинг? – деди у, саломга алик олғач.

– Қадрдонларни бир йўқлаб келай, – деди Абдурахмон табиб.

– Қайдаги қадрдонларингни айтяпсан: бу ерда ётганларними ё бундан наридагиларними?

– Ўшдагиларни...

– Ҳар ерда йўқлашга арзийдиган қадрдонларнинг бўлгани яхши. Яккамоҳовликдан Худо асрасин. Ўшнинг йўли бу ердан ўтмайди, мендан сўрайдиган гапинг борми? Дардинг бўлса ёрила қол.

– Кеча Қоровой бир шумликдан дарак берди. Ўйлай-ўйлай нималигини билолмадим. Эҳтимол, сиз сезгандирсиз?

– Мен валий эмасман. Ўликларга яқин бўлганим учун кўнглим баъзан бир нималарни сезади. Бошқасини билмайман. Шумқадамнинг қадамидан ёмонликдан бошқа яна нима кутиш мумкин? Кўнглим бир нарсани сезиб турибди: шу икки-уч куннинг ичида валади зино ўлса керак. Унга янги гўр қавламайман. Кўкшапканинг лаҳадини очаман-у суякларини суриб, шунинг ёнига қўяман. Икки фосиқ биргалашиб ётаверади... Сенам... – Гўрўғли Абдурахмон табибга синовчан тикилди: – «жаноза ўқиймиз», деб хархаша қилмайсан.

– Мусулмоннинг боласига жаноза ўқиш керак, – деди Абдурахмон табиб ишонқирамаган оҳангда.

– Қанақа мусулмонликни айтасан? Ким эди мусулмон? Кўкшапками? Унга ҳам жаноза ўқиган эдиларинг. Қанчадан-қанча иймон эгасини куритди? Ўша ҳам мусулмонмиди?

– Кўйинг бу ўтган гапларни, гуноҳларига ўзи жазо олади у дунёда.

– Ўтган гаплар, дейсанми? Гўрга киргач, ҳаммаси нутиладими, тупроқ ҳамма аблаҳликларни кўмиб ташлайдими?

– Китобда «Нажо ал-махфуфун ва ҳалакал-маскулун», дейилган...

– А? Нима дединг?

– «Юки енгиллар нажот топади, гуноҳи оғирлар ҳалок бўлаверади».

– Тушунмадим? Қаерда ҳалок бўлади?

– «Ҳалок бўлаверади» дегани дўзахга тушишини билдиради.

– Бу гапинг тўғри.

– Бу менинг гапим эмас, мен илми йўқ бир одамман...

– Илмим йўқ, деб паст кетма. Ҳар балога ақлинг етади. Домлаларга ҳам баъзан гапинг ўтишини мен билмайманми? Фақат хужжатинг йўқ сенинг. Лекин ўша катта домлаларга айт: Кўкшапка тоифасидагиларга жаноза ўқилмаса, унга ўхшаганларнинг кўзлари очиларди. «Менам шу кўйга тушмай», деб гуноҳдан тийилишарди. У дунёдаги жазо қанақа бўлишини ким билиб ўтирибди?! Бу дунёдагисини ҳам кўрсатиб туриш керак. Сен нима десанг деявур, Қоравойга ўзим кўрсатаман. Унинг бу ерга келишига яқин қолди. Аслида унга бу ердан жой бермаслик керак...

«Бу дунёдагисини ҳам кўрсатиб туриш керак...»

Гўрўғлининг кўлидан келганида кўрсатишдан тоймас эди. Афсуски, унинг ўликларни кўмишдан ўзга иши йўқ. Бундан бошқа масалаларда ундан би-

ров маслахат ҳам сўрамайди. Кўчада кўрганида саломлашгиси келмайдиган, кўл бериб кўришишдан хазар қиладиган одамлар яқинларидан бири ўлганда қабристонга келиб у билан кадрдонлар каби омонлашади. Кейин дардини айтиб, «қаердан тузукроқ гўр қазиш» бўйича маслахат сўрайди. Кўчада назарга илмаганларидан Гўрўғлининг жахли чикмайди, бунга кўникиб кетган. Одамлар майит учун жой танлай бошлашганида ғаши келади. Баъзан дуч келган ерни кўрсатиб «Энг яхши жой шу. Худди шоҳ Жамшиднинг кўшкида ётгандай мазза қилиб ётади», деб пичинг қиладди. Феъли айниб турган бўлса, «яхши жой талашини кибрли тириклар орасида – ер тепасида бўлади, ернинг таги бир хил: яхши-ёмон жой йўқ, қаерда ётса ҳам барибир лаҳад қуртлари еб адо қиладди», деб тўнғиллаб кўяди. Бу дунёда кўп ёмонликлар қилиб ўтган одамга гўр кавлагиси ҳам келмайди. «Бунақаларга жаноза ўқиш керакмас», деб фақат Абдурахмон табибга айтган. Азбаройи юраги қон бўлиб кетгани учун шундай деган. Аслида дунёдаги ғаламисликларга эътибор қилмаса ҳам бўлади. Унга нима! Битта қорнидан бўлак ғами йўқ. Дунёда ким гўрковларнинг подшоси бўлибди-ки, у буни орзу қилса! Қишлоқнинг бир чеккасида, дунё ташвишларидан нари яшаётгандай туюлгани билан бир қавмнинг иккинчи қавмга зулм қилишига бефарқ қараб тура олмасди. Бу зулмга ўзи жазо ҳам ўйлаб топган, бу жазо усули ҳатто Абдурахмон табибга ҳам сир эди. Майит лаҳадга жойланганда юзи очилиб, боши қиблага мойил қилиб буриб кўйилади. Кўкшапкага ўхшаганлар кўмилаётганда Гўрўғли бу одатга хилоф қиларди: «Умрини куфрда ўтказгандан кейин ётиши ҳам шундай бўлсин, Каъба томонга қараб ётишга арзимайди» – унинг ҳукми шу эди. Ёмонлар ҳақида гап кетганда бир куни у Абдурахмон табибга: «бунақаларга лаҳад кавламай фақат белдан пастини кўмиш керак, чириб йўқ бўлиб кетгунича одамлар унга тупуриб

ўтсинлар», деганди. Абдурахмон табибга унинг бу гапи ғоят шафқатсизлик, ҳатто ваҳшийлик бўлиб туюлиб, уни анча койиганди. Аллоҳ томонидан белгилаган қабр азоби ҳақида гапириб, унга танбеҳ берганди. Ҳозир бу гапни айтмаган бўлса-да, ота-болани бир лаҳадга қўймоқчи бўлиши унга малол келди. Ота ёки она қўйилган лаҳадга орадан йиллар ўтиб, фарзандни қўйиш одати бор. Бундан ҳеч ким оғринмайди. Ҳатто баъзилар «отам ётган лаҳадга қўйинглар», деб васият ҳам қиладилар. Аммо Гўрўғлининг ҳозирги гапидаги оҳангдан жазо ҳукмини англаш мумкин эди. Абдурахмон табиб малоллангани билан ҳозир баҳслашгиси келмади.

«Демак, Қоравойнинг хавотири бежиз эмас», деб ўйлаган Абдурахмон табиб бу ҳақда бошқа сўзламай, «Ўшдан сизга нима олиб келай?» деб сўради.

– Мен димоғига қурт тушганлардан эмасман, бир чеким яхши нос билан кўнглимни олиш мумкинлигини ўзинг биласан.

Абдурахмон табибга унинг одати яхши маълум: носдан бўлак ҳар қандай совға-саломни қайтаради. Совганинг оқибатини миннат деб билади. Мусулмон биродарларнинг бир-бирларига ҳадя қилишлари яхши фазилат эканини айтиб, тушунтиришга ҳаракат қилса ҳам, ўз билганидан қолмайди.

Абдурахмон табиб автобусда кетаётганида кулоғига чалинаётган йўловчиларнинг гапларига диққат қилди. Хавотирга арзирли сўз эшитмади. Шаҳарга тушиб ҳам атрофни зийраклик билан кузатди. Ҳамма ўз ташвиши билан банд. Чойхоналарда ошхўрларнинг гурунги авжида – зулм олови ёқилишидан дарак йўқ.

Сой бўйидаги чойхонада ҳордиқ чиқаргач, изига қайтаверишни ҳам ўйлади. Бироқ, кўнгил хотиржамликка бегоналигича қолавергач, қиз ўртоғиникида бир кеча қолишга қарор қилди. Болалиқда ялангоёқ кўча чангитган ошналарининг қатори анча сийрак-

лашиб қолган. Ўн тўрт дўсти қишлоқда бўлса, биттаси – Мирзаали Ўшда. Аслида унинг бу шаҳарда қиладиган юмуши йўқ. Қишлоқда туғилиб улғайган одам танлаган касб шаҳардан бошқа ерда бўлмаса, иложсиз. Мирзаали муаллимлигини қишлоқда қилса ҳам бўлаверарди. Аммо у тақдир ипини хотини тақдирига шунчалар қаттиқ боғлаганки, узиб келолмайди. Хотинининг тайин ҳунари йўқ. Аввал комсомолда ишлаб юриб, сўнг каттами-кичикми амалларни эгаллади. Осмони фалакда учган дамлари ҳам бўлди. Мирзаали ўшанда оддий муаллим эмас, «рахбар хотиннинг эри» деган мартабада юрди. Яхшики, эсини йўқотмади – тақлиф этилган мансабларнинг биронтасини қабул қилмади. «Осмонда учаётган хотинимнинг эрта-индин ерга кўниши бор. Эплаб кўнса – хўп-хўп, патлари юлиниб тушса, менам энамни кўраман. Хотинимга кўшилиб учсам, мен кўнишнинг уддасидан чиқолмайман. Самоворхонага чиққанимда биров менга чой узатмай ҳам кўяди», деб тўғри ўйлаган экан. Хотини комсомолда ишлаб юрганида бир қиз тукқан эди. Кейин «осмонда учишимга халал беради», дебми туғишдан ўзини асрагани. Ўзининг ҳаётини таҳлил этиб тўғри хулоса чиқара олмаган хотин энди кизини парвозга тайёрларди. Осмондаги қизининг қаноти соясида ҳузурланиб яшашни истарди. Она-боланинг бу ҳаракатларидан энсаси қотган Мирзаали уйда камроқ бўлиш учун ҳам мактабдаги ишини ташламаган эди. Мактабда эр ўқитувчилар деярли қолмагани сабабли бу қариянинг ишдан бўшаб кетмаслиги директор учун муддаонинг ўзи эди. Аввалги директорлар «амалдорнинг эри мансаб курсимни олиб қўймасайди», деган хавотирда юришарди. Энди бундай хавотир ҳам йўқ. Мактаб – Мирзаалининг жони-жаҳони бўлиб қолган. Самоворхонадаги гурунглари эса уни ортиқча ташвишли ўйлардан ихота қилади. Қишлоқдан дўстлари ёки қариндошлари келиб қолган кун – у учун байрам.

Абдурахмон табиб уникага кўпам келмайди.

Келиб-кетиб турадиган ошналари орқали унинг аҳволидан хабардор бўлиб туради. Камкатнов дўст меҳмонга келса, бошқаларга нисбатан азизроқ туюлади. Шу туфайли очик эшик остонасида Абдурахмон табиб кўрингач, Мирзаали шодланиб кетди. Гарчи икки ҳафта илгари кишлоқдаги тўй баҳонасида кўришишган бўлса-да, дўстининг меҳмон мартабасида ўз уйида кўришдан қувонди.

– Кўнглим сезган эди, – деди у фотиҳа ўқилгач. – Бугун имтиҳоннинг охиригача ўтиргим келмади. Имтиҳон деса, ансам қотадиган бўлиб қолган. Ўқувчиларнинг ота-оналарига солиқ солишган – тоғора-тоғора таом келади. Имтиҳон тугагач, зиёфат бошланади. Биров рози бўлиб юборади, бировининг кўнгли оғрийди, бошқаси «еб тўймагурлар, тешиб чиқсин-а!» деб қарғаб қолиши ҳам мумкин. Шуни ўйлаб, томоғимдан бир тишлам нон ҳам ўтмай қолади. Тушликни самоворхонада қиларман, деб келаверганим. Уйга ювиниш баҳонасида кирувдим, яхшиям кирганим, кўнгил яхши одамнинг тафтини сезади-да! Энди сен жижжа ўтириб турасан, мен дарровла жибиз қилиб ташлайман. Ё самоворхонага чиқамизми? Ош сузиладиган вақт яқинлашиб қолди. Текинга емай-миз, ҳар куни тўкма бўлишини биласан-ку?

Кейинги таклифни ишончсиз оҳангда айтди. Самоворчининг ҳар куни биров буюрса-буюрмаса пешинга ўн кишилиқ палов дамлаб қўйишини, насибаси қўшилганлар таомни еб, ҳақини тўлаб кетишларини Мирзаали аввал ҳам айтиб, дўстини чорлаган эди. Шундай чорловларнинг бирида Абдурахмон табиб «Кўй, ўша ғийбатхонангни, бир сўрида арокхўру бир сўрида намозхонларнинг ўтириб ошхўрлик қилишларини кўришга тоқатим йўқ», деб кескин рад этган эди. Таклифнинг ишончсиз оҳангда айтилишига сабаб шу. Бу сафар Абдурахмон табиб нишини санчиб олмади – таклифни бош чайқаб рад этди.

– Сен оёғи куйган товукдай питирлайверма. Қумғонингни қўйиб, чойга сув қайнатсанг бас. Тугун-



ни очгин-чи, иккита чолиинг тушлигига етарли нима-дир бордир?

Тугуида икки эмас, ўн кишининг маишатига етиб ортадиган қимиз, қайнатиб пиширилган гўшт, патир, сомса бор эди. Чой дамланиб, бир пиёладан ичиб, сомсага қўл узатишганда кўча эшиги очилиб, дипломат кўтарган гавдали одам кириб келди. Кутилмаган меҳмонга кўзи тушган Мирзаали ўтирган ерида «Ие, Насриддин, ризкли йигитсан-да, кел, келавер», деб унинг яқинлашишини кутди. Эшикни тақиллатмай, киришга изн сўрамай гўддайиб кириб келаверган бу одамни танимаган киши уни ё безбетликда, ё одобсизликда айблаши мумкин эди. Абдурахмон табиб уни олдиндан билгани, айниқса, касб-коридан хабардор бўлгани учун унинг қилигидан ғашланмади.

Насриддин ҳамма жойга ҳам бу каби мулозаматсиз кириб келавермасди. Мирзаалининг оиласига кўп йиллик кадрдон бўлгани учун ҳам бу ерни ўз уйидай кўрарди. У йигитлик чоғида Мирзаалининг хотини билан бирга ишлаб, опа-укадай бўлиб кетганди. Никоҳ тўйига ҳам Мирзаалининг оиласи бош-қош бўлган эди. Кейин ўқишга кетди. Мирзаали олий маълумотли йигит аспирантурада ўқиб, олим бўлиб қайтар, деб ўйлаган эди. Йўқ, ўқиши бошқача экан. Аввал Фрунзеда ишлаб юрди. Кейин хотини билан ажрашиб, Ўшга қайтди. Мирзаали бунинг сабабини сўраганда «Пойтахтнинг хавоси ёқмади», деб маъюс кулимсираб қўйди. Йигитнинг тақдирига доир саволларга Мирзаалининг хотини «у билан ишингиз бўлмасин», деб тўмтоқ жавоб қайтарди. Мирзаали бировнинг сирини билишга ишқивоз одамлардан эмасди. Насриддиннинг бирон тайин ерда ишламаётганидан ажабланса ҳам, бошқа сўраб-суриштиради. Ўша дамларда Насриддин бу хонадонга камқатнов бўлиб қолганди. Мирзаали билан кутилмаган жойларда учрашиб қолганда ниманидир яширишга урингандай, ҳатто саросима тўрига тушгандай бўларди.

Мирзаали муаллимларнинг йиғини баҳонасида Фрунзегга борганда Насриддинни ресторанда учратаман, деб ўйламаганди. Бу сафаридан икки кун олдин у Таласга кетаётганини айтиб эди. Насриддиннинг хотини асли таласлик эди. Йигит институтда ўқиб юрган кезлари бу гўзални севиб қолганида унинг эр кўрган жувон эканидан беҳабар эди. Билгандан кейин ҳам севгисидан кечмади. Европаликларга ўхшаб, «муҳими кизлик номуси эмас, муҳими – муҳаббат», деган ақидада маҳкам турди. Танлаганининг жувон эканини ҳаммадан яширишга уринди. Ҳатто Мирзаали ҳам бу сирни улар ажрашиб кетишгандан кейин билди. «Мен ўқишдалигимда яна биринчи эри билан топишиб қолибди. У бузук эмас, фақат биринчи эрини ҳалиям яхши кўрар экан», – деб уни оқлаганди. Бу гапни ўша ресторандаги учрашувда айтганди. Мирзаали кечки пайт маишат мақсадида эмас, қорин ғамида кирганди бу ресторанга. Рестораннинг бир четида қандайдир таниши билан ўтирган Насриддинни кўриб, ажабланди, аммо олдига бориб сўрашмади. Насриддин ҳам уни кўрди, аммо у ҳам келиб кўришмади. Чикиб кетаётганида у томон бир қараб кўйиш билан чекланди.

Мирзаали меҳмонхонага қайтиб, ётишга чоғланган пайтда навбатчи аёл эшикни тақиллатиб, ҳовлида бир киши йўклаётганини билдирди. Бу шаҳарда Мирзаалининг танишлари ҳам бор эди. Шулардан бири келгандир, деган хаёлда ташқарига чикиб Насриддинни кўрди-ю, таажубланганини яширмади. Насриддиннинг таклифи билан кўчанинг нарига бетидаги бокқа ўтишди. Ўриндикқа ўтиришгач, у қўлтиғидаги газета ўрамини очди. Фижимланган газетани дастурхон ўрнида ёйиб, бир шиша ароқ, битта пиёла, паррак-паррак қилиб кесилган колбаса ва нонни ўртага кўйди-да, айбдор одамнинг овозида «Хафа бўлмайсиз, ака, бунақа ўтиришимиз жуда-а хунуг-у, омма бошқа чорам йўқ», деб кўйди. Мирзаали яхши даврада бўлса оз-оз ичарди. Ҳозир бу аҳволда ичгиси келмаса ҳам,

Насриддиннинг кўнглига қараб, бир-икки хўплаган бўлди. Ширакайф ҳолда келган Насриддин эса икки пиёлани тўлдириб ичгач, чулдираш даражасига етиб, арзи ҳолини айта бошлади.

– Сиз мени ҳар жойда кўриб ажабланардингиз. Бугун ҳам хайратландингиз. Таласга кетяпман, деб сизга ёлғон гапиргандим. Мен бу ерга бир одамнинг изидан келдим. Ишим шунақа. Ҳа... – у шундай деб хўрсинди, – ишим шунақа. Мен номининг ўзиёқ кишини хуркитиб юборадиган идоранинг хизматини қиламан. Одамларни пойлайман, одамлардан сир оламан. Менинг бунақа ишда ишлашимни ота-онам ҳам билмайди. Билишга ҳақлари ҳам йўқ. Мен аспирантурада эмас, шуларнинг ўқишида ўқиган эдим. Аълога ўқидим. Лекин менга шу паст ишни беришди. Нимагалигини биласизми? Чунки мен ўз фикрига эга бўлган одамман! Ўз фикрига! Падарига лаънат бунақа мустақил фикрни. Ўз фикрига эга бўлган инсон ўз илдизига ўзи болта уради, – у яна хўрсинди. – Лекин мен бошқача яшай олмайман. Буларга ур деса урадиган, от деса отадиган одам керак. Мен унақа эмасман, ака!

– Унақа бўлмасанг, ишингни ташлай қолмайсанми? – деди Мирзаали соддалик билан.

Насриддин афсус билан бош чайқади. Яна бир оз арзи ҳол қилгач, «жон ака, бу гапларимни биров билмасин», деб хайрлашган эди.

Орадан уч ҳафта ўтгач, самоворхонада тасодифан учрашиб қолган каби сўрашиб, «ака, ҳар хил жойларга бормай, эҳтиётроқ бўлиб юринг, сизни кузатиш топширилди», деди.

– Ўқитувчини ҳам кузатасанларми? – деб ажабланди Мирзаали.

– Мақсад – опанинг изларига тушиш. Агар сиз сал чакки юриб қўйсангиз, бу ҳам бир баҳона бўлади-да.

Гапини шу тарзда қиска қилди-ю, кетди. Мирзаалининг «чакки юрмаслиги», тўғрилиги хотинини амал курсисида ушлаб қололмади. Амал курсисига

бировнинг кўзи тушмасин, тушдими, юлиб олмагунча кўймайди.

Ўшандан кейин Насриддин Мирзаалининг уйига аввалгидай серкатнов бўлиб қолди. Қуруқ келмасди, ёнида бир шиша арокми ё конъякми бўларди. «Мендан бўлак бошқа ҳасратдоши йўқ, бечоранинг», деб Мирзаали унинг раъйига қаради. Шундай ўтиришларнинг бирида Абдурахмон табиб келиб қолиб ғашланганида Мирзаали Насриддиннинг кимлигини, дардини унга айтиб кўйганди.

Ҳозир Насриддиннинг мулозиматсиз кириб келиши шу сабабли ҳам Абдурахмон табибнинг ғашини келтирмаганди. Уни кўриб, «бир нима бўлса, аввал шулар билади», деб кўйди.

Насриддин «Раҳмон акам келиб қолибдилар-да», деб сўрашганда, дипломатини очиб бир шиша арок, икки шиша пиво чиқариб кўйганда аччикланса ҳам сир бой бермай ўтирди. Насриддинда оз бўлса-да, инсоф, уят бор эди. Аммо шу оз инсоф ва уят уни ичкиликдан тутиб тура олмасди, фақат узр сўраб кўйишга кифоя қиларди.

– Раҳмон ака, гуноҳимни кечириб, бу сафар рухсат берасиз-да, – деди.

– Гуноҳни кечирадиган мен эмасман. Бунини мен харом қилмаганман, рухсатни ҳам мен бермайман, – деди Абдурахмон табиб кескин оҳангда.

Нафс қитиклаб тургани учун Насриддин Абдурахмон табибнинг аччикланганини сезса ҳам, аҳамият бермади. Унга «дастурхонга марҳамат қилсинлар», деган лутф шарт эмасди. Мирзаали «яна уришиб ҳайдаб солмасин», деган хавотирда дўстига қараб кўйди. Абдурахмон табибнинг лаблари сал титрагани билан, ўзини хотиржам тутишга интилишини сезгани учун хавотирдан қутулмади.

Насриддин ҳали тоғдан, ҳали боғдан гапириб ўтираверди. Арок шишаси яримлаб, бир шиша пиво ичилгач, муштими билан кўкрагига уриб-уриб кўйди-да, Мирзаалига қараб ҳасратини бошлади:

– Ака, мана бу ерим ёниб кетяпти! Офат ёғилиб келаётганини индамай кузатиб туришга энди курбим етмайди.

Мирзаали бу гапдан сергакланиб:

– Қанақа офат? – деди-да дўстига қараб қўйди.

Кутилмаган бу гап Абдурахмон табибни ҳам эътиборсиз қолдирмади. Иккала чолдаги ўзгаришни сезмаган Насриддин эса ҳасрат оҳангидаги гапларини давом эттирди.

– Жой талашиб тўпланаётганларни эшитмадингизми?

– Тўпланишаётган бўлишса, ижроқўм дардларини эшитар, – деди Мирзаали.

– Эшитмайди, – деди Насриддин алам билан бош чайқаб. – Эшитмайди. Ўша тўданинг ичида бизнинг одамларимиз бор, уларни ўшалар кўзғаяпти. Буни фитна дейдилар... – Насриддин бошини қуйи солиб жим бўлди. Кейин шу алпозда ўтирганича давом этди: – одамлар фитна қаердан чиқишини билишмайди. Қирғин бошлангандан кейин дод-вой қилиб юраверишади. Ҳамза Ҳакимзодани биласиз-ку, диндорлар ўлдирди, деб руҳонийларни қириш бошланган эди. Аслида уни ўзимизнинг азамат чекистларимиз ўлдириб беришганди. Бу чиройли уюштирилган фитна эди. Бу фитнанинг бошида турган одам кейинчалик қаҳрамон раис бўлиб донг таратди. Аслида у фитна қаҳрамони эди. Сизлар бунақа гапларни билмайсизлар...

– Ер талашишдан фитна чиқаришмоқчимизми? – деб сўради Абдурахмон табиб, қизиқишини яшира олмай. – Бундан мақсад нима?

– Мақсадми? Раҳмон ака, сиз телевизор кўрасизми, газит-пазит ўқийсизми? – Абдурахмон табиб «йўқ» деган мазмунда бош чайқади, буни кўриб Насриддин аянчли жилмайди. – Шунақасизлар-да! Дунёни сув олса, тўпикларингизга чиқмайди. Кейин эса вой-войлаб юраверасизлар. Ўрис Европанинг ярми-

ни бўшатиб берди, дарё-дарё кон туккани билан барибир Афғондан айрилди, Болтиқбўйи ҳам кўлдан кетай деб турибди. Кавказ билан Ўрта Осиё қалқиб қолса, шўри қуриydi. Кавказда армани билан озарбайжонни бир-бирига қайраб қўйди. Энди бу ишни бизда ҳам қилиши керак. Бултур Фарғонада катта машқ қилишди. Шу баҳонада Европадан ҳайдалган аскарларини биз томонларга олиб келиб жойлади. Булар масхара томошаларни қўяверади, биз эса мириқиб томоша қилаверамиз. Бугун бизга олтинчи июнда сергак бўлиб туриш топширилди. Эҳтимол, яна бир томоша бошланиб қолар...

– Томошада камокдан чиқарилганлар қатнашмай-дими?

Бу саволни эшитиб, Насриддин Абдурахмон табибга ажабланиб қаради:

– Буни қаердан билдингиз?

– Газит ўқимасак ҳам, қулоқ эшитади.

Бу гап Насриддиннинг кайфини тарқатгандай бўлди. Сергак тортиб, Абдурахмон табибга узоқ тикилди. Кейин шишаларни дипломатига жойлади.

– Бу ҳаром нарсалар сизникида турмасин. Менинг тушлигим тугади, кета қолай, – деб ўрнидан турди.

Абдурахмон табиб ўзи учун керакли гапни олган эди. Шу боис, кўп ўтирмай, шаҳарда бошқа ишлари ҳам борлигини баҳона қилиб, кетишга чоғланди. Уйига қайтгач, Жўлон қирғизнинг кутиб ўтирганини кўрди.

## VI б о б

### 1

«Сиз бош ўғилсиз, қасос олиш керак!»

Дунё наҳот фақат қасосдан иборат? Инсон наҳот қулоғига азон айтилган дамдан бошлаб, то сўнгги нафасигача қасос учун яшаши керак? Отанинг то-

мирларидан қонгина эмас, қасос ўти ҳам фарзандга ўтадимми? Сўнг... қон билан кирган – жон билан чиқадими?..

Синглисининг талабидан кейин Абдусамад шу каби саволлар гирдобда қолган эди. Бу гирдоб қаршисида у ўзини бир хас каби ҳис этарди. Саволларга жавоб излагани каби гирдоб уни қаърига тортаверарди. Бу гирдобдан қутулиш баъзан унга имконсиз бўлиб туюларди.

«Адамни ёлғиз қўйиш мумкинмас...»

Зайнаб айтмаса ҳам бу ҳақиқатга ақли етади. Такдир ёзуғи бўтамлатиб қўйган отасининг аҳволини билади, дардига шерик бўлиш нима экан, барча ғамандуҳларини ўзига олмоқликни истайди. Аммо отаси ўзига дардқаш истайдиган тоифадан эмас. Айниқса, «ўзимгагина берилган» деб ҳисоблаб, дардига фарзандининг шерик бўлишини истамайди.

Кўнглида Олмон ўлкасига қайтиб бориш умиди бўлса-да, Абдусамад дилидагини тилга чиқаришга қийналиб юрганида мушкулини отаси осон қилиб берди. Асадбек фарзандларининг чет юртларда бахт топишини истарди. Истаги ҳақиқатга айланаёзган дамда бошига бу кулфатнинг тушиши уни гангитиб қўйгани билан, умидидан узиб юбора олмади. Абдусамадга ёки келинларига кўзи тушиши билан Абдулхамидининг гоҳ кулимсираган, гоҳ маъюс чехраси кўриनावерарди. Ўғлининг кўзларидан «менинг ўлимимга сиз сабабчисиз», деган маломат учкунлари сачрагандай бўлди, бу учкунлар юрагини куйдира-куйдира адо қила бошлади. Шу азобда юрганида доктор Худоёр кўнғирок қилди...

Асадбек қарорини хотинига маълум қилишда ўғли билан келинларнинг ўқишларини баҳона қилди. Ишонтириш учун «Ҳамид ҳам айтувди», деб изоҳ берган бўлса-да, ўзининг кўнгли Манзураникидан баттарроқ хижил эди. Манзура «Вой адаси...» деб ҳасратини бошлаётганида «Хохласанг бирга бор»,

деди-ю, «яна гапимга кўнса-я!» деган хавотирда юраги ўйнаб кетди. Хотинининг кўз қарашидан «ўғлимнинг арвоҳини чиркиратиб ташлаб кетаманми?» деган маънони ўқиб, кўнгли хотиржам тортди.

Ўғлининг вафотидан анча илгари тушида Кесакполвоннинг тобут олдида ўйнаб бораётганини кўрган эди. Ўша манзара гарчи тушида кўринган бўлса-да, хотирасига мудҳиш чизгиларини чизиб қўйганди. Кесакполвоннинг «Менга тўй, сенга аза...» деган гапи тушида айтилган бўлса-да, ёдига михланиб қолган эди. Орадан кунлар, ҳафталар ўтаётгани билан хотира ўз кучини ўтказиб, Асадбекнинг юрагини темир тирнок каби тирнади.

«Менга тўй, сенга эса аза...»

Кесакполвоннинг ўлиб кетиши балки ўзи учун тўйдир. Тўғри, ўлим олдидан уч-тўрт дақиқа азоб чеккандир. Аммо йиллар давом этадиган турмуш ташвишларидан, азобларидан қутулиб кетди-ку?! Асадбек эса тирик қолди. Турмушнинг азобли, эҳтимол захарли шарбатларидан яна ва яна ичиш учун тирик қолдими? Аста-секин ўлгандан кўра бир неча дақиқада ўлиш бахт эмасми?

Манзура-чи? Қисмати унсиз йиғлашдан иборат бўлган бу муштипар бахтли эдими? Бахт ўзи қанақа бўлади?.. Бахт нималигини билмай туриб, Худога «ҳеч бўлмаса бахтнинг ушоғини бер», деб муножот қилиши кўп ажабли ҳолдир.

Бу оилага бахт тилаш балки ножоиздир. Бахт тилашдан олдин иймон тиламоқ зарурроқдир. Иймон тилаб қилинган дуо ижобат бўлгач, бахтнинг ўзи келар?

Иброҳим алайҳиссалом ўғиллари Исмоил алайҳиссаломни қурбонлик қилишга буюрилганлари учун фарзандларини қалб фарёди билан тоққа бошлаган эдилар. Асадбекка фарзандларини қурбон қилиш буюрилмаган эди. Бу азобни, бу жазони ўзи танлади. Шундай экан, додини кимга айтсин?!

Муҳиддин ота унинг яхши томонга ўзгаришини



умид қилган, аммо бир тоифа одамнинг ҳеч қачон ўзгармаслигини, у фақат тақдирдан қочиб кутулишга ҳаракат қилишини ўйлаб кўрмаган эди.

Ҳар бир одамнинг кўзлари бор. Лекин бир буюмни ҳар одам ҳар турли кўринишда кўради. Бахт буюм эмас. Кўзга кўринмайди. Ажабки, ҳар одамнинг бахт ҳақидаги тушунчаси ҳар хил. Ҳатто энг яқин одамларнинг бахти турлича.

Асадбек отаси учун қасос оладиган дамни ўзи учун бахт чўққиси деб белгиллаган эди. Қасос дегани ҳомиладор бўладими экан, янгилари туғилаверди.

Кесакполвон бахтини бойликда кўрган эди — ҳаммасини ташлаб кетди. Ҳатто кафанлик ҳам насиб этмади. Агар тириклигида биров «кафанга ўралиб, жаноза ўқилиб, лаҳадда бус-бутун ҳолда чўзилиб ётиш ҳам бахт», деса уни жиннига чиқарган бўларди.

Маҳмуд янги акаларининг бағрига кириб, чувриндилик ҳолидан чиққан дамларда ўзини бахтли деб ҳисоблаган эди. Кейинги умрини бахтми ё кулфат эканини фарқламай кетди.

Бир қориндан тушганларнинг бахти ҳам ўзга-ўзга эди.

Зайнаб бахтини отаси юрган кўчалардан излаб топмоқчи...

Абдуҳамид отасининг иймон кўчасига ўтганини кўрганида бахтли бўлажagini умид қилиб эди. Шу умид билан кетди.

«Адам бунақа ишларга бизларни яқинлаштирмайдилар. Агар аралашишимизни истасалар бизларни ўқитмасдилар», деб синглисини қасос йўлидан қайтаришга уринган Абдусамад эса бахтини илм йўлидан топишига ишонарди. Аммо бу йўлда заҳар солишга тайёр турган илонлар борлигини хаёлига ҳам келтирмасди.

У Москвага учиб келишлари билан профессор Зиновьевга учраб кетиши шартлигини отасига билдирди. Асадбек бу одамнинг кимлигини, нима учун учрашиш

шартлигини тушуниб турган бўлса-да, ўглини аввалги ўқиш жойига боришини истамади. Абдусамад хорижда билим олаётгани билан эски жойидан бутунлай узилмаган, вақти-вақти билан «илмий ҳисобот» бериб туриши шарт эди. Меҳмонхонага жойлашишгач, Абдусамад Иликонинг икки йигити ҳамроҳлигида университетга борди. У хорижга кетаётганида профессор Зиновьев декан эди, унинг проректор бўлганини эшитиб, бошқа бино сари юрди. Зиновьев номи «беш дақиқали мажлис» деб аталган тадбир ўтказаетган экан, икки соатга яқин кутишга мажбур бўлди. Мажлис тугагандан кейин ҳам профессор уни дарров қабул қила қолмади. Абдусамаднинг илтимосини етказган котибасига «кетиб қолмасин, кутсин», деб тайинлади. Мажлис нохушроқ ўтган шекилли, Абдусамад кирганида «энди менга сенинг дардинг етишмай турувди», дегандай норози қиёфада боқди. Абдусамад таътилга келганини, Абдуҳамиднинг вафот этганини айтиб, энди ўқишни давом эттириш учун қайтаётганини билдирганида Зиновьев пешонасини силаб қўйди.

– Хабарим бор, таъзиямни қабул қил, – деб бир оз сукут сақлади.

Абдусамад «Кимдан эшитганинкин?» деб ўйлаб, саволига жавоб топишга улгурмай профессор гапини давом қилди:

– Сен билан бафуржа гаплашишга вақтим йўқ, ранжима. Мени илмдан юлиб олиб, бу ерга михлаб қўйишди. Аслида бу олимнинг жойи эмас, биронта темир одамни ўтқазиб қўйишса ҳам бўлаверарди. Бу ерда ўтириш учун илм бўлиши шарт ҳам эмас. Сен мени роса кутиб, бу одам стол бандасига айлашиб қолибди, деб ўйлагандирсан? Сен ўйламасанг ҳам, бошқалар шу фикрда юришибди. Мен бу ерга бирон чаласавод ўтириб, илмиларнинг бошини гангитмасин, деб келган эдим. Шу ерга ўтиришим билан илмилар мендан узоқлашишди. Энди пушаймон бўлиб ўтирибман... Ҳа, майли, бу сенинг бошингни

қотирадиган масала эмас. Шунчаки айтдим-қўйдим. Вақти келиб, сенга шунақа лавозимни лозим кўришса, яқин кела кўрма. Яхши-яхши дўстларингдан айрилиб қоласан. Сенга бир гапни айтиш учун «кетмай турсин», деган эдим. Сенларнинг бахтингга «қайта қуриш» деган бетартиблик юзага чиқиб, ҳамма дарвозалар очилди. Бўлмаса, Германияни тушингда ҳам кўрмасдинг. Немислар битта мамлакатга бирлашгани билан, «Ғарбий Германия» деган тушунча сиёсатчиларнинг, айниқса, анави идорамизнинг кун тартибидан олиб ташлангани йўқ. Мен отанг ўртага қўйган одамлар туфайли эмас, ўзларингда қобилият борлиги учун йўлларингни тўсмадим. Энди бир нарсани миянгга қуйиб ол: биология билан физика бир нуқтада бирлашиши мумкин, аммо илм билан сиёсат бир қозонда қайнай олмайди. Тушундингми?

Абдусамад унинг муддаосини англамаган эди, очиқ айтишга хижолат бўлиб «сал-пал тушундим», деб қўйди. Зиновьев унга муғомбирлик билан тикилиб, бош чайқади:

– Ёлғон гапирма, сен ҳали ҳеч нарсани тушунмадинг. «Қайта қуриш, демократия» дегани кўлмакдаги қоғоз кемага ўхшаган бир нарса. Бирпас қалқиб туриб, кейин шалвираб, пачақланиб кетади. Ҳаво ёки сув қатламларини биласан. Бир қатламда кучли оқим бўлади, яна бири сокин туради. Ана шу сокинликка ишонган ёмон. Берлин девори қулагани билан, бу деворни тиклаган ғоя яшаб турибди. Хўп, фалсафани бас қилиб, муддаога кўчай: уч ҳарфли идора сенлар билан қизиқиб турибди. Тўғри, бу фавқулодда ҳодиса эмас, четга чиққанларнинг ҳаммаси уларнинг диққат марказида туради. Эсингда бўлса, кетишларингдан олдин икковингни огоҳлантирган эдим. Лекин уларнинг кейинги суриштиришлари бошқачароқ бўлди. У ерда қочоқ ҳамюртларинг билан ош-қатик бўлиб юрдиларингми?

– «Қочоқ» дедингизми? – Абдусамад ажабланиб елка қисди.

– Ҳа. Уларга «Ватан хоини» ёки «хоин» деган лаънат тамғаси Сталин замонида босилган. Замонлар ўзгарди, ҳукмдорлар ҳам бошқа, лекин бу тамғани анави идора ҳали олиб ташлагани йўқ, шунга ақллариңг етмадими?

– Биз улар билан ош-қатик бўлмадик. Доктор Худоёрни ҳисобга олмаганда...

– Доктор Худоёр бошқа масала. У сиёсатга аралашмайди. Унинг атрофидагилар-чи? Уларнинг пичирлаб айтган гапларини ҳам бу идорадагилар яхши эшитиб туришади. Сенлар кимнинг кизларига уйландинглар? Қайнотанг «Туркистон легиони»да хизмат қилмаган бўлса ҳам, уларга хайрихоҳлар сафида турган. Мен буни қаердан биламан? Ўйлаб кўр-чи? Билиб ол: фашизм қораланар экан, минг йилдан кейин ҳам «Туркистон легиони» худди власовчиларга ўхшаб лаънатланаверилади.

– Власовчилар жангга кирганлар. «Туркистон легиони» ҳарбий ҳаракатларда қатнашмаган.

– Бу чўпчагингга мен ишонаман, чунки менга барибир. Лекин нариги идорадагиларнинг дунёқараши бошқача. Тарих ўзгаради, тарихчиларнинг фикри ҳам ўзгаради. Лекин улар ўзгаришмайди. Сен мен билан баҳслашмагин-у, агар чинакам олим бўламан десанг, сиёсатдан узоқроқ юр. Юртдошларингнинг даврасидан қоч. Ўқишни бил, бошқа ҳеч нарса билан ишинг бўлмасин.

Зиновьев «гап тамом!» дегандай ўрнидан турди. Абдусамаднинг «насиҳатингиз учун раҳмат», деб қўл узатишдан ўзга чораси қолмади.

Олмонияга қайтганидан кейин ҳам бу насихат хусусида кўп ўйланди. Аслида профессор Зиновьев унга хайратомуз янгиликни айтмаган эди. Буларни ўзи ҳам биларди. Ўзларининг доимий кузатувда эканликлари тўғрисида Абдуҳамид билан ҳам кўп гаплашишган. Аммо доктор Худоёр таништирган қизлар кўнгилларига ёқиб қолгач, нима қилишсин? Куёв

бўлишгач, бу хонадонга тез-тез тўпланиб турувчи меҳмонлардан қандай қочишсин?

Қизлар кутиб олишга чиққан ота-оналари ва бошқа яқинлари билан ажиб бир сабр либосида кўришдилар. Кўзлари ёшга, қалблари зардобга тўла бўлса-да, кулфатларини ошкор қилишдан ўзларини тутдилар. Музаффархон куёвини бағрига босганича, ёноғини ёноғига теккизиб «инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиун», деб йиғламсираб пичирлаганда Абдусамад кўз ёшларини тия олмади. Қоронғу осмонини ёритиб турувчи икки юлдузи – икки қизи билан кўришаётганда Музаффархон ҳам кўз ёшларини тўхтата олмади.

Ўша куни Музаффархон «кичик бир эҳсон дастурхони»га юртдошларини таклиф этиб кўйган эди. Абдусамад улар билан кўришаётиб, таъзияларига жавобан «Аллоҳнинг иродаси», деб кўйди. Таомлар тановул қилиниб, Қуръон тиловат этилгач, уларнинг одатий суҳбатлари бошланганида эшикка яқинроқ кўйилган оромкурсида даврага бегонадай бўлиб, жимгина ўтирди. Профессорнинг насиҳатини эслаб ғашланди: буларнинг даврасидан қандай қочиши мумкин? Яна ғашланди: бу давралардаги гаплар Масковдаги идорага қай йўсинда етиб борар экан? Абдусамад саволига жавоб топмоқ ниятида мезбонларга бир-бир тикилди. Уларни яқиндан билмагани учун саволи жавобсиз қолди. Бирон кишини хиёнатда гумон қилишдан тийилди.

Аввалги суҳбатларда бўлгани каби бу сафар ҳам баҳс икки киши орасида бошланди.

Қаҳвани ҳўплаб, хузурланган Саъдуллахон хонадон соҳибига юзланди:

– Музаффархон, қизлариниз кўзларига боқиб, мен ота юртимни кўрган каби ўлдум. Ўнлар бу уйга ота юрт ҳавосин олиб келмишлар. Чўҳ ҳавас ила бокиюрман ўнлара. Ҳар тун ўлмаса-да, ҳафта бир душимда қишлоғимни, ички ташқи-бўлима бўлинмиш уйимизни кўрмакдаман. Дарвозамиз олдидин оқиб

ўтаётган катта ариқ сувидин тўйиб-тўйибла ичурмишам. Оқин сув кўпригинин ховлимиза ўтилур эрди. Кўча томона қарамиш болохона меҳмонхона вази-фасини ўтарди. Отхона, қўйхона, молхона синга-ри бўлимлари бўлмиш ажиб бир кўринишли ховли эрди... Икки айвонли бўлакли хоналар... Сузма учун осиб қўйилмиш оқ халталардин тарс-тарс зардоб том-чиларининг жома тушмиш овозин ҳали-ҳали эслай-мен... Узумзоримиз куз ойлари жаннатнинг чин ман-зарасига айланур эди... Қани энди ўнлар? – Саъдулла-хон шундай деб хўрсиниб қўйди-да, дераза томонда ўтирган меҳмонга қаради: – Ижоза берсалар, мухтарам афандимиз Яқвалхўжа жанобларидин сўрайдурғон сўровларим вордур.

Давра аҳлидан ёшроқ кўринувчи, қотмадан келган, қирра бурунли киши «марҳамат қилингиз, сўрангиз», деган каби жилмайиб қўйди. Абдусмад бу киши-ни энди кўриши эди, шу сабабли унга қараб қолди. Бошқаларнинг кўзлари «нимани сўрар экан?» деган савол билан Саъдуллахонга тикилган эди.

– Америка Бирлашмиш Давлатларида истиқоматда бўлмиш ватандошлар ила тез-тез кўнишмак ёши-миз ўтгани сайин мушкуллашиб боряпти. Мухтарам афандимизнинг бу ташрифлари кўзимизга тўтиё бў-либ, бизарни чўх сарфароз айлади. Бу кунларда бир қулоғимиз бадбахт советлар томонда, бир қулоғимиз Америка Бирлашмиш Давлатларинда. Советлар зами-нида кўтарилаётган қуюн оқибатин у томонлар ғоят сергаклик ила кузатаётганидин бир оз бўлса-да, ха-баримиз вордур. Бизим қалбимиз бутун вужудимиз ила юрт сари талпинмоқдадур. Шубҳа йўқ-ки, уммон ортида ҳам шундайдир?

Яқвалхўжа қўлидаги финжонни оқ дастурхон усти-га қўйиб, юзидаги мулойим жилмайишни йўқотмаган ҳолда гап бошлади:

– Ўзбак қай мамлакатда яшамасин, дарди ҳам, умиди ҳам бирдир. Сизин бахтиниз шуки, киндик

қонлариниз Ватанда тўкилмишдир. Болалик хотиралариниз банд этмиш оқин сувлар тушинизга кирадур. Мен кабилара Ватандан узоқларда туғилмоқлик насиб этмиш, Ватан ҳавосидин ҳали нафас ололганимиз йўқдур. Тиниқ сувидин ичмақлик бахти ҳам насиб этмади, аммо Ватан туфроғин кўзга суртмақ умиди ила яшамақдамиз. Бу томон сафара чикмоғимдин сал бурун Нью-Йоркда бир издиҳом тартиб берилиб эди. Бўтакўз устозимизинг лутфи ила бир ажиб мусобақа ташкил этилурди. Кимки Абдуллоҳ Қодирий асарларин хўб ифода ила ўқуб берса, унга совға ваъда этдилар. Шукрим, ўшал совға каминага насиб ўлди. Китобнинг бир бобини ёддин ўкиб бердим. Гал Кумушбибининг мактубларига келиб, «Мактубни Кумушбиби эмас, Тупроқбиби ёзди», деганимда аҳли издиҳом кўзларинда ёш кўринди. Ватандин айрилган ҳар бир мардум ўзни «тупроқбиби» аламида кўрди... Менга бир дўппи совға қилдилар. Инонинг, афандилар, агарчи менга Нобел совринини берган тақдирларида ҳам, бу даражотда қувонмаган бўлур эрдим. Агарчи, Аллоҳ насиб этиб, Ватанга борсам, туфроғини ўпсам ва ватандошлардан бири «Ватанга хуш келибсиз!» деб бошима бир эски дўппи кийгизиб кўйса, дунёдин армонсиз кетардим.

– Болшевикларнинг тўнтариши йилларидаги ажодларимиз бизарнинг бундай армон ила яшайажимизни ҳис қила олганларида эди, сўнгги томчи қонлари қолгунича ул бадбахтлар билан жанг қилган ўлур эдилармикин? – деди Саъдуллахон ўйчан тарзда.

– Бу тарих, муҳтарам афандим, уни ўзгартиб бўлмайди, – деди Яқвалхўжа. Энди унинг юзидаги мулойим жилмайиш йўқолиб, ўрнини жиддийлик эгаллаган эди.

– Ҳа, тарихни ўзгартириб ўлмас. Аммо тарих ҳақиндаги фикрлар-чи? Бизарнинг туфроққа қорилувимизга кимлар айбдор эди? Ҳалигача ўзимиз бир тўхтама келмадик-ку? Сиз, афандим, унда жаноб

Олуорт сингари чўх донишманд олимлар ила суҳбат курмишсиз. Биз Боймирза жанобларининг битиклари билан ҳам танишмиз. Ҳар нечук, аниқ жавобимиз йўқдир.

Саъдуллахон шундай деб доктор Худоёр томон маъноли қараб қўйди. Доктор Худоёр ўзи томон таъна тоши отилганини билиб, ўрнида бир кимирлаб қўйди-ю, суҳбат икки киши томонидан олиб борилаётгани учун кўшилишдан ўзини тийди.

– Талотўп йилларнинг ҳар бир куни бир жумбоқ, шу боис ҳеч ким аниқ жавоб бера олмас. Тўнтариш йиллари кимдир биров қизиллардин умид қилди, кимдир биров ардоқли бекларимиз қанотига кирди, – Яквалхўжа ниманидир ўйлаб бир зум жим қолган эди, гапни Саъдуллахон илиб кетди:

– Кимдир биров дам у томон, дам бу томондин умид қилди.

Бу пичингдан сўнг доктор Худоёр ўзини тута олмади:

– Қалбимдасиз, муҳтарам Саъдуллахон афандим, агар сиз маним амаким мулла Эгамберди акани назарда тутиб бул гапни айтган бўлсангиз, чўх тўғри сўзладиниз. Талотўпда Эгамберди амакимга ўхшаганлар бир эмас, ўн эмас, минглаб, эҳтимолки ўн минглаб эди. Ҳамонки, суҳбат мароми бу томон бурулмиш экан, маним томонимдин изоҳга ҳожат вурдур. Бул хусусда сиз жаноба айтиб эдим, қаноат топмаганингиза гувоҳ бўлиб турибман. Яна шуки, ўтмиш ўшал изоҳимдин инимиз Яквалхўжа жаноблари беҳабарлар. Вақти келиб, Нью-Йоркдаки ё Хьюстондаки, қайда бўлса-бўлсин, мавзу бу томон оғса, билиб қўйганлари жоизмикин? Гап шундаки, муҳтарам Яквалхўжа афандим, каминанинг амакилари ўлмиш мулла Эгамберди ака ғоят элпарвар одам эдилар. Ул зот аввали бекларни курул-яроғ, озиқ-овқат ила таъминлаб турдилар. Бул далилни инкор этгувчилар бул орамизда йўқдир. Сўнг кўрдиларки, бекларда илм



йўқ, хунар йўқ, сиёсат йўқ, ташкилотчилик йўқ, энг муҳими – аҳиллик йўқ. Айтинг-чи, ўзаро иттифокқа келишмайдиган уч-тўрт бек адади йигирма ёки унданда чўх миллион ўлмиш халқни бирлаштира олурми эди? Бунга жавоб ҳар биримизда вордур, аммо нечуким, тилимиза чиқармасмиз. Ҳолбуки, чиқармоғимиз шартдир, токим, авлодлара ибрат ўлғай. Яна талотўп замониға қайтсак, мулла Эгамберди амаким яна кўрдиларки, ўлдирилаётган чўх одамлар ўз улусимиз. Шу каби номаъқулчиликларни кўргач ва яна хурриятталаб бекларнинг болшевиклара қарши айтарли бирор иш қила олмаслигига амин ўлғач, улардин кўмак кўлларини тортдилар. Бундан хабар топган болшевиклар ўзларича хулоса чиқардилар-у, амакимни ўзлари томон оғдиришни орзу этдилар. Бунда ўтирган мухтарам афандиларим талотўп кунларидин салгина кейин туғилгандирлар. Ул бемазагарчиликларни мен бувимдин эшитганман, сизлар ҳам ота ёки оналарингиздин эшитганингиз вордир. Ул замон кишлоқлар кўзғолончи бекларин зўравонлигинин, қизил аскарларин талон-тарожидин безиб эди. Қишлоқларда киёмат барпо бўлиб, бир ҳафта беклар ҳукм юргизса, улар қочгач, болшевиклар келиб кишлоқларни таламиш эди, шундайми? – доктор Худоёр саволиға жавоб талаб қилгандай даврадагиларға бир-бир қараб чиқди. Улар маънодор равишда бош ирғаб қўйишгач, давом этди: – Яна бир ҳафта ўтгач, бу зулм бошқа кўринишда давом этаверган. Ҳар икки талончи ҳам ўтакетган тарбиясиз, беадаб ўлганини эшитган чиқармиз? Болшевиклар бекларимизни «босмачи» деган ҳақорат сўзи ила атамиш эдилар, халқ то ҳануз шу шармандали атамага қаноат қилиб келяптиким, ҳозирға қадар инкор этувчи бирон инсоф эгаси у томонда кўрингани йўқ. Эгамберди амаким болшевиклардин курол ҳам олган, тўғри. Лекин кишлоқни ҳар икки тарбиясиздин шу курол воситаси ила ҳимоя қилган. Бу ҳам аксиома, яъниким, исбот талаб этилмас бир ҳақиқатдир.

– Аждодларимизин энг катта хатолари ҳам аини шудир, – деди Яквалхўжа. – Ҳар бирлари ўз уйларин, ўз кишлокларин ҳимоя этдилар. Нариги кишлок билан эса ишлари йўқ. Бу бир хасталиқдир. Англаюрсизким, рус истилоси бошланган кунларда уч хонлик танга талашган уч нодон гадо каби ўз пайтавасига ўралиб яшайверган. Онг эгалари тарихдан ўрнак олмоқлари шартдир. Қани ўша онг? Азизмонлардан узрлиманки, мавзу юзага чиқиб қолгани учун яна бир-икки сўз айтмоқни ихтиёр қиялман.

– Марҳамат қилинг, қалбимдасиз, азизим, – деди доктор Худоёр лутф билан.

– Демакким, уч хон нодонлиги туфайли ғарбий Туркистон туфроғида рус истилоси қарор топди. Миллат ғафлата ўралгандин сўнг истилочилар юрт танасига зулукдек ёпишиб, қонларин сўра бошладиларми? Халқ саросимага тушдими? Истиқлол талаб қилиб кўтарилмиш Муҳаммадали халифанинг тақдири не бўлгани маълум: ўлигини аввалига ҳожатхонага ташламоқни ихтиёр этдилар, аммо халқ ғазабидин кўрқиб, оҳақда куйдириб йўқ қилдилар. Намозполвоннинг тақдири-чи? Озодлик талаб қилган ўн мингларча, юз мингларча кўзғолончилар ваҳшийлик ила ўлдирилганин бугун Ватанда яшамокда бўлганлар билурларми экан? Ўрта Осиё халқига сўрилишдан бошқа чора қолмади. Истилочилар иштаҳаси эса чўх ва янада чўх очилаверди, талон-тарож бобида дунёдаги ўзга истилочиларни ортда қолдириш мақсадида йил ўн еттида режим ўзгартирмоқчи бўлдилар. Бунинг учун рус миллатчилари Ленинни тикладилар. Йўл-йўриқлар кўрсата бошладилар. Энди бу шумлар қонуний ҳаракатлардек эл оламига ўргатиш учун Маркснинг «Капитал»ини, яна бошқа асарларини топдилар. Маркс дунёга танилган файласуф, дунёда қулдорликни йиқитиб, тинчлик қурилишини истаган донишманд эди, Ленин эса бир тоифа қулдорликни йиқиб, янги тоифа қулдорлигин ривожлантирди. Бу

сафар бизим аждодлара қоғозда «озод инсон» қалбаки гувоҳномаси берилса-да, аслида кул ҳолида тутмиш-дилар, кулдорлар эса «болшевик» лақабли руслар бўлиб қолавермиш. Жамиятларига «коммунизм» деб ном қўйиб олмишлар. Назарияларин эса «марксизм-ленинизм» деб атамишлар. Маркс ва Ленин бир-биридан бошқа-бошқа одам бўлганидек, идеологийси ҳам бўлак, мақсадлари ҳам бўлакдир. Бири камбағал ишчилар ҳуқуқини ҳимоя қилган бўлса, бири янгича куллиқни барпо этмиш. Назарияларнинг ўхшаш томони йўқ. Лекин руслар бузиб, назария ўғирлиги ила асл назарияни бир-бирига алмаштириб, Маркснинг фалсафасидин безбетларча фойдаланмишлар. Сиёсий иқтисодга бағишланган «Капитал»ни сиёсий мақсад ўрнида қўлланма қилиб олмишлар. Шу билан қиёфа ўзгартирилиб, иш услуби ҳам ўзгармишди. Эски тузумларда истилочилар миллатлар танасига зулук-дек ёпишиб, сўраётган бўлса, янги тузумда ўнлар оч бўридек талон-тарожликни бошламишлар. Биринчиси шу бўлдики, дон-дун ўрнига пахта экишга мажбур этдилар. Натижа – сунъий қаҳатчилик барпо этилиб, улуснинг тинқасини курутмоқ учун ҳаракатлар бошланди. Бойларнинг мол-мулки забт этилиб, улус ташаббускор синфидан маҳрум этилмиш. Ер тилини билувчи деҳқонлар кулоқ қилиниб, Сибирга жўнатилиб йўқ қилинмиш. Мақсад – сўз соҳибларини ўртадан кўтариш эди. Диний олимларни, руҳонийларни биринкетин териб олиш ила ижтимоий жиҳатдан халқнинг турмуш савиясин туширдилар. Қалам соҳибларини «халқ душмани» деб эълон қилиб, улусни миллий туйғудан ажратиб қўйиш мақсадида ўнларни ўлдирдилар, миллатни қоронғуда қолдирар бўлдилар. Мард табиат одамларни «муштумзўрлар», деб эълон қилиб, ўнларни отиб ташлаш йўли ила улусин ичидин ғайратни суғуриб ташлашди. Пичоқ суякка етди деганларидек, вилоятларда, қишлоқларда ҳар томондин халқ қўлида бор қуроли – кетмон, ўрок, болта кабилар

билан майдонлара тўпланмиш эди. Ҳа, ўнларда бошқа қуро­лар йўқ эди. Бори ҳам милтиққа ўхшаш қадимий қуро­лар, оқ руслар давридаёқ йиғиштириб, олиб бўлинган. Руслар эса замонавий қурол ила мунтазам тартибли аскар ташлади. Сизлар «талотўп» деб атаётган мудҳиш тўқнашувда ўн минглаб эмас, юз минглаб уруш қони тўкилгандир. Қўзғолон бостирилгач, «қўзғолончи душман» номи билан минглаб бечоралар ушланиб, сургун қилинди, – Яқвалхўжа кейинги гапларни ички бир алам билан айтиб қўлига финжонни олди, лабига олиб борди, аммо ичмади. Тушқунроқ оҳангда «Биз ибрат олишимиз керак бўлган тарих шудир», деб қўйди. Кейин худди ўзига-ўзи гапираётгандай пастроқ ва хастароқ овозда давом этди:

Дарвешонро агар не аз хешонем,  
Лек аз дилу жон мўътақиди эшонем.  
Дураст, мағўй, шоҳи аз дарвеши,  
Шоҳем, вале бандаи дарвешонем.

Издихомга ҳозир бўлганларнинг айримлари форсийдан хабардор эдилар. Улар тўртликнинг маъносини англаб, «чўх маъқул» ишорасида бош ирғаб қўйдилар. Яқвалхўжа «гапимга сенгина тушунмадинг», дегандай Абдусамадга қараб, изоҳ берди:

– «Дарвешлар, агарчи бизларга яқин бўлмасалар ҳам, лекин биз уларга жону дил билан мухлисмиз. Шоҳликни дарвешликдан узоқ дема, биз шоҳ бўлсак ҳам, дарвешларнинг бандасимиз». Агарчи миллат қахрамонларин дарвешлик мартабасинда тасаввур этсак, бизда ўнларин бандасидурмиз.

– Астағфируллоҳ! – деб юборди доктор Худоёр. – Афандим, гарчи сўзларингиз мажозий эрса-да, бундай демаклик ножоиздур, нединким, бизлар Аллоҳнинг бандалари эрурмиз. Банда бандага банда ўлурми ҳеч замон? «Ҳалок мекунадаш фурқати ту, дониستم, вагарна рафтан аз ин шаҳр метавонистам» деганлари-

дек, бек афандиларимиз ўшал замон «сендин айрилиш мени ҳалок қилишини билдим; бўлмаса бу шаҳардан кета олармидим», маъносига кўра, хаста юртни ташлаб қочмасалар эди, авлодлар армоннинг аччиқ суйини ичмас бўлурми эдилар?

– Қочганлари йўқ, ҳижрат қилдилар, холос, – деб изоҳ берди Саъдуллахон.

– Қалбимдасиз, Саъдуллахон афандим, сиз ила қанчалар баҳс юритмайлик, ҳақиқат ҳақиқатлигича қолаверажек. Яквалхўжа афандим тарихни-да, сиёсатни-да мендан дуруст билиюрлар, айтсинлар, ажрим қилиб берсинлар-чи: меним ожиз фикрима кўра, миллат қаҳрамонлари ватандин қочмаслар. Ватанда шаҳид ўлмакни аъло кўрурлар. Бадбахт совет ўзига душман деб билмиш неча юзлар, балки эҳтимол мингларча одамларни, Фаранги ерларидами ё ундан наридами, яширинмиш жойларидин топиб, ўлдируви тарихдан маълумдир. Савенков сингари кишиларни алдаш йўли била Русияга қайтариб ўлдириш мақсадида юзларча кишиларини сафарбар этмадими? Мингларча иғволарни ишга солмадими? Ҳаттоки Аргентина юртига киши юбориб, Троцкий жонини суғурмадими? Советнинг шундайгина ён биқинидаги Афғонда маишат ила банд ўлмиш Саййид Олимхон ё бўлак кишиларни ҳатто чибин ҳам чақмамиш экан, бу ажаб бир ҳол эмасми? Нечун совет ўнлара заҳмат етказмади? Чунки ўнлар советлара душман ўлароқ мартабада эмас эрдилар. Ўнлардин советлара хатар йўқ эрди. Тил ила олишувчи рақибга битта ўқ ҳам ҳайф. Советларин роҳатсиз этмаслигидин ўнлар чўх қувониб, афғон подшоҳи томонидин белгиланмиш нафақага қаноат этганлари ҳолда узок умр кўриш орзусинда яшайвермишлар.

Яквалхўжа дарров жавоб қайтармади. Жавобга иккиланганини ҳам сездирмади. Аксинча, худди қизик гап эшитгандай кулимсиради:

– Муҳтарам афандилар, бу файзли хонадонга қан-

дай сабаб ила тўпланганимизни унутиб қўяёзимиз. Бу хусусда бошқа вақт, бошқа ҳолатда истаганча фикр олишсак тўғрироқ ўлурмикин? Бу он бир оз ўзимиза эрк берувимиз соҳиби хонадон ҳузурда уятлироқдир, деган истиҳоладаман.

Бу якунга ҳеч ким эътироз билдирмади, ҳатто доктор Худоёр ҳам «оре, рост», деб қўйди.

Абдусамад бу мавзудаги суҳбатга илк бор гувоҳ бўлганда ватандошларининг қалб бойлигига, миллатпарварлик фазилатларига таҳсин айтган эди. Кейинчалик уларнинг гапдан нарига ўтмасликларига амин бўлгач, қизиқиши ҳам сўнганди. Ўзи униб-ўсган мухит, хонадони атрофидаги дарду ҳасрат билан бу давранинг армони орасида ақл бовар қилмас тавофут борлигини ҳам билиб турарди. Булар, майли, қуруқ гап билан бўлса-да, миллат тақдири хусусида қайғуриб ўтирибдилар. Акасининг кетишидан норози бўлган, қасосга даъват этган Зайнабнинг дардичи? Асадбекнинг алами-чи? Бу ердагилар гап билан кифояланадилар, асадбеклар-чи? Абдусамаднинг қалбини хира қилиб, ташвиш чоҳига тортиб турган муаммо ҳам шу эди. Отаси ва синглисининг дарди қуруқ гап эмас, балки қон тўкилишига сабаб бўлувчи ҳаракат билан якунланишини у биларди.

Кимнинг юрак қони тўкилади?

Кимнинг кўзларидан қон ёшлари оқади?

Кимнинг умид чироғи сўнади?..

Абдусамад Ғарбий Олмонияга шу ташвиш юки билан келди. Миллат дардини ўйлаб сўзлаётганлар даврасида ҳам шу ташвиш билан ўтирди. Суҳбатнинг чўзилишидан ғашланди, «кичик бир эҳсон»нинг тезроқ поёнига етишини хоҳлади. Баъзан баҳсга киришгани билан, бу каби суҳбатларни ҳушламайдиган доктор Худоёр зарур юмуши борлигини баҳона қилиб узр сўрагач, ичида «хайрият» деб қўйди. Яквалхўжа узрли эканини билдиргач, бошқалар ҳам турдилар.

Доктор Худоёр оилавий ташвишлар туфайли анча фурсат қўлдан бой берилганини афсус билан таъкидлаб, Абдусамаднинг зиммасига одатдагидан кўпроқ вазифалар юклади. Шу сабабли Абдусамад кўп вақтини кутубхонада ўтказадиган бўлди. Бир жиҳатдан унга шундай бўлгани ҳам маъқул эди. Уйда дарсхонаси бўлгани билан, таомланиш чоғидами ё бошқа ҳолатдами Муштарийга дуч келса, унинг кўзларини тарк этмаётган мунгни кўриб юраги эзилаверарди. Сўнг китоб саҳифаларидан Абдуҳамид қарагандай туюлаверарди.

Қайтганининг иккинчи ҳафтасида кутубхонада узоқ ўтириб чарчади. Қаҳва ичиш мақсадида емакхонага чиқди. Финжондаги қаҳвани яримлатмай, ёнига бир малла йигит келиб ўтирди.

– Салом, ҳамшаҳар, ишлар қалай? – деди у такаллуфсизлик билан.

«Ҳамшаҳар» дегани учун унга «бу одамни қаерда кўрган эканман?» деган савол назари билан қаради. Ёши ўттиз бешлардан ошган, қошу кипригига қадар малла бўлган бу одамни илгари ҳеч кўрмаганига ишонч ҳосил қилиб, бош ирғаб «салом» ишорасини қилди-ю, аммо лутф кўрсатмади.

– Исмим Валерий, менам тошкентликман, – деб у қўл узатди. Абдусамаднинг кўришишдан ўзга чораси қолмади.

Валерий ўзига қаҳва буюриб, оёқларини чалиштириб ўтириб олди.

– Ҳамшаҳарни мусофир юртда учратиб қолганингиздан хурсандмасмисиз? – деди у Абдусамадга қувлик билан тикилиб.

– Назаримда мен сизни эмас, сиз мени учратиб қолдингиз шекилли? – деди Абдусамад.

– Тўғри, лекин сонларнинг ўрни алмашгани билан қиймати ўзгармайди. Шахсан мен хурсандман. Келга-

нимга йигирма кун бўляпти. Бу ерда икки ҳамшаҳрим ўқиётганини эшитиб қувонган эдим. Мен докторлик ишимга қўшимча маълумот тўплаш учун келганман. Мен физикман. Сиз ўрганаётган соҳага сал-пал кўшничилигим бор. Лекин бу бизнинг танишувимиз учун аҳамиятли эмас. Ҳа, айтмоқчи, эшитдим, бошингизга кулфат тушибди, таъзиямни қабул қилинг.

Абдусамад «рахмат» дегандай бош ирғаб, «яна қанақа гапингиз бор?» дегандай савол назари билан унга қаради. Бу қарашнинг маъносини англаган Валерий кулимсиради:

– Бу ер хотиржам гаплашадиган жой эмас, хўп дедангиз, кечки пайт турк ошхонасида бирга тамадди қилсак яхши бўларди.

– Бугун эмас, – Абдусмад шундай деди-ю, таклифни рад этишга арзийдиган баҳонани айтмади. Аслида бу окшомга белгиланган бирон юмуши йўқ эди. Таклифни қабул қилса ҳам бўларди. Лекин кутилмаганда пайдо бўлган бу одамнинг турки ёқмадими, харҳолда у билан яна учрашишни истамади.

– Кутубхонада яна уч-тўрт кунлик ишим бор. Вақтингиз бўлганда бир ишора қилиб қўярсиз, ҳамшаҳарлар билан отамлашишга ҳамиша тайёрман, – Валерий шундай дегач, қаҳвасини охиригача ичмай, ўрнидан турди.

Абдусамад уйга қайтганида Муштарий ҳам, Гулузор бегим ҳам кўринишмади. Музаффархон зарур юмуш билан Парижга кетган эди. Шу боис кечки таом дастурхони атрофида Абдусамад билан Чўлпоной ўзлари ўтиришди. Оврупо одобига ўрганган бу хонадонда барча бир пайтда дастурхон атрофига ўтирар, таомланиш чоғи ўзаро гапирилмасди. Бундай одобга ўрганмаганларнинг сукунат оғушида овқатланишлари осон эмас. Абдусамад, айниқса, Абдуҳамиднинг бунга кўникишлари қийин кечган эди. Бугун хонадон соҳиблари бўлишмагани учун Абдусамад ўзини анча эркин тутди.



– Кун бўйи ўтиравериб зеркиб, қон бўлиб кетмадингизми? – деди у ҳазил оҳангида.

– Асло йўқ, – деди Чўлпоной саволни жиддий қабул қилиб. – Чин доно дўсти бўлмиш инсоннинг зерикмоққа эҳтиёжи йўқдир.

– Чин дўст? – Абдусамад ажабланди. – Ким экан у?

– Бир киши китоб ўқимоқ ила банд эканинда яна бир киши ўнга яқинлашди ва сўрадики: «Нечун ёлғиз ўтирмакни ихтиёр этиюрсиз?» Ул киши дедик: «Ёлғиз эрмас эрдим, сиз келдингиз-у, ёлғизланиб қолдим», – Чўлпоной шундай деб, эрига маънодор қаради. – Англаюрмисиз, бегим?

– Англаюрман, хоним, – деди Абдусамад унинг шеvasига тақлид қилиб.

– Англамагингиз мумкин эмасдир, чунки сизнинг бундайин чин дўстингиз йўқдур.

Агар Чўлпоной шундай деб кулиб қўйганида Абдусамад буни ҳазил деб тушуниб, жилмайган бўларди. Лекин хотинининг қарашидаги жиддийлик уни бир оз таажжубга солди.

– Нега ундай дейсиз?

– Сиз китобни дўст тутмайсиз. Уйингиза биргина китоб жавони йўқлигин айтиб эдим-а? Мусофир юртлара отлана туриб она тилинiza чоп этилмиш биргина китоб олволганингиз йўқдир, бегим?

– Кутубхонада кун бўйи китоб ўқишларим-чи? Бу дўстликка кирмайдими? – деди Абдусамад ранжиш оҳангида.

– Ҳа, айнан кирмас. Ул китоблар дўстиниз эмасдир, балким ишиниздир, таъбир жоиз бўлса, ҳамкасбиниздир.

– Қизиқ... қизиқ... қани, бугунги чин дўстингиз ким бўлди, сир эмасми?

– Нечун сир бўлсин? Тошкентдин олиб келмишам китобин бу оқшом ўқиб, ниҳоясига етказдим. Аммо кўнглим тўлмади.

– Нега? Дўстингиз бемаъни чикдими?

– Пичинг қилмоғини асос йўқдир, бегим. Мирзо Бобурдан ҳикоя этувчи бул китоб чўх донодир. Фақат бир ўринда мухтарам ёзар оғамиз жиндак адашмакка мойил бўлибдилар.

Абдусамад бу китобни ўқимаган эди. Шу сабабли Чўлпонойнинг гапини бўлмади, жим тинглади.

– Эҳтимолки, «Бобурнома»ни мутолаасиндин йироқ бир киши учун бул адашмаклик сезилмиюр. «Бобурнома»да Ҳумоюн Мирзонинг хасталикларин баёнинда ҳазрат дейдиларки: «...ва табиблар ҳар неча дору-дармон бердилар, яхши бўлмади. Мир Абулқосимким, улуг киши эрди, арзга еткурдимким, ушмундок дардларға дармон будурким, яхши нимарсалардин тасаддуқ қилмоқ керак. Тоинки Тенгри таоло сихҳат бергай. Менинг кўнглумга келдиким, Муҳаммад Ҳумоюннинг мендин ўзга яхшироқ нимарсаси йўқ. Мен ўзум тасаддуқ бўлайин, Худой қабул қилсун... уч қатла бошидин ўргулиб, дедимким, мен кўтардим ҳар не дардинг бор. Ушал замон мен оғир бўлдум, ул енгил бўлди. Ул сихҳат бўлуб кўпти, мен нохуш бўлиб йиқилдим...» Англаюрмисиз, бегим? Пир ҳазрат «яхши нимарсаларни тасаддуқ қилмоқ керак», деб айтганларинда қимматбаҳо олмосни назарда тутмиш эмасдилар. Айтинг-чи, дунёдин кечган ошиққа дунё молининг қанчалик кадри вордир? Ҳеч қанча!

Абдусамад хотинининг жон куйдириб айтаётган гапларини эшита туриб, кулимсираб кўйди.

– Кулишиниз боиси мени айбситмоқликми, бегим? – деди Чўлпоной аразлаш оҳангида.

– Йўқ, нега айблаи? Бир нарса хаёлимга келгани сабабли кулдим.

– Нима нарса, айтиниз? – деди Чўлпоной ўжарлик билан.

– Сиз... китоб ўқийсизми ё ёдлаб оласизми?

– Лозим ерлари нафақат ёдима, ҳаттоки қалбима мухрланиб қолажак. Айтинг, бегим, Мирзо Бобур

ҳазратларин ўз жонларин фарзанду аржумандларига фидо қилмишларин йиғламай ўқуб бўлурми экан? Айтинг, бу кунларда шундай оталар борми экан?

Бу савол Абдусамаднинг юрагига ўқдай қадалиб, яралади. Ҳатто танасига енгил титроқ югурди. Назарида Чўлпоной «Айтинг, адангиз жонларини фидо қилиб, Абдуҳамиднинг жонини сақлаб қола олармидилар?» деб сўрагандай бўлган эди. Зайнаб «Ҳамид акамни адамнинг душманлари ўлдиришган», деганидан бери кўнгли беҳаловат эди. Москвадаги кутилмаган ҳибсга олинув, уйга қайтишгач, Абдуҳамиднинг ғалати хасталаниши... унда шубҳа уйғотган эди. Синглисининг титроқ лабларидан учган сўзлар бу шубҳани ҳақиқатга айлантириб, уни аросат водийсига ҳайдаганди. Шу аросатда гангиб юрганида хотини бир китоб баҳонасида қалбни яна яраладигина эмас, эскисини титиб, туз ҳам сепиб кўйди.

Чўлпонойнинг омматан берган саволига хоссан тан қилиб, «Ҳа, бор! Менинг адам шундай қила олган бўлардилар», деб дадил жавоб бериши мумкин эди. Отасининг жон фидо қила олишига ишончи комил эди. Ўз гуноҳлари учун фарзанди жон берганини билиб, қалб азобида яшаш нақадар оғир?! Абдусамад алҳол адасининг шу оғир аҳволини ҳис қилиб, ўрнидан беихтиёр туриб кетди. Уни ҳамиша бошқариб келган Манзурага хос маъсумлик тарк этиб, Асадбекка хос қасоскорликнинг бераҳм руҳи эгаллаб олди. Шу оннинг ўзида уйига қайтиб боргиси, Зайнабга «Мен келдим, қани у аблахлар, бир-бир бошларини узаман!» деб ҳайқиргиси келди.

Эрининг рангида ҳам ўзгариш зоҳир бўлганини кўрган Чўлпоной чўчиб, ўрнидан турди. Эрига яқинлашиб, елкасига бош кўйиб узрли оҳангда деди:

– Узрлиман, бегим, узрлидирман. Сўзларимда маъни йўқ эди. Бу ҳол энди зинҳор такрор этилмас, тавбададирман, айбимдан ўтиниз...

Тарзан билан Сурни ресторанда кўрган Асадбек «Бир зўр чиқиб, етти-саккизта йигитнинг бошини қовуштирган бўлса, ёмон эмас. Битта Ҳосилнинг ўрнига янгиси келибди. Ҳозир тизгини тортилмаса, эртага бошга чиқиб олади. Кеча ресторанда мени таниб, қочиб қолишди, эртага тап тортмасдан тўғри устимга бостириб келишади-да, «йўлдан қоч!» дейишадими? Мен-чи? «Охирги нафасим қолганда ҳам сенларни уриб, гарданларингни синдираман!» дейманми? Унда бу қурук гапдан ким чўчийди?!» деб тўғри ўйлаган эди. Сур билан гаплашгач, бунга яна бир қарра амин бўлди.

Асадбекнинг ҳузуридан «Сур» лақаби билан чиққан Ахтамнинг кайфияти ўзгача эди. Бўлажак шахмат ўйинида ўзига «от» мартабасининг берилиши уни қониқтирмади. То Тарзан тирик экан, бўлажак «шоҳ» мартабасига эриша олмаслигини билгани учун, камида «фарзин» даражасини мўлжалларди. Бек акасининг марҳаматидан ранжимади. У аҳмоқ эмас, юқори мартабага бирданига чиқиб бўлмаслигини билади. Ҳозирча «пиёда» бўлишга ҳам рози, чунки «пиёда» ақл билан юрса, тезроқ «фарзин»га айланади. «От» эса қанчалик кучли юриш қилмасин, «фарзин» бўла олмайди. Нар и борса, тирик қолади. Йўқса, «шоҳ»ни асраш мақсадида оддий пиёдага ҳам қурбон қилиб юборадилар...

Сур кўчага чиқиб, бир оз пиёда юрди. Эрталаб қибла томондан эсган шамол ҳайдаб келган кўнғир булут тўккан кўз ёшлари билан шаҳар кўчаларини ювиб, ҳавони мусаффо қилиб қўйган эди. Пок кўнғилли одам бундай мусаффоликнинг кадрига етади; сайр қилгиси келади, суҳбатлашиш учун кўнгли пок қалбли дўстни истайди. Ахтам ўзга тоифадан. Табиатнинг фусун-

кор гўзаллиги уни мафтун қилган эмас. Чунки унинг қалби гўзалликни ҳис қила олиш туйғусидан маҳрум эди. Устига устак, Асадбекнинг ҳузуридан чиққан дамда хаёли бошқа нарса билан банд, табиат чиройидан баҳра оладиган ҳолатда эмасди. Ёмғир яна шивалай бошлаганда эти жунжикиб, пиджагининг ёқасини кўтарди-да, икки кўлини шими чўнтақларига тикиб, қунишиб олди. Беш-ўн кадам юргач, Тарзанга айтadиган гапларини ақли чиғириғидан бир-бир ўтказиб олиб, йўловчи машинага қўл кўтарди.

Анҳор гугурт қутиларидай терилган кўп қаватли уйларни ёнлаб ўтиб, битмай қолган бинодан сал нарида ўнгга бурилади. Хусусий ошхоналарга ижозат берилган йили ишнинг кўзини биладиган бир одам шу ерни обод қилган эди. Тарзан билан Ахтам бегона кўзлардан панада бўлган шу жойда вақт ўтказишни ёқтиришарди. Дастлаб ошхона хўжайинига даъво қилмадилар. Очиғи, «бу ошхона бирон-бир зўрнинг паноҳидадир», янада аниқроғи, «бунақа зўр жойни Ҳайдар ака тинч қўймайди», деган гумонда бўлдилар. Гумонда бўлдилар-у, чўчимадилар. Сичқонни пойлаётган мушук каби сергак бўлиб, кутдилар, кузатдилар. Гумон пуч эканини билгач, ошхонани ўз «паноҳларига олганларини» хўжайинга маълум қилдилар. Хўжайин Ҳайдар акасига арз қилажагини айтганида «Ҳайдар акаи ўртага қўйма. Акахон кимлигингни билмайдилар, ошхона очганингдан ҳам хабарлари йўқ. Номларини сотиб юрганингни кулоқларига етказиб қўйсак, шўринг қурийди», деб бир-икки тепки билан сийлашгач, уларни ўз паноҳкори сифатида қабул этишга мажбур бўлди.

Кесакполвоннинг ўз чойхонаси – қозихонаси борлигини улар билардилар. Унда содир бўлган воқеалардан озми-кўпми хабардор эдилар. Бу ошхонани ана шундай қозихонага айлантиришни ният қилдилар. Ниятлари амалга ошмай туриб, Асадбекнинг назарига тушдилар. Бу улар учун муддаонинг айни ўзи

эди. Мақсад чўққисига айланма сўқмоқ орқали эмас, тикка йўл билан чиқа олиш имкони туғилганидан кувонсалар-да, сергакликни бой бермасликни маъқул кўрдилар.

Улар Бек акаларининг энг ишончли қаноти ҳалокатда жон берганини билардилар-у, аммо бу фожиа сабабидан беҳабар эдилар. Кесакполвоннинг кесилган боши кафансиз Ҳосилбойваччанинг лаҳадига қўйилгани ҳам уларга маълум эмасди. Шу боис ҳар иккови ҳам Бек акаларининг бу марҳаматлари боисини англай олмай, гаранг эдилар. Бек акалари яратган шайтанат оламига дадил эмас, таваккал қилиб кириб келишдан ўзга чоралари йўқ эди. Сур Бек акасига шахмат ўйинини эслатгани билан, уларнинг тақдири кўпроқ ошиқ ўйинини эслатарди. Ошиқ тепилганда олчи турадими ё йўқми...

Тарзан ошхонанинг хос хонасида эмас, ўзига хуш ёқадиған соҳилдаги шийпонда ўтирарди. Столнинг ўнг томонига қўйилган шахмат тахтасида қора шоҳ билан фарзин, икки катак нарида оқ шоҳ билан бир фарзину тўра қолган эди. Шахмат масалалари ечишга ишқибоз бўлган Тарзан доналарни терган-у, масалани ечишга келганда хуши бўлмай, сувга термулганича ўйга толган эди. Стол ўртасига қўйилган икки шиша пивонинг оғзи очилмаганди. Сур уни кўриб «мени пойлаётган экан», деб ўйлади. Табиатан ичкиликни ёқтирмайдиган Тарзан пивони Сурга илиниб олиб қўймаганди. Сўрамаса ҳам, ошхона хўжайини «Бугун эрталаб Чимкентдан ўзим олиб келдим», деб лутф қилган эди.

Сур индамай келиб, шахмат тахтасидаги доналарга тикилди, ўзича нималарнидир чамалагач, сўради:

– Оқлар бошлайди ва икки юришда мотми?

Тарзан унга қараб қўйди-ю, жавоб бермади. Сур унинг қарашига парво қилмай, доналарни у-бу катакларга суриб, йўл излади. Сўнг бош чайқаб, деди:

– Икки юришда мот қилишнинг иложи йўқ. Уч юришда...

– Мен уч юришлик ўйин ўйнамайман. Мен бир юришда мот қилишим керак, – деди Тарзан маънодор оҳангда.

– Бунга ҳали вақт бор, – деди Сур гап тагига яширинган маънони англаб. – Қора шохни бу туришида мот қилиш осонмас. Уч юришга сабр қилишдан бошқа чора йўқ.

Сур уч юриш қилиб қора шохни бир чертиб думалатди-да, Тарзаннинг рўпарасига ўтириб, шишаларнинг оғзини очди; бирини дўсти томон суриб қўйди. Тарзан шишага қараб қўйди-ю, қўлига олмади.

– Қанақа гап топиб келдинг? Катта аканг мияннинг бўшаб қолган мурватларини бураб қўйдими? – деди унга тикилиб.

Сур жавобга шошилмади. Пивонинг ярмини ичиб, лаззатланганини ошкор қилиб, лабларини чўлпиллатиб қўйди. Кейин яна бир кўтаришда шишани бўшатиб, одатини такрорлади.

– Катта аканг меҳмон қилмадими? Юрагинг қуйиб кетдими? – деб пичинг қилди Тарзан.

– Сен билан мени меҳмондорчиликка чақирмайди, жони гаровга қўйилса, хизматга чорлайди, шунга ақлинг етмадими? – деди Сур иккинчи шишани ҳам қўлига олиб.

Унинг бу қилигидан аччиқланган Тарзан шишани тортиб олди. Сурнинг ҳозирги гапи унинг учун янгилик эмасди. Икки кун аввал Асадбек билан гаплашгандаёқ бу мақсадни англаб етганди. Бир неча йигитга бош бўлиб, ҳукмини ўтказа олаётганидан ҳаволанган Тарзан ўзидан зўрроқ одамнинг оёғи остида ўралашиб қолаётганидан ғашланган эди. Эртами ё индинга бу хорликдан шараф тожигга кўтарила олишига ишончи бўлса-да, ёшлик ғурури бугунги тубанликни ҳазм қила олмаётган эди. Сурнинг гапи қалбини кемираётган шу ҳақиқатни тирнаб қўйгани учун ҳам аччиқланди.

Гавҳар бозорида мунчоқнинг қиймати, куёшнинг

хузурида чироқнинг нури бўлмаганидек, баланд минара ҳам тоғ чўққиси этагида паст кўринади. Тарзан буни билади, тушунади. Асадбек хузурига қадам кўйгач, оғиз маҳкам, кўз ва кулоқ очиқ бўлиши зарурлигини ҳам билади. Ахтам икковини Асадбек йўқлади. Алоҳида-алоҳида гаплашди. Улар Асадбекка кўшилиб, ўз ҳаётларини йўқотдиларми энди? Тарзаннинг фикрича шундай, аслида эса уларнинг ўз ҳаётлари бўлмаган. Одамийликдан нарида юриш ҳаёт эмас, ҳайвонийлик эканини уларнинг ожиз онглари фаҳм эта олмагач, яна қандай хулосага келишсин?

– Ҳов ақлли аҳмоқ, гапни чувалаштирма! – деди Тарзан, жеркиб.

– Гапни чувалаштираётганим йўқ. Сен билан менга ўхшаган ақлли аҳмоқларга кунлари қолган бўлса, Бек акамнинг дўппилари тор келганга ўхшайди.

– Тўғри тушунибсан... – Тарзан шундай деб жим бўлди. Кейин Ахтамга тикилган ҳолда сўради: – Сен Худога ишонасанми?

Кутилмаган савол Ахтамни ажаблантирди. У ҳам шеригига тикилиб қолди.

– Мен Худони кўрмаганман, кўрмаган нарсага ишонмайман. Мен кўзимни очиб, қамоқхонани кўрганман, милисани кўрганман. Уларнинг борлигига ишонаман.

– Сен улардан кўрққанинг учун ишонасан.

– Нима дединг? Мен кўрқаманми? Сен ўз уйингга кириб-чикишдан кўрқасанми? Мен ҳам шунақаман. Қамоқ билан милисадан сен кўрқасан, ана, Бек акам ҳам кўрқади. Сен билан менинг фарқимиз шунда.

– Бўпти, майдалашма, Худога ишонасанми ё йўқми, жавоб бер.

– Ишонмайман, дедим-ку?

– Бекор қиласан, ишониш керак: Худо бор. Бўлмаганида бизни Бек акамизга рўпара қилмас эди. Нимага учраштирди? Ўйлаб кўр-чи?

– Ўзинг ўйлаб кўргандирсан, айтавер.



– Жойини олишимиз учун учраштирди.

– Бу фикрингга гап йўқ! Бек аканг тахтида кўп ўтириб қолди. Ҳатто моғорлаб ҳам кетгандир. Ёшларга бўшатиб берса ҳам бўларди. Бу жой сенга ярашади. Тахт таллашиш иккаламизга ҳам тўғри келмайди. Биз кўринмас темир занжир билан боғланганмиз. Яшасак бирга яшаймиз, ўлсак бирга ўламиз. Ёшим катта бўлса ҳам, мени «ака» дегинг келмайди, ғуруринг йўл қўймайди, сен олий ирқдансан, мен иркит бир мурдаман. Лекин сени «укам» дегим келаверади. Сени яхши кўришим шундан. Гапингни икки қилмаслигимга ҳам шу сабаб. Фақат... баъзида аклинг жуда-а ошибтошиб кетади, шунисига доғман. Аклинг тўлишиб кетган пайтда ҳам менинг гапимга кириб турсанг, Бек акангнинг тахти ҳаппаи ҳалол сеники. Агар шу тахтга чиқишинг учун менинг бошимни босиб кўтарилишинг шарт бўлса, калласини қўйиб бермаган – номард!

Бу гап Тарзанга хуш ёқиб, мукофот тарзида шишани у томон суриб қўйди.

– Сенинг бошинг менга керак, мен оғайнисини қурбон қиладиган номардлардан эмасман. Тахтни олсак, бирга оламиз, ололмай ўлсак ҳам бирга ўламиз. Сени кутиб ўтириб шу аҳдга келдим. Бек акамнинг таклифларини ерда қолдирмаймиз. «Қамишдек бел боғлаб» хизматни бошлаб юборамизми? – Тарзан шундай деб истехзоли жилмайди.

Сур пиводан бир ҳўплаб қўйиб, шеригига савол назари билан тикилди.

– Хизматни сен бошлаб тура қоласан. Менинг учтўрт кунлик зарур ишим бор.

– Қанақа иш?

– Кейин айтаман... – Сур яна пиво ҳўплади-да, шахмат доналарини бир-бир тера туриб, қўшимча қилди: – Балки айтмасман... Сен билан менинг ўйлаб қўядиган бир ишимиз бор: Бек акамнинг гроссмейстер эканини унутмаслигимиз керак. Ё «от» тепкисидан, ё «фил» ўқидан, агар лаллайсак, ҳатто «пиёда»нинг

аксиришидан ўлиб кетишимиз мумкин. Шунақа бўлганидан кейин қанақа ҳимояда ўйин бошлаймиз: сицилианчами ё кўхна ҳинд ҳимоясидами? Жавобингни айтмасанг ҳам биламан: ҳужумга ишқибозсан. Мен «от»ни сур, десам, пачоғинг чиқишини билсанг ҳам, «фил»ни сургинг келиб туради. Энди бу қилиғингни кўясан, оғайни. Бек акам ресторанда қармоққа илинадиган лақмалардан эмас!

Тарзан – ақлига бино қўйган, нима деса, нима қилса тўғри эканига ишонадиган йигит, бу гапларнинг ҳақ эканини тан олиши қийин бўлса-да, қамоқхона «академияси»ни битирган шеригининг огоҳлантиришини қабул қилишга мажбур эди.

Сур тераётган доналарини шарт суриб ташлади-да, ўнгдаги бурчак катакка оқ шоҳни, пастроққа эса битта қора пиёда билан фарзинни қўйиб:

– Бир юришда мот, – деб иршайди.

Тахта устида қора шоҳ йўқ эди, Тарзан бунга аҳамият бермади, Сурнинг бу масаласини ҳам майнавозчилик деб қабул қилди. Ҳолбуки, Сурнинг бу ҳаракати ўзига кўп маъноларни яширган эди...

## 2

Бу ёшдагиларнинг бирлари илм оламига кириб бориш, яна бирлари эгаллаган ҳунарлари билан барчани лол қолдириш умиди билан яшайди. Яна бирлари қўша-қўша ўғиллар кўришни Яратгандан сўрайди. Анҳор соҳилида ўтирган бу икки йигитга эса униси ҳам, буниси ҳам керакмас; иккови бир бўлиб, зулм оламини забт этишни истайди. Аниқроғи, истак ва орзу энди ортда қолган – жонларини гаровга қўйиб, ҳаракатни бошлаганлар. Илм талабидаги киши хайрли келажagini тасаввур қила олади. Тарзан билан Сур келажаклари шарафсиз ўлим эканини билсалар ҳам, буни тан олгилари келмайди.

Ўзни зўр англагани ҳолда, атрофида ўзидан-да зўр

борлигини билиб хавотирда яшашнинг балки лаззати мавжуддир. Ҳосилбойвачча ёки Кесакполвон каби хорланиб ўлишнинг роҳати бордир балки? Биров ити ўлса, ачиниб кўмиб кўяди. Уларга ким ачинди? Ким кафанлади? Ким жаноза ўкиди? Ким «Вой отам!» деб нола чекди?!

Вақти келиб, Тарзан билан Сур бир кунда, бир соатда, ҳатто бир дақиқада ажал ўқидан эмас, зулм салтанатига эгалик қилишни истаётган ўзга зўрлар қўлида жон беришларини, кафансиз кетишларини билсалар, бу онда эсларини йиғиб, йўлдан қайтган бўлармидилар?..

Худо билади... танлаган йўлларидан қайтишлари қийин, жуда қийин... камондан ўқ узилиб бўлган...

...нишон эса – ўлим!

Ўлимни ўйламаётган бу йигитлар ўлим шарбатини ичганларидан сўнг «ёш кетдилар-а, бечоралар!» деб уларга ким ачинар экан?

Ҳозир буни ўйлашмайди. Балки ҳеч қачон ўйлашмас...

Сур пивони охиригача ичиб бўлгач, ўз иши билан кетди. Тарзан эса сувнинг ожиз тўлқинларига боқиб ўтираверди.

Шу онда биров келиб, ундан «сен қандай бола эдинг-у, қандай йигит бўлдинг? Энди қандай одам бўлмокчисан?» деб сўраса, нима деб жавоб берарди?

Ун беш ёш арафасида турганда «Тарзан» лақабидан ҳали узоқда эди, яқинлари уни ўз исми билан «Марлен» деб ардоклашарди. Ҳа, уни ҳамма «яхши бола», деб мактарди, «ўғлим шунга ўхшасин», деб ҳавас қиларди. Отаси ҳам «ўғлим ўзим истаган йўлдан юриб улғайяпти», деб шодланарди. Йигирма ёшида шахмат оламини лол қолдириб, халқаро гроссмейстер шоҳсупасини эгалламоғига ишончи комил эди. Бу бахтли яқин келажакка ҳатто Марленнинг ўзи ҳам ишонарди.

...Тотли орзулар қанотида сузиш дўстининг ўлимига қадар давом этди.

Дўсти...

Жаҳонгирни шунчаки «дўст» дея олмайди. Назарида Жаҳонгирнинг фазилатлари бир «дўст» доирасига сиғмайди.

Жаҳонгир ҳеч маҳал сотқинлик қилмайди...

Жаҳонгир дўстидан жонини ҳам аямайди...

Жаҳонгир дўстининг ҳимоясига ҳамиша тайёр...

Ўн беш яшар йигитчага шу фазилатларнинг ўзи кифоя эди. Улар синфда ёнма-ён ўтиришарди. Уйлари ҳам бир кўчада эди.

Фақат...

Оталарининг мартабалари бир-бирига мос эмасди. Бирининг отаси иккинчисиникига паст назар билан боқар, ўғлининг бу хонадондан нарида юришини истар, бу истагини фарзандидан яширмас ҳам эди. Ота «бу бола билан ўртоқ бўлма», деб тайинлагани сайин ундан ўзга яхшироқ дўст йўқлигига ўғилнинг ишончи ортиб борарди.

Кинохона атрофига ин қўйган тўрт-беш зўравон мактабга бораётган болаларнинг йўлини тўсиб, чўнтагини қоқиб оларди. Ёнида пули йўқларга «жарима солинарди» – бугун ўн тийин билан қутулиши мумкин бўлган бола эртага йигирма тийин олиб келишга мажбур эди.

Жаҳонгир ҳам шу қармоққа илиниб, аввалига овқатланиш учун берилган пуллар билан қутулиб юрди. Кейин талаб ошавергач, бувисининг қутисидаги пулдан ола бошлади. Марлен «катта»нинг ўғли бўлгани учун уларнинг чангалига тушмаган, деб ўйлаш хато, бунинг бошқа сабаби мавжуд эди. Жаҳонгир зўрларнинг дастидан дўстига арз қилса, балки, масала осонроқ ҳал этилармиди... Лекин «кўр-қоқ» деган лаънат тамғасидан чўчиб, индамади. Зўрлар Жаҳонгирни чақиришганда Марлен уларнинг мақсадларини англади, лекин ўртоғининг пул узатганини кўрмагани учун «ўзи келишиб оляпти», деб аралашмасди. Жаҳонгир дардини ичига ютадиганлар тои-

фасидан эди. У ўзича чора излади, лекин топа олмади. Отасига айтиши ҳам мумкин эди. Лекин айтолмади. «Э, латта, шуларга кучинг етмайдами, мишигингни оқизиб юровур...» деганга ўхшаган таъна эшитишни хоҳламади; икки ўт орасида қолди. У ўзини ўғрилиги учун, кўрқоклиги учун айблади. Тунлари ухламай, ўша «зўр»лар билан хаёлан олишиб чиқди. «Эрталаб бораман, «Нима қилсанг қил, ўлдирсанг ўлдир, пул йўк», дейман», – деб қарор қилгани билан, «зўр»ларни кўргач, дами чиққан пуфак ҳолига тушаверди. Бора-бора бувиси пули йўқолганини билди. Жаҳонгир унинг «ўлимлигимга йиғиб қўйган пулим эди-я, қайси бемехр олди?» – деган гапларини эшитиб қолди-ю, ўн азоби минг бўлди. Ичга ютилган дард уни кемира бошлади. «Мен олувдим, шунақа воқеа бўлувди», деса – олам гулистон. Ота-онаси ҳам, бувиси ҳам бир оз қойиб, сўнг унутишарди. Йўк, ташқаридан туриб шундай фикрлаш осон. Жаҳонгирнинг ғўр ғурури бошқача йўлга ундади. Бир неча сўздан иборат гапни айтишдан кўра ўлимни танламоқлик унга осон туюлди – ярим тунгача руҳ азобида тўлғониб, ховлидаги тут дарахтидан, унинг шохига ўзи ташлаган сиртмоқдан паноҳ топди. Ўз жонига қасд қилгани учун тўнғиз қавмида кетишини, жаноза ўқилмаслигини, қиёматда дўзах азоби кутиб турганини бола бечора билмасди...

Марлен дўстининг осилиб турган ҳолатини кўрмади. Мурдани ўликхонадан олиб келиб, хотинлар уй бурчагига чимилдик тутишгач, ўртоқларининг киришига ижозат беришди. Тўй кўрмай жон берган йигит-қизларга ирим қилиб уйда чимилдик тутишлари, ғассол келгунига қадар мурда шу чимилдик ичида бўлишини Марлен ҳам, бошқа ўртоқлари ҳам билишмасди. Гулга кўмилган ўртоқларини кўргач, англашди.

Марлен ўлимнинг сабабини кейинроқ билди. Билди-ю, чорасизлигидан азобланди. Воқеани баён қилиб, отасидан мадад кутди. Ўғлининг Жаҳонгир

билан дўстлашишини истамаган отадан қандай мадад кутиш мумкин? Дастлаб «ўйлаб кўрамиз», деб гапни қисқа қилди. Уч-тўрт кун ўтиб, Марлен яна эслатгач, энсаси қотиб:

– Бу мен аралашадиган иш эмас. Ўлган боланинг отаси бор, онаси бор, милисага арз қилсин, – деди.

– Милиса ўша зўравонларни ҳар куни кўради, индамайди-ку? – деди Марлен.

– Тўғри, кўради. Индамаслиги ҳам тўғри. Чунки улардан чўтал олиб туради.

– Жаҳоннинг адаси ўша чўтал оладиган милисага арз қилиши керакми?

– Ҳамма нарсага аклинг етади: тўғри тушунибсан, арз қилишининг фойдаси йўқ. Ўлган ўлиб кетди, каёққа югурса ҳам қайтиб келмайди.

Марлен «ўша зўрлар менга осилса, сиз ҳам ўша милисага арз қиласизми?» демокчи бўлди-ю, жавобга отасидан яхши гап эшитмаслигини билиб, индамади. Отасидан нафратланиш билан чекланди.

...Марлен «Жаҳонгир ҳеч маҳал сотқинлик қилмайди», деб ишонарди ва унга ҳавас қиларди. Жаҳонгир ҳеч кимни сотмай, сирини гўрига олиб кетди. Энди унга ҳавас қилмайди...

...Марлен «Жаҳонгир дўстидан жонини ҳам аямайди», деб ишонарди. Жонини аямади... Фақат... дўстидан эмас, арзимас нарсадан аямади. Энди унга ҳавас қилмайди...

Марлен «Жаҳонгир дўстнинг ҳимоясига ҳамиша тайёр», деб ишонарди, унга ҳавас қиларди. «Мен-чи, мен дўстимни ҳимоя қила оламанми?» деб ўзига-ўзи кўп марталаб савол берган. Назарида ҳимоя қила олар эди. Маълум бўлдики, ўзига бўлган ишончи пуч экан. Дўстини ҳимоя қила олмади... Дўстни ҳимоя қила олувчи дўст эса кетди...

У Прометей ҳақидаги афсонани ўқиган эди. Олимп тоғидан оловни ўғирлаб, Одам зотига ҳадя этгани учун Зевс худоси уни қояга занжирбанд этган экан. Ўттиз

минг йил давомида, то Херакл отиб ўлдиргунига қадар, бир бургут тонгда учиб келиб, кечга қадар Прометейнинг жигарини чўқиб, азоблар экан. Жигар кечаси билан асл ҳолига қайтиб, тонгдан яна янги азоблар бошланар экан...

Афсонавий қаҳрамонга ўхшаш хаёлига ҳам келмаган, ҳали бировга тайинли бир яхшилик ҳам қилмаган Марленни хотира бургути ҳар куни жигарини эмас, юрагини чўкилаб азоб берарди. Отасидан нажот кутиб эди, умиди сароб бўлиб чиқди. Унинг халоскори йўқ эди. Зотан, хотира бургутини ташқаридан маҳв эта олувчи куч ҳам йўқ. Отаси кинохона яқинига уя қурган зўравонларнинг тухумини қуритган тақдирда ҳам, Тарзаннинг қалб яраси барибир тузалмас эди. Бу ҳақиқатни англашга ожиз ўсмирлик онги ҳаётни ўзгача тушунишга мажбур этди.

У ўзи яшаётган оиланинг «бахтли» деб сифатланишига тушунолмайд қолди.

Қунлар, ойлар ўтгани сайин ота-бола орасидаги бўшлиқ кенгаяверди. Улар гўё икки бегоналик қутбларига ҳукм қилингандай, бир-бирларидан узоқлашавердилар.

Ўн беш ёшга тўлган кунини ҳайратланарли тарзда нишонлаш режаси тузила бошлаганда кишлоқдан бобоси келди. Бу ташриф отасига ҳам, онасига ҳам ёқмади. Айниқса онаси зиёфатга «нозик меҳмонлар» келишини қайта-қайта писанда қилавергач, нозикфаҳм бобоси бевақт келганини англади. Буклоғлик тўнини ўнг қўлтиғига қистириб олган бобосини Марлен кўчада учратди. Аниқроғи, бобоси унинг мактабдан қайтишини кутиб турган эди.

– Жоним болам, сафарим қариди, кетяпман, – деди бобоси, унинг пешонасидан ўпиб.

– Туғилган кунимда кетиб қоласизми? – деди Марлен аразли оҳангда.

– Зиёфатларда ўтириш ёшларга ярашади. Биздақаларга чойхонада ёнбошлаш ёқади. Аччиқ кўк-

чойдан икки хўплам ичиб, гурунг қилсак, жаннатнинг роҳатига етгандай бўламиз. «Таралла-бедод ялла» мени ҳоритиб қўяди, жоним болам... Туғилган кунинг уйимда ўтириб, сени дуо қиламан. Сурувдаги йигирмата сара совлиқни сенга атаб қўйганман. Уйлангунинггача бир дунё бўлади.

Кексалар дардларини яширишга уста бўлишади. Уларнинг кўзларига тортилган маъюслик булутини ҳамма ҳам кўра олмайди. Овозларидаги ҳазинликни ҳамма ҳам сезавермайди. Марлен бобоси қалбини кемираётган дардни сезмаса-да, кетиши сабабини англаб, бошини эгди.

Бобосини кузатиб, автобус қўналғасига қадар бирга борди. Автобусни кутишга тўғри келди. Бобоси унга узоқ тикилди, дилидагини тилига кўчиришни истади: «Шу ёшга етдинг, улғайдинг, Худога шукур. Энди бу ёғига дунёни ўз ақлинг билан тушуниб етишинг керак. Лекин... даданг бунга йўл берармикин? Даданг қайсар... Ақли етарли, аммо керакли нарсаларга сарф қилмайди, шундан куяман. Худо сени берганда қувониб, отамнинг исмини қўймоқчи бўлувдим. «Шербек полвон» деган ном етти иқлимга тарқалганди. Саксон ёшларида ҳам кураклари ерга тегмаганди. Сенам полвон бўлиб, дунёга танилгин, деб умид қилувдим. Даданг гапимни эшитишни ҳам истамади, Маркс билан Ленинга сиғиниб, «Марлен» деб қўйди. Қишлоқдагиларга «неварамнинг исми Марлен», дейишга уялдим, «Шербек полвон» деявердим. Шунинг учун қишлоққа борганингда сени кўпчилик «Шербек» деб чақирарди. Онанг туғруқхонадан чикқанида қулоғингга азон айтмоқчи бўлувдим, даданг айттирмади. «Билиб қолишса, партиядан ўчирворишади», деди. Уч киши орасидаги сирни ким ҳам биларди? Бу бир баҳона-да! Ё мен парткомига бориб: «неварамнинг қулоғига азон айтдим», деб мақтанармидим? Ўшанда айттирмаганига қувонган ерим ҳам бўлди. Отингни «Марлен» дейишга Худодан уялдим... Даданг амали-



дан айрилиб қолишидан кўрқди, Худодан кўрқмади. Амални боғлаб берибдими, эртами-кечми, кўшқўллаб топширади... Сенга қийин бўлишини билиб турибман, жоним болам. Пайғамбаримиз: «бола беш ёшга тўлгунича у подшоҳу сиз унинг қули мақомидасиз, беш ёшидан ўн беш ёшигача сиз подшоҳу у қул мартабасида, ўн беш ёшдан кейин фарзандингиз билан дўст бўлинг», деган эканлар. Даданг буни билмайди, билганида ҳам амал қилмасди. Шунақа кибри бор унинг. У ҳамиша подшоҳ бўлишни истайди. Сенинг ёшингдагилар ҳамиша қул бўлиб қолишни исташмайди. Мен шундан кўрқаман, жоним болам...»

Бу гапларни айтишни жуда-жуда истади, аммо айтолмади. «Қишлоққа борса, бафуржа тушунтирарман», деган тўхтамага келди. Индамай кетиши ҳам мумкин эмасди.

– «Инсон» дегани нималигини биласанми? – деб сўраган эди бобоси ўшанда.

Билмас эди, елка қисди.

– «Унутувчи» дегани. Одам боласи кўп яхши нарсаларни унутади, шуниси ёмон. Энг ёмони – ўзининг Одам эканини унутиб қўяди. Сен шундан эҳтиёт бўлгин, жоним болам. Бойлик билан мартаба ақл билан топилади, ақл хира тортса, бир зумда йўқотилади. Бойлик ва мартаба билан ақл топилмайди. Бойлик билан мартаба бевафо, ҳар қандай одамни ташлаб, қақшатиб кетади. Ақл эса эгасига вафодор, жарликка қулашдан асрайди. Ақлни халоскор десак ҳам бўлади. Энди катта йигит бўлиб қолдинг, буларни фарқлашинг керак, тушунишинг керак. Ақлдан узоқлашма, жоним болам.

Бу ҳикматли гапларнинг васият эканини ўша дамда ўйлаб кўрмаган эди. Ўн беш ёшлилар ўзларини улғайган, етуклик чўққисини эгаллаган фаҳмлаб, катталарнинг насиҳатларига беписанд қарайдилар. Насиҳатларни тоқат билан эшитаверадилар-у, аммо дарров унутадилар. Ўз билганларидан қолмайдилар.

Марлен ҳам шуларнинг бири эди. Лекин бобосининг «ақлдан узоқлашма» дейиши унга ёқди. Буни ўзига шиор, ҳатто байроқ қилиб олди.

...фақат...

Фақат ақлни хайрли фазилатлар билан бойитишга уринмади, аксинча, зулм ботқоғининг захарли суви билан суғормоқни маъқул кўрди. Бобосининг ранжиб кетиши уни зулм олами томон дастлабки қадам кўйишига сабаб бўлди. Биринчи галда отаси ва онасини жазоланишни ўйлади. Жазо усулини топди ҳам. Унинг режасига кўра, туғилган куни шодиёналик эмас, балки ташвиш билан ўтиши керак эди. Ўзгалар тақдирига лоқайдлик ва беписандлик билан қарамоқликнинг бундан ўзга жазоси йўқ эди.

Адашган ақл уни кинохона томон бошлади. Кечагина жазоланишини хоҳлаган йигитлардан нажот истади. Зўрларнинг каттасига бориб, зарур гапи борлигини билдирди. «Зўр» сигаретини лабида ўйнатиб, ёнидагиларга бир ишора қилган эди, улар узоқлашдилар.

– Кичкина болалардан танга йиғиш жонингизга тегмадими, гадойга ўхшаб туришдан уялмайсизми? – деди.

Бу дадиллик «Зўр»ни бир неча нафас гангитиб кўйди. Кейин газабланиб, унинг кекирдагига қўл юборди:

– Нима деяётганингни биласанми, хумса?!

– Биламан, – деди Марлен, хотиржам тарзда. – Мўмайроқ пул ишлаш йўли бор, шуни айтмоқчиман.

«Зўр» киссавурлик қилгани учун икки йил болалар қамокхонасида ўтириб келгани билан бу олам учун ҳали ғўр эди. Шу сабабли Марленнинг таклифини мулоҳаза қилиб ўтирмай, унга дарров ишона қолди. «Зўр»нинг режа тузиши шарт эмас, Марлен бу ёғини пишиқлаб кўйган – режани амалга оширувчи ҳам ўзи, бу ёқдагилар эса шунчаки ёрдамчи эди. Режа амалга ошгач, тушган пулнинг ҳаммаси буларга қоларди. Марлен улуш олмасди. «Зўр»га шуниси ёқди.

У Ахтам билан ўшанда танишган эди. «Зўр» режа билан танишгач, ўзидан беш-олти қадам наридагн болага қараб «Мурда!» деб чақирганди. Буни эшитган Марлен «Мурда»нинг лақаб эканини билмай, «шунақа исм ҳам бўладими, бунча хунук!» деб ўйлаганди.

«Мурда» унинг режасини диққат билан эшитди-да, дарров ўзгартиш киритди:

– Ҳар бир ўртоғингга юз сўмдан талаб қилишинг инсофданмас, уларнинг нархини жуда-а ерга уриб юбординг-ку? – деди норози оҳангда.

– Сиз уларни билмайсиз, аслида сариқ чақага ҳам қиммат, – деди Марлен асабийлашиб.

– Сен учун сариқ чақага қиммат. Мен учун умуман қадри йўқ. Менга қолса, ўртоқларингни нима қилардим, биласанми? – Мурда савол берди-ю, жавобни кутмади, совуққонлик билан давом этди: – Ўлдирворардим...

Марлен буни ҳукм ўрнида тушуниб, кўрқиб кетди:

– Йўк, йўк, уларга тегманг, уларни фақат кўрқитиш керак, – деди лаблари титраб.

– Гапи тўғри, шилта ишни хаёлингга ҳам келтирма, – «Зўр» шундай деб Мурдани туртиб қўйди.

Марленнинг кўрқиб кетгани Мурдага ёқди, шеригининг танбеҳига парво ҳам қилмай, янада совуққонлик билан қўшиб қўйди:

– Ўзингни ҳам қўшворардим. Нимагалигини биласанми? – Марленнинг гап айтишга ҳоли қолмаганди, шу сабабли бу сафар ҳам саволига ўзи жавоб қайтарди: – Сенлар ҳамманинг қонини сўрадиган канасанлар. Сенлар, ҳа, сенинг ўзинг ҳам, бизларни ёмон кўрасанлар. «Ўғри» дейсанларми, «йўлтўсар», «талончи», яна нима балолар дейсанларми, ҳарҳолда гўрга киришимизни хоҳлайсанлар. Гапимни эшитиб, ичингда «ўзинг канасан», дединг-а?

– Йўк-йўк, бунақа гап калламга келмади, – деди Марлен. У гапнинг бундай чуваланишига ҳайрон, оқибатни билолмай гаранг бўлиб қолган эди.

– Ҳозир келмаган бўлса, бирпас туриб келади. Умуман, балки биз ҳам канадирмиз. Лекин фарқимиз бор: биз қонни томчилаб сўраемиз, сенлар челақлаб ичасанлар. Биз тўйишимиз мумкин, аммо сенлар тўймайсанлар.

Бу гаплар Марленнинг ҳамиятига тегди, ғурур кўркувни қувди:

– Беш қўл баробар эмас, – деди Мурдага тик қараб.

– Мақолни ҳам билар экансан, калланг жойида, – деди Мурда ишшайиб. Энди бир нарсани ҳал қилиб олайлик: бу гапларни бекорга айтмадим. Мен сенларни ёмон кўраман, ўла-ўлгунимча эзиб-янчишга, уруғларингни қуритиб юборишга ҳаракат қиламан. Сен ҳам мени ёмон кўрасан. Қўлингдан келса, сен ҳам мени янчиб ташлашга интиласан. Лекин ҳозир менга ишинг тушиб турибди. Бир-бирини ёмон кўрадиган иккита одам келишиб олиши керак. Каллангни ишлатчи, кейин нима бўлади?

– Ҳеч нима... сиз пулни оласиз, кейин юзкўрмас бўлиб кетамиз.

– Сен биладиган мақолни мен ҳам биламан: «бир кўрган таниш, икки кўрган билиш», дегани ҳам бор.

– Иккинчи кўришмаймиз, – деди Марлен ўжарлик билан.

– Сен кимлардандир қасос олмоқчисан, билиб турибман. Ўғил болалигинг учун сенга қойил қоляпман. Афсус укам эмассан, сендақа жигарим бўлганида бошимда кўтариб юардим.

Марленнинг кўзларида акс этган нафрат учқуни сезгир Мурданинг назаридан четда қолмади:

– Ҳа? – деди у ён томонига «чирт» этиб тупуриб. – Бу гапим ҳам ёқмадимми? «Акам бўлмаганингга Худога шукур, сендақа акаларни трамвайнинг тагига ташлаш керак», демоқчимисан? «Ака» демасанг ҳам, трамвайнинг тагига ташлашга шошилма. Мен сенга ҳали кўп керак бўламан. Мен қасоскорларни яхши кўраман. Сен ҳам шу рўйхатга тушдинг...

Ўшанда Марлен бу «Мурда»нинг кўп керак бўлишини тасаввурига сиғдиролмаган эди. Ўша онда бир фолбин келиб: «тез орада ҳаёт йўлларинг бирлашиб кетади», деса, уни телбага чиқарган бўлармиди...

Мурда, ўзи айтганидай, гапни бекорга чўзмаётган эди. У тажрибали жаллод сингари сиртмоқ ясаб, бу аклсиз қасоскорнинг бўйнига солаётганди. Сиртмоқ тайёр бўлгач, муддаога ўтди:

– Ўртоқларингнинг ҳар бири учун минг сўмдан талаб қиламиз.

– Бу кўп, жуда кўп, – деди Марлен.

– Оширворма, – деб уни қувватлади «Зўр».

– Кўп эмас, бунақа арзандалар учун кам сўрасанг, ишониймайди. Бериладиган пулни биз эмас, сен оласан.

Марлен бу гапни эшитиши билан кўрқув талвасасига тушиб, бақириб юборди:

– Қанақасига? Мен фош бўламанми? Мени ўлдиришади!

– Биз бор эканмиз, сени ўлдирадиган одам ҳали туғилмайди, – деди Мурда совуқ оҳангда. – Агар, биз меровлик қилиб қолсагу сенинг бир тола сочинг беҳуда тўкилса, уларнинг ҳаммаси ўлади.

– Йўк-йўк, уларни ўлдирманг...

Бу ялиниш оҳанги Мурдага мутлақо таъсир этмади. Совуқ нигоҳини Марленга тикканича, совуқ оҳангда қўшиб қўйди:

– Уларга қўшилиб ота-оналари ҳам ўлади.

Кейинги ҳукм Марленни тамоман гангитди. Йиглаб юборишига оз қолди. Буни сезган Мурда муддаосига етганидан қониқиб, ҳукмни юмшатди:

– Мен тахминимни айтяпман, кўрқма. Биз одамхўр ҳам эмасмиз, қотил ҳам эмасмиз. Биз бировнинг бурнини қонатмаймиз. Биз ҳам ўзингга ўхшаган қасоскормиз. Ҳаёт сенларни эркалатган, бизларни озгина хафа қилган. Хафа қилганларнинг сал-пал адабини берамиз, бошқа ёмонлигимиз йўк...

Дунёда яшаётган миллиард-миллиард одамлар ўн беш ёшга тўлган кунларини зиёфатсиз, тантанасиз ўтказганлар. Ўн беш ёшга тўлган кунларини бир тишлам нонга зор ҳолда ўтказганлари ҳам бор. Туғилган кунни тантанасиз ўтказиш ҳам мумкин. Бу кундан ўз манфаати йўлида фойдаланиш, кимлардандир нималарнидир ундириб олиш ҳам мумкин. Кўп ҳолларда туғилган кун баҳонасида дастурхон ёзилганда бу хонадон осмонида тама қуёши порлаб туради. Марлен бу қуёш нуридан ҳар йили безиллаб турса-да, унинг юзини тўсишни ўйламасди. Аниқроғи, тўсиш қўлидан келмаслигини билиб, эзиларди. Бу сафар, бобосининг уйига қайтиб кетиши унинг қалбида исён ўтини ёқди. Ҳамонки, ўт ёқилган экан, кимнингдир қуйиши аниқ...

Марлен энг яқин ўртоқлари билан кундузи қаҳвахонада катталардан алоҳида давра куриб ўтириш нияти борлигини ота-онасига айтди. Онаси савол назари билан қараб қўйди-ю, индамади. Отаси эса ўртоқлари кимлар экани билан қизиқди. Шундай савол берилишини аввалдан билган Марлен исмлар рўйхати ёзилган қоғозни отасига узатди. Рўйхатдаги болалар зиёфатга чорланган нозик ва мартабали одамларнинг эрка фарзандлари бўлгач, отаси нима дерди?! Зиёфат янада мазмунли ўтажагидан қувониб, ўғлининг ақлига таҳсин айтиб, шаҳар марказидаги қаҳвахонадан жой ҳозирлатиб берди.

Лабига сигарет қистириб олган «Зўр» беш ўсмир йигит ва икки қиз ўтирган тўкин дастурхонли столга аста яқинлашиб, одоб билан саломлашди-да, Марлендан гугурт сўради. Марленнинг режасида «Зўр»нинг бу тарзда яқинлашиши йўқ эди, шу боис бир оз довдиради:

– Гугурт... йўқ... чекмайман...

– Йигитнинг гули чекмаса қизиқ-ку? – деб «Зўр» бошқа йигитчаларга қаради. Уларнинг бири чўнтагидан ёққич олиб, узатди.

– Бор экансан-ку, йигитнинг гули! – деди «Зўр» жилмайиб. Кейин сигаретини тутатгач, ёққичга ҳавас билан қаради: – Зўридан экан, қойилман. – Ёққични эгасига узатгач, изига қайтиш ўрнига Марленнинг ёнидаги бўш стулга ўтирди. Унинг бу қилигидан ажабланган йигитчалар бир-бирларига маънодор қараб олдилар. Қизлар эса «бу сурбетга индамайсанларми?!» дегандай қошларини чимирдилар.

– Братан, лимонад-пимонад қуйиб берайми? – деди ёққич берган йигитча пичинг билан.

– Раҳмат, братишка, мен лимонад ичиш ёшидан ўтиб кетганман. Сенлар ҳам ўтганга ўхшайсанлар-у, лекин бунақа ўтиришларингга беш кетмадим. Сенларнинг ёшларингга товонларимиздан ўт сачраб турарди.

– Бизнинг ёшимизда?.. Анча қариб қолибсизда, а? – деди Марлен заҳарли оҳангда.

– Ўтиришимизнинг нимаси ёқмади? – деди ёққич узатган бола дағаллик билан.

– Айтаверайми, хафа бўлмайсанларми? – «Зўр» шундай деб уларга бир-бир қараб олди. – Сувга тушиб бўккан бўлка нонга ўхшаб ўтирибсанлар. Мазза қилиб яйраб-ўйнамайсанларми?

– Ишингиз бўлмасин, қанақа ўтиришни ўзимиз билламитиз, – деди Марлен жеркиб.

– Гап йўк, братишка, фақат... кичкина таклифим бор, ўйлаб кўрларинг. Ёқса, хизматларингга бўламан. Бир жойда, сенларга ўхшаган яхши болларга атаб кичкинагина видеобар очган эдим. Бугун кечгача бўш, Масковдан янги кинолар олганман, агар ҳафсала қилсаларинг анави опангга айтасан, бошлаб боради, – шундай деб дераза томондаги столда ёлғиз ўтирган жувонга қараб қўйди. – Нархини келишамиз, яхши боллардан кўп олмайман.

«Зўр» шундай деб ўсмирлар юрагига қизиқиш ўтини ёққач, қаҳвахонадан чиқиб кетди. Ўтирганлардан айримларининг уйларида видеомагнитофон бўлгани билан ўзлари хоҳлаган кинофильмларни

кўришдан маҳрум эдилар. Шаҳардаги яширин видеобарлардан хабардор бўлганлари учун ҳам Москвадан кечагина олинган томошаларни кўришга қизиқиш қолдилар. Бир қиз боришни истамади. Бошқалари эса тотли лаҳзалар умидида жувонга эргашиб кетдилар.

«Зўр» уларни алдамаган эди, ўн икки қаватли иморатнинг ертўласида жиҳозланган яширин видеобарда кутиб олди. Видеобар номига яширин ҳисоблансада, хилватда жойлашмаган, назорат қилувчи керакли одамларга вақтида чўтал тўлаб турилгани учун бу атрофдан ўтган мушукни биров пишт демас эди. Ахтам доимий мижозлардан бўлгани сабабли бу маишатхонанинг хўжайинига сўзини ўтказа оларди. Марленнинг таклифи ва режасини эшитганда биринчи галда шу жой кўз олдига келди. Хўжайинга уч кунлик маишати борлигини билдириб, ҳаққини олдиндан тўлаб қўйди. Хўжайин мижозларини гангитиб қўймаслик мақсадида эшикка «вақтинча ишламийди» деган эълонни ёпиштириб, калитни Ахтамнинг қўлига топширди-да, тўртинчи куни эрталаб хабар олажагини билдириб, хайрлашди.

Ахтам калитни «Зўр»га бериб, ўзи сал наридаги қаҳвахонада пайт пойлаб ўтирди. Режага кўра, меҳмонларни, аниқроғи, қармоққа илинган лақма балиқчаларни хушнудлик билан кутиб олиб, ухлатиб бериш унинг зиммасида, қолгани эса Ахтамнинг иши эди.

Ярим қоронғи кенг хона бурчагида турган телевизор рўпарасига юмшоқ ўриндиклар қўйилган. Ҳар икки ўриндик олдидаги пастак столча усти маишатга лозим егулик ва ичимлик билан безатилган эди. Меҳмонлар жойлашиб олишгач, «Зўр» битта шампан виносини очиб, қадахларга қуйиб чиқди.

– Биринчиси менинг ҳисобимдан, таклифимни ерда қолдирмаганинглар учун совға десам ҳам бўлади. Бундан кейин келганларингда ҳам биринчиси мендан бўлади. Қолганларининг ҳисоби бор. Ҳисобли дўст



айрилмайди, дейишади-ку, тўғрими? Бу меҳмонхонада ҳақни олдиндан тўлаб қўйиш одати бор.

– Бу масалада Марикка мурожаат қиласиз. Бугун унинг туғилган куни, роппа-роса ўн бешга тўлди, – даврадаги ягона киз шундай деди-да, ёнида ўтирган Марленнинг юзини меҳр билан силаб қўйди.

– Ие, зўр-ку! – деди «Зўр» бу «янгилик»дан қувонгандай бўлиб, – Унда яна битта шампан мендан. Биринчисини Марикжон укамизнинг соғлиги учун оламиз. Бир юз ўн бешга кирганигда ҳам шу ерда жамоа жам бўлиб маишат қилайлик! – «Зўр» қадахга лабини теккизиб, хўплагандай бўлди.

Қиздан бошқалари ўринларидан туриб, чўқиштириб ичишди. Оёғини чалиштириб ўтирган киз ичиб бўлгач, жойига ўтирган Марлен томон чўзилиб, ёноғидан ўпиб қўйди.

– Бир юз ўн беш ёшни нишонлаш учун бундан тузукроқ жой танланса ҳам бўларди, – деди лабини нозли равишда буриб қўйиб.

– Жой ёқмадим, сингилжон? – деди «Зўр» унинг қадахини тўлдира туриб.

– Ну, бир мартага ничего, – деди киз беписандлик билан.

– Бир мартага яраган жой иккинчи мартага ҳам бўлаверади, – деди «Зўр» унга суқ билан тикилиб.

Қиз бундай тикилишнинг маънисини англаб, юзини тескари бурди.

– Братан, бўладиган ишни қилинг, лекигин роса эзма экансиз, – деди йигитчаларнинг бири.

– Зўр гап айтдинг! Бўладиган ишнинг бўлгани яхши. Қанақасини қўйиб берай: «Эммануэл»дан бошлайми?

– Между прочем, бунақа эротикани ҳозир боғчада кўрсатишади, – деди киз қошларини чимириб.

– Ростакамидан қўйинг, – деб уни қувватлади Марлен. – Масковдан янгиси келди, деб мақтанувдингиз-ку?

– Шунақа гапларга беш кетаман-да, – деди «Зўр» телевизор томон юриб. – Ҳақиқий сексни кўрмаган йигит йигитми!

Болалар кутган беҳаё кинофильм қўйилгач, уларни эсноқ тута бошлади. Беш дақиқа ўтмай, шампанга қўшилган дори таъсир қилиб, олдинма-кейин ухлаб қолдилар.

Орадан олти соат ўтгач, бирин-сирин уйғониб, ўзларини ҳожатхонанинг ҳиди келиб турган зах ва қоронғи хонада, қўл-оёқлари боғланган ҳолда кўриб кўрқувга тушдилар. Кўзлари қоронғиликка ўргангач, бир-бирларининг қораларини кўриб, овоз чиқардилар. Кўйлаги тугмалари ечилиб, сийнабанди кўриниб қолган қизнинг аҳволини кўрмадилар, кўрганларида ҳам нима қила олар эдилар? Улар «бизларни ўтирлаб қандайдир ахлатхонага ташлаб кетишди», деб ўйладилар. Ҳолбуки, маишат учун ўтирган жойларининг ёнгинасидаги қаровсиз омборхонага олиб чиқилган эдилар. Ҳаммадан кейин Марлен уйғонди. У ҳам ўзини ажабланган ва кўрққан кўрсатиб, титроқ овозда: «Нима бўлди?» деб сўради.

– Буни сендан сўраш керак? – деди киз, уни те-пишга ҳаракат қилиб.

– Нега мендан сўраркансан? Бу ерга мен зўрлаб олиб келмадим-ку? – деди Марлен ўртоқларига нажот нигоҳи билан бокиб.

– Нега дарров ўзингни оқлаяпсан? Бир гап борми? – деди ўнг томонда ўтирган йигитча.

– Оқлаётганим йўқ, Нилуга жавоб беряпман, – деди Марлен саросимали овозда.

– Ҳеч ким ҳеч кимни айбламасин, – деди ўнг томондаги йигитча ҳукм оҳангида. – Ҳаммамиз барабар тўрга илиндик. Ҳароми қаёққа ғойиб бўлди?

Шу гапни пойлаб тургандек, эшик очилиб, юзига аёлларнинг юпқа пайпоғини никоб сифатида тортиб олган Ахтам кириб келди.

– «Ҳароми», деганда мени назарда тутдингми? –

деди йигитчага қараб. – Тўғри топдинг. Мен ҳаромдан туғилганман. Ҳозирча шуни билиб турганинг етарли. Қамокхонада туғилганимни билсанг, қўрққанингдан эсинг тескари бўлиб кетади. Ҳаромдан туғилганим учун ҳеч қанақа ҳаром ишдан қайтмайман. Сенлар ҳам, ота-оналаринг ҳам ҳароми эмас, «олий зот»санлар... – Ахтам «олий зот»га кинояли урғу бериб, аламли жилмайди-да, «ҳароми» деган йигитчанинг пешонасини силамоқ учун қўл узатди. Йигитча бошини тортмоқчи эди, қўл-оёғи боғлангани учун звини қилолмади. Ахтам унинг пешонасини меҳрибон ота каби силаб, гапини хотиржам равишда давом эттирди: – Лекин ҳаромдан ҳазар қилмайсанлар. Шунақа бўлгандан кейин ҳаммамиз ҳаромимиз, тўғрими? Ҳаромилар жам бўпмиз, бир иш қилайлик: мен сенларга ҳам, ота-оналарингга ҳам ҳаром ҳақида кичкина дарс бериб қўймоқчиман.

Қиз бу овоз эгаси бошқа одам эканини фарқлади.

– Сен кимсан? Бизни бу ёққа олиб келган одам қани?

– Менми? – деди Ахтам калака оҳангида. – Мен одамхўр махлуқман, қорним очиб кетувди, сенларни бошлаб келган ҳаромини икки ямлаб ютиб юбора қолдим. Яхши қилибманми? Шундай ширин болажонларни алдаб, қийнаган ҳаромининг бу дунёда яшашга ҳаққи йўқ!

– Биз билан бунақа майнавозчилик ўйнама, адаларимиз кекирдагингни узиб, қўлингга тутқазиб қўяди, – деди кизнинг чап томонида ўтирган йигитча. Ахтам бу томоша бошланмасидан илгари болаларнинг кимлигини суриштириб билгани учун унинг катта кетишидан ажабланмади. Ажабланмаса-да, адабини бериб қўйишни истаб, у томон уч қадам қўйди-да, томоғига чанг солди:

– Ҳей, хунаса! Мени сенсирарингми?! Қамокхонада киндигимни сен кесганмидинг! Билиб қўй: сен билан майнавозчилик ўйнаётганим йўқ. Адажонинг осмонга

қўл узатса, қуёшни узиб олиши мумкин, лекин менинг кекирдагимга ифлос қўли етмайди. Бунақа қўлни Худо ҳали яратмаган. Сен менга гапирадиган бўлсанг, ўйлаб ол. Тутқаноқ касалим бор. Ёкимсиз гапингни эшитиб, тутқаноғим тутиб қолмасин, кекирдагингни узиб олиб, «укахон, эт-бетингиз оғримаяптими?» деб хол сўрашга мени мажбур қилма!

Ахтам бўғилаёзган йигитни қўйиб юбориб, ўртага туриб олди. Бошқалар гап айтишга журъат қилмадилар. Йигитчалардан бири пиқиллаб йиғлай бошлади.

– Энди гап бундай бўлиб қолди, братишкалар: шу ўтиришларингнинг ўзи Масковдан келган янги кино бўлади. Уйингдагиларга хабар қилиб қўйдим. Ҳар бирингга минг сўмдан нарх қўйдим, кўрай-чи, ота-оналаринг қимматсирамай сотиб олармикин сенларни. Уч кун вақт бердим. Уч кунгача уч маҳалдан овқат бераман сен текинхўрларга. Кейин оч ўтирасанлар. Тўртинчи куни қўлимга пул тушмаса, биттадан ўлдиришни бошлайман. Ўлдирилган оғайниларингнинг гўштидан шўрва қилиб, ўзларингга ичираман.

– Кўрқитманг, ваҳима қиладиган ёшдан ўтганмиз, – деди Марленнинг ўнг томонида ўтирган йигит. – Пул керак экан, олдинроқ айтмайсизми, минг сўмни ўзим садақа қилиб юборардим.

– Биринчидан, минг сўм эмас, ҳар бирингдан минг; иккинчидан, мен садақа оладиган гадой эмасман, мен пулни ҳаппа-ҳалол ишлаб оламан. Учунчидан, тилингни тийиб, писта қилиб ўтир!

Ахтам шундай деди-да, у томон кескин қадам босиб, юзига қаттиқ тарсаки туширди. Йигитча ўнганмай туриб, бу юзига ҳам тарсаки тушди.

– Агар ўғил бола бўлсанг, биз билан ўғил болачасига гаплаш, – деди қиз овозини баландлатиб. – Қўлоёғи боғлаган одамни урушга ҳажи қизларнинг ҳам қўли бормайди.

Бундай гапни, айниқса, беписандлик билан сенсирашни киздан кутмаган Ахтам нима дейишини билолмай қолди.

– Бу гапинг ҳам тўғри, – деди бўш келиб. – Ҳали тутқаноғим бор, дедим-ку... шу тутиб қолди...

– Тутқаноғинг тутмасин. Уйимиздагиларга хабар берган бўлсанг, кут. Пулни беришади. Фақат... ёлғон гапирмаётганингга бизни ишонтир.

– Қанақа ёлғон?

– Уйимиздагиларга қандай хабар қилдинг? Уйимизни қандай топиб бординг? Ё телефон қилдингми? Унда телефон рақамини қаёқдан била қолдинг?

– Сингилжон, сиз аҳмоқроқмисиз ё менинг каллам айниб қолганми? Уйлариנגга битта-битта бориб келишим керакмиди? Ота-оналаринг ҳозир кимникида ўтиришибди? Манави галварсникидами? Ўн бешга кирганини нишонлашяптими? Ҳа... мазза қилиб ўтиришувди... Бунга бахт-саодат тилашятувди, – шундай деб, тотли нарса егандек лабини чўлпиллатиб кўйди. – Агар бу ердан тирик чиқса, бахтли бўлиши ҳам мумкин. Мен уларга қувончли хабар етказдим. Энди улар нима қилишади? Минг сўм-минг сўмдан тўплаб менга етказишадими? Ақллари бўлганда шундай қилишарди. Дунёдаги барча аҳмоқлар сингари улар биринчи галда милисага арз қилишади. Йў-ўқ... шу ерга келганда ақлсиз каллам яна адашди. Ахир ота-оналаринг оддий аҳмоқлардан эмас-ку?! Улар милисага арз қилишмайди. Милисанинг катталарига телпон қилиб, буюришади. У бечоралар оёғи куйган товукдай типирчилашни бошлашади. Биринчи галда сенлар ўтирган қаҳвахонанинг тит-питини чиқаришади. Бир-иккитасини одам ўғирлашда гумон қилиб, қамаб ҳам кўйишади. Ўшаларга ачинаман, емаган сомсага пул тўлаб, то сенларнинг тиригинг ё ўликларинг чиқмагунча калтак еб ўтиради. Ҳа, майли, кейин бир вақт топиб кўнгилларини оларман. Сенлар ҳам оталарингнинг кучига ишоняпсанлар. Майли, ишониб

ўтираверларинг. Муддат тугагач, биринчи бўлиб, сени сўйиб бераман. Ухлаётганингда у ер-бу ерингни ушлаб кўрувдим, биққигина экансан. Қизларнинг гўштидан зўр чучвара бўлади-да!

– Ҳайвон! Ифлос!! – Қиз ғазаб билан бақириб, Ахтам томон тупурди.

– «Ҳайвон» деганинг балки тўғридир, одамманми ё ҳайвонманми, билолмай ўзим ҳам баъзида адашман, – деди Ахтам гап оҳангини ўзгартирмай. – Лекин «ифлос» дейишинг тухмат. Чунки мен озода боламан. Чакалоқлигимда қамокхонада ҳафтада бир марта албатта чўмилтиришаркан. Мен шунақа озодаликка ўрганганман. Бугун чўмиладиган куним эди, сени татиб кўрганимдан кейин опоқ бола бўлиб олдим.

– Ҳақиқий ҳароми экансан! – Марлен шундай деб бақириб, у ҳам тупурди.

– Ие, бу жонондан сен ҳам умидвормидинг? Тушингни сувга айт! Бу жонон сени калишига патак ҳам қилмайди. Бунга йигитларнинг хўррози керак! Сен кимсан? Бир сўтаксан. Чумчуқ ҳам сендан тузукрок босади.

– Братан, бўлди! Сенга гап йўқ, ҳаммамизни аҳмоқ қилдинг. Энди ё овозингни ўчир, ё чиқиб кет, – деди қаҳвахонада ёққич узатган йигитча, ғазабли нигоҳини унга қадаб.

– Униси ҳам, буниси ҳам мумкинмас. Мен сенларни зериктирмай олиб ўтиришга аҳд қилганман.

Марлен қасос кўчасини танлаб, аста қадам босганида ишнинг бу қадар мураккаб ва шафқатсиз бўлишини кутмаган эди. Мурданинг қилиқлари, пичингли гаплари унинг сабр косасини тўлдириб, тошириб юборди. Ғазабдан кўзларигача қизариб кетди:

– Ўғил бола бўлсанг, чиқиб кет! – деб бақириб юборди.

Ахтам унинг ҳолатини сизди. Йигитчага яқинлашиб, кўзларига тикилди. Кейин жимжилоғининг ўсиқ тирноғини ёноғига ботириб, кичик айлана чиз-

гандай бўлди. Марлен унинг мақсадини англамай, кўзлари ола-кула бўлиб, талвасага тушай деди.

– Сен ҳали менинг ўғил бола эканимга ишонмадингми?

Ахтам захарли оҳангда шундай деб, унинг ёноғига мушт туширди. Зарба қаттиқ бўлгани учун Марлен ҳушини йўқотди.

– Кўзи омон қолди, шунинг ўзи катта бахт, – деди Ахтам хотиржам оҳангда. Кейин аввал қизга, сўнгра катта кетган йигитчага қаради: – энди икковинг бошқа хонага чиқасанлар.

– Йўқ, охиригача бирга бўламиз, – деб эътироз билдирди йигитча.

– Сен менга шарт қўйма, нима қилишни ўзим биламан. Сенларнинг оталаринг буларникидан баландда. Шунинг учун сенларга «люкс» хона керак. Оталаринг бу йил икковингни қовуштирмоқчи шекилли, а? Отангдан олдин мен қовуштириб қўя қолай, нима дейсан?

– Керакмас... илтимос, братан... – йигитча Ахтамга энди ялиниш нигоҳи билан боқди.

– Нега керакмас, дейсан, керак! Хоҳласанг ҳам, хоҳламасанг ҳам шу жононга уйланасан. Уйланмасанг, отангнинг оёғи осмондан бўлиб кетади. Уйлансанг, ўзинг ҳам баланд осмонларда учиб юрасан, уйланмасанг пачағинг чиқади, бола! Булар билан ўйнашма! Агар бу тавия кечаси кўзингга алвасти бўлиб кўринса, сен кўркма, битта чиройли жононни ўйнаш қилиб олгин-у, даврингни суравер. Сен бундан кўркма, бу ҳам ҳар ҳафтада бир ўйнаш алмаштириб, сенга даъво қилмайди. Энг муҳими – сен бунинг ишига аралашма. Эммунэлни биларкансан-ку, ўшанақасига яшайверсан. Қани турларинг!

Ахтам икковининг оёқларини бўшатди-да, ўринларидан турғазиб, бўйнилариغا чанг солганича итара-итара бошқа хонага олиб чиқди. Ҳали мушт зарбидан ўзига келолмай ўтирган Марлен кўзларини мўлтиллаганича қолаверди.

Хона чиндан ҳам ажабтовур эди. Бунда маишат учун барча шароит муҳайё этилганди. Ахтам бу сафар қадаҳларга шампан эмас, коньяк қуйиб иккови-га зўрлаб ичиргач, беҳаё фильмни кўйди. Яна бир қадаҳдан коньяк ичиргандан сўнг уларнинг қўлларини ҳам ечди.

– Мен айтганини бажарадиган ўғил боламан. Шу уй сенларники! – деди-да, қизга ишрат кўзи билан қараб олгач, чиқиб кетди.

Бу ўйин режада йўқ эди, кейин пайдо бўлди.

Ҳамма ухлаб қолгач «Зўр» қизнинг тугмаларини ечиб, у ер-бу ерини силаб, кучоқлаб нафсини кондираётганида Ахтам кириб келди.

– Қиз бола бўлмаганда маза қилиб олардим, – деди афсус билан.

– Қиз боламас, нимадан кўрқасан? – деди Ахтам.

– Қиз боламаслигини қаёқдан билдинг? – деди «Зўр» ажабланиб.

– Башараси айтиб турибди. Синаб берайми?

– Тегма! Қиз бола бўлса, «ўғрилар оламига иснод келтирдиларинг», деб оғалар бизни тинч қўйишмайди.

– Яхши, мен тегмайман, лекин исбот қилиб бераман, – деди Ахтам ўжарлик билан.

Икковлари бўлажак ўлжанинг тенг ярмини тикиб гаров боғлашди. Режага бу қалтис ўзгартириш шундан кейин киритилди.

Маишат учун мосланган хос хонанинг сирини фақат оз одамларгина билишарди. Бирор лақма каттароққа тушиши керак бўлса, шу хонага киритилиб, қилиқлари суратга олинарди. Суратга олиш учун мўлжалланган дарча ичкаридан сезилмасди. Қиз билан йигитчани ёлғиз қолдириб чиққан Ахтам сураткаш ўтирадиган тор хонага кирди. Бу ерда «Зўр» дарчага ёпишиб олганича ичкаридаги томошадан кўз узмай ўтирарди.

Гаровда Ахтам ютди. Ичкаридаги йигитча «Шалава экансан! Сенга икки дунёда ҳам уйланмайман!» –



деб ғалва бошлагач, Ахтам кириб, унинг қўлларини боғлаб, жойига олиб чиқиб қўйди-да, хос хонага иккинчи йигитчани киритди. Кейин учинчисини...

Кўркувдан титраб ўтирган йигитчалар тиззалари қалтираганича хос хонага кириб, кетма-кет икки қадах коньяк ичишгач, шерга айланишарди... Қизга бу ўйин ёқиб қолганмиди ё тақдирига тан берганмиди, ҳарҳолда Ахтамга ғазаб билан тикилмас, ғалва ҳам қилмас эди.

Эртасига Ахтам бир даста фото суратни кўтариб кириб келди. Тепадаги дарчани очган эди, хона сал ёришди.

– Кеча маза қилдиларингми? Кўрасанларми?

Шундай деб суратларни кўрсата бошлади. Йигитчалар ҳам уят, ҳам кўркув билан аввал суратга, кейин бир-бирларига қараб олишди.

– Бу милиса тилида нима дейилади, биласанларми? Бу ашёвий далил! «Вояга етмаган бокира қизни тўда бўлиб зўрлаш», дейилади. Ҳар биринг камида ўн йилдан олиб, Магадангами, ундан наригами жўнаб қоласанлар. Зўрлаш билан қамалганларнинг у ёқдаги ахволини эшитганмисанлар? Мен ўзим кўрганман: камоқдан чиққунларинггача хотинини соғинганларга хотинлик қиласанлар. Сенларни фақат мен сақлаб қолишим мумкин: агар бу ердан тирик чиқадиган бўлсаларинг ким қандай савол берса, «билмайман, эсимда йўқ», деб жавоб қайтарасанлар. Мени тушларингда ҳам кўрмагансанлар. Буларни, – суратларни баланд кўтарди, – Масковдаги прокуратурага жўнатаман. У ёққа адаларингнинг қўллари етмайди. Етса ҳам, синиб тушади. Мабодо, бир палакат бўлиб, қамалиб қолсам, менга бало ҳам урмайди, камоқ ўзимнинг уйим. Лекин шерикларим... – шундай деб йигитчаларга айёрона боқди, – кўрқмаларинг, ўлдиришмайди, ўлиб осон қутулмайсанлар, сенларни битта-биттадан тутиб, териларингни шилиб, туз сепиб қўйишади. Хўп, энди бўладиган гапга ўтаман: аданг

билан гаплашдим, – ёққич берган бола унга умид билан боқди, – аданг менга тан берди, милисадан умидини узибди. Менга шунақа деди, пулни ҳам тайёрлаб қўйибди. Лекин гапига ишонмайман. Пул бераман, деб қўлга тушироқчи. Мен икки ёшимда қамоқда шунақа ўйинлар ўйнардим. Майли, лакиллатдим, деб қувона турсин. Пул олгани мен чиқмайман. Пулни ма-нави ошналаринг олади.

– Нега мен? Мен... бормайман... – деб бақирди Марлен.

– Чийиллама, сўтак! Мен шундай қарор қилдим. Пул адангда. Адангдан олиб, менга берасан. Агар бу сўтак сотқинлик қилса, ҳамманг ўласан. Қоринларинг очгандир, бугун хотин гўштидан чучвара ейишга тайёрланиб турларинг.

Ахтам қатъий оҳангда шундай дегач, шарт ўгирилиб чиқиб кетди. Ичкаридагилар бақир-чақир қилганларича қолавердилар. Ахтам бу кеч маишатхонани эгасига топшириши керак эди. Шу сабабли шошилди, таваккал қилди.

Марлен отаси билан метро бекатида учрашди. Кучоқлашиш, кўп гаплашиб туриш мумкинмаслиги телефонда айтилган эди. Ҳам кўркув, ҳам уят исканжасидаги Марлен отасининг кўзига қарай олмади. Ўғлининг ёноғи кўкаргани, озиб, кўзлари киртайганини кўрган отанинг юрагида санчиқ турди. Кўлидаги тугунчани отиб юбориб, ўғлини бу азоб тўридан кутқаргиси келди. Чорасизлигидан эзилди. Азоб тўридан кутқазининг бирдан бир йўли – пулни бериб, сўнг кутиш балосига мубтало бўлиш эди. Атрофда милиция борлигини билади. Лекин уларнинг асосий нияти бу болани химоя қилиш эмас, жиноятчини ушлаш эканини ҳам билади...

Пул берилди.

Чорасиз ота кўзларини ёшлаб, унинг изидан тикилди...

Марлен худди телба каби ҳали у, ҳали бу поездга

чиқаверди. Унинг изидан тушган милиция ходимларининг ҳам силласи куриди. «Бу бола ё жинни, ё бизни лақиллатяпти», деган тўхтамга келишганда Марлен ўзини тикин вагонга урди. У қачон, қайси вагонда, кимга учрашишини билмасди. Шу тикинда Ахтам орқа томондан кулоғига шивирлади:

– Пулни бергин-у, ўгирилмай жим туравер, охиригача бориб, кейин уйингга жўна. Бир соатда оғайниларинг ҳам уйларида бўлишади.

Бу нохуш воқеа бўйича жиний иш кўзгалган эди, сўроқ-терговлар узоқ давом этди. «Хамма нарсани эсларидан чиқарган» йигитчалар, ҳатто қиз ҳам орадан ҳафталар ўтса-да, тайинли бир маълумот бера олишмади. Шундай кунларнинг бирида Ахтам Марленнинг йўлини пойлаб, уни учратди:

– Кечир мени, сал ошириб юбордим, шундай қилмасам бўлмасди, – деб қўл узатди.

Марлен узатилган қўлни олмади:

– Бошқа кўришмаймиз, дегандим-ку? Пулни олдинг, ҳеч ким ҳеч нарса дегани йўқ.

Ахтам унинг дангал сенсирашидан ғашланса-да, сездирмай жилмайди:

– Ўрислар «дунё тор, учрашмасликнинг иложи йўқ», дейишади. Ишимиз ҳали охирига етгани йўқ. Сен эртага терговчига бориб, «ўша куни бошим оғриб турувди, пулни «Зўр» олгани эсимга тушди», – дейсан. Оғайниларинг гапингни тасдиқлаб беришади.

– Нега?

– Шундай қилиш керак. Ўртадаги битта аҳмоқ йўқолса, икки ақлли бирлашиб, зўр ишларни қилиб ташлаши мумкин.

Марлен бу мавҳум гапга тушунмади: «хўп, битта аҳмоқ ўша «Зўр»дир, иккита ақлли-чи? Биттаси ўзими? Иккинчиси-чи?» Иккинчиси ўзи эканини ўша дамда тасаввур ҳам қила олмаган эди. «Рафику сумма тарик» – «аввал дўст танла, ундан сўнг йўл» ҳикматига зид ўлароқ, Марлен аввал йўлни танлаб, шу

йўлга яраша дўстга рўпара бўлди. Кўнгли оз муддат гашланди, лекин тақдирдан нолимади.

Шайтанат дунёсига кириш учун остона ҳатлаган Ахтам ўзи билан Марленни олиб киришни истади.

Бу истакнинг сабаби бор эди...

Отаси чизиб, қатъий чегаралаб қўйган худудни бузиб чиқиб, эркин ҳолда яшашни истаган Марленни қўлидан ушлаб, бу олам сари тортиш қийин бўлмади.

«Зўр»ни осонлик билан йўлдан олиб ташлашди. Орадан йиллар ўтиб, Марлен «Тарзан» лақабини олди. Иккинчи ҳалокатдан сўнг омон қолганда касалхонага йўқлаб борган Ахтам унга шу лақабни берди. Мана энди йўлларида асосий зўр турибди. Уни битта чақув билан олиб ташлаш мумкин эмас.

Ахтам кетгач, анҳор бўйида ўтирган Тарзан шуларни эслади. Кейин шахмат тахтасига қаради:

«Бир юришда мот», дедими? Айтишга осон...» – деб оқ шохни жимжилоғи билан йиқитди-да, ўрнидан туриб, керишди.

#### 4

«Жоним болам, эсингда турсин, сен билан мени бебахт қилган одамни улғайганингда топасан! Бу хўрликларимиз учун ўч ол! Унинг оти...»

Онасидан қолган ёдгор сўзларни қандай унутсин?

Онаси нима деб эркаларди?

Эсламайди. Биров «бўталоғим», дейди, яна биров «бахтим чечаги» дейди. Онаси нима деб эркалаганди? Қамокда ўтириб, қамокхонанинг муҳр босилган эски чойшабидан бошқа либосни кўрмаган боласини бағрига босиб «бахтим чечаги» дейиши мумкинмиди?

Эркаламасликнинг иложи йўқ. Ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто дўзах лабига келиб қолганда ҳам она қалбидаги сўнгги меҳр томчиларини боласига атайди. Ҳатто сўнгги нафасини ҳам боласини эркалашга сарфлайди. Афсуски, бу меҳр нурини бола эслаб

қололмайди. Ҳаётнинг турли тўфонлари унинг хоти-расидаги энг гўзал кўринишларни ҳам ғуборга кўмиб юборади. Ахтам бундан мустасно эмас. Димоғига она-сининг кўкрак хиди эмас, қамокхонанинг қуланса, бад бўйи ўрнашиб қолган...

Бадбахтнинг исмини айтган эди.

Уч ёшга тўлган куни у эркинликдаги болалар уйига юборилди. Онаси хайрлашув чоғида бу исми уч марта такрорлади. Уч яшар боланинг хотирасига муҳрлаб қўйиш учун шундай қилди. Сўнг... дили вайронлигича оқ тортиб қолаверди. У Қиёматда боласи билан учрашажагини билмасди, билганда эди, умид билан қоларди, боласини дуо қиларди. Дуо қилишни ҳам билмасди у бечора, ҳеч ким ўргатмаганди...

Ахтам эслаб қолди.

Исми ҳам, ўч олишга даъватни ҳам...

Онасининг жилмайганини, кўзлари қулганини эслолмайди. Ҳар кўришганида онаси йигларди...

Кўз ёшлари маржон-маржон онани унутиб бўларканми?!

Дардли хотира билан улғайди.

Кичиклигида қасос нималигига ақли етмасди, лекин қасос олиши шартлигини биларди.

Шу аҳд билан улғайди.

Болалар уйида улғайиб, чиройли ҳаётга учирма бўладиган вақтда ўғирлик қилиб, қамалиб қолди. Ўртоқлари яхши ўқишхоналарда ўқидилар. Қамокхона боғчасида тарбия олган Ахтам улғайгач, қамокхонада жиноят оламининг ўзига хос мактабида ўқиди. Қамокдан чиққанидан сўнг онасини суриштирди. Озодлик ҳавосидан нафас олишга улгурмай вафот этганини билиб, дунёга сиғмай қолди. Бутун дунёни остин-устун қилиб юборгиси келди.

Вақт суви алам ўтини аста совутгач, онасининг қариндошларини излади.

Ажаб!

Бобоси ҳам, бувиси ҳам, тоғалари, холалари ҳам

бор экан. Аммо улар қамокда туғилган болани танимадилар, танишни истамадилар. Бобо билан буви кизидан, тоғалар билан холалар сингилларидан аллақачон воз кечишган экан. Ахтамнинг онаси буни биларди, шунга қарамай, ўғли уч ёшга яқинлашганда отасига хатлар ёзиб, «боламини олиб кетинг» деб илтижо қилган эди. Бобо билан буви қизни кечиришмади, тукқан боласини «ҳароми» санаб, бағрига олишни исташмади.

Булардан беҳабар Ахтам уларни истаб топган эди...

Ахтам урф-одат, иснод, одамлар орасида бош кўтариб юролмаслик нима эканини билмас эди. Шунинг учун қариндошларининг юз ўгиришлари унга ғалати туюлди. Уйларида яшашга ҳам, уларнинг боқишларига ҳам муҳтож эмасди. Ўғрилар оламига тобе йигит кўчада хор бўлармиди!

Марленнинг режаси амалга ошиб, қўлига пул тушгач, айниқса, «Зўр» йўлдан олиниб, барча пулга эга бўлгач, бобосини йўқлаб борди:

– Сиз мени тан олмасангиз ҳам, онамнинг отаси бўлиб қолаверасиз. Қидириб келганимда мендан бир бурда нонингизни кизғандингиз. Уйлаб қарасам, сиз ваҳший экансиз. Ваҳшийни ўлдириш керак. Лекин сизни ўлдириш мумкинмас. Онам «бобонгдан хабар олиб тур», деган, мана, хабар олгани келдим, – деб бир даста пулни ташлади-да, хайр ҳам демай, изига қайтди. У ўз кўнглида бераҳмлардан шундай қасос олган эди.

Савдо соҳасида ишлаган онаси катта микдордаги маблағни ўзлаштириб олгани учун қамалган эди. Ахтам буни ҳам суриштириб, ҳақиқатнинг тагига етди.

Онаси савдода бирга ишловчи хушрўй йигитга кўнгил қўйиб, ота-она розилигисиз, никоҳсиз тегиб олган эди. Дўкондаги пулни ҳам ўша йигит хазм қилиб юборганди. «Қорнингдаги боланг етим қолмасин, сенга раҳм қилишади, ҳомиладорларни қамашмайди»,

деб аврагани учун айбни бўйнига олган эди. Йигит номардлик қилиб ғойиб бўлди...

Ахтам ўшани... ўз отасини топди.

Қасос йўлларини ўйлаб юрганида у номарднинг ўғлига ҳам дуч келди.

Марлен ўша бадбахтнинг ўғли эди...

Бу бахтли тасодифдан Ахтамнинг боши осмонга етди. Марленни қўлдан чиқармасликка аҳд қилди ва бунга эришди ҳам. Бу янгилик кашф қилинганда ўн тўрт ёшли Марлен кинохона ёнидаги зўрларнинг бири ўзининг ўғай акаси эканидан беҳабар эди. Ахтам уни тинмай кузатарди. Дастлаб йўлини тўсиб, дўппосламоқчи бўлди. Бу қасос эмас, ночорликнинг бир белгиси эканини тез англаб, қароридан дарров воз кечди. У ўғай укасига: «Мен етимликнинг заҳарли ошини ичиб шу ёшга етдим, сен эркатойликнинг асал чойи билан талтайдинг. Мени ҳар қадамда «ҳароми» деб таҳқирладилар, ҳатто бобом билан бувим ҳам шундай дейишди. Хўп, никоҳсиз туғилган болани «ҳароми» дейишаркан, ҳаромдан топилган нонни еб катта бўлган бола-чи? Уни нима дейиш керак? Иккаламиз бир пуштикамардан бўлганмиз. Нега мен хорман-у, сен роҳатдасан? Тенглашсак бўлмай-дими?» – дегиси келарди. Лекин бу гапларнинг бекфойдалигига фаҳми етиб, тилини тиярди. Жаҳонгир ва унга ўхшаш ўнлаб ношудлар йўлини тўсиб, пулини қоқиб олаётган зўрларнинг Марленга тегмаслигига сабабчи Ахтам эди. Марленнинг отаси катта ишда ишлагани учун эмас, балки Ахтам «Бу бола менга тегишли», деб қўйгани учун эркин юрди.

Марлен билан тақдир ипларини боғлагани билан қасосдан воз кечмади, пайт пойлади.

Ахтам Асадбекни, унинг атрофидагиларни яхши биларди, унинг оламига киришни орзу қиларди. Мақсади унга хизмат қилиш эмас, балки у бошқараётган оламга эгалик қилиш эди. Омадини қарангки, Асадбек у танда қўйган ресторанга кутилмаганда келиб қолди.

Кутилмаганда унга кўзи тушди. Кутилмаганда уни кўз остига олиб кўйди.

Анхор бўйидаги ошхонада Тарзанга «хизматни сен бошлаб тура қоласан. Менинг уч-тўрт кунлик зарур ишим бор», деб хайрлашгач, кўп йиллар давомида пишиб, етилиб қолган қасос режасини амалга оширишга киришди.

У болалар уйида эканида ҳам озода ва ораста кийинишни яхши кўрарди. Қамокқа тушганида бошқа болаларга ўхшамади, танасига игнада сурат солдирмади. У баданига турли суратлар солдирган, лабидан сигарет тушмайдиган, ароқдан ўзга дарди бўлмаган тоифадан эмасди. Ҳар бир олам вақти-вақти билан янгиланиб тургани сингари жиноят олами ҳам Ахтамга ўхшаш ёшлар билан янгилана бошлаганди. Ўттизинчи йиллардаги очарчилик даврида Самара томонлардан ёпирилиб келган ўғрилар билан, уруш ва урушдан кейин ўзини дунё ҳокими ҳисоблаган ўғрилар дунёқараши, иш услублари, ваҳшийликлари орасида катта фарқ бўлганидек, энди остона ҳатлаган ўғриларнинг онги бошқача, фикрлашлари, ўзларини тутишлари ўзгача эди. Ахтам вазиятга қараб турлана олишни ўрганган эди. У керакли жойда одоб билан, бошқа ўринда киноя билан, зарурат туғилса ўғрилар тилида одобсиз тарзда сўзлай оларди. Бу қилиғини кузатган Тарзан «аслида сен артистликка ўқишинг керак экан», деганида Ахтам «Бу дунёда ҳамма артист, битта мен тўғри яшай қолай», деб маҳзун жилмайганди. Тарзан ўшанда унинг гапини майнавозчиликка йўйиб, аҳволини англамаган эди.

Тунни онасидан қолган хира хотиралар билан бедор ўтказган Ахтам тонгда чўмилиб, энг сўнгги русумдаги чиройли кийимларини кийди. Режасини яна фикр чиғириғидан ўтказиб, бадбахт отасининг ҳузурига отланди. Бу кунни узоқ йиллар кутган эди. Назарида пичокни қиндан чиқариб, у малъуннинг юрагини суғуриб олиш осондай туюлган эди. Остона ҳатлаб



кўчага чиққанида юраги сал увишди, бу ваҳшийликка журъати етишмагандай бўлди. Ҳатто қадамини секинлатди. Кейин ўз ҳаётининг энг тубан кўринишларидан бир нечасини эслаб, ғазаб оловига мой куйди. Журъатсизлиги чекинди, аксинча, қасосга ундовчи кудрат бош кўтарди. Шунда ҳам пешинга қадар кўчада тентираб юрди. Пешинда ресторанга кирди. Далда бўлар, деб юз грамм ароқ буюрди, лекин ичмади. Ўзи яхши кўрган қовурма лағмон ҳам томоғидан ўтмади. Ресторандаги телефон гўшагини кўтариб, телевидение муҳаррири номидан қўнғироқ қилди-да, бадбахт отасининг мажлисдан соат тўртда бўшашини билди. Шу вақтда у ишлайдиган идорага яқинлашиб, кутди. У соат бешга яқин келди. Сутранг «Волга»дан виқор билан тушиб, виқор билан юриб, идорасига кириб кетди. Озгина сабр қилиб, Ахтам ўша томон юрди.

Қабулхонада попукдек гўзал қиз лабини бўяб ўтирган экан. Нима учун бу онда лаб бўялаётганини фаҳмлаган Ахтам «ҳозиргина хўжайининингга қандай ўптирганингни мен яхши биламан», дегандай маънодор жилмайиб, салом берди. Қиз унга бир қараб қўйди-ю, «билсанг ундан нарига, мен уяладиганлардан эмасман», дегандай ишини давом эттирди. Ахтам кулимсираганича унга яқинлашиб, дипломатини очди-да, фақат Москва томонларда учрайдиган камёб шоколадни олиб, ёзув машинкаси ёнига қўйди:

– Сизни шу ерда учратишимни сезиб, олволган эдим, юрагим алдамабди, – деди қизга суқ билан тикилиб.

– Қанақасига сезасиз, мени танирмидингиз?

– Танийман, сиз – Латофатхонсиз.

– Тушингизни сувга айтинг, мен Мастураман, – деди қиз шоколадга қараб олиб.

– Йўк, сиз Латофатсиз, латофатли қизларнинг исми фақат Латофат бўлиши керак. Исм кўйишда адангиз адашганлар.

– Бўлди, шилқимлик қилманг, нега келдингиз?

Хўжайинда нима ишингиз бор? Айтиб кўйай, бугун қабул қилмайдилар.

– Кириб айтинг, «асли шу ерлик, лекин Красноярга ишлайдиган», йўқ, яхшиси «ёғоч билан шуғулланадиган бир одам зўр бир фойдали таклиф билан келибди», денг.

Қиз шоколадни тортмасига солиб кўйиб, эринибгина ўрнидан турди-да, хўжайиннинг хонасига кирди. Ярим дақиқада чиқиб:

– Бу масалада ўринбосарларига учрар экансиз, – деди.

– Гапим сал чалароқ бўлибди: «Бу иш ўринбосар билан битмас экан, Асадбек ака шундай маслаҳат берибдилар», денг.

Котиба яна қайтиб кирайми-кирмайми, деб иккиланиб тургач, Ахтамнинг ўткир нигоҳига дош беролмай орқасига бурилди. Бу сафар янада тезроқ чиқиб, жилмайганича «Киринг», деб таклиф қилди.

– Мен сизни олиб қочаман, сиз Краснояр маликаси бўласиз, – деб қизга шилқимлик қилган Ахтам остона хатлаши билан жиддий қиёфага кирди.

Хона соҳиби, Асадбекнинг номи тилга олинган бўлса-да, ўтирган ерида кўл учини бериб кўришди. Бу ҳаракати билан ўзининг юқори мавқеини таъкидламоқчи бўлди. Ахтам унинг кўзларига боқиб, «Мен Асадбегингдан кўркмайман, ҳурмати юзасидан сени қабул қилдим», деган маънони уқиб, кулимсиради.

– Қабул қилганингиз учун раҳмат, – деди у хона соҳиби кўрсатган жойга ўтириб. – Ҳар ҳолда... катта фойдани ўринбосар билан тақсимлаш ақлли одамнинг иши эмас.

– Кирмасингиздан катта фойдадан гапиряпсиз, кимсиз ўзингиз? – деди хона соҳиби қошларини чимириб.

– Мен Краснояр ўлкасидаги ўрмонларнинг эртанги хўжайиниман, – деди Ахтам маънодор оҳангда.

– Эртанги хўжайин? Бугун-чи?

– Бугун тахминан чорагига эга чиқиб бўлдик.

– «Чиқиб бўлдик»? Ким чиқиб бўлди?

– Биз, яъни мен ва яна икки шеригим. Улар ҳам ўзбеклар. Комсомол йўлланмаси билан бориб, ўша ерда қолиб кетдик. Кичкина кооперативдан иш бошлаб, катта йўлга чиқиб олдик. Катта миқдорда ва арзон нархдаги ёғочларни бу ёққа олиб келмоқчимиз.

Ахтам «катта миқдорда ва арзон нархда» деган сўзларга алоҳида урғу бериб хона соҳибидан жавоб кутди. Катта миқдордаги ва арзон нархдаги ёғоч уни кизиқтирган бўлса-да, бу нотаниш йигитга ишонгиси келмади.

– Бу хом гап, – деди қўл силтаб.

– Албатта хом гап, – деб унинг фикрини тасдиқлади Ахтам. – Хужжатсиз гап албатта хом бўлади. Мен ўғил бола гапни пишитиш учун келганман. Асадбек акамга биз белгилаган нарх маъқул, чўнтакка қоладигани ҳам ҳисобга олинган.

– Асадбек акангиз сотиб оладиларми бу ёғочларни? – деди хона соҳиби пичинг оҳангида.

– Йўк, акахонга қимматли маслаҳатлари учун чўтал берамиз. Келишсак, сиз сотиб оласиз, келишмасак, бошқа харидор чиқиб қолар.

– Ўтган куни кўришганимизда Асадбек акангиз менга ҳеч нима демагандилар? – деб Ахтамга синовчан тикилди.

– Ўтган куни мен йўлда эдим. Бугун эрталаб гаплашдим.

– Қаерда уйларидами?

– Уйларига бормаганман. Шаҳар марказида уч қаватли уйнинг пастида зўр бир офислари бор, ўша ерда гаплашдик. Олдин келганимда Ҳайдар акам, раҳматли Маҳмуд акам билан ўтириб гаплашувдик. Маҳмуд акам гапга тез тушунадиган ақлли одам эди, бекор нобуд бўлди.

– Асадбек акангизнинг кайфиятлари қанақа?

Ахтам бу саволларнинг синаш учун берилаётганини фаҳмлаб, афсус билан бош чайқади:

– Очиғини айтсам, кайфиятлари менга ёқмади. Ўзларини анча олдириб қўйибдилар. Боланинг ўлими отага жабр-да. Мана, сизнинг биттагина ўғлингиз бор, шу тўппа-тўсатдан ўлиб қолса, нима қилардингиз?

Бу гапни эшитган хона соҳиби, юзига совуқ сув сепилгандай, сесканиб кетди.

– Совуқ нафас қилманг-е! – деди овозини кўтариб.

– Энди бу бир гап-да! Ё ўғлингиз иккитами? – деди Ахтам меровсираб.

– Қанақа одамсиз?! Эсингиз жойидами?

– Эсим жойида, – деди Ахтам оҳангини ўзгартирмай, – сиздай йигитнинг гули қўлидан қанча нозанинлар ўтгандир, наҳот яна битта ўғил пайдо бўлмаган? Подшоларнинг йигирма-ўттиздан ўғли бўлган-ку?

Хона соҳиби кафти билан стол устини уриб-уриб қўйиб, Ахтамга ғазаб билан тикилди.

– Менга бунақа қараманг. Меҳрибонлик билан қаранг: кимга ўхшатяпсиз? Эсланг... ўзингизнинг ёшлигингизга эмасми? Эски танишларингиз менга шундай дейишди, сизга ўхшармишман. Айниқса, қора қошларим... Олтмиш иккинчи йилни эсланг, Рихсияни унутмагандирсиз? Ҳа... Унутмагансан...

Учрашувнинг масхарабозлик қисми тугаб, ҳақиқат томонига ўтиш, қасос дарвозаларини очиш фурсати етган эди. Ахтам сенсирашга ўтиб, хона соҳибига энди ғазабли нигоҳини қадади:

– Бунақа чиройли қизни бошқа учратмагандирсан. Ўша чиройли қизга эсдалик қолдирган экансан, мана, мен ўша ёдгорлигинман. Билмаганмидинг? Билардинг сен аблах! Қамоқхонада туғилган ўғлинг борлигини билардинг. Ўша ёқларда ўлиб кетар, деб умид қилдингми? Худо ҳаммани ҳам ўлдириб юборавермайди. Сени ўлдириши керак бўлган биттасини

олиб қолади. Худога мен маъқул келибман, мени олиб қолди.

– Сен бу ерда товламачилик қилма, ҳозир милиса чақираман.

– Чақирмайсан, чақирсанг, ўзинг шарманда бўласан. Менда сендақалардан ўнтасининг пачағини чиқариб юборадиган ҳужжатлар бор.

– Сурбет экансан!

– Тўғри топдинг. Асадбек акам ҳам шунақа дедилар. «Қамоқхонада шунақа туғилганман, иложим қанча», дедим.

– Орага Бек акагни тикаверма, мақсадингни айт.

– Орага Бек акамни тикаётганим йўқ. Мен Бек акамнинг яқинлариданман. Бугун кўришганим ҳам рост. Сени осонгина ўлдириб кетишим мумкинлиги ҳам рост. Лекин ўлдирмайман. Сен номард бўлсанг, мен мардман! Сен мендай ўғлинг борлиги билан фахрланиб узоқ яшайсан. Фақат озгина олди-бердимиз бор: мен сенга ғалати ҳужжатларни бераман, сен мен хоҳлаган нарсани берасан.

– Қанақа ҳужжат, олдин мен билишим керак.

– Биттасини айтаман: ўғлинг ўн беш ёшга тўлган куни нима бўлган эди, эсингдами? Ўша ишни ўғлинг уюштирган эди, мен ёрдам бергандим.

– Ёлғон! Бунақа иш Марленнинг кўлидан келмайди. У бўшашган, бир латта!

Ахтам дипломатини очиб, сурат чиқариб узатди. Катта хўжайиннинг қизи билан маишат қилаётган ўғлини кўриб, хона соҳибининг кўзлари олайиб кетсада, таслим бўлгиси келмади.

– Бу сурат қалбаки, – деди титроқ овозда.

– Лекин қиз тирик. Никоҳининг эртасига шарманда бўлгани ҳам ҳақиқат. Ўғлинг нимага уйланмаяпти, биласанми? Шу қиз «никоҳинг куни келиб пачағингни чиқираман», деб кўйган, шундан кўрқади.

– Шартингни айт, – деди хона соҳиби тақдирга тан бергандай чуқур хўрсиниб. – Фақат... Рихсияга

тегишли масалада сен ноҳақсан... сен кўп нарсаларга тушунмайсан... Биз бир-бировимизни ротакамига севардик. Орага бошқалар ҳам аралашишган...

– Кимлар?

– Улар... ўлиб кетишган... билишининг ҳожати йўқ.

– Билишим шарт! Гўридан суякларини чиқартириб ёкаман!

Бу аҳд шу даражада ишончли жарангладики, суяклар шу онда, шу жойда ёқиладигандай туюлиб, кўркувдан хона соҳибининг лаблари гезариб кетди.

– Йўқ, йўқ... Бундай қилма. Рихсиянинг ўғли... бундай ваҳшийлик қилмайди.

– Мен ваҳшийлик қилиш учун туғилганман, бошқа хунарим йўқ. Рихсиянинг ўғли ваҳшийлик қилмайди, деганинг тўғри. Лекин мен сенинг ўғлингман! Фарқимиз шуки, сен маданийчасига, яширинчасига ваҳшийлик қиласан. Меники очикчасига! Айт, ўша одамларни!

– Айтолмайман...

– Сенга бир ой муҳлат. Бир ойда Красноярдаги ёғочлар ҳам тайёр бўлиб қолади. Ўрислар тахтадан зўр тобут ясашади. Бизда тобутсиз кўмилгани чаток. Кенгрок қилиб ясаттирардим, маза қилиб ётардинг.

Ахтам бу суҳбатдан кейин бадбахт отасини алдаб олиб чиқиб, овлоқ жойга олиб бориши, ўша ерда жазосини бериши керак эди. «Орага бошқалар ҳам аралашишган»ини билгач, жазо муддатини чўзишга қарор қилди. Қабулхонага чиқиб, котибани ресторанга таклиф этди. Нозли оҳангдаги рад жавобини эшитиб, таслим бўлгандай кўлини кўтарди:

– Таклифимни қабул этмагунингизча очлик эълон қиламан, шаҳардаги ҳамма ресторанларни тақа-тақ беркитиб ташлайман, – деб бир суқли жилмайиш ҳадя этди-да, чиқиб кетди. Бу хушрўй, ширинсўз йигитнинг нариги хонада хўжайинини бошлаб тузлаб чиққанини

билмаган котиба унинг орқасидан умидли нигоҳини қадаб қолаверди.

«Бугун тегмаганим яхши бўлди, — деб ўйлади Ахтам кўчага чиққач. — Илоннинг думини яхшилаб босиб эздим, чақадиган тишини суғуриб олдим. Энди типирчилаб юраверсин. Юраги сиқилиб, кўркувдан ўлиб қолса, яна ҳам яхши. Йў-ўк... бунақасига ўлмайди, унда сиқиладиган юрак йўк...»

Тарзанни учратиш мақсадида анҳор ёқасидаги ошхонага келди. Уларнинг шийпони бўш, стол устида шахмат доналарининг сочилиб ётиши Тарзаннинг яқингинада кетганидан дарак берарди. Қорни таталай бошлагани учун пиво билан овқат буюриб, диванга ёнбошлади. Сухбат жараёнини яна бир кўз олдига келтириб, қилган ишидан мамнун бўлди. Ошхона хўжайинидан «Марлен акасининг кечроқ келишини» билгач, кутишга қарор қилди. Шом қоронғисида Тарзан эмас, Жамшид кўринганда ажабланиб ўрнидан турди.

— Ҳа, зўравон, зерикмаяпсанми? — деди Жамшид унинг саломига алик олиб. — Юр, кетдик.

— Қаёққа?

— Борганда биласан.

— Ҳозир билсам бўлмайдими?

— Бўлмайди, етиб боргунингча кўркқанингдан юрагинг ёрилиб ўлиб қолишинг мумкин.

— Менда ёриладиган юрак бор эканми? Ким айтди сизга?

— Минғирламай, тезроқ юр.

Жамшид шундай деб елкасига енгилгина мушт уриб қўйди. Ахтам шундан билдики, чақирув шошқич бўлгани билан масала у қадар жиддий эмас.

Машина Кесакполвоннинг қозихонаси жойлашган чойхона олдида тўхтаганда «Ҳайдар акам нега чакирттирдийкин?» деб ажабланди. Ҳайдар акасининг тақдиридан беҳабар Ахтамга бу кутилмаган чорлов хатто енгил ташвиш ҳам туғдирди. Чунки Асадбекка нисбатан Ҳайдар акасининг шафқатсизроқ экани унга

маълум эди. Агар Бек акаси воқеадан хабар топиб, масалани ҳал қилишни бу одамга топширса-ю, бу одам ғазаб отига минган бўлса, осонлик билан қутулиши қийинлигига ақли етиб турарди. Ичкари кириб тўрда Асадбекнинг ёлғиз ўтирганини кўргач, таажуби янада ортди. Бу хонадаги кенг ва узун стол усти ҳамиша тўкин бўлар, қорин ва нафс ғалвасини босиш учун зарур ҳамма нарса топилади. Энди эса гулли клеёнка тепадан тушаётган чирок нурида ялтиллаб турибди.

Ахтам бадбахт отаси хузурида Асадбекнинг номини тилга олгандаёқ хожасига рўпара бўлишини билган, аммо шу бугуннинг ўзида шошқич равишда чақирилишини кутмаган эди. Хожасига кўзи тушди-ю, «ёмон талваса босибди-ю, бечорани, дарров Бек акасидан нажот сўрабди-да», деб ўйлади. Асадбек унинг саломига алик олмай, тикилди. Ўтиришга таклиф этилмагани сабабли, Ахтам айбдор бола сингари тик тураверди.

– Жамшид, кап-катта одамларга нима бўлган ўзи? – Асадбек Жамшидга мурожаат қилгани билан Ахтамдан нигоҳини узмади: – Шу жинқарчадан кўрқиб, иштонини ҳўл қилибди-я! Овутиб келмаганингда баттар бўлармиди... Ҳа, зўр, кимларни кўрқитиб юрибсан, биласанми?

– Биладан, – деди Ахтам дангал.

– Нега кўрқитдинг?

– Керак бўлгани учун...

– Керак бўлгани учун? Мени нега аралаштирдинг? Нега ёлғон гапирдинг?

– Машинадан тушиб, керилиб юриши менга ёқмади, шаҳарнинг хўжайини ким эканлигини эслатиб қўйгим келди.

– Кейин-чи? Товламачилигингни бошладингми? Қанча сўрадинг?

– Бунақа гап бўлмади. Сиз билан учрашмасимдан анча илгари бир одам уни топиб, у-бу деб қўйишимни сўраган эди.



– Ким экан, ўша одам?

– Кимлигини ҳеч қачон, ҳеч кимга айтмайман. Илтимосини ҳам албатта бажараман. Сизга учрашмай туриб қилишим керак эди, улгуролмадим.

– Ўлдирасанми?

– Йўқ. Ўзига яраша жазо бор.

– Менга тегишли одам бўлса-чи?

– Барибир... Сизга тегишли бўлса, кейин сиз мени жазолайсиз.

– Ростгўйлигинг менга ёқади, лекин дунёда ўлаётган ҳар уч одамнинг бири ростгўй эмиш, ўтир, – деди Асадбек рўпарасидаги стулга ишора қилиб.

– Бу бултурги маълумот, – деди Ахтам ўтириб, – бу йилгисига қараганда ўлаётган ҳар олти одамнинг биттаси ростгўй.

– Нега? – деб ажабланди Асадбек.

– Дунёда ростгўй камайиб кетган, – деди Ахтам қувлик билан.

Асадбекка унинг топқирлиги хуш ёкиб, Жамшидга қараб жилмайиб қўйди.

– Красноярдаги ёғоч ҳақида нима дединг, лакиллатдингми?

– Шунақа деса ҳам бўлади. Лекин Красноярдан ёғоч олиб келиш мумкин.

– Қанақасига?

– Мен Маганданда туғилиб, Красноярда катта бўлганман. Онам ҳам... ўша ерда ўлганлар. Бир-иккита танишларим бор.

– Онанг... Красноярдами? Ўлғиз ўзи ётибдими?

Ахтам Асадбекнинг бу саволидан ажабланиб, паст овозда «ҳа», деб қўйди-да Жамшидга қараб олди. Хожасининг ҳолини тушунган Жамшид индамай тураверди.

– Менинг адам ҳам ўша ерда эдилар. Қирк тўққизинчи йил, ўттиз биринчи декабрда тухмат билан олиб кетишган эди, – деди Асадбек синиқ овозда.

– Менинг онамни ҳам тухмат билан қамашган...

Асадбек унинг гапини эшитмагандек, давом этди:

– Ўттиз етти йилдан кейин олиб келиб, хилхона-мизга кўйдим. Сенам ёлғиз қолдирма, хилхонангга олиб келиб кўй.

– Хилхона? Нима у? – деб ажабланди Ахтам.

Асадбек «шуни ҳам билмайсанми?» дегандай бош чайқади:

– Яқин қариндошлар ёнма-ён кўйиладиган жой. Онангнинг юртида бордир, шунақа жой?

Ахтам буни билмаса-да «ҳа, бор», деб кўйди. «Хилхонаси бўлмаса ҳам қишлоқда мазор бор-ку? Ўша ерга олиб келиб кўмиб, қора мрамртош кўйдирман. Беоқибат қариндошлари кўриб кўйсин!» деб ўйлади.

– Бу ўзбошимчалигингни кечираман. Ҳеч қаерда, ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда менинг номимни тилга олмайсан. Тилга олсанг, тилинг кесилади. Анави сўтакка яқинлашма, унинг менга керакли томонлари бор. Мен сенга гапиряпман, бунча аланглайсан? Биринчи келишингни, ёқиб қолдимми?

– Бир-икки келиб ишни пишириб кетганман.

– Демак, бу ерда иш қанақа пиширилишини биларкансан. Сенга берайми шу жойни?

– Керакмас. Ўзимнинг жойим бор. Бунақа жой ҳам, бунақа иш пишириш ҳам энди эскирди.

Бу гап Асадбекка «сенлар эскириб бўлдиларинг», дегандай таъсир қилиб, гашланди, қошларини чимирди.

– Эскиси ёқмаётган бўлса... янгиси қанақа, айт-чи?

– Янгисини бугун эшитибсиз-ку? Бу ёққа олиб келмадим, ўзим бордим.

– Янги йўлдан юраман, деб жарга юмалаб тушмагин. Жарга йиқилсанг, сени тортиб оладиган аҳмоқ йўқ. Ириб-чириб ётаверасан.

– Бек ака, айтувдим-ку, бир марта ўлиб бўлганман, энди ўлмайман.

Сурбетлик чегарадан чиқа бошлаган эди, Асадбек

жиловни тортишни зарур деб билиб, овозини баландлатди:

– Тур ўрнингдан, жуна!

Ахтам чиқиб кетгач, Асадбек Жамшидга «Қани, нима дейсан энди?» деган маънода қаради.

– Ҳали ғўрлиги бор... кўчанинг боласи-да, тарбия кўрмаган, кўп нарсага тушунмайди, – деди Жамшид айбдор одамнинг овозида.

– Ғўрликка ғўр, пишгунича бошимизни анча гангитади, ҳар бир қадамини кузат. Айниқса, сўтакни эҳтиёт қил, мен унга ваъда бердим. Каратэчи тренерларини нима қилдинг?

– Милиса зотини биласиз-ку, «Қонун бўйича мумкин эмас», дегани «Чўтални вақтида тўлаб тур» дегани. Эртага чиқариб оламан.

– Аралашма. Ўзлари эплашсин. Сурдан кўнглим тўқ. Ушлаган ерини узиб олади. Тренерга тайинла, Тарзанингга кўпроқ қарасин, калласи яхши ишлагани билан билаги анча бўш.

Уйга қайтаётиб Ахтамнинг гапларини, сурбетлигини ўйлади: «Нега адабини бермадим? Нега бир мишиқи менга сурлик қила олади? Кучдан қолганимни сезганми? Шу мишиқилар эрта-индин менинг ўрнимни олишадими? Жамшид нимага индамай қараб турди?»

– Сурбетлигини кўрдингми? – деб сўради машина рулини бошқараётган Жамшиддан.

– Кўрдим, – деди Жамшид, йўлдан кўз узмай.

– Ҳайдар аканг бўлганида бир сакраб жағига те-парди-ю, ахлатхонага чиқартириб ташларди. Сен сўтакка ўхшаб қараб турибсан.

– Гаплашаётганингизда жаҳлингиз чиқмади. Ғазаблансангиз мен ҳам уришга тайёр эдим.

– Барибир Ҳайдар акангнинг қадри ўтяпти. Болларни Ҳайдар акангга ўхшаб ушла, бўш қўйма. Бизнинг кимлигимизни ҳар нафасларида билиб туришсин.

Буқрот ҳаким илми ҳикматда равнақ топгач, узлатни ихтиёр этибдилар. Бир куни подшоҳ хасталаниб, ул зотни ҳузурига чақиртирибди. Буқрот ҳаким подшоҳнинг даъватини қабул қилмабдилар. Шунда ул зотнинг ҳузурига вазирнинг ўзи келибди. Қарасаки, Буқрот ҳакимнинг емишлари турли гиёҳлар экан. Вазир подшоҳнинг амрини айтиб, ялинса ҳам, ҳаким кўнмабдилар. Шунда вазир аччиқланиб дебди-ки:

– Подшоҳларнинг хизматини қилишни ўрганганингда бунақа гиёҳ еб ўтирмас эдинг.

Бу дашномни эшитган ҳаким кулибдилар ва дебдилар-ки:

– Агар сен гиёҳ еб яшашга қаноат қилишни ўрганганингда жонингни хатарга қўйиб, подшоҳ хизматини қилмас эдинг.

«Ла кулли шайъин садоун ва садоу нурил-қалби аш-шабаъу» – «ҳар бир нарсада занглаш бор, қалб нурининг занглиги тўқликдир», ҳикматини кўпчилик қаторида Манзура ҳам билмайди. У хонадондаги тўқинлик эвазига жонини хатарга қўйиб яшади. Кунлари Худога илтижо билан ўтди: «Худойим, фарзандларимни Ўзинг паноҳингда асра!..» Қалбидаги барча муножотлари шу бир неча сўзларга жо бўларди. Худо хатарлардан асраб келди, фарзандлари эмин-эркин вояга етдилар.

Камолларини, роҳатларини кўриш вақти етганда бу кўргуликлар...

Афруза билан танишгунига қадар қўлига тушган бир китобда оятлар маъносини ўқиб таъсирланган, «худди бизга хитоб қилинганга ўхшайди», деган фикрга бориб, қайта-қайта ўқийвергани учун хаёлига муҳрланиб қолган эди: «Эй мўъминлар, билингларки, дунёнинг тириклиги ўйин-кулгудир ва зеб-зийнатдир,

бир-бирларингиз билан фахрланишдир, молларингиз ва фарзандларингизни кўпайтиришдан иборатдир. Бунинг мисли шунга ўхшайди-ки, осмондан ёмғир ёғиб, ерлардан гиёҳ кўкарса, дехқонлар, қувонадилар ва «кўп ҳосил оламиз», деб умид қиладилар. Кейин бир совуқ шамол келса, барчасини қуритса, бас, барглари сарғайиб қурий бошлаганини кўрасан, кейин ҳаммаси синиб, майдаланиб, сомонга айланади. Дунёнинг нашъу намоси ана шулардан иборатдир. Аммо охиратдаги аҳвол икки ҳолатдан ташқари эмас. Бир қаттиқ азоб ва иккинчиси Аллоҳнинг мағфирати ва розилигидир. Дунё ҳаёти одамни алдайдиган лаззатдан бошқа нарса эмас...»

...ўйин-кулги ва зийнатларни ҳам кўргани рост...

...моллари кўпайгандан кўпайди...

...кимга керак экан бунча кўп мол?..

...кейин совуқ шамол ҳам келди...

...қаттиқ азобни ҳам кўрди...

...дунё ҳаётига алданганлари ҳам рост...

Афсус шуки, алдамчи дунёдан юз ўгиришни ўйлаётганлари йўқ...

Қаердадир ўқиган эди:

«Алдамчи дунёнинг ширин тиллари

Ақлсиз ақлимнинг ақлини олди

ва... кула-кула лаҳадга қузатиб қолди...»

Наҳот унинг қаршисида шундан ўзга йўл йўқ бўлса?

Дарвоза яқинида умид билан икки кун кутган Фазлия ғам-аламларини тўкаётганда Манзура ўз дардига банди бўлиб ўтирди.

Манзура Европанинг машҳур файласуфи, узлатга чекиниб, умрини бочкада ўтказган Диогенни билмайди, ҳатто номини ҳам эшитмаган. Ўша файласуфдан бир одамнинг бойми ёки камбағал эканлигини сўраганларида «Билмайман, унинг пули кўплигидан хабарим бор», деган экан. «Пули кўп бўлса, демак, бой экан-да?» деб ажабланиб, яна сўрашибди. Шунда

файласуф: «Кўп пулга эга бўлиш ва бой бўлиш – бир нарса эмас. Борига қаноат қилган одамгина чинакам бойдир. Ўзида бор нарсадан кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилган одам, оз бўлса-да, борига қаноат қилган одамдан камбағалроқдир», деган экан.

Бошқалар бой деб ўйлаган хонадон соҳиббаси билан камбағалликда умр кечирган аёлнинг дардлари ўхшаш, даволари эса бир эди. Икковидан ҳам сабр талаб этиларди. Донолар деганлар-ки: «Модомики, ер остида қабр азоби ҳақ экан, ер устида ўша азобнинг муқобили сифатида сабр азоби ҳам мавжуд. Бандга ё униси, ё буниси». Бу икки муштипар айнан шу сабр азобини аъло кўра оладиларми ё йўқми – ҳали номаълум, атрофдан тиланган дуолардаги чиройли сабр уларга насиб этадими ё йўқми – вақт кўрсатади. Сабр учун ўзларида иймон қувватини тўплай олсалар Қуръони Каримда ваъда қилинган ажрга етадилар: «...уларнинг ҳузурларига ҳар эшикдан фаришталар кириб: «Сабр қилганингиз учун сизларга салом бўлсин! Бу оқибат диёри қандай яхши, дерлар». Афсуски иккови ҳам бу оятдан беҳабар. Ҳазрат Навоийнинг: «Сабр бор ерда айрилиқ ўтида куйганларга ғам йўқ, иштиёқ эгаларига ҳажр ўтида куйишдан алам йўқ», деган ҳикматларини ҳам эшитмаганлар. Шундай экан, бошлари узра турган мусибат булутини ҳайдаши лозим бўлган сабр қудрати ҳақида бир-бирларини нима десинлар, бир-бирларини нима деб овутсинлар?

Фазлия Манзуранинг дарду аламини эшитган, «Аллоҳнинг иродаси, бандалик экан, энди сизга сабр берсин», дейишдан нарига ўтолмайди. Унинг дардига шерик бўлолмайди, чунки ўзиники ошиб-тошган... У ҳам фарзандлари дардида келган бу ерга. Манзуранинг ўғли қайтмас бўлиб кетган... У болаларининг тирик эканидан умидвор, ҳар ҳолда шундай хабар эшитган. Лекин тирик болаларини бағрига боса оладими ё йўқми – билмайди.

Фазлиянинг дарди адоғига етмай, дарвоза очилди.

Эрининг машинасини кўрган Манзура меҳмондан узр сўради-да, чаккон ўрнидан турди.

Асадбек айвонда ўтирган аёлга бир қараб кўйиб, уйга кирди. Унинг кайфияти бузукроқ эди. Диванга ўтирди. Манзура эрининг ёнига аста чўкиб, елкасини силади. Фарзанд жудолигидан кейин Асадбекнинг жеркишлари камайиб, эр-хотин бир-бирига суяниб қолган эди. Олдинги даврлар бўлганда, Манзура шу меҳрибонлигини қилганида «Суйкалма!» деган дағал сўзни эшитиб, қилмишидан пушаймон бўлиб, тошдек қотарди. Бу сафар Асадбек елкасини силаётган қўлга кафтини кўйди-да, «уф» тортди. Шу «уф» билан кишининг дарди чиқиб кетиб, енгил тортадигандай туюлади. Афсуски, кўча-кўйда, одамлар орасида эр одамнинг «уф» дейиши иснод саналади. Эрининг дардига фақат меҳрибон хотингина шерик бўла олади. Эрининг авзойи бузилганда Манзура «Нима бўлди?» дейишдан кўрқарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Асадбекнинг гап бошлашини кутди.

– Қизингникига борувдим, – деди Асадбек, – жуда ўжар, жуда ўжар-да, шу қизинг. Ҳайронман, кимга ўхшаган экан...

Бу саволга нима деб жавоб берсин, у бечора? Қиз ўжарлик бобида кимга ўхшаши мумкин? Ҳозир «Сизга ўхшайди-да, адаси», дегудай бўлса, балого қолиши аниқ. Шу сабабли жимгина кулоқ солгани маъқул. Асадбек саволни жавоб талаб қилувчи оҳангда бермаган эди. Хотинининг жим ўтиришидан ғашланмай, у томон ўтирилди:

– Тилингнинг учиди турган гапингни айтавер: «аҳмоқликда қизингиз ўзингиздан қолишмайди, ўжарлиги ҳам сиздан», демоқчисан, билиб турибман.

– Вой, адаси, унақа гап хаёлимга ҳам келмади-я! – деди Манзура сири ошкор бўлган одам сингари довдираб.

– Хаёлингга келмайди-ю, юрагингнинг тўрида туради. Бир марта Ҳайдар ҳам айтувди... – Асадбек

Кесакполвоннинг гапини эсламоқчи бўлгандай сукут қилди. Аслида эслашга уринишнинг ҳожати йўқ, «Мардонани ўз қўли билан ўлдирди, ўч олмоқчи эди, мен ёрдам бердим», деган гапларни унутиш мумкин эканми? Асадбек бошини эгиб, ўзига ўзи гапиргандай деди: – «У сенга ўхшайди, ақлли, кўркмас, қасоскор... у сенинг йўлингдан бормоқчи...» деганди.

Бу гапни эшитган Манзура сесканиб, қўлини тортиб олди:

– Унақа деманг, адаси... Зайнаб унақа эмас... – деди титрок овозда.

– Ҳайдар аҳмоқ гапларни кўп айтарди... эйтибор қилма. Менга ўхшаганидайди... эрини аллақачон бўғиб ўлдирарди...

– Адаси... унақа деманг...

– Қиз бола отасига ўхшамагани тузук, – деди Асадбек енгил хўрсиниб. – Сенга ўхшайверсин. Сен... яхши хотинсан, – шундай деб вазиятни юмшатиш учунми, кувлик билан жилмайди, – Жалил айтди: эри рози бўлган хотин жаннатга тушаркан. Жалил билмаган нарчасини гапирмайди. Сен жаннатга лойиқ хотинсан. Бир марта Маҳмуд: «сизга чидаб келаётган кеннайимга орден бериш керак», девди. Манзур, орденни нима қиласан, сенга жаннат нақд бўлиб турибди. Лекин Зайнабга қаттиқ турмаяпсан, бу айбинг ҳам бор. Қизинг кўчиб келмаса бўлмайди, шуни тушунасанми? Кўз олдимизда турса, икковимиз ҳам хотиржам яшаймиз.

– Шуни доим айтяпман, инсофга кириб қолар, адаси, яна озгина сабр қилайлик.

– Ўзи инсофга кирар-у, эри кўнмайди. Аҳмоқ қизинг эрининг раъйига қарайди. «Эшигингнинг тагида қоровулларнинг туриши гашингни келтирмаяптими?» десам, «Қоровулингиз керакмас, бизни бўри ермиди», дейди. Сен қизингнинг кўнглига қарасанг, қарайвер, мен галга солавермайман, шарт йигитларни юбораман, кўч-кўронини кўтариб келаверишади. Куё-



вингни жияниникига олиб бориб ташлашади. Шундай қилсам, тўғри бўладими?

Ялиниш, тушунтиришга уриниш Асадбекка хос эмас. Унинг услуги – айнан «шарт йигитларни юбориб кўч-кўронини кўтартириб» кўчириб келтириш. Буни яхши билувчи Манзура «тўғри бўлмайти», дея олармиди? Шу боис «қайдам», деб лабини тишлаганича муте холида бошини эгди.

– Айвонда ким билан ўтиргандинг? Танимаган одамни нега уйга бошлаб кирдинг?

Мавзунинг бу томон бурилишини кутгани учун Манзура довдирамади:

– Бир бечора хотин нажот истаб келибди.

– Сенга қолса, бу дунёдаги ҳамма хотинлар «бечора»! Менинг уйим бечоралар нажот кидириб келадиган жойга айланиб қолганми?

– Бечора яқинда қамокдан чиқибди.

– Ҳа... айтмоқчи-я, менинг уйим қамокдан чиққан «бечоралар»га карвонсарой бўлиб қолгани эсимда ҳам йўқ...

– Унақа деманг, адаси, у бечоранинг эри қиморбоз бўлган экан...

Манзуранинг «эри қиморбоз бўлган экан», деган гапи Асадбекни кейинги пичинглардан қайтарди. Манзура «бечора хотин»нинг тарихини сўзлаб, тугатмагунча гапини бўлмай эшитди.

Манзура «бор гап шу» дегандай жимгина қараб қолгандан кейин ҳам ундан кўзини узмай тикилиб тураверди. Эрининг бундай қараши яхшилиқ аломати эмаслигини билган Манзура аёлнинг ғоят бечора эканини таъкидлаш учун яна нимадир дегиси келди-ю, лекин гап тополмай, мўлтиллаб тураверди.

– Хўп, энди мен нима қилишим керак? – деди Асадбек. – Эрини тирилтириб берайми? Ё бошқа эр топиб берайми?

Манзура «Эрини атай ўлдирмаган, тасодифан бўлган...» – деб Фазлияни оқламоқчи бўлди.

– Атайми ё тасодифанми, энди буни аниқлашнинг фойдаси йўқ, сен гапни бурма, даллолликни бошладингми, охиригача қил.

– Бечора болаларини қидиряпти...

– Ақли жойида бўлса, қидириши керак.

– Болаларини қиморбозлар олиб кетишган экан. Қаёқдалиги номаълум эмиш.

– Ўша ваҳший қиморбоз мандирман балки? – Асадбек пичингни бас қилиб, энди зардали оҳангда гапирди. – У ёқ-бу ёқни қараб чиқ-чи, болаларини ертўлага олиб тушиб оёғидан осиб қўйган бўлсам, топиб бера қол.

– Вой... унақа деманг, адаси... Сизнинг яхшиликларингизни кўп эшитган экан...

– Бўлди, бу ёғига ўзинг тўқима. Булар менинг қайси яхшилигимни эшитишибди? Гапни олиб қочмагин-да, дангалига ўт: «дунёдаги ҳамма қиморбозлар сизнинг оғайнингиз, шу хотиннинг болаларини ўғирлаганларига айтинг», дегин, – Манзура эътирозга оғиз жуфтлаган эди, Асадбек гапиртирмади. – Тушундим, бўлди. Айтаман, суриштиришади, лекин катта ваъда бериб юборма. Орадан анча вақт ўтибди, нима бўлган, Худо билади. Агар ўлдирворишмаган бўлишса, топилади.

– Худо асрасин, норасидаларни ҳам ўлдиришадими?

– Қиморда ютқизганни Худо ҳам асрай олмайди. Умри жойнамознинг устида ўтса ҳам асрамайди... Худонинг хўжайинчилиги қиморбозларга ўтмайди.

Манзура эрининг нимага шама қилаётганини англаб, келинлик даврида тунни жойнамоз устида ўтқизганини эслади-ю, юраги бир қалқиб:

– Худога шукур, сиз унақа эмассиз, – деди.

– Ҳа, унақа эмасман... – Асадбек шундай деб енгил хўрсинди. Кутилмаганда устозини эслади:

«Устозим ўлар олдида менга «Хотининими ё синглисиними қиморга тикиш аҳмоқлик, болаларини ти-

киш ҳайвонлик», деб васият қилган эди. «Ҳайвонлик» деб адашганди, чунки ҳайвон ақллироқ, боласини қиморга тикмайди. Бировнинг боласини қиморда ютиб олган одамни нима дейиш керак унда? Болаларни ўлдиришмагандир. Бошқа бир ўйинда тикиб, бошқа ҳайвонларга ютқизишгандир. Болалар қўлма-қўл бўлиб юришгандир...»

Асадбек бу гапларни хотинига айтгиси келмай, ҳазил оҳангига кўчди:

– Хотинини қиморга тикмаган битта аҳмоқ қиморбоз мен эдим...

– Унақа деманг, адаси, сиз аҳмоқмассиз...

– Шунча йил бирга яшаб, аҳмоқ эмаслигимни энди тан олдингми, а? Гапингни тугатдингми ё чаласи борми?

– Ўзингиз бир-икки айтувдингиз... «хизматчи олайлик», девдингиз... Шу хотинни олсак-чи?

Асадбек хотинининг жавдираган кўзларига тикилди: «Ачингани учун олиб қолмоқчи. Нотаниш, синалмаган хотинни хизматга олмоқчи. Аслида хизматчига муҳтож эмас. Уй ишларини ўзи қилса кўпроқ овунади. Лекин... ёлғиз. Ўлғизлиги энди сезиляпти... Гам юрагини кемириб адо қилмасидан аввал унга дардкаш топиб беришим шарт эди. Бу хотин кўнглига ёкиб қолган бўлса, мен нима дейин?»

– Кўнглингга ўтирган бўлса, ўзинг биласан. Фақат... аввал синаб кўр.

Манзура эрига миннатдорлик билдириб, унинг ёнбошига ёстиқ қўйди-да, меҳмон ҳузурига қайтди.

Эртасига Жамшид келганда Асадбек уни савол билан кутиб олди:

– Ҳовли супуриб юрган хотинни кўрдингми?

– Кўрдим, – деди Жамшид саволдан мақсад нима эканини англамай.

– Қанақа экан?

Жамшид шунчаки бир қараб ўтган эди, хожасига

жавоб қайтаришга иккиланиб, «нима дердим, оддий бир хотин-да», дегандай елка қисди.

– Қанақа одамсан? Уйимда нотаниш одам пайдо бўлибди, «ким экан, нима қиялпти?» деб ўйламайсанми? Кириб келишингга қараб ўтирувдим. Маҳмуд аканг бўлганида, тўхтаб, ўша хотин билан саломлашарди, бир нималар деб гаплашарди, кимлигини, қанақалигини билишга уринарди. Маҳмуд сени чала ўқитиб кетибди. Энди гап бундай: кеннайингнинг гапига қараганда, бу дунёдаги энг бечора хотин экан. Қанақа бечоралигини ипидан-игнасиғача аниқла. Эри болаларини қиморда ютқизган экан. Сур билан Тарзанга тайинла, суриштиришсин, болаларни топишсин. Болалар тирик бўлишса, отаси ютқизган ҳақни бериб, кейин олларинг, зўрлик қилмаларинг.

– Ўлдирворган бўлишса-чи?

– Нима қилардинг? Уларнинг ҳақи... индамай кўя қоласанлар. Бу ишда биз қози эмасмиз... – Асадбек ниманидир эслагандай пешонасини силаб кўйди-да, афсусли оҳангда гапини давом этди: – Ҳайдар аканг Садир қиморбозни бекорга жувонмарг қилиб юборувди. Мен «танобини тортиб кўй», дегандим, «ўлдир» демагандим. Бу кесак калла гапнинг фарқига бормасди. Сурга тайинлаб кўй: мен тирик эканман, ҳеч қайси қиморбозни ўлдиришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Асадбек шошилмаётган эди, шу сабабли Жамшидга «ўтир», деб қаршисидаги жойни кўрсатди. Жамшид ўзига чой қуйди, хожасининг пиёласидаги совуб қолган чойни тўкиб юбориб, янгилади. Асадбек чойдан бир хўплаб, пиёлани дастурхон устига кўйди-да, Жамшидга тикилди:

– Хабаринг бўлмадими, йўқолган отарчи болани топишибдими?

– Қидиришяпти, изи чиқмаётган эмиш.

– Демак, қотилни ҳам топишмаган. Ҳар ҳолда, йўқолган боладан гумонсираётган бўлишса керак?

– Шунақа экан...

– Бу ерда бошқа гап борга ўхшайди. Отарчи болани ким ўлдирган бўлса ҳам, усталик қилган, гува-лабошлар бунни ўйлашмайди. Йўқолгани тирик бўлса, котилликни бўйнига қўйишади-ю, юмалоқ-ёстик қилиб қамоққа тикворишади. Ҳарҳолда у бола тирик-масдир, қайси бир ўрада куртларга ем бўлиб ётган-дир... Элчинни ҳам сўроқ қилишибди... Мени нима учун ўшанда прокуратурага чақиришди, кейин ҳеч ўйлаб кўрдингми?

– Терговчи бола ёшлиқ қилиб, адашган...

– Сен прокурор ёрдамчисининг гапини гапиряпсан. У каззоб сени ишонтирибди-да? Атрофингга қараб қўй: ҳамма нарса ўзгаряпти. «Сизнинг керилиб юрган давру давронингиз ўтди, хоҳласак, шу ерга олиб кириб, гарданингизни синдириб қўйишимиз мумкин», демокчи бўлишган. Шундай қила олишадими?

Савол қатъий, жавобталаб эди. Жамшид ишончсиз тарзда:

– Қўлларидан келмаса керак, – деб қўйди.

– Қалта ўйлама, атрофингни зийраклик билан кузатгин, дедим. Ҳар қадамда Ҳайдар акангнинг ўрни билиниб турганини сенга минг марталаб айтдим. Лекин кесакполвонларнинг даври ўтиб кетаётгани билан ҳисоблашмасам, нодоннинг ўлими билан ўлиб кетаман. Ўлимдан-ку кўркмайман, лекин лақма одамга ўхшаб жонни икки қўллаб топшириб кетиш алам қилади. Сур янгича ишламоқчимиз, майли, ишласин, лекин милиса билан прокуратурага бориб қадаладиган қилиқлардан ўзини тийсин, шунга кўз-қулоқ бўлиб тур. Анави сўтакни астойдил жазоламоқчи, ўлдириб мурдасини милисахона остонасига ташлаб кетишдан ҳам қайтмайди, у тентак. Нимага шунақа қилади, биласанми?

– «Мен ҳеч нарсадан кўркмайман, қўлингдан келса, мени қидириб топ», деганими бу?

– Ҳа, шунақа. У ўзича омону фалакда. Лекин милиса аҳмоқ эмас, бунни тушунади, арқонни узун ташлай-

ди. Милиса билан мушук-сичқон ўйнашнинг оқибати қопқон бўлади. Осмондаги қушни ерда туриб овлашди, тўғрими?

Жамшид хожасининг мақсадини англаб, «тўғри гапиряпсиз», дегандай бош ирғаб қўйди.

Асадбек прокуратурадаги ўша нохуш воқеадан сўнг бу чакирувнинг тагига етиш мақсадида кўп фикр юритди. Махмуд тирик бўлганида ўша ёрдамчини бир сикувга олиб ёки чўнтагини тўлдириб қўйиб, ҳамма сирни билиб берарди. Жамшид бундай қила олмайди. Ҳар ҳолда чакирувнинг салкам хибсга олув кўринишида бўлиши бежиз эмаслигига Асадбекнинг ишончи бор.

Суликонинг бобоси «Қароргоҳларинг чўкажагини билмайсанларми?» деган эди-я... Ҳа, набиралари чаток бўлгани билан ўзи доно эди. Ўшанда айтган ҳикмати Асадбекнинг хотирасига ўрнашиб қолган: «Ҳазрат Ийсо дейдики: «Денгиз тўлқини устига ким уй қура олади? Бу дунё ҳаёти шунинг ўзидир. Уни абадий қароргоҳ қиламан, деб ўйламанг». Асадбек ҳозир шу ҳикматни эслаб Жамшидга айтгиси, «қароргоҳимизни чўктиришга уринишлар бўлаётганини билмай гафлатда ётиш бизга ярашмайди. Чўктирмоқчи бўлганларнинг ўзларини чўктиришимиз керак», демокчи бўлди-ю, «бунақа гапларга тушунармикин?» деган мулоҳазага бориб, индамай қўя қолди.

Қадимги эртакларда ҳақиқат излаган Кенжа ботир рўпарасидан уч йўл чиқарди: бири – «борса келмас», иккинчиси – «борса ё келар ё келмас», учинчиси – «борса келар». Шайтанат оламига муҳаббат қўйган Асадбекнинг рўпарасида фақат биттагина – «борса келмас» йўли бор эди. У буни биларди. Москвадаги сўнгги учрашувда Илико «Орқада фақат ўлим бор», деганида у ўйчан тарзда: «Олдинда ҳам ўлим бор», деб бежиз таъкидламаган эди. Буни тан олиш қанчалик нохуш ва оғир бўлмасин, ҳақиқатдан кўз юмишнинг фойдаси йўқ эди. Илико ҳам тан олган эди: «Истай-

мизми, истамаймизми, энди икки ўлим оралигида «лезгинка»га ўйнайверамиз...»

2

Асадбекнинг таънали гапларидан кейин Манзура эртасигаёқ қизиникига йўл олди. Гап фақат қизининг ўжарлигида бўлса, бунчалик шошилмас эди. Унинг тинчини олган нарса: ҳамонки, Асадбекда хавотир уйғонибдими, бу бежиз эмас! Худонинг ўзи асрасин-у, аммо қандайдир фалокатнинг шарпаси сезилганга ўхшайди.

Элчиннинг уйига яқинлашганда дарахт соясида турган машинага, унда ўтирган икки таниш йигитга кўзи тушиб, хавотири сал нари бўлди. Дарвоза эшиги одатдагидай очик эди.

Манзура қизи билан кўришаётиб айвонда бўш турган аравачага эътибор қилди:

– Қанилар? Ёлғиз ўтирибсанми? – деб сўради ажабланиб.

– Куёвингизни ўртоқлари дўхтирга олиб кетишди. Яна бир даволансалар, дард кўрмагандай бўлиб кетарканлар. Олдинига дўхтирлар роса ваҳима қилишган эди-я, қаранг, Худо хоҳласа, ҳар қанақа касал ҳам тузалиб кетаркан-ку?

– Илоҳим шифосини берсин, – Манзура шундай деб қизининг пешонаси билан икки кўзини меҳр билан ўпди-да, умидли оҳангда кўшиб қўйди: – Худо сизларга фарзанд берсин, боласини ўзи эркалаб кўтариб юрадиган бўлсин. Ўзинг қанақасан?

– Яхшиман, ойижон.

Айвондаги думалоқ стол атрофидан жой олгач, Манзура муддаога ўта қолди:

– Аданг яна гапиряптилар, ўжарлик қилмай бизни-кига кўчиб борсанглар яхши бўларди.

– Вой, ойижон, ўжарлик қилиш менга зарурми? Бу киши... ичкучёвликдан иснод қилаётганга ўхшайдилар.

– Агар иккала аканг билан кеннайиларинг бағримизда яшашганида, уялса арзирди. Энди сизлардан бошқа кимимиз бор? Ўзинг секин тушунтирсанг бўларди. Аданг гапирсалар малол олиши мумкин.

Зайнаб онасига ачиниш кўзи билан қаради. Ёлғизлик отасига нисбатан шу муштипар онасини кўпроқ забтига олишини у билмайдими? Билади! Аммо икки ўт орасида изтироб чекаётган бу қиз бечора нима қилсин? Онасининг дардини енгиллата олмаётган Зайнаб ҳозир Кесакполвон айтган «Асадбекнинг қизи» кўринишида эмас, ҳар қандай дардни сабр билан енга олувчи маъсума киёфасида эди. У нигоҳини онасидан олиб қочиб синиқ овозда:

– Хўп, ҳали келганларида яна маслаҳат айтиб кўрарман, – деди.

– Ҳеч бўлмаса ўзинг бориб турсанг ҳам майли эди, – деди Манзура иложсиз одамнинг ялиниш овозида.

– Қизиқсиз-а... – Зайнаб онасига ялт этиб қаради: – битта ўзларини бу аҳволда ташлаб кета оламанми?

– Билиб турибман. Бу ерда сенга кийин, у ёқда бизга оғир...

– Уйга бориб тураман, десам, куёвингиз йўқ демайдилар. «Яна касалхонага ётсам, сен уйингга бориб турасан», деяётувдилар. Бир-икки кун сабр қилиб туринг.

Сабрдан ўзга яна чораси борми? Манзура кизини ғам кўлмагига ботириб кетмаслик учун дардини ичига ютиб, бу мавзуда бошқа гапирмади.

Икки дардли юрак бир-бирини авайлаган тақдирда ҳам, қайси бир сўз ўки барибир қалб ярасини тилиб ўтиши табиий. Шу сабабли Манзура узоқ гаплашиб ўтиришни истамади. Куёвининг қайтишини кутмай, изига қайтди.

Элчинни шифокорга олиб кетган дўстлари яхши хабар билан қайтишди. Бундан кўнгли равшанлашган Зайнаб онасининг келганини айтиб, саломини эрига



етказиш билан чекланди. Кўчиш ҳақида эр-хотин аввал узил-кесил гаплашиб олишгани учун Манзуранинг муддаосини билдирмай кўя қолди.

Элчин толиққан бўлса-да, ётишни истамади. Шифокор яқин орада ҳаракат ҳам, овоз ҳам тўла қайтишига ишонтариб, уни руҳлантирган, ҳозирнинг ўзида тўлиб-тўлиб кўшиқ айтгиси келаётган эди. У торни стол устига олиб қўйишни хотинидан илтимос қилиб, аравачаси билан сурилди. Зайнаб унинг илтимосини бажаргач, пешинга таом тайёрлаш мақсадида ошхона томон юрди. Пиёзларни арчиб, музлатгичдан гўштни олаётганида айвондан Элчиннинг овози эшитилди. Элчин Зайнабни хайратга солиб, кўшиқ хиргойи қила бошлаган эди:

Қайда у кунларим, қайда у висол?  
Қайда қувончимга қоришган жаҳон?  
Сени мен йўқотдим йўловчи мисол,  
Қолди қароқчига таланган қарвон.

Эгасига бўйсунгиси келмаётган бармоқлар торни заифгина чертади, жаранглаши лозим бўлган тор ожиз инграйди. Жаранглаши зарур бўлган овоз эгасининг амрини бажармайди, хасталик чегарасини босиб ўтолмайди. Хаста юракда туғилган кўшиқ аслида жаранглаши шарт ҳам эмасди. Кўшиқ Элчиннинг ўзига эриш туюлгани билан ошхонада диққат билан тинглаётган Зайнабга ёқаётган, эрининг дардли кўшиғи уни ўз чодирига буркай бошлаган эди.

Сенсиз умр ярим ва дунё бир кам,  
Нетай, ўқтин-ўқтин зиркирар қалбим.  
Ўчоғи бор-ку ярк этган чўғнинг ҳам,  
Қолдим уйи куйган мусулмон каби.

Зайнаб кўшиқ сўзларига диққат қилди: кимга аталган бу кўшиқ?

«Сени мен йўқотдим йўловчи мисол...»

«Сенсиз умр ярим ва дунё бир кам...»

«Ҳарҳолда биринчи хотинига аталган, – деб ўйлади Зайнаб. – Уни унутолмайди... Мен бу кишини кечирдим, лекин у ўзини кечира олмай, юрак яраси билан яшаяпти. Ҳатто менинг меҳрим ҳам бу ярага малҳам бўла олмапти. Бу яра... умуман тузалмаса керак... Одам ўзини ўзи кечира олмаса, қийин, жуда қийин... Ёш ўлиб кетган бўлса ҳам, ўша хотин менидан бахтлироқ экан. Чинакамига севадигани бор экан. Ўлимидан куйиб-куйиб инграйдигани бор экан. Менинг кимим бор? Мени ким севади? Ўлсам, ким инграб тўлғонади? Ҳеч ким...»

Дўл урган даладек паришон бу дил,  
Афсус-надоматлар ёндираб бўғзим.  
Менга лаънатлар айт, қарға муттасил,  
Берсин жазоимни Худойим ўзи.

«Ким қарғаши керак? Гўрда ётган хотиними?! – Хаёлига келган бу фикрдан ўзи чўчиб тушди. – Тавба, тавба!! Худойим ўзинг кечир! Тирик одам қарғаса, қарғишини қайтиб олиши мумкин. Ўликларнинг қарғиши нима бўлади? Балки бошига тушаётган кўргиликлар шунақа қарғишларнинг оқибатидир? Қачонгача қарғайди? Қачонгача азоб чекади бу киши? Худойим, меҳрибонсан-ку, Ўзинг кечира колгин...»

Ёнган уй тикланар, бутланар қарвон,  
Дўл урган дала ҳам яшнайти қайтиб.  
Бироқ, йўқолмайди кўксимда армон,  
Бироқ, сен йиғлайсан, лаънатлар айтиб...

«Сен йиғлайсан, лаънатлар айтиб?»

«Буни менга айтмаяптими? Ҳа, мен йиғлайман, лекин лаънат айтмай қўйганман. Лаънатдан энди Худойим асрасин. Нима бўлганда ҳам эрим... Мен орзу

қилган отабеклар йўқ... Кумушни ўзим ўлдирдим...  
Ўлдиришим керак ҳам эди...»

Зайнаб кўзларини намлаган ёшни артиб, эшик томон қадам босди-да, эри ўтирган хона томон қаради. Торни худди чақалоқ сингари кучоқлаб олган Элчин бошини қуйи эгиб, ҳаракатсиз ўтирарди. Баданида енгил титроқ туриб, торни тушириб юборди. Зайнаб қўлидаги пичоқни стол устига отди-ю, эри томон шошилди.

Элчин ҳушидан кетмаган, қўлида титроқ тургани учун торни тушириб юборган эди. Зайнаб югуриб келиб елкасидан кучгач, унинг қўлларини силаб:

– Қўрқитиб юбордимми? – деди айбдор одамнинг овози билан. – Тор сал оғирлик қилди. Бармоқларим ўргана олмаяпти.

– Албатта оғирлик қилади-да, – деди Зайнаб. – Соғ одам кўтара олмайди-ку... Яна озгина чиданг, шошилманг.

– Анварнинг акаси ташлаб кетган шеърларни қуйга солувдим... Ичимга сиғмади...

– Эшитдим, зўр чиқибди.

– Илёсбекнинг айтишига мўлжалловдим, насиб қилмабди. Қизиг-а, Зайнаб, эшитганмисан, дунёнинг тузилиши спирал шаклда экан. Шунинг учун айрим тақдирлар маълум нуқталарда туташар экан. Шу шеърни қарагин, ёзган одам ўзини ўлдирди, ашулани айтиши керак бўлган йигитни ўлдириб кетишди... Куйга солган одамнинг аҳволи бу...

– Дунёнинг спирал шакли – олимларнинг тахмини. Сиз айтган тақдирлар туташуви тасодиф...

Зайнаб шундай деб эрининг елкасини силаган бўлди. Кейин гилам устида юзтубан ётган торни олиб, стол устига авайлаб қўйди.

– Илёсбек билан Козимбекдан умидим зўр эди. Иккови бир оламга татийдиган бўлиб камолга етишятувди. Охирги келганлари эсингдами? «Дўсти, дўсти, нараха»ни жўровозда айтиб беришганда, хин-

дийчани тушунмасам ҳам, йиғлаб юборай дегандим. Ҳиндларнинг ўзи ҳам бунақа таъсирли айтишолмаган, тўғрими? Тузалсам, иккови билан бирга сахнага чиқсам, деб орзу қилувдим. Бизда жўровозда айтувчилар деярли йўқ...

– Худо хоҳласа тузаласиз, сахнага ҳам чиқасиз.

– Гапларимдан кулма. Санъаткор халки шунақа шуҳратпараст бўлади. Даври даврони ўтганини билиб турса ҳам, сахнага чиқсам, одамлар қарсақлар чалиб олқишлашса, деб орзу қилаверади.

– Давру давронингиз ўтгани йўқ. Одамлар ашулаларингиз ёзилган кассеталарни пулга сотиб олишяптику, сахнада ўрнингиз борлигини шунинг ўзи исбот этмаяптими?

– Ёзувни эшитиш бошқа, сахна бошқа. Сахнада узок туриш қийин, ёшларнинг оқими сел каби ёпирилиб, ҳар қандай машҳур санъаткорни суриб ташлайди. Мен ўла-ўлгунимча ашула айтиб юраверишим мумкин, эски мухлисларим мазза қилиб эшитишлари ҳам мумкин, лекин илгариги Элчиннинг аллақачон ўлиб кетганини тан олмасам, куним шармандаликка қолади.

– Қўйинг, совуқ нафас қилманг. Ана, французларнинг Шарл Азнаури шу ёшидаям дунёни лол қолдириб юрибди-ку?

– Сен иродали аёлсан, шу иродангнинг ярми менда бўлганидами? – Элчин шундай деб маъюсгина жилмайди. – Илёсбекнинг «иш»и нима бўлдийкин? Терговчи яна келмоқчийди, жимиб кетди. Қотилни топганмикин?

– Топиш осон эканми? Келувди ўша терговчингиз, уйга киритмадим.

– Нега? Баҳонада у-бу янгиликни билиб олардик.

– Терговчи сизга янгилик айтарканми? Бошингизни айлантиришдан бошқа нияти йўқ унинг. Аслида, биринчи келганида киритмаслигим керак эди. Биттаси ўлдирилган бўлса, яна биттаси йўқолса, сизнинг

нима даҳлингиз бор? Адамниям олиб бориб сўрок қилишибди.

Бу янгилик Элчинни чинакамига таажужбга солди:

– Ие, нега?

– Неғалигини ўзлари билишади. Қанақа қилиб бўл-саям адамдан кир топишлари керак-ку?

– Лекин... аданг уларни ҳатто билмасдилар. Янги чиқаётган ашулачиларни ёқтирмасдилар.

– Буни ўша терговчиларга тушунтириш керак. Эрталаб қарасам, сизни сўрок қилган одам тўппа-тўғри кириб келяпти, «тўхтанг, отангизнинг уйими бу, индамай кириб келадиган», десам, «мен томошатаалаб одаммасман, хизмат юзасидан келдим», деб олиф-тагарчилик қилувди, «Хизмат юзасидан бўлса, прокурорнинг рухсатини кўрсатинг», дедим. Бизнинг одамлар милисани кўрдими, тамом, айби бўлса-бўлмаса, тиззаси қалтирайди. Рухсатнома сўрамайди. Булар шунга ўрганиб, «нима қилсам ўзимнинг ишим», деб керилиб юраверишади. Хоҳлаган уйга бостириб кира-веради, истаган одамни турмасига тикиб қўяверади.

– Ўзбекчилик-да, – деди Элчин кулимсираб, – буларни ҳам меҳмондай кутиб олаверамиз. Меҳмоннинг кўкрагидан итариш одати бизда йўқ. Ҳар ҳолда кири-таверганинг маъқул эди.

– Фашимга тегмай одамга ўхшаб гапирса, киритардим...

– Нима деди?

– Қўяверинг, ўзи нима-ю, гапи нима бўларди...

Зайнаб шундай деб, ошхонага қайтди. Рухсатнома талаб қилганида терговчи осмондан келиб: «Биз билан ўйнашманг, Асадбекнинг кизи бўлсангиз ўзингизга, катта кетманг», деди. Отасининг номи ўринсиз ҳолатда тилга олиними Зайнабнинг жаҳлини кўзғати. Кесакполвон «Сен Асадбекнинг қизисан!» деганда ҳақли эди. Зайнаб ғазабланганида кўзлари катта-катта очилиб, гўё ёна бошлагандай қизариб кетарди. Бундай ҳолатда нафрат учқунларини фақат Асадбекнинг

кўзларида кўриш мумкин эди. Терговчи томонидан нодонлик билан айтилган гапдан кейин Зайнабнинг кўзларидан ана шундай учкунлар сачради. «Мен бу ерда Асадбекнинг кизи эмасман, Элчинбекнинг хотиниман. Мен билан ҳам ўйнашманг», деб кўкрагидан итаргудай бўлиб остонагача кузатиб қўйди. Ҳозир Зайнаб гап бошлади-ю, лекин эрига бу машмаша тафсилотини айтгиси келмади.

Элчин яраланиб, неча бор хушидан кетиб, ўзига келган онларида ҳаммадан кўпроқ Анварни эслади. Нима учун шундай бўлаётганини ўзи ҳам билмади. «Агар ўлмай, тузалиб чиқсам, Анварнинг хотирасига туркум кўшиқлар атайман. У ўзини шоир деб ҳисобламасди. Лекин унча-бунча шоир зотини орқада қолдириб кетадиган шеърлари бор эди. Халқ уни тириклигида танимади. Ўлиmidан кейин номини эъзозласин. Шеърлари газетада чиққани билан биров ўқийди, бошқаси беҳабар қолади. Шоирни ашула машҳур қилади», деган аҳдни қалби тўрида асради. Анварнинг ўлмас шеърлари билан Илёсбекни янада баландроқ мартабага кўтармоқчи эди...

Илёсбек... кимнинг қасди бор экан бу йигитда...

Козимбек... Наҳот у?

Йўқ... Улар чинакамига дўст эди. Ҳасадсиз санъаткор бўлмади. Улар орасида ҳам ҳасад бўлган, лекин ғаразга айланмаган, ҳар ҳолда шундай эканига Элчиннинг ишончи бор эди. Дўстини ўлдириб ёки ўлдиртириб, қочиб юриш Козимбекка хос эмаслигига эса имони комил.

Ошхонага қайтган Зайнабнинг хаёли ҳам икки ёш кўшиқчининг аянчли тақдири билан банд эди. Эрини йўқлаб турувчилар орасида бу иккиси чинданам бошқача эди. Қошлари қалин, кўзлари кулиб турувчи бу йигитларнинг овози, гапириш оҳанги ҳам ширали эди. «Шаҳарнинг энг гўзаллари талаш қилиб юборса керак бу хушрўй йигитларни», деб ўйлаган эди Зайнаб. Охириги келишларида ҳиндча кинодаги ашулани

хиргойи қилиб беришувди. Кейин ғалати гап айтишган эди...

Ўша гапни эслаган Зайнабнинг юраги ғалати бўлиб кетди. Пичоқ ушлаган қўли қотди.

«Кинода икки дўст бир гўзални севиб қолади, бизнинг ҳаётимизда бир гўзалга уч ошиқ... Гўзал эса худди эртақлардаги маликага ўхшаб шарт қўйган: кўрик-танловда ким биринчи бўлса, ўшанга тегармиш. Шахсан мен бунақасига рози эмасман. Бунақа савдо билан ҳаёт чиройли бўлмайди. Шунинг учун четга чиқажакман... Гўзалдан юз ўгириб, халқимга, ижодимга қайтажакман!»

Бу гапларни Козимбек айтган эди. Жиддий эмас, ҳазил оҳангида айтганди. Лекин бир гўзал уч йигит орасида талаш бўлса... ҳамма нарсани кутиш мумкин. Демак... қотил учинчи дўстми?

Зайнабга бу фикр ҳақиқат бўлиб туюлиб, эти бир жимирлашди. Яна бир оз ўйлашиб тургач, эрининг ёнига қайтди. Элчин чолғуга қўлини чўзиб, кўрсаткич бармоғи билан торни заифгина чертиб ўтирарди. Зайнабнинг паришон ҳолда кириб келишидан ажабланди. Зайнаб унинг рўпарасига ўтирди, хаёлига келган фикрни айтишга иккиланди. Элчин «Тинчликми, Зайнаб?» дегач, тилга кирди:

– Калаванинг учини топганга ўхшайман... Сиз ҳақсиз, Козимбекдан шубҳа қилиш керакмас. Охириги келишларини эсланг, ашулани айтиб бўлишгандан кейин Козимбек «бир гўзалга уч ошиқ» деган эди. Гўзалнинг шартини айтиб, четга чиққанини билдирганди. Қанақа кўрик-танлов эди, сиз биларсиз?

– Битта мен эмас, ҳамма билади. Боқуда ёш хонандаларнинг халқаро кўрик-танлови бўлади... «Бўлади», эмас, назаримда ўтиб бўлди. Даъвогарлар орасида Илёсбек, Козимбек ҳам бор эди.

– Яна биттаси бўлиши керак эмасми?

– Битта эмас, бир нечта эди даъвогар. Лекин арзийдигани шу иккаласи эди. Ҳа, Толиб ҳам бор эди.

– Уччаласи дўст эдими?  
– Билмадим... Лекин учовиям бир жойда ўқиган.  
– Гўзал ҳақида ҳам гапирувди, танийсизми ўша қизни?

– Йўк, тўғриси... ўша кунги гапни мен ҳазил деб тушунувдим. Булар қиз талашадиган йигитлар эмас, буларни қизлар талашисса керак?

– Қиздан ташқари халқаро кўрик-танлов ҳам бор. Козимбек ҳазиллашмаган бўлса, у даъвогарликдан воз кечган. Демак, икки киши қолган. Илёсбек ўлдирилгач, Толиб бордими?

– Ҳа, шунақа бўлибди.

– Ютибдими?

– Йўк, рағбатлантирувчи мукофот олибди. Бунақа мукофотни борганларнинг ҳаммасига беришади.

– Унда гўзал қизнинг шарти бажарилмабди-да? Илёсбек ўлдирилди, Козимбек изсиз йўқолган, Толиб Бокудан куруқ қайтган... Гўзалнинг тақдирини маъна бўлади энди? Толибга тегишдан бошқа чораси қолмаганми? Толиб эришадиган асосий мукофот ўша гўзалми? Шу мукофотни деб икки йигит жувонмарг бўлиб кетаверадими?

Элчин куйиниб гапирётган хотинига қараб кулимсиради.

– Куладиган жиннича гап гапирдимми? – деди Зайнаб зардали оҳангда. У воқеани таҳлил қилиб, худди отаси каби мантиқий хулосалар чиқара бошлаган эди. Эрининг кулимсираши масҳара бўлиб туюлиб, отаси каби бирданига ёнди.

– Кулганим йўк, Зайнаб, – деди Элчин узр оҳангида. – Фақат... терговчига ўхшаб мени саволга кўмиб ташладинг. Ўйлаб жавоб беришга улгурмай қолдим. Гапларингда жон бор... Лекин... терговчилар эшитишмагани маъқул. Толибни яхши билмайман. Эҳтимол, юрагида ёвузлиги бордир. Лекин санъаткорнинг қалбида нафосат билан ёвузликнинг бирга яшаши мумкинлигига ишонгим келмайди.



– Нега ишонмайсиз? Моцарт фожиасидан кейин Сольерига ўхшаганлар бутунлай қирилиб кетишганми? Ўзингизнинг ашулангизда бор эди: «Дўстга зор бўлган куним дўст мени хор айлади...» Шогирдларингизни бегона одам ўлдирмаган.

– Қозимбекни ҳам ўлдига чиқаряпсанми?

– Агар мантикқа суянилса, бошқача хулоса бўлиши мумкинмас.

– Агар терговчи бўлганингда...

– Ҳеч қачон терговчи бўлолмайман.

– Нега энди?

– Мен ҳар воқеадан мантиқ излайман, терговчининг мантиқ ҳақида ўйлашга вақти йўқ. У ҳужжатларни тезгина юмалоқ-ёстик қилиб, ишни судга ошириши керак. Ундан ҳеч ким мантиқ талаб этмайди.

– Гапинг тўғри, лекин ҳар қалай...

Зайнаб ўрнидан туриб, эрига норози кифода боқди:

– Гапингиз ичингизда қолмасин, айтаверинг.

– Ранжимагин-у, анча шафқатсиз терговчи бўларкансан.

– «Шафқатсиз» дейсизми? Йўқ, мен эмас, ҳаёт шафқатсиз...

Ҳаётнинг ҳар турли шафқатсиз дўллари остида қолиб, ҳаётдан тўйган Элчин хотинига эътироз билдира олмас эди. Эр-хотин ҳаётнинг шафқатсиз эканини эътироф этишса-да, шафқатсизлик хусусидаги қарашлари бир хил эмасди. Улар гўё «ҳаёт шафқатсизлиги» деб аталмиш азм дарёнинг икки қирғоғида кезаётган икки дарбадар каби эдилар. «Ҳа, ҳаёт бениҳоя шафқатсиздир!» деган ҳақиқатда бирлашган эр-хотин «Ҳаётнинг нимаси шафқатсиз?» деган савол ўртага қўйилса, бир-бирларидан узоқлаша бошлаган бўлардилар. Ҳозир ҳаётнинг қанақасига шафқатсиз экани исбот талаб этилмади, Зайнабнинг дардли қалбдан сизиб чиққан сўзлари кифоя қилди.

Эрини касалхонадан олиб чиқиб, акасининг тўйига бормаганлиги Асадбекка аввалига нодонлик бўлиб туюлган эди. Кейинроқ ўжарликка йўйди. Сўнгроқ эса қизининг феълига умуман тушунмай қолди. Абдухамиднинг ўлиmidан кейин, айниқса, Абдусамад ўқишга қайтганидан сўнг ёнида қизи бўлишини жуда-жуда истаган эди. Ота истагига кўра қизнинг кайсарлиги устун бўлса, нима қилсин у бечора!

Асадбек «қизинг эрининг раъйига қарайди», деган гапни Манзурага қатъий ишонч билан айтмаган эди. Элчиннинг бу хонадонга кўчиб келишга кўнмаслигини билар ва унинг бу ҳолатига тушунгани учун зўрлашдан ўзини тиярди, Зайнабнинг ўжарликларига ҳам чидаб келаётганди.

Лекин...

Зайнабнинг ота уйига кўчиб келмаслигига жиддийроқ сабаб ҳам бор эдики, буни Асадбек ҳам, Манзура ҳам билишса-да, сиртга чиқаришмасди.

Зайнаб бу уйга кўчиб келгач, Жамшид билан хар куни, турли ҳолатда кўришиб туришдан чўчиётган эди. Гарчи Жамшид уни «синглим» деб атаса-да, дардни умид билан енгилшга уринган Зайнаб руҳидаги Кумушбибини бераҳмларча ўлдирган бўлса-да, орадаги шайтон ҳали тирик ва ҳатто сергак эди!

Зайнаб келин аяси Муштарийнинг бир гапини кўп эслайди: «Румонни мутолаа этувим жараёнида Кумуш қандай қиз экан, деб чўх ўйга толурдим. Сизни кўрдим ва дедимки: ана, Кумуш!»

Қизлик сурури билан яшаётган кунларида бу таъриф берилса, унга ғоят хуш ёққан бўларди. Балки бу мақтов қанотида муҳаббат осмонида парвозлар қилармиди... Энди у осмон йўк, парвоз қилувчи қанотлар қирқилган... Шу боис келин аясининг пок кўнгил ила билдирган лутфини қабул қила олмай, синиқ овозда: «Кумуш ўлган...» деб кўйган эди. Яхшики, Муштарий қайинсинглисининг бошига ёғилган мусибат дўлидан беҳабар. Зайнабнинг гапини китобдаги

Кумушнинг заҳарланиб ўлиши, деб тушуниб, эътироз билдириб эди: «Кумушбиби жисман ўлмишлар. Бибийимиз муҳаббатлари тирикдир, ўлмасдир. Унинг туйғулари сиз ила бизда яшар...»

...унинг туйғулари сиз ила бизда яшар...

Зайнаб шу гапни кўп ўйлайди. У қалбидаги туйғуни ўлдирганига ишонарди. Айниқса, Ҳайдар амакисига кўшилиб Мардонани ўлдиргани борганида бунга амин эди. Кейинчалик, келин аялари билан суҳбатларда муҳаббат туйғусини ўлдириш мумкин-маслиғига ишона бошлади.

Отаси уйга кўчиб ўтиш ҳақида сўз очганида у ўша туйғунинг тирилиб қолишидан кўрқарди.

Жуда-жуда кўрқарди...

### 3

«Кар эшитганини, кўр ушлаганини қўймас», деганларидек, Фазлияни санчки ушлаган ҳолда кўрганларнинг гувоҳлиги асос бўлиб, аёл эрининг қотили сифатида қамалган эди. Адвокат «юқори маҳкамага шикоят қилиб, бу суднинг ҳукмини бузамиз», деганда ҳам унамаган, бировга хасрат дафтари очмаган Фазлия дардларини бу бегона аёлга қандай айтишни билмай, қийналди.

Фазлия йиллар бўйи банди бўлган кулфат гардларидан қутулиш, юрагини темир тирноқлар исканжасида тутиб турган аламлардан холи бўлиш учун ўзига дардқаш изларди. Лекин фаровонлик тахтида ўтирган Манзура унга дардқаш бўла олармикин? Бу хонадонга нажот олиҳасини излаб келгани билан, Манзурани фаровонлик тахтида ўтирган дардсиз хотин деб ўйларди. Манзуранинг ичи дардлардан дўл ғалвир қилиб юборган чорасиз барг сингари илма-тешик бўлиб кетганини қайдан ҳам билсин?

Манзура бу маъсуманинг синиқ овоз билан баён этган арзи ҳолини эшитиб, титраб кетди. «Муштипар-

нинг юраги шунча ғам-аламга қандай чидади экан?» – деб ўйлаб, унинг қалб ярасига малҳам бўла олувчи сўз излади. «Адамизга айтаман, болаларингизни топишга ёрдам берадилар» деб овутомқчи бўлди. Манзуранинг бу гапларидан кейин аёлнинг мунгли кўзларида умид учқунлари кўринди. Аммо кейинги таклифини эшитиб, бошини эгди. Бу ерга келишдан мақсади болаларини топишга ёрдам сўраш эди. Тўғри, қишлоқдаги уйда яшашга юраги бетламай қолганди. Қамокдан чиқиб борди. Қўни-қўшнилар йўқлашди, ош-овқатдан ками йўқ эди. Бир ойми ё ундан кўпми, оқибатли қўшнилар паноҳида мухтожлик нималигини билмай яшаши мумкин эди.

Энди бу бегона хонадонда яшаш?

Манзура «хизматкорлик қиласиз», деб очиқ айтмади. «Шу ерда яшаб туриш, у-бу ишларимга қарашиб турарсиз», деди. Фазлия бошини эгиб жимиб қолгач, «ҳеч бўлмаса, болаларингиз топилгунича яшаб туриш», деб кўшиб кўйди.

Фазлия бир хонадонга хизматкор бўлишни тасаввур қила олмасди. Гап ишдан қочишда эмас, қишлоқда ўсиб, эрлар билан теппа-тенг ишлаган аёл меҳнатдан кўрқармиди? Қишлоқда тонг отгач, қуёш аста бош кўтариб қарайди-ю, ўзидан аввал уйғониб, аллақанча ишларни қилиб ташлаган аёллардан уялганданми, баъзан кизариб кетади. Қуёшда ор бор, аммо ярим кечага қадар қайси бир тўйда ёки гап-гаштакда бўкиб ичиб, кун ёйилгунча уйқуни урадиган эрларда виждон йўқ. Субҳдан илгари туриб, сигир соғиб, ҳовли супуриб, кир ювиб, яна томорқадаги сабзини ўтоқ қилиб кўйишга улгурган хотинига қараб: «ҳалиям чойинг қайнамадимми?» деб бўкиришга овоз бор. Аммо шу овозга монанд ғайрат, мардлик йўқ.

Барча афсус шунда.

Аммо... Аёллар афсусланишмайди, виждонсиз, ғайратсиз, такасалтанг бўлса ҳам майли, эрнинг бори-га шукр қилишади.

Фазлия ҳам шуларнинг бири.

Хизматкорликни таклиф қилаётган аёл эса ундай эмас, у бошқа олам. Фазлия унинг тирноқлари бўялмаган бармоқларига қараб, нозанин, эгилмас, сатанг бойвуччалардан эмаслигини сизди. Асадбек хотинининг истагини эшитиб, «синалмаган хотин»ни олиб қолмоқчи бўлаётганидан ғашланганди. Фазлия эса синалмаган уй бекасининг қандай хизматларини бажаришини тасаввур эта олмай ғашланди. Қишлоқда иш оғир, иш ҳақи эса оз бўлгани билан эркин юра олади. Бу ерда қишлоқдагичалик иш бўлмайди, берадиганлари ҳам кўпдир. Лекин... бировларнинг қош-қовоғига қараб, мутелик билан кун кўриш... Фазлия шундан қисилиб, жавобга қийналаётган эди. «Ҳеч бўлмаса, болаларингиз топилгунича яшаб турунг», дейилиши мушқулини осон этди. Чехраси ёришиб, Манзурага миннатдор кўзлари билан қаради:

– Майли, опагон, – деди енгил хўрсиниб, – фақат... уйга бориб келай, бу бозорда сотадиган нарсаларим бор.

– Нималарни сотмоқчисиз? – деди Манзура ажабланиб, кейин саволига аниқлик киритди: – Нега сотмоқчисиз?

– Мен у ёқдалигимда... барака топгур кўшниларим мол-ҳолга қараб, анча кўпайтириб қўйишибди. Одамлардан қарзларимиз бор... ўлган одамнинг қарзи тўланмаса, гўрда қийналиб ётаркан. Молни сотиб, дадамизни гўр азобидан қутқаришим керак.

Бу гапни эшитиб Манзура бир сесканди. Тирик болаларининг ғамида юрган муштипарнинг қабр азобидаги эрини ўйлаши уни ларзага солди. Қарғишларга лойиқ эрнинг нариги дунёдаги аҳволига ачиниш унга ғалати туюлиб, айтишга гап тополмай қолди. Сўнг... унга яна бир яхшилик қилгиси келди.

– Молларингизни сотманг, болаларингизнинг тўйларига атаб қўйинг. Қарзларингизни тўлашга ета-

диган пулни мен берайин. Молларни бокиб туришгани учун кўшнилариингизга ҳам ҳақларини берайлик...

– Нима деяпсиз? – деди Фазлия унга ҳайрат билан қараб: – Кўни-кўшничиликда бунақаси йўқ. Нима қилинса, холисаниллоҳ бўлади. Агар «ҳақ олинлар», десам, кейин бетимга қарамай кўйишади. Қарзларни ҳам баъзи бировлар кечиб юборишибди. Битталари: «Эринг қиморвоз, ароқхўр бўлгани билан яхши одам эди. Жанозасида тобутининг тепасида туриб қарзлардан воз кечганман. Яна бир-икки киши кечди, эринг у дунёга бўйнидаги қарздан қутулиб кетди, сен хотиржам бўлавер», дедилар. Раҳмат айтдим-у, лекин кўнглимдаги хиралик кетмади. «Тўлаб қўй», деб васият қилган эдилар, кечишган бўлишса ҳам тўлашим керак... Опажон, ранжиманг, қарзларни ўз молимдан тўлашим шарт. Йўқ бўлганда, ўзим сўрардим...

– Молларни болаларнинг тўйларига атаб кўйинг, деяпман.

– Худойим болаларимга яна ризқ берар...

Подшоҳ саройидаги мажлис аҳлидан: «Ҳамма нарсадан оғирроқ, қаттиқроқ нарса нима?» деб сўраганида, донишмандларидан бири: «Қарилик, танглик, йўқчилик», – деди. Иккинчиси: «Қасаллик ва ғам-андух», – деди. Учинчиси подшоҳга маъқул гапни айтди:

– Ҳамма нарсадан оғирроқ ва қаттиқроқ нарса – ажалнинг яқинлашиб қолиши ва ҳаётда яхшилик қилмай, ёмон номга эга бўлиб вафот қилиш...

Манзура қайсидир издиҳомда отин ойдан эшитган бу ҳикматни эслаб қолган эди. Ўғлининг ўлимидан кейин бу ҳикматнинг ўзгача қудратини ҳис этди. У яхшилик қилишдан ҳеч қачон бўйин товламаган. Ёмонликдан ҳазар қилган. Ҳозир ҳам бу муштипарга яхшилик қилмоқчи, лекин бечора бўлишига қарамай у қўлини қайтаряпти. Кўп одамлар мухтож бўлишмасида, бу хонадондан бир нималар кутишади, арзимаган

нарса учун пой-патак бўлишдан ҳам қайтишмайди. Бу бечора эса...

Пул бойлиги бўлмаган аёлнинг ғурур бойлиги қандай бўлишини Манзура энди кўрди. Кўрди-ю, барча бойлигини ҳадя этган тақдирда ҳам бу бечора даражасида бой бўла олмаслигига ақли етиб, руҳи эзилди. Фазлия уйига кетганидан кейин ҳам Манзуранинг хаёли унинг гаплари билан банд бўлди. Манзура шоҳона хонадонда туғилмаган, болалигида тўкинлик лаззатини кўпам тотмаган эди. Аксинча, муҳтожлик қанақа бўлишини билиб улғайганди. Асадбекка текканидан кейин ҳам дарров бойлик шоҳсупасига кўтарилмаганди.

Ўша онларда унда Фазлияники каби ғурур бойлиги бормиди?

Бор бўлса, уни қачон йўқотди?

Йўқотганини қайта топа оладими?

Бу каби саволлар қайнаб чиқаверди, жавобга эса ожизлик қилди. Ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бу каби саволларга иймон билан қувватланган ақлгина тўғри жавоб бера олади.

Бозор куни ҳам ўтди, Фазлиядан дарак бўлмади. «Келмайди, чўриликни ор деб билди...» деган хаёлда Манзура ундан умидини уза бошлади. Жамшид келиб, хожасини олиб кетгач, уйга сиғмай қолди. Ошхонада ғимирлаб, ўзини чалғитмоқчи бўлди. Юраги барибир сиқилавергач, отин ойи ҳузурига бориб, кўнглига таскин топиш учун йўлга ҳозирланди.

Манзура очик эшикни аста тақиллатиб, ичкарига қараганда Афруза дераза ойнақларини юваётган эди. Меҳмонни кўриб, тезгина пастга тушди-да, қўлларини сочикқа артди. Манзура бемаврид келганидан хижолат бўлиб, айвонга чиққиси келмади. Унинг хижолатини сезган Афруза дарахт соясидаги думалок стол томон бошлади. Ўтириб, дуо қилинган, мезбон кулимсираганича:

– «Ишингга солиб «акримиз-зайфа» нур, ту-

туб маръи ойини «хайрул-умур», деганлар Навоий ҳазратлари. Шу тарзда шоир бобомиз бизга «акримиз зайфа» – «Меҳмонни ҳурмат қил!» деб амр этилганини эслатяптилар. Чунки бу амрга итоат этишимиз «хайрул-умур», яъни ишларнинг яхшиси экан, – деб таомилга кўра, дастурхон ёзмоқ мақсадида ўрнидан турмоқчи эди, Манзура унамади:

– Бир масалани ечолмай, бошим қотиб келдим.  
Икки оғиз гапингизни эшитаман-у, қайтаман, – деди.

– Икки оғиз гап бир пиёла чой устида айтилса, яна ҳам чиройли бўлади, – деди Афруза жилмайиб, – Аллоҳ таоло «уйингизга меҳмон келмай қолса, «аузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм», денглар», деб ўргатган. Шайтон ин қўйган уйга меҳмон яқинлашмайди. Уйимга меҳмон юборган Аллоҳимга шукр, меҳмон остона ҳатлаганидан кейин изни қисман мезбон ихтиёрига ўтади.

Гарчи «бир пиёла чой» дейилган бўлса-да, дастурхон ёзилди, Аллоҳнинг неъматларидан насиба қўйилди. Бу жараёнда меҳмоннинг хижолати ошаверди. Айниқса, Афрузанинг «шайтон ин қўйган уйга меҳмон яқинлашмайди», дейиши вужудини жимирлаштириб юборди. Меҳмон келмай қўйгани учун шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўралса, у қанчалар илтижо этмоғи зарур экан? Эшиги олдида қоровул, яқинлашишга бегона одамнинг юраги бетламайди. Фазлияга ўхшаш ҳожатгалаблар соатлаб, балки кунлар йўл пойлашса... Ҳовлига қўйиладиганлар ҳам самимий, холис меҳмонлар эмас, қайси бир ишни битириш учун келганлар... Меҳмон кириб келганда қувониб кетиш, хайрлашиш чоғида дийдорига тўймаганидан афсусланиш... Бундай туйғулар камдан кам ҳолларда уйғонади. Манзура меҳмон кутишни яхши кўради, меҳмонни соғинади. Аммо... меҳмондан безувчининг раъйига қараб яшашга мажбур.

Ваъда қилинган бир пиёла чой ичилгач, Манзура ечолмаётган масаласини баён қилишга ўтди:



– Одамларга яхшилик қилиш шартлигини биламиз, саховатли бўлиш ҳақида ҳам кўп эшитамиз. Лекин бир одам муҳтожроқ одамга яхшилик қилгиси келса-ю, у муҳтож одам олмаса-чи?

Манзура мақсадини охиригача очик баён этишдан тортинди. Афруза буни сезди, яна гапирар, деган ўйда бир оз кутди. Кейин шогирдига масаланинг ечимини тушунтираётган устоз оҳангида гап бошлади:

– «Яхшиликни раҳмдил, меҳрибон умматларимдан кутинглар», – деганлар пайғамбаримиз алай-хиссалом. – «Шунда сизлар улардан умид қилган марҳаматларга эришасизлар. Тошбағир, қаттиққўл, бераҳм умматларимдан зинҳор яхшилик кутманглар, зеро, уларга Аллоҳ таолонинг лаънати ёғилиб туради. Эй Али!» – деб хитоб қилганлар. – «Аллоҳ таоло яхшиликни яратганда унинг ўз аҳлини ҳам алоҳида яратган ва уларга яхшилик ва хайрли ишларни яхши кўрсатиб қўйган. Шунинг учун улардан ким яхшилик кутса, албатта мақсадга эришаверади. Бунинг мисоли чанқоқ бўз ерга сув қўйиб юборилса, у ер қанчалик яшнаб эгаларини сероб қилгани каби яхшилик аҳли ҳам одамларга шунчалик манфаат ва баҳра етказур. Бу дунёдаги энг яхши кишилар охиратда ҳам яхшилар қаторида тургайлар». Ўнлаб шарафли ҳадисларда, Қуръони Карим оятларида одам зоти фақат яхшилик қилишга буюрилган. Мен сизга фақат биттасини айтдим. Қуръонда бу оят ҳам бор: «Улар энгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар, ғазабини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлар. Аллоҳ яхшилик қиладиганларни ёқтиради». У одамлар яхшилик қилишда собитқадамдирлар. Ҳаётлари энгиллашиб, ҳамма нарсалари сероб бўлиб кетса ҳам, ҳовлиқиб, ҳаддиларидан ошиб, фиску фасодга берилиб кетмайдилар. Балки ўзларини босиб, хайр-эҳсон, нафақа қилишда бардавом бўладилар. Шунингдек, бошларига оғирлик кунлари тушса ҳам, сиқилиб, ўзларини

ноқулай сезиб, бахиллик йўлига ўтиб олмайдилар. Балки нафақа қилишда бардавом бўлаверадилар.

– Ҳар бир одам ўз яхшиликларидан ўзи сарой қуриши керак, буни «охират саройи» деб атасак ҳам бўлади. Бу борада отаси қуриб қўйган саройда яшай олмайди. Ундаги қулайликлар ва имтиёзлардан фойдалана олмайди. Қиёматда кимсанинг «Отам намозхон эди, ҳимматли эди», деган даъвосига кулоқ солинмайди. «Ўзинг қандай яхшиликлар қилгансан?» деб сўралади. Бу дунёда кўркам яхшилик саройи бунёд этган бўлса, фоний дунёда ҳам жаннат саройларида яшар инша Аллоҳ! Агар қилган яхшиликлари ғарибгина кулба каби бўлса... Шунисидан Аллоҳ асра-син!

– «Аҳсин камо аҳсаналлоҳу илайка», дейилганининг маъноси – «Аллоҳ сенга яхшилик қилгандек, сен бошқаларга яхшилик қил». Бу фикрни сал соддароқ тушунтирсам: бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам Одам болаларининг бошларига саодат соябони бўлувчи фазилат – яхшиликдир. Бу соябонни сотиб олиш мумкин эмас. Бошқа одам ҳам ясаб бера олмайди. Ҳар бир киши уни ўз амаллари билан ўзи ясайди. Саодат соябонининг ҳажми ва гўзаллиги қилинган яхши амалларнинг даражасига боғлиқ. Одам кишиларга қилган яхшилиги қадар яхши одамдир. Саодат ва фароғатга ёмонлик аталмиш ботқоқлик орқали етаман, деган инсон нодондир, бадбахтдир.

Афруза ўзи билмаган ҳолда ҳақиқат сўзларининг ўқларини Манзура қалбига қадаётган эди. Бу ҳақиқатни Манзуранинг ўзи ҳам билади. Лекин ўзгалар тилидан эшитиш оғир ботаркан. У маломат тошини кўтара олмай, бошини эгди. Афруза гаплари таъсир этаётганини сезиб, давом этаверди:

– Тўғри, яхшилик туфайли бунёд бўлувчи бу соябонни ясашни кимсага ўзгалар ўргатиши мумкин. Демак, яхшиликнинг миқдори ва миқёси, холислиги устознинг таълимига ҳам боғлиқ экан. Риё ва миннат

кўлмагидан сув ичувчи яхшилик яхши соябон бўла олмайди. Бировга қилинган яхшилик учун сира надомат чекмаслик керак. Аллоҳ таоло ризолиги учун яхшилик қилиб қўйиб, сал фурсат ўтмай надоматга берилса, бу илллати кишини ёмонликка элтиб, яхшиликдаги савобнинг йўқолишига сабаб бўлади. Кимгадир хизмат қилиш лозим бўлиб қолган бир пайтда нафл, яъни қўшимча ихтиёрий ибодатлари, яъни: нафл намози, нафл рўзаси, нафл зикри... тарк этилиши мумкин. Чунки нафл ибодати инсоннинг ўзигагина фойда етказди. Бирок, бошқа бир кишига хизмат қилиш – жамиятга хизмат қилишдир. Бунинг савоби кўпроқдир. Иброҳим алайҳиссалом Каъбани қайта бунёд қилганларида тўрт бурчагининг ҳар бир бурчагида минг ракаатдан намоз ўқиб: «Раббим, шундай ибодат қилдим, сенга маъқулми, мақбулми? Сенга янада яхшироқ, мақбулроқ ибодат борми?» деб сўрадилар. Ваҳий келдики: «Ҳа, ё Иброҳим, бир факир камбағалга бир лукма нон бериш...»

Кўряпсизми, опажон, бирон бир кимсага яхшилик қилинса, сизнинг саховатингиздан у одам беҳад шод бўлиши баробаринда ўзингиз ҳам бу ҳимматингиздан шунчалик завқ ола билишингиз керак. Бундай завқ фақат беминнат ва холислик ила яхшилик қилувчиларга насиб этади. «Яхшилик қил – дарёга сол, балиқ билур. Балиқ билмаса – Холиқ билур», деб бежиз айтилмаган. Ҳазрати шайх Суфёни Саврий дедилар: «Кимки ихлос билан бир амални қилса-ю, кейин ўша амалга мақтаниб, «мен фалон ишни қилдим», деса, қабул бўлган ўша амали яхшилик рўйхатидан ўчирилиб, риё рўйхатига ёзилур».

Бир ривоят бор: Бағдод шаҳрига ёнғин тушибди. Бир хожанинг икки ўғли олов ичида қолди. Ота-онаси фарёд уриб, чора топа олмабдилар. Ҳазрати Абул Ҳусайн Нурий деган шайх у ердан ўтаётган эканлар. Дарҳол ўт ичига кирибдилар-да, болакайларни олиб чиқибдилар. Олов у кишини куйдирмабди, балки ул

муборак зот учун гулистон бўлибди. Болаларнинг отаси ҳазратга миннатдорлик билдириб, бир коса тўла тилла тутибди. Шунда шайх ҳазратлари:

– Нурий тилла олса, оловдан болаларни чиқара олмас! – деб жавоб берган эканлар.

Бу гапларни айтишимдан мурод шулки, холис яхшиликка Аллоҳ таоло ажр беради. «Лан танолул-бирра ҳатто тунфику миммо тухиббун» – яхши кўрган нарсаларингиздан сарфламас экансиз, яхшиликка эриша олмайсизлар, дейилиши бежиз эмас...

Афруза «бирон нимага тушундингизми, энди сўзлаш навбати сизга», дегандай Манзурага қараб қолди. Бир неча нафаслик сукутдан сўнг Манзура бошини кўтарди:

– Эшитмаган гапларимни эшитдим, яхшиям келибман, – деди у паст овозда. Гарчи гўзал ҳикматлар баён этилган бўлса-да, саволига жавоб олмаган эди, шу боис яна мавзуга қайтди: – Лекин ҳали айтганим... қилинмоқчи бўлган яхшилик холис эди, дилдан чиқарилган эди...

– Опажон, сезиб турибман, дардингизни очик айта олмаяпсиз. Учинчи шахс тилидан гапирмай, воқеани тўлиқ баён қилиб бераверинг, икковимиз ақллашиб бир хулосага келармиз.

Манзура бир оз иккилангач, Фазлия билан бўлган суҳбатларини айтиб берди. Афруза жимгина тинглади, сўзни бўлмади, орада савол ҳам бермади. Унинг учун ҳаммаси тушунарли эди.

Манзура сўздан тўхтагач, «у синглимиз нотўғри иш қилибдилар», деган ҳукмни кутди. Лекин унинг кўнглидаги жавоб бўлмади:

– Сизни қийнаган масаланинг ечими унчалик қийин эмас. Пайғамбаримиз алайҳиссалом «бир-бирларингизга ҳадя қилинглар», деб ўргатганлар. Ҳадяни олмай, қўлни қайтариш одобдан эмас. Ҳатто камбағал одам кўнглидан чиқариб битта майизни ҳадя қилса ҳам, бой одам олиб, дуо қилиши керак. Олмаса такаб-

бурлик бўлади. Фазлияхоннинг ҳаракатида сиз шунақа ғурур кўрибсиз. Лекин, ақлим адаштираётган бўлса, ундай эмас. Фазлияхон қарзларни тўламоқчилар. Қарзларни тўлаш учун моллари етарли. Ҳалол молдан тўламоқчи бўлганлари яхши фазилат. Агар уйларида ҳеч нималари бўлмай туриб, сизнинг яхшилигингизни инкор этганларида таассуфли иш қилган бўлардилар.

– Мен ўша молларини болаларининг тўйига атаб қўйишларини хоҳлаган эдим, – деди Манзура афсус билан.

– Аллоҳ фарзандни ризқи билан қўшиб беради. Тўйларига аталгани ҳам бордир. Лекин... сиз кўпам куйинманг, яхшилиқнинг дарвозалари кўп. Агар бир неча йил у ёқда ўтирган бўлсалар, уйлари тўкилиб қолгандир. Қўшнилари молларига қарашган, уйда одам яшамаса, тез нурайди. Болалар топилгунига қадар сиз уйларини чиройли қилиб беринг. Оғилхоналарини ҳам янгилаб, иккита букача боктириб қўйсангиз, олам – гулистон-да!

Афруза шундай деб жилмайди. Худди уйлар таъмирланиб, оғилхоналар янгиланиб, букачалар боқилаётганидан қувонгандай жилмайди. Бу жилмайиш Манзуранинг кўнглини илиқ нур билан ёритди. Хайрлашиш учун ўрнидан кўзгалди-ю, дилини хира қилиб турган яна бир саволга ойдинлик киритишни истади:

– У синглизми камашган, бу дунёдаги жазони олганларини тушундим. У дунёда нима бўлади?

Зоҳиран енгил туюлган саволнинг жавоби Афрузани бир оз қийнади. «Буни Аллоҳнинг Ўзи биледи», деб осон қутулишни истамади. Кафтларини очиб, юқори кўтарди-да:

– «Байзаллоҳу таоло авроқа жаройимиҳо» – Аллоҳ таоло унинг гуноҳлари ёзилган варақаларни оқ қилсин, кечирсин, – деган дуо билан суҳбатларига яқун ясади.

Кечки пайт эри келганида Афрузадан эшитганларини ўзининг шахсий таклифи сифатида баён қилди. Асадбек толиққан эди, хотинининг ҳаяжон билан айтган гапларини эътиборсиз тинглади. Битта уй билан оғилхонани янгилаш, икки эмас, йигирмата буқачани боқтириб қўйиш унинг учун арзимаган иш эди. Жамшидга ёки бошқа бир аёнига имо қилиб қўйса бас, бир ҳафтага етмай ишлар қойилмақом қилиб қўйиларди. Лекин Асадбек, хотинидан фарқли ўларок, кимга яхшилик қилаётганини олдиндан билиши керак эди. Кеча кўз ёши тўкиб келган хотин бунчалик яхшиликларга арзийдими ё йўқми? Асадбек аввал шу саволга жавоб олиши лозим эди. Жамшидга «кенна-йингнинг гапига қараганда, бу дунёдаги энг бечора хотин экан, қанақа бечоралигини ипидан-игнасиғача аниқла», деб топширган эди, топшириқ натижасини билмагунича Манзуранинг ҳозирги таклифларига тайинли жавоб беришни истамади. Шунинг учун гапни қисқа қилиб:

– Аввал болалари топилсин-чи... – деб қўйди.

– Сиз ёрдам беряпсиз, Худо хоҳласа албатта топилади, – деди Манзура ишонч билан. – Бу ёғини ҳам бошлаб турсак савоб кўпаяркан. Яхшилик қилишга шошилиш керак экан...

«Ажал етиб келгунича кўпроқ яхшилик қилишга шошилиш керак», деб тўлиқ айтмоқликка Манзуранинг тили бормади. Ажалнинг тилга олиниши эрига ёмон таъсир қилишини билгани учун хикматни яримлатиб айта қолди. Шунга қарамасдан, умид билан айтилган бу гап Асадбекнинг ғашини келтириб, қошларини чимирди.

– Шунақами? Яхшилик қилишга шошилиш керак эканми? Шошилмаса нима бўларкан? Ажалидан беш кун аввал ўлиб қоларканми?

– Вой, адаси, унақа деманг...

– Сен гапни айланторма. Мен яхшилик қилишдан қочмайман. Лекин худойинг ваъдасини бажаряпти-

ми? Яхшиликларимга яраша мукофотини беряптими? Қани ўша мукофотлари?! Гуноҳларимни кўриб, жазосини нақд қилиб кўйди. Агар «ҳисобли дунё» дейдиган бўлсанг, худойинг билан ҳисоб-китобни қилиб олишим керак.

Бу гапларни эшитган Манзуранинг вужудини титроқ босди. Кўзларини катта-катта очганича тили гапга айланмай қолди.

Манзура ўғлининг жанозасидан кейин эри айтган шайтоний гапларни эшитмаган, эшитгандами эди...

Ўшанда Муҳиддин ота «Аллоҳга таваккул қилинг, Аллоҳдан нажот сўранг», деб далда бермоқчи бўлганида иситма оташидаги Асадбек «Ҳадеб Аллоҳ, Аллоҳ дейсиз... Аллоҳга сўзингиз ўтса, айтинг, ўғлимни қайтарсин!» деган эди. Бу гапдан ларзага тушган Муҳиддин ота ҳам, Жалил ҳам «астаффируллоҳ!» деб, уни тавбага ундашганда у ўжарлик билан: «Ота, менинг Худо билан шартномам бор: энди мен унинг уйига қадам босмайман, у меникига қирмайди», деб дилларни вайрон қилганди. Гарчи иситмаси тушиб, Муҳиддин ота билан Жалилнинг гапларидан кейин тилида тавба қилгани бўлса-да, иймон дарвозасидан узоқда қолаверган эди.

Иймон дарвозасидан узоқ шу одамнинг ҳозирги гапи аввалгидай муртадона даражада бўлмаса ҳам, куфрнинг айни ўзи эди. Аввалгисида Жалил шапалок тортиб юборган, елкасидан силкиб: «Тавба қил, аҳмоқ! Дарров тавба қил!» деб хайкирган эди. Манзуранинг бундай қилишга ҳоли ҳам қолмади, журъати ҳам йўқ эди. «Тавба! Тавба!..» деб пичирлаганича тураверди. Кўзларидан ёғилган ёш киприкларига илиниб парда ҳосил қилди, эри кўринмай қолди...

Кўзи илинганда қулоғи остида майин, ширали овоз тиловат қила бошлади. Овоз эгасини таниди – Афруза! Куръон тиловати тугагач, маънодор оҳангда сўз бошлади:

– Опажон, куръон ўқилганда шунчаки роҳатланиш

билан кифояланмаслик керак. Оятларнинг маъносини тушуниш ва унга амал қилиш муҳимроқ. Ҳеч нарсага тушунмаган одам нимага амал қилади? Мана ҳозир сел бўлиб эшитдингиз, маъносини эса билмайсиз. Қаранг, Аллоҳ таборак ва таоло «Шу оятларни кўргандан кейин ҳам дилларингизга таъсир қилмади», деяпти. Яна деяптики: «Дилларингиз мисли тошдек қаттиқ, балки ундан ҳам қаттиқроқдир. Чунки баъзи тошлар орасидан чашмалар чиқиб, анҳорлар жорий бўлади. Тошлардан баъзилари ёрилиб, орасидан сувлар чиқади ва баъзи тошлар Парвардигоридан кўрққанидан пораланиб, майда-майда бўлиб кетади. Аммо сизларнинг дилларингиз ҳаргиз таъсирланмайди. Шуни билинглarki, Аллоҳ таоло сизларнинг амалларингиздан ғофил эмасдир...»

Манзура кўзларини очди. Уйғонганидан кейин ҳам Афрузанинг сўзлари қулоғи остида акс садо бериб турди:

...дилларингиз мисли тошдек қаттиқ, балки ундан ҳам қаттиқроқдир...

...баъзи тошлар Парвардигоридан кўрққанидан пораланиб, майда-майда бўлиб кетади. Аммо сизларнинг дилларингиз ҳаргиз таъсирланмайди...

Манзура «тош қалбларга назар солинмайди», деган ҳақиқатни эшитган эди. «Эримнинг қалби тошми?» деган фикрнинг ўзиёқ уни гўё ўтмас пичоқда қийма-қийма қилиб юборарди.

...дилларингиз мисли тошдек қаттиқ, балки ундан ҳам қаттиқроқдир...

Агар бу эрига ҳам тааллуқли бўлса, оқибатда уларни яна нималар кутади?

Манзура тунни шундай талваса билан ўтказди. Эрининг дилини юмшатиш чораларини излади. Асадбек Абдурахмон табибдан жисмидаги дардга шифо топиб келганида руҳида ҳам ўзгариш сезилганди. Лекин ўғлининг вафотидан кейин яна аслига қайтди. «Балки рух шифосини ҳам Абдурахмон табибдан топиш мум-



киндир? Жалил ака ҳам кўп нарсаларни биладиларку, лекин адамизга сўзлари ўтмайди. Табибга яна бир олиб боришлари керак...»

Манзура нажот йўлини топгандай суюниб, кўнгли бир оз хотиржам бўлди.

## IX 6 0 6

### 1

Тиниқиб ухлаш нималигини унутган Асадбек учун бу тун ҳам азобли бўлди.

Назарида ухламаган эди. Ташқаридаги тик этган товушни ҳам эшитаётган эди. Бу овоз эса унинг хонадони сукунатини бузиб, титратиб юборди. Овоз эгасини таниди – узоқ йиллар муқаддам, Кесакполвон билан кирган эдилар унинг хонадонига. Қилар ишларини қилиб, кейин унутган эдилар. Йиллар ўтиб, Асадбек икки ўғлини Москвадаги ҳибсхонадан чиқариш учун кетаётганида ўша воқеани бирдан эслаган, бу овоз Москвадаги меҳмонхонада ётганида яна бир таъкиб этганича кейин холи кўйган эди. Қора кеча бағрини ёриб, ўша овоз энди ҳовлисига кириб келди:

– Сизлар номардлик қилдинглар, мен сўраган пулларингни бериб келаётган эдим, – деди аламли овоз. – Мени ҳимоялаш ўрнига тириклайин гўрга тикдиларинг!

Асадбек «сен Шониёз шолча билан тил бириктириб, тиллаларингни биздан яширган эдинг», деб эътироз билдирмоқчи эди, овози чикмади. Бу онда аёлнинг фарёди ҳаммаёқни ларзага солди:

– Қизимга тегманглар! Қизимга тегманглар!!

Ҳа, Кесакполвон «буқачаларни кўйиб юбораман», дегач, кўшни хонадан чиққан эди бу чорасиз хайкирик. Энди эса Асадбекнинг кулоқлари остида жаранглади:

– Худодан қайтсин, илойим! Ҳали Худодан қайтади!!!

Асадбек нолани эшитмаслик учун кулоқларини беркитмоқчи эди, кўллари ўзига бўйсунмади. Алам-ли овоз эгаларини кўра олганида эди, бир амаллаб ҳайдашга уринарди. Улар ўрнига тепасида Собитхон кўринди.

– Ҳа, Бек ака, қарғишдан кўрқяспизми? – деди у чўғдай порлаётган кўзларини Асадбекка қадаб.

– Қарғишдан ким кўркмайди? Бу хотин қарғаганида қизим ҳали туғилмаган ҳам эди.

– Қарғишнинг қачон ва қайси пайтда ушлашини Худонинг ўзи билади.

– У қизга мен тегмаган эдим.

– Лекин уйга биргаликда бостириб кирган эдингиз? Зулмкорларга қаршилик ҳам қилмадингиз. Агар ризолигингиз бўлмаганида улар зулмга журъат эта олишмас эди.

– Буни қаердан биласиз?

– Менга аён...

– Энди нима бўлади?

– Билмайман. Бек ака... яхшилаб ўйлаб қаралса, бу дунё ҳаётидан тубанроқ нарса йўқ. Сизнинг дунёингиз йикилишга юз тутган деворга ўхшайди.

– Яна шу гапингизни айтдингиз-а...

– Ҳа. Гапим эсингизда экан-у, лекин мағзини шу пайтгача чакмабсиз.

– Мен шу деворга суяняпманми?

– Ҳа... Йўлингиз ҳам сирпанчик. Бу сирпанчикда ҳеч кимнинг оёғи собит турмайди. Сирпана-сирпана сўнгги зиёратгоҳига қараб бораверади. Сўнгги зиёратгоҳ эса қабр. Ажални унутишда одамлар бир-бирларини ортда қолдириб кетадилар.

– Айтмасангиз ҳам биламан: мени ўлим кутяпти... касаллик ололмаган эди. Энди кимнинг тиғидан ё ўқидан кетаман?

Собитхон унинг бу гапини эшитиб, «баттар бўл!»

дегандай кулимсираб қўйди-ю, саволига жавоб бермади.

– Сизга кўп нарса аён бўлар экан. Айтинг, айтинг! Мен билиб қўяй. Шармандали ўлим билан кетмай бу дунёдан. Орқамдагилар масхаралаб қолишмасин...

Собитхон энди қаҳ-қаҳ отиб кулганича чекина бошлади. Асадбек қўлларидан ушлаб қолмоқлик мақсадида қувди, қува-қува етолмагач, ҳайқирди:

– Тўхтанг! Тўхтанг!..

– Адаси! Адаси...

Манзура тер босган эрини уйғотди:

– Вой, яна босинқираяпсиз-а, бир ўкитиб юборсак яхши бўларди.

Асадбек қаддини кўтариб ўтирди-да, кимнидир излагандай атрофига аланглади. Кейин кафти билан пешонасидаги терни артиб, беихтиёр уф тортди. Манзура унинг елкасини силай бошлади. Бу Асадбекка ёқмай, хотинининг қўлини олди:

– Ўқитамиз, тўғри айтдинг... ўқитамиз. Сен... ётавер...

Шундай деганича ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Очiq кўкрагига урилган енгил шабада хуш ёқиб, чуқур нафас олди. У авваллари ҳам туш таъбирига ишонмасди. Кейинги пайтда бунданда баттар тушлар кўравергани учун «Бу нимани англатади, энди нима бўларкин?» деган саволлар билан ўзини қийнамай қўйган эди. Туш таъсирида хира тортган кўнгли бир оздан кейин ўз-ўзидан равшанлашарди. Бу сафар ғашлик тез тарқамади. Хотиннинг фарёди кулоғи остида акс-садо бериб тураверди. Шу онда телефон жириглаб, Асадбекни бу нохушликдан қутқарди. Гўшакни кўтармай, болохона томон қаради. Бир неча нафасдан кейин болохонадаги йигит тушиб, Томскдан сўрашаётганини айтгач, гўшакни хавотир билан кўтариб, «Ҳа, эшитяпман», деди. Овозининг хириллаши ғашини келтириб, енгил йўталди.

– Салом, Бек, тундаги оромингни буздим, ранжи-майсан...

Балабуханинг овозини таниб, хавотири яна ошди. «Нима қилиб серрайиб турибсан!» дегандай йигитга норози қиёфада боқди. Йигит бу қарашнинг маъносини тушуниб, тезгина изига қайтди. Шошилинич топшириқ бўлиб қолиши эҳтимоли борлигини билгани сабабли, болохонага чиқмай, зина ёнида тўхтади.

– Салом, тинчликми? Нима бўлди? – деди Асадбек бу сафар дадилроқ овозда.

– Козловни ўлдириб кетишибди. Йигитларининг ҳам анчаси қирилган. Кимлигини тахмин қилаётгандирсан?

Асадбек бир оз ўйланди.

– Ўликларнинг қиролими? – деди ўз тахминига ишонқирамай.

– Моргашни яхши билармидинг?

– Унчалик эмас. Нега ғафлатда қолдиларинг?

– Мен Хонгирейнинг ўрнини Маматбей эгаллашни кутувдим. Ҳамма режаларим шунга мосланган эди. Ахир бу ҳайвонга нисбатан Хонгирейга Маматбей яқинроқ эди-ку? Ўғрилар оламида ҳам обрўйи бор эди. Кавказликлар нега бу ўлимтикка йўл бериб қўйишди, тушунолмадим. Сен унинг тахтга ўтирганини эшитганмидинг?

– Ҳа. Менга кўнғироқ қилувди.

– Осмондан келдими? Қўрқитдими?

– Йўқ... Довдир-совдир гапларни айтди.

– Бу ёмон... жуда ёмон бўлибди. Сергакрок бўлиб юр.

– Ҳаммамизга уруш очганими бу?

– Йўқ... Мен билан тинч-тотув яшамоқчи. Сулҳ таклиф қилди. Лекин бу таклифи ўлим хабари билан тенг. Бек, Илико билан тез боғлан, сени ҳимоя қилсин.

– Маслаҳатинг учун раҳмат. Иликонинг ўзига яраша ташвишлари бор. Мен ўзимни ўзим ҳимоя қила

оламан. Сен унга ортиқча баҳо бериб юборяпсан. Ўликхонадан чиққан одам охири ўликхонада ириб-чирийди.

– Яхши гап айтдинг. Лекин бу ҳозирча сенинг орзуинг, халос. Хонгирей аблаҳ бўлгани билан ақлли эди. Бу махлуқда зиғирча ҳам ақл йўқ. Ақлли душманни енгиш осон, буни ўзинг биласан, Бек.

Шундай деб, Балабуха хайрлашди. Асадбек гўшакни жойига қўйиб ўйга толди. Кейин бир қарорга келиб, болохона томон юрди. Зина ёнида турган йигит хожасига пешвоз чиқиб, икки-уч қадам ташлади. Асадбек машинага яқинлашганида «уй кийимида бир ёққа бормоқчимилар?» деб ажабланиб қараб қолди. Асадбек эшикни ўзи очиб унга: «Ўтирмайсанми?! Нимага лаллаясан?!» деб тўнғиллади. Йигит шошилганича ҳайдовчи ўрнига ўтирди. Бу орада болохонадаги иккинчи йигит чакқон тушиб, дарвозани очди.

– Қизимникига ҳайда, – деди Асадбек катта кўчага чиқишгач.

Зайнабнинг кўчасига бурилгач, дарвоза яқинидаги таниш машинани кўриб, кўнгли сал тинчиди. Шундай бўлса ҳам, «Чирокни ўчир, ўша машинага овоз чиқармай тақаб бор», деб буюрди. Машина тўхтагач, йигитга «сен ўтиравер», деган ишорани қилиб, аста тушди. Пойлоқчи йигитларнинг иккови ҳам ухлаб ўтирган эди. Асадбек ҳайдовчи томондаги эшикни шашт билан очди. Эшикка суяниб ухлаётган йигит ўзини тута олмай оға бошлади. Кўзларини очишга ҳам улгурмай, зарб билан ёпилаётган эшик бошига урилиб ҳушини йўқотди. Ўн томондаги йигит уйғониб, қарши хужумга шайланди-ю, уй кийимидаги хожасини кўриб, кўзларини катта-катта очганича тўхтаб қолди. Асадбек эса унга яқинлашиб, қорнига тепди. Кейин Элчиннинг дарвозаси томон юрди. Тутқични ушлаб тортди, берклигига ишонч ҳосил қилгач, изига қайтди.

– Бу ёққа туш, Жамшид аканг келгунича кимирламай турасан.

Йигит тушгач, ўзи ҳайдовчи ўрнига ўтирди.

Дарвозани очиб, Асадбекни кузатиб қолган йигит ўша заҳоти кўнғироқ қилиб, хожасининг бирданига нимадандир ташвишланиб, сирли равишда шошиб қолганини Жамшидга етказиб улгурган эди.

Эрининг шошилиб чиқиб кетганидан ташвишга тушган Манзура айвонда унинг қайтишига кўз тикиб турган эди. Асадбекнинг машина ҳайдаб кирганини кўргач, хавотири баттар ошиб унга пешвоз чиқди:

– Тинчликми, адаси?

– Тинчлик... кечкурунги шаҳарнинг чиройини кўргим келиб қолди. Сени олволсам бўлар экан... Кўчада биронта ҳам одамбашара хотин кўринмади...

Асадбек хотинини ташвишдан кутқариш учун пичинг аралаш ҳазил қилган эди. Бироқ, ўзининг хавотирини овози ошқор қилиб қўйди. Манзура буни сезса ҳам, дардини ичига ютиб, эрининг ҳазилига ишонгандай бўлди.

– Илоҳим тинчлик бўлсин, бизга қасд қилганлар паст бўлсин, – деб пичирлаганича, уйга кирди.

Дам ўтмай Жамшид етиб келди. «Тинчликми, Бек ака?» дейишга ҳам улгурмай, хожасининг ғазаб ўқларига дуч бўлди:

– Зайнабнинг кўчасига қанақа хунасаларни қўйгансан?!

Хожасидан «нима бўлди?» деб сўраш ортикчалигини билган Жамшид бош эгганича жим тураверди. Асадбек сўка-сўка хуморидан чиқиб, ғазаби бир оз босилгач, амр оҳангига ўтди:

– Йўқот, икковиниям! Думларини тугиб юбор! Тузукрок йигитларинг борми, ё ҳаммаси шунақа меровми?!

Асадбек гапни кўпайтирмай, бурилди-да, уй томон юрди. Ҳеч нарсага тушунмаган Жамшид Зайнабнинг кўчасига боргач, воқеадан огоҳ бўлди-да, хожасидан

эшитган сўкишлари хакига пойлоқчи йигитларни бир-икки тепиб, «думларини тутиб» юбора қолди.

Жамшиднинг ҳовлида эканини билса ҳам, Асадбек уни нонуштага таклиф қилмади. Нонуштадан кейин кийиниб, ҳовлига чикқанида «Буйруғимни ба-жардингми?» деб ҳам сўрамади. Хожасининг уюлган қовоқларига қараб олган Жамшид мутелик билан:

– Ҳаммаси жойида, Элчин акамдан хабар олдим, яхшилар, – деди.

Зайнабнинг номини тилга олишдан чўчиди. Айт-маса ҳам Асадбек тушунди. Аммо аёнининг хизма-тига баҳо бермади, индамай юриб бориб, машинага ўтирди. Шаҳар марказига боргунларига қадар ҳам гапирмади. Балабуханинг кўнгирак қилганини, хаво-тири сабабини айтиб ўтирмади. Фақат манзилга етиб борганларида:

– Ҳозир лаллайиб, ғафлатда яшайдиган замон эмас. Лаллайган одамни ажалнинг ўки кутиб турибди, шун-га қараб фикр қил, – деб қўйди.

Қароргоҳи жойлашган уч қаватли бино яқинида турган Ҳалимжонга кўзи тушиб, «сен чакиртирдинг-ми?» деган маънода Жамшидга қаради. Жамшид «ха-барим йўк», деган маънода елка қисди. Ҳалимжон улар томон икки қадам ташлади-ю, Асадбекнинг зина-га қараб бурилганини кўриб, тўхтади.

Ичкари кирган Асадбек пешвоз чиқиб кутиб олиш-га кечиккани учун довдираб қолган Қорақошининг са-ломига алик олмай, сўради:

– Ташқарида турган одамни танийсанми?

– Сал-пал...

– Қанчадан бери кутяпти?

– Анчадан бери?

– «Анча» деганинг қанча? Ўн йилми ё юз йилдан берими?

– Бек ака... соат саккизда қараганимда турувди, де-мак... олдинроқ келган.

– Шунақами? Ақлингга қойилман! – Асадбек шун-

дай дегач, ўгирилиб, пичинг ўқини энди Жамшидга қаратди: — Эла-эла қилиб роса ақллиларни тўплагансан-а? Чақир уни.

Жамшид норози кифада имлаши билан Қорақош тезгина чиқиб, Ҳалимжонни бошлаб кирди.

Асадбек Ҳалимжоннинг саломига ҳам алик олмади.

— Нега турувдинг, менда гапинг борми?

— «Дам олгин», девдингиз, дам олиб бўлдим. Хизматга келувдим.

— Хизматгами? — Асадбек унга ўткир нигоҳини қадади. Бундай қарашга кўпчилик чидай олмас эди. Ҳатто айбсиз одам ҳам кўзларини олиб қочарди. Ҳалимжон эса «тўйиб-тўйиб тикилиб олинг», дегандай парвосиз тураверди.

«Бу безбет ким ўзи? — деб ўйлади Асадбек. — Милисанинг одами эканига далилим оз, менга содиқлигига эса шубҳам кўпроқ. Фош бўлганини ўзи сезмайдами? Шунчалар бефаҳми?»

Асадбек стол тортмасини очиб, қўлига карта олди. Ҳалимжонга тикилганича, киприк қоқмаган ҳолда чийлади. Ўтиришга таклиф этмай, «берирок кел», деб чақирди. Ҳалимжон столга яқинлашгач:

— Сенам эркаксан, ҳеч бўлмаса «йигирма бир»ни биларсан? — деб сўради.

— Биламан, — деди Ҳалимжон, ишонч билан.

— Билсанг яхши... уч қўл мен ўйнайман, уч қўл сен ташлайсан.

Асадбек шундай деб у томон битта картани очиб ташлади. Кейин ўзиникини ҳам очди. Сўнг Ҳалимжонга яна бир картани очди. Ўйин шу тарзда очнқ бўлди. Ҳалимжонга икки ўнлик, Асадбекка эса уч еттилик чиқди.

— Буни қиморбозлар «очко» дейишади, Худодан ҳамиша шу «очко»ни тилашади, — Асадбек шундай деб картани қайта чийлаб, яна очикчасига ташлади. Бу сафар ҳам Ҳалимжонга икки ўнлик чиқди. Асадбекка



эса икки олти-ю бир тўккиз чикди. Ҳалимжон индамай кузатиб тураверди. Асадбек кәртага қарамас, кўзлари йигитда, бармоқлари эса ўзи билган ҳаракатлар билан банд эди. Эндигисида Ҳалимжонга яна икки ўнлик, Асадбекка эса икки еттилик билан бир олтилик чиқди.

– Бунисини «банкирнинг очкоси» дейишади. Кўрдингми, ухахон, мен «туз»сиз ўйнадим. Майда карталар билан ютдим. Энг муҳими – очқиқчасига ўйнадим. Энди сен тарқат. Беркитиб ўйнайвер.

Ҳалимжон картани олиб, ишончсизлик билан чийлаб тарқатди. У Асадбекнинг мақсадини билолмай гаранг эди. Уч марта тарқатиб, уччаласида ҳам ютқизди. Асадбек картани олиб, хона бурчагидаги елим тўрчелакка ташлади.

– Унақасига ҳам, бунақасига ҳам ютқиздинг. Кўнга нима тикилган эди, билармидинг? Жонинг тикилган эди. Мен сенга «жонингни тик», демаганман. Маҳмуд аканг биринчи марта шу хонага бошлаб кирганида ўзинг тиккан эдинг, эсингдами? Энди нима бўлади?

– Нима бўларди? Жоним сизнинг кўлингизда, – деди Ҳалимжон хотиржам равишда.

– Жонинг менинг кўлимда эмас... Бу бармоқлар карта чийлашга уста эди... кекирдакни узиб оладиган бармоқлар бошка. Ҳайдар аканг сени аллақачоноқ фош қилиб, жонингни бу акахонингга топшириб кўйган. Мен милиса билан нари-бери бўлишни истамайман, шунинг учун «дамингни олавер», деган эдим, яна нега оёғим остида ўралашиб қолдинг?

– Ҳайдар акам адашганлар, хоин эмасман.

– Хоинмисан ё йўқми, билмайман-у, лекин жуда безбет экансан. Мен ҳақимда хўжайинларингга етарли маълумот бермаганинг учун яна келдингми? Олдин нима топдинг-у, энди қайси тирноқнинг ичидан яна қанақа кир изламоқчисан? Кўй, ука, жонингни ўзингга совға қилганимга «раҳмат» демасанг ҳам, яшаб юравер. Фош бўлганинг учун хўжайинларинг бошингни силашмайди, биламан, сенга ҳам қийин. Орден олол-

майсан, погонингдаги юлдузлар ҳам кўпаймайди, лекин бу фожиа эмас, буларсиз ҳам яшаш мумкин. Қани, яшаб кўр-чи, бу ёғи бир гап бўлар...

«Изо заҳара ал-ҳаққу лам ябқа мааху ғайруху» – ҳақиқат равшан бўлган вақтда бошқа нарсаларга ўрин қолмайди, дейилганидек, энди ортиқча гапга ҳожат йўқ эди. Асадбек шундай деб «чиқариб ташла бу ахлатни», дегандай Жамшидга имлади. Ҳалимжон эътироз билдирмокчи эди, Жамшид уни елкасидан ушлаб, ташқарига бошлади.

Жамшид «сургун»дан қайтгач, Асадбекнинг амри билан улардан «нарироқ юрган» кезлари Кесакполвон уйига келган, «сени ўлимдан мен асраб қолдим» деган маънода бир-икки гап қилиб, Ҳалимжонни кузатиб юришни топширган эди. Ҳалимжонни кузатиб чиқаётган Жамшид кичик хожасининг «Илон бўлиб қўйнига кириб ол, «чақ!» дейишим билан чақиб ўлдирасан», деган буйруғини эслади. Ўшанда Кесакполвон бир ўқ билан икки қуённи уришни мўлжаллаган эди. Бири шуки, Жамшид топширикни бажаргудай бўлса, Ҳалимжон йўқотилади. Лалайса, эплай олмаса, ўзи гумдон бўлади. Ҳар икки ҳолатда ҳам ютуқ Кесакполвонда кетиши керак эди. Бирок, нияти амалга ошмай, ютуқ бу икки йигитда қолди: Жамшидга «чақ» дейишга улгурмай кетди. Жамшид бу одамнинг қўйнига илон бўлиб киришга астойдил уринмади, унинг ўзи ўзини фош қилиб қўйди. Хоиннинг жазоси аниқ бўлгани ҳолда унга марҳамат эшикларининг очилиши Жамшид учун сир эди. Хожасининг нима сабабдан арқонни узун ташлаганига ақли етмагани учун ҳам Ҳалимжонга кўполлик қилмай, яхшилик билан кузатиб қўйди.

## 2

Тарзан Жамшиднинг топшириғини оддий вазифа сифатида қабул қилди. Ахтам эса ғашланди-ю, сир

бой бермади. «Болаларни топларинг-у, киморбозларга тегмаларинг», дейилиши унга ёкмади. Гуноҳкорларни жазолашни хуш кўрадиган йигит вазифанинг бу тарзда кўйилишини нотўғри деб билди. Қиморга уй, машина, хотин ёки сингилнинг тикилиши унга янгилик эмас. Болаларнинг тикилишини ҳам эшитган, лекин бунақа ҳодисага юзма-юз дуч келмаган эди. «Фалончи пистончини бола-чақаси билан ютиб олибди» деган гапни эшитганда ғазабдан бир ютиниб олган. Болаларини тиккан одамни ҳам, ютганни ҳам аёвсиз калтаклагиси келган. Лекин қачондир шундайларни жазолаши мумкин ҳолатида ҳатто черта олмаслиги хаёлига ҳам келмаган эди. Жазолашдан лаззат олувчи одамнинг барча имкониятлари бўла туриб, тийилишга мажбурлиги ўзини ўзи оғир жазога мубтало қилмоқликдир. Жамшиднинг қатъий топшириғидан сўнг Ахтам ўзини шу жазога учраганини ҳис қилди. Лекин ҳукм ҳамиша ижро этилавермагани каби, топшириқни бажармаслиги мумкинлигини ҳам биларди. Бек акаси, таги қиморбоз бўлгани учун, қиморбозларни аяган. Лекин болалик бахтидан бебахра улғайган йигит болалик бахтини топтаганларни аяши мумкин эмас эди. Жамшид буни сездими, барча ҳаракатларга Тарзанинг бош эканини таъкидлади. Бу таъкид ҳам Ахтамга ёкмади, қошларини чимириб:

– Хотиржам бўлинг, акахон, мен Тарзанга қул бўлиб яшаш учун дунёга келганман. Унинг чизган чизиғидан чиққан куним – ўлган куним, – деди пичинг билан.

Жамшид унинг пичингини тушунса-да, жиддийлик билан танбех берди:

– Озгина адашдинг. Чизиқни Тарзан эмас, Бек акам чизадилар. Бек акамнинг чизиғидан ким чиқса, асфаласофилинга жўнайверади.

– Буни биламиз, – деди Ахтам. – Шахсан мен «асфаласофилин» деган курортга яқин орада жўнамайман.

Жамшид кетгач, йўл ҳозирлигини кўраётганларида Ахтам Тарзани огоҳлантирди:

– Марик, сен мендан ақлироқсан, лекин қимор-бозларни топганимизда, менга кўпам ақл ўргатма. Бир ҳайвонсифат одам тошга қоқилиб ўлиб қолса, айб биздамас-ку, тўғрими?

Ахтам Марленга «Тарзан» деб лақаб қўйган бўлса ҳам, баъзи-баъзида ўзининг ундан устунроқ эканини таъкидлаш учун ўсмирлик кезлари гаровга олинган кунни эслатиш мақсадида «Марик» деб мурожаат қиларди. Тарзан бунга кўникиб қолган эди. Ҳозир ҳам Жамшиднинг «Тарзан бу ишда бошлиқ» деган топшириғи Ахтам томонидан бекор қилинганини англади. «Бек акамнинг топшириғи билан ҳазиллашма», демоқчи бўлди-ю, «аввал уларни топайлик-чи, вазиятга қараб иш тутарман», деган фикрда, «маъкул» ишорасини қилиб, шеригини тинчлантирди.

Улар кишлоққа етиб боришганда Фазлия кечаги бозорда сотган молларнинг пулини тарқата бошлаган эди. «Жаноза кун қарздан воз кечганмиз», деганларга ҳам пулни қайтариб, кўнгли анча равшанлашди.

Эри ўлимидан олдин «Шунқорбойваччадан йигирма беш сўм олдим, тўлаб қўй», деган эди. Фазлия биринчи бўлиб шу одамга учраб, пулни узатди. Орадан йиллар ўтган бўлса-да, Шунқорбойвачча қарзни унутмаган экан. «Аслида шу йигирма беш сўмга мухтож эмасман-у, лекин Қиёматгача қарздан қийналиб, гўрида азобланмаслиги учун оляпман», деди. «Охираат учун шу қарздан кечдим», демади.

Фазлия қайноғасидан қарз олинганини биларди, лекин эрининг «қарздан қутулганман», дегани ҳам ёдида эди. Орада қарз борми ё йўқми, бор бўлса, жанозада қайноғаси кечганми ё йўқми – буни аниқ билмасди. Шунга қарамай, пулни олиб қайноғасиникига борди. Қайноғаси кеча бозордан қайтган буқасини ҳовли ўртасидаги ўрик дарахтига боғлаб қўйиб қассобга мақтаётган экан. Уни кўриб, саломига бош ирғаб алик

олган бўлди-ю, савдосини давом эттирди. Фазлия «бирор кимса кутиб олармикин» деган умидда атрофга боқди, кейин «овсиним уйда йўқ шекилли», деб ўйлаб, айвон зинасига бориб ўтириб, қайноғасининг бўшашини кутди. Бир молни мақтаб, иккинчиси ерга уравериб, охири савдо жанжалга айланди. Бир қишлоқда туғилиб, бирга яшовчи икки одам озгина фойда илинжида бир-бирини ҳақоратлашдан қайтмади. Бир-бирларини ҳақоратлаш билан тийила қолишса қошки эди, ўлиб кетган оналари-ю, катта эналари ҳам тилга олингач, мушт ишга тушай деганда, Фазлия ўрнидан туриб, уларни ажратди.

Қассоб чикиб кетганидан кейин ҳам қайноғаси сўкишдан тўхтамади. Ўзининг адолатли, яхши инсон эканини шу сўкишлар орқали исбот этгандай бўлиб тинчиди-да, чуқур хўрсиниб:

– Бола-чақа боқиш шунақа қийин бўлиб қолган, – деди. – Талашсам, болаларимнинг ризқи учун талашман, бу текинтомоқ мендан юлиб олмоқчи бўлади.

«Бола-чақа боқиш шунақа қийин»...

Қайноғаси бу гапи билан «қарзларингни қачон тўлайсанлар?» демоқчи бўлдими ё қариндошлар етимларни олиб кетишаётганида ўзини четга тортганини шу қийинчилик билан оқламоқчи эдими, Фазлия англамади. Бу гапни мулоҳаза қилишни ҳам истамай, муддаога кўчди:

– Дадамиз сиздан қарз олганмидилар?

– Минг марта олган, нима билмасмидингиз?

– Мингтасидан хабарим йўқ, биттасини билардим, олиб келдим.

Қайноғаси «Қаердан олдингиз? Қамоқда пул берарканми?» дегандай ажабланиб қараб қолди.

«Шунча фожиадан кейин ҳам қарзни эсладингизми, келин? У қарзлар унутилиб кетган, энди болаларингизни, ўзингизни ўйланг!»

Фазлия қайноғасидан бундай олижаноблик кутмаган эди, бундай ҳиммат юз очмагани учун ажаблан-

мади ҳам. Молини сотолмагани учун аламдан титраб турган қайноға кўзлари энди шодликдан чакнади:

– Ҳа, Худога шукур, пулдан қийналиб турувдик, ўзи етказди, – деб қўл чўзди.

Фазлия пул ўрамини берди:

– Санаб кўринг, тўғримикин?

Қайноғаси бармоғини тез-тез лабига теккизиб, ҳўллаб, пулларни эринмай санади.

– Охиргиси шунча эди, олдингилари эсимда йўк, – деди, кўнгилхушлик билан.

– Эсингизга тушса, айтарсиз, қочиб кетганим йўк...

Фазлия шундай деб изига қайтди. Уйига яқинлашганда омонат эшик олдида нотаниш икки йигит турганини кўриб, юрагига хавотир оралади. Қадамни секинлатди.

«Болаларимни ўғирлаганлар шулар!»

Хаёлига урилган дастлабки фикр шу бўлди.

«Одамларни ёрдамга чақирайми ё тўппа-тўғри бориб башарасини юлайми?»

Бир қарорга келолмай атрофга нажот излаб боқди. Нажот кўринмади. Йигитлардан бирининг у томон жилмайиб қараб турганини кўриб «улар эмасдир», деб ўйлади. Шунга қарамай, ҳам кўркув, ҳам нафрат исканжасида битта-битта қадам босиб уларга яқинлашди. Жилмайиб турган йигит – Тарзан унинг ҳолатини сезди:

– Кўркмай келаверинг опагон, сизни кутиб турибмиз, – деди мулойимлик билан.

– Кимсиз, нега мени кутасиз? – деди Фазлия. Унинг сал титраган овози хавотирини ошқор қилди.

– «Кутулганлар жамияти»данмиз, – деди иккинчи йигит – Ахтам, унга тикилиб.

Жамиятнинг номи Фазлияни ажаблантирди:

– Қанақа жамият? Нимадан қутулади?

– Нимадан қутуларди, қамокдан қутулади-да! Эшитмаганмисиз?

Фазлия жавоб қайтаришга улгурмай, жилмайиб турган йигит мулойимлик билан тушунтирди:

– Яқинда шунақа жамият тузилган. Баъзилар қамокдан чиқиб, кўчада сарсон-саргардон бўлиб юради, баъзилар тирикчиликка қийналади. Бу жамият шунақаларга ёрдам беради.

Фазлия бу гапга бир ишониб, бир ишонмай, йигитларга қараб олиб:

– Менга ёрдам керакмас, – деди.

– Эшитдик, ҳатто эрингизнинг қарзларини тўлаётган эмишсиз, – деди Ахтам киноя оҳангида.

– Кимдан эшитдингиз?

– Қишлоқда девор йўқ-ку, кичкина янгилик ҳам у тешик кулоқдан бу тешик кулоққа бир зумда етиб боради. Узоқдан келганмиз, бир пиёладан совуқ чой берсангиз, савобга қолардингиз, – деди Тарзан.

Фазлиянинг хаёлига «эркаги йўқ уйга сизларни таклиф қила олмайман», деган гап келмади. Чунки қишлоқда бунақа одат йўқ, уйда эр борми ё йўкми, бошқа одам кириб келаварди. Шу боис Фазлия чақирилмаган меҳмонларни итоат билан ичкарига бошлади. Мулойим йигитдан ҳадиксирамади-ю, аммо кўзларини чакчайтирганидан сал кўрқди. Меҳмонлар айвонда қолишмай, ичкари уйга кириб келаверишди. Кўзи чакчайгани қўлларини белига қўйганича уйга разм солиб олгач, кутилмаганда:

– Эрингизни ўлдириб тўғри қилган экансиз, – деди.

Фазлиянинг кўнглини кўтаришни истаганларнинг кўпи шундай дерди. Бирок, бегона йигитнинг тўсатдан бундай ҳукм чиқариши уни довдиратиб қўйди.

– Унақа деманг... Бунақа дейишга ҳаққингиз йўқ! Нима тўғрилигини Худонинг ўзи билади! – деди титроқ овозда.

– Худодан хабарим йўқ, лекин мен аниқ билман: эрингиз майда, ҳатто пачоқ қиморбоз бўлган

экан. Унинг майдалигини уйингиз айтиб турибди. Зўр киморбозлардан бўлиб, боласини тикса кечириш мумкин эди. Сарик чакани деб боласини тикадиганларни шартга ўлдирвориш керак.

Бу гапдан титроққа тушиб, ҳатто муштини туккан Фазлия мулойим йигитга қараб, баланд овозда:

– Ким бу?! Нега бунақа безбетлик қилади? – деди.

– Бу оғайнимиз сал бефаросатроқ, опагон, парво қилманг.

– Тўхта, Марик, сен гапни айлантираверма. Опажонинг билан мен гаплашиб олай: «Қутулганлар жамияти»га ишондингизми? Аҳмоқ экансиз! Ким тузати бунақа жамиятни! Қамоқдан чиққан одам ўладими ё қоладими, кимнинг иши бор? Мана, сиз олижаноблик қилиб эрингизнинг қарзларини тўлаб юрган экансиз. Эрингиз биздан ҳам қарздор эди. Бизникини ҳам тўлаб қўйинг. Аввал сизни тиккан эди. Марик, эсингдами? «Бу ландавурнинг хотинини бошимга ураманми, хотини ҳам ўзига ўхшаган қуртлаган туршакдир», дегандим. Янглишмаган эканманми?

Ҳар қандай аёл, шодлик чоғидами ё дунё кўзига қоронғу кўринадиган қайғули дақиқаларидами, чиройи ва шаънига доғ туширувчи сўзни эшитса, ҳамма нарсани унутади. Фазлия алҳол «ириган қоқи»га ўхшатилагач, аввалги ғазабини унутди:

– Турқинг курсин сенинг, ўзинг қанақа туршаксан?!

– Мен ўтган замондаги гапни эсладим. Сизни ютиб олганимда бошимга урармидим, мана вақти келди, пулни оламан.

– Балони оласан! Танимайман сени!

– «Эримнинг қарзларини тўлайман», деган хотин охиригача мард бўлиши керак.

Фазлия хонтахта устида турган чойнакни олиб отмоқчи эди, мулойим йигит чакқонлик қилиб, қўлини ушлаб қолди-да, кейин шеригига «чиқиб тур», деган ишора қилди.



Фазлия дарров ўзига кела олмади. Мулойим йигит чойнакдан чой куйиб, узатди. Фазлия титроқ қўли билан пиёлани ушлаганича жим тураверди.

– Оғайним, сал оширворди, сизни синамоқчи бўлди. Аслида эрингизнинг қарзи йўк. Уни кўрмаганмиз. Болаларингизни қидиришини сўраган экансиз, шунга келдик.

Бу гапни эшитиб, Фазлия қувониш ўрнига негадир чўчиди, қўлидаги пиёлани тушириб юборди.

– Олдинги гапларимизда ёлгон бор эди, ҳозиргиси рост. Саволларимни эшитиб, шошилмай жавоб беринг, баъзи нарсаларни аниқ эслашга ҳаракат қилинг. Эрингиз қимор ўйнагани кетганда узоғи билан неча кунга кетарди? Қайси жойларга борганини айтармиди? Биронта қиморбознинг номини тилга олармиди? Айниқса, охириги ўйиндан кейин бировни тилга олганмиди?

Расмий тергов тарзида бошланган савол-жавоб узоқ давом этмади. Аввалига ишонқирамай жавоб бера бошлаган Фазлияда, шу қисқа муддат давомида болаларининг топилишига умид уйғонди.

Умиднинг уйғониши қийин эмас, унинг хайрли оқибатига етмоқ мушкул. Фазлия буни билади. Умиди куладиган кунга қадар сабр қилиши зарурлигини ҳам англайди. Ўша фожиа кунидан бери сабр ўтида куйяпти. Фарзандларининг дийдорига тўйиш учун, уларнинг кулгиларини эшитиш учун яна шунча, эҳтимол унданда кўпроқ куйишга тайёр. Аммо кўп қатори у бир ҳикматдан беҳабар: «Ал-иймону нисфони-нисфуҳу сабрун ва нисфуҳу шукрун» – «иймон икки бўлимдан иборат: ярми сабрдир, ярми шукр» шарафли ҳадиси унинг қулоғига етмаган. Алҳол бирон илм эгаси келиб айтган тақдирда ҳам англаши қийин бўларди. Сабр лозимлигидан хабари бор, бунга амал қилади, чунки бундан ўзга чораси йўк. Лекин нима учун шукр қилиши керак? Иймони заифларга бу муаммони англаши осон эмас.

Остонада қолган Фазлия, уйдан узоклашаётган икки йигит зоҳиран икки олам бўлиб кўрингани билан иймон заифлиги томонидан уларда яқинлик мавжуд эди. Фақат бу аёл сабрни бўйнига олган, икки йигит, айниқса Ахтам эса бундан бебахра. Шукр бўйича эса ҳар иккала томон бир йўлда эди. Тарзанга, айниқса Ахтамга биров «шукур қил» демаган, дегандами... бу дунёнинг имтиҳон дунёси эканидан беҳабар йигитлардан қандай жавоб эшитиши маълум...

Тарзан Жамшиддан вазифани олган пайтдаёқ, Ахтамнинг таъбири билан айтганда, «бош оғрик» ишга рўпара қилинганини фаҳмлаган эди. Фазлиянинг мавҳум жавобларидан кейин топшириқнинг нақадар мушкуллигини тўлароқ англади. Жамшид дастлабки учрашувда хожасининг улар билан қизиқаётганини билдира туриб, «Бек акам «нимага?» деган саволни ёқтирмайдилар, «хўп бўлади»ни яхши кўрадилар», деб огоҳлантирмаганида «бу болаларни топиш нима учун шарт экан?» деб сўраган бўларди. Сабаб айтилмадими, демак, сўрашнинг ҳам ҳожати йўқ.

Сабабни аниқ билишнинг Ахтам учун ҳам ҳожати йўқ. Унга гуноҳкорни, балки гуноҳкорларни топиб болаб жазосини бериш муҳимроқ. У шундан лаззат олар экан, Жамшиднинг тақиқи ҳам муҳим эмас. Эгасиз ҳовлининг аянчли аҳволини кузатиб, ғаши келаётган Ахтам гуноҳкор топилгач, шу ерга олиб келиб жазолашни кўнглига тугиб қўйди.

«Шу айвоннинг остонасига кўмиб қўяман, – деб ўйлади у. – Бу хотин ҳам, болалари ҳам унинг ўлиги устидан неча минг марта ўтади. Бир кунмас бир кун келиб, «сенларни балогардон қилган аблаҳ оёқларинг остида ётибди», десам қанақа аҳволга тушишаркин?»

Бу фикр оз фурсатда умрини яшаб тугатди: «Йўқ, – деб ўзини ўзи инкор этди, – яширин ўлдириб, билдирмай кўмиб қўйишнинг нима фойдаси бор? Бунақа аблаҳлик жазосиз қолмаслигини ҳамма билиб қўйиши

шарт! Милиса оғайниларимиз ҳам идораларида пашша кўриб ўтирмай, бир ахлат титкилашсин...»

Аллоҳ таоло Ўзининг элчисига «Ё Довуду, инно жаъалнока халифатан фил-арзи, фахкум байнан-носи бил-ҳаққи», – «Эй Довуд, Биз сени Ер юзига халифа қилдик, энди сен одамлар орасида ҳақ билан ҳукм юрит», деб марҳамат қилган, аммо Ахтамга ҳеч ким биров устидан ҳукм юритиш ҳуқуқини бермаганди. Худди Асадбек каби Ахтам ҳам бу ҳуқуқни ўзига ўзи берган ва буни дунёдаги энг адолатли ҳолат деб ҳисоблар эди. Ҳақ билан ҳукм юритишни билмайдиган, ҳатто тасаввур қилолмайдиган одамдан нималарни кутиш мумкин?

Тарзан ҳовлига чиқиб, кўча томон юрди. Ахтам уй остонасида тўхтаган Фазлияга қараб олиб, шеригига сўзсиз эргашди. Машинани бир кўча наридаги қайрағоч соясига кўйган эдилар. Фазлияни кутиб, суҳбатлашиб қайтгунларича куёш тик келиб, офтобда қолган машина қизиқ кетган эди.

– Бу хотин билан гаплашишнинг фойдаси йўқ, демаганмидим? – деди Тарзан эшик ойнагини тушираётиб. – Қуруқ кириб, қуруқ чиқдингми?

– Унчалик эмас, – деди Ахтам.

– Нималарни билдинг?

– Сенинг гапинг тўғрилигини тушундим: бу хотиннинг эри ростданам пачоқ қиморбоз бўлган. Бу атрофда тикилган болаларни ютиб оладиган тузукрок қиморбоз бўлмаса керак. Бунақа қилиқ, катта шаҳарларда, катта ўйинларда бўлади. У «пачоқ» қайси шаҳарга борган бўлиши мумкин?

– Бунақалар шаҳарга боришни орзу қилиши мумкин-у... йўқ, юраги дов бермайди. Балки... шаҳарда тепки еганлардан биронтаси бу томонларга келиб, лақмаларни шилиб кетган бўлса-чи?

– «Балки» билан ош пишириб бўлмайди. Биз тезроқ топиб, ишни тезроқ юмалоқ-ёстик қилишимиз керак.

– Ана, энди ўзингга келдинг, эркак! – Ахтам шундай деб Тарзанни туртиб қўйди. – Бек акамизнинг топшириқларини қоқ иккига бўламиз: сен топасан, мен юмалоқ-ёстиқ қиламан!

Ўзининг гапи ўзига хуш ёқиб, Ахтам роҳатланиб кулди. Тарзан эса ўзини масхараланган ҳис этиб, пешонасини тириштирди-ю, лекин қарши гап айтмади.

– Сариккум деган шаҳарчани эшитганмисан? – деди йўлдан кўз узмай.

– Эрталаб ўтиб келдик шекилли?

– Ҳа. Охирги ўйин ўша жойда бўлган экан. Шоди шилта деганини топсак, болаларнинг изига тушармиз.

Шаҳарчага кираверишдаги биринчи самоворхонадаёқ Шоди шилтанинг уйи қаерда эканини айтиб беришди. Самоворчи «Шоди аканинг уйи қаерда?» деган саволни эшитиб, йигитларга бошдан-оёқ синовчан назар солди-да:

– Бу атрофда Шодивойлардан учтаси бор, қай бири керак? – деб сўради.

– «Шоди шилта»си, – деди Ахтам кўпол оҳангда.

Самоворчи «ўзинг ҳам шилталарданмисан?» дегандай унга қайта разм солди-да:

– У сизга нима учун керак бўлиб қолди? – деб сўради.

– Биз ҳукумат идорасиданмиз. Шоди ака тўрт йил олдин уч етимни боқиб олган эканлар. Шу болаларнинг аҳволидан хабар олгани келдик, – деди Ахтам.

– Шилта етим боқиб олган эканми?

Самоворчи шундай деб «кимни лақиллатяпсан?» дегандай бош чайқади. «Агар ҳукумат одами бўлсаларинг ижрокўмга бормай, самоворхонадан суриштирасанларми?» деб маломат қилиб ўтирмай, учинчи кўчадан чапга бурилиш кераклигини айтиш билан чекланди.

Пастки қисми чириб, қийшайиб қолган дарвозага қараб Ахтам:

– Бунинг ҳам пачоклардан экан-ку? – деб тўн-  
гиллаб қўйди-да дарвозани тақиллатди.

Йигирма ёшлардаги нимжон йигит чиқиб, нота-  
ниш одамларга қараганича жим қолди. Бу хонадонга  
нотаниш кишилар кўп келиб, айримлари зулм ўтказиб,  
қўрқитиб қўйганлигини Тарзан йигитнинг жавдираган  
кўзларига қараб сезди.

– Соқовмисан? – деди Ахтам унга яқинлашиб.

– Йў-ўк, – деди йигит довдираб.

– Аданг саломлашишни ўргатмаганми? – деди тик  
қараб.

Йигит бундан саросимага тушиб, тисарилди:

– Сизга ким керак?

– Шоди ака уйдадилар? – деди Тарзан. У муло-  
йимлиги билан йигитни саросимадан қутқармоқчи  
эди, Ахтам бунга йўл қўймади:

– Оғайнилари «Шоди шилта», дейишади, тўғрими?

Йигит Ахтамга қўрқув билан қараб олиб, кейин  
Тарзандан нажот кутгандай унга тикилди. Жавобга  
тили айланмади.

– Шоди акадан сўрайдиган гапимиз бор, уйда  
бўлсалар чақириб чиқ.

– Йўқлар, – деди йигит титроқ овозда.

– Қаердалар? – деб сўради Тарзан.

– Уйинга кетганми? Қачон келади? – деб қўшимча  
қилди Ахтам.

– Йўқлар... – деди йигит яна.

– Буни тушундик, сен бизга қаердаликларини  
айт, – деди Тарзан.

– Адам... ўлганлар...

Ахтам билан Тарзан бир-бирига қараб олишди.  
Бирининг қарашида «Бунисига нима дейсан?» деган  
пичингли савол, иккинчисиникида «Сен энди бир пас  
жим тур», деган маъно бор эди.

– Адангни Худо раҳмат қилсин, биз эшитмаган  
эканмиз, қачон ўтдилар? – деб сўради Тарзан.

– Икки йил бўлиб қолди.

– Аданг ўзи ўлдими ё ўлдириб кетишдими? – деди Ахтам.

Йигит бу саволдан кейин ўзини ичкари олди. Қийшиқ дарвозани ёпиб, ўзини химоя қила олмади, Ахтам унинг издан ҳовлига қадам қўйиб, билагидан тутди:

– Сен бола, биздан кўркма, жонингни суғуриб олмаймиз. Аданг каттага тушган, бу харобангни сотиб ҳам қутула олмайсан. Агар саволимизга жавоб берсанг, қарздан кечишимиз мумкин.

Тарзан уй томон қараб, дераза ортида бир аёлга кўзи тушди. Ахтамни четга суриб, йигитнинг билагини бўшатди.

– Кўркма, аканг шунақа тўмтоқ ҳазил қилади. Тўрт йил олдин аданг учта етим болани боқиб олган экан, улар ҳозир қаерда?

– Билмайман...

– Сен эслаб кўр.

– Эсимда йўқ.

– Ҳозир эсингга тушириб қўяман! – Ахтам Тарзани нари суриб, йигитни бўғиб олди. Шу онда дераза томондан «Боламга тегманглар!» деган фарёд эшитилди. Дам ўтмай аёл югуриб келиб, Ахтамнинг билагига ёпишди.

– Боламга тегманглар! Мана, мени олиб кетинглар!

Бу ноладан кейин кутилмаган меҳмонлар бир-бирларига савол назари билан қараб қолишди. Ахтам йигитни қўйиб юбориб, «энди ўзинг гаплашавер», дегандай тисарилди. Шоди шилтанинг ўз ажали билан ўлмагани, вафотидан кейин ҳам бу уйга чақирилмаган меҳмонлар келиб тургани аён бўлган эди. Ахтам тисарилгач, аёл ўғлини қалқон каби тўсиб олди.

– Кўркманг, опа, – деди Тарзан. – Сизларга тегмаймиз. Агар саволимга тўғри жавоб берсангиз, бундан кейин уйингизга биров бостириб келмайди. Эрингиз тўрт йил аввал қиморда учта болани ютиб олганмиди?

– Йўк, – деди аёл ютиниб. – Дадаси пул ютиб келардилар... бола ютмаганлар.

– Сиз шошилмай, ўйлаб жавоб беринг. Бир ўғил, икки қиз. Уйингизга бошлаб келганини одамлар кўришган. Самоворхонадагилар ҳам айтишди.

Тарзан таваккал қилиб ёлғон ишлатган эди, керакли самара берди:

– Самоворхонадаги ғийбатчи ўлгурларга шундан бошқа гап қолмабдими?! Дадасидан бир танишлари илтимос қилган экан, икки ҳафта уйимизда қараб ўтирдик. Бояқишларни кўзлари гўрда чиригур ўша қиморбоз ютган. Дадаси ўша ўйинда озгина ютқизган эканлар, «болаларга қараб турсанг, қарздан кечаман», дебди.

– Ким эди ўша танишлари?

– Шаҳарлик экан...

– Отини айтинг.

– Эсимда йўк...

– Агар айтмасанг, ўша болаларнинг ўрнига ўғлинг-ни олиб кетамиз!

Четрокда турган Ахтам шундай деб улар томон бир қадам босди. Бундан даҳшатга тушган аёл ўглини кучоқлаб олди. Тарзан «бир пас жим турсанг-чи!» дегандай шеригига ковоқ уйиб қараб кўйди.

– Эсингизда бор, бизни алдаманг. Болаларнинг икки ҳафта тургани ҳам ёлғон. Болаларни олиб кетишмагунча эрингиз билан минг марта уришгансиз, ўша одамни ҳам яхши танийсиз. Эрингиз билан ичиб ўтирганида заҳарламоқчи ҳам бўлгансиз...

Аёл эътироз билдирмоқчи бўлди-ю, гап тополмай, «буларни қаердан биласиз?» дегандай оғзини очганича қараб тураверди. Тарзан бу сафар ҳам тахминини айтган эди. Эри уйга уч нотаниш болани бошлаб келса, қайси аёл бефарқ қараб туради-ки, бу индама-са? Болаларнинг каттасини гапга солиб, фожиадан хабар топгач, эри билан таллашиб-тортишгани-чи? Бу фожиага сабабчи одам уйига келганда қалбида уни

заҳарлаш истаги туғилгани-чи? Тўғри, ароққа ёки таомга заҳар солмагандир, ҳатто заҳар топишга уриниб ҳам кўрмагандир, бироқ, истаги бўлгани аниқ. Тарзан шу мантикий хулосалар асосидаги гапи билан аёлни гангитиб қўйган эди.

– «Жамолбек» дегандай бўлувдилар... – деди аёл титроқ овозда.

– Энди қаерда туришини ҳам айтинг.

Аёл айтди.

– Энди сизларга ким дўқ-пўписа қилаётганини ҳам айтинг, биз ваъдамизда турамиз. Бунақаларнинг танобини тортиб қўямиз.

Аёл буни ҳам айтди. Тарзан «Эрингизни ўшалар ўлдиришганми?» деб сўрамоқчи эди, кўрқувдан титраётган аёл барибир тўғри жавоб бермаслигини фаҳмлаб, бошқачароқ тарзда сўради:

– Кўп ютқизган эканми?

Аёл Тарзанга жавдираганича қараб турди-да, мужмал жавоб берди:

– Энди... қарзни секин-секин тўлаяпмиз, озгинаси колди.

Бегоналарга яна нима деб жавоб қайтарсин у бечора! Кечаси келиб, эрини арқонда бўғиб ўлдирганларини қандай айтсин?! «Ўғлингнинг жони гаровда, ғинг деб оғиз очсанг – ўлади!» деганларга бу иккаласининг кучи етармикин? Танобини тортиб қўйиш ҳақидаги гапи чин эканига ишониш мумкинми? Йўқ... «Эрим қиморда кўп ютқизиб қўйган экан, иснодга чидолмай ўзини осди», деган гапида туравериши керак. Бу гапга милиса ишониб, ҳақиқатни титкиламидими, демак, жим юравергани дуруст. Ўлган ўлиб кетди, тўғри гапни айтгани билан тирилиб, қайтиб келмайди...

Кўрқув исканжасида титраётган аёлга иккови ҳам ачинмади.

– Кириб, ширин чой ичворинглар, титроқни босади.



Тарзан шундай деб бурилди. Ахтам «бизларни унутманглар» дегандай уларга ўқрайиб тикилди-ю, сўнг шеригига эргашди.

– Бек акамик қаторларига олганларида зўр-зўр ишларни қотириб ташлаймиз, деб ўйлабман мен аҳмоқ. Майда-чуйда шилталарни изидан юришга менинг тоқатим йўқ, – деди у машинага ўтиргач. – Жамолбек акахонингникига қараб сурамизми ё шилтанинг оиласини балолардан асраймизми? Жуда катта ваъда бериб юбординг-ку?

– Ваъда бердим, демак, бажаришим шарт.

– Аҳмоқсан, бир-бирларини гўштлирини еб юр-вермайдими? Норбой деган хунагани шилта хунага шўрини қуритибди, шилтани бошқаси, бошқасини яна бошқаси... Сен бу занжирни узиб, тинчитмоқчимисан?

– Мен ваъда бердим. Иш учун керак, – деб Тарзан гапни қисқа қилди. Аёл айтган манзилни топиб боришгач, Ахтамга юзланди: – Тушиб, чақириб чик, ўша хунагани.

Бу буйруқ Ахтамга малол келди:

– Чақириб чикмайман, уйида тинчита қоламан, – деди машина эшигини очиб.

– Чақириб чик. «Садир қиморбознинг жияни сўраяпти», десанг етарли. Ўзинг дарвоза ёнида тур, – деди Тарзан катъий оҳангда.

– Сен катта кетаверма, бола! – Ахтам жаҳл билан эшикни ёпди. Ғазабланса-да, шеригининг буйруғига итоат этди. Уй эгасини илтифот билан таклиф этмай, сўкиб, туртиб олиб чикди. Қирқ ёшлардаги кал киши машина томон юра туриб, икки марта орқасига ўтирилиб қаради. Исми Ҳожимурод бўлган бу одамнинг сочи йигитлик давридаёқ тўкилиб кетгани учун барча «Калҳож» дейишга ўрганиб қолганини Шоди шилтанинг хотини айтган эди. Тарзан ўрнидан қимирламай, уни ғазабли нигоҳи билан қаршилади.

– Садир қиморбоз деганни эшитганмисан?

Калҳож ўзидан анча ёш йигитнинг саломлашиш

ўрнига сенсираб гапиришидан ғаши келса-да, бир нима деб эътироз билдиришга журъат этмади. Ичкарида Садир қиморбознинг номи тилга олинганидаёқ унинг ичидан қиринди ўтган эди. Гарчи фожиадан сўнг кўп йиллар ўтган, айрим тафсилотлар унутилган бўлса-да, бу атрофдагилар бечора қиморбознинг тақдирини эслаб туришарди. Ахир унча-бунчага бўйин эгмайдиган қиморбознинг ким томонидан жазоланганини унутиш мумкин эканми? Ҳамонки, бу йигит ҳе йўқ-бе йўқ гапни Садир қиморбоздан бошладим, демак, бу томонларга бекорга келмаган.

– Гарангмисан, гапимни эшитмадингми? – деди Тарзан овозини баландлатиб.

– Эшитганман...

– Шоди шилтани ҳам эшитгансан-а?

– Ҳа.

– Сендан қарзмиди?

– Ҳа.

– Қарзини жони билан тўлабди-ку, яна нима дейсан?

Калҳожини нажот излагандай атрофга жавдираб қараб олди.

– Уни... ўлдириш ниятимиз йўқ эди. Бўйнига арқон солиб қўрқитмоқчи эдик... бўғмасимиздан олдин ўлиб қолди. Юраги чатоқ экан...

Чиндан ҳам Шоди шилтани қўрқитмоқчи эди... Бир пайтлар лакма қиморбозларнинг чўнтақларини қуритишда яқин шериги бўлган одамни ўлдиришга қўли борармиди? Шерикчилик қилиб юрган йиллари икковининг ҳам ошиғи олчи эди. Пулни тақсимлашда икковининг нафси шаталоқ отди-ю, дўстлик иплари шарт узила қолди. Қиморбозлар оламининг зўрларидан бўлишмаса ҳам, ризқларини териб юришиб эди. Ўша охирги ўйинда Шоди шилта катта кетиб, унга рўпара келди. Иккови туни билан ташлашди. Пул уюми дам у томон, дам бу томон сурилавериб, чўталчининг ҳамёни тўлгандан тўлди. Тонг-

отарга бориб Шоди шилта томондаги пулларнинг баракаси учиб кетди. Қарзга ботди. Калҳожи «қарзга ўйнамайман», дегач, машинани тикиб, уни ҳам ютқизди. Гал уйга келганда Шоди шилта ракибининг фирром ҳаракатини пайқаб қолди. Пайқади-ю, исбот килиб бера олмади. Шундай бўлса-да, қарзини тўлашдан воз кечди. Ўйиннинг эртасига қарзни ундириш мақсадида кўрқитиш учун келишганди... Шоди шилтанинг ўлиmidан кейин Калҳожи уч ойгача кўчага чикмай, уйда ўтирди. У милициянинг қотилликда айблашидан эмас, ўзи мансуб бўлган оламнинг ҳукmidан кўрқарди. Милиция нари борса, қамайди. Қиморбозлар Шоди шилта ноҳақ ўлдирилган, деган хулосага келишса, уни аяб ўтиришмайди. Орадан вақт ўтиб, тинчлана бошлагач, шилтанинг хонадонига яна борган эди. Ҳозир нотаниш йигит ҳовлисига бостириб кириб, Садир қиморбознинг номини тилга олгач, шу ишидан пушаймон қилди. Машинада ўтириб сўроққа тутаётган йигит рўпарасида саросимага тушиб, ўзини оқламоқчи эди, «Нега талвасага тушасан? Садир қиморбозни гум қилишга Ҳайдар ака келгандилар, булар ким ўзи? Мишиқи болалар-ку?!» деган фикр уйғониб, гапни чўзмади.

Калҳожининг қисқа тушунтириши Тарзанни кизиқтирмади. У томон тупуриб, гапни қисқа қилди:

– Унинг қарзи йўқ сендан. Хотинидан олганларингни икки кун ичида қайтариб бер. Ўша томонларга кадам боссанг, Садир аканг билан ачомлашиб ётасан, тушундингми?

Калҳожи «тушундим», дегандай бош ирғади.

– Жўна энди, Мурдани айтиб юбор, келаверсин.

– Кимни? – деб ажабланди Калҳожи.

– Дарвозангнинг ёнида турган одамнинг оти Мурда. Сен уни яхшилаб таниб ол, балки яна учрашарсан.

Калҳожи буйрукни бажаргач, улар узоқлашгунларига қадар дарвозаси ёнидан жилмади.

– Хунасанг иштонини хўл қилиб қўйди, – деб кулди Тарзан ўз ишидан мамнун бўлиб. Шеригининг бу гапи тагида «Қойил қилдимми! Мендан ўрган!» деган маъно яширинганини Ахтам англаб, пешонасини тириштирди.

– У сенданам, менаманам кўрқмади. Кўрққан одами бошқа, – деди беписандлик билан.

– Бек акамдан кўрқди, демоқчимисан, акахоннинг номларини тилга ҳам олмадим-ку?

– Бу ерларнинг додаҳўжаси аҳмоқ эмас. Садир киморбозни сен гум қилганинга сендан кўрққан бўларди. Орқанга ким турганини битта гапингдан билган. Менга алам қиладигани ҳам шу.

– Тушунмадим? Нега алам қилади?

– Шер ўлжа тутиб, бўғзини чайнаётганда атрофида қашқирларми, ўлаксахўрларми изғиб пайт пойлашади. Сен билан мен ҳозир ўшаларга ўхшаймиз.

– Шошилма, биз шундай шер бўлайлик-ки...

– Бир ўқирсак, дунё титраб кетадими? – деди Ахтам пичинг қилиб. Кейин ҳорғин овозда қўшиб қўйди: – Шер бўламан, десанг, аввал шерни йўқотишинг керак.

– Бунинг ҳам вақти келади. Фақат... унгача бизни «қашқир» дема, «шербачча» деганинг яхши.

– Отангга қарасам, сени «шербачча» дейишга тилим бормайди.

– Адамга осилма. Адамнинг аблахликлари бор, лекин у менинг адам!

– Дунёнинг нотўғрилиги ҳам шунда. Ўгилга отани танлаш имконияти берилганида адангга ит ҳам карамаган бўларди.

– Яна илтимос қиламан: адамга осилаверма!

Тарзан «илтимос қиламан», дегани билан овозида қаҳрли амр оҳанги зоҳир эди. Ахтамнинг бундай китмирлиги янгилик эмас. Лекин Тарзан «илтимос қилаверади», у эса сурбетлигини қўймайди. Шеригининг ишларидан кўнгли тўлмай ғашланаётган Ахтам

шу гаплари билан хумордан чикмоқ мақсадида фикрини давом эттирди:

– Менга мазза: отам йўқ. Биров «падарингга лаънат!» деб сўкса, жаҳлим чикмайди, аксинча, кувониб, «рахмат!» дейман. Қидираётган учта итваччани топиб, «отангнинг ҳайвондан фарқи йўқ эди», десанг, қилган хизматингнинг мукофотига башарангга тупуришади. Шилтанинг ўғли ҳам ўлса ўлиб кетади-ки, лекин отасининг шаънига доғ туширтирамайди. Бу калнинг болалари эҳтимол, сени бўғиб ўлдиришлари мумкин. Бу масалада ўғиллар бир-бирига ўхшайди. Оталаринг-чи? Сенинг отанг ўша шилтадан яхшироқми? «Қиморбознинг омади келиб, роса пул ютди» дейишади, нотўғри гап бу. Қиморбоз ютмайди, пулни ҳалол меҳнати билан ишлаб топади. Адангга ўхшаганлар-чи?

– Агар бўлди қилмасанг...

– Нима, Бек акангга чақиб берасанми?

Ахтам шундай деб хахолаб кулди.

– Сени нега яхши кўраман, биласанми? – деди кулгидан тўхтамай. – Юз марта гап талашсак, тўқсон саккизтасида фикрларимиз бошқа-бошқа бўлиб чиқади. Агар бир одамнинг атрофига тўпланганлар унинг ҳамма гапини маъкуллайверишса, уларни нима деб аташ керак, биласанми? Аҳмоқлар! Ҳа, аҳмоқлар! Чунки уларнинг ўз фикрлари йўқ. Мана, Бек аканг аввал сени чақирди, сени ақлли деб ўйлаган бўлса керак. Бек акангнинг бағрига киргунингча ақлли эдинг. Энди сен ҳам бошқаларга ўхшаб аҳмоқликни бўйнингга олдинг. Жамшид аканг нима деб ўқитди? Бек акамиз «нимага?»ни ёмон кўрадилар, «хўп бўлади»ни яхши кўрадилар. Сен бу қондани гарданингга олганинг учун шу томонларда юрибсан. Мен ҳам аҳмоқман, лекин «хўп бўлади», дейдиган аҳмоқлардан эмасман. Менинг аҳмоқлигим – «хўп бўлади»га тоқатим йўқлигида. Бек аканг бора-бора сени яхши кўриб қолади, менинг эса шўримни қуритишга уринади.

– Ўлдирворишидан кўрқяпсанми?

– Менми? Сенга минг марта айтганман: ўлишдан кўрқмайман. Аслида мен тирик одам эмасман, қайси бир зўрнинг арвоҳиман. Арвоҳни ким ўлдира олади? Бек акангми ё сенми? Менга ўлим ҳақида гапирма. Менга ўлдириш ҳақида гапир.

Тарзанга бу гаплар ёқмаса ҳам, ҳазилга буриш учун кулимсираб қаради:

– Ҳар куни жон оладиган одамхўрга ўхшаб гапирасан-а? Шуларни бояги калнинг олдида айтганингда бечоранинг юраги ёрилиб кетарди.

– Ақлинг кўп-у, лекин одамнинг ичини билмайсан. Ўйин пайтида жонини ҳам тикворадиган одамнинг юраги унча-бунчага ёрилмайди. Айниқса, сендақа мишиқининг битта гапига иштонини ҳўл қилмайди.

Ахтам шундай пичинг қилиб, унинг гарданига уриб қўйди. Бундан Тарзан бир силкиниб, шеригига ғазаб билан ўкрайди:

– Гарданимга қўл теккизма, демаганмидим?!

Ахтам «кимга бақираётганингни биляпсанми, еган калтакларинг эсингдан чиқдими? Қўл теккизиш мумкин бўлмаган ипак йигитчамасмисан?» дейишга тилини қайради-ю, лекин «шунча жиғига текканим етар», деган қарорда унга киприк қоқмай тикилди-ю, жавоб қайтармади.

«Шамол эккан – бўронни йиғиштириб олади», деганларидек, Тарзаннинг эккани шу ёвуз нигоҳли Сур эди. Энди оҳини кимга айтсин, додини ким эшитади-ю, ким ярасига малҳам қўяди...

Зоҳид шифохонадан қайтган Саид Қодировни йўқлайман, деб турганида унинг ўзи бир қўлида қаҳва тўла финжонни кўтарганича кириб келди. Салом-алик, ҳол сўрашдан сўнг Саид Қодиров финжонни Зоҳидга узатди:

– Бу сизга, азизим, ҳовурининг чиройлилигини қаранг, чойдан бунақа ҳовур кўтарилмайди. Ҳиди-чи! Бир самовор чой дамласангиз ҳам бунақа ҳузурбахш хид таралмайди.

– Ўзингиз-чи? – деди Зоҳид унинг дабдабали мақтовларидан кулиб.

– Оҳ, ўзимми? Ярамга туз сепдингиз-а? Икки ҳафта давомида дўхтирлар менга нимани кашф қилиб беришди, айтайми? Қаҳва юрагимга зарар экан, босимни оширар экан. Қаҳва ичиб ўтирган эдим, дўхтир кириб қолди. «Нима қиляпсиз?» – деди. Ранги-рўйини кўрсангиз эди: қошлар чимирилган, гўё у талабчан муаллим-у, мен қулоқсиз шумтака ўқувчиман. Мениям шумлигим тутиб, «қаҳва ичяпман», дедим. «Нега ичяпсиз, мумкинмас-ку, унутдингизми?» деди. «Гапингиз эсимда. «Зарарли» девдингиз, нимаси зарарли эканини синаб кўраётган эдим», дедим. «Синашингиз шарт эмас, олимлар исбот қилиб беришган, қаҳвани тўкиб юборинг, бўлмаса босимингиз яна ошади», деди. «Қаҳва ичмасам ҳам ошяпти-ку, ундан кўра ичиб ҳузурланганимда ошгани яхшимасми?» дедим. Хуллас, дўхтир жаноблари тиббий маърифат дарсини ўтиб айтдиларки, Худо яратган неъматларини турли жойларга сочиб юборган, қайси неъмат қаерда етиштирилса, ўша ерда истеъмол қилинса фойдали экан. Тушуняпсизми, қаҳвани Бразилияга ё Мексикага бориб ичсак, зарари йўқ экан. Мен «хўп, унда помидор билан картошкани нима қиламиз?» дедим.

– Жавоб топдими саволингизга? – деди Зоҳид кулимсираганича қаҳвадан хўплаб.

– Жавоб эмас, ҳукм топди: «Прокурорларга гап тушунтириб бўлмайди!» деди. Кеча қайтар маҳалим уларга эсларидан чиқмайдиган зўр совға бердим. Битта қаҳва, олтита финжон, битта қаҳва дамлайдиган чойнак, бир кути шоколад олиб дўхтирларнинг хонасига кирдим. Совғадан қувонишганда, «ана, энди ўзинглар ҳам қаҳвага ўрганиб, мендай бечораларни сикувга олмайсизлар», дедим. Сиз совутмасдан ичинг. Мен эрталабки насибамни ичволдим. Кўнглимга яқин одамга қаҳва дамлаб бериб, мактов эшитсам, баҳридим яйраб кетади. Қаҳвани ёқтирмасангиз ҳам мактаб кўяверинг.

– Ақлни пешлайдиган даражада зўр бўлибди, Бразилия маликаси ҳам бундай тотли қилиб дамлай олмас керак.

– «Дамлай олмас керак», деганингиз нимаси! Бу аниқ ҳақиқат. Малика хоним олиялари қаҳва дамламайдилар, кун ёйилиб, ноз уйқудан уйғонганларида канизак тайёрини тутади, момик тўшакларидан нозни қадларини кўтармай туриб, ғунча лабларини чўлпиллатиб, хўплаб-хўплаб ичадилар.

Саид Қодиров худди гўзал маликанинг сарвқоматини кўриб маст бўлгандек, кўзларини хиёл юмганича ҳузурланиб гапирди. Кейин чўчиб уйғонган одам сингари хаёл дунёсидан аччиқ ҳаёт оламига қайтди:

– Жиноятчиларимизнинг аҳволлари нечук?

– Афсуски, ҳаммалари соғ-саломатлар, – ҳазил оҳангидаги саволга Зоҳид айти шу оҳангда жавоб қайтарди.

– Ўзингизнинг кайфиятингиз қандай?

– Ёмон эмас, чидаса бўладиган.

– Демак, сизда ўсиш бор. Денгизчидан «ахвол қанақа?» деб сўрашганда: «Кайфиятлар аъло, чўкяпмиз!» деганмиди? Ҳамонки, чўкмаётган эканмиз, ҳамонки, қаҳвани ичиб ақлимизни пешлаб олган экан-



миз, энди ишдан гаплашсак ҳам бўлади. Ашгулачи йигитни отиб кетишганини эшитгандирсиз?

– Эшитдим... – Зоҳид «бу ҳақда бекорга гап очмаётгандирсиз?» деган маънода унга савол назари билан қаради.

– Тахминан... нималарни эшитдингиз?

– Тахминан эмас, бу иш билан шаҳардагилар шуғулланишаётганини аниқ эшитдим.

– Шунинг ўзими? Асадбегингизни сўроққа чақиришганини эшитмадингизми?

– Менинг Асадбегимними? – Зоҳид истехзо билан жилмайди. – Ашулачига нима алоқаси бор экан?

– Марҳум ҳам, қочиб юрган гумондаги йигит ҳам куёвининг шогирдлари эмиш. Калаванинг бир учи Бегингизга бориб тақалмасмикин?

– Сўроққа чақиришибди-ку, бир нима дегандир?

– Нима дейиши маълум-ку?

– Чақирмаслик керак эди.

– Ҳа, нодонлик қилишибди. Ўғлининг ўлимидан сўнг Асадбекни тушуниш қийин. Ё ҳаддан ташқари эҳтиёткор, ё нима қилаётганини ўзи ҳам билмайдиган бўлиб қолган.

– Эси оғибди, демокчимисиз? – Зоҳид бош чайқади. – Бунақа одамлар дард олдида тиз чўкмайди.

– Одамлик туйғуси йўқ, демокчимисиз?

– Ачиниш туйғуси бўлса, виждон қийналарди. Ачиниш туйғуси йўқ вужудда виждон нима қилсин? Виждон бераҳм қалбга яқинлаша олмайди. Демак, бундай қалб эгасининг руҳий касалликка чалиниши эҳтимолдан узок.

– Ўҳ-ҳў! Ҳукмингиз бераҳмларча бўлди-ку, азизим!

– Бу менинг ҳукмим эмас, «ҳақиқат» деган одил ҳакам бор.

– Хўп, фалсафа бобида тортишувларимизнинг чеки йўқ. Ҳозир мени икки нарса ўйлантиряпти: би-

ринчиси – Асадбек одамимизни ўзидан четлатди, сирдан огоҳ бўла туриб нега жазоламади?

– Ўзингиз айтдингиз: эҳтиёткор бўлиб қолган. Асадбек хоинни кечирмайди, лекин жазони ҳам тезлаштирамайди. Агар ўзининг одами бўлганида аллақачон қуритворарди. Одамимизни жазоласа, бизга қарши уруш очган ҳисобланади. Ҳозир ҳам, кейин ҳам биз билан ўчакишиш қандай ачинарли оқибатга олиб келишини у яхши англайди.

– Мени ишонтира олдингиз, деб ҳисоблаймиз. Одамимизнинг хабарига кўра, Асадбекнинг энг яқин шериги изсиз кетган. «Чувринди» сирли фожиа натижа-сида ўлди, «Кесакполвон» дегани эса ғойиб бўлган... Ғалати ҳолат эмасми?

– Олдинги маълумотда Асадбекнинг барча ишларни шу шеригига оширгани айtilган эди. Ўзи тинчитган, деб ўйлайсизми?

– Менинг аниқ хулосам йўқ. Гумонлар бир қоп бўлиб, тўлиб-тошиб кетди. Кесакполвоннинг ғойиб бўлиши сабабини мен ўрганаман. Сиз шаҳардаги дўстларга ёрдам беришингиз керак.

– Ашулачи масаласидами?

– Ҳа.

– Калаванинг учини Асадбек томондан кидиришда маъно йўқ бўлса керак.

– Сиз қармоқни куёвига ташланг. Элчин жабрланувчини ҳам, котилни ҳам яхши билган, лекин терговчи билан гаплашишни истамабди.

– Мен билан гаплашар эканми?

– Сиз Элчиннинг марҳум дўстини билгансиз, демак, танишлигингиз бор.

– Ҳа, танишмиз, афсуски, дўст эмасмиз. Бундай ҳолатда дўстгина ёрдам бериши мумкин.

– Илтимос, дўстлашишга ҳаракат қилиб кўринг.

Саид Қодировнинг буйруқ тарзида эмас, ялиниш оҳангида гапириши Зоҳидга малол келди. Истеҳзо би-

лан жилмайиб, финжонни унга узатиб миннатдорчилик билдирди-да, кўшиб қўйди:

– Ажойиб қахванинг ҳақи-ҳурмати учун илтимосингизни бажаришга уриниб кўраман. Шу баҳонада балки яна бир дўст орттирарман.

Саид Қодировга Зоҳиднинг пичингли ҳазили хуш ёқиб, кулиб юборди:

– Ана кўрдингизми! Одамлар қахвани менсишмайди, ахир унинг кучи билан дунёни ўзгартириб юбориши мумкин-а! Ажойиб қахванинг кучи кирқилмасдан бурун ашулачи билан учрашувга шошила қолинг. Биламан, раҳбариятнинг бошқа топшириғи бор. Бунга ўйламанг, зиммангиздан соқит қилинган, деб ҳисоблайверинг. Бунақа майда ишларни бажарадиган майда одамларимиз етарли, – Саид Қодиров шундай деб, айёрона кўз қисиб қўйди. Хонасига қайтмоқ ниятида эшикни очди-ю, остонага оёқ босиб тўхтади. Айтилмай қолган зарур гапини эслагандай Зоҳидга ўгирилди.

– «Виждон бераҳм қалбга яқинлаша олмайди», деб чиройли гапирдингиз. Мен эсам сизни бераҳмликда айбладим. Биламан, жиноятчиларни ёқтирмайсиз. Уларни ҳамма ёмон кўрганда бизнинг раҳмдил бўлишимиз кулгили ҳол, албатта. Бу ёғини суриштирсангиз... бу тоифани кўрарга кўзим йўқ. Лекин на илож, улар билан юзма-юз бўлишга мажбуримиз. Ҳақиқатни юзага чиқариш учун баъзан мураса қилармиз, баъзан кўнглини овлаш учун мақтармиз ҳам... Афсуски, уларни ҳамма одам қиёфасида кўради. Менга улар бошқача кўринишда кўринадилар. Улар серқатнов йўл бўйида яккам-дуккам ўсиб ётган тиканакларга ўхшайди. Улар ҳеч қачон далани ёппасига эгаллай олмайди. Фақат ақл кўзи юмуқ бирикки одамга зиён етказадилар. Сўнг сувсизликдан қовжирайдилар. Улар ёқиб юборилади, аммо алангалари фойда бермайди, аксинча, салгина алан-

га олади-ю, нафсиз ўчади. Кулини шамол учиради. Тамом-вассалом!

Саид Қодиров «ҳикматга мойил гапим маъқулми?» дегандай маънодор қаради. Зоҳид эса ундан нигоҳини узиб, дераза оша ташқарига қаради. Худди ўзига ўзи гапираётгандай деди:

– Осонгина «тамом-вассалом» бўлганида кош-ки эди. Бу «тамом-вассалом»га қадар қанча қонлар тўкилади, қанча диллар вайрон бўлади. «Тамом-вассалом»ни тезлатиш, жонларни саклаб қолиш, афсуски, кўлимиздан келмайди. Фалсафангизни инкор этмайман, озгина кўшимча қиламан: бировлар ҳаёт гулшанидан умри давомида гул тўплайди. Бировлар эса чирик хазонларни тўплай-тўплай ўзидан ўзи ажабланади: «Мен нима учун яшадим-у, нима мақсадда бу чиркин барглари тўпладим?»

– Яхши фалсафа, лекин сиз айтаётган хазонфурушларнинг ҳаммаси ҳам бундай инсофга келавермайди. Хазон тўплаганидан фахрланиб ўлиб кетадиганлари ҳам бор. Бу фикрни мен сизга текинга сотдим, фалсафа дафтارينгизнинг бир чекасига қистириб қўйинг.

Саид Қодиров шундай деб жилмайди.

Зоҳид бу фикрни инкор этолмаслигини билдириб, «енгилдим» дегандай кўлларини кўтарди. Бошлиғи чиқиб кетгач, жойига ўтириб, жиноят тафсилотлари битилган қоғозларни кўлига олди. Бир-икки сатр ўқиғач, хаёлга берилиб, қоғозларни жойига қўйди.

«Жиноят оламидаги тахтлар ҳеч қачон бўш қолмайди, – деб ўйлади у. – Тахт учун олишув ҳеч қачон тўхтамайди. Даъвогарларнинг бири кетади, иккинчиси келади. Ёқаси кирланган кўйлакни алмаштирган каби... Қотил топилиб қамалгани билан нима ўзгаради? Бу жазо марҳум ўрнини тўлдирмайди-ку? Ҳа, ҳеч нарса ўзгармайди. Бироқ, одамлар адолатга бўлган ишончларини ўлдирмасликлари учун ҳам жиноятчини топиб, албатта жазолаш керак...»

Кун окшомга оғди. Зоҳид бошлиғининг топширигини бажаришга отланиб, оғринибгина ўрнидан турди. Бу ишга аралашувидан наф йўқлигини билгани учун Элчин билан кўришишни истамаётган эди. Элчиннинг кўчасига бурилиши билан дарвоза яқинида турган оқ «Жигули» дикқатини тортиб, Асадбекнинг эҳтиёткор бўлиб қолганлиги ҳақидаги гапни эслади. Дарвоза олдида тўхтаганида машинадан бир йигит чаққонлик билан тушиб, унга яқинлашди.

– Акахон, сизга ким керак? – деб сўради у, Зоҳидга бошдан-оёқ разм солиб.

– Элчин аканг керак, – деди Зоҳид, унга тик қараб.

– Ишингиз борми?

– Ҳа, бор.

– Қанақа иш? Менга айтаверинг.

– Ўзига айтадиган иш. Агар сенда ишим бўлганида сенга айтардим.

– Менга айтаверинг, биз бу ерда пашша кўриб ўтирганимиз йўқ.

– Шунақами? Ҳофиз акангни тўйга айтгани келдим.

– Ҳофиз акам тўйга боролмайдилар.

– Нега?

– Негалигини билишингиз шарт эмас. Акахон, яхши гапга кўнинг-у, изингизга қайтаверинг. Ҳаво исиб кетяпти, яна у ер-бу ерингизга чанг тегмасин.

Зоҳид «у ер-бу еримни чангга булайдиган азамат сенмисан?» дегандай унга бошдан оёқ разм солди-да, гувоҳномасини чиқариб, ўзини танитди.

– Шуни бошида айтавермайсизми? – деди йигит норози оҳангда тўнғиллаб. Кейин «Бирпас кутинг», деб, ичкари кираётанида Зоҳид: «Анвар акамнинг танишлари келибди», десанг мени танийди», деб қолди. Уч-тўрт дақиқадан сўнг йигит чиқиб, Зоҳидга инда-

май ўтди-да, машинасига бориб ўтирди. Дарвозахонада Зайнаб кўришиб, саломлашди.

– Сал мазалари йўқроқ, ишингиз зарурмиди? – деб сўради у синиқ овозда.

– Касалликларини биламан, маслаҳатлашадиган гапим унча безовта қилмаса керак.

Зоҳид шундай деб кулупнай ва нон солинган қоғоз халтани унга узатди. Зайнаб «Овора бўлиб нима қилардингиз», деган манзират билан тортиқни ийманибгина олди-да, ичкарига таклиф қилди:

– Кира қолинг, фақат кўп гаплашманг, айниқса... асабни бузадиган гапларни айтманг. Анвар ўртоқларини эслатмасангиз ҳам майли...

Зайнаб шундай деб, ичкарига йўл бошлади. Кимсан, Асадбекнинг қизини махзуи ҳолда кўриш Зоҳидга ғалати туюлди. Кибр йўқ, ғазаб йўқ, кўзларидан зулм учқунлари чакнамайди... Зоҳиднинг назарида аксинча бўлиши керак эди. Чунки у Зайнабнинг отасидан кўра онасига кўпроқ ўхшадини билмас эди.

Элчин аравачасини ғилдирашиб келиб, Зоҳидни айвон остонасида кутиб олди. Салом-алиқдан сўнг уни айвон ўртасидаги стол томон бошлади. Зоҳид меҳмон келганда аёлларнинг шошилиб қолишларига, уйни тез-тез йиғиштиришларига, кўрпача тўшаб, дастурхон тузаб, канд-курс, мева-чеваларни бир-бир олиб чиқиб тузашларига ўрганиб қолган. Бу ерда бесаранжомлик бўлмади. Зайнаб ота уйида ўргангани учун дастурхонни меҳмон кутишга ҳамиша шай тутарди. Эрининг меҳмонларини яхши танимаса, салом бериб, чой дамлаб келгач, уларни холи қолдирарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

– Қайси шамол учирди, кўришмаганимизга ҳам кўп бўлди, а? – деди Элчин, меҳмоннинг ташрифидан мамнунлигини билдириб.

– Ҳа... Анвар вафот этган куннинг эртасига учрашган эдик, шекилли? Уйингизга отланганимда оқибатсизлигимдан хижолат бўлдим. Йўқлайман, деб

неча бор ният қилдим-у, лекин ҳар турли баҳоналар билан «эртага, эртага» деб орқага суравердим. Охири «ҳам зиёрат, ҳам тижорат» деганларидай... – Зоҳид шундай деб, айбдор одам сингари узрли кўринишда жилмайди. – Очигини айтсам... шоғирдларингизнинг ташвишли шамоли учириб келди мени.

– Навбатдаги очилмайдиган ишга киришаяпсизми? – деди Элчин киноя либосида кулимсираб.

Зоҳид «ишлар очилмаётган бўлса, жиноятчилар камокқа ўз хоҳишларича кириб ўтиряптиларми?» деб кинояга истехзо билан жавоб қайтармоқчи бўлди-ю, «бу ўзи ким-у, мен нега унга ҳисоб берайин, нега ўзимни оқлайин», деган фикрга келиб индамай кўя қолди. Элчин буни «сукут – ризолик аломати» ўрнида қабул қилиб, давом этди:

– Анварнинг ўлими билан ҳатто кизиқиб ҳам кўрмадинглар. «Ўз жонига суиқасд» – чиройли хулоса! «Ёш олим йигит нега ўзини осди, балки у бўйнига аркон солаётганида исён қилмоқчи бўлгандир», деб сиз ҳам ўйламагандирсиз.

– Тушунмадим, қанақа исён? Жанозадан кейин учрашганимизда «бандалик эмас, аҳмоқлик» деган эдингиз. Энди «исён» деяпсиз?

– Фикрим ўзгармади. Фақат аниқлик киритдим. Исёнининг сабабини аниқладим. Ўшандаги гапларим эсингиздadir? Саволни яна такрорлайман: ҳаёт ўрнига ўлимни афзал билишига уни кимлар мажбур қилди? Сиз у лаънатиларни қамай олмайсиз, чунки сиртмоқда уларнинг бармоқ излари йўқ. Сизга фақат экспертиза хулосаси керак. «Руҳий сиқув» деган нарсани экспертиза аниқлаб беролмайди. Тўғри, кодексингизда «ўлимга мажбур қилиш» деган банд бор. Лекин, бу банднинг пачағини чиқариб юборадиган ёлғончи гувоҳлар атрофда тикилиб ётибди, – Элчин шундай деб хўрсинди, нигоҳини Зоҳиддан олиб, худди ўзига ўзи гапираётгандай овозини пасайтириб, дардли оҳангда давом этди: – Виждон – дунёнинг энг

олий маҳкамаси экан. Тергаш жараёни бошланганида ёлғончи гувоҳлар, мунофиқларга бу маҳқамада ўрин бўлмайди. Энг асосийси – виждон маҳкамасининг ҳаками порахўр бўлмайди. Юқори идоралардан бўладиган кўнғироқлар олдида бўйин эгмайди. Ҳукм эса одилона бўлади. Афсуски, виждонни мавҳум тушунча деб, бу ҳақиқатни англамайдиганлар дўл каби бошимиз устига тўхтовсиз ёғилиб турибдилар. Бу адолатсизлик дўли мен айтган одил ҳакам – виждонни омон қолдирганмикин? Масала шунда!

Элчин «сиз шу масалани ечиб бера оласизми?» дегандай Зоҳидга қараб, жавоб кутди. Зоҳид бу фалсафий мушоҳадалар орасига сиқилиб киришни хоҳламай, сукут сақлади. Алҳол, Элчиннинг кўнгил оғриғи кўзгаб, кўз олдига умидсизлик пардасини тортиб, дунёни кўзига тор ва қоронғи қилиб кўрсатаётган эди. Дарахтларни яшнатиб турган баҳор гулларининг жонини аямажуз суғуриб олса, унга қайта жон атаб бўлмайди. Қора совуқ ўтиб кетади, қуриган боғлар эса мунғайиб қолаверади. Уни қайта тиклашга ким ҳафсала қилади? Тиклашга уринувчилардан кўра бепарволар кўп экан, боғнинг аҳволи нима бўлади? Ҳаёт экинзорига лоқайдлик, бераҳмлиқ уруғи қадалиб, масъулиятсизлик суви билан суғорилса, қанақа ҳосил олинади? Умидсизлик денгизида кўпдан бери сарсон сузиб, муддао соҳилига етолмай қийналаётган одам бу саволларга қандай жавоб топиши мумкин?

– Худо Ер юзини яхшилик учун яратган экан, лекин нодонлар уни омонсиз олишув майдонига айлантириб олдилар. Ер триллион-триллионлаб жасадларни бағрига сиғдирди. Ҳозир яшаётган тўрт ярим миллиард одам ҳам бирин-сирин уларнинг сафига ўтади. Ўлганларнинг ўрнини туғилганлар эгаллайдилар, кейин олиша-олиша гўрларни тўлдиравердилар. Бир-бирини севмаган иккита одам Ер юзига сиғмаса, айб кимда?



Элчин енгил хўрсинди. Иложсиз одамнинг ҳасрати билан бошини эгди. Ўзининг саволларига ўзида жавоб бўлмаса, ўзга кимсадан нимани кутсин?

Ўша фожиали куни жанозадан қайтгач, «бир-икки кун ойингга қарашгин», деб Зайнабни уйига юборди. Назарида ёлғизлик кўнглига таскин берадигандай эди. Бундай бўлмади – кўнглига ёлғизлик овунчок бўла олмади, айрилик исканжаси қалбини баттар эзди. Таскин топмоқ мақсадида коньякни кўлига олди. Қопқоғини очди, лекин қадаҳга қуймади, ичгиси келмади. Эси оғиб қолган телба одам сингари ярим тунга қадар у хонадан бу хонага мақсадсиз кириб-чиқаверди. Тун оққанда ҳолсизланиб, оромкурсига чўкди. Оёғини баралла узатиб ўтирди. Кўзига уйқу илинди. Қалб оғриғини муолажа қилиши лозим бўлган қуш уйқуси вазифасини удда қилолмади – уйқу ташвишлари юзига парда торта олмади. У қисқа фурсат орасида туш кўрдими ё дўстининг руҳи уйига кириб келди-ми, билолмади. Лекин аниқ кўрди: Анвар оппоқ либосда кириб келди. Кейин маймунбашара бир одам кўринди. Анвар у томонга кўлини бигиз қилди: «Менинг қотилим шу, устознинг қотили ҳам шу... Қасос олмайсанми? Ноила учун қасос олмоқчи эдинг. Меничи? Арзимаيمانми?...» Анвар бундан кейин ҳам бир неча марта кўринди. Ҳатто касалхонада хушсиз ётганида ҳам кўриниб, қасосга даъват этди. Ҳозир бу прокурорга шуларни айтиши керакми? Бировнинг аччиқ тақдирдан қуймайдиган бу одам унинг дардига тушунармикин?

Шуларни хаёлидан ўтказган Элчин ҳазин оҳангни тарк этиб, энди қатъийроқ тарзда давом этди:

– Холидий деган одамсифат махлуқ яна қанча одамни қуритганини сиз билмайсиз. Даъво ҳам қилолмайсиз. Мен у бадбахтни бугун ўлдирсам, ўйлаб ҳам ўтирмай, эртагаёқ мени отасиз. Мантиқан қаралганда, уни ўлдирганим учун мени мукофотлашингиз керак. Чунки уни ўлдирсам, қанча одамлар-

нинг ҳаётини сақлаб қолган бўламан. Яширмайман, у махлуқни ўша жиннихонанинг ўша ҳожатхонасига осмоқчи ҳам эдим. Бунақа бўлиб қолиш бошимга тушмаганида қилардим шу ишни! Тузалишдан умидим бор... Ўзимнинг кучим етмаса, бировни ёллайман. Ҳозир Россиядаги қилларлар иш қидириб юришганимиш. Битта кўнғироқ қилсам, бас... бугун бўлмаса, эртага Холидийнинг ўлигини ҳожатхонадан топиб, янги «Иш» очасиз. Сизга яна бир бошоғриқ орттирганим учун ҳозирдан узр сўраб қўяйми?

– Шу одамни осангиз дунё чиройлироқ бўлиб қоладими? Анварнинг исёндан мақсади шу эдими?

– Анвар аҳмоқлик қилди. Исён қиладиган одам ҳеч бўлмаса битта махлуқнинг тухумини қуриштириб кетиши керак.

– Шу гапларни сиз гапиряпсизми?

– Менга нима қилибди?

– Ишонмайман...

– Нимага?

– Холидийни осингизга ишонмайман. Юрагида муҳаббат бор одам бундай қила олмайди. Тўғри, қасос олишни жуда-жуда хоҳлайди. Фикру ўйи шу одамни ўлдиришда бўлади, лекин қўли бормайди.

– Менинг муҳаббатим қамокхоналарнинг сассиқ баракларида бўғилиб ўлган. Осингизга ишонаверинг. Осиндан олдин тилини суғуриб, кўзларини ўйиб олишимни ҳали айтмадим...

– Сиз ўзингизни ўзингиз алдаяпсиз.

– Балки шунақадир... – деди Элчин, аввалги шаштидан сал пастроқ тушиб. – Эшитгандирсиз, қадимги Хитойда ҳақоратланган ёки зулм кўрган одам қасос олишни истаса, ўша зулмкорнинг остонасига келиб, ўзини ўзи осаркан ё сўйиб, ичак-чавоғини ағдариб ташларкан. Шундан сўнг зулмкорга нисбатан атрофдагиларнинг нафрати ошар экан-у, у бадбахт бегона юртларга кўчиб кетаркан. Сизга балки жазонинг шу тури маъқулдир?

– Виждон ҳамма нарсадан устун кўйиладиган жамиятда бу жазонинг таъсири бўлар. Лекин...

– Ҳа, ана энди ўзингизга келдингиз. Ҳамма гап ўша «лекин...»да! Қамокдан қайтсам, Анвар жиннихонада ётган экан. Борсам, «дунё формуласини топдим», дейди. Сиз аввал илмга берилган экансиз. Пифагору Эйнштейн назарияларини сув қилиб ичиб юборгансиз. Катет, гипотенузларингизни четга қўйиб, айтинг-чи, дунё формуласида ҳақиқат нимага баробар?

– Мен математикага қизиқардим, ҳозирги саволингизга файласуф жавоб бериши керак.

– Ҳар бир одам ўзича файласуф эмасми? Нахотки, дунё зиддиятлари билан қизиқмагансиз? Саволимга жавоб берманг, майли, чунки фақат сиз эмас, ҳаммамиз дунёда ҳақиқат деган тушунча борлигини унутиб яшаймиз. Анвар эса унутмаган. У кашф қилган ўша формулани: «ҳақиқат»нинг нимага баробар эканини топиш учун «хиёнат»ни «риё»га қўшамиз, «ҳасад» билан «очкўзлик» қавс ичида қўшилади. «Адоват», «ғийбат», «нифок», «шуҳратпарастлик», «мансабпарастлик» эса илдиз остида қўшилади. Буларнинг ҳосиласидан «виждон», «иймон», «ҳаё»нинг қўшилмасини айирсак – баробар нол! Анвар дунё формуласидаги «ҳақиқат – нол!» деган хотимага қарши исён қилган эди. Дунё формуласини ким, тўғрироғи, кимлар бунақа хато ечимга олиб келади? Сизлар буларни ўйламайсизлар. Ҳолбуки, бошингизни қотираётган барча жиноятлар шу хато ечимдан туғилган. Ёш ҳофизнинг ўлими сабабини қидириб, жавобни қайнотамдан олмоқчи бўлибсизлар. Кулгили эмасми?

– Кулгили эмас... ачинарли... Бундай қилмасликлари керак эди, – деди Зоҳид, баҳсда енгилган одамнинг афсусли оҳанги билан. Сўнг мақсадини тушунтиришга ўтди: – Сиздан ҳам, қайнотангиздан ҳам гумонимиз йўқ. Жаҳлингиз чиқмасин. Ўша икки санъаткор қандай йигитлар эди, сиздан шуни

билмоқчимиз. Буни бизнинг тилимизда «шахсини аниқлаш» дейилади. Қотил топилганда кўнглингиз оз бўлса-да, тинчимайдими?

– Тинчимайди! Қотилни беш-олти йилга қамаб, уч йилдан кейин амнистия билан чиқариб юборганингиз учун сизларга олам-олам раҳматлар айтишим керакми?

– Мархум яхши санъаткор эдими? Мен унинг ашуласини эшитмаган эканман.

– «Яхши» дедингизми? Тенгсиз эди! Унинг авжи ҳозир кўзиқориндай чиқаётганларнинг ҳеч бирида йўқ эди. Ҳозиргилар туғилиши билан киндигини ўзи кесиб, микрофонга улашяпти-ю, пилдираганича катта сахнага чиқиб, ўзини «юлдуз» деб эълон қиляпти. Тасқараларнинг биронтасида авж йўқ. Авжини ололмаган ашулачининг қадри сариқ чақа!

– Демак, мархумнинг келажаги порлоқ бўлган. Истеъдод бобида тенгсиз ёшларнинг ўзига яраша ҳасадчилари бўлади. Атрофида дўстга ўхшаб юришади-ю, лекин пайт пойлаб туриб, чалиб юборишади. Шунчаки чалишса майли, бунақа ҳолат...

– Қотилни энди дўстлари орасидан қидирмоқчимисиз? Биринчи гумонингиз Козимбекда, шундайми?

– Ҳа.

– Бу сизларнинг ўзгармас услубингиз. Жиноятчини биринчи галда жабрланувчининг яқинлари орасидан қидирасиз. Козимбекни қотил сифатида эмас, жабрланувчи сифатида қидирганингиз маъқул.

– Охирги учрашганимизда «Жамшид ўлдирилганини аниқ биласизми, ўзи?» деб тагли гап айтган эдингиз. Чиндан ҳам ўлдирилмаган экан, ўшанда кўнглингиз сезганмиди?

– Тилдан учган шунчаки бир гап эди. Мен фолбин эмасман. У гапни бекорга эсламагандирсиз, а? «Шо-гирдларингизнинг тақдири тўғрисида кўнглингизга келган гапларни айтинг», демоқчига ўхшайсиз? Шо-гирдимнинг бири ўлган, гумонга ўрин йўқ.

– Икинчиси эса тирик... ёки... тирикмикин?

– Билмайман... ярамга туз сепманг...

Зоҳид Элчиннинг илтимосига парво қилмай гапири давом эттирди:

– Ҳарҳолда, жуда қизик: ўқ бор, кичик калибрили милтиқдан отилган, гилза эса йўқ. Ўқ пешонага теккан, мурданинг ёнида тишланган олма... Олмани марҳум тишлаган, чайнаб ютишга улгурмаган. Олма ейишига қараганда, у ҳеч нимадан хавотирланмаган. Қочишга ёки ўзини ҳимоя қилишга уринмаган. Яна ҳам қизиғи: баллистик экспертиза хулосасига қараганда, у тўхтаб, деворга суяниб турган.

Элчин Зоҳиднинг бу хулосасини маъқулламади ҳам, инкор ҳам этмади. Зайнабнинг гумонларини айтишга чоғланди-ю, лекин тилини тийди. У гарчи ўғрилар оламига тобе бўлмаса-да, милиция ёки прокуратура билан ҳамкорлик қилишни ўзи учун ор деб биларди. Қамокда орттирган бу одатига хилоф иш қилгиси келмади.

Алҳол, кўшни хонада Зайнаб уларнинг гапларига кулоқ солиб ўтирарди. Меҳмон оддий терговчи бўлганида, уни уйга кўймаслиги аниқ эди. Анварнинг номини тилга олиб келган бу одамга эшикни очганидан энди афсусланди. Чунки дастлаб келган терговчининг ҳам, бунисининг ҳам мақсади бир, худди Элчин шогирдини уйига яширгандай атрофга олазрак қарашади. Элчин икки кўлини кўтарса-ю, «ҳид олишингизга қойилман, дўстини отиб ўлдирган Козимбекни мен яшириб кўйган эдим», деб қотилнинг қўлларига кишан солиб берса! Уларга шу керак! «Элчин акамда гумони бўлмаса, нимага ҳадеб келаверадиди?!» Зайнабни шу савол темир тирноқлари билан исканжага олиб, ғазабини оширди. Худди отаси каби у ҳам Кесакполвонни ёдга олди. «Сафарлари бунча чўзилиб кетди? Агар шу ерда бўлганларида булар остонамизга ўйлаб яқинлашишарди. Ҳайдар амаким

сафарда бўлсалар, адам шу ердалар-ку? Адамни мен-симай қўйишганми? Нега ҳадларидан ошишяпти?»

Зайнабни «Асадбекнинг асл кизи» деб эркалаган Кесакполвоннинг кадри ўтаётган эди. «Асадбекнинг кизи йиғламаслиги керак!» Акасининг ўлимидан кейин йиғламай қўйган. Кўз ёшлари тугаб, ўрнини қасос чўғлари эгаллаган. Бир ғалтак ип қандай ўралган бўлса, кейинги йиллар мобайнида ёғилган дарду аламлар гўё ип бўлиб, унинг юрагини чирмаб ташлаган эди.

Абдусамад хорижга кетар олдида уни овутомқчи, Жамшид эса: «Бу эркаларнинг иши, мен ўлсам, менинг ўрнимга сен келасан!» деб ишонтирмоқчи бўлди. Қасос оладиган эркалар қани? Нега индамай юришибди? Нимани кутишяпти? «Акамнинг хунини олиш ҳуқуқини Худо менга берган, эркаларнинг бошқа ишлари бор. Уларга ишонсам, қасос ололмай ўлиб кетаман...» Қасос олишга аҳди қатъий эди, бироқ, ишни нимадан бошлаб, нима билан тугатишни билмасди. Бунинг учун унга бир маслаҳатгўй, суянадиган бир қоя керак эди. Ўша маслаҳатгўйни, ўша қояни ҳар кун кутади. Худди бахтини кутаётган бахтсиз одам каби кутади. Кутаётган одамнинг тақдиридан беҳабар. Орзу қилгани – қасос Қиёматга қолганини ҳам билмайди.

Қасос шарбатидан ичиб хузурланиш ҳатто отасига насиб этмагани ҳам унга номаълум. Хонгирейнинг ўлимидан кейин ўч шамширини кимга санчишини билмай рух азобида тўлғанаётган ота қизига дардини айтармиди?..

Орзу-умид икки тоифа бўлади. Хайрли орзу-умид сабр ва ишонч булоғининг мусаффо сувидан ичиб, ҳаёлдан ҳақиқатлар оламига кўчгач, саодат охира-тини беради. Разиллик балчиғидан қувват олувчи орзу-умид ҳам бор, афсусларким, бу ҳам ҳақиқатлар дунёсига кўчиб, бандани самум меваси билан тақдирлайди. Қайси орзу-умидни танлаш кишининг онгига

ва бу онгни тўғрилиқка йўллаб турувчи иймон нурига боғлиқ. Зайнаб бир вақтлар пок орзулари офтобида ҳузурланиб яшарди. Буни саодат офтоби деб билиб, осмондаги қуёш янглиғ абадий нур сочишига ишонарди. Ҳаётнинг хунук қора булутлари борлигини ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Энди саодат охиридан умид йўқми? Руҳини эзиб турган оғир дард ўзининг залвори билан умид ва сабр чиннисини мажақлаб ташла-масмикин?

Нажот йўлига умид билан қараш икки хил бўлади. Шайтон кўзи билан қарашнинг охири вой! Иймон кўзи билан қараш Аллоҳнинг ажри билан тақдирланади. Не афсуски, емоқ-ичмоқ, киймоқ ва яшамокнинг барча зийнатларидан баҳраманд бўлган Зайнаб бу тушунча бобида ғоят ғариб эди.

Айвонда ўтирганлардан бири жиноят тугунларини ечмоқ мақсадида бош қотиради.

Уйдаги Зайнаб эса қасос қонини ичмоқ истайди...

Зоҳид гапни чўзишдан фойда йўқлигини билиб, мезбонга раҳмат айтди-да ўрнидан кўзгалди. Зайнаб шошилиб чиқиб, уни кузатди. Хайрлашар чоғида кўз-кўзга тушиб, Зоҳид ҳайратланди: Зайнаб энди у тасав-вур қилган аёлга, Асадбекнинг қизига айланган эди.

Зоҳид бу хонадонга умидсиз келган эди, курук қайтди.

## Х I Б о б

### 1

Абдусамад Чўлпонойни маҳзун ҳолатда кўриб, ҳам ажабланди, ҳам хавотирланди.

Бахтиёрлик қаноти билан ота юртга учиб бо-риб, Абдулҳамиднинг ўлими туфайли бу қанотлари қирқилган ҳолда айрилиқ чашмасига қайтган ёшлар-нинг кўзларига дард булути тез-тез соя ташлайдиган

бўлиб қолган эди. Муштарийнинг кўзларида қувонч чўглари бутунлай сўнганига, Гулузор бегимнинг эса қизи ҳасратида куйишига улар бефақ қараб туришолмас эди. Муштарий билан Гулузор бегим даврасида ўтиришганда ҳузурланиб кулиш ёки кишига қувонч берувчи гапларни гапиришдан тийилишга мажбур эдилар. Бундай мотамсаролик барчанинг руҳини эзиб турарди. Бугун Чўлпоной онаси билан ёлғиз қолганида «ҳаётни мотам тиконзорига айлантирмоқлик дуруст эмаслигини» айтиб, танбеҳ эшитди. Табиатан меҳрибон бўлган Гулузорбегимга бу ҳақиқат аён эди, бироқ, беваликнинг заҳарли шарбатидан азоб чекаётган қизини мотам саҳросидан ҳаётнинг нурли боғига қандай қилиб тортиб олишни билолмай қийналаётган эди. Чўлпонойнинг гапини инкор қилолмагани баробаринда фикрининг тўғри эканини тан олиши шу боис ҳам мушкул эди. У қизини қийнаётган айрилиқ дардининг ҳомиласига таъсир этишидан ҳам кўрқарди. Чўлпоной синглисига ҳамдард бўла олмаётгандай туюлиб, ғазаб оташида унга бир-икки аччиқ гап айтишдан ўзини тутта олмади, ҳатто «бирга яшамоклик ҳасрати дилингни эзаётган ўлса, ҳасрат дўлидан кутулмоқ учун айри уйда яшамоклик истагинг ўлса, ихтиёрингдир», деб юборишдан тилини тия олмади.

Ҳеч бир она ҳеч қачон фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Ҳатто, онанинг беихтиёр айтиб юборган қарғиши ҳам ўтмайди, дейдилар. Қайси она суюқлисини бағридан чиқариб юборгиси келади. Жонини боғлаб турган икки қаноти ота юртга учганда Гулузор бегимнинг юраги хувиллаб қолмаганми эди?! Бу хувиллаган юрак соғинчнинг аччиқ суви билан тўлмаганмиди? Фарзандлари кемтик бахт билан қайтдилар. Соғинч тарк этди-ю, аммо кизининг мунгли кўзлари ҳаловатини олди. Чўлпоной буни ҳис этмайdimи? Онаси билан синглисининг дардлари унга бегонами?



«Ҳажр аро бу давр нетай мен жонни, жон нетсун мени, Ким эрур ҳар лаҳза мендин жон, мен жондин малул», дейилганидек, мотам кунлари сонсиз ҳасрат чодирига беркинган синглисини овутиш мақсадида қайсидир китобда ўқигани: «Бугун катта бир дардинг бўлса, Раббингга юзланиб: «Эй Раббим, менинг оғир бир дардим бор», демагил, балки, дардингга юзланиб: «Эй дард, менинг Буюк Раббим бор!» дегил», – насиҳатини айтиб, бу дард абадий эмас, ўткинчилигини, ўрнини қувончга бўшатиб беришини таъкидлаган эди. Синглисига айтди, бироқ, «Тангри халқ этмиш мани гўё маломат чеккали», деб юрган онасига ақл ўргатишдан истиҳола қилди.

Онасининг бу гапи...

Дардкаш бўлиш ўрнига дарддан қочувчи шафқатсизми у? Бошқа уйга кўчиб ўтишдан осони йўқ. Лекин бераҳмлик тамғаси билан яшаш осонми? Бу юрт туб аҳолисининг одатига кўра, ота-онадан айри яшаш маъкул кўрилса-да, Чўлпоной бу урфни ҳеч маъқулламаган, бошқа уйга чиқиб кетиш хаёлига ҳам келмаган эди. Айниқса, синглисини ҳасрат денгизи пўртанасига ташлаб кетиш... «Бир қориндан туғилмоқ бор-у, бирга яшамоқ йўқ», деган гапнинг ҳаётга кўчишини ҳеч қачон истамаган.

Онаси...

...заҳарли ўққа айланган бу сўзлар унинг лабларидан беихтиёр учдими?..

Аллоҳ! Аллоҳ! Она қалбини бу телба ҳақиқатдан Ўзинг асра!

«Шафқатсиз опа» деган шарманда рўмолини елкасига ташлаб чиқиб кетиш...

Чўлпонойни онасининг гапи маҳзун этмади, балки хаёлини тўзитиб юборган шу гапларнинг ҳаётга кўчиши мумкинлиги ҳақидаги нохуш ҳақиқат даҳшатга солган эди.

Абдусамаднинг «сизга нима бўлди, хоним?» деган ширин саволига аччиқ жавобни энди қандай айт-

син? Эри бу саволни яна бир такрорлаганида йиглаб юбормоғи аниқ эди. Бахтига эшик очилиб, онаси кўринди. Гулузор бегим куёвини кўриб, бевакт кираётганидан хижолат бўлди. Унга бир кулимсираб, ортига қайтмоқни ихтиёр қилди-ю, бу иши янада ноқулай бўлишини англаб, ичкарига қадам босди.

– Оқшомингиз хайрли бўлсин, – деди Абдусамад энгил таъзим қилиб.

– Хайрли акшамлар, – Гулузор бегим шундай деб куёвига қўл узатди.

Тошкентдан қайтишганда Чўлпоной онасига: «ул юрт урфида куёв ўғилга қўл узатиб кўришмак уят саналмиш экан», деб танбеҳ берган эди. Бу танбеҳни унутган кезлари ўз одатига хилоф қилмай, кўришмоқ учун қўл узатарди. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қайнонаси билан қўл учида сўрашгач, Абдусамад қўлидаги китоб-қоғозларини кўйиб чиқиш баҳонасида онасига йўл олди. Гулузор бегим ҳеч бир сўз айтмай, кизига яқинлашиб, уни кучоқлади. Сўз айтмаса ҳам, Чўлпоной онасининг узр сўрамоқчи эканини англади.

– Бийр данагинем! – деб пичирлади ҳасрат инган титроқ лаблар.

– Биз иккимиз... – деб пичирлади маъсума.

Муштарий туғилмасидан аввал Гулузор бегим тўнғичини турк оналарига хос бўлган меҳр билан «бир донагинам» деб эркаларди. Бу одатни иккинчи кизи туғилганидан кейин ҳам давом эттирди. Унисини ҳам, бунисини ҳам шундай деб суярди. Чўлпоной улғайганида онасига «Мен бир доне эмас, биз икидурмиз, анне», деб танбеҳ берганди. Тўйдан кейин, келинлик либосидаги кизларининг пешонасидан ўпиб, «бийр данагинем», деганида Чўлпоной: «Энди биз дўрт ўлдук, анне, қалбинийз дўрт парчаси», деб кулган эди.

Гулузор бегим қизини бағрига маҳкам босганича жим эди.

«Бир киши ўлгани билан ҳаёт тўхтамаслигини мен билмайманми? Аммо қайғу пўртанасидаги қизимни тортиб олишдан ожизман», – дейди меҳрталаб юрак.

«Буюк Аллоҳ иймон келтирганлар ва сабрлилар билан биргадир. Бизга бир шарафли ҳадисни ўқиб бериб эдингиз: «Пайғамбаримиз алайҳиссалом ўғиллари Иброҳимнинг ўлими арафасида муборак кўзларидан бир неча томчи ёш тўкилди. У зот шундай марҳамат қилдилар: «Кўз йиғлар, қалб маҳзун бўлар, яъни бу табиий, башарий бир нарсадир. Иброҳимдан айрилганимиз учун биз чиндан ҳам қайғудамиз. Аммо Раббимизнинг розилигига тескари бир оғиз сўз айтмаймиз». Бу шарафли ҳадисни ардоқли синглимга ўзингиз яна бир эслатинг... Ҳасрат пўртанасидан уни биз тортиб ололмасмиз, сабр ва шукрдан қувват олган иймон кучи билан ўзи қутулиб чиқажак, инша Аллоҳ!» – дейди дардқаш юрак.

Узрхоҳлик унсиз тарзда яқунига етгач, Гулузор бегим қизининг пешонасидан бир ўпиб, бағридан бўшатди. Шундан сўнг онани ҳам, қизни ҳам ноқулай аҳволга солувчи ғалати сукут уйғонди. Худди айтиладиган сўз йўқдек, бир-бирларига жимгина тикилиб қолдилар. Сўз бор эди, бироқ, Гулузор бегим гап-ра бошласа, титроқ лаблари йиғини тўсишдан ожиз қолуви мумкин эди. Чўлпоной буни англаб, ўзи сўз бошлади:

– Ойижон, бу тонг сабаҳ намозин ўқигач, мутолаага эҳтиёж сездим. – Чўлпоной эрининг уйига борганда қайнонасини «ойижон» деб ўрганган эди. Бу ёққа қайтгач, онасини дам тошкентчасига «ойижон», дам туркчасига «анне» дейдиган бўлди. Бунга айтарли аҳамият бермаган Гулузор бегим ҳозир ҳам эътибор қилмади. – Танламоқ ихтиёридан воз кечиб, қўлима илинмиш китобни олиб, варақладим. Не ажабки, сиз биза ўқуб берган Румайса ибратига кўзум тушти.

– Ҳаёлим паришон, бийр данагинем, қай бир ибратни айтурсан?

– Саҳобия Румайсанинг ҳикояси-да, эслиюрсиз, дедиларки: «Болам оғир бемор эрди. Бабаси сўқокда эркан чоғи, бола жон верди. Уни уй тўриёа ётқуздум. Акшам намазидин сўнгра кўжам келгач, «ўғлимнинг аҳволи нечук», дея сўради. «Аллоҳа шукурлар», дедим-у, хушнот кўринмак чорасин килдим. Сухбатлашиб ўлтурар эканмиз, «Кўшимиз хўп ажабда», дедим. «Нечук?» дедилар. «Мендин бир омонат олиб эрди, бу оқшом қайтаришни сўраб эрдим, нушукурлик ила йиғламокка тушти», дедим. Эш: «Бу иши ножоиздур», дедилар. Шунда дедимки: «Бабаси, Аллоҳ биза чўх гўзал бир неъматин омонат бериб эрди, бу акшам қайтариб олмишдир», дедим. «Инна лиллаҳи ва инна илайҳи рожиуън», дедилар кўжам». Анне, пайғамбаримиз алайҳиссалом буюк сабр ва шукур соҳибаси ўлмиш Румайсани жаннатда кўрганларини марҳамат қилганлар-а?

– Оре, рост, – деди Гулузор бегим бошини эгиб. – Сабр ниҳоясиз бир неъмат ўлур... Мен бийр режани ихтиёр эттим: бабанг Париж сафарини якунлаб, бағримиза қайтганлариндин сўнгра Тошкандаги аннанг ила бабангга даъват таклифи юборурмиз, иншааллох, лутфлари ила бизни сарфароз этажаклар. Уларнинг ташрифи Муштарийни ҳасрат пўртанасидин халос этгусидир. Ойижонинг, – Гулузор бегим бу лутфга урғу бериб, кулимсиради, – бунда эканлар, Аллоҳ беражак набира неъматидан биргаликда қувонажакмиз. Манзура бегим жўжукни йўргаклаб, адажонинг, – Гулузор бегим кулимсираганича Тошкент шевасидаги бу сўзга ҳам алоҳида урғу берди: – кулоғига азон айтурини Аллоҳдан сўраяпман.

Бу янгилик Чўлпонойни эзаётган маҳзунликни ҳайдаб, кўзларида қувонч чирокларини ёқди:

– Инша Аллоҳ! Инша Аллоҳ! – деди у онасини кучоқлаб. – Чўх гўзал ўлур, чўх гўзал!

Қувониш баробаринда қайнотасининг набира кулоғига азон айтиб қўйиши пуч умид экани уни афсус-

лантирди. Афсуси қайнотасининг бенамоз эканидагина эмас, балки бу ҳақиқатни онасига айта олмаслигида ҳам эди. Гулузор бегим набираси қулоғига қудасининг азон айтмоғини ният қилган экан, Аллоҳ бу ниятни қутлуг ва муборак этиб, ўзи берган набира неъматини шарофатидан унинг бобосига ҳам ҳидоят берса не ажаб?

Бу он Чўлпонойнинг қалбида шу умид туғилди.

## 2

Қайнонаасидан изн теккач, хонасига кирган Абдусамад кўлидагиларни стол устига ташлаб, ўзи ором-курсига чўкди. Ҳозир уни она-боланинг суҳбати кизиқтирмас, балки ўзини «Валерий» деб танитган малла йигитнинг гаплари хаёлини банд этган эди. Кутубхонадаги биринчи учрашувни тасодиф деб ўйлаган эди. Кейингилари... тасодиф эмас. Айниқса, бугунгиси... «Шу ердан ўтаётиб сизни кўрдим-у, тўхтатдим», дейиши ёлғон. Қарашида макр зоҳир бўлган бу йигитнинг мақсадига Абдусамад кейинроқ тушунди.

Тўй ва Тошкент сафари сабабли билим олишда доктор Худоёрнинг танбеҳига лойиқ даражада оқсаётган Абдусамад дарсдан кейин яна кутубхонага бормоқликни ихтиёр этган эди. Йўлда Валерийга дуч келиши режасини бузди.

– Ҳамшаҳар, ўзимизнинг тошканчасига бир чойхўрлик қилиб отамлашмаймизми? – деди Валерий.

Абдусамад учрашувдан хурсанд эмаслигини яширмай, қошларини чимирди. Ундан тезроқ қутулиш мақсадида: «Тошканча чойхўрлик Тошкентда бўлади, бу ерда Бавария пивосини ичиб отамлашадилар», – деб йўлида давом этди. Валерий гўё унинг истагини англамагандай эргашди:

– Бу ҳам яхши таклиф, – деди қувлик билан, – Бавария пивоси ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

– Мен таклиф этмадим. Пиво ҳам ичмайман.

– Биламан, сизларнинг «танимаганни сийламас», деган гапларинг бор. Лекин нотаниш одамга нисбатан уйғонган дастлабки нохушлик алдамчи бўлиши ҳам мумкин.

– Мен кутубхонага шошяпман, дарсларим кўп, – деди Абдусамад, энди узр оҳангида.

– Менинг дарсларим сизникидан ҳам кўп. Лекин кутубхонага бораверишдаги турк қаҳвахонасига кириб чиқсак, икковимизга ҳам фойдали бўлади, ишонинг.

– Фойда? – деб ажабланди Абдусамад.

– Ҳа, моддий эмас, икки илм одамининг суҳбатидан ҳосил бўладиган маърифий фойдани назарда тутяпман.

Бу гапдан кейин Абдусамад унинг таклифини қабул қилишга мажбур бўлди. Немислар одатига хос равишда соатига қараб олди-да, «майли, аммо ўттиз дақиқа вақт ажратаман», деб унга эргашди.

Ойнаванд қаҳвахонада одам сийрак эди. Валерийнинг таклифи билан улар дераза томондан эмас, йўғонлиги бир қулоч келадиган думалоқ устуннинг панасидаги столдан жой олишди. Хизматчи яқинлашиб, «хуш келдингиз, мухтарам афандим», деб лутф қилгач, Валерий мезбон мартабасини эгаллаб:

– Битта пиво ва битта қаҳва, – деб буюрди.

– Бизда пиво бўлмайди, афандим, – деди хизматчи узрли оҳангда.

– Қизик... кизик... бренди ҳам йўқдир?

– Афандим, бизда маст қилувчи ичимликларнинг ҳеч бири йўқ.

Абдусамад турк қаҳвахонаси йўл устида бўлгани учун шу ерга таклиф қилди, деб ўйлаган эди. Валерийнинг ичкарига кириб, бир назар ташлашдаёқ пана жойни танлаганидан бу ер унга яхши танишлигини сезди. Қаҳвахонада ичкилик ичилмаслигини билгани ҳолда буюртма бериши уни янада сергаклантирди.

– Мен нима дейишни билмай қолдим, сиз буюра қолинг, – деди Валерий.

– Пўртахўл шарбатидан иккимизга биттадан, – деди Абдусамад гапни қисқа қилиб.

– Пўртахўл... пўртахўл... – деди Валерий ниманидир эслашга ҳаракат қилгандай, – Ҳа, демак, апельсин. Гўё апельсин шарбатини ичгандай бўламиз. Ажабланыпсизми? Шарбат пўртахўлники эканига ишонасизми? Дунёда неча юз минг қаҳвахона бор? Уларда неча миллиард одам пўртахўл шарбатини ичиб ўтирибди? Миллион-миллион литр шарбат чиқариш учун неча миллиард тонна апельсин керак бўлади, ҳисоблаб кўрганмисиз?

– Бу мени қизиқтирмайди.

– Нега? Ошқозонингизни аямайсизми? Ахир бу «шарбат» деганингиз кимёвий моддалардан иборат эканини биласиз-ку?

– Мен шарбатхўр эмасман. Бўкиб ичганимда ошқозонимга жабр бўларди.

– Шарбатхўр эмассиз, пивоҳўр ҳам эмассиз, – деб кулди Валерий, – демак, фариштасиз!

– Илмий суҳбатингиз шуми? – деди Абдусамад энсаси қотганини яширмай.

– Одамларни алдаб, қонини кимёвий моддаларга тўйдиришнинг илмга даҳли йўқ, деб ҳисоблайсизми? Ҳа, майли, унда буни суҳбатимизнинг кириш қисми, деб кўя қоламиз. Сизни суҳбатга чорлашимнинг сабаби – бу ерда юрагим тарс ёриладиган даражада сиқилиб кетди. Аслида илмий ишимни ўзимизда қилаверсам ҳам бўларди. Оғир ионлар физикасини биз немислардан эмас, немислар биздан ўрганса, адолатлироқ иш қилинган бўларди. Мен Кембридж университетига боришни истаган эдим. У ердаги электронларни тезлаштириш лабораторияси бизникидан яхшироқ, ниманидир ўрганиш мумкин. Лекин Москвадаги амалпарастларнинг ҳисоботида «ёш физик олимлар малака ошириш учун Германияга юборилди», деган катакча бор. Биз ўша катакчаларни тўлдирувчи жонсиз тошчалармиз. Бир нарса билан сира-сира му-

роса қила олмайман: биз буларни урушда енгган эдик. Ер юзидан суриб ташлашимизга оз қолувди. Қирқ беш йил тарих учун бир зарра. Шу зарра оралиғида биз паст кетиб, улардан ўрганишимиз керакми?

Савол Абдусамадга берилган бўлса-да, Валерий шарбат келтириб қўйган хизматчига қаради. Абдусамаднинг шарбат ичгиси йўқ эди, шу сабабли ёқимсиз ҳамсухбатининг кўнгли учун бир хўплаб қўйди-да:

– Бу сизнинг дунёқарашингиз, мен бошқача фикр-даман, – деди. У гарчи кутилмаган суҳбат учун ярим соат вақт ажратган бўлса-да, Валерийнинг гапларидан безиб, тезроқ туриб кетишни истаётган эди.

– Тўғри, улар урушдан олдин биздан салгина олдинда эди. Масалан, аэродинамикада. Тарелка кўринишидаги учувчи жисмни бошқариш қийинлигини биздаги баъзи довдирлар ҳалигача тан олишни иташмаяпти. Гравитация нималигини билмайдиган олимлар қайси осмондан ёғилган, билмайман. Ҳа, айтмоқчи, урушдан олдин Германияда аэродинамика бўйича яширин ишлар олиб борилган, уруш пайтида ҳам тўхтамаган. Тадқиқотлар олиб борилган жойга «янги Берлин» деган ном берилгани маълум, Гитлернинг аҳволи танглашганда минглаб асирлар, олимлар қаергадир кўчирилган. Аниқроғи, улар изсиз йўқолган. Одамлар ҳам йўқ, тадқиқот натижалари ҳам йўқ. Нега шундай?

– Буни тарихчилардан сўранг.

– Улардан сўрашнинг фойдаси йўқ. Чунки тарих ўзгаради, тарихчиларнинг фикри ҳам ўзгаради. Лекин биз ўзгармаймиз...

Бу гапни эшитиб енгил сесканди. Бир неча ҳафта илгари Москвада профессор Зиновьев унга айнан шундай деган эди:

«Тарих ўзгаради, тарихчиларнинг фикри ҳам ўзгаради. Лекин улар ўзгарилмайди. Сен мен билан баҳслашмагин-у, агар чинакам олим бўламан десанг, сиёсатдан узоқроқ юр. Юртдошларингнинг давраси-



дан қоч. Ўқишни бил, бошқа ҳеч нарса билан ишинг бўлмасин...»

«Сиёсатдан узоқ юр, юртдошларинг даврасидан қоч», деб масалаҳат бериш осон. Сиёсатга ўзининг ҳам тоқати йўқ, қанча узоқлашса, ўзи шунча роҳатланади. Юртдошлар даврасидан узоқлашишга ҳаракат қилиши ҳам мумкин, лекин мана бу одамнинг шилқимлик билан ёпишиб олишидан қандай қутулсин? Абдусамад шарт ўрнидан туриб кета олмади, бундан фойдаланган Валерий гапини давом эттирди:

– Сиз бу ерга анча ўрганиб қолдингиз. Ҳатто иккинчи ватанингизга айланиб ҳам қолгандир?

– Ватан иккита бўлмайди.

– Олқишлайман, сизни, фақат олқишлайман. Лекин кишининг атрофида ватандошларининг кўплиги ҳам аҳамиятли. Германияда тўрт миллионнинг нариберисидан турклар яшайди, биларсиз?

– Мен турк эмасман. Германияда руслар, украинлар, белоруслар ҳам кўп.

– Ҳа кўп, лекин улар бизни одам ўрнида кўрмайдилар. Масалан, уларнинг ҳеч бири мени куёв қилмади, – Валерий шундай деб муғомбирона кулди. – Доктор Худоёрдай устозим ҳам йўқ. Профессор Строгановни эшитгандирсиз? Бултур физика соҳасида Нобель мукофотига қўйилган эди. Шу одам урушда онасига қўшиб бу мамлакатга ҳайдаб олиб келинган. Онаси немисларга чўрилик қилди. Ўзи бу мартабага эришди. Мен кўришмоқчи эдим, қабул қилмади. Менинг нима айбим бор? Урушни мен бошладимми? Отасини жангда мен ўлдирдимми? Онасини кулликка мен ҳайдадимми?

Абдусамад унга тикилиб, «нега норозиликларини менга дастурхон қилиб ёйяпти?» деган саволга жавоб излади. Кейин «мақсадсиз гаплар», деган тўхтама келиб, туришга чоғлангандай кимирлаб қўйди:

– Сухбатимизни яқунласак ҳам бўлар, мен шошяпман, – деди соатига қараб олиб.

Валерий ҳам соатига қаради:

– Ярим соатга ваъдалашганмиз, – деди айёрона кўз қисиб. – Мен доктор Худоёрнинг ишлари билан танишиб чиқдим, устоз масаласида Худо омадингизни берибди.

– Доктор Худоёр – биофизик, англашимча, сиз ядро физикасига яқинсиз, устознинг ишлари нимага керак бўлиб қолди? – деб сўради Абдусамад сергаккланиб.

– Тўғриси айтишимиз? – Валерийнинг қараши кескин ўзгарди, кўзларидаги қувлик ўрнига зулм учкунлари эгаллади, энди у ўзининг асл қиёфасига кирган эди. – Доктор Худоёрнинг ишлари нейтрон бомбага алоқадор, деб ўйлабман.

– Хўш, аниқладингизми, алоқадор эканми?

– Буни кутубхонада ўтириб аниқлаб бўлар эканми?

– Унда нима учун китоб титдингиз?

– Менга қизиқувчанлик касали ёпишиб қолган, шундан ҳеч қутула олмаяпман. Яқинда сиз Штатдан келган профессор Яқвалхўжа билан учрашибсиз, жуда омадли одамсиз-да!

– Омадим нимадан иборат экан? – деди Абдусамад, асабийлаша бошлаганининг ишораси сифатида қошларини чимириб.

Ҳамсухбатида асабийлик аломатининг пайдо бўлиши Валерийни қувонтирди.

– Худди билмагандай гапирасиз: агар Штатда ўнта улуғ физик бўлса, биттаси ватандошингиз доктор Яқвалхўжа, иккита бўлса, биттаси шу одам. У билан яқин танишлигининг ўзи бир бахт.

– Мен у одам билан таниш эмасман.

– Камтарлик қилманг... Бундай одамлар билан танишиш менинг орзум. Орзуимни амалга оширишга ёрдам бера олмайсизми? Ўзбек бўлмасам ҳам, ҳамшаҳарлик ҳурматим бордир? Мен у зотнинг бошини кўп қотирмайман. Оғир ионларни тезлаштиришга доир бир-икки масалани сўрайман ҳалос. Агар саво-

лим ҳарбий ёки давлат сирига алоқадор бўлса, жавоб бермасалар ҳам майли...

Абдусамадга энди унинг мақсади очикроқ аён бўлган эди. Бу ердан тезроқ кетишни истаб, ўрнидан турди:

– Мен у одамни бир марта кўрганман, салом-алигим йўқ.

– Лекин қайнотангиз билан алоқаси яхши. Қайнотангиз Париждан қайтганларидан кейин уларни бир финжон қахвага таклиф этмокчиман, – деди Валерий унга эргашиб.

– Қахва ичгани Америкадан келиб-кетадими? – деди Абдусамад кўпол оҳангда.

– Бу мухтарам зот ҳозир шу ерда. Мюнхендан юз чақиримча нарида сиз билан мен яқинлаша олмайдиган бир илмий даргоҳ бор. Қайнотангизнинг биргина кўнғироқлари кифоя...

– Хайр, илмий суҳбатимиз унча қовушмади.

Абдусамад шундай деб кўча томон шошилди.

– Ўйлаб кўринг, менинг илтимосимни ерда қолдирганлар кейин афсусланаб юришган.

Абдусамад профессор Зиновьевнинг бекорга огоҳлантирмаганини энди англади. Валерийнинг кейинги гапи таҳдид оҳангида эди. Ҳамонки, таҳдид қилишдан қайтмадими, энди ундан қутулишнинг иложи йўқ...

Уйга қайтиб, ёлғиз ўтирган Абдусамад малла йигитнинг ҳар бир гапини қайта-қайта эслаб, таҳлил қилиб, хулоса чиқара бошлади. Унинг кимлиги маълум, мақсади ҳам аниқ...

«Ғарбий Германия Совет учун душман эди, эшиклар тақа-тақ берк эди. Муносабатларни юмшатишдан сабаб ўз одамларини кўпроқ ишга солишмиди? Бизнинг бу ёққа келишимизга ҳам жиддий тўсиқ бўлмовди. Шу мақсад билан йўлимизни очишганмиди? Энди жосуслик қилишим керакми?»

Абдусамад боши узра янги бало булутлари тўп-

ланаётганини сезиб, нима қиларини билмай, гангиб қолди. Москвадаги устози: «Энди бир нарсани миянгга куйиб ол: биология билан физика бир нуктада бирлашиши мумкин, аммо илм билан сиёсат бир қозонда қайнай олмайди, тушундингми?» – деб таъкидлаган эди. Тушунишга-ку, тушунади. Сиёсат қозонида қайнатиб, куйдиришни истайдиган кучлар бор бўлса, у нима қилсин? Куйиб, ўлишдан бошқа чорани кўрмаяпти-ку?..

Эртасига кутубхонага боргиси келмади, малла йигитга дуч келишдан чўчиди. Индинига ҳам бормади. Кейинги куни уни доктор Худоёр йўқлади. Кайфияти яхши бўлса, доктор Худоёр кулимсираб: «қани, биофизика гулшанинда қандай чечакни кашф этдинг?» деб кутиб оларди. Бу сафар кўнгли ғаш бўлгани учун шогирдини ўйчан қиёфада қарши олди. Рўпарасига ўтирган йигитга савол назари билан тикилди-да:

– Кимлар ила шарбатхўрлик қилиб юурсан, билюрмисан? – деб сўради. Бу саволни эшитиб гангиб қолган Абдусамад жавоб беришга улгурмай, яна сўради:

– «Аифклерунгс» деган идорани билюрмисан?

Абдусамад ўзини нотаниш қопқонга тушиб қолгандай хис этиб, жавоб бериш ўрнига устозига «мени кутқаринг», дегандай нажот назари билан қаради.

## ХИ 6 0 6

### 1

Асадбек янги қанотларининг дастлабки парвози ҳақидаги қисқа баённи Жамшиддан эшитиб, ўйланиб қолди. Бир вақтлар жавлон урган олаmidан у анча узоқлашган, баъзи-баъзида қозиликка доир муаммо туғилса, Ҳайдарнинг зиммасига юклаб кўярди. Ҳозир

Жамшиддан эшитганлари энсасини қотириб, пешона-сини тириштирди.

– Жуда-а майдалашиб кетишибди-ку, – деди у афсусли оҳангда.

Жамшид буни йигитларига берилган баҳо деб ўйлаб, ёнларини олмоқчи бўлди:

– Менам шунақа дедим. Тарзанни анча уришдим...

– Думбулвойларингни айтмаяпман. Йигитларинг гўрликка гўр. Уларинг одам бўлгунича анча қовун пишиғи бор. Ҳозирги киморбозлар майдалашиб кетишибди, шунга ғашим келди. Тикадигани беш-ўн сўм пул-у дабдабаси оламини бузади. Керилишидан ит хуркади-ю, лекин зўрлиги кўринмайди. Калҳожининг қилиғини Ҳайдар аканг билмаган эканми?

– Эшитмагандирлар?

– Бу тахмининг тўғри, Ҳайдар эшитиб қолганида буларинг оналарини кўрарди. Эҳтимол Маҳмуд аканг билгандир, нима дейсан?

– Балки...

– «Балки» эмас, аниқ! Эшитган-у, «битта ўлик етарли», деб босди-босди қилган, тўғрими? Яна нима демоқчисан?

– Калҳож келибди, сизга арзи бор шекилли?

– Шунақа дегин... – Асадбек Жамшидга синовчан тикилди: – Арзини эштайми?

– Эшитсангиз, талтайиб, эртага чориғи билан тўрға чиқиб ўтирадиган бўлиб қолади.

– Шунақамикин? – хожасининг овозидаги киноя оҳанги Жамшиднинг бошини эгди. – Балки Тарзан ошириб юборгандир, узр сўрашим керакдир? – Жамшид бошини ҳам қилганича тек тураверди. Мутеларининг айбдор ҳолатини ҳуш кўрувчи хожа эса энди ғазабли оҳангга кўчди: – Ўзинг ҳам гўрлик қиялсан, бола! Ҳайдар аканг бунақалар шаҳарда кўриниши билан келган жойига кирғизворарди, менинг бошимни қотирмасди.

– Сурга айтаман...

– Сен бундай қил: умид билан келибдими, Ҳайдар акагнинг қозихонасига борсин. Қозихонада... майли, Сур билан отамлашсин. Сурга тайинла, ўлдирмасин. Лекин шундай қилсинки, менинг одамларимдан шикоят қилиш бошқа бирон бир калланинг тушига ҳам кирмасин.

Жамшид «вазифани англадим», деган маънода кўлини кўксига қўйди, аммо жойидан жилмади. Асадбек унинг яна гапи борлигини фаҳмлаб, «Яна дардинг борми?» деб сўради.

– Жамолбек акани шу ерга олиб келайми, ўзингиз гаплашасизми?

Асадбек аъёнига савол назари билан тикилди. Жамшид «яна қовун туширдим шекилли», деган ҳадиқда нигоҳини олиб қочди. Тарзан қиморда ютқизилган болаларнинг изи топилганини айтиб, Жамолбекнинг номини тилга олганда «Ҳозирча унга яқинлашмай турларинг, Бек акамнинг олдиларидан ўтайлик», деган эди. Жамолбек етти иқлимга машҳур қиморбоз бўлмасида, катта-кичик давраларда эсланиб туриларди. Жамшид уни кўрмаган, лекин Ҳайдар акаси билан Маҳмуд акасининг суҳбатларида бир неча марта унинг номини эшитганди. Айниқса, Садир қиморбоз изсиз йўқолган кезлари Ҳайдар акасининг «Жамол сичқоннинг инини ижарага олиб, тухум босиб ётибди», дегани ёдида. Акалари яхши билган қиморбозга хожасининг муносабати қандай экан, буниси Жамшидга қоронғи эди. Шу боис, йигитларни тўхтатиб, саволни ҳам эҳтиётлик билан берганди.

– «Жамолбек» дегин? У тўққиз қайтган энди «бек» бўлиб қолибдими? Ваъдасида турмайдиган тутуруқсиз бўлгани учун ҳамма уни «тўққиз қайтган», деб, одам ўрнида кўрмасди. Бир ошнам пайтавасини унинг бошига дурра қилиб ўраб, «Тановор»га ўйнатган эди. Шу хотинчалишни сен «бек ака» дединг-а?

Бу воқеалардан беҳабар Жамшид энди нима де-

син? Бошини эгиб тураверди. Ҳамонки, эгилган бош-ни қилич кесмас экан, Асадбек ҳам унга раҳм қилди:

– Ҳайдар акангнинг ўрни билиняпти, – деб сукут қилди. Жамшид бу гап шунчаки тасодиф билан так-рорландими ё унинг замирида армон бормиди, ан-глай олмади. Асадбек эса давом этди: – Беклик қанақа бўлишини кўрсатиб қўйиш керак. Ўлдиришмасин-у, тавбасига таянтиришсин.

Бу гапдан кейин Жамшид хожасига савол назари билан қаради.

– Гапимга тушунмадингми? – деди Асадбек бу қарашнинг маъносини англаб.

– Тушундим-у... фақат...

– Ланжлик қилма, хотинчалишлик сенга яраш-майди.

– «Ўлдирмасин», дедингиз... Улар шу пайтгача та-лашган, алдашган, уриб-тепишган-у, ўлдиришмаган. Бу томондан кўнглингиз тўқ бўлсин.

– Ўзингнинг кўнглинг тўқми?

– Ҳар ҳолда... шунақа гап очганимда Тарзан «одам-нинг қонидан ҳазар қиламан», деганди. Мен унга ишо-наман.

– Одамнинг қонидан ҳамма ҳазар қилади, – деди Асадбек ўйчан. – Ҳайдар аканг ҳам ҳазар қиларди. Ўз қўли билан бировни ўлдирмаган... Лекин баъзи би-ровлар Азроилни кўрса кўрқмасди-ю, Ҳайдар акангга рўпара келса, жони чиқиб кета қоларди. Шу пайтгача бу думбулвойларинг қондан ҳазар қилган бўлса, энди ўзини кўрсатиш учун бир-икки каллани узиб ташлаш-дан тоймайди. Агар шуни ҳисобга олмасак, иккаламиз ҳам қамокда чириб кетамиз. Сен бундай қиласан: Сур қиморга уста, деганмидинг?

– Ҳа... бозорда бир машина картошканинг пулини ярим соатда шилиб олганини кўрувдим.

– Тўққиз қайтганнинг даъвоси осмонда бўлгани билан уста қиморбознинг тупугини ялашдан бошқага ярамайди. Лекин шу туришида ҳам бозордаги лакма-

лардан дурустроқ эканини ҳисобдан чиқарма. Болалар масаласида сиқувга олишдан аввал, қўлидан келса, Сур уни қиморда бир эзиб қўйсин. Чоғи келмаса, ўйинни чўзмасин. Сен менга Жамолни эслатмадинг, мен уни танимайман, тушундингми?

Жамшид бу амрни Тарзанга етказганида Ахтам зиммасига ёқимли вазифа юкланганини билиб, мамнунлик билан тиржайди. Айниқса, Жамолбекнинг бошига бир пайтлар пайтава ўралганини эшитганида роҳатланиб кулди.

Ўша куни сўраб-суриштириб, Сайрамда катта ўйинга тадорик борлигини аниқлашди.

– Радиони эшитиб туринг: «Сайрамга чоригини судраб борган Ахтам уйига «Ахтам бой» бўлиб қайтди», деган хабарни эшитсангиз, юрагингиз ёрилиб кетмасин, – деди у.

– Катта кетма. Жамолбек аканг картошка бозорида сенга лаққа тушадиган овсарлардан эмас, бунақа ишларнинг пири бўлиб кетган, ўрисча қилиб айтганда, «қиморбозликда кўп итларнинг гўштини еб юборган».

– Бунақа гапни эшитганман, «кўп итларнинг гўштини еб», керилган қиморбоз охирида итдай хор бўлишини билмайсизми?

– Ёнларингга яна уч-тўрт одам олларинг. Ўйин катта бўлса, кўнга кўп жонлар ҳам тикилиши мумкин.

– Керак эмас...

– Керак! – Жамшид худди хожаси каби қатъий тарзда унинг гапини узди. – Маҳмаданалик қилма! Ўйин пайтида ҳам, кейин ҳам гапни чувалаштирма. Бек акамнинг номларини тилга ҳам олма, яқинлигингни биров била кўрмасин.

Бўлажак ишнинг хатарини Тарзан англаб, «чизган чизиғингиздан чикмаймиз», дегандек қўлини кўксига қўйди. «Бу дунёда беҳатар иш йўқ», деб ҳисобловчи Сур эса, шеригининг хавотирини «нозик-ниҳол ипак йигитнинг навбатдаги кўрқоклиги», сифатида баҳолади.



Сайрамда катта ўйин бўлишидан милиция хабар топгани учун киморхонани Ўтрор томонга кўчиришга тўғри келди. Чала қурилиб ташлаб қўйилган беш қаватли иморатнинг ертўласи шоҳона безатилмаса-да, киморга мослаб жиҳозланди. Катта шаҳарлардан кутилаётган киморбозлардан дарак бўлавермагач, ўйинни кичикроқ даврада бошлайверишга қарор қилиниши Тарзан билан Ахтамнинг даврага қўшилишларини осонлаштирди. Аввалига бу икки нотаниш келгиндини яқинлаштиришни исташмади. «Жамолбек акамизга қуюқ саломимиз бор», дейишгач, ичкарига хабар қилишиб, ижозат текканидан сўнг омонат қурилган эшикдан қўйишди. Даврада ҳал қилувчи сўзни айта олиш ҳуқуқига эга Жамолбек бу овлоқни излаб топиб келган икки йигитга шубҳа билан қаради.

– «Садирнинг жиянимиз», дебсанларми? – деб сўради у.

– Ҳам жияни, ҳам шогирдимиз, – деб аниқлик киритди Тарзан.

– Қизиқ... бунақа кетворган жиянлари борлигини билмаган эканман? – деди Жамолбек улардан кўз узмай. Бу қарашдаги «мени лақиллатмоқчимисанлар?» деган маънони уққан Тарзан пинагини бузмай, ҳазил оҳангида жавоб берди:

– Катта буваимизнинг ўн тўртта хотинлари бўлган экан. Садир тоғамизнинг адалари еттинчи хотиндан, бизнинг адаларимиз ўн тўрттинчисидан туғилган экан. Биз супрақоқдимиз. Садир тоғамизга жиянлигимизни кўчалари аспал бўлганидан кейин билиб қолдик.

Садир қоморбоз кўчасига кўмилиб, усти асфальт-ланиб ташлаганини даврадагиларнинг кўпи билмагани сабабли бу гапга эътибор беришмади. Жамолбекнинг эса эти бир жимирласа-да, сир бой бермай, оҳангини ўзгартирмади:

- Садир хотин зотига ўч эди, бобосининг қонидан ўтган экан-да?
- Қиморбозлик ҳам ўтган. Катта бувамиз Тошканда ошиқ тепсалар, Бухоронинг миноралари зириллаб турар экан.
- Қара-я!.. Сенлар ҳам ошиқ тепасанларми? Агар шунақа бўлса, бу ерга келиб, адашибсанлар, ошиқ тепадиган жой бошқа.
- Адашмадик. Биз картада ташлашамиз. Хоҳласангиз проферанс, истасангиз покер ҳам ўйнайверамиз.
- «Покер», дегин? Садир покер-мокерингни билмасди.
- Тўғри, билмасдилар. Акам, – Тарзан шундай деб Ахтам томонга қараб қўйди, – Магадандаги курортга борганида америкалик билан бирга бўлиб қолибди. Америкаликка ошиқ тепишни кўрсатган экан, у акамга покерни ўргатибди. Халқаро тажриба алмашинув шунақа бўлади-да. Ҳозир Лос-Анжелесдаги казиноларда махсус ошиқтепар бўлимлар очилибди. Уч ҳафтадан кейин ўша ерда байналхалқ ўйин бўлади. Борай десак, йўлкира чакяпти. Бугун йўлқирани шу ерда ишлаб топмоқчимиз.
- Бу даъвони эшитган киморбозлар бир-бирларига маънодор қараб олишди.
- Биз билан ташлашиб, йўлкира топмоқчимисанлар? – деди улардан бири ўрнидан туриб. – Белларинг чидайдими, чоғларинг келадими?
- Кучаниб, чатанокларинг йирилиб кетмайдими? – деди иккинчиси заҳархандалик билан.
- Қани, чўнтакларингни кавлаб кўрларинг-чи? – деди Жамолбек, уларни қувватлаб.
- Чатанокларимиз бакуват, хотиржам бўлинглар, – Тарзан шундай деб, Ахтамга қаради. У эса хотиржам равишда чўнтагидан битта ўн сўмлик чиқариб, стол устига қўйди.

– Шунинг ўзими? – деди Жамолбек, кейин пичинг қилди: – Икки кишига кўплик қилмайдами?

– Бошлаб олишга кўплик қилади, – деди Ахтам унга ўткир нигоҳини қадаб. – Бу иккиқат пул, ўйин бошланиши билан туғишни бошлайди. Итдан ҳам кўп болалайди. Кейин... мен ўйнайман, укахоним, пул тахлаб ўтиради. Унинг бармоқчалари пул санашга мосланган.

Чақирилмаган йигитларнинг сурбетликлари ўтирганларнинг ғазабини кўзғатиб, уларни тепа-тепа кўчага суриб чиқаргилари келди. Лекин Жамолбекнинг хотиржамлиги уларни бу ҳаракатдан тўхтатиб турди. Жамолбек бармоқларини қисирлатиб, бир оз ўйланди. Бурама гапларга ўралган маъноларни тушунишга уринди. Йигитларнинг аниқ мақсадларини англай олмаса ҳам, уларни тепиб чиқаришга шошилмади. Ўйинга қўйишга қарор қилди:

– Ўтир, – деди Ахтамга рўпарасидаги бўш жойни кўрсатиб. – Пулнинг иккиқатлигини энди эшитишим. Агар шу рост бўлса, туғиш пайтида ўлиб қоладиганлари ҳам бор. Демак, шу иккиқат ўн сўмингга ишониб, биз билан покер ўйнамоқчимисан?

Ахтам жавоб беришга улгурмай, Жамолбекнинг ёнида ўтирган одам тўнғиллаб, гапга аралашди:

– Покер-мокерларингни йўқот. Ўзимизнинг билганимиздан қолмайлик. Покер ўйнагиси келаётган бўлса, Америкасига борадими ё ундан наригами, бора-версин.

– Узоққа бориб нима қилади? – деди яна бири. – Ана, Саригочда казино очишибди, беш-олтита думи кесилганлар покер сураётганмиш.

– Халқ кўнмаётибди-ку, нима қиламиз? – деди Жамолбек яна пичинг билан.

– Халқ нима деса шу-да! – деди Ахтам ҳам шундай оҳангда. – Устасига фарқи йўқ, қўлимга карта тушса бўлди, суравераман.

– Бунақа мард киморбозни анчадан бери кўрмаган

эдим, – деди Жамолбек. – Мардлик қилиб келибди, биз ҳам тангилик қилайлик. Иккиқат пулини бир қўлда ютқизиб, шумшайиб кетмасин, кўнни катта қилмаймиз, эллик тийиндан тикамиз.

– Чақани қаердан оламиз, бир сўмдан бўлаверсин, – деди Ахтамнинг ёнида ўтирган қиморбоз. – Укахон, бир сўм оғирлик қилмайдими?

Қиморбозлар бир-бирларига маънодор қараб, жилмайганларича ўртага бир сўмдан ташладилар. Ахтам нодон, анқовлардан эмас, уларнинг масхара қилмоқчи бўлганларини англаб, мийиғида кулиб қўйди. Тарзан даврандан чекиниб, деворга суяниб турди.

– Нега четлашдинг? – деди Жамолбек. – Иккиқат пулларинг тукқан болаларини санаб олмайсанми?

Бу гапдан кулган қиморбозлардан бири пичингни давом эттирди:

– «Туғолмай ўлган иккиқат пулга жаноза ўқимайсанми?» денг...

Захарли бу ҳазиллардан ғашлари келса-да, икковлари ҳам жилмайиб қўйиш билан тийилдилар. Ахтам уч гал кетма-кет ютқизди. Қиморбозлар уни очикчасига калака қилаверишгач, у ҳунарини ишга солди. Оқибатда, ўз таъбири билан айтганда, «иккиқат пули туға бошлади». Даврадагиларнинг чеҳралари жиддийлашиб, масхарани бас қилдилар. Кўп ўтмай, очикчасига ғазаблана бошладилар. Борини ютқизган одам Ахтамни ғирромда айблаганда Жамолбек ўртага тушиб, «исботинг бўлмаса, гапирма», деб уни қайириб ташлади. Шундай айблов бўлишини сезгани учун Ахтам енгларини шимариб ўйнарди. Енгига карта яширмаса, ўзи билан карта олиб келмаган бўлса, бегона жойда шунақа кўп ютиш мумкин эканми – ўтирганлар шунга ҳайрон эдилар. Жамолбек унинг ҳаракатларини синчиклаб кузатиб, ғайри оддий бирон нарсани сезмагач, маҳоратига тан берди-ю, бу йигитнинг шунчаки пул ютиш мақсадида келмаганини фаҳмлаб, эҳтиётлик билан ўйинни давом эттирди. Пулларини ютқизганлар

бир-бир ўйиндан чиқавердилар. Шунда Жамолбек йигитнинг битта мақсадини сезди: «Охирида мен билан бирга-бир ташлашмоқчи, бор-йўғимни шилиб олмоқчи, демак, мени атай қидириб келган... Нега?»

Ана шу «нега?»га жавоб тополмай ичи куйди. Даврада уч киши қолишганда Ахтам ҳаддидан ошди: бўлар-бўлмас гаплари билан Жамолбекнинг жиғига тегаверди. Айниқса, ютилган пулларни ўзи томон сураётганда «Афандининг гапи тўғри, бу дунёда ҳамма ўғри», деб хиргойи қилавериши тоқат жомини тўлдириб, тошириб юборди. Ёнидаги пулнинг ярмидан кўпини ютқизган Жамолбекни ғазаб ўти ўз бағрига олди. Бутун жону жаҳонини тикиб бўлса ҳам бу сурбет боланинг абжағини чиқариб ташлашдан ўзга нарсани ўйламади. Маҳоратда оқсаса-да, тажрибаси кўп бўлган бу қиморбоз керакли чегарада ўзини тўхтатиб қолиши лозимлигини унутди. Учинчи қиморбоз «йўлкирага етарли пулим қолди», деб ўйиндан чиққанда Тарзаннинг бирдан ғойиб бўлиб қолганини Жамолбек сезмади. Ташқарига чиққан Тарзан ҳаялламади. Унинг изидан хонага кўзлари чақчайган икки бакуват йигит кириб келгач, ютқизиқ аламини тотиб ўтирганлар қиморхона устида зулм булуту тўпланаётганини англаб, секин-секин чиқиб кетдилар. Охирги пулини ўртага ташлагандан кейингина Жамолбек атрофга қаради: қиморбозлар йўқ, ўзи билан келган ҳимоячи йигитлари ҳам кўринмади. Хонада Тарзан билан икки нотаниш йигит кўзарини чақчайтириб унга тикилиб туришибди. «Йигитларим қани?» деб сўрамади, «буларнинг шум нияти борлигини сезган эдим, нега арқонни узун ташладим?» деб ўзини лаънатлади. Бўлар иш бўлган, энди Худога нола қилишининг фойдаси йўқлигини билиб, «шартингни айт», деб Ахтамга қаради. Ахтам «пачағингни чиқариб ташладим-ку!» дегандек тиржайди.

– Уч қўл ташлаймиз, шу пулларингга уйимни тикаман, – деди Жамолбек алам билан.

– Тўғри қиласиз, уй топилади, обрў топилмайди. «Бир Мурда келиб, Бекнинг иштонигача ютиб олибди», деган иснод ёмон.

– «Мурда» дедингми?

– Ҳа, Магаданда менга шунақа от беришган. Сал хунукроғ-у, аммо ўзимга мойдек ёқади.

«Сени шу ерда тобутга тиқиб, исмингни жисминга мос қилиб қўйишим керак», деган ният хаёлини ёритди-ю, аммо тилига чиқармади. Ҳимоячи йигитлари шу хонада шай турганида ҳам, дилидагини айтишга журъат этарди. Ҳозир эса... орзу бор, унинг амалга ошуви эса мубҳам.

Ахтам тантилиқ қилиб, уч мартасида ҳам карта сузиб, тарқатиш ҳуқуқини Жамолбекка инъом этди. Йиллар давомида қад ростлаган данғиллама уй олти дақиқада Ахтам ихтиёрига ўтди. Жамолбек бошини эгди-ю жим қолди. Ғазабдан бағри ёнаётганини тез-тез нафас олиши ошқор этди. У уятдан эгмади бошини, нафрат ва алам юқини кўтара олмади.

– Дастурхонни йиғаверамизми, яна кўз ёшидан ивиб кетмасин, – деди Ахтам захархандалик билан.

Кейинги гап Жамолбекнинг танасига қиличдек урилиб, қоқ иккига ажратиб ташлагандай бўлди.

– Ўзингдан кетма, бола, ўйин ҳали тугагани йўқ... – деди Жамолбек ҳансираб.

– Ким ўйин тугади, деяпти? Энди қизияпти-ку? Нимани тикасиз, акахон? Фақат... илтимос, хотинингизни тикманг, «Мурда бир туршак кампирни ютиб олибди», деган гапдан ор қиламан. Майли, ўйлаб олинг. Қарзга ўйнамайман. Балки... невараларингизни тикарсиз, ёмон таклиф эмас, а?

Қилич захмидан азоб чекаётган вужуд энди қиймаланди, бу ҳам етмагандай ўтга ташланди...

Жамолбекнинг кўз олди қоронғилашди. Хира парда ортида фақат стол устидаги қизил гулли чойнак кўринди. Уни отиб сурбет йигитнинг бошини ёрмоқчи бўлди. Аламзада қиморбознинг бу ҳаракатини ол-

диндан билгандай, йигитлардан бири сапчиб, унинг кўлларини қайирди.

– Ҳа, нима бўлди, акахон? Тумруғингни чаён чақдими? Невараларингни тиксанг ўйнайман, бошқасига кўнмайман. Тикасанми?

Кўлларини бураётган бакуват йигитнинг чангалидан чиқиш умидини узган Жамолбек гап оҳанги ўзгариб, сенсирашга ўтилгач, типирчилашни бас қилиб, ҳансираганича «Йўк», деди. Кейин жон бераётган одамнинг тушқун овозида кўшиб кўйди: «Бўлди, ўйин тамом...»

– Ўйиннинг қачон тамом бўлишини мен айтаман. Сен шу туришингда невараларингни кўнга тикдинг. Иккитамиди неваранг? Аслида менга учтаси керак. Майли, укангнинг битта неварасини ҳам кўшамиз. Ўйин кетди!

– Бўлди қил! Сен мени билмайдиганга ўхшайсан. Сен ўзингга ўзинг гўр қазияпсан!

– Адашдинг, сен галварс! Шу келишимда сенга гўр қаздириб кўйганман. Невараларингни ютиб олганимдан кейин олиб бораман, охириги масканингга. Садир тоғам «ошнамни юборларинг, аспалнинг тагида ётавериб зерикиб кетдим», деганиди. Ўйин кетди, учта одам гувоҳ. Кўзингни катта очиб, қараб тур, уч кўл ташлайман.

Набираларни ютиб олиш икки дақиқага бормади.

– Ҳайвон экансан, сен бола! – деди Жамолбек тишларини ғижирлатиб.

– Ҳайвонликни сендан ўрганган бўлсам-чи? Сен учта етимни чириллатиб олиб кетаётганингда одаммидинг?

Жамолбек бошини кўтариб аввал Ахтамга, сўнг Тарзанга қаради, бу йигитларнинг асл мақсадлари энди унга аён бўлган эди.

– Икки йиллик гапни кавлаштириб келдиларингми?

– Икки йилда эсдан чиқиб кетади, деб ўйловдингми? Бунақа ҳайвонлик икки юз йилда ҳам унутилмайди.

– Мен ҳаппа-ю ҳалол ютиб олганман, сенларни ким юборди?

– Қанақасига ютиб олганингни билмайман, лекин отаси ўлиб, онаси қамалган болларни олиб кетишга ҳақкинг йўқ эди.

– Ўзинг кимсан-ки, бунақасига ажрим қиласан?

– Кимлигимни айтдим-ку? Мен – мурдаман, ухахонимнинг оти – Азроил. Шунақасини эшитганмисан?

– Ким юборди, сенларни?

– Меровмисан? Садир тоғам юборди, дедим-ку? Ёнларига бугун борасанми ё уч-тўрт кун кутайми? Сен менга бунақа олайиб карама. Мен инсофли мурдаман. Ўликлар орасида мендақаси йўқ. Агар хоҳласанг, келишамиз: невараларингнинг ўрнига ўша болаларни бера қол.

– Қаердан оламан уларни?

– Бу нима деганинг? Қани улар? Ўлдириб юбордингми? Гўштлиридан мастава қайнатиб ичдингми?

– Тилингни тий! Орқангда ким турганини билиб турибман. Сен унга ишониб, катта кетаверма. Сен яқинда пайдо бўлган боласан. Мен вақтида аяхонимнинг хизматларини қилганман. Агар қилиқларингни эшитиб қолса, терингни шилиб олади.

– Ким экан у, айт-чи?

– Ўзинг биласан.

– Билмайман, билишни истамайман. Мен ўзимга хон, ўзимга бекман. Хўш, болларни неча кунда топиб берасан?

– Билмайман, уларни кўрмаганимга бир ярим йилдан ошди.

– Қачон кўрганинг билан ишим йўқ, улар қаерда?

– Билмайман... мен уларни ютқизиб қўйганман.

– Кимга?

– Билмайман... узоқдан келган экан.



– Сен бўласан-у, ким билан ўйнаганингни билмайсанми?

– Ҳа, билмайман...

– Ёшлигингда бир одам бошингга пайтавасини ўраб, ўйнатган экан, эсингдами?

Нега эсламасин? Ютқизиқлар, хорлиқлар, хўрлиқлар унутилмайди. Кишини гўрга қадар кузатиб боради. Лекин...

«Бу сурбет ўша хорлиқни нега эслатяпти? Буни кам одам биларди. Билганларнинг кўпи ўлиб ҳам кетди. Тириқлардан бири Асадбек ака, иккинчиси Ҳайдар ака эди... Наҳотки, улар шу мишиқига гапириб беришган? Агар гуноҳим жиддий бўлса, Ҳайдар ака козихонага чақириб танобимни тортиб кўярди. Буларни нега юборди?»

Мушоҳада қилиб, саволларга бамаъни жавоб топишга Жамолбекнинг фурсати йўқ эди. Пайтава воқеасини эслаб олиши учун Ахтам унга бир неча нафас фурсатни инъом қилиб, гапини давом эттирди:

– Мен бошингга пайтава ўраб ўтирмайман. Кафанга тикиб кўя қоламан. Йўқ... сенга бу ҳам ҳайф, – шундай деб Тарзанга қаради: – Азроил, нима дединг, кафанга ўрашга арзийдими бу хунаса? – Тарзанга шеригининг қилиқлари маъқул келиб, жилмайиб кўйди. – Ана, Азроил куляпти, демак, Садир тоғамнинг олдига шипшийдам бўлиб бораркансан. Қани, тур!

Қимирлашга Жамолбекнинг ҳоли қолмаган эди. Кўлини бураб турган йигит туртиб турғизди-да, эшик сари судради. Унга иккинчи йигит ёрдам берди. Ташқарига чиқишгач, Жамолбек бошини кўтариб, атрофга нажот билан олазарак қаради. Тонг коронғулигида зоғ кўринмади. Уни туртиб, анча ерга-ча қарийб судраб бордилар. Бу томонга келишаётганда чўмичи синган экскаватор пойидаги чуқур ўрани кўриб, Ахтам ниятини шу ерда амалга оширишни мўлжаллаб кўйган эди. Жамолбекни шу ўра лабига олиб келдилар.

– Қара, думларинг шу ерда, – деди Ахтам.

Жамолбек ботаётган ой ёруғида икки одам қорасини кўрди.

– Болаларни сендан ютиб кетган шоввоз ким эди, айт!

Ахтам шундай деб ўдағайлаб, уни қаттиқ туртди. Агар қўлини қайириб турган йигит бўлмаганида у пастга учиб тушарди. Бу туртки кафансиз кетишига яқин қолганидан хабар бергандай туюлиб, нафаси қайтди. Иккинчи турткида шошиб-шошиб тилга кирди. Керакли маълумотларни билиб олгач, Ахтам йигитга «қўйиб юборавер», деган маънода имлади. Қўли бўшаб, «кутулдим», деб қаддини ростлаши билан Жамолбек орқасидан тепки еб, ўрага учиб тушди.

– Тракторчига айт, тупрокни сураверсин, дунёда учта хунаса камайди, – деди Ахтам овозини баландлатиб.

Атрофда трактор ҳам, тракторчи ҳам йўқ эди. Бундан беҳабар чорасизлар талвасага тушиб, Ахтам билан Тарзанга кўнгил роҳатини бахш этишди.

### 3

Янги кўшқанотларининг қилиқларини Жамшиддан эшитган Асадбек мийиғида кулиб қўйди.

– Агар Ҳайдар аканг тирилиб келса, Сурга шогирд тушса бўларкан. Ўйинини жуда-а мақтаб юбординг, агар қиморни ташламаганимда бурнини ерга ишқаб, адабини бериб қўйган бўлардим-а! Тўққиз қайтганни ютиш иш эканми? Агар тўққиз қайтган ўша давранинг зўри бўлса, қолганларининг аҳволи маълум.

Асадбек шундай дея туриб Жамшид узатган қоғозга кўз югуртирди-да «Томскка боғлан, Балабухани топ», деб буюрди. Икки соатдан сўнг Балабуха ўз уйида телефон гўшагини кўтарди. Асадбекнинг илтимосини эшитиб, ўйланди:

– Арсен, лақаби «учувчи», Воронежда яшаши аниқми? – деб қайта сўради.

– Аниқ бўлса керак? – Асадбек шундай деб савол назари билан Жамшидга қаради.

– Бунақасини эшитмаган эканман, – деди Балабуха мужмал оҳангда.

– Балки янги олифталардандир?

– Янги олифталар бола еталаб юришмайди. Ўша ернинг ўзида пулга алмаштиришади. Майли, мен суриштириб кўрай-чи...

Мужмал ваъда берган Балабуха ярим тунда кўнғирок қилиб, Воронежда ҳам, унинг атрофида ҳам Арсен деган киморбоз йўқлигини билдирди. Бундан ғазабланган Асадбек сўқиниб қўйди-да, ташқарига чиқиб болохонадаги йигитни чақирди:

– Жамшидни топ, тўққиз қайтганинг ё тиригини, ё ўлигини топиб, эрталаб Ҳайдар акангнинг қозихонасига олиб келсин! Сур билан Тарзан ҳам ўша ерда бўлсин!

Жамшид Бек акасининг бу топшириғини вақтида бажара олмади. Жамолбекни эрталаб эмас, пешинга яқин топиб келди. Шошқич чорланганларининг сабабини билолмай хуноблари ошган Тарзан билан Сур бу вақт мобайнида қозихонада ипсиз боғлангандай бўлиб ўтиришди. Жамолбекнинг нима учун чақирилганини ўз тахминича билган Жамшид уни йигитларга рўпара қилмай, самоварчининг хонасига киритиб, «жон керак бўлса, қимирламай ўтиринг», деб тайинлагач, хожасиникига қараб кетди.

Асадбек уни норози нигоҳи билан қаршилади.

– Бек ака, топиб келдим, – деди Жамшид айбдор одамнинг синиқ овози билан.

– Ўзинг туғиб, бира тўла катта қилиб олиб келдингми? – деди Асадбек заҳарли оҳангда. – Қачон топиб келишинг керак эди?

– Беркиниб ётган экан...

Жамшид ўзини оқлаш учун бошқа гап топа олмай,

бошини эгди. Асадбек буйруғининг вақтида бажарилмаганидан ғазабда эмас эди. Қиморбознинг беркиниб ётганини фаҳмлаган, тахмини бўйича, Жамшид уни эртага топиб, рўпара қилиши керак эди. Вазифа мўлжалидан олдин бажарилганидан қувониш ўрнига норози қиёфада туришидан мақсад – тобеларини қаттиққўллик билан ушлаб туриш эди. Жамшиднинг синиқ ҳолда туриши унга маъқул келиб, ортиқча танбеҳ бериб ўтирмай, машина томон юрди. Хожасининг ғазабидан осон қутулганидан мамнун бўлган Жамшид эса чаққонлик билан олдинга ўтиб, машина эшигини очди.

Асадбекнинг қозихонага кириб келишини кутмаган Тарзан билан Сур шошиб қолишди. Саломларига алик олинмагач, довдираганларича Жамшидга ҳам савол, ҳам нажот назари билан қарашган эди, у «мен ҳеч нарса билмайман», дегандай нигоҳини олиб қочди.

Бургут полопонини учишга ўргатиш мақсадида баланд қоядан пастга ташлар экан. Асадбек бу икки қанотига унча мураккаб бўлмаган вазифани топширган эди. Хомлик қилган йигитларни энди қоядан ташлаб, иложи бўлса, тошларга бошларини уриб, кўзларини очиши керак эди. Бир неча дақиқа мобайнида дам унисига, дам бунисига қаттиқ тикилиб турди. Жамшид қозихонада бундай сукунатли дақиқаларга сира гувоҳ бўлмаган эди. Бу ер сирли қарашлар макони эмас, балки қисқа фурсатли дўқ-пўписа изидан келувчи калтаг-у оҳу фарёдлар маскани эди.

– Қойилман, йигитнинг гули, – деди Асадбек Ахтамга тикилиб. – Боплабсан. Ўғил бола иш шунақа бўлиши керак. Энди болаларни олиб келиш керак. Воронезга ўзинг борасанми?

– Бир оғиз гапингиз... – деди Ахтам гап оҳангидаги пичингни сезмай.

– Сенга бир оғиз гап кифоя қилса яхши... – шундай деб Тарзанга қаради: – Сенга ҳам кифоями?

Тарзан бу саволдан хожасининг мақсади не эка-

нини англамай, мутелик ифодаси сифатида кўлини кўксига кўйиш билан чекланди. «Бу айёр... жуда айёр, ичида нима борлигини билиш қийин», деб ўйлади Асадбек, кейин Жамшидга қараб имлаб кўйди. Икки-уч дақиқа ўтмай Жамшид Жамолбекни бошлаб кирди. Қўрқувдан ранглари оқариб, лаблари титраётган Жамолбек эшик рўпарасида турган таниш йигитларни кўрди-ю, жони чиқиб кетаёзди. У нима учун чақирилганини биларди, тўғрироғи, чорланишини кутаётганди. Ўрага йиқилганида тирналган, шилинган жойлари битмаган, кўркуви эса баттар ошган эди. Беркиниб ётган еридан чиқиб, Жамшидни кўрганида «ё Ҳайдар акам ё Асадбек акам чақиртирганлар», деб ўйлаган, Кесакполвоннинг ғазабига учрашишнинг оқибати хайрли эмаслигини билгани учун Бек акасига рўпара бўлишини Худодан сўраган эди. Қозихона остонасидан ҳатлаётиб, аввал Ахтамни кўрди-ю, унинг қахрли нигоҳи билан кўзлари тўқнашгач, «энди бу ўлдиради», деган ўйда оёқларидан жон қочгандай туюлди. Жамолбекнинг кириб келишини кутмаган Тарзан эса ажабланиб, хожасига қаради. Жамолбек ҳам беихтиёр у қараган томонга ўгирилди-ю, нажот фариштасини кўргандай кўзлари чакнаб кетди. Ҳаяжон ва умид билан «Бек ака!» деганича кучоқ очиб юрмоқчи эди, Жамшид елкасидан ушлаб тўхтатди.

– Ассалому алайкум, Бек ака! – деди кўзларини пирпиратганича.

Асадбек саломга алик олмади. «Сенам одамми-сан?» дегандай унга бир оз тикилди-да, сўнг назарини Жамшидга қаратди:

– Янги пайдо бўлган «бек» шуми? Довруғи эсимни тескари қилиб юборди-я! – деди истехзо билан. – Нима бўлди, башарасини ит таталаганми?

Саволга жавоб қайтариши лозим эмаслигини фаҳмлагани учун Жамшид Жамолбекнинг елкасини ушлаганича жим тураверди.

– Кучайибсан, Жамолбек! – Асадбек «Жамолбек»ка кинояли урғу бериб, қалбида нажотга умид уйғонган қиморбознинг жонини суғуриб олгандай бўлди. – Бошингга пайтава ўралгандан кейин майдақамдам бўлиб кетганингни эшитган эдим, қачондан бери «бек»сан?

– Унақамас, Бек ака... – деди Жамолбек титроқ овозда. – Беклик фақат сизга ярашади. Одамлар ўзича айтиб юришибди, мен орзу ҳам қилмаганман, Худо урсин!

– «Худо урсин»ми? Худонинг сендан бошқа ташвиши йўқми? Анави Мурданинг ургани камлик қилдими?

Жамолбек бошини эгди-ю, жавоб бермади.

– Сур, «Жамол Бек» акангни кўряпсанми? – Асадбек «Жамолбек»ни заҳарли киноя оҳангида айтди. – Бир томонда сен, бир томонда у, яна бир томонда мен турибман. Жамшид ўйинда йўқ. Қани, каллангни ишлат-чи, уччаламиздан қайси биримиз лакмароқмиз? Жавоб бера оласанми?

Ахтамнинг бош эгиш, ерга қараб айбига икром бўлиш одати йўқ эди. Хожасига «гапингизга тушунмаяпман», дегандай безрайганича қараб тураверди.

– Махмаданалик қилишга тилингнинг суяги йўқ-ку? – деди Асадбек қаҳрли овозини кўтариб. – Бу аканг сени лақиллатибди, сен эса мени овсар деб ўйлабсан. Шунақами?

– Мен буйруғингизни бажардим, – деди Ахтам ўжарлик билан.

– Буйруқ бунақасига бажарилмайди. Мен «бировақиллатса лаққа тушиб қайтиб келавер», деб буюрмаган эдим. Бугун акангни олиб, Воронежга жўнайсан. Арсен деган қиморбозни топиб, оёғига йиқиласан.

Бу гапдан кейин Ахтам чорловдан мақсад не эканини англаб етиб, лаби гезарди. Қиморбоз томон сапчиб, уни ерга булғалаб ташлагиси келди. Тириклайин кўмиб юбормаганидан афсусланди.

– Алдабдими? – деди Ахтам, муштумини тугиб.

– Алдаганми ё йўқми, ўзидан сўра, – деди Асадбек.

Иш кутилганидан нисбатан осонроқ битганидан қувониб қайтишаётганида Тарзан шеригига «дунёда шунақа довдирлар борлиги ҳам яхшида, а!» деб қўйган эди. Ҳозир ўша довдир томонидан лақиллатилганини билиб, шу лақмалиги туфайли хожаси ҳузурида иснодга қолгани учун ўзини ўзи лаънатлади. Ахтам қиморбозни ўлдириб юбормаганидан афсусланган бўлса, у «тирик қолдирганимиз яхши бўлган экан, бу хунаса сирни ўзи билан олиб кетганида бошимиз маломатдан чиқмас эди», деб, хожаси олдида ўзини оқлашга имкон сақланиб қолгани учун ўзига таскин берди.

Жамолбек кутилмаганда тиз чўқди, Жамшид уни ушлаб қолишга улгурмади. Ахтамнинг сапчиб, ташланиб қолишидан кўрққан Жамолбек жонҳолатда тез-тез гапира кетди:

– Бек ака, айбимга иқрорман, лекин шундай қилишга мажбур эдим, мен буларни танимай туриб, қанақасига тўғриси айтишман? Башарамдаги ярачақалар тузалгандан кейин ўзим келиб, сизга айтмоқчи эдим.

– Бу болларнинг кимлигини билмадингми? Пайтавани эсинга солишибди-ку, шунда ҳам фаросатингни ишлатмадингми? Бахтинг бор экан, боллар хомлик қилишибди, Садир ошнангга ачомлатиб қўйишлари керак эди.

– Унақа деманг, Бек ака, мен сизни акам деганман, ҳар куни намозларимда дуойи жонингизни қиламан.

– Нима дединг? Ҳали сен намоз ўқийсанми?

– Ўқийман, Бек ака...

– Кундузи намоз ўқиб, кечаси қимор ўйнайсанми? Ҳажга ҳам боргандирсан?

– Борганим йўқ-ку, умид билан юрибман, сизни «борарканлар» деб эшитувдим, биллалашиб боришни Худодан сўраяпман.

Бу гапни эшитиб, Асадбек стол устидаги пиёлани олиб унга қарата отди-да, «хе, сендақа ҳожини...», деб сўкина кетди. Пиёла елкасига тегиб, суягини зириллатиб юборган бўлса-да, Жамолбек чўккалаганича тек тураверди. Асадбек сўкина туриб, ўзидан ўзи норози бўлди. Бир пачоқ киморбоз олдида паст кетгани учун ғашланди. Вужуди кирланиб кетгандай туюлиб, афтини буриштирди. Бунақа қилиқ Кесакполвонга хос эди. Ўзини Кесакполвон ўрнида кўриш дилини тилиб ташлади. Ахтамни биринчи марта кўрганида Кесакполвонни қўмсаган эди. Тўғри, ошнасининг айрим хурмача қилиқлари ёқмасди. Лекин унинг ўлишини, айниқса, хорланиб ўлдирилишини истамаган эди. Ахтам бетгачопарлиги билан ғашини келтирганида «Ҳайдар ўзи паст кетса ҳам, бунақаларнинг олдида пастлашишдан мени ҳимоя қиларди», деб амрон қилганди. Ҳозир бу ҳақиқатга яна бир карра амин бўлди. Сукут сақлаш ўзига нисбатан бўлган нафратини ошқор қилиб қўйиши мумкин эди. Шу боис:

– Невараларингни ютқизибсан-а? – деди қаҳр билан.

«Саводул-важҳ фид-дорайн» дейилганидек, икки дунёда юзи қоралик нима эканини фаҳм этмайдиган Жамолбек бу саволни эшитиб, Асадбекка яқинлашиб, оёғига бош урмоқ мақсадида ўридан турмоқчи бўлган эди, Жамшид елкасидан босиб, қимирлатмади.

– Невараларимни мен тикканим йўқ, ўйин ғирром бўлди, Бек ака, – деди нажотдан умид узмай. Унинг бу ҳолати оч бўрига рўпара келса-да, тирик қолишдан умидвор бўлаётган нодон кўзига ўхшарди. Нодон умидворларни кўп кўравергани учун Асадбек бунақаларнинг аҳволларига ачинмасди, майдалашиб ўтирмай, Кесакполвон ихтиёрига топшириб юбораверарди. Ҳозир бир ишора қилса ёки юз ўгириб чиқиб кетса, тиш кайраб турган бу икки йигит уни ур калтак-сур калтак қилиб ташлаши аниқ эди. Арқонни узун таш-



лаб, бу пачоқ қиморбозни руҳан бурдалаб ташлаш мақсадида Ахтамга қаради:

– Сур, ғирром ўйнадингми?

– Ҳаммаси ҳаппаи ҳалол бўлди, Бек ака, – деди Тарзан.

– Сендан сўрамадим, – деб, Асадбек Ахтамдан жавоб кутди.

– Мен ғирромдан ҳазар қиламан. Ишонмасангиз, кўзингизнинг олдида бошқатдан ўйнайман.

– Эшитяпсанми? Ўйнайсанми, «бек»?

Жамолбек «ўйнайман» дейишнинг оқибати нима бўлишини англаб, «йўк» деган маънода бош чайқади.

– «Ғирром» деб даъво қилганингдан кейин гапинг-да тур. Ҳажикизлик қилаверма. Сур, ўйна. Ютқизсанг, ўзингни тикасан, бунинг пайтавасини ўзинг ўрайсан.

Сур бу буйруқдан мамнун бўлиб, Жамолбекка қараб ишшайди-да, чўнтагидан карта чиқариб, стол устига ташлади:

– Ўзи чийлаб, ўзи тарқатсин! Уч қўл ташлаймиз, ўйин шунақа бўлган...

Жамолбек «керакмас» дегандай умидвор кўзлари билан Асадбекка термилди-ю, қаҳрли овозда «тур ўрнингдан!» – деган буйруқ янграгач, амрни бажарди. Титроқ қўллари ўзига бўйсунмаса ҳам, картани чийлади. Уч қўлда ҳам ўйинни бой бериб, ўлимига рози бўлган ҳолда шалвираб қолди.

Асадбек ўйинни эътиборсиз кузатгандай бўлса ҳам, Ахтамнинг ҳар бир ҳаракатига диққат қилиб «Бало бу бола, камокҳонанинг мактаби сезилиб турибди», деб қўйди. Кеча Жамшидга «бурнини ерга ишқаб қўйган бўлардим», деганини эслаб, бу болага адаб бериш осон кечмаслигини англади.

– Уйинг кетибди, невараларинг кетди... бу кунингдан ўлганинг яхшимасми?

– Ўлганим яхши, Бек ака...

– Сенинг ўлигинг кимга керак? Уйинг шу бола-

ники. Невараларингни алмаштиришни айтган экан, маъкул таклиф. Етим боллар қаерда?

– Барнаулда. Фима деган ютиб кетган.

– Фима? Рабиновичларданми?

– Билмадим... Олдин «Ефим» деди, кейин «Фима»...

– Иккаласи бир... – Асадбек шундай деб бир оз ўйланди-да, Ахтамга қаради: – Иш энди пишадиганга ўхшаб қолди Нима қилмоқчисан?

– Ўзим бориб келаман. Фақат... битта шартим бор.

– Сен менга шарт қўйма, бола!

– Шарт бўлмаса... илтимос... У ёққа боришдан олдин бунинг терисини шилиб олишим керак.

– Ўлдирмоқчимисан?.. Йў-ўқ, дунёни осонгина ташлаб кетмасин, бу тўққиз қайтган. Узоқ яшасин, туғилганига пушаймон бўлиб яшасин, тирик юриш жонига тегиб кетсин, етимларни бир келгиндига юткизгани учун ҳар куни ит азобида ўтсин. Қара, ҳозир ўлимдан кўрқиб питирляпти. Ҳар нафасида Худодан ўзига ўлим тилаганида ҳам ўлимга етишолмай титраб-қақшаб яшасин. Ичинг ёниб кетаётган бўлса, майли, аламингни ол. Тарзан, сен нима дейсан?

– Бир ажойиб ертўла бор, киндигигача сувда бўлади. Қўлидан осиб, тўртта оч каламушни қўйворамиз.

Тарзан бу гапни чиндан айтдими ё Жамолбекни дахшатга солиш мақсадида бўрттирдими, Асадбек тушунмади. Шундай бўлса-да, «маъкул» ишорасини қилиб, чикиб кетди. Саҳрода қақраб қолган кудукдан ташналигини қондиришни умид қилган нодон каби Жамолбек марҳамат илинжида дод деб ялинганича қолаверди. Ахтам хожасининг «майли, аламингни ол» деган лутфу марҳаматидан фойдаланишни галга солгиси келмади. Кучли мушт зарбидан Жамолбекнинг икки тиши синди, биқинидан тепки еб, хушидан кетди. Тарзан ўртага тушмаганида тепкилар зар-

би унинг тақдирини ҳал қилиб қўя қоларди. Жамолбек ютқизиқ пулини вақтида тўламаганларни жазога ҳукм қилганида ўз бошига ҳам қачондир зулм дўли ёғилажагини ўйлаганмиди? Бечоралар тепкилардан, тирноқлари орасига санчилган игналар заҳмидан фарёд уришганда роҳатланмаганмиди? Ошиқ ҳамиша олчи туравермаслигини биларди-ку? Эндиги кўргулигини не учун адолатсизлик ҳисоблаб, Худодан норози бўлиб инграяпти?!

Жон ширин...

Боши узра ажал булути тўпланаётганидан талвасага тушди...

Кўзига уйи кўринди, ертўлага кўмиб қўйган бойлиги кўринди...

«Ўзимни ўлдирсангиз ўлдиринг, аммо набираларимга тегманг», деб илтижо қилмади-я...

«Ёмонликларимнинг мукофотига етишдим», деб тавба қилмади-я...

«Худойим, раҳминг келсин, менга!» – демади. «Нега мени бу бадбахтларнинг қўлига топширдинг, ҳар йили қўй сўйиб, худойи қилардим-ку, ҳисобга олмаган эдингми?» – деб даъво қилди.

Тарзан ҳукм турини айтганида бир оз бўрттирган эди. Жамолбекни ташландиқ иморатнинг зах ва қоронғи ертўласига ташладилар. Ҳукмда айтилганидай киндигига чиқадиган сув ҳам, каламуш ҳам йўқ эди. Ёлғончи киморбознинг қўлларини чириган қувурга чандиб боғлаган Ахтам «каламушларинг қани?» – деди заҳарли оҳангда. Норози шеригининг жиғига тегмаслик учун Тарзан гапни ҳазилга буриб: «Каламушларга раҳмим келди. Бунинг тишласа, заҳарланиб, ажалидан беш кун олдин ўлиб кетади», – деди.

– Дунё бир айланиб, бунинг қўлига тушиб қолсанг, сени аяб ўтирмайди. Бировга раҳмдиллик қилсанг қилавергин-у, бозор қайтишини ҳам ҳисобга олиб қўй, – деди Ахтам минғирлаб.

Асадбек ўша куниёқ яна Балабуха билан боғланди. Балабуха унинг гапини эшитиб, «аниқлаб қўяман», деб галга солмади.

– Фимани танийман. Ўйинда зўрмас-ку, лекин жуда айёр. Курумсоқликда бутун дунёга дарс беради. Болалар ўзида бўлса, осонлик билан топширмайди. Неча йил, ой, кун боққан бўлса, овқат пулигача тўлашингга тўғри келар, шуни ҳисобини олгин-у йигитларингни юборавер, менам уч-тўрт йигитимни Барнаулга жўнатаман, кутиб олишади. Эҳтиёт – шарт, «Балабуха аксирмай қўйди», деган одамга, менга ишонингандай ишонаверишсин.

– Меникилар етиб боришгунича ўзи билан гаплашиб қўймайсанми?

– Тўсатдан бостириб боравериш керак. Олдиндан гаплашилса, у туллак думини тутқизмайди, нархини ошираверади.

Манзура «етимларни топишга ёрдам беринг», деб ялинганида Асадбек «топилса – топилар, топилмаса – Худодан», деган ўйда бу вазифани гўр йигитларга юклаган эди. Калаванинг ғоят чигаллашиб кетгани, бир учи узок шаҳарга бориб тақалгани уни сергаклантирди. Йигитларга бош килиб Жамшидни юбормоқчи ҳам бўлди. Кейин фикрини ўзгартириб, «савоб ишлар қилишимизни ҳукумат ҳам билиб қўйгани яхши», деган ўйда уларга Ҳалимжонни қўшди.

Учовлонни кузатгани Жамшиднинг ўзи чикди. Ҳалимжон сув ичиш учун четлаганида «бунинг олдида ҳар нарсани валдирайвермаларинг», деб шипшитиб қўйди. Ахтам «бу одам ишончсиз бўлса, нега бизга бош оғриқ қилиб қўшиб қўйяпсиз?» демокқа оғиз жуфтлади-ю, Тарзаннинг қарашидан «гапни чўзма», деган маънони укиб, индамади.

Барнаул уларни киши руҳини эзувчи ёмғири, изғиринли шамоли билан қаршилади. Уларнинг юрти-ни аллақачон тарк этган тўрт фаслнинг султони баҳор бу ўлкага кўчиб келиб, астойдил жойлашиб олгандай эди. Аэропортдан чиқаверишда «Тарзан» деб ёзилган бир парча қоғозни кўтариб турган болакай уччовининг диққатини тортди. Жамшид «бир одам кутиб олиб, «Балабуха аксирмай кўйди», дейиши мумкин. Зарурат туғилса, ёрдам берар, лекин кўпам ишониб юбормаларинг», деб огоҳлантирган эди. «Бизни ким қаршилар экан, кутиб олувчини қандай таниб оламиз» деган саволлари бир парча қоғоздаги «Тарзан» деган ёзув билан осонгина ҳал бўлишини кутишмаган эди.

– Қара, сени бу ерда ҳам танишаркан, машҳури олам экансан-ку! – Ахтам шундай пичинг билан шеригининг биқинига аста туртди-да ундан жавоб кутмай, болага яқинлашиб сўради: – Тарзанни сен кутяпсанми? Ҳалиям аксиряпсанми ё аксирмай кўйдингми?

Бола унга ишонқирамай қараб олгач, кўлидаги қоғозни тўрт буклаб, кўча томон юрди. Ахтам унга эргашди. Тарзан сергакланиб, сал орқада борди. Бунақа эҳтиёт чораларидан хабардор бўлган Ҳалимжон паст овозда: «Бек акамнинг танишлари четроқда кутишаётгандир», деб кўйди. Бундан энсаси қотган Тарзан «ақл ўргатма, ўзим ҳам билиб турибман», дегандай қошларини чимириб, унга қараб кўйди.

Аэропортдан анча узоқлашсалар-да, бола ёмғирга парво ҳам қилмасдан индамай кетаверди.

– Ҳой думбулча, чарчамадингми, опичиб олайми? – деди Ахтам уни гапга солиш мақсадида.

Бола унга қараб ҳам кўймади. Яна бир оз юришгач, уларни икки қора «Тойота» қувиб ўтиб, тўхтади. Орқадагисидан бўйдор, малла йигит тушиб, болага яқин турган Ахтамга яқинлашди:

– Тарзан сенмисан? – деди сўрашиш учун қўл узатиб. – Балабуха аксирмай кўйди.

– Тарзаннинг эгасиман, – деди Ахтам унинг кўлини маҳкам қисиб. Тарзан билан Ҳалимжон яқинлашиб сўрашишгач, йигит мақсадини айтди:

– Сиз қидириб келган одам ҳозир Барнаулда эмас. Бир юз тўқсонинчи километрдаги Комариха деган шаҳарчага борамиз.

Йигит кимлигини, ким томонидан юборилганини айтмади. Улар ҳам сўрашмади. Учовлари ҳайдовчининг ўриндиғи ўнг томонда бўлган «Тойота»нинг орқа ўриндиғидан жой олишди.

– Шу машина яхши-ю, рулнинг ўнг томондалиги ёмон, бир ой ҳайдасам ҳам ўргана олмадим, – деди Ахтам суюнчиқққа ястаниб. Ҳалимжон «биз томонларда бунақа машинанинг уруғи ҳам йўқ-ку, қачон ҳайдадинг?» деган маънода унга қаради. Тарзан эса шеригининг мақсадини англаб, кулимсиради. Соддарок одам бўлганида «бунақа машинага энди ўтиришим, роса юмшоқ экан, рулни чап томонга олса ҳам бўлади шекилли?» каби саволлар билан мезбоннинг бошини қотириши баробарида ўзини пастга урганини сезмас эди. Ахтам эса бир гапи билан «сенлар керилавермаларинг, бунақаси бизда ҳам бор», деган маънони англлатиб кўйди.

Йигитнинг вазифаси меҳмонларни кутиб олиш-у хавфсизликларини таъминлаш эди. Уларни гапга солиш, зериктирмаслик хизмати зиммасига юкланмагани учун йўлдан кўз узмаганича жим кетаверди.

Барнаулдан узоқлашиб, ўрмон йўлига чиқишганда ёмғир тинди. Чарчаган булутларни шамол булути қийма-қийма қилиб ташлади-ю, куёш кўринди. Офтоб нурлари гердайган дарахтлар баргларига, кейин эса тупроққа ёғилиб, намлик билан қовушди-да, паға-паға бўлиб яна кўкка кўтарила бошлади. Ахтам машина эшиги ойнагини туширди. Нам тупроқ ҳидига тўйган ҳаво барчаларига хуш ёқди. Аллоҳнинг мўъжизалари

беҳад, бекиёс. Шундай ажойиб гўзалликни яратиб, унинг қайси бир қавагига зулми яшириб қўяди. Фима яширинган зулм қавагини бошқа бир зулм қосови оловли учи билан кавлаб, титгани кетяпти. Қосов ўзи аланга олдирган оловда куйиб адо бўладими ё қавакдаги чўғни тита-тита ўчирадими – Худо билди. Аслида униси ҳам, буниси ҳам кулга айланиб, совурилса, одам аҳлига фойдали эди. Наилложки, бундай бўлмайди, шуниси одамзодни паришон қиладиган афсусли ҳол...

Аллоҳ ҳар ерга ўзича гўзаллик, ҳар бир инсонга ўзича руҳ берган. Чиройли руҳ эгасигина табиат чиройини ҳис қила олади. Бу чиройга банди бўлгач, ўзини унутади. Атрофида разолат борлигини ҳам унутади. Бир неча дақиқа шундай бўлади, кейин яна разил дунё бағрига қайтади...

Тўғри яшашни билганлар учун ҳаёт ғоят гўзал кўринади. Табиат чиройига мафтун бўлган Ҳалимжон беихтиёр: «Ажойиб экан!» деб қўйди. Ахтам унинг кайфиятини англамай, ажабланиб қараб қўйди-да, совуқ оҳангда изоҳ берди:

– Бу ажойиб жойда уч-тўрт кундан кейин кун исиса, шунақанги додаҳўжа чивинлар талашни бошлайди-ки, чиққан жойингга кириб кетишга ҳам таптайёр бўлиб қолсан.

Ҳалимжонни гўзаллик бағридан юлиб олиш учун шу таърифнинг ўзи кифоя қилди.

Шаҳарчага яқинлашишганда йигит ўгирилиб:

– Фиманинг кўриқчиси кўп эмас, икки одами бор. Атрофини кўрғон билан ўраб олмаган. Кириб-чиқиш бемалол. Бирга қирамизми ё четроқда пойлайликми? – деб сўради.

Тарзан шериги билан кўз уриштириб олгач:

– Ўзимиз қирамиз. Ёмон ниятда келмадик, ишни яхшилик билан битиришимиз керак, – деди.

Йигит «иш яхшилик билан битиши учун ҳам эҳтиёткорлик керак», деб қўйиб, ҳайдовчига имла-

ди. Ҳайдовчи бу ишорани англаб, йўл ўнганга бурилган жойда машинани тўхтатди. Йигит Фиманинг уйига қандай боришни тушунтиргач, «ичкари кирганларингдан кейин биз муюлишга бориб турамиз», деб огоҳлантирди.

Фима яшайдиган уй бошқаларникидан фарқ қилмасди. Бир томони товукхона, молхонадан иборат ҳовли тошдевор билан эмас, ёғоч панжара билан ўралганди. Товуклар кўплигидан кўнгилни айнитадиган хид анқиб турарди. Бу жой киморбозлар оламида дурустгина мавқега эга одамнинг қароргоҳига эмас, ўртаҳол деҳқоннинг томорқасига ўхшаб кетарди. Йигит айтган икки кўриқчи ҳовлида кўринмади. Панжара эшикни очиб, ичкарига кирмокчи бўлишганда молхонадан бир бўйдор йигит чиқди-да кўлидаги хаскашни деворга суяб кўйиб, чақирилмаган меҳмонларга яқинлашди.

– Ким керак? – деди совуқ оҳангда.

– Саломатмисан оғайни? – деди Ахтам унга кўл узатиб.

– Ҳар ҳолда касал эмасман, – йигит унинг саломини жавобсиз қолдириб яна «ким керак?» деб сўради.

– Фима керак, – деди Тарзан унга ўтқир нигоҳини қадаб. Йигит бу совуқ жавобдан қониқмай, «Нима ишларинг бор?» – деб сўради.

– Фимага қуёшли Ўзбекистондан қайноқ саломлар олиб келганмиз. Бизнинг Ўзбекистонимизда меҳмон бунақа кутиб олинмайди, – деди Ахтам у томон бир қадам кўйиб. – Хўжайинингга дарров кириб айт, қайноқ саломимизни тез қабул қилмаса совуб қолади.

Йигит «тўхта, жойингдан жилма», дегандай кўлини кўтарди:

– Бу ер Олтой, Ўзбекистонингмас.

Шу пайт уй эшиги очилиб, паст бўйли, елкасига кулранг камзул ташлаган, ҳаво совуқ бўлмаса-да кўлига оқ кўлқоп кийган одам чиқиб келиб, панжарали эшиги олдида турганларга куш қараши билан



қаради. Устидаги умрини яшаб бўлган кийимларига кўлидаги оқ кўлқоп ғоят номутаносиб эди.

– Алёшка, меҳмонлар билан танишиб олдингми? – деди мулойим овозда.

– Ўзбекистондан келишибди, – деди йигит хўжайини томон ўгирилиб.

– Хах, нодон! Ўзбекистонликларни чиройли такаллуф билан кутиб олиш кераклигини билмайсанми?! Мен уларнинг юртига борганимда бошларига кўтаришган. Безрайиб туришингни қара, тентак, йўлни бўшат!

Йигит четланди, Тарзан билан Ахтам уй томон юришди, Ҳалимжон панжара ёнида қолди. Фима уларга пешвоз чиқмай, турган жойида кутди. Тарзаннынг кўришмоқ учун узатган кўли ҳавода муаллақ қолди. Фима унинг саломига жавобан худди ҳарбийлар каби кафтини чеккасига олиб бориб лутф қилди. «Нега келдиларинг?» деб сўрамаса ҳам уларнинг мақсадларини билиш мақсадида савол назари билан бир-бир қаради.

– Яхши ният билан келдик, – деди Тарзан бу қарашга жавобан. – Ўзбекистонликлар сизни яхшилик билан эслашади.

– Яхшилик билан эслашади, дегин... – Фиманинг юзида айёрона жилмайиш зоҳир бўлди. – Яхшилик билан эсланадиган одамникига дабдаба билан келинадими? Қора «Тойота»ларни пистирмага қўйиб келдиларингми?

Фиманинг уйи баландликка жойлашган, шаҳарчага олиб келадиган йўл кафтдек кўриниб турарди. Овлоқдаги шаҳарчада хориж машинаси ҳар куни кўринавермайди, бунақа «Тойота» кимларда бўлишини фаҳмлаш учун эса ақлли бўлиш шарт ҳам эмас. Бегона машиналарга кўзи тушиши билан эҳтиёт чорасини кўриб қўйганига бир одамнинг молхонадан чиқиб келиши, иккинчисининг кўринмаётгани далил эди. Тарзан панжара эшик яқинида турганидаёқ

буни фаҳмлаган эди. Шу сабабли Фиманинг айёрона боқишидан шошиб қолмади.

– Биз томонларда ота-боболаримиз ардоқли одамни кига меҳмонга боришганда дабдаба билан отда кириб келишмаган, мезбоннинг хурматини қилиб, шаҳар остонасида отдан тушиб, бу ёғига пиёда келишган. Ҳар қадам босишганда меҳмонни шарафлашган. Ардоқли мезбон эса меҳмонларни остонада тўхтатиб, сўроққа тутмаган, курумсоқларнинг курумсоғи бўлганда ҳам ичкарига таклиф қилиб, ҳеч бўлмаса бир култум сув тутган.

Нотаниш йигитнинг тилидан ўз лақабини эшитган Фиманинг авзойи ўзгариб, ўнг қоши учди. Ахтам буни сезди, «кўп маҳмаданалик қилма», деган маънода уни секин туртиб кўйди. Иккови ҳам Фиманинг лақабини билмас эди, мезбоннинг авзойини қайси гап ўзгартирганини билолмай гангиб, бир-бирларига қараб олишди. Фима эса юзидаги айёрона жилмайишни қочирмасдан сал нарида турган йигитга юзланди:

– Ўзбекистонда ҳурматли меҳмонларга атаб қўй сўйишади. Алёшка, энг семиз хўрозни сўй, кўнглим зиёфатни кўмсаб турувди, Худо ёрлақади, – деб буюрди.

– Кечаги товукнинг ярми турувди, ўшани пишира қолсам-чи?

– Ҳе аҳмоқ! – деди Фима овозини кўтариб. – Сенга қўй сўйгин, демадим-ку? Бор, буюрганимни қил.

– Айтдим-кўйдим-да, ўзингиз исроф қилма, деб сўкасиз-ку? – деди йигит жойидан жилмай.

– Алёшка тўғри айтяпти, – деди Ахтам унинг мушкулини енгил қилиб. – Биз томонларда инсофли меҳмонлар яримта товукқа ҳам қаноат қилишади. Битта хўрозга тўймаган қоринлар яримта товукқа ҳам тўймас экан, тирик хўрозни сўйиш Худога ҳам ёкмайди.

– Алёшка, эшитдингми бу ҳикматни? Сен булар-

дан ақл ўрганишинг керак. Молнинг тагини тозалай-вериб, молфаҳм бўлиб қолибсан.

Фима шундай деб уларни ичкари бошлади. Остона ҳатлашлари билан димоғларига қиздирилмаган ёғнинг ҳиди урилиб, кўнгилни айнитди. Ваъда қилинган яримта товукқа ҳам, ҳатто сўралган бир қултум сувга ҳам тоқатлари қолмади.

Хона ўртасидаги оёқлари йўғон думалоқ стол атрофига ўтирдилар. Дастурхон солиниши, чой келтирилишини кутиш ақлдан эмасди, шу сабабли Тарзан мақсадга кўча қолди.

– Ўйинга ҳеч бир даъвоимиз йўқ. Жамолбекнинг аҳмоқлиги айтилмаса, ҳаммаси ҳалол бўлган. Биз болаларни талаб қилаётганимиз йўқ, илтимос билан келдик. Ютқизилган пулни олиб келганмиз.

Чақирилмаган меҳмонларнинг мақсадини билса-да, бу гапни эшитган Фиманинг ўнг қоши яна учди. Тарзанга муғомбирлик билан тикилди:

– Ўзбекистондан олиб келган қайноқ саломинг шуми? Саломингга тушунмай турибман?

– Болаларни боқишга сарфланган харажат ҳам ҳисобга олинган, – деди Тарзан унинг айёрлигини сезмагандай.

– Қарилик тузалмайдиган ёмон касал, бўларкан, йигитча. Ё мен ниманидир унутганман, ё сен ниманидир тушунтира олмаяпсан.

– Довдир ошнам тушунтира олмаяпти, – Ахтам асабийроқ тарзда шундай деб суҳбатга аралашди. – Бу нодон қарилик нималигини билармиди? Ҳалигача бир марта ҳам аксирмаган бу овсар йигитча одамни ўлдириб юборадиган бошқа касалликлар борлигини ҳам билмайди.

Гап замирига яширинган таҳдидни англаган Фиманинг юзидаги айёрона жилмайиш йўқолди. Буни сезган Ахтамнинг кўнгли шодланиб, донишмандларга хос хотиржамлик билан давом этди:

– Шунинг учун Худодан фақат саломатликни сўраш керак, қолган ҳамма нарсани сотиб олиш мумкин. Фима амаки, сизни шундай деб атасам майлими? – Ахтам жилмайиб, сўраган саволига жавоб кутмади: – Фима амаки, эшигингиз остонасидан жануби ғарб сари роппа роса икки ярим миллион еттиз юз ўн бир минг уч юз ўн бир қадам юрилса, Новосибир деган шаҳарга етиш мумкин. Ўша шаҳардаги Ленком кўчасида яшовчи «Қонли «туз» деган одам менга «Барнаул атрофларида Фимадан ақллироқ одам йўқ», деган эди. У бунақа масалада ҳечам адашмаган. Сизнинг олтин бошингизга олтиндан ҳайкал қўймоқчи эди. Ҳали қўйилмадими?

Асабийлаша бошлаган Фима бу саволдан кейин зийрак тортса-да, ажабланганини яшира олмади:

– «Қонли «туз»ни қаердан танийсан?

– Анатолий Игнатъевич менинг устозим. «Валет» билан «туз»нинг фарқини Учкудукда ўргатган.

Бу олам тобеси дўппи тор келиб қолганида ёки кимдандир устун келмоқчи бўлса, зўрлардан бирининг номини дастак қилади. Бу усулдан кўп фойдаланган Фима Ахтамнинг гапига ишонқирамади. Кўзлари айёрлик билан қисилди. «Бу ўйинларинг менинг чўнтагимдан тушиб қолган, лақиллатишга бошқа овсарни топ», дегандай тикилди.

Ахтам алдамаётган эди. «Қонли «туз»дан киморга тегишли кўпчилик билмайдиган нозик услубларни ўргангани ҳам рост эди. У қамокда ортгирган устозининг Фима билан алоқаси бор-йўқлигини билмасди. «Буларни ошначилик занжири боғлаб турмаса ҳам, бир-бирларини танишлари аниқ», деган фикрда гап бошлаган эди, тахмини тўғри чиқди. Шу боис Фиманинг тикилган кўзларига безрайганича қараб тураверди. Фима ҳам «сен болани барибир синдираман», деган қасдда киприк қоқмай тикилди:

– Устозинг ҳали ҳам Ленком кўчасида яшайдими? – деб сўради муғамбирлик билан.

– Йўқ, ўтган йили ёғоч тахтга ўтказиб, бошқа кўчадаги қасрга кўчириб қўйишган.

– Қаерга?

– Гўрга... Эшитмаганмидингиз?

– Эшитгандай бўлувдим... Ҳа, Ленкомдаги уйида болалари яшайпти шекилли?

– «Қонли «туз» уйланмаган, киморбоз бўлса ҳам, ўғрилар қонунини ҳурмат қиларди. «Владимир цент-рали»да тож кийдирмоқчи бўлишганда «ёшлигида бир қизни бузиб қўйган», деган гап чиқиб қолди.

Фиманинг бу гаплардан хабари бор эди. Ахтам-нинг ишонч билан гапириши ундаги гумонни тарқатиб юборди. «Қонли «туз» тождор ўғри бўлмаса ҳам, бармоғига қалин узукнинг суратини тушириб олган, қимор ўйнаганда кўпчиликнинг кўзи шу бармоқда бўларди.

Ахтамнинг тахмини тўғри эди: Новосибир, Томск, Краснояр, Ёкутистон-у Олтой томонларда ўзини кўр-сатган қиморбозлар бир-бирларини билардилар. Фима ёкутлар юртидаги «Қонли «туз»га йигирма йил аввал биринчи марта рўпара келган. Ёкут йигитлар ўртага соф тилла тикишганда кўрқиб кетиб, этагини йиғиштириб олган, «Қонли «туз» ёмбиларни осон-лик билан ютиб олгач, кўрқоқлиги учун ўзини ўзи лаънатлаганди. У ўшанда ютқизиб қўйишдан эмас, тилла билан қўлга тушиб, узоқ муддатга қамалиб кетишдан кўрққан эди. Ўша ўйинда ёкутларни ҳам, «Қонли «туз»ни ҳам доғда қолдира олишига ишончи бор эди. Кейинчалик яна икки марта «Қонли «туз»га рўпара келиб, хонумонини ютқизишига бир баҳя қолди. Болалик кезлари отаси унга карта чийлашни ўргатаётгандаёқ «пулингнинг ярмини ютқиздингми, ўйинни йиғиштир. Охирги тангасини умид билан ти-кадиган қиморбоз энг аҳмоқ қиморбоз ҳисобланади», деб таъкидлаган эди. Бир куни отаси уни катта ўйинга олиб бориб, ўзи четдан кузатадиган бўлди. Унинг қўлига бир халта пул тутқазиб, «умрим бўйи

топган-тутганим шу. Ўлсам, мерос қолдирарман, деб ўйлагандим, тириклигимда ола қол. Ақл билан ўйнасанг, бойиб кетасан, аҳмоқлик қилсанг – хонавайрон бўлиб, ўла-ўлгунигча хорликда яшайсан», деди. Фима пулнинг ярмини ютқизганда тўхташ кераклигини унутмаган эди. Лекин қизиган қони тўхташига йўл қўймади. Шайтонга миниб олган қиморбоз йигит қаергача борарди? Сўнгги чақасигача ютқизган Фима отасига қарашдан уялди. Отаси уни урмади, сўкмади, балки уч кундан сўнг қўлига яна бир халта пул тутказиб, санашни буюрди. Санади. «Ўйинда ютқизган пулимни қайтариб беришдими?» деб ажабланди. «Ўйинда аҳмоқликдан ўзингни тия олмаслигингни билганим учун сенга аталган пулнинг қоқ ярмини олиб қолган эдим. Энди кўзинг очилгандир, бу ёғига пишиқ бўларсан?» Кўзи очилгани рост, пишиқ бўлгани ҳам рост. Шу боис ҳам «Қонли «туз» билан иккала ўйинда ўзини вақтида тўхтатди. У билан олишмади. Ўшанда «Қонли «туз»: «Энг ақлли одам Фима, дунёдаги барча қиморбозлар қирилиб кетса ҳам у тирик қолади. Ёмғирда қолган одам шалаббо бўлади, лекин Фима томчилар орасидан ўтиб, ўзига нам юктирмайди», деган эди.

Бу гапларни Фима «Қонли «туз»нинг ўз оғзидан эшитган. Кўзлари қаттиқ бу йигит ҳам шунга яқин гапни айтяпти. «Қонли «туз»га нахот шу даражада яқин бўлса? Барнаулдан кечаси чиқиб кетган эди. Орадан бир кун ҳам ўтмай, изидан топиб келди. Ўзбекистондан кўнғироқ қилиб огоҳлантирган одам «Асадбек» деганнинг номини тилга олди. Фима Асадбекнинг ўзини кўрмаган, аммо номи кулоғига чалинган. Эҳтимол, у ўз юртида зўрдир. Лекин бу томонларга қўли етмаслиги аниқ. Йигитлари ўзларини жуда мағрур тутишяпти. Бу томонлардаги суянчиқлари ким? Агар бу безбет йигит лақиллатмаётган бўлса, «Қонли «туз» ўлиб кетгани билан соялари қолган. Соя

эса ўз номи билан соя! Ҳеч қачон «Қонли «туз» бўла олмайди...

Фима шуларни хаёлидан ўтказиб, бу икки келгиндига қандай муомала қилишни ўйлади. Сўнг яна бир синаб кўриш мақсадида камзули чўнтагидан карта чиқариб, Ахтам томон ташлади.

– Товуқ пишгунча эрмак қилайлик.

Ахтам унинг мақсадини фаҳмлаб, кулимсиради.

– Бу ишингиз яхши бўлди. Ашулачиниқига келган меҳмон ашула айтади, киморбозниқига келган одам бир қўл ташламаса ярашмайди, – деб карта чийлашни бошлади. Фима унинг ҳаракатларини киприк қоқмай кузатиб, чаққон бармоқларда «Қонли «туз»нинг услубини кўрди.

– Қанчадан тикамиз? – деди Фима унга синовчан тикилиб.

– Пулингизни ютишдан уяламан, – деди Ахтам муғомбирлик билан. – Сиз ҳали қозонга тушмаган яримта товукни тика қолинг. Мен бус-бутун хўрозни тикаман.

– Қарашингдан безбетга ўхшайсан-у, лекин ҳазилни ўрнига кўяркансан, – деди Фима кулимсираб. – Тикадиган хўрозингни Ўзбекистондан олиб келган-мисан?

– Йўк, Барнаулнинг эрталабки бозоридан сотиб олдим.

– Аттанг, бу ерларнинг хўроzlари офтоб кўрмагани учун тотли эмас. Ўзбекистонники бошқача эди.

– Тотли хўроз гўштига кўнглингиз сус кетган бўлса, меҳмон бўлиб боринг, яхши одамларнинг қадрига етамиз.

Ахтам шундай деб карта узатди. Фиманинг юзи ғолиб одамнинг севинчи нури билан ёришди. Узатилган картага қўл узатмай «очиб ташла», деб ишора қилди. Ахтам биринчи қўлда ютқизди, иккинчи учинчисида ҳам ўйинни бой берса-да, жилмайганича тураверди.

– «Қонли «туз»га ўхшаманг, у кетма-кет учта хўроз ютқизмаган бўларди, – деди Фима.

– Ташвишланманг, бизда хўроз сероб, энг муҳими – яримта товуғингиз қозонга тушмайдиган бўлди. – Ахтам шундай деб карталарни тахлаб қутисига жойлади-да, эгасига узатмай, стол устига беписандлик билан ташлади.

– Ҳа, дарвоқе... бу шеригинг ниманидир сўраганмиди?

– Арзимаган нарсани сўради: Жамолбекдан ютиб олган болаларингизни олиб кетишимиз керак. Пулни берамиз. Хоҳласангиз, сиз болаларни тикинг, мен олиб келган пулни тикай, уч қўл ташлайлик – ора очик бўлади-қолади.

Фимадек одам бу йигитнинг хўрозларни атайин ютқизганини сезмас эканми? Болалар тикилган тақдирда ўйин бошқача бўлишини билмаса «қиморбоз» деган «шарафли» номни бекорга кўтариб юрган эканда, а?!

У Ахтамдан кўз узиб, Тарзанга «Сенам шу фикрдамисан?» дегандай қаради.

– Ошнам ҳазиллашяпти. Сиз билан ташлашадиган сиёки йўқ унинг. Биз бир қоп пул ютқизгани келмаганмиз.

– Эшитдингми? – деди Фима Ахтамга қараб. – Ҳазилингни йиғиштир! Лекин... сен айтаётган болалар бўлганида таклифингни жон деб қабул қилардим. Мен катта оғиз меҳмонларимни қанақа сийлашни яхши билман. Бор-будини қоқиб олиб, иштончан ҳолларида кузатиб қўйишни жуда-жуда яхши кўраман-да! Барнаулда шунақа байрамлар кўп бўлган.

– «Болалар бўлганида» дедингизми? Ҳали «болаларни ютиб олмаганман» ҳам дерсиз?

– Ундай демайман. Ютганда ҳам қиморбозларингнинг тушмуғларини обдон ерга ишқаб келганман. Кейин эса... афсус, омадим кетиб, бечорагиналарни ютқизиб қўйганман. Пулларимдан айрилгандан



кўра, бегона текинтомоқлардан қутулганим дуруст-да, тўғрими?

– Кимга? – деб сўради Тарзан. Ахтам эса бу тул-лакнинг гапига ишонмай, тикилган кўзларини ундан узмади.

– Кимгалиги эсимда йўқ. Эсимда бўлганида ҳам сенларга айтмас эдим. Биздаги киморнинг шарти шунақа. Сенлардагига ўхшаб сотқинлик қилинмайди.

– Сизга беш кетдим, Фима амаки! – деди Ахтам, кейин шеригига юзланди: – Тарзан, сен ҳадеб бемаъни саволларингни ёғдираверма. Ҳозир Фима амакиннинг хотиралари саёзлашиб турибди. Биз ҳам йўлда чарчадик. Олтойнинг самогонини ичмабсан – дунёга келмабсан! Бирон жойда чарчоқбосди қилайлик-да, қайтайлик. Бизга «болалар ўша ерда бўлса, ҳақини тўлаб олиб келларинг», дейишган. «Фима амакиннинг бошини оғритиб, қийналаринг», дейишмаган. Биз кичкина одамлармиз, Фима амаки, баҳонада сиздай улуғ киморбоз билан танишиб олдик, бизга шунинг ўзи бир бахт. Ютуғингиз ҳалол бўлган, кимгадир ютқизган бўлсангиз, даъвоимиз йўқ. Шу атрофда кимникида зўр кўлбола ароқ борлигини айтсангиз бас, соғлиғингиз учун юзта-юзта отамиз-у кетамиз. Ҳозир ютқизганим учта хўрозни меҳмонга борганингизда юз баравар қилиб қайтараман.

Ахтам шундай деб эшик томон юрди. Тарзан унинг пичинг гапларини тугатиб, сиқувга олишини кутган эди. Ҳозирги ниятини англамай, иложсиз ҳолда эргашди. Ҳовлига чиқишгач, остонада тўхтаган Фима:

– Ўнг томонга юрсаларинг, йигирмата хонадондан кейин «Азка-самогон» деганнинг кулбаси бор. Ўша ерда ичарсанлар менинг соғлиғим учун, – деди.

Ахтам орқасига ўгирилиб унга карамади, «илтифотинг учун раҳмат», дегандай чап кўлини кўтариб қўя қолди. Панжара-эшиқдан чиқиб, ўнгга бурилганда Ҳалимжон унга эргашди. Ичкаридаги савдодан беҳа-

бар бўлса-да, шерикларининг курук қайтишлари бежизмаслигини фаҳмлади.

– Болалар шу ерда бўлиши керак, узоққа кетмайлик, – деди у.

– Тўхтамасдан тез-тез юрларинг, оркага ҳам қарамаларинг, – деди Ахтам йўлида давом этиб. – Болаларнинг шу ердалигини қаердан билдинг?

– Молхона ёнидаги хашакнинг орасида копток кўринди.

– Шунинг ўзими?

– Ҳар ҳолда Фима йигитлари билан копток ўйнамаса керак?

– Ўйнайди, деган хулосага келамиз. Бекор турмай, яхшилаб кузатганга ўхшайсан?

– Бек акам зийракликни ёктирадилар.

– Шунақами, хўш, зийрак йигит, яна нималарни аниқладинг?

– Уй бурчагидаги дарахт шохида рўмолча кўрдим. Улар ё кечкурун, ё эрталаб келишган. Машина изи янги. Лекин машинанинг ўзи йўқ.

– Иккита одами бор дейишувди, демак, биттаси машинада кетган.

– Молхонадан чиққан йигит молларнинг тагини тозалайдиган хизматкорга ўхшамайди. Ҳатто хаскашни қандай ушлашни билмас экан, сезмадиларингми?

– Мен ҳам умримда хаскаш ушламаганман, – Ахтам шундай деб асабий равишда қўл силтади-да, оркага қарашни тақиқлагани ёдидан кўтарилиб, ўтирилди. Жамшид «бунинг олдида ҳар нарсани валдирайвермаларинг» деганида «хитларнинг одамими?» деб гумонсираганди. Ҳалимжоннинг биров айтмаса ҳам атрофни зийраклик билан кузатиши ўша гумонини тасдиқлади. Лекин унинг асабийлашишига сабаб бу эмасди. Балки ўзи фаҳмлаши зарур бўлган нарсаларнинг ўзга одам тилидан эшитиши кўнглини ғашлантирганди.

– Иккинчи йигит уйда эди. Қушни хона деразасида одам қораси кўринди, – деди Ҳалимжон кузатуви хулосаларини давом эттириб.

– Буни мен ҳам сездим, – деди Тарзан уни қувватлаб. – Ҳар ҳолда, бу Фима амакинг анойи эмас, бурганинг орқасини кўрганлардан экан.

– Паст кетдинг, – деди Ахтам. – Амаким бургани тақалаб, миниб ҳам олган. Менам аҳмоқ эмасман. «Иккаланг кўшилганингда ҳам битта ҳаром тукимга арзимаёсанлар», демоқчи бўлганини фаҳмламабманми?! «Қонли «туз» вақтида уни тузлаганми ё йўқми, буни билмайман-у, лекин чангалидан куруқ чиққанига ишончим бор. «Қонли «туз» ўзини бургут фаҳмларди, чангали ҳам, кўзлари ҳам ўткирлигига гап йўқ эди. Лекин тулкининг айёрлиги олдида бунақа бургутнинг сариқ чақалик қадри йўқ. Бургутга қуёнми ё кўзичоқми бўлгани дуруст. Амакимизнинг оқ қўлқоп кийиб олганини кўрдинг-а?

– Ўйинга тайёрланыптими? – деб сўради Тарзан.

– Ҳа, билибсан. Биз билан кўришгани ҳам йўқ. Бармоқларининг сезгисини авайлаяпти. Катта ўйинга тайёрланаётган одам овлоқда нега ивирсиб юрибди, буни ўйлаб кўрмадингми?

– Ўйладим. У бизнинг келишимизни билган. Ким хабар берган, Жамолбек акангми?

– Ким бўларди! Сен латгалик қилиб, ёнини олдинг. Даббани аямасдан, ўрага кўмиб кетишимиз керак эди.

– Ўрага кўмсанг, бу ернинг изини топа олмас эдинг. Фимага нега хабар берган, бу қурумсоқдан қарзи бормикин?

– Билмайман, Бек акамиз «тўққиз қайтган» дедилар-ку, хунасаларнинг шунақа хурмача қилиғи бўлади. Қайтиб борганимизда тумруғини узиб олишимдан олдин сенга бир пасга бериб тураман, «нега? нега?» деган саволларингга жавоб олволасан. Унга-ча каллангни ишлат: Фиманинг ўрнида бўлганингда нима қилардинг?

– Унинг ўрнида нега мен бўлишим керак? Ўзинг бўлавер.

– Айёрликда аданг Фиманинг олдига тушмаса ҳам, ёнида тура олади. Сен эса ота ўғилсан.

– Адамни тинч қўй.

– Мен адангни мақтаяпман. Айёр одам ақлли бўлади. Сенам шахмат ўйнаганингда рақибингнинг камида бешта йўлини олдиндан ҳисоблаб қўясан-ку? Фиманинг катта ўйини қаерда бўлиши мумкин?

– Қиморбозларнинг қилиғини сен биласан.

– Биладан, шунинг учун менинг ишимга бурнингни тикма, – Ахтам шундай деб орқасига яна бир қараб олди-да, йўлида давом этди.

Тарзанга бу қўпол танбеҳ ёкмади, ғазабини чап томонига қараб «чирт» этиб тупуриш билан ифода этди. Гарчи, Жамшид Асадбекнинг: «Акаларингдан қайси бирига ўхшайди?» – деган саволига жавобан: «Маҳмуд акамга. Ўйламасдан бир иш қилмайди», деб таъриф берган бўлса-да, йигитнинг ўз оламлари учун бир оз хомлигини сезиб турарди. Тўғри, Тарзан фикрларди, лекин у зулм денгизининг сокин сатҳида оҳиста сузиб юрувчи кичик кемага ўхшарди. Қанчалик фикрламасин, бу денгизда «айсберг» аталмиш муз тоғлари борлигини, ҳар қандай катта кемани тоғнинг тепа қисми эмас, сув қаъридаги кўзга кўринмас баҳайбат муз қоялари парчалаб ташлашини ҳали яхши тасаввур қила олмасди. Ахтам эса сув ости кемасига ўхшарди – шайтанат денгизининг тўфонлари-ю гирдобларини яхши биларди. Энг қалтис шароитда ҳам шўнғиб, ҳужум қилишдан тап тортмасди. Тарзан буни биларди, билгани учун ҳам шеригининг хурмача қилиқларига чидарди. Мазкур топшириқни бажариш жараёнида ўзининг бу соҳада ҳали ожиз эканини ҳам сизди. Сизди-ю ич-этини еди, аммо сир бой бермади. Ахтам эса ўзининг нимага қодир эканини, Тарзаннинг эса заиф томонларини яхши биларди. Билгани учун ҳам уни бир-икки заҳарли гапи билан

тупрокка қориштириб ташлашдан тилини тиймасди. Ҳозирги гап Ҳалимжон олдида айтилгани учун, Тарзан қарши жавоб бергиси келса-да, мавриди эмаслигини фахмлаб, индамади. Тарзан индамагани билан, вужудини ғазаб ўти ялаб ўтганини Ҳалимжон сизди.

– Ўйинга тайёрланаётган бўлса, кўзимизни шамғалат қилиб кетиб қолиши мумкин. Пойлашимиз керак, – деди Ҳалимжон, уларнинг айтишувини узиб. – Кутиб олган йигитлар ҳам менга шубҳали кўринишди. Балки улар шу Фиманинг одамларидир? Бизни қопқонга туширишмоқчидир? Бу ёкка бошлашса, овсарга ўхшаб индамай келавердик.

Ҳалимжон Балабуханинг «аксирмай қўйгани»дан беҳабарлиги учун шундай деди. Асадбекнинг қанотига қирган икки йигитнинг нотаниш одамларга қўшилиб бу томон келавериши уни ажаблантирган, сирдан огоҳ бўлиш мақсадида бу шубҳасини баён қилган эди. Тарзан Асадбек яқинида юрган Ҳалимжонни бир-икки марта узоқдан кўрган эди. Ўзлари Асадбек қаноти остига киришгач, бу йигит анчагача кўринмовди. Сафарга ҳамроҳ бўлишидан ажабланганида Жамшид сергак бўлиш хусусида огоҳлантиргач, унинг вазифасини «керак пайтида ёрдами тегади, кўпни кўрган бу бола», деб мавҳум тарзда изоҳлаган эди. Ҳалимжоннинг ҳозирги асосиз гапи Ахтамнинг ғашини келтирган бўлса-да, ичида «ўзинг овсарсан!»деб қўйди-ю, жавоб бермади. Тарзан эса эътиборсиз тарзда:

– Қочмайди, қочса, фақат гўрга кириши мумкин, – деди.

– Амаким ҳали-бери гўрга кирмайди, – деди Ахтам.

– Бизни гўрга тикишга уриниб кўрармикин? – деди Тарзан.

– Йў-ўк, бунақа иш қўлидан келмайди. У нархини оширмоқчи. Балки пулимизни ютиб, уйимизга иштончан юборар?

– Унда нега таклифингга кўнмади? Фирромга мосланган карталари тайёр эмасмикин?

– Бунақа туллакнинг карталари милисанинг тўп-поначасидай ҳамиша тайёр туради.

– Ўйнаса ютиши аниқми? Қўлини кўрдинг-ку?

– Агар бармоқларимда «Қонли «туз»нинг ҳаракатларини сезган бўлса, ўйнашга юраги дов бермасов, бирон бошқа қилиқни ўйлаб топар. Икки-уч кун шу ернинг совуғини ейсан-у дод демайсан, чидайсан.

– Журъат қилса-чи? Ютишга чоғинг келадими? – Тарзан бояги кўполликнинг аламини олиш мавриди келди, деб ҳисоблаб, камситиш оҳангига ўтди: – Катта кетмаяпсанми, ўзингга ишонасанми?

Бу гапдан кейин Ахтам шарт тўхтаб, орқасига ўтирилди. Шеригининг мақсадини англаб, «Ҳозир тупроққа қориштириб ташловдим-ку, камлик қилдими, яна булғалайми?» дегандай, унга қошларини чимирганича тикилди. Кейин донишманд одамнинг салмоқли оҳангида сўради:

– Қиморда ўзига ишонганлар албатта ютқизади, нимагалигини биласанми?

– Мен қиморбоз эмасман.

– Қиморбоз бўлмасанг ҳам билиб ол, бу шахматингга ҳам тааллуқли: қиморда ўзига ишонганнинг албатта ютқизишига биринчи сабаб – ўзига ишонганлиги. Ўзига ишонмаган ҳам албатта ютқизади, бу иккинчи сабаб. Мен эсам ютқизмайман, чунки ўзимга ишонмаслигимга ишониб ўйнайман. Тушунмадингми?

Ахтам гапни қойил қилганидан мамнун бўлиб, айёрона жилмайди. Ҳалимжон «фалсафасига менам тушунмадим», дегандай Тарзанга қараб олди. Шеригининг феълени яхши билган Тарзан эса «қани, донолигингни охиригача етказавер-чи», деган каби унга қараб тураверди.

– Мен кучимга ишонмайман, ютишимга ишонаман. Иккаласининг фарқи бор. Куч – хоин, у албатта

алдайди. Ютишга ишонч эса алдамайди. Сен эса менинг ютишимга ҳеч қачон гумон қилма.

– Ахтам «истасам, кимор оламининг қироли бўлардим, лекин ҳаётдаги мақсадим бошқа, шу мақсадга етаман деб, сенга кўшилиб, пастлаб юрибман», демоқчи бўлди-ю, Ҳалимжоннинг олдида гапни кўпайтиргиси келмади. «Сен эса менинг ютишимга ҳеч қачон гумон қилма», деган гапни зарда билан айтди. Унинг аччиқланганини сезган Ҳалимжон кескинликнинг олдини олиш учун гапини бўлди:

– Ўн тўққизинчига келдик.

– Қанақа ўн тўққиз?

– «Азка-самогон»нинг уйи йигирмата хонадондан кейин эди, – деди Ҳалимжон сал нарида қорайиб турган ёғоч кулбага ишора қилиб.

– Шунақами? Сендақа сезгир йигитни энди кўришим. Бек акам қарашимга қараб туриб, менга «Сур» деб лақаб кўйган эдилар. Сеники «сезгир йигитча» эмасми? – Ахтам шундай дегач, рўпарадаги панжара-эшикни очиб: «Бабка!» деб бақирди. Ичкаридан жавоб бўлмагач, яна такрорлади. Тўртинчи чақиришида уй эшиги очилиб, пешайвонга бир кампир чиқиб келди.

– Бунча бақирасан, темирчининг боласимисан, нима бало! – деди Ахтамга норози қиёфада тикилиб.

– «Азка-самогон» сизмисиз?

– Азкани нима қиласан? – деди кампир сергакланиб.

– Бу атрофда энг зўр самогонни Азка ҳайдаркан, деб эшитдим.

– Бунақа аҳмоқона гапни кимдан эшитдинг?

– Фима айтди.

– Фима айтдимиз? – кампир шундай деб афтини буриштирди. – Самогоннинг фарқини у тулки қаердан биларкан? Азкага самогон ҳайдашни ким ўргатганини айтмадимиз?

– Шунисини айтмади у қари туллак, – деди Ахтам кампир томон юриб. – Лекин айтмаса ҳам биламан.

– Нимани биласан?

– Биринчиси – сиз «Азка-самогон» эмассиз. Иккинчиси, самогон ҳайдашни Азка сиздан ўрганган. Лекин шалтоқ бўлгани учун сассиқ самогонини ичиб бўлмайди. Бу атрофда энг зўр самогон фақат сизникида бўлади. Шунинг учун ҳам Худо бизни сизникига бошлаб келди.

– Ҳа-а... кўп нарсани биларкансан, сен қоравой, – деди кампир мамнун ҳолда.

– Фақат исмингизни билмайман, бувижон, – деди Ахтам меҳрибон набира овози билан. Бу оҳанг кампирни эритиб юборди.

– Бабка Нюра дейишади, сен «бувижон» деявер, неварамга ўхшаб ширин гапираркансан. Қанча қуйиб берай?

– Бувижон, биз кўпчиликмиз. Уйингизда ётиб қолишимиз ҳам мумкин. Ҳақини яхши тўлаймиз.

– Ётиб қолишларинг мумкинмас. Бегоналарни уйга қўймайман.

– Қўрқманг, бизнинг ёмонлигимиз йўқ. Неварангиз уйдами?

– Неварамми? – кампир йиғламсираб бурнини билагига артди. – Неварам уч ой олдин самогондан бўкиб ўлган. Шунга қуйганимдан менам ичаман.

– Ичганингиз яхши, бувижон.

– Нимаси яхши?

– Худо уч тоифани яхши кўришини билмайсизми?

– Доно бўлсанг, ўзинг айтавер.

– Худо болаларни, аҳмоқларни ва майпарастрларни яхши кўради. Сиз бола эмассиз, аҳмоқ ҳам эмассиз, демак, сизни яхши кўради. Нима қилайлик, кираверайликми?

Ахтамнинг юмшоқ оҳангдаги бу аврашлари ҳам қайсар кампирни эрита олмади:



– Бегоналарни қўймайман, – деди яна катъий тарзда.

– Бу ишингиз ҳам тўғри, шалтоқ бўлса ҳам Азканикида ётаверамиз.

Ахтам шундай деб орқасига ўтирилган эди, кампир уни тўхтатди.

– Майли, кирларинг. Қанча ичсаларинг – ичларинг, ётсаларинг – ётларинг, фақат қиз бошлаб келмайсанлар.

– Нима деяпсиз! – деди Ахтам кулиб. – Бу атрофда қиз зоти борми ўзи?!

Тарзан билан Ҳалимжон ҳовлига киришганда кўчада уларни кузатиб келган «Тойота» кўринди. Ахтам изига қайтди. Машинадан тушган йигит «иима қиламиз?» деган маънода унга савол назари билан қаради.

– Иш пишмади, – деди Ахтам. – Бугунча шу ерда қоламиз.

– Биз четроқда пойлаймиз, – деди йигит.

– Беркинишнинг фойдаси йўқ. У тулки ҳаммасини билиб ётибди. Биз билан ўтираверинглар. Наригиларни ҳам чақир.

– Куённинг расмини чизиб, қочиб қолса-чи?

– Қочмайди. Бир халта пулни ташлаб қочадиган аҳмоқ рабиновичлар орасида ҳали туғилмаган.

– Иккитасини пойлоқчиликка қолдираман.

– Хоҳишинг. Фақат иккала машина шу ерда турсин.

Кутиб олган йигитларнинг учтаси уйга кириб, ўтиргач, кампир Ахтамни имлаб чақириб, ҳисоб-китоб қилиб олиши лозимлигини айтди. Ахтам саккизта йигирма бешталикни санаб бергач, чехраси очилиб, оёқ-қўли ҳам чакқон бўлиб қолди. Биринчи галда беш литрли шиша идишда тўла самогонни олиб кириб, стол ўртасига қўйди. Кетидан чўчка ёғи, кейин нон билан пиёз кирди.

– Машинада коньяк, колбаса бор, олиб келсин-

ми? – мезбон йигит шундай деб лойқа сувни эслатувчи самогонга афтини буриштириб қараб қўйди.

– Кампир ранжийди, – деди Ахтам, унинг шаштини қайтариб. – Биз ичмаймиз. Ичгинг келса ич, бўлмаса, буни қуритиш йўлини топ.

– Қанақасига қуритаман?

– Ана, дераза очик турибди. Дарахтлар ҳам бир маза қилсин. Беш литр самогонга дарахтнинг кайфи ошиб, кийшайиб қолмас-а? – Ахтам шундай деб кулди-да, кўзини қисиб қўйди. – Лекин худди ичиб маст бўлгандай бакириб, сўкишиб ўтиришимиз керак. Фақат онадан сўкмаларинг, бунақаси бизга ёкмайди.

Эҳтиёт чорасини кўриш ўрнига хужум қилишни, ҳар қандай ғанимни янчиб ташлашни афзал билувчи бу йигит Ахтамнинг мақсадини англаб, кўнглида норозилик ҳисси уйғонса-да, гапни кўпайтирмади. Билаги кучга тўла, аммо қалби меҳр-шафқатдан, ақли эса фикрлашдан холи йигит учун бу ерда қанақа ҳолатда ўтиришнинг мутлақо фарқи йўқ. Унинг учун бир томон ғаним, душмани ким эканлигининг эса фарқи йўқ. Хўжайини «Ўзбекистондан келганларнинг хизматини қиласан, ўлдир деганини ўлдирасан, кулдир, деганини кулдирасан», дедими, бас, бошқа нарсани ўйлашига ҳожат ҳам йўқ. Худо уни «Ўзбекистондан келаётганлар ким ўзи, мақсадлари нима, уларга ёкмаган одамни нега мен ўлдиришим керак?» деган ташвишли ўйлардан холи қилиб қўйган. Агар Балабуха «Ўзбекистондан келганларни аэропортда эҳтиром билан кутиб олгин-у, ўрмон йўлига чиққач терисини шилиб олиб, жасадини Олтойнинг ботқоғига чўктириб юбор», деганида «Бу бечораларнинг айби нима?» деб ўтирмай, вазифани бажаришга енг шимарган бўларди. Хўжайини унинг ихтиёрини меҳмонлар измига бердими, улар нима деса, бўйсунушга мажбур: «дарахтни самогон билан суғор», дедими, суғоради. «Одам қони билан суғор», деса – бу ҳам мураккаб вазифа эмас. Бунақа топшириқни бажараётганида қўли

қалтирамаслиги аниқ, «менинг қоним ҳам эртами-кечми қайсидир дарахт ёки кўкатни суғорар», деган фикрдан ғоят узоқ эканлиги ҳам аниқ. «Мен ҳам кимдандир зулм кўрарман, мени ҳам кимдир азоблаб ўлдирар», деган ҳақиқатни англаса, бу йўлидан қайтармиди? Худо билади! Ҳозир биров келиб «Искирт бир кулбада ўз кучингга маҳлиё бўлиб керилиб ўтирибсан, яқин кунларда Моргаш худди ўзингга ўхшаган бераҳм одамларини Томскка юборади. Улар Балабухага қўшиб сенинг жонингни ҳам суғуриб олишади. Жасадинг ахлатхонада ириб-чириб кетади. Номинг милиция хужжатларида «бедарак йўқолган», деб қайд этилади, сен учун қайғурадиган тирик жон топилмайди», деса-чи? Ишонадими бу гапларга ёки хабар етказган одамни жиннига чиқариб, орқасига бир-икки тепадими?

Киши ҳар бир иши учун Қиёматда жавоб беражagini, шунинг баробаринда охиратда кутаётган азобларни ҳар нафасида ҳис қилиб турсагина зулм йўлидан қайтиши мумкин. Дунё ҳаётини иймон эмас, шайтоний қувват бошқаришига ишониб яшаётган кишида бундай ҳис бўлмайди, демак, ҳисоб кўркуви ҳам унга бегона.

Синов дунёсидаги ягона суянчиғи – набираси майхўрликдан бўкиб ўлган майхўр кампирнинг ярим хароб, шалтоқ кулбасидан вақтинча қўним топганларнинг бошини ана шу бегоналик қовуштириб турарди. Бу иркит кулбага бузилган муҳитнинг заҳарли тухумлари айни мос эди. Буларнинг онгини зулм тузоқлари ўраб олган бўлса, нажот бормикин?

Даврага ўзининг бегоналигини сездириб қўймаслик учун Ҳалимжон ҳеч бир гапга, ҳеч бир ҳаракатга муносабатини билдирмай, хожасининг амрига маҳтал ижрочи кўринишида ўтирди. Остонадан ичкари қадам босишидаёқ димоғига урилган қўланса ҳиддан кўнгли айниса ҳам, сир бой бермай, чидади. Бошқаларнинг димоғи беркмиди ё бунақа жойларда кўп бўлганлари

учун ўрганиб кетишганмиди, ҳар ҳолда биронтасининг башарасида ирганиш аломати сезилмади. Фақат Тарзаннинг афти бир оз буришди-ю, кейин унинг ҳам бошқалардан фарқи қолмади. Бир боғдан, бир тоғдан келиб тинмай гапирётган Ахтамнинг гапларини диққат билан эшитаётгандай кўриниш бериб жимгина ўтирган Ҳалимжон ис босган уйни аста кузатди. Ўтирган жойидан икки қадам нарида, печ ёнида теппасига газета парчаси ташланган эски челаққа кўзи тушганда сассиқ хид қаердан таралаётганини фаҳмлаб, кўнгли баттар айниди. Фикрини чалғитиш учун бошини бурди. Югурик нигоҳи уй бурчагини эгаллаган ўргимчак уясида тўхтади. Бурчакдан кўпдан бери ис олинмагани учун ўргимчак тўрини бемалол ёйиб, баҳузур ўрнашиб олган эди. Тўрининг пастки қисмида кимир этмай турган ўргимчакнинг қорни тўкмиди ё кўпроқ ўлжа тушишини пойлаётганмиди, ҳар ҳолда домига илиниб, жон талвасасида, типирчилаётган пашшага эътибор қилмаётганди. Ҳалимжон бу манзарани диққат билан кузата туриб, отасидан эшитган ҳикматни эслади:

Ўргимчак кулф тирқишига жойлашиб, темир саройга эга бўлдим, деб қувонибди. Тирқишдан мўралаб, режа туза бошлабди: «зинапоялар орасига тўр ташлаб, пашшаларнинг додини бераман. Анави бурчакка тўрларимни тортиб, семиз-семиз чивинларни тутаман, остонага тўр ташласам, майда куртлар ҳам илинади...» ўргимчак ўз режасидан маст бўлиб турганида оёқ товушлари эшитилибди. Уй эгаси келиб, кулфга калит солибди-ю хаёлпарастни эзгилаб юборибди...

Асадбекнинг қаноти остида яқинда пайдо бўлган бу икки йигитни Ҳалимжон ўша нодон ўргимчакка ўхшатди. У янги шерикларининг қандай тақдир сўқмоқларидан ўтиб келишганини билмас эди. Жамшид «булар ҳали ғўрроқ, кўз-қулоқ бўлиб тур», деб тайинлашдан нарига ўтмаганди. Йўлда келишаётганда қисқа суҳбатлардан фаҳмлагани – Ахтам дегани

дўстига нисбатан ҳам ақллироқ, ҳам шафқатсизроқ. Ахтамнинг кўпни кўрганлардан экани, ғоят сезгир, ғоят эҳтиёткорлигини сезгани учун ҳам «ақллироқ» деган тўхтамга келган эди.

Ахтам туғилганида барча тубанликлар, ҳамма фитна-фасодлардан йироқда эдими? Фитрати соф ва гўзал эдими? Разилликларнинг турфа иллатлари унга кейин ёпишдими? Онаси раҳмида эканида ташқаридаги шафқатсизликлар она ҳасратига кўшилиб, она қони билан унга ўтмадими, валлоҳи аълам?! Ҳалимжон буни билмайди, ҳеч қачон билолмайди. У янги шерикларининг ботинига қараш имконидан маҳрум, фақат зоҳирлари ва яқин орада қиладиган ишларига қарабгина бир хулоса чиқара олади.

Уларнинг зиёфати авжига чиққанда кампир Ахтамни имлаб чақирди-да: «ўтиришларинг қизимаяпти, яхши қизлар бор», деди. Ахтам яна йигирма беш сўмликнинг баҳридан ўтиб: «чақиринг», деди. Кейин ўнталикни чиқариб, маънодор оҳангда:

– Ертўлангиздан каламушларнинг овози келяпти, кўпми? – деб сўради.

Кампир саволга тушунди-ю, бу сахий йигитнинг яна пул чиқаришдан мақсади нима эканлигини англамади.

– Ҳамма ёқни каламуш босиб кетган, нима эди? – деб сўради ажабланиб.

– Учта каламуш керак менга. Учта халтачага солиб беринг.

– Нима қиласан?

– Пулни олинг-у, суриштирманг. Икки соатдан кейин тайёр бўлсин.

– Учта каламушга ўн сўминг кам, – деди кампир пулдан кўз узмай. Аслида шу пулга ҳам рози эди. Ертўлага сиғмай, уйда ҳам изғийвериб, жонига теккан каламушларнинг учтасини ушлаб бериш унга қийин эканми? Тўтидан бўшаб қолган қафасга данакдек чўчка ёғи ташлаб қўйса, кифоя. Бироқ, боболари

«иштаҳа таомланиш пайтида очилади», деганларидек, пулни кўрган сайин кўзи очлик чўғидан ёнаверди. Бу чўғ «ҳар бир каламушга ўн сўмдан бераман», деган ваъдадан кейин ҳам сўнмади.

Кампир айтган «қиз»лар ҳаяллашмади. Ёшлари қирқни қоралаган, Худо ҳусну қомат улашганда лаллайиб қолган уч бақалок «қиз» кириб келиб, барчаларининг таъбларини тирриқ қилди. Тарзан Ахтамга ғазаб билан тикилди. «Бу энг азиз меҳмонларга аталган Фима амакимизнинг совғаси, – деди Ахтам унга шивирлаб. – Иккитаси Ҳалимга, биттаси сенга, танлаб ол».

Мезбон йигит кўнгли айнигандай афтини буриштириб, Ахтамга «Бу қари товукларни йўқотиш керак», деган эди, «асло! Энди дарахтнинг ўрнига буларни суғорасан. Ярим соатда, кулатишинг керак», деган вазифани олиб, учта алюмин кружкани лиммо-лим қилиб тўлдирди.

– Бизга етиб оллариинг, кеч келганларинг учун бу сенларга жарима! – деб узатди.

«Қиз»лар ноз қилиб ўтиришмади, аксинча, хурсандлик билан олиб кўтаришди. Учинчи «жарима»дан кейин чайқалиб қолишди. Ахтамнинг топшириғи шу зайлда тез бажарилиб, Тарзан билан Ҳалимжон ноҳуш маишатдан кутулиб қолдилар. Учта каламушни учта халтачага жойлаб, ўз ишидан ўзи мамнун бўлган кампир «маишат» бўлаётган хонага кирди-ю, саржин каби тахлаб қўйилган «қиз»ларини кўриб, чўчиб тушди. У «қиз»ларнинг аҳволидан эмас, сахий йигитнинг «қизларинг вазифасини бажармади, пулни қайтар», деб қолишидан кўрқди. Ахтамга яқинлашиб, «каламушлар тайёр», деб шивирлади.

– Буларингиз ҳам тайёр, – деди Ахтам «қиз»ларга ишора қилиб. Кейин кампирнинг ҳадигини сезиб: – Кўркманг, мен пулини қайтиб оладиган номард эмасман, яхши хизмат қиляпсиз, – деб тинчитди-да янги вазифа берди: – Энди Азка-самогонникига чиқиб,

«Фиманинг меҳмонлари очофат экан, сувдай ичиб ташлашяпти, тўйдиролмаяпман», деб, бир бутил самогон олиб чиқинг.

– Уникини нима қиласан, ўзимда бор-ку? – деди кампир норози бўлиб.

– Уникидан ҳам ичиб кўрмасак, Фима амаким ранжийдилар.

Кампир Ахтамнинг гапларини тушунмади. Гўё унинг мақсади юзига ёзиб қўйилган-у, ўқимокқа қасд қилгандай, тикилди-да: «Сен болада бир шумлик бор», – деб минғирлади.

– Шумлик йўқ, мен шўх боламан, ошналаримга бир ҳазил қилиб қўймоқчиман, – деди Ахтам кулимсираб.

Кампир бу сахий йигитнинг шўхлиги ва ҳазилига ишонмаса ҳам, топшириғини бажарди. Ярим кечада Ахтам шерикларига бўлажак вазифаларни тушунтиргач, ўринларидан кўзғалишди.

Фиманинг икки соқчисини тинчитиш Балабуханинг йигитларига қийин бўлмади. Ахтам уйга кириб чирокни ёқди. Фима уйғоқ, оқ қўлқопи ечилган, панжаларини стол устига ёйилган картага қўйганича ҳаракатсиз ўтирарди. Чирок ёқилгандан кейин ҳам қимирламади. Фақат «келишингни билар эдим», дегандай Ахтамга илкис қараб қўйди.

– Зерикаётганингизни билиб, қайта қолдим, – деди Ахтам унинг рўпарасига ўтириб. – Қимор ярим кечада қизиганда жоним роҳатланарди, шуни кўмсадим.

– Йигитларга тегмасаларинг ҳам бўларди, улар безарар, – деди Фима унга қовоқ уюб қараб.

– Тўғри айтдингиз, буларингиз молнинг тагини тозалашдан бошқага ярамас экан. Сиз эътиборли, кўзга яқин одамсиз, укувли болалардан топишингиз керак.

Фима Ахтамнинг гапига эътибор бермай, унга қаттиқ тикилди:

– Бу уйни деярли ҳеч ким билмас эди, қандай ис олдиларинг?

Ахтам мезбоннинг тикилишига жавобан, унга сурнигоҳини қадади-да саволга савол билан жавоб берди:

– Келишимизни қаердан билдингиз, Жамол айтди-ми?

– Билиб туриб нега сўраяпсан? «Ўқ илон»нинг бу атрофларда қанақа одамлари бор?

– Билмайман, билганда ҳам айтмас эдим. Ўйинни давом эттираммизми?

– Қанақа ўйин?

– Кундузи кўз-кўзга тушиши билан ўйинни бошлаган эдик, – Ахтам нигоҳини Фимадан узмаганича ёйилган карталарни бир-бир тахлай бошлади. – Сизга тушунмадим, ўйинингизни ғирром, демайман, лекин бунчалик кўрқиб, бунчалик синаш сизга ярашмайди.

– Кўрққан ким, менми ё сенми? «Азка-самогон»га атай юборди, захарлаб ўлдиради», деб кўрқиб, Ньюканикига кирмадингми?

– Захарлаб ўлдиришдан осони йўқ, кишлокиларга беш сўм-беш сўмдан бериб, ҳаммасини кўтарасизга сотиб олишингиз қийин эмас. Лекин сиз қотил эмассиз, киморбозсиз.

– Сенам киморбозмисан? Унда бу қилигинг нима-си?

– Мен собиқ киморбозман. Пул ютиб олиш кейинги пайтда менга хузур бермай қўйди. Бир қоп пул ютсам ҳам кўнглим равшанлашмади. Мен ёлғиз бўлсам, шунча пулни нима қиламан? Менга кўнгил қувончи керак.

– Топдингми ўша қувончни?

– Топдим! Бир одам титкилаб-тиришиб, пул топади, бойлик тўплайди. Қайсидир кечаси мацца килиб ётганда мен кириб бораман. Титрайди-қақшайди, дод солади. Мен пулларини жонини суғуриб олгандай тортиб оламан. Менга унинг пули керакмас, пул учун ўлишини томоша қилиш роҳатли. Охирги пулни юткизиб, титроққа тушган одамни кўрганда ўзингиз ҳам роҳатланасиз, тўғрими?



Фима бу гапни эшитиб, чакирилмаган меҳмонига бойкуш қараши билан қаради. Нопоклик, ғирром, бераҳмлиқ ортида фожаија ётганини қайси қиморбоз билмайди? Умри шоми қайғу ва алам булути остида ўтажагини-чи? Қайғу ва алам булутидан куйдирувчи ажал ёмғири ёғишини-чи? Фима ҳозир буларни ўйламади, унинг фикри безбетлардан осон қутулиш йўлини излаб топиш билан банд эди. Бир неча нафаслик сукутдан кейин у тилга кирди:

– Сен эса номардлик қилиб, қиморда ютганнинг шўрини қуритасан?

– Йўқ, қиморбозга тегмайман, менга ресторан ёки универмаг директори ҳам бўлаверади. Қиморбозлик тубан ишга айланиб қолди. Милисадан кўрқиб, ҳали у овлоқда, ҳали бу овлоқда биқиниб карта суриш жонингизга тегмадими? Тўрт-беш сўм ютсангиз, ўғрилар қўлига тушмай, деб қакшаб юрасиз. Ҳали ҳам кеч эмас, мен танлаган йўлга ўта қолинг. Қиморбозлик гуноҳ деб эшитдим, ташланг шу хунарни.

– Отанг онанга қўшилаётган дамда тўшакнинг бир четини кўтариб, ўзинг ўргатиб турган бўлсанг керак-а? – деди Фима заҳарли жилмайиб. – Қиморбозлик гуноҳ бўлса, бировнинг молини тортиб олиш нима бўлади?

– Бировнинг молини тортиб олиш гуноҳ эмас, роҳат бўлади. Худо биз учун тўплатиб қўйган бу молни. Агар вақтида тортиб олмасак, Худо ранжийди.

– Китоб ўқиб турасанми?

Ахтам бундай саволни кутмаган эди. Дарҳақиқат, уларнинг олди-бердисига китобнинг нима алоқаси бор? Ахтам Фиманинг юзига тикилгани билан, ундан бир маъно уқиб ололмай, жавобни қисқа қилди:

– Бекорчи вақтим йўқ.

– Ўрисларнинг «Ақллилик балоси» деган китоби бор. Ўшани ўқи, ўз ақлинг эртами-индинми сени балога учратиб, барибир гўрга тикади. – Бу гап ҳукмга айланиб, рўпарасидаги сурбет йигит ҳозирнинг ўзидаёқ ажал топгандек туюлди-ю, Фима мамнун ил-

жайганича кўшиб қўйди: – Ёшлигида ўлиб кетганларга жуда-жуда раҳмим келади-да...

Бунақа киноя Ҳалимжонга ёки Тарзанга салгина таъсир қилиб, кўнглини озгина ғашлантириши мумкин эди. Асадбек қанотига киргунича «мурда» бўлиб юриб, энди «сур»га айланган йигитга қилча таъсир этмади. «Аччиқни аччиқ кесади», деганларидек, пичингни пичинг қиличи билан урди:

– «Ақллилик балоси» дедингизми? Зўр-ку! – деб хитоб қилди, кейин таъкид этди: – Ростданам зўр гап! Менинг ақлим – бошқалар учун бало! Бунга ишонмасангиз, энди карталарни очамиз: биринчиси, Азканикига ё Нюрканикигами ё бошқа шалтоқникигами киришимизнинг сиз учун фарқи йўқ эди. Агар шуни тушунмасам, аҳмоқлигим бошимга бало бўларди. Ўзингизнинг кўнглингизни овлаб юрувчи учта офатижонни юборибсиз, «кўриб кўнгли айнир, Нюркадан пулини қайтиб олар», деб ўйлаган бўлсангиз, хато қилибсиз. Биздай довдирларга номи хотин бўлса бас, бўлаверади. Сиз фақат бир нарсани кутмаган эдингиз, шунга бошингиз гаранг, сўрамоқчисиз-у тилингиз бормаяпти.

– Очиқ ўйинни бошладингми, энди гапни чўзма.

– Хўп, гапни чўзмасам, чўзмадим. Мен ўқиган китобларда «пачакилашиш» деган сўз йўқ. Сиз боятдан бери учта каламушга хайрон бўляпсиз.

– Хўш?

– Сизнинг каламушингиз ҳам табаррук, унинг ҳам ўз вазифаси бор. Хафа бўлманг-у бунчалик паст кетишингизни кутмаган эдим. Шахматдаги энг пачоқ юришни танлаб, болаларча мот бўлишимизни истадингизми? Шу йўл билан нархини оширмоқчи бўлган одамни сизларнинг тилингизда «аҳмоқ» дейдими?

– Нима деб валдираяпсан?

– Ўйинда ютқиздингиз, деб валдираяпман, – Ахтам ундан нигоҳини узиб, остонада турган Тарзанга ўгирилди: – Алёшкани олиб кир, бир отамлашайлик.

Тарзан эшикни очиб имлаб кўйган эди, буйрукка махтал турган Ҳалимжон Алёшканинг гарданидан тутиб, ичкарига олиб кирди. Қўллари орқасига қайрилиб боғланган йигит остона ҳатлагач, заифлиги учун хўжайинидан уялгандай бошини эгиб олди.

– Алёшка, азизим! – деди Ахтам у томон юриб. – Кундузи бизни кутиб олганингда димоғингдан қурт ёғилаётган эди-я! Бир тепкилик ҳолинг бор экан-ку, сўтак! Бизнинг тарбиямизни олувдинг, бип-бинойи одобли йигитга айландинг. Хўжайининг қариб, склероз бўлиб қолибди, мияси айниб, ҳеч нарсани эслай олмаяпти. Бир оғиз гапинг билан унга ёрдам бериб юборсанг, биз безовта қилганимиз учун узр сўраймиз-у, қорамизни ўчираемиз. Кеча эрталаб келганларингдан кейин учта болани қаерга яширдиларинг?

Йигит хўжайинига кўркув билан бир қараб олди-ю яна бошини эгди. Хавотирини яширмоққа уринаётган Фима уларга кўз остидан қаради.

– Алёшка, мен бир марта сўрашга ўрганганман. Ҳурматингни қилиб, майли, яна сўрайман: болалар қани?

– Қанақа бола? Ҳеч нарсани билмайман.

– Тарзан, сен ҳамиша ишни чала қиласан! Бу боланинг тарбияси ҳам чала бўлибди. Камчилигингни тез тўғрила.

Тарзан шу буйруқни кутиб турган эди. Чўнтагидан чилвир чиқариб йигитнинг аввал чап, сўнг ўнг сонини шими устидан боғлади. «Тарбия»нинг қандай азобдан иборат эканини билолмаган йигит бир хўжайинига, бир Ахтамга жавдираб қаради. Ахтам эса Ҳалимжон узатган халтачани олиб, йигитнинг тумшугига тутди.

– Эшитишимча, сен маишатни яхши кўрар экансан. Хўжайининг учта парисини бизга тортиқ қилиб юборган эди, уларни сеҳр қилиб, каламушга айлантирдиг-у, биттасини сенга атадик. Ҳозир каламушни иштонинг ичига ташлайман. Олтой каламушлари сендақа галварсларни ғажишни яхши кўрармиш. Нозик жойингга

қаноат қилмаса, буйрагингга ўтар, жигарингга ўтар... Миянгга етиб боргунича, эслаб коларсан болалар қаердалигини.

Ахтам шундай деб халгача оғзини очди-да, типирчилаётган каламушни йигитнинг шими ичига ташлади. Қўрқув исканжасидаги йигитнинг бақириб юбориши учун каламушнинг типирчилаши кифоя қилди. Каламушнинг тиши ишга тушиб, Алёшка талвасани бошлаганида Ахтам имлаган эди, иккинчи йигитни ҳам олиб кирдилар.

– Шеригинг болаларни қаерга яширганини эслай олмаяпти. Иштонига каламуш қамалиб қолганмиш, қизик, а? – Ахтам гапани тугатмай, бу йигитнинг ҳам икки сони чилвир билан боғланди. – Шундай қилмасак, каламуш иштонингдан пастга тушиб қочиб қолиши мумкин, – деди Ахтам ишшайиб. – Айтасанми, ё каламуш билан маишат қиласанми?

– Нимани айтаман? Ҳеч нарсани билмайман.

Ахтам гапни кўпайтирмай, узатилган иккинчи халта оғзини тезлик билан очиб, шими ичига ташлади-да, орқасига ўтирилди:

– Фима, учинчи каламуш сенга аталган. Нима қилсин, олиб кирсинми?

Ахтам сенсирашга ўтмаса ҳам, пичоқ бориб, суякка тақалган эди. Фима бармоқларини авайлаши шартлигини ҳам унутиб, столни кафти билан қарсиллатиб урди-да, ўрнидан шарт туриб:

– Тўхтат, томошангни! – деб бақирди.

– Фима, томошанинг тўхташи менга эмас, сенга боғлиқ, – деди Ахтам совуққонлик билан. Кейин меҳрибонлик билан кўшиб кўйди: – Фимушка, биз бир дунёнинг одамларимиз, бир-биримизни севишимиз керак.

– Сени ажал севсин...

Фима пастки лабини тишлади, кейин оғриққа чидамай, тили билан ялади. Бу йигитларни олдинроқ кўчада учратиб қолса, аҳамият бермай, «ҳа, иккита

мишики сўтак-да», деб ўтиб кетаверган бўларди. Буларни панжарали эшиги ортида кўрганида «Жамолбек ваҳима қилган «жон олғувчилар» шуларми?» деб менсимаган эди. Ҳатто бу хабар учун ваъда қилгани мукофотдан воз ҳам кечганди. У «жон олғувчилар»нинг турли тоифасини кўрган. Бу майдонда от суриб юрганлар билан тил топишиш осонроқ, лекин эшакнинг думига осилиб юрганларга гап тушунтириш қийин. Назар-писандга арзимайдиган бу сўтакларнинг кўзлари фақат жон талаб қилгандай хунук боқади. Тилидан бол томади-ю, нигоҳи эса қонсираган. Сўтак кўринишидаги йигит энди йирткич ҳайвон ваҳшатида намоён бўла бошлаган эди. Фима Азроилнинг бу жи-янларига қарай туриб, «Эй Мусо! Ҳассангни ташлаб денгизни иккига ажратганинда «Эй Худо, Фи-мага мана бунақа газандаларни рўпара қилма», деб сўрасанг бўлмасмиди!» деб ўзининг пайғамбарига ди-лида даъво қилди.

Каламушнинг иштаҳаси очилиб кетдими, Алёшка оғриққа чидолмай йиқилиб, типирчилай бошлади.

– Тўхтат! Айтаман! – Фима йигитлари томон қадам ташламоқчи эди, Ахтам «аввал айт» дегандай унинг йўлини тўсди.

– Нариги хонадаги гиламни кўтарсаларинг ертўлага йўл бор, – деди Фима ҳансираб. У кўрқувдан ҳансирай бошладими ё ғазабданми, билиш қийин, зо-тан, меҳмонлар учун бу аҳамиятсиз эди.

– Шу оппа-осон ишни бунчалик мураккаблашти-риб, бошоғриқ қилишинг шартмиди! Алёшкангнинг тухуми қуришига бир баҳя қолди-я! Тарзан, тарбия-вий соатингга танаффус бериб тур.

Ахтам шундай деб қўшни хонага чиқди. Ҳалимжон гиламни кўтариб, ертўла оғзини ёпиб турган қопқокни очди. Тепадан тушган чироқ нурида ертўла ғира-шира ёришса-да, бурчакда ғужанак бўлиб ўтирган болалар-дан садо чиқмади. Оталари ўлиб, оналари қамокқа

тушганидан кейин сотилувчи матоҳга айлантирилган болалар яна қандай балоларга мубтало бўлишларини билмай, зах ертўланинг совуғидан эмас, кўркувдан титрашарди.

– Болажонлар, биздан кўркманглар, – деди Ҳалимжон пастга тушар экан. – Фурқат, Норхол, эшитяпсанларми, бизни ойижонинг юборди.

Ҳалимжон ҳеч нарсадан кўркмасди. Ҳатто Красноярда лўтгибозлар кўлига тушиб, вақтинчалик камокхонада ўтирганда ҳам, терговчининг тепкиларидан суяклари зирқираганда ҳам ўз тақдиридан кўркмаган эди. Нимкоронғи ертўла бурчагида қунишиб ўтирган болаларни кўриб, кўрқиб кетди. Уларнинг қисматидан дахшатга тушди...

Ўтган узоқ вақт ичида кенжа қизча ўзбекчани эсдан чиқарган, катталари унутишмаган бўлишса-да, меҳрибон оҳангда айтилган гап уларга ғалати туюлиб, қулоқларига ишонишмай, жойларидан жилмай ўтиравиришди.

Болалар шафқат тилаган кўзлари билан мўлтиллаб, Ҳалимжоннинг қалбини поралаб ташлашди. Болаларни ютиб олган Фимани, ҳатто қутқариш учун келган шерикларини ҳам тепкилаб-тепкилаб ташлагиси келди. «Болаларнинг ҳар бир оҳи учун бу газандаларнинг кўзларини ўйиб олиш керак, гўдакларнинг кўзларидан томган ҳар томчи ёшни чўкка айлантириб, буларнинг яланғоч кўкракларига оловли дўл қилиб ёғдириш керак!» – бу Ҳалимжоннинг қалбида туғилиб, тилига чиқолмаган нидоси эди.

– Фурқат, – деб каттасига мурожаат қилди, – Фазлия опанинг ўғлимисан? Ойинг юборганига ишонмаяпсанми? Фима амакин «ёмон одамлар келишди», деб кўрқитганга ўхшайди, а? Туринглар, уйингизга кетамиз.

Пастга эгилиб қараган Ахтам болаларнинг аҳволини кўриб, ғазабдан титраб кетди. Фимани булғалаб, тепкилаб ташлагиси келди. Аммо «қонли из қолдириш

мумкинмас», деган вазифаси борлигини эслаб, ўзини тутди.

– Фуркат, – деди у, – аканг алдаётгани йўк, чиқа қолинглар. Фима амакинг ҳам рухсат берди.

Ҳалимжоннинг меҳрибон оҳанги эмас, Ахтамнинг гувоҳлиги ҳам эмас, Фима амакисининг рухсат берганлиги хусусидаги хабар таъсир қилиб, аввал Фуркат, кейин Норхол ўрнидан кўзгалди. Қизчалар акаларининг икки қўлига ёпишганларича эргашдилар. Ҳалимжон уларни худди туғишган акасидай бир-бир кучоқлаб, пешоналаридан ўпиб қўйиб, нарвондан юқорига кўтарилишларига ёрдам берди. Ахтам болаларга ачинган эди, бироқ, меҳр-шафқатга бегона бўлгани учун уларни Ҳалимжон каби кучиб, ўпмади. Уларга бошдан-оёқ разм солди: кўрқишлари ҳисобга олинмаганда болаларнинг ранг-рўйлари, кийим-бошлари ёмон эмасди. Нималар бўлаётганига тушунмаётган кизча кўғирчоғини бағрига босганича Ахтамга жавдираб қараб тураверди. Унинг бу жавдирашида ўзининг эмас, кўғирчоғининг тақдиридан хавотирланиш зоҳир эди. Акаси билан опаси эса «бошимизга қандай бало ёғиларкин?» дегандай нажот кўзи билан мўлтиллаб қарашди. Ахтамга бундай қараш бегона эмас, болалар уйида ҳам, кейинчалик болалар қамоқхонасида ҳам бундай нигоҳларни кўравериб, дийдаси қотиб кетган.

– Совқотдиларингми? Ҳозир кетамиз, ойинг соғинибди, – деди Ахтам Фуркатга, кейин Ҳалимжонга «шу ерда тура турларинг», деб катта хонага чиқди. Алёшка каламушдан кутулган бўлса-да, ҳали ҳам ўрнидан турмай, инграб ётарди. Шериги эса дум тушиб ўтириб олганди. Ахтам остона ҳатлаб ичкари кириши билан Фима:

– Буларни тез дўхтирга олиб бориш керак, – деди ғазабли буйруқ оҳангида.

– Кетганимиздан кейин дўхтирга кўрсатасанми, гўрковгами, ўзинг биласан, – Ахтам совуқ овозда шун-

дай дегач, Балабуханинг йигитларига имлаб кўйган эди, икковини судраб олиб чиқиб кетишди.

– Кетишга шошилма, ҳисоб-китобимиз тугамади, – деди Фима жойига қайтиб.

– Қанақа ҳисоб-китоб? Эсинг жойидами, Фима? Каламушга ем бўлмаганларингга қувонсанг-чи! Эртага милиса қоқ суякларингни кўриб ачинадими ё каламушларни тутиб, «Иш» очадими?

– Учта муттаҳам камайгани учун милиса каламушларга раҳматнома эълон қилади, – деди Тарзан, шеригини қувватлаб.

– Ана, эшитдингми! Тарзан билиб гапиради. Афсуски, хўжайинимнинг тантилиги бор, «курумсоқнинг ҳақини берларинг», деб тайинлаган. Мен буйруқни буза олмайман. Пулни олгин-у, жим ўтиравер. Аслида болаларни шунча ушлаб турганинг учун онасига сен товон тўлашинг керак эди.

– Болаларни кўрдинг, ёмон қарабманми? Ўзимнинг боламдай парвариш қилдим. Сен Жамол ютқизган пул билан, овқат пули олиб келибсан. Тарбия қилганимчи?

– Қанақа тарбия?

– Мен уларни ўйинга ўргатдим. Нега ҳеч кимга бериб юбормаганимни айтайми? Уларнинг томирларида зўр ўйинчининг қони оқяпти.

– Аравани курук олиб қочаверма! Отаси пачоқ ўйинчи бўлган.

– Отаси пачоқ бўлгандир, менга бунинг аҳамияти йўқ. Лекин учови эрта-индин қимор оламини остин-устун қилиб юборади. Менинг келажагимни шулар беришади. Ўзимнинг болаларим йўқ, бериб юборсам, келажагим нима бўлади?

– Нима бўларди, қариндошларингга ўхшаб тарихий юртингга жўнаворасан, қайтага яхши-ку! Писиб юришдан бира тўла кутуласан – деди Ахтам беписандлик билан.

– У ерда менинг насибам йўқ, бунда сенга



ўхшаганларни чув тушираман, у ёқда-чи? – Фима ҳеч кимга айтмайдиган ҳақиқатини бехос айтиб юбориб, уф тортди. Отаси ўлар олдидан «ҳеч қачон ўзимизникиларга қарши ўйнама, бир тийинини ҳам ютиб олма», деб васият қилган эди. Бошқаларга кўшилиб, тарихий ватанига кетса, тирикчилиги нима бўлади? Тўғри, у ерда ҳам қимор бор, лакма қиморбозлар ҳам борлиги аниқ. Лекин уларни ютиб, васиятни бузса, нариги дунёда учрашганида отаси кўзига қандай қарайди? Рўпарасидаги сурбетга қандай тушунтирсин буни? Тушунтириши шартми? Шуларни ўйлаб яна бир уф тортди-ю, бошини эгди. Ахтам эса меҳрибон отанинг овозида уни овутишга киришгандай бўлди:

– Фимушка, бу болалардан ажраб хорланаман, деб куйинаётган бўлсанг, биз билан кета қол. Менга ўғай ўғил бўласан. Еганингча ейсан, кийганингча киясан. Мен етимларни яхши кўраман. Хор қилиб қўймайман сени.

Бу масхарадан кўнгли оғриган Фима бошини кўтариб, дадилрок овозда деди:

– Олиб келган пулинг харажатларимни қоплашга урвоқ ҳам бўлмайди. Ҳисоб-китобни бошқача қилишимиз керак.

– Ол-а! – деб юборди Тарзан. – «Рейтер» агентлиги кизиқ тадқиқот ўтказибди. «Йигирманчи асрдаги энг буюк найрангбоз ким?» деган саволга бир миллиард одам «Михаил Горбач», деб жавоб берибди. Бу хато, тўғрими? У аҳмоқлар Олтой деган овлоқда Фима деган найрангбоз борлигини билмаганлар. Мен уларни огоҳлантириб қўяман, Миша Горбач келиб, сенга шоғирд тушсин.

Ахтам шеригига норози қиёфада қараб, «аралашмай тур», деган маънода ишора қилиб қўйди-да, Фиманинг рўпарасига ўтириб, кўлига карта тўпламини олди:

– Эртактаги Иванушка аҳмоқ эсингдадир, рўпарасидан уч йўл чиқади, а? Биттаси – «борса-келмас», кейингиси – «борса-ё келар, ё келмас», учинчиси – «борса-келар»... Қайси бирини танлайсан?

– Ўзинг-чи? Иккита каламуш билан кўрқитиб, осмонга устун бўлдим, деб ўйлаяпсанми? Балки енгимга яширган карталарим бордир?

– Биринчидан, бу ўйинда карта яшириш қўлингдан келмайди. Агар ўғрилардан кўркмай, улардан ўзингни нари тутиб юрмаганингда эплардинг бунақа найрангни. Этагинг очилиб қолганда беркитадиганлар ҳам топиларди. Иккинчидан, каламуш иккита эмас, учта, биттаси сенинг ҳидингга маст бўлиб ётибди. Учинчидан, сен Иванушка ҳам, аҳмоқ ҳам эмассан. Сенга «борса-келар»и дуруст. Тўртинчидан, менинг рўпарамда ҳеч қачон учта йўл бўлмайди. Худо пешонамга «борса-келар»ни ёзиб қўйган. Бу ўчмайдиган ёзув, билиб қўй. Фима, Фимушка, мени лакма, деб ўйласанг ўйлайвергин-у, лекин аҳмоқ қиламан, деб хомтама бўлма. Агар болаларни ўзингда олиб қолмоқчи бўлганингда Барнаулдаги иккита бошибузук одамхўрни ёллардинг. Учта лакма ўзбекнинг судраб келган чоригини тобутга айлантириб бериш қийин иш эканми? Қийин эмас, фақат озгина чиқими бор. «Чиқим» дегани сени илондай чақади. Сенинг танглайингни «кирим» билан кўтаришган. Тагин ҳам сен инсофлисан, отангинг ўлигини сотиб юбормагансан. Шунақами? Ҳа, шунақа! Нега сотмовдинг? Нимагалигини айтайми? Отангинг сассиқ ўлиги кимга керак? Харидор чиққанида сотишдан қайтмасдинг. Майли, мени аҳмоқ қилишга уринавер. Лекин анави иккита шеригимнинг сабр косасини тўлдириб, тошириб юборма. Мен аҳмоқ бўлсам, улар ғирт аҳмоқ! Бошларида тарикча мия йўқ. Ўйлаб ўтиришмайди. Мен бир хунагани ушлаб, қўл-оёғини боғлаб берсам, булар сўйишдан бошқасини билишмайди. Айниқса, анави шохи йўқ хўкизга ўхшаганидан кўрқ. Жуда қўпол-да,

у хайвон! Одамнинг терисини шилаётганида ҳатто ўлик ҳам дод деб юборади.

Ахтам бу гапларни киприк қокмай гапирди. Фиманинг юзида ўзгариш бўлишини кутди. Фима дарров титроққа тушадиганлардан эмасди. «Чўпчагингни айтавер», дегандай тикилиб тураверди. Ахтам рухий зарбаси иш бермаганидан ғашланиб, давом этди:

– Хўш, ташлашамизми?

– Йўқ. Олиб келганингга яна шунча қўшасан.

– Фима, найрангларинг ўтмади, ўзингни тарозига солма. Хўжайиним бу пулга бир тийин қўшмайди ҳам, олмайди ҳам. Қиморбозлик ҳурматингни қилиб, мен битта каламуш қўшиб қўйишим мумкин.

– Қўрқитма. Фимани қўрқитганларнинг бир саржини куйиб, кул бўлиб сочилиб кетган. Агар қўшмасанг, иккита кичигини олиб кетавер. Каттасининг нархи бошқача.

– Нимаси бошқача?

– У картани кўз юмиб ўйнайди, шахматни қотириб ташлайди. Икки йилда гроссмейстер бўлади. Ҳозирнинг ўзида Карпни эзиб ташлаши мумкин. Уч йилдан кейин Каспар унинг олдида эмаклаб юрадиган бўлади. Шундай вундеркиндни бекордан бекорга бериб юборсам, овсар, деб маломат қилишмайдами?

– Аввалги жаҳон чемпионини эзиб ташлай оладиган, ҳозиргисини буқишга қодир шахмат устасининг нархини белгилаб ҳам қўйгандирсан? – деди Ахтам.

– Олиб келганингга яна шунча қўшасан.

Ахтам бир бечоранинг юзига ҳам ёки қўрқув соя ташлаганида ярасига туз селиб завқ оладиган тоифадан эди. Айни дамда шу қилиғига содиқ қолди:

– Фимушка, менинг битта каламушдан бошқа бойлигим йўқ.

Ботқоқликдан балчиқ ҳиди аңқийди. Бир челақ атир сепилса ҳам, хуш ёқувчи хид таралмайди. Ахтамнинг тилидан учаётган ширин сўзлар зулм ҳукмидаги

қалбдан куч олаётган эди. Буни англаган Фима ғазабини жиловлай олмади, овозини баландлатди:

– Ҳадеб каламушингни пеш қилаверма, ўйнасанг, каллангни ишлатиб, ҳалол ўйна.

– «Каллани ишлатиб» дедингни? Қойил таклиф айтдинг, ўз тилингдан илиндинг, Фима, энди гапингдан қайтмайсан. Карта эмас, беш қўл шахмат сурамиз.

– Гапни айлантирма, мен «шахмат сурамиз», демадим. Бу ўйинга уқувим йўқ.

– Сен ўйнамайсан, Тарзан билан Фурқатбек суришади. Ютсак, болани олиб кетамиз.

– Яхши, мен болани тикаман, сен-чи? Фақат каламуш, деб дийдиё қилма.

– Шундай болага қарши каламушни тикувчи инсофсиз эмасман. Мен Тарзанни тикаман. Ютқизса, олиб қоласан, хизматингни қилиб юради.

– Сен ўзингни тикавер, – деди Тарзан унинг гапидан аччиқланиб. – Икковинг бир-бирингга мос экансанлар. Шу ерда ўлсаларинг қўшмозор бўла қолсанлар.

Ахтам ўгирилиб, «шунга ҳам жириллайсанми, аралашмай турсанг ўлармидинг?» дегандай норози киёфада қараб, пичинг оҳангини ўзгартирмай деди:

– Жон оғайни, мени шу туллак билан битта гўрга тикмагин. Бу кўмилган жойдан ҳаром ўлган товукнинг сассиғи келиб туради. Майли, мен дўсти учун заҳар ютиб юрган одамман, сазанг ўлмасин – икковимизни тикамиз. Нима дейсан, Фима?

Фиманинг кўзларидан нафрат учкунлари сачраётгани билан вужудига иложсизлик пушаймони ҳукмрон, «Сенларни бошимга ураманми...» – деб тўнғиллашдан ўзга чораси йўқ эди.

– Бошқа иложинг йўқ, Тарзан, болани олиб кир.

Ахтам шундай деб ўрнидан турди-да, дераза тоқчасидаги шахмат қутисини олиб стол устига қўйди. Кейин уй бурчагида ётган халтачани кўтариб, Фима-

нинг кафти устига ташлади. Фима чўчиб, қўлларини тортиб олди. Халтачада типирчилаётган каламуш худди унинг ичини кемира бошлагандай туюлиб, сапчиб турди-да: «Ол, бунингни!» деб бақирди. Ахтам унга парво қилмай, эшикдан кириб келган Фурқатни очик чеҳра билан қаршилади:

– Фурқатбек, Фима амакинг «зўр шахматчи», деб сени роса мақтади. Катталар билан ўйнаганмисан? Шу аканг билан бир ташлашиб кўрмайсанми?

Фурқатбек довираб, нима дейишини билмай, мунгли кўзларини Фимага қаратди. Фима кўркувини ошкор қилмаслик учун, халтадан кўзини узиб, дадил овозда:

– Фурзик, сен чўчима, ўғилгинам, чап томондаги тўрани олиб ташлаб ўйнайвер, – деб далда берди.

Фурқатга бу далда етарли бўлмади, титроқ бармоқлари билан оқ доналарни териб, чап катакдаги тўрани четга олиб қўйди. Тарзан «ростданам шунақа зўрмикин?» деган маънода шеригига қаради. Ахтамнинг нигоҳида ҳам шу савол бор эди. Ҳалимжон эса бир Фурқатга, бир унинг укаларига қараб, болаларнинг хуркак нигоҳларида кўрқув кўрди. Эҳтимол, уларнинг қорни оч қолмагандир, лекин бу айёр чолдан ғоятда кўрқишларини шу нигоҳлари аён этиб турарди. Фима билан овора бўлаётган Ахтам ҳам, Тарзан ҳам бунга аҳамият беришмади. Ҳалимжон эса бу кўрқувнинг сабабини билишга ошиқмади. Унинг учун ҳозир энг муҳими бу бечораларни зулм чангалидан омон-эсон кутқариб, олиб кетиш эди.

Биринчи ўйинда Фурқат ютгач, Фиманинг кўзлари чўғдек ёнди, халтачадаги каламушга ҳам парво қилмай қўйди. Қандай қилиб ютқизганини Тарзаннинг ўзи ҳам тушунмади. Ахтам бир илмоқли гап айтиб, асабига тегиб қўймаслик учун юзини тескари бурди. Тарзан доналарни тергач, фарзинни олиб, четга қўйди-да:

– Мен ёш болалар билан фарзинсиз ўйнашга одатланганман, – деб кулимсиради.

Фурқат буни кутмаган эди. Фимага яна жавдираб қаради. Тарзаннинг болага руҳий хужум қилганини англаган Фима, бу ҳақиқатни қандай етказишни билмай қошларини чимирди, кейин ўзини зўрлаб кулимсиради:

– Ўғилгинам, акангни молбоқар қилиб ишга оляпман, бугун хоҳлаганича ўйнайверсин.

Рақибининг фарзинсиз ўйнаши чиндан ҳам бола руҳига таъсир қилиб иккинчи ўйинни бой берди. Бу сафар оқ доналарни тикиб, унинг ўзи фарзинни олиб қўйди-да, «найрангингизни билиб олдим», дегандай Тарзанга қаради. Тарзан бу қарашнинг маъносини уқиб жилмайди, қора доналарни битта-битта шошилмай терди. Фарзин ва ўнгдаги тўра ўрнини эса бўш қолдирди. Тарзаннинг бу кутилмаган руҳий зарбаси Фурқатни янада довдиратди. Фимага қаради. Болага қандай далда беришни билолмай қолган Фима «кўркма» деган маънода жилмайиб қўйиш билан чекланди.

Фима Фурқатга ортиқча баҳо бермаганди. Бола чиндан ҳам қобилиятли эди. Лекин юзлаб шахмат усталарининг ўйинларини синчиклаб ўрганган Тарзанни энгишга етарли тайёргарлиги йўқ эди. Тарзан учинчи, тўртинчи ўйинда ҳам енгач, бешинчисини ўйнашга ҳожат бўлмади. Тўртинчи ўйин кутилмаган мот билан яқунланиши билан Фиманинг кўзлари телбаларча катталашди. Унинг оч нигоҳида ваҳший ўт бор эди. Қани эди, Худо уни бир зумгина йўлбарсга айлантириб қўйса-ю, бу бадбахтларни тилкалаб-тилкалаб юборса! Бу ғаламис сурбетларни сичқонларга айлантириб берса ҳам майли эди, товони билан эзгилаб-эзгилаб ташласа, кўнгил оғриғи ўрнига кувонч ва ҳузур келарди...

Фима бошини чангаллаб ўтириб олди. У бургут тоифасидан эмасди. Аммо ўзини шу топда тирноқлари суғуриб, ўткир тумшуғи кесилган, қанотлари қир-

қилган, кўзлари ўйиб ташланган бечора қуш аҳволида кўрди. Найранглардан зўравонлик устун келаётган онда у миясини кемираётган ғалвали саволларнинг биронтасига ҳам жўяли жавоб топа олмай қолган эди. Қошларининг тепасида турган оғриқдан халос бўлиш учун пешонасини силаётганида енгил титраётган бармоқлари аҳволини ошқор қилиб қўйди. Бошини кўтариб, жон олғучига қаради – сал нарида турган Ҳалимжон унинг кўзларида аламли мунгни кўрди. Ахтам эса унинг қарашига парво ҳам қилмай, мулойимлик пардасига ўралган масхарали гаплари билан унга «далда бериб», хайрлашгач, болаларни ташқарига бошлади. Ана шунда Фима худди жонидан айрилаётгандай сапчиб ўрнидан турди-да:

– Тўхта, бўпти, сазанг ўлмасин, уч қўл ташлаймиз, – деб хитоб қилди.

Ахтам Ҳалимжонга «чиқаверларинг», деб имлаб қўйиб, Фимага қараб жилмайди.

– Фима, ақлинг кеч кирадиган бўлиб қолибди. Биз кетганимиздан кейин энг қаттиқ тошни топиб, бошингни ур! Шундагина аламдан чиқасан. Бошқа чоранг йўқ, сен бечоранинг. Ўйна, десам, ўзинг ўйнамадинг. Энди вақтим зиқ, самолётга кечикаман.

– Кечикиб бўлгансан. Тошкентга учган самолёт манзилига етиб бўлган.

– Тошкентга учади, деб ким айтди? Мен Бокуга учаман. Болаларнинг онаси бир озарбайжонга эрга тегиб, Бокуга кўчиб кетган... – Ахтамнинг Фимани лақиллатиш учун атай ёлғон гапираётганини тушунмаган Фуркат бир сесканди. Ахтам ундаги ўзгаришни сезса ҳам, бамайлихотир давом этди: – Болаларни Бокуга етказиб, эгасига топшириб, хизмат ҳақимни олгунимча сен ертўлангда ўтира турасан.

– Бундай қилишга ҳақкинг йўқ!

– Мени лақиллатишга ҳақкинг бормиди? Яхшилик билан келувдим, яхши гапирдим, яхшилик билан кет-

япман, шунисига қувонавер. Устозим «Қонли «туз» ўлар олдидан менга: «сени ким лақиллатмоқчи бўлса, аяб ўтирма», деган эди. Мен васиятни буздим, энди нариги дунёда унинг кўзига қандай қарайман? Ҳар ҳолда уни мендан олдин сен учратарсан, узримни етказиб қўй.

– Агар рostaданам «Қонли «туз»нинг шогирди бўлганингда бунақа фирромлик қилмасдинг!

– Фимушка, мучалинг нима? Ҳа-я, сенларда мучал йўқ-ку? Гороскопда нимасан? Қисқичбақадиран-а? Ҳар ҳолда, қилиқларинг ўхшайди. Лекин бугун туяқушнинг қилиғини қилдинг. Бошингни қумга тикиб олиб, қутулмоқчи бўлдинг-а, галварс! Орқангни очиб қўйганингни ўйламадинг-а?!

Кўзлари олайиб кетган Фима унинг бу гапига ғазабли нигоҳи билангина жавоб бермоқчи эди, аммо, ғазаб хоинлик қилди:

– Мен сени ернинг тагидан бўлса ҳам топаман! – деди ўлик овоз билан.

– Фима, бир лўлига фол очирганимда «сени ўлдириб, ёкиб юборишади», деган. Шунақа! Мени ернинг тагидан қидириб, овора бўлиб юрма. Сен хотиржам гўрингга киравер. «Қонли «туз»га мендан салом айтсанг, тантана билан кутиб олади. Бемалол маишатиингни қилиб ётсанг, эллик йилдан кейин борарман олдингга. Ҳисоб-китобнинг қолганини ўшанда қиламиз. Гўрда кўришгунча хайр!

Ахтам, Балабуханинг йигитига «бу ёғи ўзингга ҳавола», дегандай қараб қўйиб, ҳовлига чиқди. Ихраниб ўтирган Алешка билан шеригига кўзи тушиб, «буларни бабка Нюрканикига ташлаларинг, самогон билан эплаб ташлайди», деб машина сари юрди.

Тарзан пича ҳаяллади. Фимани ертўлага ташлашга киришмоқчи бўлган йигитга «шошмай тур», деган ишорани қилиб, графиндаги сувдан стаканга қуйди.

– Фима, сен ақлли одамсан, салдан кейин чан-



қайсан, тилинг танглайингга ёпишиб ўлиб қолишинг ҳам мумкин. Мен сени яхши кўриб қолдим, бунақа азобли ўлим топишингни истамайман. Ўладиган одамга шунча пулнинг нима кераги бор? Ҳозир чорасизсан, бор хазинангни тортиб олсам ҳам гинг дея олмайсан. Лекин зўравонлик қилмайман, мен мард одамман, марддан эса ҳеч қачон ёмонлик чикмайди. Сенинг жонинг ҳозир бу халтадаги пулга эмас, манави истакондаги сувга боғлиқ бўлиб қолди. Мен сенинг жонингни сотиб олмоқчиман, эвазига бир истакон сув бериб рози қиламан.

Тарзан «Ма, ол!» дегандай стаканни узатди. Фима стаканга беихтиёр қўл чўзаётганида Тарзан сувни унинг юзига сочиб юборди-да, бошқа сўз айтмай, пул тўла жомадончани кўтариб, изига қайтди. Машинага ўтираётган Тарзанни Ахтам норози қиёфада қарши олди:

– Паст кетдинг, Тарзан, отангга ўхшаб паст кетдинг. Пулни олмаслик керак эди, – деди у зарда билан.

Гапга яна отасини аралаштиргани Тарзаннинг ҳамиятига тегса-да, ўзини тушунмаганга олди-ю, қилган ишидан фахрланиб, жавоб қайтарди:

– Отам мени «исрофгарчиликдан қоч», деб тарбия қилган. Ўзинг охирида хол кўйдинг: мен олмасам, анави гўрсўхталар барибир шилиб кетишарди. Энди пул уччаламизнинг ўртамизда. Бек акам билмай кўя қолади. Нима дединг, Ҳалим? Ё сотиб кўясанми?

Ҳалимжон унга қараб, қошларини чимирди:

– Яхши болага ўхшайсан-у, лекин тилнинг суяги йўқ эканини унутиб кўяркансан. Агар Бек акамнинг сояларида кўпроқ яшагинг келса, тилингни тийиброк гапир.

Тарзан «биз сояда яшашга қизикмаймиз, бизнинг соямизда бошқалар яшай қолсин», деб гап қайтармоқчи бўлди-ю, лекин «тилнинг суяги йўқ» эканини билгани учун, бу сафар индамай кўя қолди.

– Тарзан, сен билан гаров ўйнайман, агар Фима ўлмай қолса, изимиздан бориб, Бек акамизга дод-вой қилади. Баҳонангни тайёр қилиб қўй.

– Баҳона тайёрлагандан кўра, Фимани ҳаёт азобларидан қутқариб кета қолайлик?

Тарзан шундай деб, машина эшигини очганида Ахтам уни ёқасидан ушлади:

– Ликиллайверма! Фима ўладиган иш қилмади, ўлдиришга ҳаққимиз йўқ...

Машина кўзғалиб, қишлоқнинг лой кўчалари ортда қолгач, Ахтам Ҳалимдан: «Болаларни ўз фарзандидай кўришига ишондингми?» – деб сўраб, «Балки шундайдир», – деган мужмал жавобни олди.

– Сен-чи, Тарзан?

– Болаларнинг уст-боши ёмон эмас, қорни тўқ, ҳар қолда яхши боққан.

– Икковингнинг ақлингни қўшса, битта эшакка юк бўлмайди. Бола боққиси келса, Олтойда етимнинг уруғи қуриб кетибдимми? Сен устингга қўйлак сотиб олишга борсанг, матоси нимадан, деб қизиқасанми? Болалар бу туллак учун одам эмас, фойда келтирувчи бир матоҳ! Болаларнинг ота-онаси ким, деб қизиқмаганми? Аҳмоқ эрини чопиб ташлаган хотин камоқдан чиқиб, болаларини кидиришини билмаганми? Фақат у томонда Бек акамнинг, бу томонда яна аллакимнинг зўравонлари келишини кутмаган. Ё хотиннинг ўзи, ё тоғасими, амакисими келса, савдолашиб, пуллашни ҳисоб қилган. Ана шунақа! Бир иш қилишдан олдин каллани ишлатиш керак. «Хўп бўлади, Бек ака», деб юраверсаларинг, шўрларинг қурийди.

Қор ёғмаган киш, дард келмаган бош бўлмайди. Асадбек қўшниси Қамариддиннинг ташвишли масаласини қозихонада ҳал қилиб берганига амин эди. Не афсуски, даъвогар қарздан воз кечгани, уй сотилмай қолгани билан бу хонадон осмонидаги абрибало ҳали тарқалмаган эди. Қорадорига ўрганиб қолган йигитни офат ботқоғидан тортиб олиш учун қозихонада кўрилган чоранинг ўзи кифоя қилмаслигини Асадбек ўйлаб кўрмаган эди. Тўғри, ўша кезлар фарзанди вафоти туфайли ўз ғами чодирига бурканиб қолди. Лекин, бу бало дўли ёғилмаганида ҳам қўшни йигит тақдирига бошқа қизиқмаган бўларди. Назарида, у қўшнисини дарддан бутунлай халос этиб, бошига бахт тожини кийгизиб қўйган эди. Ҳолбуки, уйни сотиш, қарзни тўлаш Қамариддин учун ҳаёт-мамонт масаласи эмас эди. Уйи сотилган тақдирда ҳам кўчада қолмасди, бир кулбага жойлашиб, бир тишлам қотган нонга қаноат қилиб яшайверарди. Худо насиб қилган бўлса, яна бир бошпана қуриб оларди, қорни ошга ҳам тўярди...

Унинг дардини бегоналар тушуниши кийин:

...ғиёҳвандлик кафанида қўним топиб, тирик ўликка айланган кенжасини ҳаётга қайтариш мумкин бўлармикин?

Жувонмарг бўлганлар ҳақидаги гап-сўзлар унинг қулоғига ҳам етиб келади. Ўз фарзандини ҳам шундай қисмат кутаётгани хаёлига келса, бадани ажал музлиги ҳукмида титрайдиган бўлиб қолган эди.

Гуноҳкор банда!

Уй ташвишида, қарздан қутулиш дардида қўшнисидан ёрдам сўради...

«Фарзандимнинг жонини омон сақла, бу балолардан қутқар!» деб Яратганга сиғиниб, саждага

бош кўймади. Кўп қатори тили «Худо асрасин», дерди. Бирок, Худони танимай туриб, унинг кудрати-ю, мўъжизаларига ишонмай туриб, сўраб яна нажот кутиши ғалати! Танимаган нотаниш одамдан бир сўм сўраса бермаслигини билгани учун ялинмайди. Худони танимай туриб, амрларини бажармай туриб, сўрайверади, талаб қилаверади... Мантикқа зид бўлган бу ҳолда нажот кутишни нима деб аташ мумкин?

Оқибат уни қаерда кутяпти? Айрилиқ саҳросидами?..

Гиёҳвандни зулмат салтанати бағридан юлиб олишнинг машаққат эканини ҳамма билади. Даволаш масканида ҳам қайдандир қорадори топиб, томирига юбораётган нодонларни зулмат қаъридан тортиб олувчи куч борми бу вафосиз дунёда? Асадбек истаган тақдирда ҳам бунга қодир бўла олмасди. Дори-дармон учун пул бериши, врачларнинг энг зўрини топиб бериши ҳам кўшнининг дардини пича енгиллатиши мумкин, лекин бу нажот эмас!

Манзура бомдод намозини ўқиб бўлиб, шийпондаги жойнамоз устида тасбеҳ ўгириб ўтирган эди. Бармоқлари тасбеҳ доналарида, хаёли эса ўғли Абдухамидда эди. Тушида чиройли либослар кийиб олган хушхол ўғли билан суҳбатлашди... Ҳозир эса ўй-хаёлини маҳшаргоҳ ва ундаги она-боланинг нурли юз билан кўришаётгани манзараси банд этган эди. Тушидаги бу гўзал манзара қоронғи кўнглига чирок ёқди.

Унинг руҳи бу он Холиқ сари интилган, ёнидаги жойнамозда ўтириб, пичирлаганича муножот қилаётган Фазлияни ҳам унутган эди.

Субҳи содиқ қоронғуликни суриб ташлаган дамда кўшни томондан онанинг зорли ноласи эшитилиб, Манзура сесканиб тушди. Фазлия «нима бўлдийкин?» деган савол назари билан унга қараб, фармойиш кутди. Манзура «чиқиб билиб келинг», деб буюрмай, ўзи чаққон турди-да, «вой шўрим, вой шўрим» деб пи-

чирлаганича дарвоза томон йўналди. Фарзанд доғида ёниб кул бўлаётган она қалби кўшни она не сабабдан фарёд қилаётганини гап-сўзсиз ҳам англаб етган эди. Фазлия дарвозага қадар изма-из борди-ю, кейин нима қиларини билолмай тўхтади.

Онанинг ноласини Асадбек ҳам эшитди. Туни билан алақ-чалақ туш кўриб, куш уйкусида ётгани учун бу овозни тушидаги фарёдлардан бири деб ўйлади. Нола тинавермагач, кўзларини очиб, қаддини кўтарди. Кўшни хотин «вой, болам!» деб яна бир нола қилгач, овози тинди. Асадбек юз-кўлини ювиб, сочикни кўтарганича ҳовлига чиқди. Фазлия уни кўриб, салом берди-да, ошхона томон юрди. Болохонадаги йигитлардан бири хожасига кўзи тушиши билан шошилганича келиб, кўшнининг ўғли вафот этганини маълум қилди.

– Қайси ўғли экан? – деб сўради Асадбек.

Йигит «билмасам», дегандай елка қисди.

– Шундай бурнингнинг тагида биров ўлиб ётади-ю, кимлигини билмайсанми? – деди Асадбек.

– Кеннайим чиқиб кетдилар, – деди йигит айбдор одам каби бошини эгиб.

Асадбек индамай бурилиб, ичкарига қайтди-да, кийимини алмаштириб чиқди. Дарвозаси рўпарасида турган милиция машинасига қараб олиб, кўшни остонасини ҳатлади. Ҳолсизланган Қамариддин гилос дарахтига суяниб турар, катта ўғли унинг елкаларини силаб далда берган бўларди. Дарахт шохларида қизара бошлаган гилос мевалари улар тепасидан қонли ёшлар тўқаётгандай эди гўё... Сал нарида ерга ўтириб олган бошяланг онаизор ёнида тиззалаб ўтирган Манзура уни сабрга даъват қиларди.

Катта ўғилни кўргач, Асадбек «демак, кичиги ўлибди-да», деган хулосага келиб, кўшнисига таъзия билдирди. «Нима бўлиб ўлди?» дейишга тили бормаи, «Милисани нега чақирдинглар?» – деб сўради.

– Олиб кетиб, ёриб кўриши шартмиш. Экспертиза

қилмаса, гўрковга қоғоз ёзиб бермас экан, — деб ота ўрнига ўғил жавоб берди.

— Экспертизаси нимага зарур экан?

— Доридан ўлди-ку, шуни исбот қилиб беради-да.

— Қанақа дори?

— Қанақа бўларди, қорадори-да!

— Ташламаганмиди?

Қамариддин саволга жавобан пастки лабини тишлади-да, алам билан бош чайқаб, «йўқ» ишорасини қилди.

— Бу тузаладиган касалмас, Бек ака, ўзи ҳам қийналди, бизларни ҳам қийнаб юборди. Мана, ўзи ҳам қутулди... — «биз ҳам қутулдик», деб юбормаслик учун тилини тишлади.

Қамариддин ўғлининг тилидан учмаган, аммо меҳрсиз дилидан жой олган ҳақиқатни англаб, ингради. Додлаб юборишдан ўзини тийиб, унга «ойингга қара», деб йиғламсираб пичирлади.

— Кечаси ҳаммомга кириб, томиридан яна олибди. Юраги чидамаган... — деди ўғил Асадбекка қараб.

— Ойингга қара, — деди Қамариддин бу сафар баландроқ ва зардали овозда.

Ўғли нари кетгач, «аканинг меҳри-оқибатини кўрдингизми?» дегандай мўнг тўла ёшли кўзларини Асадбекка тикди.

Ғофил банда!

«Худодан қайтибди!» деган ҳикматни наҳот билмаса? Эшитган... фақат ўзини билмаганга салади. Ўғиллар меҳр-оқибатни кимдан оладилар? Улғайганларида меҳр-оқибат фазилатидан бебахра бўлсалар ким айбдор?

Чорак аср муқаддам бу жойлар ўрни жаннатмисол боғ эди. Қамариддиннинг аждодлари неча йиллар давомида бир-бирлари билан аҳил-иноқ яшаб, бу боғларни парвариш этганлар, ўзларининг меҳр-мурувватлари билан охиратларини ҳам обод қилганлар. Иймон ва ҳидоят занжири Қамариддинларнинг авлодига кел-

ганда узилди. Боғ иккига бўлинганди онаси ҳали ҳаёт эди. Ака-укалар муносабатидаги ғайирлик онани кўп маънос этди. Охири: «Икки кўчқорнинг боши бир қозонда қайнар-у, бироқ ака-ука бир боғда иттифок билан яшай олмас, силаи раҳм бутунлай барбод бўлмай туриб, қозонларини бошқа-бошқа қилиб қўя қолай», деган тўхтамга келди. Қамариддиннинг укаси топар-гутарда ғайратлироқ эди. Шу боис боғнинг иморатсиз бўлаги унга берилди. Ука онанинг раъйини оёқости этмай, акага даъво ҳам қилмай, баҳорда иш бошлаб, қишга қадар икки уй, бир даҳлизни қуриб олди. Онасига атаб алоҳида уй қурди. Уйлар офтобга қаратиб қурилгани учун, ака томонга орқа қилиб қолган эди. Ҳали пойдеворга тош ташланмасдан аввал она иштирокида бу масалада узрхоҳлик бўлган, Қамариддин укасидан рози эканини билдирган эди. Уй деворлари бел баробар кўтарилганда розилик берганидан ачина бошлади. Онанинг ўлимидан кейин бу ачиниш норозилик ҳиссига айланди. Ўз кезлари уйнинг соясида роҳатланиб ўтирарди, қишда соя узайгач, шайтон васвасаси кучайиб, иморатни буздириб ташлашга даъват қилаверарди. Ҳидоятсиз қалбга кирган ғайирликнинг давоси – иймон! Аммо қани ўша иймон? Қамариддин норозилигини давомли равишда ошқор эта бошлагач, ака-ука орасидаги совуган салом-алик ҳам йиғиштирилди. Ҳатто жиянларнинг амаки ва кеннойиларга салом бериши тақиқланди. У йилларда маҳалла ака-ука орасидаги бундай нохуш ҳолга бефарқ қараб турмасди. Ота қадрдонлар уларни мурасага келтиришга уринганларида Қамариддин «укам менинг ҳовлимдан бир метр ўғирлаган, уйини бузиб, бир метр нарига курсин», деб, қайсарлик қилди. Оксоқоллар «ҳовлини онанг бўлиб берган эди-ку», деб эслатишса ҳам кўнмади. Охири, орани очик қилиш мақсадида мутахассисларни чақиртириб, ерни ўлчатишди. Ака даъво қилгандай бир метр эмас, йигирма беш сантиметрга хато қилингани аниқланди.

Қамариддин ана шу йигирма беш сантиметрга ҳам кўнмади. Укаси «шу бир қарич ер эвазига кичик ўғлингизга атаб ҳовлингиз этагига бир иморат солиб берай», деса ҳам, бу марҳаматни садақа, ўзини эса тиланчи ўрнида кўриб, унамади. Ота-она арвоҳининг безовта бўлиши эслатилганда ҳам хайрли йўлга бурилмади.

Укаси уйни бузишга ҳам рози эди...

Бироқ... охирги можаро бўлган кечаси уйкуга ётди-ю, эрталаб уйғонмади. Улим уйкуси уни бағрига олиб, аканинг даъво-ю ғалваларидан кутқарди. Уканинг оиласи ҳам, маҳалла аҳли ҳам ўлим можароларга яқун ясади, деб янглишишган эди. Орадан тўрт ой ўтмай, аканинг ғишаваси яна давом этди. Қайноғасининг ғалваси тинмаслигини англаган келин эрининг йилини ўтказгач, ҳовли-жойини сотажагини эълон қилди. Оқибат шу бўлди-ки, жойини Асадбек сотиб олиб, эски уйни буздирди-да, ўрнига янада баландроқ қилиб иморат солдирди. Уканинг уйи ҳовлининг учдан бирини эгаллаганди. Асадбекники бошдан охиригача эгаллаган бўлса-да, Қамариддин чурқ этмади – дардини ичига ютишдан ўзга чораси йўқ бечора аҳволида яшайверди. Тинмай акиллаётган лайча бўрибосарни кўрганида думини қисиб қолганидай, одамлар орасида ҳам бу каби манзара учраб туради.

Дардини ичига ютди, аммо «ёмонлигим учун Худо мени баттарроқ аҳволга солди», деган фикр қоронғи кўнглини ёритмади. Юзкўрмас бўлиб кетган келини, жиянлари ҳузурига бориб, узрхоҳлик қилмади. Кўзларигина эмас, қалби ҳам йиғлаган ҳолда пешонани саждага кўйиб, Яратганга сиғиниб, «Гуноҳларимни кечир!» деб илтижо этмади. Ўғлининг гиёҳвандлиги, қарзга ботганлиги билинганда ҳам, ўзининг гуноҳларини эсламади, тавбани ўйламади.

Бу кеч Қамариддинни субҳи козибда хотини уйғотди:

– Чиқиб қаранг, ўғлингиз боя ҳаммом томон ўтган эди, дараги бўлмапти, – деди хавотирланиб.



– Ярим кечада орқасидан юришим қолувди, – деб пўнғиллади ота, уйқули кўзини очишга эриниб.

Она яна бир неча фурсат ҳаммом томонга хавотир билан тикилиб ётди. Кейин ўрнидан турди. Ҳовлига чиқиб бир оз турди, сўнг бултур кесиб ташланган ўрикнинг тўнкасига омонат ўтирди. Узоқ ўтиришга тоқати етмай, ўрнидан шарт туриб, ҳаммом томон юрди. Эшикни очди-ю, додлаб юборди. Чала уйқули кўзларини очганича хотинини кузатиб ётган Қамариддин тезгина туриб, ташқарига шошилди. Ҳаммом эшиги остонасига ўтириб, кесакига суяниб қолган хотини беҳолмиди ё беҳушмиди, фарқламади. Кўзи ҳожатхона тувагига бош қўйиб чўзилган ўғлига тушиб, эсини йўқотди.

Йўқ, сал бошқачароқ эди...

Аввал укасини кўрди...

Чўккалаб ўтирган укасининг кўзларидан қон ёшлари оқарди...

«Акажон, жиянимни олиб кетгани келдим, рози бўлинг, бу ерда уй қуриб берай десам, кўнмаган эдингиз, у ёқда қуриб қўйдим, биллалашиб ётамиз...» деди...

Ўғли амакисининг тиззасига бош қўйганича гўё ширин уйқуда эди...

Манзара шундай эди...

Кўзлари алдаган экан, гўё чақмоқ нури бир чараклади-ю, ҳақиқат тасвири намоён бўлди: ўнг кафтида эм игнасини чангаллаб олган кенжаси амакисининг тиззасига эмас, ҳожатхона тувагига бош қўйиб жон берган эди...

Хушидан кетгандир, деб ўйлаб, ўғлининг юзини енгилгина шапатилади, сув ҳам сепди. Кейин тўнғичини чақирди, хотинининг юзига сув селиб, хушига келтирди. Тўнғичи дўхтир чақирди, улар эса милицияни... Мурдани ёриб кўриш шарт эканини эшитган она додлай бошлади...

Манзура, кейин Асадбек шу фарёдни эшитишган эди...

Тўнғич ўғли узоқлашгач, Қамариддин Асадбекка қаради:

– Ўрни бўлмаса ҳам, илтимосим бор эди... – деди ялиниш оҳангида.

– Маросимга нима зарур бўлса, тортинмай айтаверинг, – деди Асадбек.

– Жанозани ўтказишга тегишли гапим йўқ, – деб Қамариддин чайналди. – Илтимосим уйга тааллуқли.

– Уйга? Уй масаласи ҳал бўлган эди, шекилли?

– Унчалик эмас... Сизнинг орқангизда бир иш бўлувди... Ҳайдар акамиз «билдирмай тураверинг», деганларига индамай юрувдим.

– Чайналмай, дангалини айтинг, – деди Асадбек.

– Ҳовли-жойни сотганман...

– Кимга?

– Ҳайдар акамиз сизга атаб олувдилар, икки ой муҳлат берувдилар. Шартга кўра, тўрт кундан кейин кўчишим керак эди. Агар йўқ демасангиз... қирки ўтгунча кўчмай турсам...

Тахминининг тўғри чиққани Асадбекни ғазаблантирди, томоғига бир нарса тикилиб, нафаси бўғилди. Агар ёнида Кесакполвон бўлганида бўралаб сўкиши, хатто тепиб юбориши мумкин эди. Бирок, гап талаш-шиш, воқеани ойдинлаштиришнинг фурсати ҳам, ўрни ҳам эмасди. Ғазаб оловини ўчиришдан ўзга чораси йўқ эди. Бир нима деб, кўшни бечоранинг тилинган ярасига туз сепиб қўймаслик учун Асадбек уйига чиқиб кетиш мақсадида бурилди. Унинг индамай бурилиши Қамариддинни ташвишга солди:

– Нима қилай, кўчайми? – деди йиғламсираб.

Асадбек тўхтаб, унга ўгирилиб қаради:

– Нега кўчасиз? Ҳайдар... сизга айтмаганмиди?

– Нимани?

– Масковга кетишдан олдин мен билан маслаҳат

қилганди, уйингизда... яна уч-гўрт йил ўтира туринг. Кўчишни ўйламанг.

– Олди-сотди хат-хужжат бўлган...

– Кимнинг номига?

– Абдусамаджоннинг номларига хатланган...

Ҳайдар акамиз «жияннинг ўқишдан қайтишига совға бўлади», девдилар. «Айтмай тур», деганларига индамаганийдим...

Бу гапдан кейин ғазабни босиш қийин бўлди. Тишларини ғижирлатиб, «ҳайвон» деб пичирлади. Шарт ўгирилиб шошаётган одамдай қадамини тезлатди. Остонага етганда яна тўхтаб, изидан илинж билан тикилиб турган кўшнисига қаради:

– Гапимга тушундингизми? Кўчмайсиз. Жанозадан кейин одам келади, хат-хужжатни бошқача қилади.

Зардали овозда шундай деб чиқиб кетди. Кўшнисининг нима сабабдан ғазабланганини тушунган Қамариддин бўйнини қисганича жойида қотиб тураверди.

Асадбек ғазабини босиш мақсадида ҳовлисида бир пас айланди, кейин шийпонга чиқиб, кўрпачага ёнбошлади. Фазлия шошилганича уйга кириб, кўрпача билан ёстиқ олиб чиқди.

– Муллака, кўрпача юпка эди, – деди хижолатли овозда.

Асадбек ўрнидан кўзғалишга эриниб, қўлини силтаб «керак эмас», деган ишорани қилди.

Жамшид келиб салом берганида алик ўрнига хожасидан топшириқ олди:

– Ҳали жанозадан кейин... йўқ, эртами-индин анавинга учрашиб, – Асадбек «анави»нинг кимлигини билдириш учун кўшни томон имлаб қўйди, – хужжатларини ол. Уйини ўзининг номига қайтариб, хатлатиб бер.

– Барибир сотибдими?

Сўради-ю, Асадбекнинг норози нигоҳидан сачра-

ган қаҳр ўқларига нишон бўлди. «Хўп, Бек ака», дейиш ўрнига савол берганидан афсусланди.

Кўшнилик ҳақи-хурмати учун Асадбек жаноза ўтгунича ўша ерда бўлиши керак эди. Бироқ, унинг сотилиши ҳақидаги гапни эшитганидан кейин Қамариддинни кўргиси ҳам келмай қолди. Иштаҳаси бўғилиб, бир пиёла чой билан кифояланди. Нонушта тайёрлаб, эрини кузатиш учун чиққан Манзура дастурхонни йиғиштираётиб «бояқишларга жабр бўлганини» қайта-қайта таъкидлаб, Асадбекнинг жиғига тегди.

– Ёрадиган жойда ишни атай чўзишар экан. Куриб кетмагурлар ўликнинг устида ҳам пул ишлаб олишаркан. Бугун беришмаса, эртагача бояқишларнинг жонида жон қолмайди. Мусулмончиликда ҳам бугун ўлса, бугун кўмиш керак.

Асадбек бу жонкуярликдан хотинининг мақсадини англаб, пешонасини тириштирди.

– Мусулмончиликни ўргатмаган битта сен қолувдинг, – деди жаҳл билан.

Ичидан келган нозик титрашни кўзларидаги хуркак қараш ошкор қилиб қўйди. Эрининг кайфиятига қарамай гапириб қўйганидан чўчиган Манзура энди ўзини оқламоқчи бўлди:

– Ўргатаётганим йўқ... одамларнинг гапини айтдим.

– Одамлар яна нима дейди? «Эринга айт, уйда пашша кўриб ўтирмай, боласини тирилтириб берсин», дейишмадими?

Гапиришдан олдин эрининг кўзларига қараб, кайфиятини билиб оладиган Манзура бугун шошилдими ё «кўшнининг фожиасидан эрим ҳам қайғуда», деб ўйладими, ҳар ҳолда яланг оёқлар билан чўғни босиб олган ғафлатдаги нодон ҳолатига тушиб, индамади.

Абдуҳамиднинг ўлимидан кейин хотинига меҳрибонроқ бўлиб қолган, унинг ранг-рўйига қараб, қаттиқ гапирмаслик чорасини кўраётган Асадбек бу сафар ўзини босолмай бир сачради-ю, дарров совиди. Кўшни

уйдаги фожиа Манзура қалбидаги айрилиқ ярасини янгилаганини англаб, «бекор ўдағайладим, бу бечоранинг айби нима?!» – деб афсусланди. Жамшидга қараб:

– Ўзинг бориб кел, жанозаси пешиндан қолмасин, – деб буюрди.

– Барака топинг, адаси, сиз кўп хайрли ишлар қиласиз, савоби боламизга етади, Худо хоҳласа, – Манзура йигламсираганича шундай деб, чиқиб кетди.

Жамшид хожасини шаҳар марказидаги уч қаватли уй ертўласига жойлашган идорага кузатиб, ўзи вазифани бажаришга йўл олди. Ичкарига кирган Асадбекнинг димоғига сигарет хиди урилиб, Қорақошга норози қиёфада боқди. Қорақош бу қарашнинг маъносини англаб, «айб менда эмас, анави чақирилмаган меҳмонда», дегандай елка қисди-да, чап томондаги хонага имлаб кўйди. Асадбек диванда ялпайиб ўтирганча сигарет тутатаётган Орзубекни кўриб, энсаси қотди. Телевизорга тикилиб ўтирган Орзубек унинг келганини кўрмади. Асадбек индамай ўтиб кетмоқчи бўлди-ю, «орқамдан эргашмасин», деган қарорда чап томондаги хонага кирди. Орзубек уни кўриб, сигаретини шошилганича кулдонга ташлади-да, ўрнидан туриб, тавозелик билан қўл узатди. Асадбек қўл учида кўришиб, узоқ гаплашишга ҳуши ҳам, вақти ҳам йўқлигини билдириш мақсадида диванга эмас, стулга омонат ўтирди-да, «гапинг бўлса, гапир», дегандай савол назари билан қаради.

– Шошилиб турувдим, шу томонга йўлим тушувди, индамай ўтиб кетишдан ор қилдим, – деди Орзубек.

– Йўл-йўлакай кўриб ўтиладиган одамлар қаторига қўшилиб қолибмиз, шунисига ҳам шукур, – деди Асадбек киноя билан. – Сиз йўқламасангиз, ўтган ҳам, кетган ҳам тепавериб, тупроққа қориб ташлади.

– Вақтида зиёрат қилмасам ҳам, юрагимнинг

тўрида турасиз... Вақт зик, депутатлик дегани арининг уясига бош суқишдан баттарроқ экан.

– Бугун вақт бемалолроқми, арилар дам олишяптими? Агар шошилиб турган бўлсангиз, сизни ушлаб турадиган ўғри йўк.

– Майли, муддаога ўта қолай: телевизор кўраётгандирсиз?

– Телевизорда кўп нарсалар кўрсатади, қайси бирини сўраяпсиз? «Оталар сўзи»ни эмасми?

– Кўшниларни назарда тутяпман?

Асадбек «қаердан эшита қолибди? Жаноза билан унинг нима иши бор?» деб ўйлаб, ажабланди-да:

– Қайси кўшниларни айтяпсиз? – деб сўради.

Орзубек: «Билмайдими ё мени лақиллатиб, калака қилмоқчимми?» – деб ўйлаб бир зум жим қолди-да, кейин фикрини аниқроқ баён этди:

– Кўшни республикани... Ваҳшийликларни кўриб, ҳатто Чингиз Айтматов ҳам даҳшатга тушди-ку? Ўшдаги воқеани эшитгандирсиз?

– Эшитдим.

– Роппа-роса бир йилдан кейин Фарғона фожиасининг такрорлангани сизни ажаблантирмадими? Худди бир вақтда кўйиладиган кинога ўхшамадими? Сценарий муаллифи бир – Москва, режиссёри бир – яна Москва... Бош ролларни ўйновчилар бир, фақат эпизодик ролларни бултур бечора фарғоналиклар ўйнашган эди, бу йил ўшликларга насиб қилибди. Ҳамма балоқазо эпизодик ролларни ўйнаган ғариблар бошига ёғиляпти. Бунга нима дейсиз?

– Нима дейишим керак? Менам бориб, эпизодик рол ўйнаб берайми?

– Ўзингиз бормасангиз ҳам йигитларингизни юборинг, биз катта халқмиз, ярмимиз қирилиб кетсак ҳам, хорлашларига йўл қўймаслигимиз керак!

Бу гапдан Асадбек ҳайратга тушди. Бу депутатдан жўяли гап чиқмаслигини аввалги учрашувларида билиб олган эди. Бунақа бемаъни гапни ё ғирт аҳмоқ, ё

жинни, ё иғвогар айтиши мумкин. Бу одам аҳмоққа ҳам, жиннига ҳам ўхшамайди...

Иғвогарми? Иғводан мақсади нима?

Саволга жавоб олиш мақсадида унга тикилди...

У зулм учкунларини сачратиб шундай ғазаб билан тикилди-ки, агар бу он кўзлари тилга кирганида «мен бундай қараш учун яратилмаган эдим», деб фиғон чеккан бўларди.

Орзубекка бу қараш таъсир этмади, кўзларини олиб қочмади.

– «Ярмимиз қирилиб кетсак ҳам» дедингми? – Асадбек ғазабини яширмай, овозини баландлатди. – Сен ўзинг қайси томонда бўласан? Қирилиб кетадиган қисмидами ё панада тухум босиб, жон сақлайсанми? Қўлингга милтиқ беришса, «узр, бугун жухуд хотинимнинг қошига ўсма кўйишим керак эди», деб қочиб қоларсан, а?

– Гапимни айнан тушунманг, мен образли қилиб айтдим...

– Ҳе, образингга урай сени! Йигитларимни юборишим керакми? Нима деяётганингни биласанми? Мени бир босмачи деб ўйлаяпсанми? «Борларинг, босларинг!» десам, «июв-июв!» қилиб, қилич яланғочлайдиган бир дивизия аскарим борми? Бор бўлганда ҳам сенинг гапингга лаққа тушадиган аҳмоқманми мен?

– Ватанпарварлик ғурури...

– Сен ватанпарварликдан гапириб оғзингни кўпиртирма! Битта амал столи-ю, тагингдаги «Волга» билан ўладиган ғурурингни пеш қилма менга!

Орзубек эътирозга оғиз жуфтлаган эди, Асадбек шарт ўрнидан туриб, «гап тамом!» дегандай стулни нари сурди-да, эшик томон юрди, остонада буйруққа маҳтал турган Қорақош тисарилиб, хожасига йўл бўшатди. Асадбек хонаси томон бурилаётиб унга буюрди:

– Акангни кузатиб қўй. Кўчага чиққунича иззат

қил, остонани ҳатлаб ўтгач, орқасини тепкинг билан бир сийлагин-ки, қайтиб кўзимга кўринмайдиган бўлсин.

Хонасига кириб, жойига ўтирди. Қиладиган зарур иши йўқ эди, хонаси кўзига тор кўриниб, юраги сиқилди. Жамшид қайтгунига қадар эзгин бир аҳволда ўтирди. Кейинги ҳафталар ичи бундай ҳолат кўп такрорланадиган бўлиб қолган эди: юрагига қил ҳам сиғмайди, биров билан гаплашишни ҳам истамайди. Қаёқларгадир кетиб қолишни хоҳлайди. Тоғу тошларда бир кулбаси бўлганида ҳозирнинг ўзида шаҳардан чиқиб кетарди. Манфаат дўстлари кўп, аммо дард ўртоғи бўла оладиган одам кам...

Шунақа бетайин дунёда яшаш осонми?

Оғир, жуда оғир...

Худо пўлат сандикни пулу жавҳарларга тўлдирмай, атрофини дили субҳи содикдек соф дўстларга тўлдиргани яхшироқ эмасмиди? Қалбини дард сиқа бошлаган кезларда хасратини пўлат сандикқа айтади-ми?..

Кўнгли ёлғизликни истайди. Ҳозир хонада бир ўзи ўтирибди, лекин унга бунақа ёлғизлик керак эмас.

Ёлғиз ўзи тезоқар сой бўйида ўтирса...

Қушлар чуғиридан бошқа овоз қулоғига кирмаса...

Ким бўкиб ўляпти, ким оч қоляпти – иши бўлмаса...

Абдурахмон табибникида даволанаётганида узок кишлоқларда яшайдиганларга ҳаваси келган эди: тонгда туради, мол-ҳолга қарайди, нонуштадан кейин ё боққа, ё далага жўнайди. Окшомда қайтгач, бир коса маставасини хўриллатиб ичиб, ёнбошлаганича телевизор томоша қилади. Қишлоқда тўй бўлса, тўйгунича ичади-ю, эртасига боши тарс ёриладиган даражада оғриб, хотинининг жаврашларини эшитиб ётаверади. Қозони кунда бир қайнаб турса, бас, улардан бахтлироқ одам йўқ...

Шу шинам хонасини ёмғир ёғса томидан чакка



ўтиб турадиган кулбага алмаштиришга ҳам тайёр эди. Атрофда кенглик бўлса бас...

Кўнгли кенгликни кўмсайди.

Кенглик... қаерда бор? Сиқик кўчаларга, сиқик ховлиларга кўз ўрганган, аммо кўнгил кўниколмайдди. Дунё тор... бир қарич ҳам бўш ер йўк. Наҳот шундай? Ахир қаердадир кўнгилга таскин бера олувчи кенглик бўлиши керак-ку? Ёруғлик бўлмаса ҳам майли, аммо поёни уфққа туташиб кетадиган кенглик зарур. Кенглик ҳамма томондан ўраб олинган, сиқикда қолган. Кўнгил шу чегарани ёриб ўтишни истайди.

Тевадаги уч қаватли бинода ташвишли кун қайнаб ётибди. Пастда осудалик ҳукмрондай гўё. Осудалик... кенгликдан нишонами? Одатда кенглик осудаликни, осудалик эса кенгликни тақозо этади. Бири бирисиз вужудга келмайди. Уч қаватли иморатнинг ертўласида нима учун осудалик ҳукмрон? Кенглик эса сиқиб қўйилган... Табиатнинг азалий қонуни ўзгардими, даврга бўйсунтишга мажбурми?

Бўш кенглик ҳеч ерда йўк... Ҳатто хаёл ҳам банд. Бу сиқик шаҳарда яшайвериб, тасаввури ҳам кенгликни унутган. Энди кўнгли нимани хоҳлайди, нимани излайди? Кенглик – балки ўлим чоҳидир? Шу чоҳ уни балки кенгликка олиб борар? Агар шундай бўлса, ҳаракати бесамара. У излаяпти, ўлим эса ундан қочаяпти. Наҳот қолган умри беркинмачоқ билан ўтса?

Ҳатто Кесакполвоннинг кўнгли ҳам ёлғизликни кўмсаб қоларди. Бунақа пайтда у Асадбек сингари сиқилиб ўтирмасди, кўнгил ҳузурини осонроқ йўл билан топарди: қозихонасига борарди-ю, чети учган пиёлани сассиқ ароққа тўлдириб бир нафас билан кўтарарди-да, аччиқ пиёзни ё саримсоқни чайнаб ташларди... Баъзан Асадбекни ҳам шундай қилишга даъват этарди. «Бу ялтир-юлтир маишатларинг жонимга тегди, чойхонадаги иркит кўрпачага ўтириб, кир дастурхон устида пашша талаб ётган бодрингни газак қилгим келяпти», деб қоларди...

Асадбек ҳозир нима қилсин? Кўнгил хотиржамлигини ўша қозихонадан изласинми?

Бемаънилик!

Асадбек хаёлига келган бу фикрдан ғашланиб, ўрнидан туриб кетди.

«Маҳмуд Юсуфхонадан жой кўриб келганди, шу ёзда битта кулба бўлса ҳам тиклаб олишим керак. Бу ғалвалардан қочмасам, жинни бўлиб ўламан», – деб ўйлади у.

Жамшид қайтиб, ўлик олиб кетилганини хожасига айтди. Кимга учрашиб, масалани қандай ҳал қилганини баён этмади, Асадбек ҳам суриштирмади.

– Жанозани пешин намозидан кейин маҳалла масжидида ўқишаркан.

Жамшид жанозага бориш хусусида сўрамаган саволига жавоб олиш мақсадида бу хабарни айтди. Асадбек индамай ташқарига чикиб, машинага ўтирди. Жамшид «жанозага кетяпмиз» деб ўйлаган эди. Шу сабабли хожаси «Тарзаннинг анҳор бўйидаги жойига ҳайда», деганида ажабланди.

Тарзаннинг жойи ҳамиша саришта ва озода тутилса ҳам, Асадбекни кўрган чойхоначи довдираб қолди. Асадбек сохилга тушиб, атрофни синчиклаб кузатдида, «Кесакнинг фаросатидан дурустроқ экан», деган тўхтамга келди. Сўридаги шахмат тахтасига кўзи тушиб, биринчи суҳбатда Сур айтган гапларни беихтиёр эслади: «сиз шоҳсиз, тўғрими? Мен шоҳларга ачинаман... Шоҳ ёлғиз, бечора ҳамиша ҳимояга муҳтож. Вақти келса, битта пиёдага кучи етмайди. Битта пиёда сурилиб келиб, мот килиб кўйиши мумкин»...

«Мен «мишиқи», деб назарга илмаганим билан, бу «пиёда»ларда гап кўп, индамасам, писиб келиб, суриб ташлайди», деб ўйлаб, Жамшидга қаради:

- Шахматга ишқибозми дейман, укаларинг?
- Тарзани зўр ўйнайди, деб эшитганман.
- Ўзинг-чи, ўзинг суришмаганмисан?
- Ўйнашни билмайман.

– Билмаганинг чатоқ... От юриш қилиб, тегиб қолса, қочгани жой топа олмайсан.

Жамшид хожасининг бу гапни айтишдан мақсадини англамади.

Асадбек сув устига қурилган темир шийпондаги кўрпачага ёнбошлади. Сувга тикилиб ётиб, оқиб келаётган ахлатларни кўрди-ю, «ҳамма ёқни ахлат босиб кетди», деб ўйлаб, кўнгли ғашланди.

– Бек ака, димлама тайёр экан... Ё қозон кабобни кутамизми? – деб сўради Жамшид.

– Буларинг хўрда-маставани писанд қилмайдими? – деди Асадбек ётган жойида керишиб.

– Бир пасда гатоп қилиб ташлаймиз, – деди сал нарида қўл қовуштириб, буйруққа маҳтал турган чойхоначи.

– «Нон палов» деган овқатни ҳам биласанми? – деб сўради Асадбек унга қараб.

– Картошка билан нонни қовуришми? Кўнглингиз шуни тусаётган бўлса, қийма тайёр, шест секундда гатоп қилиб ташлаймиз.

– Қиймангни қўй... – Асадбек шундай деб енгил хўрсинди. – Уруш пайтида онам раҳматли ярим пиёла пахта ёғига озгина нон билан картошкани қовуриб олардилар. Менга шу шоҳона овқат ҳисобланарди. Ҳозир қуйруқ ёғи соласан, кўзи гўштлими ё қиймами қўшиб қовурасан, лекин барибир онам пиширган нон-паловга етмайди...

– Бек ака, бир уннаб кўраверсин, қўли ширин бу одамнинг.

– Уннасин, уннасин, фақат «шест секунд» деб шошилиб, овқатни моховга ошна қилиб қўймасин.

Чойхоначи таъзим қилгач, орқасига қайтди. Асадбек хонасида юраги сиқилиб ўтирганда ёлғизликни, кенгликни кўнгли кўмсаган эди. Шу ерда истаганини топгандай бўлиб, кўзи уйкуга кетди. Овқат пишганда ҳам Жамшид хожасини безовта қилмади. Асадбек пешиндан ошганда уйғониб, юз-қўлини анҳорда

ювмоқчи бўлди, лекин ҳануз оқиб келаётган ахлатларни кўриб, фикридан қайтди. Жамшид мақтай-мақтай дастурхон ўртасига кўйган таомдан бир-икки қошиқ еб, тўхтади.

– Ёқмадими? – деб сўради Жамшид, хавотирланиб. – Қозон кабоб олиб келсинми?

– Кўли ростданам ширин экан, ёқишга ёқди, – деди Асадбек, кейин ўйчан тарзда кўшиб кўйди: – Лекин қаҳатчиликдаги ош барибир бошқача тотли эди...

## 2

Таомдан кейин бир-икки пиёла чой ичишгач, уйга қайтишди. Асадбек кўшнисиникига кириб фотиҳа ўкиди, Қамариддин унга миннатдорчилигини изҳор қила бошлагач, эшитгиси келмай, уйига чиқиб кетди.

Дам ўтмай дарвоза кўнғироғи жиринглади.

– Сизни сўрашса, нима қилай? – деб сўради Жамшид.

– Бошим оғриб турибди, мени тинч кўйларинг, – деди Асадбек пешонасини тириштириб.

Кўнғирокни чалган одам тинч кўядиган тоифадан эмасди: дарвозахонада Жамшид билан шошилиб сўрашиб, ҳовлига ҳовлиқиб кирган Жалилнинг рангида ранг йўқ эди. Дўстини ҳеч бу аҳволда кўрмаган Асадбекнинг юрагига хавотир оралади.

– Асад, шўримиз қуриб қолибди, – деди Жалил у билан кўришаётиб.

– Нима бўлди? – Асадбек уни икки елкасидан тутиб, кўзларига тикилди.

– Абдурахмон акамизни ўлдириб кетишибди, – деди Жалил йиғламсираб. Кейин ғазаб билан кўшиб кўйди: – Шундай одамни-я!

– Ким ўлдиради? – деди Асадбек уни силтаб.

– Телевизор кўрмаяпсанми? Каллангни ишлатиб, хабар олгани борсанг ўлармидинг!?

Асадбек бўшашиб, дўстини кўйиб юборди. Оёкла-

ридан жон қочгандай бўлди. Телевизорга кўзи тушиб эди. У томонларда бўлаётган ғаламисликлардан хабар топиб эди. Аммо... Жалил ҳақ! Қаллани ишлатмабди... Ҳатто... ҳали Орзубек бу ҳақда гап очганида ҳам, ўт ичидаги уйлардан бирида Абдурахмон табиб борлиги мумкинлигини ўйлаб кўрмабди.

Зулм сели Абдурахмон табибнинг қишлоғини ҳам мотам чодирига ўраб ўтганини эшитиб, нима дейишини ҳам билмай гарангсиб қолди.

– Отлан, Муҳиддин отага айтдим, тайёр турибдилар, – деди Жалил уни шошириб.

Жалилни кутиб олиб, ўзи бериққатда қолган Жамшид Асадбекка айтилган бу гапни эшитиши ҳамон, хожасининг амрини кутмаёқ, машина сари юрди. Жалилнинг келганини кўрган Манзура ошхонадан чиқди-ю, аммо меҳмон билан кўришишга ҳам, хайрлашишга ҳам улгурмай қолди. Эрининг бирданига қаёққадир отланиши, индамай жўнаб қолиши Манзура учун янгилик эмасди, лекин шошиб келган Жалил билан бирга кетиши уни хавотирга солди.

Довондан ошишганда шом қоронғуси тушган эди. Йўлнинг ўнг томонида кўринган қишлоқ томон бурилиб, масжид қаердалигини суриштиришди. Эллик-олтмиш кишини сиғдирадиган, ҳавоси димиқиб, зах хиди анқиб турган масжидга кириб шом намозини ўқишди. Бу вақтда Асадбек билан Жамшид машинада ўтиришди. Намоздан сўнг йўлда давом этишни мўлжаллаб турган Асадбек Жалилнинг чиқиб: «Бугун Аллоҳнинг уйида меҳмон бўламиз», деганига тушунмади.

– Ичкари кирларинг, бугун шу ерда ётиб қоламиз.

– Нега? – деб ажабланди Асадбек.

– Бировникига ярим кечада кириб борамизми?

– Шунинг учун эрталаб йўлга чиқиш керак эди, – деб тўнғиллади Асадбек, жойидан жилгиси келмай. – Кўқондами ё Андижондами меҳмонхонада ётамиз, бу ер бўлмайди.

– Бўлади! – деди Жалил ўжарлик билан. – Югурдакларинг билан сайру саёҳатга чиқсанг, меҳмонхонангда талтайиб ётаверасан. Биз фотиҳага кетяпмиз, кечаси билан шу ерда хатми қуръои қилиб, савобини Абдурахмон акага бағишлаймиз. Имом ҳофизи қуръон экан, таклифимизга рози бўлди.

Асадбек кечаси билан бўладиган хатми қуръон нима эканини билмагани учун, эътироз билдиришга гап тополмай қолди.

– Сен кириб туравер, – деди бир оз ўйлангач.

– Ҳа, маслаҳатни пишириб кейин кирасанми? Бўпти, каллангни ишлатавер, – деб Жалил орқасига бурилди. Тўрт-беш қадам босгач, тўхтаб ўгирилди: – Масжидга бетаҳорат кирилмаслигини биласан-а? Масжид қурдирган одам Аллоҳнинг уйида хатми қуръонни эшитса, савоби кўпроқ бўлади.

Жалил кириб кетгач, Асадбек «Нима қилдик?» дегандай савол назари билан Жамшидга қаради. Бундай ҳолларда Маҳмуддан жўяли маслаҳат чиқарди. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини етарли даражада тотган Жамшид устозининг ўрнини босиши мумкин, фақат фикрини баён этишга журъати етишмайди. Шу сабабли хожасининг савол назарини жавобсиз қолдирди.

– Биз Кўқонга бораверсак-чи, эрталаб келиб буларни олиб кетамиз, – деди Асадбек мужмал бир оҳангда.

– Борсак бораверамиз-у... отахоннинг кўнгиллари ранжирмикин...

Кирамизми?

– Бир кеча минг кеча эмас...

Тунни қишлоқнинг эски масжидида ўтказиш аҳди Асадбекка ёкмади. Ўғлининг вафотидан кейин «менинг Худо билан шартномам бор: энди мен унинг уйига қадам босмайман, у меникига кирмайди», деб юборганини эслаб, юраги эзилди. Гарчи ўша ондаёқ Жалил ва Муҳиддин отанинг даъватлари ила тилида тавба қилган бўлса-да, ўғлидан айиргани учун

Аллоҳга даъвосини ҳали тўхтатмаган эди. Хаёлига «Кечаси билан қуръон ўқиб чиққани билан бир нарса ўзгарадими, ўлган табиб тирилиб келадими?» – деган фосикона фикр келиб, ошнасининг қилиғидан ранжиди. Жалилнинг ўзи бўлганида, масжидга кирмай, жўнаворар эди. Жамшид ҳақ, Муҳиддин ота ранжийди. Иложсиз ҳолда масжид томон юрди. Жалил ошнасининг қалбдаги иймон нури билан эмас, нохуш бир иложсизликнинг зўри билан кирганини англаса-да, ичида «шунисига ҳам шукур», деб қўйди.

Хуфтон намозидан кейин давра тортиб ўтирдилар. Хатми қуръон бўлишини эшитган қишлоқ аҳлидан бир неча киши қолди. Тиловатни Муҳиддин ота бошлаб, имом ширали қироати билан давом эттирди. Ярим кечада Асадбекни мудроқ босиб, дераза токчасига суюнганича ухлаб қолди. Жамшид ўтирганларга сездирмай аста ташқарига чиқиб, машинанинг орқа ўриндигига ётди. Энди кўзи илинганда ойнакни кимдир тақиллатди. Қаддини кўтарган эди, ташқаридаги милиционер йигит эшикни очиб, «бу ерда нима бўляпти?» – деб сўради.

– Бу ердами? – деб саволни такрорлади Жамшид ташқарига чиқиб, кейин кесатиқ оҳангида аниқлаштирмоқчи бўлди: – Машина ичидами? Мен ухляпман. Мана энди уйғондим, саломлашсам ҳам бўлади.

– Мачитда нима бўляпти? – деди милиционер унинг киноясига парво қилмай.

– Хатми қуръон бўляпти, – деди Жамшид керишиб.

– Ким рухсат берди?

– Рухсатми? – Жамшид «шунга ҳам рухсат керакми?» демоқчи эди, гап чувалашиб кетиши мумкинлигини фаҳмлаб, жиддий оҳангга кўчди: – Ким бўларди, Тошкентда ўтирадиган муфтий беради-да бунақа рухсатни, – деб эснади.

– Қоғози борми?

– Қоғознинг нима кераги бор, ўзлари шу ердаларку? Номерга қаранг, укахон, машина кимникилигини билмайсизми? Милиса деган сал зийракрок бўлиши керак.

– Ўзимам мошинга қараб, Тошкондан муфтий ҳазрат келгандирлар, деб ўйловдим. Анави шеригим, – у сал нарида турган милиционерга қараб олди, – «бегоналар кириб олганга ўхшайди» деб ваҳима қилиб мени чалғитди-да...

– Қорининг овозини эшитмадиларингми?

Дарҳақиқат, қорининг овози ташқарида ҳам эшитилиб турган эди.

– Омма имомимизнинг кироати зўр-да! – деди милиционер фахрини баён этиб. – Тошкондаги қориларнинг мусобақасида учинчи ўринни олибди. Ўтган ҳафта тоғам қайтиш қиғанида уйларига бориб, кечаси билан ўқиб берди.

– Ҳа, ана, билар экансиз-ку. Хоҳласангиз киринг, мазза қилиб эшитинг.

– Йўқ, ака, биз хизматдамиз, бизга мумкинбас.

Милиционер шундай деб изига қайтди.

Бомдодни ўқигач, йўлга тушишмади, хатмни кутишди. Кун терак бўйи кўтарилганда имом охирги сурани ўқиб, дуога қўл очди. Масжиддан чикқан Жалилнинг кўзлари мамнун боқарди. Уйқусизлик чарчоғи сезилмас эди.

Жалил Жамшиднинг ёнига, олд ўриндикқа ўтирди. Асадбек билан Муҳиддин ота орқадан жой олдилар. Жалил имомни хурсанд қилган экан шекилли, у алоҳида тавозе билан кузатди.

– Шу ишимиз яхши бўлди, қуръонни эшитганда ҳар қандай тош қалб ҳам эриб кетади, – Жалил шундай деб ўгирилиб, «тўғрими, бу гап сенга тегишли», деган маънода Асадбекка қаради. Асадбек бу қарашга жавобан: «ўзинг обдон эриган бўлсанг, етарли» демокчи эди, «отанинг олдида яна бобиллаб бермасин», деган хавотирда индамай қўя қолди.



– Раббим тош қалбларга назар солмайди, тўғри-ми? – деди Жалил энди Муҳиддин отага қараб.

– Қалбнинг тошга айланиб қолишидан Ўзи асрасин, – деди Муҳиддин ота. – Бу томонларда жанозадан кейин хатми қуръон қилиш одати бор. Аллоҳнинг каломини сомъ ҳолда тинглаш фарз. Савоби бор. Лекин... фақат эшитишнинг ўзи билан муддаога эришилмайди-да. Аллоҳнинг илоҳий китоби фақат эшитиш учунгина эмас. Қуръони Карим маънолари дарёи азимдур. Бу дарёдан ҳар ким ўз зехнига лойик сув олади. Банда ўзи ўқиса, тушунса, амал қилса савоб даражаси баландроқ бўлади. Басир кўз учун каломуллоҳни ўқишдан ҳам ортиқроқ бахт борми? Ҳар бир одамнинг кафани бошқа, лаҳади бошқа. У дунёдаги савол-жавоби ҳам ўзига яраша бўлади. «Мусхафни ўқидингми, унга амал қилиб яшадингми?» деган савол берилса жавоб қандай бўлади? «Тингладим, аммо тушунмадим, шу боис амал қила олмадим», дейишдан Худо асрасин! Аллоҳ таборак ва таоло дейдики: «Эй Одам фарзанди, сенга уч нарсани ихтиёр қилдим: яъни оила аҳлингни, молу дунёингни ва амалингни. Сен ўлиб, оёғинг ердан узилиши билан мол-дунёинг ортингда қолади. Оёғинг уйдан чиқиши билан оиланг ҳам ажраб қоладилар. Кейин қабрда бўласан. Қиёмат кунида фақат яхши амалинг фойда беради. Амалинг тузук бўлса, сени ҳам тузатиб кўяр, агар ёмон бўлса, сени ҳалок қилгувчи ерга топширар».

Қуръон ўқишни ўрганолмаётган Жалил бу танбеҳнинг ўзига ҳам тегишли эканини фаҳмлаб ўнғайсизланди, бир оз жим кетгач, ўзини ва ўзи кабиларни оқлашга қаратилган баҳонани айтди:

– Худо ҳаммани бир хилда зехнли қилиб яратмаган-ку? Ҳамма ҳам қори бўлавермайди-ку?

– Бу гапингиз ҳақ, бўтам. Агар барчанинг зехни-фаросати, хотира кучи бир хил бўлганида Аллоҳ Қуръони Каримни тўла ёд олишни бандаларига фарз қиларди. Лекин хотирам заиф, зехним паст, деб ёд

олишга ҳаракат қилмаслик ҳам дуруст эмас-да. Хотира кучи заиф бўлган одам ҳам кунда бир кичик оятни ёд олиши мумкин. «Ихдинас сиротал мустакийм» – эй Парвардигоро, бизларни тўғри йўлга солгин, оятини эслаб қолиш мушкулми? Агар қунт қилиниб, кунда бир оят ёдланса, йилда уч юз олтмиш оят ёдланган бўладими?

– Бу гапингиз ҳам тўғри, – деди Жалил баҳсда енгилганлигини тан олиб.

– Ҳибсда эканимизда бир артист бор эди. Ўнлаб сахна асарларини ёд биларди, Қуръон илмида эса алифни калтак дейдиган даражада эди. Бир куни «шунча монологларни ёдлаб нимага эришдингиз? Бунинг ўрнига Қуръонни ёдлаганингизда хидоят топиб, охираат мукофотига эга бўлардингиз», деб эдим, гапимдан таъсирланибди. Ўн тўққиз порани мукамал ёд олганда умри вафо қилмади. Жон берар чоғи ўз ишидан мамнун бўлиб, хидоят берган Аллоҳга шукурлар қилди. Охиригача ёд олишга улгурмагани учун армон билан кўз юмди. Чиндан ҳам Тангри таоло у биродаримнинг қалбини Қуръон нури билан ёритиб хидоят берди. Аллоҳ Ўзининг элчисига мурожаат этиб марҳамат қиладики, «Эй Муҳаммад, Сиз кофирларни Худонинг азобидан кўрқитсангиз ҳам ё кўрқитмасангиз ҳам, уларга барибир. Улар иймон келтирмайдилар. Сизнинг насиҳатингиз, яъни огоҳлантиришингиз шундай зотларга фойда берадики, улар зикрга – Қуръонга амал қиладилар. Худони кўрмасдан туриб, ғойибона Ундан кўрқадилар. Сиз уларга Худонинг кечиришидан ва улуғ ажр беришидан хабар қилинг». Улуғ ажр насиб қилганларни кўрдик. Хидоят топмаганларнинг қанчасини кўряпмиз? Эшитинг-а: «Инна жаъална фий аъноқиҳим ағлалан фаҳиа илал азқони фаҳум муқмаҳун» – оятнинг маъноси бундай: «Албатта кўп кофирларга Худонинг ваъда қилган азоби собит бўлган. Улар иймон келтирмайдилар, гўёки Биз у кофирларнинг

бўйинларидан то иякларига қадар ҳалқа-кишан солганмиз. Уларнинг бошлари юқори бўлиб, гўддайиб қолганлар, ерга эгилмайдилар». Тушундингиз-а, Парвардигор уларнинг саркашликларини бўйнига кишан солинган одамга ўхшатяпти. Яна Аллоҳ дейдики: «Биз уларнинг олдиларидан ҳам, орқаларидан ҳам парда-тўсиқ яратдик, бас, улар ҳеч нарсани кўрмайдилар». Мана шу огоҳлантиришни ҳеч бир банда, ҳеч қачон унутмаслиги керак. Бўйинга кишан тушиб қолишидан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Муҳиддин ота шундай дегач, бошини эгиб, жимиб қолди. Жалил унга бир қараб олиб, бошқа гапирмади. Асадбек ҳам, Жамшид, ҳатто Жалил ҳам бу гаплардан ўзларича мутаассир бўлдилар. Жамшид билан Асадбек ўзларини кишандаги банда қиёфасида кўриб, ғашландилар. Бундан ташқари, Асадбек Сибирдаги қамокхона тилга олингани учун отасини эслади. «Адам қандай эдилар? Қай ҳолда кўз юмганлар? Қандай армон билан кетганлар?» деган савол уйғониб, юрагини таталади.

Андижонга яқинлашганларида тун чарчоғи ҳукминини ўтказиб, Жалил ухлаб қолди. Ўшга етганларида ҳарбийлар уларни тўхтатдилар. Жамшид уларга мақсадни тушунтиришга уринди. Зобит кўнавермагач, Муҳиддин ота машинадан тушиб, ёрдамга эмас, фотиҳа ўқиб, таъзия билдириб, кўнгил сўрашга кетаётганларини англагач, йўл очилди.

Қишлоққа кираверишдаги ёнган уйларнинг қорайиб турган деворларига кўзлари тушиб, маъюсландилар. Бу деворлар ортида қанча бахтиёр оилалар қанча саодатли онларини ўтказган эдилар. Қанчалари тўй қилиб, элга дастурхон ёзиш ниятида яшаётган эдилар. Саодат куёшини сўндиришга бир неча дақиқа кифоя қилди...

Олов тили Абдурахмон табибнинг уйига ҳам етиб келган, бир қанотини ёндирган, одамларнинг ҳаракати билан ўт ўчирилиб, қолган қисми омон қолган эди.

Хатар нари бўлганига ишонган кишлок аҳли бу кун уйларини офат ёпинчиқларидан тозалашга киришган эдилар.

Абдурахмон табибнинг айвонида Мирзаали, Гўрўгли, Жўлон қирғиз гурунглашиб ўтиришган эди. Улар машинадан тушган меҳмонларни танимасалар ҳам, иззат билан кутиб олдилар. Мирзаали ичкарига ўтган эди, табибнинг келини меҳмонларнинг кимлигини билдириб, чой дамлаб берди-да, ўзи овқатга унади.

Дуойи фотиҳадан сўнг бир-бирлари билан танишдилар. Мирзаали гапни Абдурахмон табибнинг Ўшга хавотирланиб борганидан бошлаб, бўлиб ўтган воқеаларни эринмай баён этди.

– Боши бузуқлар авжга чиқиб, бу томонга бостириб келишаётганда ошнам бу Жўлон биродаримиз билан биргаликда уларни тўхтатмоқчи бўлибди. Ваҳший кўзига қон қуйилса, одам танийдими? – деб ҳикоясига яқун ясади.

– Уриб ўлдиришдими? – деб сўради Жалил.

– Уришларига Жўлон йўл қўймаган. Уйда тек ўтираверганида жони омон қоларди. Қўшнининг уйи ёнган экан, ичкарида қамалиб қолган болаларни олиб чиқаман, деб ўзини ўтга урибди-да... Икки боланинг жонини сақлабди, учинчисига кирганда нафаси бўғилибди. Жўлон ўт ичига кириб, биродарини олиб чиқибди. Куйишга қаттиқ куймаган-у, тутунда бўғилгани учунми, юраги дош беролмай, тўхтабди-да...

– Бундай одамларни Аллоҳ ўтда куйдирмайди, – деди Мухиддин ота енгил хўрсиниб. – Қадим замонларда Бағдодга ўт тушиб, уйлар кетма-кетига ёнибди. Бир уйда гўдаклар қолиб кетган экан, валий одам ўтаётиб, ота-онанинг фарёдини эшитибди-ю, ўйлаб ҳам ўтирмай, ўт ичига кириб, болаларни олиб чиқибди. Битта туки ҳам куймабди. Болаларнинг отаси қувониб унга ўн тилла суюнчи узатса, у валий: «тиллаларни оладиган одам бўлсам, ўтдан соғ чикмас

эдим», деган экан. Абдурахмон табиб ана шунақа валий қаторидаги ажойиб одам эдилар. Аллоҳ суйган дўстини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ўт азобидан асрайди.

Бу гап Гўрўғлига маъқул келиб, «яхши айтдингиз», деган маънода меҳмонга мамнун қаради-да, суҳбатга кўшилди:

– Гўр қазिशга кўлим бормади. Кетмонни ерга ураман-у, «Абдурахмонга кавляпманми?!» деб ўпкам тўлади. Омма, гўр ниҳоятда силлик чиқиб, ўзиммиям хайрон қолдирди. Лаҳад кенг бўлди, айвонини атай силликласа ҳам бунақа чикмайди. Яхши одамнинг гўри шунақа бўлади. Ёмонники нураб кетаверади, эпақага келтиргунимча, эсим тескари бўлади. Валади зинонинг гўри шунақа бўлди: кетмон урсам, тупрок сачраб кетади, девор уваланиб тушаверади. «Бу бадбахтни ер олгиси келмаяпти», деб ўйладим. Охири, Кўкшапканинг гўрини очиб, ўша лаҳадга кўйдим. Ота-болага бу ҳам хайф. Барибир Худога менинг айтганим маъқул бўлди. Абдурахмон бир кечаси валади зинони бошлаб келди. Эртасига ўзи келди. Қарашлари паришон эди, нимадандир хавотири бор эди. «Кеча Қоровой бир шумликдан дарак берди. Ўйлай-ўйлай нималигини билолмадим. Эҳтимол, сиз сезгандирсиз?» – деб сўради. Мен дангалчи одамман, дангалини айтдим: «Шумқадамдан ёмонликдан бошқа яна нима кутиш мумкин? – дедим. – Кўнглим бир нарсани сезиб турибди: шу икки-уч куннинг ичида валади зино ўлса керак. Унга янги гўр кавламайман. Кўкшапканинг лаҳадини очаман-у, суяқларини суриб, шунинг ёнига қўяман. Икки фосиқ биргалашиб ётаверади... Сенам... «жаноза ўқиймиз», деб хархаша қилмайсан». Абдурахмон раҳматли кенг одам эди, бу гапимга унамади: «Мусулмоннинг боласига жаноза ўқиш керак», – деди. Бу гапидан аччиғим чиқди: «Қанақа мусулмонликни айтасан? Ким эди мусулмон? Кўкшапками? Унга ҳам жаноза ўқиган эдиларинг.

Қанчадан қанча иймон эгасини қуритди? Үша ҳам мусулмонмиди?» – деб юбордим. Абдурахмон қайсар эди, гапимни олмади: «Қўйинг бу ўтган гапларни, гуноҳларига ўзи жазо олади у дунёда», – деди. Менам бўш келмадим, ғазабимни яширмай: «Ўтган гаплар, дейсанми? Гўрга киргач, ҳаммаси унутилдим, тупроқ ҳамма аблаҳликларни кўмиб ташлайдими?» – деб бобиллаб бердим. «Юки енгиллар нажот топади, гуноҳи оғирлар дўзахга тушади», деб менга сал ён босгандай бўлди. Гап талашиб қолсак, «илмим йўқ», деб турарди-ю, лекин ҳар балога ақли етарди. Мен алифни калтак дейдиган оми одам бўлсам ҳам, ҳар гапга кўнавермайман. Жони чиққан ҳар одамга ҳам жаноза ўқийвермаслик керак. Кўкшапка тоифасидагиларга жаноза ўқилмаса, унга ўхшаган фосиқларнинг кўзлари очиларди. «Менам шу қўйга тушмай», деб гуноҳдан тийилишарди. У дунёдаги жазо қанақа бўлишини ким билиб ўтирибди?! Бу дунёдагисини ҳам кўрсатиб туриш керак-да, тўғрими? Абдурахмон бу гапимни ҳеч маъқулламасди. Үша куни мениям ўжарлигим тутиб: «Сен нима десанг деявур, Қоравойга ўзим кўрсатаман. Унинг бу ерга келишига яқин қолди. Аслида унга бу ердан жой бермаслик керак», – дедим. Мен кичкина одамман, ўликларни кўмишдан ўзга ишим йўқ. Бундан бошқа масалаларда мендан биров маслаҳат ҳам сўрамайди. Бу ёғини сўрасангиз, кўп ёмонликлар қилиб ўтган одамга гўр кавлагим келмайди. «Бунақаларга жаноза ўқиш керакмас», деб фақат Абдурахмон табибга айтганман. Азбаройи юрагим қон бўлиб кетгани учун шундай деганман. Аслида дунёдаги ғаламисликларга эътибор қилмасам ҳам бўлади. Менга нима! Битта қорнимдан бўлак ғамим йўқ. Дунёда ким гўрковни подшо қилиб кўтарибди-ки, мен буни орзу қилсам! Худо одил, барибир менинг айтганим бўлди – валади зинога жаноза насиб этмади.

Гўрўғли ичини куйдираётган гапларини айтиб олиб

совугач, Мирзаали Мухиддин отага қараб, Кўкшапка билан валади зинонинг кимлигини маълум қилди.

– Қоровой деганимиз қамалиб кетган эди, бу ёвузликлар бошланмасидан олдин, ўзига ўхшаганлар билан пайдо бўлибди. Абдурахмон уларнинг мақсадини фаҳмлаб, Ўшга тушган эди. Ҳамма ваҳшийликларни Қоровой қамокхонадан бошлаб келган ҳаромилар қилгани аниқ. Қилғилиқни қилиб, гумдон бўлишди, излари ерда ҳам йўк, кўкда ҳам йўк. Лекин олатасирда Қоровой одамларни ҳимоя қилганмиш, деб эшитдим. Зўрланаётган қизни кутқараман, деганда шериги пичоқ тортиб юборганмиш. Ўлигини биров кафанлаб, мазористонга биров кўтариб боргани йўк. Эмаклаб ўзи борибди. Онасининг гўри устига бориб, қон қусиб ўлибди. Қолган гапни ўзингиз эшитдингиз...

– Абдурахман Қудай берген достэли, ани қирғиздар ўлтиргени жок, – деди бош эгиб ўтирган Жўлон худди ўзига ўзи гапиргандай.

– Ҳадеб шунақа деяверма, ҳеч ким қирғизни айблаётгани йўк, нима бўлганини кўриб-билиб турибмиз.

Жўлон бу танбехга эътибор бермай, ҳолатини ўзгартирмаганича давом этди:

– Аилимде ким оуриса, Абдурахманга чобатэли, дохтирға бормайтэли. Туувғанним дари-дармек бериб, оқча олмабайтэли. Дўхтир неверемди қайтиш болат, дегенда, Абдурахман сақтаб қалган... Ул бул дунёнин адами эмесэли. Қудайим аға беишден орин берет.

Бу гапларни эшитиб ўтирган Жалил ўзини тутиб тура олмай:

– Шундай табибнинг кадрига етмадиг-а! – деб юборди. Барчанинг нигоҳи ўзига қаратилганини кўриб, фикрини давом эттирди: – Дўхтир зоти оқ халатни кийиб олиб, гердайиб юради, димоғидан қурт ёғилади-ю, даволашидан дарак йўк. Битта дўхтирға дангал шундай десам, «табиблар ҳеч нима билмайди, ўтлар билан ҳозир даволаш мумкинмас», дейди.

Олдинги замонларда шу ўтлар билан даволашган-ку, тўғрими? Ҳозиргидақа укол бўлмаган-ку?

Жалил фикрини тасдиқдан ўтказиш мақсадида Муҳиддин отага қаради. Жалил гарчи, мавзуни бутунлай бошқа томонга буриб юборган бўлса-да, табобатнинг афзаллиги хусусидаги фикрлар марҳумнинг номини шарафлашга хизмат қилгани учун Муҳиддин ота бош ирғаб, гапга аралашди:

– Гапингиз тўғри, бўтам, ҳозирги тиббиётнинг ожизлиги – ўтмиш табобатидан юз ўтирганлигида. Электр лампочка шамчирокни менсимай, гердаиб: «Менинг нурим ғоят ёруғ» деганда, шамчирок: «Тўғри, сен нурлироқсан, лекин сени менинг нуримда яратишган», деган экан. Сибирда ҳам ўт билан даволайдиган табибларни дўхтирлар чиқиштиришмайди.

– Ўрисларда ҳам табиб борми? – деб ажабланди Гўрўгли.

– Сибирда, биродар, азалдан туркий қавм яшаган. Ҳозир ҳам яшайди. Табиблик кўпроқ ўшаларда. Уларнинг давосига ишонадиган ўрислар ҳам кўп.

– Одам дори ичавериб бўкиб кетади-ю, лекин таъсирини сезмайди, – деди Мирзаали.

– Сиз айтган дорини Оврупода ёки Америкада кашф қилишади, ўша ердаги одамларда синаб кўришади, – деди Муҳиддин ота. – Уларда «иссиқ мижоз», «совуқ мижоз» деган тушунча йўқ. Битта одамга шифо бўлган дори иккинчисининг касалини баттар қилади ёки бошқача хасталик уйғотади. Табобат ҳақидаги доно китоблар кўп. Бу соҳага сўзи ўтадиган катта амалдор бўлганимда, тиббиётга ўқиётганлар Ибн Синони тўла ўзлаштирмагунларича кўлларига диплом бердирмасдим. Беморнинг яқинига йўлатмасдим. Тил биладиган олимлар «Тиб қонунлари»ни ўзбекчалаштириб беришди. Шу китобни кўлига олган ақлли талаба бормикин? Бу ёғини суриштирсангиз, устозлари ҳам ўқишмаган. «Шу илмий асар нима учун минг йилдан бери ҳаёт? Нима



учун Оврупо тан беради-ю, ўзимиз инкор этишимиз керак?» – деб ўзларига савол бермайдилар. Бир овқат ёқмаса, «шўр бўлибди» ёинким «ёғи доғ бўлмабди», деб камчилигини айтамыз. Минг йил яшаб келаётган илмни рад этадилар-у, сабабини тушунтириб бера олмайдилар. Чунки уни ўқиб кўрмаганлар. Ўқимасдан туриб рад этишни нима деймиз?

– Аҳмоқлик! – деди Жалил дангал.

– Сал кўполроқ айтдингизми, бўтам, бу бир нодонлик ёинким жоҳиллик десак ҳам бўлар.

– Иккаласи бир эмасми?..

Жалил одатига хилоф қилмай, баҳсни бошламоқчи эди, ичкаридан келиннинг енгил йўталгани эшитилиб, Мирзаали ўрнидан турди. Дам ўтмай қўлида икки коса билан қайтиб, бирини Муҳиддин отага узатиб:

– Насиба-да, қудаларниқидан келибди, – деб изоҳ берди.

Яна икки коса узатилгач, «биз яқингинада тановул қилдик, сизлар баҳузур», деб узрини айтди. Илиб қолган ошдан уч-тўрт қошиқ насиба олган бўлишиб, миннатдорлик билдиришди. Асадбек қарияларнинг суҳбати давом этмай туриб, улардан кечирим сўраб, ишқом остидаги супага ўтди. Жалил дўстига норози назар билан қаради-ю, жойидан жилмади. Жамшид эса хожасига эргашди.

Даволанишга келган кунлари уй ичида нафаси сиқилганда, ховлига чиқиб, шу супада ўтирса, сал дарди аригандай бўларди. Ҳозир айвонда ўтиргани билан, руҳи эзилгани сабаблими, нафаси сиқилди. Қариялар даврасидан четланиб, шу супада нажот истади.

Чой ичаётган Муҳиддин ота Гўрўғлининг ўзи томон тикилаётганидан ўнғайсизланди.

– Биродар, бировга ўхшатдингизми? – деб сўради у хилмлик ила.

– Ўхшатмадим, – деди Гўрўғли ундан кўз олмай. – Сизнинг юзингиздан бир чиройли нур таралиб туриб-

ди. Шунга махлиё бўлдим. Омма, бошингизга кўп аламлар ёғилган экан.

– Фолбинмисиз, дейман? – Муҳиддин ота шундай деб жилмайди.

– Гўрковман, дедим-ку, тўпорилигимдан ранжиманг. Нимани ўйласам, шуни гапираман. Ўликни лаҳадга қўйиб, юзини очганимда баъзи нарсалар менга аён бўлади.

– Аён бўлса... унда авлиё экансиз? – деди Жалил, суҳбатга араллашиб.

– Масхараламанг, авлиё қайда-ю, мен қайдаман? – деди Гўрўғли ранжиб.

– Масхаралаганим йўқ, – деди Жалил хижолат бўлиб. – Худо ўзига ёққан одамларга бир нарсаларни билдириб тураркан.

– Бўтам адашдилар, айбситманг. Валиуллоҳлик бошқа нарса. Аллоҳ суюкли бандасини ўзига дўст тутса, айрим кароматларни аён қилиб беради. Валиуллоҳлик улуғ мартаба, ҳамма ҳам эришавермайди.

– Бу гапингиз тўғри, меҳмон. Мен намозни ҳам эплаб ўқиёлмайман. Раҳматли Абдурахмон ўргатганича ўқиб тураман. Келиб-келиб, Худо мени ўзига дўст тутадими? Лекин ўликларнинг юзига қараб, тириклигида қанақа одам бўлганини билишим тўғри. Баъзи тирикларнинг кўзига қараб, юрагида қанақа шумлик борлигини ҳам биламан. Анави икки йўлдошингизнинг ичлари қоп-қора, каттаси кўп ёмонликлар қилган, кичиги ундан баттар.

– У биродаримизни мулла Абдурахмон даволаган эдилар...

– Жисмини даволабди-ку, руҳига қарамабди-да. Раҳматлининг шунақа одати бор эди, ким бўлса, даволайверарди. Баъзи ёмонларни даволаб овора бўлма, бунақаларнинг тезроқ ўлгани яхши, десам, менга танбех берарди.

«Руҳига қарамабди-да»...

Қараган эди...

Абдулхамидга шифо истаб келган кунлари намоз ўкиб бўлишгач, Абдурахмон табиб Муҳиддин отага синовчан тикилиб: «Ёдингизда бўлса, худди шу ерда ўтириб, инимиздаги руҳ хасталигининг чекинмоғига умид қилиб эдик. Умидимиз сароб бўлиб чиқибди. Инимиз зулми аввалгидан кучлироқ ҳолда касб қилибдилар. Ожиз иймонлари янада ожизлашибди», деган эди. Шунда Муҳиддин ота «Замон буларнинг тилини ҳам, дилини ҳам тош қилиб қўйган... На илож... ҳар ҳолда Аллоҳдан умидимиз бор», деб, айбни замонга юклаб қўя қолганди. Абдурахмон табиб бу баҳонани қабул қилмаган бўлса-да, баҳслашмаганди. Муҳиддин ота ҳозир Гўрўғлига шу гапни айтса, у шубҳасиз, «замон ёмон йўлга солган бўлса, ўзининг кўзи кўрмиди, акли йўқмиди?» деган маънода бирон гап гапириб, қайириб ташлаши мумкин эди. Шу сабабли индамай қўя қолди.

Муҳиддин ота Гўрўғлининг гапини эшитиб, дастлаб келган кунларини, Дев аканинг қилиқларини эслади. Кўришаётиб «сенга миллион сўм бераман», деган, Асадбекка эса нохуш назар билан қараган эди. Девона бўлса ҳам, Асадбекнинг кўзларига қараб, ичидаги қоронгуликни кўрган эди. Фиск зулматини бир девона кўрганида Гўрўғлининг сезишидан ажабланмаса ҳам бўлади.

«Бу ерда шифо умиди билан турганимизда бўтам ҳидоятга яқинлашиб қолган эдилар. Кейин тислана бошладилар. Фарзанднинг ўлимидан кейин янада узоқлашдилар. «Худо уйимга кирмайди, мен унинг уйига кирмайман», деган шаккоқларнинг гапини дилдан чиқариб, билиб айтувдилар. У дамда бизнинг зўримиз билан, тил учида тавба қилиб эдилар. Саждаларда астойдил тавбалар билан турсалар, қалблари йиғласа, меҳрибон Аллоҳ кечирар... Лекин тавба қилармикинлар...»

Муҳиддин ота шуларни ўйлаб, супа томон қаради.

Асадбекнинг бош эгиб, маҳзун ҳолда ўтирганини кўриб, юраги эзилди. Хаёлан муножот қила бошлади:

«Аллоҳим, дунёга келиб яхшини ҳам кўрдим, унданда кўпроқ ёмонни кўрдим. Бўтамнинг аҳволи Ўзингга аён, уни кечир, истиғфор айтувчилар сафи-га қўш, бўйнидаги кишанни олиб ташлаб, ҳидоят бер. Биладан, бандаларингни: «Мен бирон бандамнинг баданига ё боласига ёки мол-дунёсига мусибат юборсам, у Менинг мусибатимни сабр билан кутиб олса, Мен Қиёмат кунда унинг номига тарози тикишдан ёки унинг аъмол дафтарини очишдан ҳаё қиламан ва азоб бермайман», деб огоҳлантиргансан. Сабрли банданинг амаллари тарозига сиғмайди, Ўз фазли караминг билан аъмол дафтари нуқсонларини беркитасан. Афсусим шуки, бўтам бу ҳақиқатни англашда сустлик қиляпти... Олдиларидан ва орқаларидан кўйган тўсиқни Ўзинг олиб ташла, ҳеч нарсани кўрмайдиган бандаларинг сафидан чиқар. Унинг ҳидоят топганини кўриб, сўнг ўлсам, армоним қолмас эди. Отасининг кўзлари очик кетган эди. Азроил жонимни олгач, менинг кўзларимни очик қолдирма. Отасининг ҳузурига хушхабар билан боришни мен нотавонга насиб эт...»

– Йўллар очик эканми, қийналмай ўтдингларми?

Мирзаалининг саволи уни хаёл дунёсидан ташвишли аччиқ ҳаёт оламига тортиб олди. Жалил «Анжонгача яхши келдик», деб гап бошлаган эди, томоқ кириб, уни тўхтатди-да, хотиржам оҳангда жавоб қайтарди:

– Чегарада аскарлар туришибди, беғараз одамларга монелик қилишмаяпти.

– Ишқилиб, тинчигани рост бўлсин, – деди Мирзаали.

– Меҳмон, сизлар ҳам эшитгандирсизлар, кўкрагида ўти бор анжанли йигитлар бу ёққа ўтмоқчи бўлганларида янги каттаконинглар йўлларини тўсганмиш-ку? – деди Гўрўғли.

– Ростдан шунақа бўлибдими ё миш-миш гапми бу? – деб сўради Муҳиддин ота.

– Рост – деди Мирзаали, – чегара бўйлаб одамларни кўйиб ташлаган.

– «Одамлар» деганингиз сиз-у бизга ўхшаганларми ё ўриснинг аскарларими?

– Асосан ўзимизга ўхшаганлар, омма милисалар ҳам бор.

– Агар шундай бўлса, каттаконимиз тўғри иш қилибдилар.

Меҳмондан аксинча гапни, каттаконларни қоралашни кутган Гўрўғли ҳам, Мирзаали ҳам, ҳатто Жўлон қирғиз ҳам унга ҳайрат билан қараб қолишди.

– Гапингиз қизиқ-ку?! – деди Мирзаали. – Ёрдамга шошганлар йўлини тўсишда яхшилик борми?

– Эй-й биродар, сиз муаллим экансиз, бошқалар тушунмаса ҳам сиз билишингиз керак бунақа сиёсатни. Мен советнинг турфа иғволарини кўравериб, мана бу ерим, – Муҳиддин ота чап кўкрагини ушлади, – зада бўлиб кетган. Мана, ўтган урушни лаънатлайверамиз-лаънатлайверамиз. «Газанда», деб фашистни балчиққа булаб ташлаймиз. Ўша фашистнинг ҳарбий учувчиларини ўтгизинчи йилларда советнинг ўзи ўқитиб, тайёрлаб берганига нима дейсиз?

– Йўғ-е, Европани бўлиб олиш тўғрисида Гитлер билан шартномаси борлигини эшитганман, буниси сал ғалати-ку?

– Сиз-у бизга ғалати туюлади. Биринчи Жаҳон урушидан кейин немисларнинг ҳарбий қувватини сиқиб кўйиш мақсадида кўп нарсалар чеклаб ташланган. Шунда совет махфий равишда уларга ёрдам берган. Оқибатда, ўзи ўқитган одамлар ўзининг ерларини бомбалаб ташлади. Тарихнинг варақларини титаман, десангиз, фитналарга гувоҳ бўлавериб, эсингиз тесқари бўлиб кетади. Бугун кўриб турганимиз ҳам бир иғво. Икки миллат бир-бирини қирсин, деб атаётган уюштирилган иғво жанжали. Агар каттаконимиз сизлар айтган «кўкрагида ўти бор»ларни тўсмаганида

кирғин алангаси янаям ваҳшатлироқ бўларди-ку, тўғрими? Советга худди шу нарса керак. Йигитларнинг кўкрагида ўт бўлгани яхши. Лекин бунақа ғавғолар кўкракдаги ўт билан эмас, бошдаги ақл билан ечилгани дуруст. Мана, Жўлон биродаримиз хижолат бўлиб, «кирғиз ўлдирмади», деяптилар, сиз эса «кўриб-билиб турибмиз», деяпсиз. Шунақа экан, кўкрагида ўти борларга не ҳожат?

– Бу гапингизда жон бор, меҳмон, – деди Гўрўғли. – Менинг бошим гаранг эди. Илгари ҳам ўзбекми, кирғизми, тожикми, қозоқми... ишқилиб, болалар бир-бири билан гап талашган, гапга тўймаса, мушга тўйган. Бу ҳам етмаса, аҳмоқроқлари пичоғини қиндан чиқарган. Айби зўрроқ бўлса, милиса олиб кетиб, жазосини берган, камроқ бўлса, эртасига бир-бирлари билан яна тил топишиб кетаверишган. «Беганас билан Тошпўлат тоzza бир-бирини муштлабди», деб эшитардик. Лекин «кирғиз Беганас билан ўзбек Тошпўлат муштлашибди», демаган ҳеч ким. Қирғиз ўлса, тобутнинг бир чекасини ўзбек кўтарарди, ўзбек ўлса, қирғиз. Ана, Жўлон, тобутнинг бир томонини кўтарганича, ҳеч кимга тутқизмай, мозоргача келди. Ўзбек қирғиз ошнасининг жанозасига уч тоғ ошиб бўлса ҳам борарди, қирғиз ҳам тоғлар ошиб келарди. Шундай одамларнинг болалари бир-бирларига ваҳшийлик қилишига ишонмайман. «Иғво» деганингиз тўппа-тўғри! Мулла Абдурахмон шуни сезган бўлса керак, Қоровойни мозорга бошлаб келганидан кейин ташвишланиб, Ўшга тушиб чиқувди. Ташвишланганини бетига қараб билувдим, лекин ўзи дардини очмаганди.

– Ҳақ рост, – деди Мирзаали уни қувватлаб, – бу телевизор жавраётганидай миллий масала эмас, иғво масаласи! Қадимги Римнинг султони Юлий Сезар: «халқларни бир-биридан айри-айри қилиб ташлагин-у, ҳукмингни мазза қилиб юритавер», деган экан.

– Хўп, масала игвода бўлса бўла қолсин, – деди Гўрўгли. – Омма ваҳшийлик анов-манов даражада бўлмади, жавобини ким беради?

– Хитойликлар пайгамбар даражасида кўрувчи донишманд Конфуцийдан: «Яхшиликка нима билан жавоб бериш керак?» деб сўрашганда «Яхшилик билан», деб жавоб берибди. «Ёмонлик, зулмга-чи?» деб сўрашганда «Адолат билан», деб жавоб берган экан.

– Дуруст айтибди. Яхшилик қилиш ҳар бир одамнинг кўлидан келади. Бироқ, бировнинг ёмонлигини кечириб, унга яхшилик қилиш фақатгина мўъминга хос. Ҳақиқат шуки, Хитой донишманди айтган адолат тарозуси советда аллақачон бузилиб кетган, – деди Муҳиддин ота. – Телевизорда кўрдим, мухбирлар ҳам, сиёсатдонлар ҳам «жиноятчилар қонун олдида жавоб берадилар», деб жаврашяпти. «Қонун, қонун!» деймиз-у, қани ўша қонун, қани ўша адолат? Борми шунақаси?.. Бўлганида ҳам, қонун жамиятда тўла адолат ўрнатолмайди. Зулм даражасини пасайтира олади, холос. Ҳеч қайси давлат жамиятда жаннат яратиб бера олмайди. У жамиятнинг дўзахга айланиб кетмаслиги чораларини кўра олади. Лекин совет бундай чора кўришга ожизлигини билдириб қўйди. Дўзах эшикларини ўзи очиб беряпти... Ҳақиқат билан куч кундошга ўхшайди. Ҳозир куч кундошининг кўлидаги захар иш беряпти. Одамлар ҳақиқатни ким захарлаётганини билиб қўйсалар ёмон бўлмасди.

Қарияларнинг сиёсат бобидаги ўзларига хос суҳбатларига жимгина қулоқ тутиб супада ўтирган Асадбекнинг кўз олдида Орзубек келди. Унинг «ярмимиз кирилиб кетсак ҳам», деганига жавобан сўкиб берганини эслаб, «яхши қилган эканман», деб ўзидан мамнун бўлди. Ҳозир Мирзаалининг тилидан Рим султони айтиб кетган гапни эшитиб, юрагида санчиқ турди. Гўё дард яраси очилгандай бўлди. Чувринди-Маҳмуднинг фожиали ўлиmidан кейин у иттифоқсизлик ҳақида

кўп ўйларди. Ўлим билан якунланувчи ноаҳиллик сабабини билолмай гаранг эди. Пул талашишади, деса, ҳаммаси пулга кўмилиб ётибди. Амал деса... қизик, пул оқиб келиб турганидан кейин амалнинг нима кераги бор? Асадбек шуни тушуна олмайди.

Ҳамма бир-бирига тиш қайрайверса, миллатнинг тақдири нима бўлади?

Асадбек бунни ўйламайди. Унда ўз отасининг, айвонда ўтирган ота кадрдонининг, ҳатто «гўр қазишдан бошқа нарсани билмайман», деб ўтирган одамнинг юраги йўк...

Муҳиддин ота Асадбекнинг бетоқатланаётганини сезиб, Мирзаалидан кетишга изн сўради. Мирзаали «ҳозир, ҳозир», деб ўрнидан туриб, ичкарига қараб юрди. Бир пиёла чой ичилгунча вақт ўтгач, кўлида икки коса билан қайтди.

– Бир чиннидан шўрва ичмай кетсангиз, келинимизнинг кўнгли ранжийди, – деди кулимсираб. – Ошнаимизнинг хотирасини сийлаб келибсизлар, сизларни Худо сийласин. Гап инимизнинг табибдан шифо топишида эмас, Абдурахмондан шифо топганларнинг ҳисоби йўк, гап одамийлик фазилатининг гултожи бўлган – меҳр-оқибатда! Оқибат қилибсизлар, Худо сизларга хайрли оқибат берсин. Дийдорга тўйганимизча йўк, бугунча ётиб қолсангиз яна ҳам хайрли бўларди-да.

Муҳиддин ота айвон сари яқинлашаётган Асадбек билан кўз уриштириб олиб, мезбонга лутфи учун миннатдорчилик билдирди. Келин яна косаларни узатгач, Гўрўғли шўрвага нон тўғрай бошлади.

– Мулла Абдурахмонникида таом есак, савоби арвоҳига етиб боради. Шу бир коса овқат кечгача ҳаммамизни тўқ тутади, шунақами? – Гўрўғли негадир Асадбекка қараб олди-да, гапини давом эттирди: – Одамларга ҳайронман, ҳамма яхши яшашнинг қанақа йўли бор, деб бош қотиради. Серҳашам уйни орзу қилади, етишса, энди саройни орзу қилади. Кейин



чиroyли мошинларни ғизиллатиб юришни хоҳлайди. Мошинга етишса, кўнгли самолётни тусаб қолади. Саройда ўн йил яшар, боринг, ана юз йил яшасин, момик тўшакларда талтайиб ётсин. Кейин барибир менга ўхшаганларнинг қўлига келади-ку? Серҳашам уйда яшаганми ё кулбадами, менга фарқи йўқ, бўйбастига қараб бир хил лаҳад кавлаймиз. Бойнинг бошига қўядиган гувала ҳам, камбағалга қўйиладигани ҳам бир хил бўлади. Қўлимга қайси гувала илинса, шуни қўяман. Ҳеч қайси гўрков бойнинг бошига пар болиш қўймаган. Лаҳад қуртларига ҳам барибир. Бир чекадан кемираверади. Одам, истайдими ё йўқми, бир куни бошига барибир ўлим келади. Одамлар «нима учун дунёга келдимۇ нима учун яшаяпман?» деган саволдан узоқлашиб кетишди. Мулла Абдурахмон билан бу ҳақда кўп гаплашганмиз. У ҳам ҳайрон эди. Яхши гаплари бор эди, камбағалликдан нолиганларга: «Агар Аллоҳ наздида мол-дунёнинг заррача қадри бўлса эди, уни аввал пайғамбарларига, кейин авлиё-анбиёларига раво кўрган бўларди», деб уларнинг юмук кўзларини очарди. Кейин: «Парвардигоро мол-дунёга ҳирс қўйишдан ва унинг фитнасидан ўз паноҳингда асра!» – деб кўп дуо қиларди.

– Минг йиллар давомида кўп донишмандлар бизга ўхшаган нотавонлар учун ҳикматларни қолдириб кетишган, – деди Муҳиддин ота, Гўрўғлининг гапларини қувватлаб. – Сиз айтган саволдан узоқлашиш – иймондан узоқлашиш дегани. Раббимиз «бир куни эллик минг йилга тенг келадиган Қиёмат келмасидан илгари Мендан кўрқинглар ва амалларингизни қилиб олинглар», деб буюрган. Қиёматнинг бир куни эллик минг йилга тенг деган ҳисобга таққосласак, демак, умримиз бир неча дақиқага бориб-бормас экан. Нух алайҳиссалом минг йил умр кўрган эканлар. Кичкинагина чайлалари бор экан, ётсалар, оёқлари чиқиб тураркан. Қазо вақти келиб, Азроил алайҳиссалом ха-

бар берганларида «Умр шунчалик тез ўтишини билганимда, овора бўлиб бу чайлани қурмас эдим», деган эканлар. Инсонларнинг бахтли яшашларига монелик қиладиган нарса – уларнинг мол тўплаш касалига мубтало бўлиб қолишларидир. Мол тўплашни инсон тотиб кўриш, хидлаш, сезиш каби эҳтиёжларини қондириш учун қилади. Лекин бу сезгиларнинг ҳеч бири мақсадга етиш учун кифоя қилмайди. Инсонга мол-дунё насиб бўлса-да, у дунёда ҳам, охиратда ҳам зиёндан бошқа бир нарса келтирмайди. Кимлиги ёдимда йўқ, ақлли шоир айтган экан:

Ўзингча тижорат қилгани келдинг,  
Уй қуриб, иморат қилгани келдинг.  
Бу дунё беш кунлик зиёратгоҳдир,  
Аслида зиёрат қилгани келдинг.

– Бу гапингиз раҳматли мулла Абдурахмон айтиб берган ривоятни эсимга туширди: Бир девона киши бор эди. Унинг маскани кеча-кундуз вайрона эди. Ҳар дам ўша вайронанинг бир ёнини қазиб, ўз умрини хазинага эришиш умиди билан ўтказар эди. Иттифоқо, шунча машаққат чеккандан сўнг бахти чопиб, хазинани топиб олди. У қазиётган чуқурда бир эшик кўринди. Эшикни очиб, ичкари киргач, катта бир саройни кўрди. У ерда тиллаю жавҳарларга тўла қирқта хум турар эди. Девона бу бойликни кўрди-ю, ҳушидан кетди. Шу онда бу ерга бир аблаҳ киши етиб келди. Хазина остонасида беҳуш ётган девонани кўрди ва ҳеч бир иккиланмай унинг кўксига ханжар санчиб, бечоранинг қонини шу хазина устига тўкди ва барча бойликка эга чикди. Яшашдан бирдан бир мақсади хазинага эришмоқлик бўлган девона эса бору йўқ сармоясидан – ҳаётидан ажралди.

– Низомий ҳазратларининг бир ҳикматлари бор, – Мирзаали суҳбатга қўшилиб, кўзларини хиёл юмганича ғазал ўқий бошлади:

«Бир кун Яман шохин гўри устига борсам,  
Қўл чўзди-ю тутди кафан, кўрсатиб карам.  
Ва деди: «Бу саховатим айб айламагил,  
Бу дунёда бундан бошқа йўк бирор нарсам».

Мирзаали «айтилган ҳикматнинг маъзини чақиб олинглар», дегандай тин олди. Ўтирганлар «гапининг давоми бор шекилли?» деб ўйлаб, сабр қилишди. Мирзаали ўқигани давра аҳлига таъсир қилганидан хузурланиб, давом этди:

– Шайх Саъдий ҳазратларида яна маъно бор:

Агар султон ғаний ва комрондир,  
Ва гар дарвеш ҳожатманди нондур,  
Икков ҳам элта олмас жонпарвар ҳол,  
Кафандин ўзга даҳр амволидин мол.  
Чу қилгунг мулк молингдин жудолик,  
Эрур шохликдин авлороқ гадолик.

Ҳикмат барчаларига маъкул келди. Гўрўғли билан Жалил негадир Асадбекка қараб олишди. Асадбек қўлига қошиқ ҳам олмаган, шўрва ичгиси йўк, буларнинг гапи тезроқ тугаса-ю, кета қолсак, деб бетоқатланарди. Муҳиддин отанинг баҳузур ўтириб суҳбатлашиши ёқмаса-да, бир нима деб кўнглини оғритишни истамай, ковоқ уйганича жим ўтираверди. Қарияларнинг суҳбати айтилган ҳикмат билан яқун топар, деб ўйлаганда, гапга Жалил аралашиб, ғашини келтирди.

– Ўтиб кетганларнинг ғазаллари зўр, лекин бугунгиларники ҳам қолишмайди, – деди Жалил. Кексаларнинг доно суҳбатига аралашиб хусн саналмаслигини билгани ҳолда сўз бошлаб қўйганидан хижолат бўлдими, худди биров оғзидан гапини олиб қўядигандай, шошилиб гапирди. – Газитда бир шоирнинг шеърини ўқиб ёдлаб олган эдим, ҳозирги гапларингга узукка кўз қўйгандай бўлади.

– Айтинг меҳмон, шўрва гурунглашиб ичилса, тотлироқ бўлади, – деб Гўрўғли унга далда берди.

Жалил «тумтаявермасдан эшит», дегандай Асадбекка қараб олиб ўқиди:

– Ўлимга барибир: гулдай дудоклар,  
Ҳалол юрганлару ҳаром томоқлар.  
Уст-боши бутлардан чопонни ечгай,  
Ковуш кийиб кетмас ялангоёқлар.

– Жуда-а топиб ёдлабсиз, меҳмон, барака топинг, – деди Гўрўғли уни алқаб, кейин Муҳиддин отага юзланди: – Гапираётганингизда, мулла Абдурахмоннинг ривояти ёдимга тушиб қолиб, фикрингизни сал бузиб қўйдим. Назаримда, ичингиздаги гапнинг ҳаммасини айтмадингиз-а?

Муҳиддин ота кулимсираб қўйди:

– Буни ҳам сездингизми? Бир ҳикматни айтмоқчи эдим, эҳтимол кейинги суҳбатга қолдирармиз. Шўрва совимасин.

– Дийдор ғанимат, меҳмон, айтинг, гапираверамиз ҳам, шўрвани ичаверамиз ҳам, биз қишлоқиларнинг одатимиз шу.

– Ака, меҳмонни толиктириб қўймайлик, – деди Мирзаали узр оҳангида. Бу гап Асадбекка ёқиб, унга миннатдор назари билан қараб олди. Жалил эса унинг яна гашини келтириб, гапга аралашди:

– Гўрўғли акамиз тўғри айтяптилар, отахонимизнинг ҳикмат хазиналари жуда бой, фойдаланиб қолиш керак.

– Бўтам, пича оширвордингиз, кишини бундай хижолатга қўйманг-да, – деди Муҳиддин ота Жалилдан ўпкалаган бўлиб, кейин Гўрўғлига юзланди: – Сазангиз ўлмасин, битта ривоятни айтиб берай. Издиҳомларда ҳикмат-у ривоятлар айтишнинг бир шарти бор: суҳбат аҳли эшитганларини эслаб қолиб, бошқаларга, айниқса, фарзандларга етказиши

керак. Айтмоқчи бўлганим, ривоят сиз баён қилган ҳикматларнинг бир исботи, – Муҳиддин ота ривоятни эслашга ҳаракат қилгандай ўйланди, косани сал нари суриб қўйиб, гапини давом эттирди: – Бир одам кутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю, оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичқон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан кутулиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантиради-ки, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги ва бу илонлар ҳар онда чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга қулаб, ҳалок бўлади.

Муҳиддин ота «ривоятга яширинган маънони англадингларми?» дегандай даврадагиларга бир-бир қаради.

«Бир нодон асал ялайман, деб жарга йиқилибди» – Асадбек, Жамшид, ҳатто Жалил ҳам буни шундай тушунишди.

– Чақилиши қийин бир ёнғоқни фаросат дастурхонимизга қўйдингиз, – деди Мирзаали бош чайқаб.

– Сўфийларнинг фалсафа ёнғоғи-да, бу, – деди Муҳиддин ота кулимсираб, кейин баёнга ўтди: – Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон –

борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол. Бобораҳим Машраб бекорга изтироб чекиб айтмаганларки:

«Бир гуноҳнинг устига юз минг надомат яхшидур,  
Юз туман ёзуқларим бору пушаймон манда йўк».

– Ҳақ, рост! – деди Гўрўғли. – Бунақаларнинг кўпини кўрдим.

– Ҳа... – Муҳиддин ота енгил тин олди-да, сўнг давом этди: – дунёнинг лаззати чакмоқ каби, булут сояси каби бир зумда ўтиб кетади. Шу боис ҳам унга ружу қўймоқлик нодонлик ҳисобланади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Дунёга рағбат қилмаслик, аҳамият бермаслик, дунё ишларидан йироқ обид ва зоҳид бир қул бўлмоқлик кўнги ва баданга роҳат бағишлайди. Дунёга рағбат қилмоқлик, уни севмоқлик ғам ва маҳзунликни зиёда қилади», деганлар. Бу оддий гап эмас, мағзини чақишга уриниб кўрайлик-чи: дунёни севмасликнинг кўнги ва вужудга роҳат бағишлаши нима? Бундай одамда хирс, ҳақсизлик, кину адоват қилиш туйғуси бўлмайди. «Қандай қилиб фалончининг оёғини чалсам, фалончининг молини ёки мансабини тортиб олсам», деган васваса киши қалбини безовта қилса, виждони «гуноҳдан кўркмайсанми, одамлардан уялмайсанми?» деб тергайди. Чунки у биладикки, Аллоҳ таоло «Инсон ўзини бой-беҳожат кўрса, бас, туғёнга тушади, ҳаддидан ошади. Албат-

та, қайтиб бориш Раббингнинг Ўзига, бошқага эмас», деб огоҳ этган. Атрофимизга зийрак боқайлик: чиндан ҳам киши бойлик, мансаб орттирса, дарров тугёнга кетади, ҳовликади, ҳаддидан ошади. Лекин Қиёмат кунини барибир Аллоҳга қайтади-ку?! Ўшанда ҳар бир нарсанинг аниқ ҳисоб-китоби бўладики, буни унутмаслиги шарт. Раббимизнинг огоҳлантиришига эътибор берайлик: «Билингларики, бу дунё ҳаёти фақат ўйин-кулги, кўнгил эрмаги ва зеб-зийнатдир, ўрталарингиздаги ўзаро мақтанишдан ва мол-мулкни ҳамда фарзандларни кўпайтиришдан иборатдир. У худди бир ёмғирга ўхшарки, унинг ёғиши сабабли униб чиққан ўт-ўлан дехқонларни хайратга солиб, ақллари банд қилиб кўюр, сўнгра у қурир, бас, уни сарғайган ҳолда кўрурсиз. Сўнгра у хас-чўлга айланиб кетади. Дунё ҳаётининг ҳоли ҳам шундан ўзгача эмасдир. Охиратда эса ўша дунёга алданиб қолганлар учун қаттиқ азоб ва иймон-эътиқод билан яшаб ўтганлар учун эса Аллоҳ томонидан мағфират ва розилик бор. Бу дунё ҳаёти ғурурга кетказувчи матодан ўзга ҳеч нарса эмас». Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини «ўйин-кулги, кўнгил эрмаги, зеб-зийнат» деб таърифлаяптими? – Муҳиддин ота шундай деб беихтиёр Асадбекка қараб олди. Бош эгиб тинглаётган Асадбек бу қарашни сезмади. Сезганида «бу гапларнинг ҳаммаси менга қаратилган экан-да, бунча менга ёпишиб олишди, бу чоллар?!» – деб ғазабланиши аниқ эди. Муҳиддин ота кўзини ундан олиб, Гўрўғлига қараганича давом этди: – «Муту қабла ан тамуту» – Пайғамбаримиз алайҳиссалом «ўлмасдан бурун ўлинглари», деб марҳамат қилганлар. Бунинг маъноси – киши тириклигида охират синови-га тайёрланиши керак. Ажабки, одамлар ўлчови билан қаралганида, ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиш учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Ўзингиз айтганингиздай, қаёққа қарамайлик, одамлар кийим-бош, емоқ-ичмоқ, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган. Ўз обрўлари, мансаблари, ҳасабу

насаблари билан фахрланишган, мол-дунё ва болачақани кўпайтиришга урингани-уринган. Аслида эса бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайди-ки, у ёққандан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир. Яъни ўсимликлар тезда қурийди, ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади. Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчи бўлгани сабабли у билан алданиб қолмаслик керак. Чунки охиратда кофирларга азоб, мўъминларга Аллоҳнинг мағфирати ва розилиги мавжуд. Одам ҳаром-ҳариш воситалар билан мол-дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳақир бўлиши муқаррар.

– Абдурахмон бунӣ ҳам айтган эди менга, – деди Гўрўғли. – Унинг ўзи бойликка паст назар билан қарарди. Тарозининг битта палласига тилла-ю жавоҳир, иккинчисига бир камбағалнинг дуосини қўйиб, «танла», дейилса, ўйлаб ҳам ўтирмай, дуони танларди. Бир одам тухум сотмоқчи бўлиб, баққолга борибди-да, «тухумларимни неча пулдан оласан?» деб сўрабди. Баққол кўрадиган фойдасини чамалаб, «Ўнтасини бир сўмга оламан», дебди. «Йў-ўқ, – дебди деҳқон, – бир сўмга йигирматасини сотаман». «Ундай бўлса, майли, бир сўмга ўн иккита тухумингни ола қолай», дебди баққол. Бечора, ортиқча фойданинг гуноҳидан қўрқар экан-да... Деҳқон: «Йў-ўқ, – деб унинг таклифига унамабди, – Бир сўмингга ўн саккизта тухум бераман». Ғалати савдо, а? Шунақа инсоф эгаларини кўргаимсиз бу юртда? Ҳа-а... Абдурахмон ҳикматларни шунчалик айтиб қўя қолмас эди, аввало ўзи амал қиларди.

– Мулла Абдурахмон билан суҳбатлашганингизда у киши кўп ҳадислардан мисоллар келтиргандирлар. Биз бу қутлуғ хонадонда бир неча кун яшадик, суҳбатларидан хўп баҳраманд бўлдик. Тўғри айтдингиз, дунёга кўнгил қўймаган эдилар. Бир суҳбатимизда



«Охиратни олиш учун дунё молини сотиш мумкин, дунё моли деб охиратни сотиш жоҳилликдир. Инсон дунёнинг бўм-бўшлигини билган куни ибрат ва хикматга эришган бўлади. Зулматдан нурга чиқади», деган эдилар раҳматли. Бир шарафли ҳадис хусусида фикр юритганимиз ҳам эсимда: «Икки иллат борки, сизларга улар туфайли зарар етишидан хавфдаман, – деганлар Пайғамбаримиз алайҳиссалом. – Бу кибру ҳавога эргашиш ва орзу-ҳавасга берилишдир. Кибру ҳавога эргашиш – Ҳақдан тўсилиш, орзу-ҳавасга берилиш эса, дунёни яхши кўришдир. Огоҳ бўлинглар! Аллоҳ таоло дунёни суйган бандасига ҳам, суймаган бандасига ҳам беради. Иймонни эса, фақат суйган бандасига ато этади. Эса тутинглар! Диннинг ҳам, дунёнинг ҳам фарзандлари бор. Сизлар дунё фарзандлари эмас, дин фарзандлари бўлинглар. Билинглар-ки, дунё сизларга орқа ўгирувчи, охират эса пешвоз чиқувчидир. Огоҳ бўлинглар! Бу кун амал куни, унда ҳисоб йўқ. Яна огоҳ бўлинглар-ки, ҳисоб куни яқин, у кунда амал қилиш йўқ!» Бойликка ружуъ қўймаслигимиз учун бизларга яна қандай огоҳлантириш даркор? Сўзни мухтасар қилолмадим, айбситманг...

– «Иймонни суйган бандасига ато этади» дедингиз-а? – деб сўради Мирзаали. – Абдурахмон дин фарзанди эди, шунинг учун Худо уни суйган. Абдурахмондан менам кўп ҳикоят эшитганман. Шулларнинг биттаси ҳозирги суҳбатимизга мос, малол олмасангиз менам айтсам?

– Айтинг, айтинг, бу ҳам бир амри маъруф, Худо хоҳласа, амри маъруфнинг савоби мулла Абдурахмоннинг руҳларига етади. Илм олиб, бошқаларга тарқатиш – садақотул жория саналади. Мулла Абдурахмондан эшитганларингизни қаерда ва қачон тилга олсангиз, аъмол номаларига савоб ёзилаверилади.

Бу гапдан илҳомланган Мирзаали баённи бошлади:

– Бир ҳаким чиройли товусни кўрди. Унинг

гўзаллиги ҳақимни ҳайратга солди. Лекин товуснииг хунук қағиллаши, чиройли патларини юлиши ҳақимни ажаблантириб сўради-ки:

– Эй товус! Шундай гўзал патларингни нега юляпсан? Бундай чиройли патни ерга ташлашга қандай қилиб кўзинг қийди? Бу ишинг Аллоҳ берган неъматга ношукурлик эмасми?

Товус ҳақимнинг бу гапини эшитиб, фарёд қилиб йиғлади ва ҳақимга деди-ки:

– Эй ҳақим! Сен сувратнинг жозибасига қараб ҳукм қиляпсан. Менинг бу гўзал патим, бу гўзал қанотларим бошимга минг турли балолар келтирди. Барча чеккан заҳматларим, мана шу гўзал патларим туфайлидир. Бу патлар менда экан, ўзимни ҳимоя қилишга ожизман. Кошки кўримсиз бир куш бўлсам. Халқнинг назарида бўлмасам, ана ўшанда озод яшардим. Хоҳлаган жойимда эркин кезардим. Эй ҳақим! Бу зийнат, бу сифатлар менда бўлгани учун душманларим жуда кўп.

Мирзаали баённи тугатиб, «фалсафасини ўзингиз изоҳлаб берасизми?» дегандай Муҳиддин отага қаради.

– Кимса олтин ва кумушни кўрмаса ҳеч гап эмас. Бироқ уларни кўргандан кейин жуда кўп нолайиқ ишларни қилиб юбориши мумкин, шуниси чатоқ-да! – деди Муҳиддин ота. – Дунёда гўзал ва жозибали нарсалар ғоят кўп: уюм-уюм пуллар, турли русумли мошиналар, тилла-жавҳар безаклар, қиз-жувонлар, фарзандлар... Булар ҳар бир кишининг истагида оз ёки кўп даражада мавжуд. Бироқ, буларнинг барчаси ҳаёт учун аҳамиятли нарса эмас. Дунёни ясанган келинга ўхшатадилар. «Фоний дунё хуштур, аммо оқибат мавт ўлмаса». Ҳа, оқибат – бу дунёда ўлим бор. Ҳеч ким абадий қолмас. Яна ўлимдан сўнг ҳисоб-китоб бор. Оманно ва саддақно! Шак-шубҳасиз бор!

Асадбек ҳам, унинг аёни ҳам қарияларнинг суҳбатидан хикмат олиш ўрнига «тезроқ кета қолсак эди»,

деган ўйда бетоқатланиб, гашланиб ўтирдилар. Асадбек ўзини қанчалик зўрламасин, томоғидан шўрва ўтмади. Икки қошиқ билан чекланди. Аввал Гўрўглининг, сўнг Муҳиддин отанинг узун дуоларидан сўнг хайрлашиб, йўлга тушдилар.

Бир томони узоқ йўл чарчоғи, яна эшитган-кўрганларидан кўнгли гашланган Асадбекнинг гаплашишга ҳуши йўқ, Муҳиддин ота толикқанмиди, у ҳам жим эди. Давра суҳбати таъсиридаги Жалилнинг эса жим кетгиси йўқ эди. Орқа томонга бир-икки қараб олгач, Жамшидга:

– Радионинг қулоғини бурасанг-чи, ҳаммаёқ хуфтон бўлиб кетди-ку? – деб буюрди.

Жамшид «акахоннинг амрларини бажарайми?» дегандай пешкўзгу орқали хожасига қараб олди. Асадбекнинг эътиборсиз ўтирганини кўриб, радио мурватини буради. Янграган куйни эшитиб, Жалилнинг баҳри-дили яйраб кетди. Бу кўшиқни неча минг марта эшитган бўлса, яна тинглагиси келаверарди. Ҳозир ҳам жон қулоғи билан тинглади:

«Агар ошиқлигим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар,  
Бу ишқ сиррин баён этсам, таки ул хонумон ўртар.  
Кишига ишқ ўтидин заррайи тушса бўлур гирён,  
Бўлур бесабру бетоқат, юрак-бағри ҳамон ўртар».

– Оҳ-оҳ, бунақа ашула учун жонингни бериб юборсанг арзийди, – деди Жалил кўнгили хушлигидан маст бўлиб.

– Жонингни асраб тур, арзийдиган нарсага керак бўлиб қолар, – деди Асадбек кесатиб.

Бу киноя ортида «жим кетсанг-чи!» деган маъно яширинганини Жалил англади. Агар ёлғиз ўзлари бўлишганида «сен санъатни тушунармидинг, сен ишқи йўқ эшшак, дарди йўқ кессаксан», дейишдан тийилмаслиги аниқ эди. Ҳозир Муҳиддин ота ҳузурида одоб чегарасига риоя қилиб, бундай дея олмади.

– Сен тушунмайсан, бу Отабекнинг ашуласи. Кумуш бибига ошиқ йигитнинг дарди вулқон бўлиб отилиб турибди, – дейиш билан чекланди.

– «Отабекнинг ашуласи» дедингизми? – Муҳиддин ота ажабланиб, суҳбатга қўшилди. – Китобда бунақа ашула йўқ-ку?

Жалил «Ўткан кунлар»нинг киносини кўрган эди. Китобини ўқимаганлигини тан олгиси келмай, изоҳ берди:

– Кумуш ҳайдаганидан кейин Отабек бўзахонага киради-ку? Ўша ерда айтилади-да, бу ашула.

– Ажиб... ажиб... – деди Муҳиддин ота ўйчан оҳангда. – Аввали шуки, бўтам, Отабекни Кумуш биби ҳайдамаганлар. Дадалари Мирзакарим кутидор ҳайдаганлар. Агар хотирам фаромуш бўлмаган бўлса, деганларки: «Уятсизга манинг уйимдан ўрин йўқ, уятсиз билан сўзлашишқа ҳам тоқатим йўқ... Борингиз, манинг эшигим ёнида тўхтамангиз!» – деганлар. Шундан сўнг уста Алимга дуч келиб, унинг уйида мавиз ичадилар, кейин Тошкентга қайтадилар... Тунда маст-аласт келганларида Ҳасаналидан дакки эшитадилар, сўнг яна бир Марғилонга борадилар, кейин Окмачитга бориб-келадилар-да, Чукур қишлоқ бўзахоналарида кўнгилларига таскин излайдилар. Бўзагар у кишимни алоҳида хужрага олиб киради, а? Отабек «машшоғингизни ҳам кирғизинг» дейди, машшоқ кириб, «Қандай куйни чалиб берай, бек ака?» – деб сўрайди. «Билсангиз, ҳайдалиш куйини чалингиз, ажралиш куйини чалингиз», – дейилади, адашмадимми?

Ҳамроҳларидан биронтаси ҳам бу китобни қўлга олмаганини билмай туриб, савол бериши ғалат бўлди. Камалгунига қадар бу китобни қайта-қайта ўқий-вериб қарийб ёд қилиб олган одамнинг саволга жавоб кутиши ажабланарли эди. Гапни Жалил бошлагани учун савол ҳам унга қаратилди, деб ўйлаган Асадбек ўнғайсизланмади ҳам. «Буларнинг суҳбатига

аралашинишга ҳаққим йўқ, менинг вазифам – хизматларини бажариш», деб ҳисоблайдиган Жамшид эса, Муҳиддин отанинг гапларига мутлақо парво қилмади. Жалил эса дарров жавоб бера қолди:

– Худди шу ерда айтади бу ашулани.

– Ажиб... Китобда машшоқ дуторда «Наво» куйини чалиб беради.

– Мен киносини айтяпман, – деди Жалил.

– Киносини кўрмаганман. Китобда айтилишича, «Наво» куйи Отабекнинг ҳасратини сўзлагандек, бўлади. Агар кинода бу ашулани айттиришган бўлса, Отабекнинг ҳасратига мос келмайди.

– Нега?

– Негаки, ашула қилинган бу газал дунёвий севги баёни эмас. Бобораҳим Машраб илоҳий ишқни, яъни, Аллоҳга бўлган банданинг ишқини баён қилганлар. Соддароқ тушунтирилса, бу «Менинг Раббимга бўлган ишқим шу даражада кучли-ки, бир-бир айтсам, бутун ер юзи ёниб-куйиб, кул бўлади», дегани. Гапга алаҳсиб, охирига диққат қилмадингиз шекилли, «Агар Машрабда оҳ урсам, Биҳишти жовидон ўртар» – агар Аллоҳ ишқи кўйида хонумонидан, дунёвий орзу-ҳавасларидан, ўзлигидан, борингки, бу фоний дунёда Аллоҳдан бошқа барча нарсадан мосуво мард ва фидойи ошиқи девона бир оҳ урса, абадий жаннат ҳам ўртаниб кетаркан.

Уларнинг бир ғазал хусусидаги суҳбатлари давом этаётган паллада иккинчи кўшиқ ҳам охирлаб қолган эди. Жалил Муҳиддин отанинг изоҳларига қаноат қилиб, сукут сақлади.

«Гар фалак куйдурса мундоғ неча кунлар айланиб,  
Бул жаҳонда қолмағай ному нишонлар, алвидо.  
Нури дийдам, қуввати жону дилимсииз, дўстларим,  
Йиғламоқдин кўзларимдин оқти қонлар, алвидо!  
Ҳар на бўлса Машраби бечорадин айланг биҳил,  
Хуш каломи булбули боғи жаҳонлар, алвидо!»

Кўшиқ охирлагач, Муҳиддин ота енгил хўрсиниб, ҳасратдан бўғилаёзган кишининг паст овозида деди:

– Раббимнинг меҳрини қозонган валийлар ўтган табаррук жойларда инсон кони тўкилса-я...

Кўшиқлар сўнгида ёшларнинг мушоираси бошланди. «Қошу кўзингдан акагинанг айлансин», деган мазмундаги биринчи шеърдан Жалилнинг ғаши келди. «Иккинчиси ҳам шунақа бачкана бўлса, овозини ўчираман», деган қарорда охиригача чидаб эшитди. Иккинчи шоир шеърини ҳаяжон билан ўқиб, барчаларининг диққатини тортди:

Деразамдан Ой боқди ярим тунда хонамга,  
Юзлари ўхшаб кетди меҳри нурли онамга.  
Анча хомуш ва ҳорғин, кўнглим кетди зирқираб,  
Киприклари зил ёшни кўтаролмай пирпирар.  
«Унутмагин, жон болам, жоним гиргиттон болам!  
Найранги, иғвоси кўп, бу талотўп замонни –  
Кўриб бағрим хун бўлди, дардли Ўзган томонни...

Жон куйдириб шеърини ўқиётган шоир гўё бир неча дақиқа бурун Абдурахмон табибнинг уйида қарияларнинг суҳбатига гувоҳ бўлган-у, ундаги изтиробларни қаламга олиб, қоғозга туширгандай эди. Жалил ҳаяжонланиб, Муҳиддин отага ўгирилиб қараганича шеърининг давомини эшитди:

Ўшдаги жоҳилликдан тоғлар ранги сомонми?!  
Бобур Мирзо курдирган хужра бутми-омонми?!  
Жоним-жаҳоним болам, жоним гиргиттон болам!  
Кўзингни оч, билиб ол, яхши билан ёмонни,  
Эътиқодсиз – оломон, демак, сўкма замонни.  
«Ал қасосул минал ҳақ», осмонга от камонни...  
Ярим тунда хонамга ўксиб-ўксиб Ой боқар,  
Табиб оғамнинг руҳи чирқиллаб қанот қоқар...

Охирги сатр барчалари учун кутилмаган бўлди.

– Абдурахмон табибни айтяптими? – деди Жалил ажабланиб.

– Шунақага ўхшайди, – деди Муҳиддин ота мутаассир ҳолда.

– Ақлли бола экан, отасига раҳмат, – деди Жалил.

Бошқа гапга ҳожат қолмаган эди. Радиодаги мушоира давом этиб, шоира «бировнинг ёрени олдим омонат», деб шеър бошлаганда Жалил ғашланиб, минғирлаганича радиони шарт ўчириб қўя қолди.

Хуфтон намозини кечаси хатми Қуръон қилинган масжидда ўкидилар. Муҳиддин ота билан Жалил масжидга кириб кетганларида Асадбек «ошнам яна бир ғалвани бошлаб қолмасайди», деган хавотир билан кутди. Ҳатто «агар яна хатми Қуръонни эшитгиси келиб қолса, шу ерга ташлаб кетавераман», деган ҳаёлга ҳам борди. Бахтига, кутгани бўлмади. Жалил жимгина чиқиб, машинага жимгина ўтирдн-да, Жамшидга «хайдамайсанми, аравангни!» дегандай қараб қўйди.

Асадбек уйига ярим кечада кириб келди. Машина овозини эшитган Манзура шошилганича ҳовлига чиқиб, эрини хушнудлик билан қарши олди. Салом бергач:

– Фазлияхоннинг болалари топилибди! – деб суюнчилади.

– Келишдими? – деб сўради Асадбек.

– Келишмади. Ишхонангизга қайсидир шаҳардан кўнғироқ қилишибди. Худога шукур, болалар соғомон экан.

– Энди кўнглинг жойига тушдими? – деди Асадбек уй томон юриб. Бу орада Фазлия хонасидан югуриб чиқиб салом бергач, Асадбекни дуо қила кетди.

– Бўпти, бўпти, дамингизни олинг, менам чарчаб келдим, – деди Асадбек унинг миннатдорлигига жавобан.

Болаларнинг топилганини эшитганда Манзура худди ўғли тирилиб келгандай қувонган, бегона бир

аёлнинг қувонганини кўрган Фазлиянинг кўнгли янада чароғон бўлганди. Ҳозир Асадбекнинг хушxabарни совуққонлик билан эшитиши уни ҳайрон қолдирди. Асадбекнинг феъл-атворидан беxabарлиги учун «Ўзларининг хизматлари туфайли болаларим топилди, нега эътиборсиз бўлдилар?» – деб ажабланди. «Нега кайфиятлари йўқ?» – дейишдан истиҳола қилиб:

– Чой дамлайми, овқатни иситайми? – деб сўради Манзурадан.

– Дамингизни олаверинг, чой ичгилари келса, ўзим дамлайман.

Манзура шундай деб эрининг изидан ичкари кирди. «Чой ичасизми?» деган саволга Асадбек бош чайқади-да, жавонни очиб биллур қадахга коньяк куйди. Унинг ярим кечада ичадиган одати йўқ эди. Шунинг учун Манзура хавотир билан эрига яқинлашиб, елкасига кафтини куйди. Аммо «Нима бўлди, нега ичмоқчисиз?» деб сўрашга журъати етмади.

– Мохора қилган эдим, олиб келайми? – деб сўради меҳр билан.

Асадбек нўхот шўрвани яхши кўрарди, лекин бу он ҳеч нима егиси йўқ эди. Қадахни бирпас кўтариб турди-да, коньякни ичмай, жойига куйди. «Чарчадим», деб хобгоҳи томон юрди.

### 3

Фазлия ўтирган жойида мудраб қолган эди. Азон товушини эшитиб, уйғониб кетди. Тезгина туриб, таҳорат билан покланди-да, шийпон томон шошилиб, тасбеҳ ўтириб ўтирган Манзуранинг ёнидан жой олди. Аламли ҳаёт осмони остида сабр шарбати билан жон сақлаётган бу икки муштипарни бу он четдан кузатган киши опа-сингил деб ўйлаши мумкин эди. Воқеан шундай: Фазлия бу хонадон остонасини босиб ўтганидан бери Манзура жондан азиз сингисини шафқат билан бағрига босиб, юрак яра-



сига меҳр малҳамини босувчи опа мартабасида эди. Гарчи, тил билан изҳор этиб, опа-сингил тутинишмаган бўлишса-да, бир-бирларини руҳан қовуштирувчи туғишганларга хос меҳр ҳалқаси пайдо бўлганди. Фазлия бу аёл билан танишгунга қадар ўзини дунёдаги энг дардли инсон деб ҳисобларди. Гўё ғамли осмон устунни синган-у, дунё дардлари остида қолиб кетгандай ҳис қиларди ўзини.

Дакиқалар, соатлар, кунлар ғилдираги уни аёвсиз равишда босиб, янчаётган эди. Қамокдалигида болаларини кўриш орзуси билан яшаган бўлса-да, бу орзу ишонч билан қувватланмаган, балки, гумон захри билан захарланиб турарди. «Болаларимни кўрмай ўлиб кетсам керак», деган фикр ҳам бот-бот уйғониб, ўлимтик юрагидаги сўнгги томирларни бир-бир кесгандай бўларди. Қамокқа тушгунига қадар бу дунёда қандай номаъқулчилик бўлса барчаси эркакларга хос, бузук гаплар ҳам эркакларнинг тилидангина учади, деб ўйларди. Унинг эри эҳтиётсизлик қурбони бўлди. Ўша ичувчи, ўша қимор ўйновчи, борини ютқизувчи, ҳатто болаларини тикишдан қайтмайдиган аҳмоқни у эр деб биларди. Риоясини қиларди. Ютқизмай келса, «Худога шукур», деб кўярди. Баъзан эса, болаларининг лукмасига ҳаром аралаштириб бераётганини фаҳм этмай, эрининг ютиб келганига қувонарди. Шу нодон эрнинг кўнглига қараб яшаш – унинг учун ҳаётнинг ягона қонуни эди, Аллоҳ буюрганига эса эътибор бермасди. Қамокқа тушгач, эрини ўз қўли билан қасддан ўлдирган ёки қотил ёллаб ўлдиртирган, бу ишидан афсусланиш ўрнига қувонган, ҳатто фахрланувчи хотинларни учратиб ҳангу манг бўлди.

Эрининг ўлимини хоҳламаган эди, қолган умри армон билан ўтади. Агар қўлидаги санчки санчилмай, эри ўзини осган тақдирда ҳам, бу аҳмоқона ўлимнинг олдини ололмагани учун ўзини айблаб яшаган бўларди.

Қамокхонага ароқ ёки қорадорининг қандай кириб

келиши унга номаълум, билишга қизиқиб кўрмаган ҳам, билгани – маст-аласт хотинларнинг бузуқ ишлари... «Жаҳаннам азобидан кўркинлар», деган гапни, дўзахда олов ёниб туришини эшитган, бироқ бу ҳақда бошқа нарсани билмайди. Билиб олгани – камоқхона азоби дўзахниқидан кам бўлмаса керак. Эркакнинг эркакка зулм қилишини табиий нарсасдек қабул қилиш мумкинди, лекин нафосат олиҳаси сифатида яралган аёлнинг ёмонликлари...

Хотин кишининг зулм бобида ўнта эркакка дарс бера олувини тасаввур этишнинг ўзи дахшатли ҳол...

Эҳтимол, Аллоҳнинг аёлга бу дунёда раво кўрган энг олий жазоси – уни раҳм-шафқатдан жудо қилганидир?..

У ўлмай туриб кўриб тургани дўзах азобидан эсон-омон қутулиб қолишига баъзан ишонмасди. Фазлия каби итоаткорлик билан умр кечириб, бир тасодиф билан камоққа тушганларнинг аҳволи айникса ачинарли... Эрига бўлган итоати, фарзандларига бўлган меҳр-муҳаббати туфайлимикин балки... Худо уни камоқ азобларидан қутқарди.

Қамоқхона аҳли фақат эрини ўлдирган қотиллардан иборат эмасди. Бунда дунё юзида мавжуд жиноят турларининг исталган турини учратиш мумкин эди. Ўзларини «адолатсизлик қурбони» деб билувчи хотинлар адолатсизликнинг турфа хилини шу ерда намойиш этардилар. Ўғри хотин ўғри билан, товламачи товламачи билан, порахўр порахўр билан тезгина тил топишиб оладиган жойда эрини ўлдирган қотилларнинг жамланишига ажабланишнинг ҳожати йўқ. Маҳкаманинг шафқатсизлик билан чиқарган ҳукмига кўра, Россиянинг совуқ ўрмони бағрига жойлашган қамоқхонага келтирилган Фазлия кўтариб қирган ўрин-кўрпасини тўшашга улгурмай, сочи устарада олинган, тақир бошига дурра ўрамаган хунук хотин унга яқинлашиб, «бу ёққа юр», деб буюрди. Бу камерада ўғриларга нисбатан қотилларнинг мавқеи ба-

ланд бўлгани учун хона тўрини шулар эгаллаган эдилар. Қамоқ оламининг ўзига хос қонунлари, ҳукмлари борлигидан беҳабар Фазлия кетма-кет сигарет тутаётган хотинлар тўдасига кўркув билан яқинлашди. Газета парчасидан иборат «дастурхон» устидаги бир шиша ароқ, пиёз, тузлаган бодрингга, сочилиб ётган карталарга кўзи тушиб, боши узра бало булутлари тўпланаётганини ҳис этди. Лабига сигарет кистириб олган хотин, тутун таъсириданми бир кўзини хиёл кисиб, Фазлияга бошдан оёқ разм солди-да, ёнидаги аёлга имлаб қўйди. Даврага хизмат қилаётган аёл пачоқ алюмин кружкага ароқ қуйиб Фазлияга узатди.

– Ич, – деб буюрди лабига сигарет кистирган хотин.

– Мен... ичмайман, – деди Фазлия титроқ овозда, кейин изоҳ берди: – ҳечам ичмаганман.

– Олдин ичмаган бўлсанг, энди ичасан, бу ерда Катка-бигизнинг айтгани – қонун, – деди сочини устарада қирдирган хотин.

Ажал тиғига рўпара келгандай кўркувдан титрай бошлаган Фазлия кружкани қўлига олиб, лабига теккизди, ароқнинг қўланса ҳидидан кўнгли айниб, калқиб кетди.

– Ичолмайман... – деди йиғламсираб.

– Анақонда, кийнама буни, ол қўлидан, – деб буюрди Катка-бигиз, сочини устарада қирдирган хотинга, кейин Фазлияга «чўк» деб амр қилди.

Фазлиянинг қотиллар даврасига қўшилиши шу тарзда бўлди. Денгиз пўртанасидаги хаснинг тақдири нима бўларди? «Катка-бигиз» номи билан ҳукм юритувчи хотин Фазлияни қаноти остига олмаганда бу муштипар аёл хасдан баттар ҳолга тушарди. Хотинлар Катка-бигизнинг бу марҳаматига тушунишмади. Ҳатто Фазлиянинг ўзи ҳам бундан ажабланди. Бир куни Катка-бигиз иситмалаб, қамоқ дўхтирхонасига чиқишни истамай, Фазлияни ишдан олиб қолди. Катка-бигиз оёққа тургунича Фазлия унинг хизматини

қилди. Иситма тушиб, дармонга кира бошлагач, Фазлияга ўзини танитди:

– Келган кунинг ароқ ичмадинг-а? Менинг буйруғимни бажармаган хотиннинг аҳволи нима бўлишини кейин кўргандирсан. Ўшанда ичишга зўрламаганимнинг сабабини айтайми? Сенларнинг одатларинг менга ёқади: ичмайсанлар, чекмайсанлар, нак фариштанинг ўзисанлар. Мен бу ерга келмасимдан олдин ҳам ичардим, чекардим. Касбим шунақа эди-да... Мен геолог эдим, сенинг юртингда кўп ишлаганман. Бир куни илон чақиб, ўладиган ҳолга тушдим. Врачга олиб боришгунча ўлишим тайин эди. Базамизга яқин қишлоқда яшайдиган бир кампирга олиб боришди. Мени ўша сақлаб қолди. Уч-тўрт кун уйида ётдим. Ҳамкасбларим кўргани келишганда ўлимни енгганимни нишонлаш учун ичиб, чекиб ўтирган эдик, кампир келиб қолди. Мени бу аҳволда кўриб, шунақанги бақириб берди-ки, росманасига кўрқиб кетдим. Гапларига тушунмасам ҳам, ичаётганимдан ғазабланганини англадим. Кампир бақириб-бақириб келиб, юзимга бир шапалоқ туширди. Хотин кишининг ароқ ичиши, чекиши гуноҳлигини ўшанда билдим. Бўкиб ичмасдим, лекин тўхтовсиз чекардим. Унисини ҳам, бунисини ҳам ташладим.

Онам билан қизимни соғинган эдим, қишга яқин Ленинградга қайтдим. Илмий иш билан ҳам шуғулланардим. Кутубхонада бир одам билан танишиб, яхши кўриб қолдим. У ҳам севги изҳор қилгач, кичкинагина тўй билан тақдирларимизни боғладик. Ҳисобли севги билан уйланганини мен аҳмоқ билмабман. Бошқа шаҳарлардан келганларнинг Ленинградда қўним топиши қийин эди. Кўплари товламачилик қилишиб, ленинградликка уйланарди, иши битгач, ажралишарди. Менинг пешонамга битгани бундан ҳам баттар экан. Бир куни илмий кенгашда ўтирган эдим, кўнглим қандайдир нохушликни сезиб, бетоқатланавердим.

Охири, чидолмай, уйга учиб бордим, қарасам, қизим бир ахволда... Ҳали ўн тўртга кирмаган эди қизим бечора... Аблах аблахлигини қилибди. Кўзимга қон тўлди, ошхонада чой ичиб ўтирган экан, қўлимга илинган нарса билан уравердим... уравердим... Қўлимга бигиз илинган экан, шунинг учун «Катка-бигиз» деган ном олдим. «Геология фанлари доктори, профессор Екатерина Сафина» деган мартаба билан кенгашларнинг раёсатида ўтириш ўрнига «Катка-бигиз» номини олиб бу сассиқ хоналарда ётиб юрибман. Фазли, энди мен бу ердан чиқмайман. Озод ҳаёт менга ҳаром. Аблахни ўлдирганимдан мутлақо афсусланмайман. Агар вақт ортга қайтса, уни яна бундан баттарроқ қийнаб ўлдирардим. Эрга текканим учун ўзимни ўзим кечира олмайман, энди қизимнинг кўзига қарай олмайман. Онам билан қизим кўргани келишганда чиқмадим. Уларга хат ҳам ёзмайман. Мени унутишсин, дейман, қарғаб-қарғаб, лаънатлаб-лаънатлаб унутишсин, дейман. Ичим ёнган пайтда аламимни бу ердаги хотинлардан оламан. Анаконданинг баъзан ваҳшийлашиб кетиши ҳам бесабаб эмас. Сен билмайсан, бузукликнинг турлари кўпайиб кетган. Аҳмоқ эрга битта хотин кам, битта ўйнаш ҳам етарли эмас. Ҳафтада ё ойда алмаштириб турмаса, кўнгли ўрнига тушмайдиган бузуклар кўпайиб кетган. Анаконданинг эри шунақа тоифадан экан. Қўл-оёқларини каравотига боғлатиб, маишат қиларкан. Анаконда шунақа маишатнинг устидан чиқиб қолибди. Эрини камар билан савалайверибди, савалайверибди... Жони тошдан экан, ўлмабди у аблах, лекин хотинни етти йилга қамаворишибди. Шу ҳам адолатми? Оилани бузган бузук хотин билан бузук эрга гард ҳам юкмайди. Номуси булганган хотинни эса қамоққа тиқишади. Анаконда эрини мажруҳ қилиб қўйганидан армонда эмас, ўлдира олмаганидан афсусланади. Хатосини қамоқдан чиққанидан кейин тузатишга аҳд қилган. «Эримни ўлдирмагунимча шундай юраман», деган аҳдининг

катъийлигини билдириш учун сочини қирдириб ташлаган.

Катка-бигиз дардини шу тарзда баён қилган эди. Номуси булганган аёл қалбининг нечоғли қонсирашини Фазлия бу ҳикоядан сўнг бир оз англагандай бўлди. Катка-бигиз «сенинг юртингни яхши кўриб қолганман», деб Фазлияни қанотига олган эди. Бир кун яна бошқа армонини айтди:

– Газли атрофида юрганимизда бир ўзбек ишчи менга ошиқ бўлиб қолган эди. Менинг ҳам кўнглимда илиқлик бор эди, лекин аҳмоқлик қилдим, «маст-аласт ётувчи искирт бўлса ҳам, ўзимнинг миллатимга тегаман», дедим. Худо мени бундан баттарроғига рўпара қилди. Ўша ишчига текканимда бунақа кўргиликлар йўқ эди. Фазли, эшитгандирсан, мени этапга тайёрлаб кўйишди. Ишимда ҳам кўним йўқ эди, камокда ҳам бир жойда ўтирмайман. Сени Анакондага топшириб кетаман, кўзингдан ёш оқизмай яша. Ақлинг бўлса, бошқа эрга тегма. Эрсираб қолган тақдирингда ҳам чида, ҳеч бўлмаса, қизларингни узатиб юборгунингча чида, кейин кимга тегсанг тегавер.

Фазлия эрга тегишни ҳаёлига ҳам келтирмаётган эди. Шу сабабли Катка-бигизнинг армонли овозда айтган насиҳатини эътиборсиз тинглади. Унинг болалари дийдорига етишдан ўзга умиди йўқ эди. У болаларига интиларди, Катка-бигиз эса қизи билан учрашувдан қочарди. Икки хотиннинг ҳаёти дарёнинг икки соҳили каби айри-айри: бир соҳил жаннат боғларига, иккинчиси дўзах оташида қуя бошлаган тақир чўлга туташ эди.

Камокдан чиқиб, Асадбекнинг ёрдамига умид қилган ондан бошлаб, соат миллари янада секинлик билан ҳаракат қиларди гўё. «Қутиш азобига юрагим чидолмай ёрилиб кетса-я!» деб кўрқарди. «Ўлиб қолсам, болаларимнинг қисмати нима бўлади?» деган ўй уйғонса, баданини музлатиб юборади. Эшик тик этса, кимнингдир суюнчилаб кириб келишини

кутади, телефон жирингласа, хушхабар етказилишига умид қилади. У қишлоғида Тарзан билан Ахтамни кўрганидан сўнг уларнинг нима ишлар билан шуғулланганларини билмайди. Болаларнинг изини топиб, Барнаулга кетганларидан ҳам беҳабар. Болалар қай йўсинда изланаётгани ҳатто Манзурага ҳам маълум эмас. Бирон умидли хабар эшитиш истагида эрининг кўзига боқади. Асадбек бу қарашлардаги савол аломатини фаҳмласа ҳам, индамайди. Хотини саволни тилига чиқарганда ҳам «ишинг бўлмасин» ёки «хушхабар бўлса эшитарсан», деган тўмтоқ жавобдан бошқа гап эшитмаслиги аниқ эди. Жон олғувчи айрилиқ захрининг нечоғлик азоб бериши Асадбек учун бегона бўлмаса-да, хонадонидаги бу икки аёлнинг дардига у шерик бўла олмас эди. Фазлия ва Манзурага насиб этилган сабр ва шукурдан у анча нари эди. Бунинг ўрнига нафрат ва қасос ўти берилган эди унга. Бу борада унга қизи Зайнаб яқин эди.

Фазлиянинг тевараги қоронғи, осмони ҳам қоронғи эди. Олачалпоқ булутлар орасидан дам-бадам кўришиб қоладиган хира юлдуз бу кораликларни ҳайдай олмгани каби умид юлдузи унга ҳаёт нашъасини бера олмас эди.

Манзура эридан ҳар куни, ҳатто ҳар соатда қандай хушхабар кутса, Фазлия ундан ҳар нафасда кутади. Манзура бу муштипарнинг қарашларидаги мунгли умид учкунига дош беролмаган кезлари «яна озгина сабр қилинг, синглим, Худонинг Ўзи меҳрибон», деб овутишдан ўзга чораси бўлмасди.

Ярим тунда юраги қафасдаги куш каби потирлаб, Фазлия уйғониб кетди. Ўзининг уйида бўлганида ҳовлига чиқиб айланган бўларди. Бировнинг хонадонида, яна кундузгидай ёп-ёруғ ҳовлида бир ўзи юра олармиди... Қамоқхонада ҳам шундай бўларди. Уйқуси ўчиб, нафаси қайтарди, юраги потирлаб, жон озодлик истаб беҳаловат бўларди. Жоннинг озодликка чиқиши нима экани эса маълум...

Нақш билан безатилган шипга тикилиб ётишдан ўзга чораси йўқ...

Кимлардир ана шунақа безакларни ёқтиради, соатлаб тикилиши, завқланиши ҳам мумкин. Қайсидир уй эгалари эса завқланишмайди, безакли уйларини кўз-кўз қилиб мақтанишни ёқтиришади. Асадбек ҳам, Манзура ҳам бу тоифадан эмас, уйни безатиш Кесак-полвоннинг кўрсатмаси билан бўлган.

Фазлиянинг ота уйи томига қамиш ёпилган эди. Шипга ёпиштирилган қоғознинг вазифаси хонага чирой бериш эмас, балки томдан ёғиладиган чанг-ғуборни ушлаб қолиш эди. Баъзан қоғоз устида сичқонлар югургилаб қолишарди. Ёмғир ёққан кезлари чакка ўтиб ивиган қоғоз тешилиб, сичқон пастга тушиб кетарди. Бир марта Фазлиянинг косасига тушганда ҳамма маза қилиб кулган эди. Аввалига озгинагина кўрққан Фазлия ҳам уларга кўшилиб мириқиб кулган, эртасига синфдошларига айтиб бериб, уларни ҳам кулдирган эди. Камбағал яшар эдилар-у, аммо ғамлари йўқ эди. Аксинча, ўзларига хос бахтли кунлари кўп бўларди. Қозонга гўшт тушса – хурсандчилик, янги калиш олиб берилса – бахтиёрлик... Тоғаси эски телевизорини совға қилган кунини ҳақиқий тўй қувончи ҳукмрон бўлган эди. Бунақа серхашам, безакли, данғиллама уйлар мавжудлигини орзу қилиш у ёқда турсин, тасаввур ҳам эта олишмасди. Фазлия бу уй соҳибларини энг бахтиёр одамлар деб ўйлаган эди. Бу хонадонда яшаб, уларнинг чехрасида саодат офтоби нурини кўрмади. Ҳозир безакли шипга қараб ётиб, яна шуни ўйлади. «Серхашам уйда серташвиш яшагандан кўра, қамиштомли уйда бахтли ҳаёт кечириб минг марта афзал», деган тўхтама келди. Бир томонига қишлоқ хашак, иккинчи томонига ғўзапоя бостирилган бостирмасини, атрофи чала ўралган, шамол ғувиллаб турадиган ошхонасини кўмсади. Бу уйда неча кундан бери яшаётган бўлса, шаҳарликлар «кулайлик» деб атайдиган хашамларга ҳаваси кел-



мади. «Менинг ошхонам ҳам шундай бўлсайди», деб орзу қилмади. «Меникида ҳам шунақа ҳаммом бўлса эди», деган ўй хаёлига ҳам келмади.

Кундузи Афрузаникига бориб келган Манзура Фазлияга китобча бериб: «Ажойиб китоб экан, бит-тасини сизга атаб олдим, ўқирсиз», деган эди. Ҳадеб шифтга тикилиб ётаверишдан безиб, чирокни ёқди-да, китобни қўлига олди.

«Эй Одам фарзанди, фақирликдан бўлган хавфинг дўзахдан бўладиган хавфни дилингдан чиқариб юборади», деган Худонинг гапини ўқиб, «Буниси менга тегишли эмас, камбағалликдан кўрқмайман. Одам бир нарсасини йўқотишдан кўрқади, мен нимани йўқотаман?» – деб ўйлади. Шу хаёл оғушида ўқишни давом эттирди:

«Дунё ишларида қилинадиган кўп ва узоқ орзу-ҳаваслар охират ишларини қилишдан тўсиб қўяди, дунё молига муҳаббат Менинг муҳаббатимни дилингдан чиқаради...»

«Бунинг ҳам менга алоқаси йўқ, – деб ўзича хулоса ясади Фазлия. – Охират ишларини тўсиб қўядиган орзу ҳаваслардан узоқман. Битта-ю битта орзуим – болаларимни бағримга босиш. Ўзим бир тишлам нонга зор бўлсам ҳам майли, болажонларимнинг дийдорига тўйсам бас...»

«Мендан бошқадан иззат исташ Менинг назар-рахматимдан сени йироклаштиради...»

Аллоҳнинг бу каломи Фазлияни бир сескантирди. Кейин ўзини оқламоқчи бўлди:

«Мен булардан иззат истамадим, ёрдам сўраб келдим...»

«Менга ибодат қилувчиларни дўст тутишинг Менинг сенга бўлган муҳаббатимни яқин қилади ва Мени ёмон кўриб ибодат қилмайдиган кишиларни ёмон кўришинг сени балолардан аритади...»

«Эй Худойим, бу амринг борлигини билмасам ҳам, Сенга ибодат қилувчига яқинлашдим, ёмон-

лардан ҳамиша нафратланганман, энди балоларни кўтаришингга умид қилиб яшаяпман. Марҳаматингга эришиш учун яна қанча яшай? Болаларимни кўриш учун ҳар қандай азобга чидашга тайёрман. Менга яна қанча азоб тайёрлаб қўйгансан, майли, бошимга кулфат тошларини аямай ёғдиравер. Дўлдан кейин барибир булут тарқайди-ку? Бошим устидан ари-маётган булутлар қачон тарқайди, офтобим қачон чарақлайди?»

Кўлда китоб, кўзда ёш билан узоқ ўтирди.

Ўтирган жойида уйку элитдими ё кўзига эрининг арвохи кўриндими – аниқ билмайди. Ҳарҳолда эрини яна ўша аҳволда кўрди: кийимлари титилиб кетган, бўғзи қонталаш... Қамокхонадаги биринчи тунда кўрганида санчки санчилган бўғзидан қон отилиб турарди, кейин кўрганларида яра қотган эди... Тушида неча марта кўрган бўлса, эри ҳар сафар юм-юм йиғлаб, «Фазли, кийналиб кетдим, мени ўлдира қол, азоблардан қутқаргин», деб ялинарди. Фазлия уйғонганида «тушимнинг маъноси нима экан», деб ўйланарди. Қамокдалигида бир лўли хотин фол очиб, «Эрингдан рози бўлмагунигча у нариги дунёда қийналаверади», деган эди. Тилида рози бўлди, лекин ризоликни дилига жойлай олмади.

Ҳозир эса...

Ҳали ҳам жулдур кийимда...

Ҳали ҳам бўғзи қонталаш...

Фақат... катта йўлдамиш. Йўлга ёнғокларни сочиб ташлаганмиш.

Кейин ёнғокларни бир-бир теришни бошлади...

– Нима қияпсиз? – деб ажабланди Фазлия.

– Аҳмоқлик қилиб сочиб юборибман. Машиналар босиб, янчиб ташламасидан йиғиб олай...

Фазлия унинг ёнига тушиб, биргаликда ёнғокларни тераверди-тераверди. Ҳориб-чарчаб, қора терга ботди. Қаддини кўтариб қараса, эри йўкмиш. Ёнғоклар тери-либ, учта қопга жойланганмиш. «Фазли, ёнғокларни

уйга олиб бориб қуй, бировга берма», деган овоз келгач, атрофга аланглаб, эрини ахтарди...

Шу онда азон товуши эшитилиб, кўзларини очди.

Бомдод намозини ўқиб бўлишгач, Фазлия нонушта тайёрлашга уннади. Манзура шийпонда қолиб, қулига китоб олди. Афрузанинг насихатига кўра, ҳар тонг намоздан сўнг китоб ўқишни одат қилган эди. Фазлия бу хонадонда ўзини чўри деб билгани учун уй бекаси билан бир дастурхон атрофида ўтиришдан ийманарди. Манзура эса уни меҳмон, ҳатто сингил ўрнида кўргани сабабли ёнидан жой олишини истарди. Кун ўтган сайин Фазлияга ўрганиб борар, ҳатто «болалари топилиб, уйига кетса, яна ёлғиз қоламанми?» деган хавотирда юраги эзиларди.

Иштаҳаси йўқ икки аёлнинг нонуштаси нима бўларди? Бир пиёладан чой, бир бурдадан нон... Иситилган шавлага қўл ҳам узатилмади, қаймоқ тўла пиёлага қараб ҳам қўйилмади. Дастурхонга шукрона дуоси ўқилгач, неъматларнинг барчаси болохонадаги йигитларга узатилди. Ўн-ўн беш дақиқадан сўнг йигитлардан бири бўшаган идишларни олиб тушиб, раҳмат айтди. Манзура яна бир оз китоб ўқиган бўлди-да, Афруза билан суҳбатлашгиси келиб, йўлга отланди.

Афруза кимникигадир мавлуд ўқигани кетган экан, пойлаб ўтирмай, тезгина изига қайтди. Дарвозадан кираверишда уни йигитлардан бири қаршилаб, хушxabарни айтди. Болаларнинг топилганидан қувонган Манзура бу жонбахш хабарни Фазлияга етказишга шошилди.

«Болалар топилибди!»

Икки сўздан иборат бу хабар Фазлиянинг ўлаёзган руҳи учун айнул-ҳаёт эди.

«Қаерда экан? Қачон келишади?»

Бу саволларга жавоб йўқ эди. Демак, интиқ кутиш охирига етмабди. Хабарнинг келгани ҳам бир бахт, лекин болаларни бағрига босиш саодати ўзгача...

У фарзандларини нажот умиди билан кутди. Аллоҳ бу муштипарни умиди учун гўзал мукофот берди. Шундай экан, қирқига чидаганнинг қирқ бирига чидашдан ўзга чораси йўқ. «Ал-муриду ятлубу вал-муроду яхрабу» – хоҳловчи мурид талаб қилади, муроду мақсад эса қочади, деганлари балки шунинг ўзидир?..

Фазлиянинг юрак дукури босилмай туриб, телефон жиринглади. Гўшакни кулоғига тутган Манзурага Тарзан яхши таниш бўлмагани сабабли овози ҳам бегона эди. Шу боис унинг нима деяётганини аввалига тушунмади. «Бек акамнинг топшириқларини бажардик, болаларнинг онаси шу ерда бўлса, ўғли билан гаплашиб олиши мумкин», деган гапдан кейин шошиб қолди.

– Фазлияхон, тез келинг, ўғлингиз чақиряпти, – деди ҳаяжон билан.

Ўғлингиз чақиряпти?!

Фазлия кулоқларига ишонмай, «Меними?» деб юборганини ўзи ҳам сезмади. Кейин югуриб келиб, гўшакка ёпишди. Фурқатнинг раста бўлган овозини танимади. Фурқат «Аяжон! Аяжон!» деб уч-тўрт марта такрорлагач, қувончдан ҳаприкиб кетган юраги гўё тўхтаб қолгандай туюлиб, ҳушидан кетишига оз қолди. Кўз олди қорайиб, ўзи чайқала бошлаган Фазлияни Манзура маҳкам кучоқлаб олди.

#### XIV б о б

---

##### 1

Барнаулдаги почтахонага аввал Ахтамнинг ўзи кириб, хожасининг уйига кўнғироқ қилди. Болохонадаги йигитдан «Хўжайин сафарда, кеннайим қаёққадир кетдилар», деган жавобни эшитиб, топшириқ бажарилганини маълум қилиб қўйишни тайинлади. Кўчага

чикқач, машинада ўтирган Тарзанни имлаб чақирди-да:

– Болаларнинг онаси хўжайинникида экан, ўғлини телефонга олиб кириб гаплашиб чикларинг, – деди.

– Шартми? – деди Тарзан малоллик билан. – Уч-тўрт соатдан кейин етиб борамиз-ку?

– Уч-тўрт соатдан кейин бормайсан. «Уч-тўрт кундан кейин етиб борамиз», деб онасини тинчитиб қўй.

– Нега?

– Негалигини кейин биласан, – деб гапни калта қилди-да, машинага яқинлашиб, эшикни очди: – Фуркат, туш, аканг билан почтага кириб чик.

Фуркат мутелик билан машинадан тушиб, Тарзанга эргашди. Фазлия болалари билан учрашувни қанчалик изтироб билан кутган бўлса, Фуркатнинг изтиробли соғинчи униқидан кам эмасди. Қиморбозлар қўлидан қачон ва қандай қилиб қутулиб чиқишини билмасди. Агар бир ўзи бўлганида қочишнинг йўлини қиларди. Сингилларини ташлаб, қаерга қочсин? Отада бўлмаган виждон шу болада мавжуд эди. Сингиллари тақдирига бефарқ қарашнинг нақадар пасткашлик эканини унинг онги фаҳм этарди. Бу кеч ертўла қопқоғи очилиб, нажот сўзларини эшитганда ҳам, юқорига чиқиб, шахмат доналарини тераётганида ҳам қутулиб кетишига ишончи йўқ эди. Назарида Фима барчадан кучли, барчанинг пачағини чиқариб юбора оладиган қудратга эга эди.

Шаҳарга қайтиб, телефонда онасининг овозини эшитгач, «Аяжон! Аяжон!» дейишдан бўлак сўз айта олмади. Фазлиянинг «қаердасизлар, қачон келасизлар?» деган саволини эшитган Тарзан гўшакни қўлига олиб, унга жавоб берди:

– Уч-тўрт кундан кейин борамиз.

– Нега уч-тўрт кундан кейин?

Бу саволга жавобни Тарзаннинг ўзи ҳам билмас эди, шу сабабли гапни мавҳум қилди:

– Шароит шунақа.

– Ўзингиз кимсиз?

– Қишлоғингизда кўришган эдик, эсингиздами?

Сиз хавотир олманг, қизларингиз ҳам соппа-соғ, эртага яна кўнғироқ қиламиз, ҳозир вақтимиз зик.

Шундай деб гўшакни жойига илди-да, Фурқатнинг елкасига кафтини қўйди.

Аэропортга боришгач, Ахтам ичкари кириб, қиладиган ишлари режасини пишитиб чиқди-да, Тарзанни бир четга имлаб чақирди.

– Тошкентга самолёт икки кундан кейин учади. Бу ерда икки кун пойлай олмаймиз. Учта йўналишга бир хилда чипта оламиз, рўйхатдан ўтқизамизу-у, лекин учмаймиз. Икки соатдан кейин Олмаотага поезд жўнайди. Сенлар ўшанда кетасанлар. Мен Краснояр орқали учиб, сенларни Олмаотада кутиб оламан.

Ахтам режасини буйруқ оҳангида баён қилган бўлса-да, Тарзан эътироз билдирди:

– Жуда-а ошириб юбормаяпсанми? Самолётда учаверамиз.

– Қаллангни ишлатсанг-чи! – деди Ахтам жеркиб. – Фима бизларни менсимай янглишганини тушуниб олган. Болаларни олиб кетганимизга чидаши мумкин-у, лекин пулдан айрилганига чидолмайди. Ертўладан кутулиши билан бор пулларини сочиб бўлса ҳам, хатосини тузатишга уринади. Сен кимлар билан олишаётганингни ҳали ҳам тушунмабсан.

– Хўп, бунисига энди тушундим, лекин Красноярга нега учмоқчисан, бирга кетаверсанг бўлмайдимми?

– Тўғриси айтайми? Онамни зиёрат қилмоқчиман. Бек аканг «ўлиги ёлғиз ётмасин, хилхонангга олиб келиб кўм», деган эди, йўлини килсам, балки олиб кетарман.

Бу гапдан кейин Тарзан бошқа эътироз билдирмади. Амрга бўйсуниб, машина сари юрганида Ахтам кўшимча қилди:

– Агар Фима улгурса, икки кундан кейин Бек

акангнинг қозихонасида ўтирган бўлади. Шунинг ҳам ҳисобга олгин-у, пуллари ишлатиб қўйма.

Тарзан «ҳе, пулини ҳам, ўзини ҳам...» деб минг-ғирлаб сўкиниб қўйди-да, машина томон юрди.

Краснояр орқали учишига Ахтамнинг зиёратдан кўра муҳимроқ бошқа махфий мақсади бор эди. У Тошкентга олдинроқ бориб, Тарзан йўқлигида отасига аталган жазони амалга ошириши шарт эди. Асадбекнинг «анави сўтакка яқинлашма, унинг менга керакли томонлари бор», деб огоҳлантиришини унутмаган, лекин хожасининг буйруғидан кўра, онасининг васияти унинг учун қадрлироқ эди.

«Уч йўналишга чипта олиб, Фимани чалғитамиз», деб Тарзанни алдади. Шерикларини кузатди-ю, ўзи Красноярга учди. Бирок, онасининг қабрини зиёрат қилишга вақт йўқ эди. Бир самолётдан тушиб, иккинчисига чипта олишга, Тошкентга кўнғироқ қилиб, эски ошнасига топшириқ беришга улгурди, холос. Оқшомда Тошкентга учиб келиб, тўғри «Зўр»никига йўл олди. Сибирда ўпкасини совуққа олдириб, силга йўликқан «Зўр» қамоқдан чиққач, қасос олишга ҳаракат ҳам қилмай, Ахтамнинг ишлари яхши кетаётганини билиб, унга тобе бўла қолган эди. Тарзан «Зўр»ни ёқтирмас, айниқса, у йўтала бошлаганда юзини намойишкорона буриб, бурнини жийирарди. «Шу исқиртингни йўқот!» деб талаб қилганида «мен шерикларимга хиёнат қилмайман, агар пешонамга сил бўлиб ўлиш ёзилган бўлса, сен – «пок» боладан эмас, шу исқиртдан юқишини хоҳлайман», деган кескин жавобни эшитганди. Асадбекнинг қаноти остига ўтишгач, Ахтам «Зўр»ни бу томон чорламаган, аммо кўкрагидан нари итармаган ҳам эди. «Зўр» ва яна тўрт йигит, Ахтамнинг хоҳишига кўра, панада пайт пойлайдиган шерик сифатида иш юритаётганди. Ахтам Барнаулга отланганида «бир хунасини бошлаб адабини бериш» режасини «Зўр»га юзаки равишда маълум қилган, беш-олтита каламуш топишни, қабристонга

бориб, битта қаровсиз гўрни очтириб, ўликнинг суякларини чиқариб кўйишни топширган эди.

«Зўр» топшириқлар «юз фоиз» адо этилганини маълум қилгач, Ахтам икки йигитни олиб қолиб, биттасини кабристонга жўнатди-да, режасини амалга оширишга шошилди. Бу тун қасос шарбатидан лаззатланишни, эртасига эса худди ҳеч қандай фожиа содир бўлмагандай, хожасига рўпара келишни мўлжаллаган эди.

Биринчи учрашувда бадбахт отасига жазо бермай, бошқа гуноҳкорларни ҳам топишни ўйлаган эди. Маҳкама жараёнида «шу хотин ўғри, давлат мулкини талон-тарож қилган», деб ёлғон гувоҳлик берганлардан бирини топгач, бу аҳдидан воз кечди.

Барнаулга отланмасидан аввал гувоҳлардан биринининг дарагини топиб, қариялар уйига борди. Офтобга орқасини қилиб ўтирганича нимадир тўқиётган кампир унинг кимни сўраб келганини билиб, «хайрият-е, бу шумкампирни йўқлаб келадиган инсофли одам ҳам бор экан-а», деб минғирлаб кўйди-ю, Ахтамнинг бўш келганидан ажабланди. «Иккита нон кимни ўлдирибди, шунақаям хасис бўладими», дегандай чимирилиб кўйди-да, ичкарига бошлади. Бир хона эшигини очиб, бурнини жийирди:

– Оббо... яна боплабти, шумкампир, кираверасизми ё тозалашгунича кутасизми? – деб сўради.

Ичкаридан уфурган кўланса ҳид Ахтамнинг димоғига урилиб, «тозаланглар», деди-да, орқасига қайтди. Кампир фаррошнинг «вазифасини эслатиб» кўйгач, Ахтамга эргашиб ҳовлига чиқди.

– Кимингиз бўлади, бу хотин? – деб сўради даб-дурустдан.

Унинг муомаласи Ахтамнинг ғашини келтирди:

– Ўлиб кетган катта поччамнинг таниши, – деди пичинг билан. Хотин гап оҳангига парво қилмай деди:

– «Битта ўғлим бор», дер эди, сизни ўша бемехр деб ўйлабман.



«Онам тирик бўлганида уни бунақа жойга ташлаб қўймай, бошимга кўтариб юардим»...

Ахтам шундай деб ўйлади-ю, хотин билан гаплашгиси келмай, юзини бурди. Кампир эса гапларини эшитадиган тайёр кулоқ борлигидан кувонибми, гапини давом эттирди:

– «Шумкампир» деганимга ажабланманг. Жағинмайди унинг, иғводан бўшамайди. Бир тийин устида юз думалайди. Тагини тозалаб қўядиган санитарга ўн тийин бериб қўйиш у ёқда турсин, «Сенларнинг вазибаларинг бу» деб раҳмат ҳам айтмайди. Шу кампир ўлса, ҳаммага байрам бўлиб кетса керак. Умри давлатни шилиш билан ўтган, ўлигини ҳам давлат ҳисобидан кўмишади. Неча йилдан бери шу ерда ётибди, ит ҳам, бит ҳам хабар олмайди. «Бечорагина» дегим келади-ю, тилим бормайди. Кўргуликлари феълига яраша-да! Мен унинг яп-янги машиналарда керилиб юрганини кўп кўрганман. Ўзи бир дўконда ишларди-ю, димоғи министрикидан баланд эди. Унча-мунча одамни менсимасди. Бойлигига тўнқаярди-да! Нукул «ўғлим бемехр чиқди», деб минғирлайди. Ёшлигида таралабедод билан овора бўлиб, кичкина боласига меҳр бермаганидан кейин энди нимага дод дейди? Олдин болангни меҳр билан тарбиялагин-да, кейин ундан оқибат тила. Гапларим тўғрими?

Она меҳри нималигини билмай ўсган Ахтам нима десин? Агар онасининг ўлими ҳақидаги хабар ёлғон бўлиб, ҳозир уни топса, «меҳр кўрмаганман», деб шунақа жойга ташлайдими? Йўқ! Буни ўйлашнинг ўзиёқ вужудини титратиб юборди.

– Ўзингиз нима қилиб юрибсиз бу ерда, сизнинг ўғлингиз ҳам бемехрми? – деди совуқ оҳангда.

– Афсуски, Худо менга ўғил бермаган. Ўғлим бўлганида мени бунақа хорлаб қўймасди. Қизим бор. Ҳафтада бир хабар олиб туради. Ўлсам, олиб чиқиб кўмади. Куёвим ҳам яхши бола. Фақат... бирга тургим келмади. Яхши бўлгани билан номи «куёв»-

да. Биласиз-ку, йигитлар ичкуёв бўлишдан номус қилишади, шунга ўхшаб, менам куёвимга юк бўлишни хоҳламадим-да. Пешонам шунақа экан, нима қилай? Уруш пайтида етимхонада «мени бирон яқин қариндошим келиб олиб кетармикин», деб дарвозага кўз тикиб кун ўтказардим. Ҳозир олиб кетишларини хоҳламасам ҳам, барибир, йўлга қарайман. Бу ердагиларнинг ҳаммаси умид билан йўл пойлайди. Кетишни истаганлар кўп, лекин олиб кетишни хоҳловчи инсофлилар йўқ. Ноинсофларнинг қисмати нима бўлади, биласизми? Улар ҳам қариганларида шунақа жойда мўлтиллаб яшайдилар.

Фаррош чиқиб, хона тозаланганини маълум қилгач, кампир яна ичкарига йўл бошламоқчи эди, Ахтам: «Сиз овора бўлманг, ўзим қираман, пайпоғингизни тўқийверинг», деб тўхтатди. Кампир «пайпоқ эмас, неварамга жемпер тўқияпман, нариги ҳафтада туғилган куни», деб жавраганича қолди.

Фаррош тозалаб, дераза дарчасини очиб қўйгани билан хона деворларига сингиб кетган қўланса ҳид тарқамаган эди. Ичкарига кирган Ахтамнинг кўнгли айниди. «Бу кампирни Худо уриб қўйибди-ю, нимани гаплашаман?» – деган ўйда орқасига қайтмоқчи ҳам бўлди. Фаррош «сизни биров сўраб келди», деб огоҳлантиргани учун кампир эшикка кўз тикиб ётган эди. Ахтам остона ҳатлаши билан у кексаларга хос майин ва мулойим овозда эмас, кўрслик билан:

– Кимсан? Сенга нима керак? – деб сўради.

Унинг дағал овозини эшитган Ахтам «бекорга «шумкампир» дейишмас экан», деб ўйлаб, саволга яраша жавоб қилди:

– Мен сиз қаматиб юборган Рихсиянинг ўғлиман, эсингиздами?

– Рихсиянинг ўғли йўқ эди.

– Мен қамокда туғилганман. Онамни қаматганинг эсингдами?

Нотаниш йигитнинг сенсирашга ўтиб, отнинг қал-

ласидай гуноҳни зиммасига қўйиши кампирни саросимага солди. Аввалги шашти қайтди:

– Рихсияни мен қаматмаганман, паразит Данияр қаматган.

– Ёлғон гувоҳлик берганинг-чи?

– Паразит Данияр талаб қилган, гувоҳликка ўтмасанг, ўзинг қамаласан, деб кўрқитган. Онанг ўша паразитни жуда-жуда яхши кўрарди. Камомадда айби йўқ. Бир сўм олган бўлса ҳам, ўзи емаган, паразит совурган. Амал оламан, деб хўжайинларга роса пахта кўярди. Онангни севаман, дерди-ю, ўзи бошқалар билан маишат қиларди. Рихсияни туғишган синглимдек кўрардим. Мен уларга уйимдан жой берган эдим. Онангнинг мендан қарзи қолган.

– Қарзи? Туғишган сингилдек бўлган хотин сиздан қарзмиди?

– Ҳа. Бир ишини тўғрилаб берганимда фойданинг ярмисини ваъда қилган эди, қамалиб қолиб, топганини ўзи еб кетди. Қамокдан кутулиб чиққанида берар, девдим, қораси ўчди. Ўн икки йил беришган эди, аллақачон чиққандир, қарзларини тўламай қаёқларда беркиниб юрибди?

– Қамокқа тикқанларингдан кейин... тўртинчи йили ўлган, – деди Ахтам ғазаб билан. Кейин ёнидан пул чиқарди-да, иккита юз сўмликни унинг кўрпаси устига ташлади. – Қарзингни олиб қўй, ўлганингда керак бўлиб қолади.

Кампир коқсуяк қўллари билан пулни ғижимлаб олиб, Ахтамга нурсиз кўзларини қадади:

– Бунинг кам, – деди ютиниб.

Ахтам чўнтагидаги пулларни олиб «Ма, тўй!» деб унинг оғзига тикмоқчи бўлди. Лекин ночор кампир билан пачакилашгиси келмади. «Бундай одамнинг ётоғи гўр, либоси дўзах алангаси бўлиши керак», деганларидек, ортиқча гапга ҳожат йўқ эди. Ахтам соғинган кўнгил хузурига ета олмаганидан ғашланиб, шарт бурилди-ю, чиқиб кетди.

Жазо бериш учун Дониёрни уйидан олиб чиқиш йўлини ўйлаб топиш, ҳийла ишлатиш шарт эмас эди. Тун яримлаганда «Зўр» битта шериги билан унинг уйига бостириб кирди. Сароймонанд ҳайҳотдай уйда уч киши, ҳар бири алоҳида-алоҳида хонада яшарди. Эр-хотиннинг бу уйга келин тушириш, набиралар шодон қийқирикларини эшитиш умиди ҳануз сароблигича қолаётганди. Дониёр ўғлининг уйланмай юришини қораласа-да, оила қуришга кўпам зўрламасди. Хотини тўй ҳақида гап очавергач, бир куни: «келин тушираман, орзу-ҳавас кўраман, деб хархаша қиласанлар-у, чилласи чиқмай, ғидинг-бидингларингни бошлайсанлар, келин йўғида мазза қилиб яшаб олсанг-чи!» – деб қайриб ташлаган эди. Эрининг суюқоёқлигидан, ўғлининг саёқ юришидан безиб, асаби хасталанган хотин уйқусизликни енгиш учун ётишдан олдин дори ичишни одат қилган эди. Зўравонлар кириб, ширакайф ҳолича ухлаб ётган Дониёрни таппа босишганини, унинг қўлларини боғлаб, оғзига латта тикиб судраганча олиб чиқиб кетганларини хотин билмай қолди. «Зўр» у ётган хона эшигини қия очиб, енгил хуррак овозини эшитгач, хотиржам равишда кетмоқчи бўлди. Кейин фикри ўзгариб, хонага кирди-да, уйкудаги хотиннинг бошига бир мушт уриб, қўл-оёқларини боғлаб, оғзига латта тикиб, кўнгли хотиржам бўлди.

Дониёрни шаҳар четидаги қабристонга олиб боришди. Ахтамнинг топшириғига кўра, ташландиқ бир гўр очилиб, одам суяклари олиб қўйилган эди. Тўлин ой нурида қабристон кўркинчли, айна дамда сирли кўринишни олган эди. Дониёр бу жойга ёлғиз ўзи келиб қолса, бир нафас туришга ҳам юраги дов бермаган бўларди. Одам суягига кўзи тушгач, кўпчилик қуршовида туришига қарамай, кўрқувдан тили қотиб қолгандай туюлди.

– Идорангда мен билан гаплашгинг келмаган эди, кўнгилни кўнгилга улаб гаплашадиган энг гўзал жойни кидира-кидира шу гўристонни топдим. Ота-

боланинг дилтортар суҳбатига гувоҳлар керакми? Керак! – деди Ахтам унга яқинлашиб. – Шу ерда ётган ўликлар энг яхши гувоҳ ҳисобланади. Аввалги учрашувимиздан кейин дарров Бек аканга йиғлаб борибсан-а, сўтак?! Бек аканг ким ўзи? Худоми? Агар у Худо бўлса ўзинг кимсан? Пайғамбармисан? Ҳа-а... Эсимга тушди: Бек аканг – «ўқ илон!» Қасд қилсалар, товодан кириб, мияни ўпириб чиқишларини биламан. Лекин мен илонга товонини тутиб берадиган лақмалардан эмасман.

– Бек акамга шикоят қилмаганман, – деди Дониёр ютиниб. – Красноярдан ёғоч олаверайми, деб сўраганман.

– Шикоят қилганмисан, қилмаганмисан – менга фарқи йўқ. Бек акангни сенга кўшганда ҳам сарик чақага олмайман. Бек аканг – кечаги бек. Ҳозир Худо бўлганида ҳам сенга ёрдам бера олмайди. Менинг бу гапларимни энди Бек акангга етказа олмайсан. Гўрингда бир-икки йил чидаб кутсанг, Бек акангни ўзинг кутиб олиб, ҳасратингни дастурхон қилаверасан.

– Хўп... – деди Дониёр синик овозда, – Рихсиянинг олдида гуноҳим бор. Тушларимга кирганида ундан кечирим сўраганман... мени кечирган.

– Тушингда онам кечирган бўлса, кечиргандир, сенга кўйиб берса, «Худо ҳам кечирди», дейсан, лекин мен кечирганим йўқ. «Орага бошқалар ҳам аралашади», деб уларнинг кимлигини айтмаган эдинг-а? Айтмасанг ҳам билдим. Шерикларингдан биттаси қариялар уйда ўзининг ахлатига беланиб, ўлолмай ётибди. Сени «паразитларнинг паразити!» – деб мақташдан бўшамайди. Асосий шеригингни, ана, кавлаб олдик, танияпсанми?

Дониёр суяклар томон қарашга ботинмади. Кўкрагида уйғонган кўркув куши бу вужудни поралаб чиқиб кетар даражада потирлай бошлаган эди. Ахтам унинг иягини чангаллаб, бурди:

– Эски кадрдонлардан тониш ўғил боланинг иши эмас. Ўлик бўлса ҳам, инсофи бор экан, келишингни билиб, жойини сенга бўшатиб чиқди. Қара, саломлаш. Тириклигида икки букилиб салом берардинг-ку? Одамлар «қамоқдан сақлаб қол», деб терговчига пора берарди, сен «исини чиқармай, бир ўзини қамат», деб чўзганмисан? Ҳа... яхшилаб қара, гапингни икки қилмаган терговчининг суякларига тўйиб-тўйиб қараб ол. Берган пулингга кафанлик олиб қўйган экан, чириб адо бўлгунича сени дуо қилиб ётибди. Бу хунасанинг суягини топиб бўлса ҳам ёқаман, деган эдим, мана, вақти етди – ёқаман!

– Сен... бунақа ваҳшийлик қила олмайсан...

Ахтам заҳарли кулимсираб қўйиб, энди унга жон олғувчининг қонсираган нигоҳи билан қаради:

– Нега қила олмас эканман? Ўйлаб кўр-чи, сендан яна қанақа ўғил туғилиши мумкин? Нопок ва номарддан фақат ваҳший туғилади! Ўғлинг шахматга уста, а? Ўзинг ҳам ўйнаб турасанми? Бир юришда мот қила оласанми? – Дониёр унга қараб қўйди-ю индамади. Ахтам бу қарашни жавоб ўрнида қабул қилиб, давом этди: – Мумкинмас, дейсанми? Мумкин! Бир юришда мот қилолмаган одам бу дунёда яшамаса ҳам бўлади.

Лойқа сувда ўз аксини кўрмоқни истаган одам лойни кўради, деганларидек, Дониёр ҳозир шу ҳолга тушиб, инграб юборди.

Рихсиянинг «Иш»ини олиб борган терговчининг автоҳалокатда жон берганини Дониёр ҳам эшитган эди. Шу сабабли Ахтамнинг гапларига чиппачин ишонди. Аслида Ахтам терговчининг ўлганини билгач, гўрини қидирмади. Унинг суякларини топиб ёқиш қарори ҳам йўқ эди. Шундай қилса, милициянинг назарига тушиб қолиш хавфи борлиги учун ҳам ўзини тийганди. Лекин Дониёрни обдон кўрқитиш учун суякларни ёқиш фикридан воз кечмаганди. Агар ҳозир ён-атроф ёруғроқ бўлганида Ахтамнинг лабла-

ридан тўкилган ёлғонларни кўз кўзгуси ошкор қилиб қўйиши мумкин эди.

Ахтам бир оз сукут қилгач, ҳалиги гапига қўшимча қилди:

– Мен совуқ ўлкада туғилдим, онам ҳам совуқда дилдираб ўлди. Шунинг учун сенларни ёкиб, исиниб олишим керак.

Киши ширин умид учкуни билан кун кўради. Ахтамдаги қасос умиди учкун эмас, юракни куйдирувчи чўғ эди. Мана энди у чўғни аланга олдиради. Қасос алангасида ҳузурланади. Унинг роҳатланишидан огоҳ бўлган киши беихтиёр: «Эй буюк Раббим! Шу банданга озгинагина шафқат бера қолсанг, меҳр хазинанг камайиб қолмас эди-ку?!» деб юборгиси келарди.

Ахтам имлаб қўйган эди, йигитлардан бири шиша идишдаги бензинни суяклар устига қуйиб ёкиб юборди. Яна бир имлаганда Дониёрни олов сари судрадилар. Дониёр оловга ташлайдилар, деб ўйлаб додлаб юборди. Икки қўлтиғидан олган икки йигит гулхандан бир қадам берида тўхтади.

Осмонга ўрлаётган олов тиллари...

Суякдан сачраётган учкунлар...

Худди шайтонлар базми бошланганга ўхшайди...

Воқеан гўристонда шайтон измидаги кимсалар тўпланган, улардан бири кўнгил роҳатини истаса, иккинчиси жон талвасасида эди. Бу одамнинг ота экани, тақдири ўғли қўлидаги ажал сиртмоғига илиниб тургани ғоят таассуфли ҳол эди.

Олов пасая бошлаганда йигит яна бензин сепгач, аланга баландрок ўрлади. Дониёрнинг юзига олов иссиғи урилса-да, назарида ўлик совуқ лаблари билан унинг юзларини ялагандай туюлди-ю, тошқин бир кўрқув билан чекинмоқчи бўлди. Лекин икки йигитнинг темирдек панжасидан чиқа олмади.

...аланга тиллари эса кўзига ўлим сиртмоғи бўлиб кўринди.

Ахтам «қамокдан чиққан куним биринчи бўлиб кимни кўраркинман?» – деб кўп ўйларди.

Кимдир кадрдон дўстини кўришни истайди – қани ўша дўст?!

Кимдир онасини кўришни истайди – қани ўша она?!

Хатто... отаси билан кўришишни ҳам орзу қилган...

Ана, ўша ота...

У болалик бахтидан маҳрум бўлди. Унинг қалбида бунинг эвазига номус ва нафрат қолди. Уч ёшга тўлиб, қамок боғчасидан болалар уйига чиқарилгандаёқ бу гўдак «Мен уларнинг ҳаммасини ўлдираман!» деб қасам ичган эди. Қасоснинг, хусусан ўлдиришнинг турлари кўп эди. Лекин гап фақат ўлдиришда эмас, ўлдира туриб роҳатланишда эди. Қотил ёллашнинг ё узокдан туриб отиб кетишнинг у учун ҳеч бир қизиғи йўқ эди. У ажал куйи янграй бошлаганида отасининг ўлим талвасаси рақсига тушишини ўз кўзи билан кўришни истарди.

Юзи ўлик рангини олган, кўзлари косасидан чиккудек бўлиб аланг-жаланг қилаётган Дониёрга қараб, кибр ва ғурур оловидан баҳра олаётган Ахтам ўз ишидан мамнун эди. У аланганинг бу томонига, бадбахт отасининг қаршисига ўтди:

– Мен бу исқирт каллангни узиб, онамнинг қабрига қўймоқчи эдим, – деди-да, йигитнинг қўлидаги шиша идишни олиб, оловга бензин сочди. Аланга ўйинига маҳлиё бўлгандай бирпас жим қолди, кейин хўрсиниб қўйиб, гапини давом эттирди: – Қабрни булғамим келмади. Сен ўлмайсан. Лекин ўлим азобида яшашинг учун барча шароитни муҳайё қилиб бераман. Эркак бўлиб туғилганингга пушаймон ейсан!

Дониёр «сен ўлмайсан», дейилгач, бу марҳаматнинг чин ё ёлғон эканини ажратолмагани сабабли кўркуви камаймай, жавдираб қараб тураверди. «Эркак бўлиб туғилганингга пушаймон ейсан», деганида нимани назарда тутганини ҳам англамади. Ахтамнинг



ишораси билан келтирилган қафасдаги учта каламушни кўрганида ҳам фаҳм этмади. Сонлари чилвир билан боғланиб, каламушлардан бири иштони ичига ташланганида даҳшатга тушди. Жонивор ишини бошламай туриб, у дод-войини бошлади. Уч каламуш бир бўлиб, моягини гажий бошлаганида типирчилай-типирчилай, хушидан кетди.

Қонга беланган беҳуш жасадни уйига олиб келиб, ертўласига ташлаб, каламушларни қафасдан чиқариб юборишгач, йигитлардан бири «03»га кўнғироқ қилиб, «адамни каламушлар талаб ташлашди», деб, манзилни айтди.

Ҳам дори, ҳам мушт таъсиридаги хотинни «Тез ёрдам» врачлари хушига келтиришди...

## 2

Хато йўлга кириб қолиш ёмон, бу йўлда қайсарлик билан давом этиш аҳмоқликдир. Ёмонлик сари бурилиш нуқтасида тўғри йўлга чорлаётган воизнинг юзидаги иймон нури эмас, гуноҳкорнинг бетидаги зулм сояси унинг учун ёқимлироқ эди. Ҳаёт фалсафасини нотўғри англаган одамнинг акли ухлаши, унинг ҳеч қачон ҳақиқатга етолмаслигини эса ўша дамларда билмас эди.

Ахтам одам суякларини ёқиб, отасининг талвасасидан хузурланаётган пайтда «Барнаул – Олмаота» йўналишидаги поезд йўловчиларининг аксари ширин уйқуда эди. Юмшоқ купенинг тепа қисмиини Тарзан билан Фурқат, пастини эса Ҳалимжон билан опа-сингиллар эгаллашган эди. Тарзан пастга жойлашмоқчи бўлганида Ҳалимжон «бирон хатар юз берса, мен бу соҳада тажрибалироқман», деб уни тепага чиқарганди. Уйқусиз тун ва кун ўз кучини кўрсатган, болалар ҳам, Ҳалимжон ҳам ухлаб қолишган эди. Тарзаннинг кўзига уйқу илинди-ю, бирдан юраги ҳаприқиб уйғониб кетди. Гавдасини

сал кўтариб, пастга хавотирланиб қаради: бир-бирини ачомлаб олган қизчалар ширин ухлашар, Ҳалимжон эса енгил хуррак отарди.

«Хатарга қарши чиқадиган тажрибали одамнинг аҳволи бу», деб ғашланган Тарзан ёстиғига бошини кўйиб, кўзларини юмди. Бирок, уйқуси ўчиб, турли хаёллару фикрлар карвонини бошқаришга қурби етмай қолди.

Тарзан зулм дарёсига ҳаёт қайиғини жаҳл билан, ўсмирлик нодонлиги билан туширган эди. Дастлабки гирдобдаёқ эшкак эшишга қурби етмай, кемани саркаш дарё оқимлари ихтиёрига ташлаб кўйди. Шайтанат дарёсининг асирига айланиб қолганини ўзи ҳам сезмади. Оқим мавжлари аввалига сокин туюлгандай эди. Кейин кучайгандан кучайиб бораверди. Тошдан-тошга урилувчи тўлқинларда нажот йўқ эди. Дарё тўлқинлари уни Барнаулга ҳайдаб келди, энди Олмаотага қараб боряпти. Яна қайси гўрларга ҳайдаб олиб боради – билмайди. Билолмайди! Улғайиб, Мурда – Ахтамнинг босган изидан юриб, онгининг юмуқ кўзлари очила бошлаганда парда кўтарилиб, дунё ҳаёти бутун яланғоч шармандалиги билан кўринганида кўрқиб, тисарилмоқчи ҳам бўлди. Лекин орқага ҳам, ён-бериларига ҳам тўсиқлар кўйиб ташланган, «Ажал келмасидан аввал ўлиш – жувонмарг бўлиш» деган манзилга олиб борувчи аянчли қисмат йўлигина очиқ эди. Шошиб кетаётган бу поездда Олмаотага етиб олишадими ё «жувонмарг бўл!» бекатида тушиб қолишадими – валлоҳи аълам!

Поезд ғилдирақларининг «тақа-туқи» кучайиб, кўкрагига гурзи зарби билан урилаётгандай бўлди. Кейин «тақа-туқ, тақ-туқ» товуши унинг қулоғига «баттар бўл, баттар бўл!» – деган садо билан урилаверди.

Ҳаёт завқини топиш мақсадида Асадбек қаноти остига кирган эди. Разолат балчиғини титиб топгани нима бўларди? «Исҳаб ан-носа камо тасҳабун-нора хуз

манфаатаҳо ваҳзар ан тухриқака» – одамлар билан муомаланг олов билан муомала қилгандек бўлсин – манфаатлангину куйдиришидан эҳтиёт бўл, дейилганидан беҳабар бу банда фақат манфаатдан умидвор, аммо манфаатнинг аёвсиз гулханида куйиб адо бўлажаги етти ухлаб, бир тушига кирмас эди.

Уйкусизлик азобида тўлғона-тўлғона, поездда кетиш азобига рўпара қилган Ахтамни сўка-сўка, ҳатто поездда кетиш амрига осонгина бўйсунгани учун ўзини ҳам лаънатлай-лаънатлай, тонгта яқин кўзи илинди. Нонуштага чой олиб кирган вагон оғасининг дўриллаган овозидан уйғонди-ю, тошдай зил бўлиб қолган бошини аранг кўтариб, пастга қаради: Ҳалимжон пишлоқ кесарди, бир-бирининг пинжиги кирган ака-сингиллар эса унинг ҳаракатларини жимгина кузатиб ўтиришарди.

– Ана, Марлен амакинглар ҳам турдилар, энди биллалашиб чой ичамиз., – деди Ҳалимжон тепага бир кўз ташлаб олиб. Кейин болаларга қаради: – Фурқатбек, уйингларда аянглар эрталабга ширчай қилиб берармидилар, ҳа... шунақа чойни менам соғинганман. Эрталаб вақтли туриб, аям сигир соккунларича мен тандирга ўт ёқардим. Ғўзапоянинг чирсиллаб ёнишини ҳатто тушларимда кўраман. Пиёз аралаштириб ёпилган нонни ҳам соғинганман. Ноннинг қанақа тури бўлса еб кўргандирман, лекин пиёзли ноннинг таъмини ҳеч бирида тотмадим. Икки кундан кейин бунақа пайтда қишлоқдаги уйингларда қаймоққа нон ботириб еб, мазза қилиб ўтирган бўласизлар. Шаҳардаги ўқишларим, ишларим битса, менам қишлоғимга қайтиб бораман. Сигир-кўй боқаман, томорқада кетмон чопиб топадиган роҳатимни ҳеч нарсага алишмайман.

Ҳалимжон дилидаги орзусини болаларча соддалик билан баён қилаётган эди. Унинг гаплари болалардаги соғинч ўтини баттар аланга олдирди. Ҳатто

Наргизанинг киприкларига ёш томчилари илинди. «Тезроқ етиб бора қолайлик», деган илинжда акаси билан опасига мўлтиллаб қаради. У аясининг сигир соғиб, нон ёпганини эслай олмасди. Норхол билан Фурқатнинг кўзлари олдида тиним билмас оналари гавдаланиб, юраклари янада баттар эзилди. Поезд гилдиракларининг «тақа-туқ-так»и уларнинг қулоғи остида «тез-тез-тез», деб жаранглагандай бўлаверди.

Тарзан туриб, ювиниб келгач, биргалашиб нонушта қилдилар. Сафар чоғи дилкаш суҳбатдош бўлмаса, киши зеркиб, юрак-бағри қон бўлиб кетади. Бу купедаги болалар ҳам, катталар ҳам шу аҳволга тушдилар. Тарзан Ҳалимжон билан қайси мавзуда суҳбат курсин? Нечта лакмани рестороанларда чув туширганлариними? Ҳалимжон-чи? Асли ким экани, қандай топширикни бажараётганини айта олмагач, тилига келганини қайтармай валдирайверсинми?

Болалар-чи?

«Ўрага сичқон тушди – гулдир-гуп!» қабалида яна икки кунни ўтказиш осон эмасди. Катталар ўзаро гаплашишмаса-да, болаларни чалғитишлари, овутишлари, уларни бир неча йиллик кўрқув зиндонидан қутулишларига оз бўлса-да кўмаклашишлари шарт эди. Надоматки, иккови ҳам бола тилини, бола феълени билмасди. Айниқса, болаларнинг хавотирли юрак дуқури улар учун бегона эди. Шундай бўлгач, нима қилишсин? Барнаулда бирон дўконга кириб, болаларбоп ўйинчоқ олмаганларидан афсусланишди. Поезд каттароқ бир бекатда тўхтаганда Ҳалимжон тушиб, иккита кўғирчоқ олиб чиқди. Лекин опасингилларга бу малласоч кўғирчоқлар овунчоқ бўла олмади. Совғани «рахмат», деб олдилар-у, кераксиз буюмдек кўтариб ўтиравердилар. Ҳалимжон уларнинг қарашларида ғалати хавотир, ҳатто кўрқув борлигини сезди-ю, аммо сабабини англай олмади. «Биздан ётсирашяпти», деб қўя қолди.

Поезд кўзғолгач, Тарзан вагоноғасининг хонаси ёнидан ўта туриб, унинг столи устидаги шахматга кўзи тушди.

– Ишқибозмисиз? – деб сўради Тарзан ундан.

– Ўзим билан ўзим ўйнаб вақт ўтказаман-да, – деди вагоноғаси кулимсираб.

Тарзаннинг «бир ташлашайлик», деган таклифи маъкул келиб, дарров доналарни терди. Ўзи билан ўзи ўйнаб, вақт ўтказувчи одамнинг даражаси маълум: ўн учинчи юришда мот бўлиб, «ие!» деганича иягини қашиб қолди. «Ийқилган одам курашга тўймайди», деганларидек, яна икки марта ютқизгач, кичик бекатга яқинлишиб қолишгани сабабли ўрnidан туриб, байроқчасини кўтариб, вагон эшиги томон шошилди. Тарзан ундан шахматни сўраб олиб, купега қайтди-да:

– Фурқатбек, давом эттираммисиз? – деди.

Фурқат у узатган шахматни олиб, эътиборсиз равишда стол устига қўйди-да, паст овозда:

– Ўйнагим келмаяпти, – деди.

– Реванш олиш имкониятинг бор, – деди Ҳалимжон кулимсираб.

– Амакимни хоҳлаган пайтимда ютишим мумкин, – деди Фурқат ишонч билан.

– Акам ҳаммани ютадилар, – фахрини яширолмаган Наргиза шундай деб акасини қувватлади.

– Димоғинг бунча баланд десам, зўр мухлисларинг бор экан-а? – деди Тарзан, кулимсираб. – Мақтанишни Фимадан ўрганганмисан?

Бу савол Фурқатга ёқмади. Қовоғини уюб:

– Мен мақтанмайман, ютгим келса ютаман, – деди.

Боладаги бу ишонч Тарзанни ҳайратга солди. Яхши ўйнашини кеча Фиманикида синаб кўрди, лекин бу қадар ишонч, рақибга нисбатан бу қадар нописандликни алҳол ҳазм қилолмади. Дераза томон ўтириб, қора доналарни тергач, фарзинни олиб қўйди. Фурқат истамайгина оқ доналарга қўл юбориб, фарзин билан бир тўрани четга суриб қўйгач, қолганларини тахта-

га терди. У катта кетмаган эди: кетма-кет уч марта ютди. Қарашадаги жиддийликни йўқотмай доналарни яна тераётганида купега вагон оғаси кириб келди. Кўзи шахмат тахтаси устидаги ўйинда, оғзи эса гапдан бўшамади. Йўлда содир бўлган турли саргузаштларидан гап очиб, орадаги зеркиш булутини ҳайдаши Ҳалимжонга маъқул келди. Навбатдаги икки ўйинни ҳам бой берган Тарзаннинг бош оғриғи кучайиб, ўрнадан туриб, жойини вагон оғасига бўшатди.

– Шу болани ўзингиз бир «эзиб» қўймасангиз, менинг кучим етмади, – деб ўзини жилмайишга мажбурлади, Фурқатга тан берганини билдириш учун эмас, боланинг кўнглини кўтариш учун кўшиб қўйди: – Бугун сизни ютса, вагон чемпиони бўлади, кейин жаҳон чемпионлигига ўйнайди.

– Акам чемпионлар, – деди Наргиза ишонч билан.

– Сен айтсанг, албатта чемпион бўлади.

Тарзан шундай деб жилмайди-да, эркалаш мақсадида қизчанинг юзини силаб қўймоқчи бўлди. Наргиза худди юзига чўғ босилаётгандай кўрқиб кетди, бир сапчиб, опасининг пинжига кирди. Синглисининг кўркуви Норхолга ҳам ўтди. Фурқат эса сингилларига хавотир билан бир қараб олди-ю, яна шахмат доналарига тикилди. Қизчанинг бунчалик кўрқиши сабабини тушунмаган Тарзан вагон даҳлизига чиқиб, эшикни ёпди. Ўрмон бағридан юлқиниб чиққан поезд энди кўм-кўк майсага беланган чексиз кенглик бўйлаб борарди.

Болага ютқизгани сабаб бўлдими ё бош оғриғининг кучайганими – энди юраги ҳам сиқила бошлади. Кенгликка маъносиз боқиб, анча турди. Бекат яқинлашганидан огоҳ қилиш учун поезд секинлай бошлаганида, вагон оғаси шошилиб чиқди:

– Айтганингиздай, болангиз чемпион бўлди. Унга Каспаров бас келмаса, биздақалар яқинлашмаса ҳам бўларкан, – деганича вагон эшиги томон юрди.

Поезд бекатда уч дақиқагина тўхтади. Кимсасиз

чўлда нима учун тўхтади, ким чикди-ю, ким тушиб қолди, билиш қийин эди. Воқеан, билишнинг ҳожати ҳам йўқ эди. Поезд ўрнидан жилгач, даҳлизга Фуркат чикди. Тарзаннинг ёнида туриб атрофни кузатган бўлди. Унинг нимадир демокчилигини Тарзан сезди, шунинг учун «ичкари кир», деб орқасига қайтармади.

– Сиз Фишернинг ўйинларини кўп ўрганган экансиз. Менга Тальнинг композициялари кўпроқ ёқади, – деди Фуркат ташқаридан кўз узмай. Тарзан эса боланинг зийраклигига тан бериб, унга қараб, гапининг давомини кутди.

– Кеча сизга атай ютқизган эдим, – деди Фуркат энди унинг кўзига тик қараб, кейин гапини исбот қилиш истагида давом этди: – биринчи ютишингизда филнинг ўрнига отни «е2»га сурганимда икки юришдан кейин мот бўлардингиз.

«Гапи тўғри», деб ўйлади Тарзан. Кеча чиндан ҳам отни сурмаганига ажабланиб, буни боланинг тажрибасизлигига йўйган эди.

– Тез-тез шунақа «атай» ютқизиб турасанми? – Тарзан шундай деб унга синовчан тикилди.

– Йўқ, биринчи марта шундай қилдим.

– Фима айтувдими?

– Йўқ, Фима фақат ютишимни талаб қилган. Ютқизганимнинг сабабини тушунмадингизми?

Тарзан боланинг ўтқир нигоҳидан кўзларини олиб қочди. Саволнинг жавобини билса ҳам, айтишдан бўйин товлаб:

– Ўзинг айт-чи, – деди.

– Ўртага нимани тикдинглар? Ютқизсам, ўша жойда қолиб кетардим-ку?

– Қолмас эдинг, атай келиб, битта шахмат баҳонасида қуруқ кетадиган аҳмоққа ўхшатдингми бизларни? Фимани сал жиғига тегиб, лақиллатмоқчи эдик.

– Жиғига тегишдан кўра, уни ўлдирганларинг яхши эди...

Боланинг совуқ бир оҳангда айтган бу гапни эшитган Тарзаннинг устидан гўё қайнок сув қуйилгандай бўлди-ю, сесканиб тушди. Зулм оламидаги кўргуликларга кўникиб, ҳатто ваҳшийликка ҳам эътиборсиз қарайдиган Тарзан боладан бундай шафқатсиз ҳукми сира кутмаган эди. Болалар бир-бирлари билан уришсалар ёки талашган нарсаларини бой берсалар, «ҳали қараб тур, сени ўлдираман!» деб пўписа қиладилар. Бу онда Фурқатнинг тилидан учган гап болаларча пўписа эмас, зулм оламининг ҳукми эди. «Ҳамонки, болада қатъий истак бор экан, бу аҳднинг жиддий сабаби ҳам мавжуд», деган фикрга келган Тарзан унинг чакноқ кўзларига тикилиб:

– Нега? – деб сўради.

Фурқат қалб исёнининг ҳайқириғини босишга ожизлик қилди:

– Бунақа одамни ёндириш керак, – деди у янада қатъийлик билан.

– Негалигини айт-чи, ахир сенларга яхши қараган эмиш-ку? Яхши кийинтирибди, қорниларинг тўк экан...

Тарзан боланинг айтгиси келмаётган ҳақиқатни суғуриб олиш мақсадида бу саволни унинг жиғига тегиш учун атайин айтди. Мўлжали тўғри чиқиб, Фурқатнинг лаблари гезарди:

– Ўлдириш керак! – деб муштумини тугди. Алам чангалидаги қалбининг фарёдини титроқ лаблари ошкор қилди – бир ютиниб қўйди-да, аламли оҳангда сабабини айтди: – У... кечаси сингилларим билан... ётарди... Фимага ютқизган одам ҳам бир марта Нор-холни...

Шундай деди-да, бошига тушадиган муштдан кўрққан кимсадай тумшайиб олди.

Бунақа гапни катталарнинг айтиши ҳам қийин. Машъум ҳақиқатни бировга ошкор қилгандан кўра юрагини ўз қўли билан тилка-тилка қилиб ташлаш



осонрокдир. Шундай экан, чорасиз боланинг аҳволини хис эта олувчи одам бормикин?

Тарзанга, бузукликнинг турли шаробини тотиб кўрган йигитга Фуркатнинг дардли хабари бошқача таъсир қилди. У тўшагида тунаган қизларнинг оналари, акалари борлигини, уларнинг руҳи азият чекишини ўйлаб кўрмаган эди. Ҳозир, ўзи учун ҳам кутилмаганда, шуни ўйлади. Бирок, ҳозир ўзини Фима каби пасткашлар сафида кўрмади, аксинча, «кўнглимни олган қизлар тўшак ҳақини олиб қувонарди, кичкиналарга қарайдиган ҳайвонлар бошқа», деган баҳона топди. У Фимани ҳайвонлар қаторига қўшиб хато қилди – тўрт оёқли маҳлукларнинг бу борада инсофли эканини, айғир ҳеч қачон тойчоққа ирғимаслигини ўйлаб кўрмади.

Тарзаннинг унсиз турганига тушунмаган Фуркат мақсадини айтди:

– Уни барибир ўлдираман... аям билан кўришиб, сингилларимни топшираман-у, қайтаман.

– Ўлдиргинг келган бўлса, нега шунча пайт индамай юрдинг, кўрқдингми?

– Ўлдиrolмай қолсам, сингилларимга қийин бўлишидан кўрқдим. Олдин уларни қутқаришим керак эди. Шу ёзда қочишни мўлжаллаб кўйган эдим.

– Сен... қасос олишга ёшлик қиласан, бу фикрни каллангдан чиқариб ташла, – деди Тарзан.

– Бу калладан чиқариб ташлайдиган фикр эмас, – деди Фуркат янада қатъий оҳангда.

– Гапинг тўғри, – деди Тарзан энди ён босгандай бўлиб, – Фима ўлиши керак! Мен сенга сўз бераман: итдай хор бўлиб ўлади. Хоҳласанг, калласини узиб, кўлингга олиб келиб бераман.

– Хоҳламайман... калласини ўзим узишим керак...

Тарзан энди унга нима дейишини билмай ҳам қолди. Ҳаётнинг азобли чиғириқларидан ўтган бу ўсмир бола тақдири йўналишини ўзи белгилаб олибди.

Энди уни қайси куч тўғри йўлга бошлай олади? Тарзан уни «зулм оламига марҳабо, укажон!» деб қучок очиб кутиб олиши керакми? Бу олам атрофида гангиб, тентираб юрганида унинг ўзини куч билан тортиб олган эдилар. Фурқат эса шайтанат кўрғони дарвозасини зарб билан қоқиб, шитоб билан кириб келмоқчи. «Боланинг гапларини Мурда эшитганида яйраб кетарди, унга шунақалар ёқади», деб ўйлади.

Чиндан ҳам Ахтам аҳди кескирларни хуш кўрарди. Фурқатнинг аҳдини эшитгач, Тарзан каби ажабланмасди, балки «Тўппа-тўғри қиласан!», деб зулм олами дарвозасини очиб берарди.

Тарзан болани нима деб овутишни билмай, гапни мужмал қилди:

– Фурқатбек, мен сен томондаман. Фақат... бунини бошқа бировга айтма, уйга боргандан кейин маслаҳатлашамиз, балки, Барнаулга бирга қайтармиз...

### 3

– Болалар қани? – деди Асадбек Ахтамнинг иш-шайиб турган юзига қарагиси келмай.

– Поездда келишяпти...

Ахтам шундай деб эҳтиёт чорасини баён қилиб берди.

– Оширворибсан, бола. Фиманинг айёрлиги ҳам, кўрқоқлиги ҳам, хасислиги ҳам борлигини эшитганман. Бунақа одам сен ўйлагандай ақл билан иш юрита олмайди.

– Бек ака, ўрисларда «эҳтиёткор одамни Худо эҳтиёт қилади», деган мақол бор.

– Жонинг эҳтиёт қиладиган даражада ширинми? «Ўлимдан кўрқмайман», деб катта кетган эдинг-ку?

– Катта кетмаганман, бўладиган гапни айтганман. Мен ўлмайман, ўлмайдиган одам ҳеч замонда ўлимдан кўрқадими? Мен болаларни эҳтиёт қилдим. Болаларни соппа-соғ ҳолатида қўлингизга топширай,

кейин «азроилнинг ичига кириб чик», десангиз, кириб чикмаган – номард!

«Бу бола Ҳайдар ҳам эмас, Маҳмуд ҳам, ҳатто Жамшид ҳам эмас, бўлган-тургани шу сурбетлик, уни тарбия қилишга уриниш ортикча. Ўзига яраша балодай ақли бор. Ақлли бўлгани яхши, лекин... хавfli... орқасига бир тепиб, йўқотиш керак, – деб ўйлади Асадбек, кейин фикридан қайтди: – Йў-ўк... бир тепки билан куримайди бу сурбет. Рўпарамда туриб олиб бетимга сапчишга тайёр бола эртага орқамдан келиб курагимга пичоқ санчмайдими?.. Азроилнинг ичига кириб чикмагунича кўз олдимда юра тургани маъқул».

Шу қарорга келган Асадбек «ҳозирча йўкот бунингни», дегандай Жамшидга қараб олди. Жамшид хожасининг истагини англаб, Ахтамга «сен боравер», деган маънода имлади. Асадбек хотиржам равишда узоқлашаётган Сурга қараб, хаёлига бехос келган фикрдан сесканиб кетди. «Ҳайдар билан Маҳмуд тахт таллашиб-таллашиб ўтиб кетишди. Менам қачондир ташлаб кетаман бу лаънати тахтни. Кимга қолади бу тахт? Мана шу сурбетгами? Кесак – Ҳайдар бойликка ўч эди. Бу бола бойликка қизиқадиганга ўхшамайди. Унда тахтга интилиб нима қилмоқчи? Тахтни ўзим бўшатиб кетаманми ё тортиб оладими? Подшоларни ҳеч қачон ташқаридаги одамлар заҳарлашмаган, атрофидаги энг яқинлар юрагига ханжар уришган. Бу бола жонимни суғуриб олиш учун менга яқинлашдими? Йў-ўк... унақамасдир... уни ўзим қанотимга тортдимку...»

Ҳа, ўзи тортди. Узоқда эгарлоғлиқ турган кўркам отни ўзи чорлади... Бу отнинг ажал тулпори эканини фаҳм этмади. Нима бўлди унга? Кўзларига ғафлат уйқуси парда тортдими? Ғафлат пардаси тарқаб, нимага рўбаро бўлганини энди тушуняптими? Унинг ажал тулпорида ўтиришини кўпчилик пойлаб турибди. Ўша кўпчилик орасида бу сурбет ҳам борми?

«Бу бола чанг солмайди, мендан нарироқда,

ишшайиб, куллуқ қилиб туриб муддаосига етади. Шуниси хавфлироқ. Қиличи билан ташланса, химоя қилишга улгураман. Бунинг қилиғи қанақа бўлади? «Бек ака, сиз тахтда яхши ўтирибсиз, тахтда ўтириш сизга ярашади», деб гап бошлайди. «Сизни кулатадиган аҳмоқлардан эмасман. Фақат сиз тахтда ўтираверинг-у, пастдагиларнинг ишига бурнингизни тикманг. Сизнинг даврингиз ўтиб бўлди. Сиз қорин ғамидан бошқасини ўйламанг...» Ҳа-а... шунақа дейиши аниқ! «Ўқ илон» бир-икки мишиқининг қўлидаги кўғирчоққа айланса!? Ҳеч қачон! Қилич эскириб, занглаган бўлса ҳам бир зарб билан одамни иккига ажратиб ташлайди. Булар ким бўлибди – бир қаламтарош! Номига муносиб иш қилмаса, битта қаламни очмасдаёқ дами қайтади...»

Фикрлар жиловини бўш қўйган Асадбек муштумини тугди. Қовоқлари учди...

«Азроилнинг ичига кириб чиқмаган – номард!» дедими? Агар қадам олиши чатоқлашса, Азроилнинг ичига киради-ю, лекин чиқмайди. Ҳа, шундай бўлади!» – деб пичирлади.

Ахтам ўша куни шом қоронғисида Олмаота томон йўлга тушди. Қора «Волга»ни ўзи ҳайдади, икки йигит сарик «Жигули»да изма-из юрди. Тонг қоронғисида Олмаотага яқинлашдилар. Катта йўл четидаги оқ ўтовлардан иборат қаҳвахонада тўхтаб, нонушта қилдилар. Поезд пешинда келиши керак эди. Ахтам қаҳвахона хўжайинининг хонасидаги телефондан шоҳбекатга қўнғироқ қилиб, поезднинг уч соат кечикишини билгач, шаҳарда дайдиб юрмай, шу ўтовда дам олишни маъқул кўрди.

Поезд уч эмас, тўрт соат кечикиб келди. Ахтам соғинган аканинг меҳрибон овозида: «Кутавериб кўзларим тўрт бўлиб кетди-ку!» деб Тарзанга кучоқ очиб яқинлашди. Пешонаси тиришган, қошлари чимирилган Тарзан бу сохталикдан баттар ғашланиб, қўл учини бериб сўрашди. Қайтишда яна ўша ўтовда тўхтаб,

овқатланишди. Тарзаннинг кайфияти ҳам, иштаҳаси ҳам йўқ эди. Ахтам буни сезиб:

– Уч кунда чимтомоқ болага айланиб қолибсанми? – деб тегишди.

Тарзан бу пичингга жавобан «овозингни ўчирсангчи!» дегандай қовоқ уюб қараб қўйди. Шу пайт қаҳвахона эгаси кириб, ўтовда тунаб қолишлари ҳам мумкинлигини айтди.

– Ох, бовурим-а, – деди Ахтам уни елкасидан кучиб, – қозокнинг меҳрибонлигига беш кетаманда! Менга қолса, битта қозоқ қизга уйланиб, шу ерда хизматингни килиб юрардим. Лекин тўй бор, эрталаб Самарқандга етиб боришимиз керак, самарқандча ошни еб кўрганмисан? Бешбармоғинг ҳам зўр овқатку, лекин ош бошқача!

«Самарқандга етиб боришимиз керак», деган гапни эшитган Фурқат ажабланиб, Тарзанга қаради. Тарзан уни тинчителиш мақсадида бош чайқаб, «йўқ, у ёққа бормаймиз» ишорасини қилди. Қаҳвахона эгасини кузатиш баҳонасида ташқарига йўл олган Ахтам Тарзанни имлаб қўйди. Қаҳвахона эгаси ўз ўтовига қараб кетгач, Ахтам шеригига юзланиб, «Нима бўлди, ўтиришинг бошқача-ку? Ҳалим билан уришиб қолмадингми, ишқилиб?» – деб сўради.

– Унинг нимаси билан уришаман, отига яраша ҳалим-да... – деди Тарзан қўл силтаб.

– Юмшоққина бўлса ҳам, Бек акангнинг ёнида юрганини эсингдан чиқарма.

– Менинг у билан ишим йўқ... Бошқа гап бор... Уйга борганда айтаман.

– Ҳозир айтсанг-чи?

– Фойдаси йўқ.

– Нега?

– Бу гапни билдинг нима-ю, билмадинг нима – ҳеч нима қила олмайсан.

– Ҳеч нима қила олмаслигимни қаердан била қолдинг? Поездда ўргатишдимми?

– Поезддами?.. – Тарзан шундай деб жим қолди.  
– Гапирмайсанми? Туғолмаётган хотинга ўхшаб тўлғониб юравер!

– Поездда... қизчани эркалаб, юзини силамоқчи бўлганимда у илон чакқандай сапчиб кетди.

– Нега юзини силагинг келиб қолди?

– Эркаламоқчи эдим.

– Сенинг эркалашингга зорми у? Кейин нима бўлди?

– Ҳеч нарса... Дахлизга чиқдим. Орқамдан Фурқат чиқиб ҳаммасини айтди. Бу сирни бировга билдирма, девдим, ўзимнинг ичимга сиғмаяпти.

– Бунча чайналасан, нимани айтди?

– Фима, падарлаънати, педофил экан... Жамолбе-гинг ҳам...

– Уҳ, мараз! – Ахтам тишларини ғижирлатиб, уришга чоғлангандай муштумини тугди. – Қизларнинг жавдирашига қараб, кўнглим сезгандай бўлувди-я! Ичимда бир овоз нукул «ўлдириб кет, бу маразни», деб зўрлайверди, зўрлайверди. Бек акангдан балога қолмайлик, деб ўзимни босувдим. Ҳа, майли, ўрис-нинг гапи бор-ку: ҳечдан кўра кеч ҳам яхшироқ. Ҳаромининг қонини ичгани алоҳида борамиз.

Болалар билан Тарзан «Волга»га, Ҳалимжон эса орқароқда борувчи сариқ «Жигули»га ўтирди. «Волга»нинг орқа ўриндиғи кенг бўлса ҳам, болалар калхат ҳужумидан кўрққан полапонлардай ғуж бўлиб ўтиришди. Фурқат сингилларини меҳрибон она каби кучиб олди. Бир соатча йўл юришгач, машинанинг силкинишлари, поезддаги чарчоқ таъсир қилиб, болалар ухлаб қолишди. Тарзан ҳам бошини деразага суяб мизғиди. ГАИ нозири ола таёқчасини кўтариб, машинани тўхташга ишора қилганда Ахтам «Бошланди, уйга етиб боргунимизча, Фиманинг пулларини шуларга бўлиб берамиз», деб минғирлаганда уйғониб кетди. Шундан кейин худди поезддаги каби ухлагиси келса ҳам ухлалмай, азобланиб борди.

Куёш терак буйи кўтарилганда Асадбекнинг уйига яқинлашиб, тўхташди. Ҳалимжон тушиши билан ва-зифасини бажариб бўлган сарик «Жигули» бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Тарзан ҳам, Ахтам ҳам бу уйга киришмаган эди. Шу сабабли Ахтам «кирасанми ё чакирасанми, бу ёғига сен хўжайинсан», дегандай Ҳалимжонга қаради.

Чақиришга эҳтиёж йўқ эди, болохонадаги йигит-лар машина тўхташи ҳамон пастга тушиб, шийпонда Жамшид билан гаплашиб ўтирган Асадбекка янгилик-ни етказишди.

– Болаларни олиб кир, анавиларинг соат тўртда анҳор бўйида бўлишсин, – деди Асадбек Жамшидга қараб.

Жамшид кўчага чиқиб, хожасининг амрини йигит-ларга маълум қилгач, болаларни ичкарига бошлади. Остонага етганда болалар кўрқиб, тўхташди-да, нажот кўзи билан Тарзанга қарашди.

– Кираверинглар, аянг шу ердлар, – деди Тарзан, кейин Фурқатга қараб қўшиб қўйди: – Ўша гап – гап! Қайтган – номард!

#### 4

«Аллоҳнинг раҳмат-марҳаматидан ноумид бўл-мангиз», дейилган Ҳақсўзга итоат этувчиларнинг гўзал мукофотларга эришувини ҳеч ким инкор эта ол-майди.

Сабр аччиқ, аммо меваси ширин эканига Фазлия-нинг ўзи гувоҳ бўлди.

Дарвозадан кириб келаётган фарзандларини кўриб, учмоққа қанот ёйган куш каби кўзғолди. Ҳовли ўрта-сига етиб борганда кўз олди қоронғилашди-ю, хушсиз йиқилди. Асадбек бу ҳолатни кутмаган эди, нима қиларини билмай, хайрон бўлганича қараб қолди. Манзура эса чаққон ўрнидан туриб, «вой Худойим,

Ўзинг асра!» деганича ёрдамга шошилди. Болаларни бошлаб кираётган Жамшид ҳам шу томон югурди.

– Сув олиб келинг, сув! – Манзура шундай деб ўзи Фазлиянинг бошини кўтариб, тиззасига кўйди.

Фазлиянинг юзидан қон қочган, лабларигача оқариб кетган эди. Киприklar гўё мангуга ковушгандай эди...

– Фазлия, Фазлияхон, кўзингизни очинг, қаранг, болаларингиз келди! – деди Манзура унинг бетларини силаб.

«Болаларингиз келди!»

Бу хушхабарни зўр қувонч билан суюнчилаб айтишни орзу қилган эди. Суюнтирувчи хабарни эшитган она юзларида чарақловчи шодлик куёши нурларидан бахраманд бўлиш бахтига умидвор эди.

Энди эса... Фазлиянинг рангига, чирт юмилган кўзларига қараб, «юраги ёрилиб кетдимикин?» деган гумон уйғонди-ю, ўзининг юраги тўхтаб қолаёзди. Жамшид сув олиб келгунига қадар Фазлиянинг лабларида ҳаёт нишонаси сезилди – «болам... болажон...» деб заифгина пичирлади. Заиф юрак зарби билан пичирлаб айтилган сўз Манзурага жаранглаб эшитилгандай бўлиб, назарида бутун заминуну само зириллаб кетгандай туюлди.

Одамнинг тупроқдан яратилганига ҳеч ким шак келтирмайди. Лекин маъсумаларнинг чидамига, сабр ва тоқатига қараб туриб, «вужуди тупроқдан бўлса ҳам, юраги темирдандир», деган фикр хаёлни ёритиб ўтади. Осмондан ёмғир ёғса, раҳматга айланиб, тупроққа сингади. Фазлиянинг бошига ёғилган жабру ситамлар эса чўққа айланиб юрагига тўпланаверган. Кўзларидан оққан қон ёшлари бу ёноқларни куйдириб юбормаганининг ўзи бир мўъжиза!

Онасини кўргани ҳамон ўқ каби отилишга чоғланган Фурқат сингилларидан ўзиб кетгиси келмай, ўзини енгган эди. Бир қарашдаёқ ҳовли ва уйнинг ҳашамидан кўзлари қамашган Норхол онасини дарров



кўрмади, Наргиза эса... танимади. Фазлия йиқилгач, Фурқат сингилларини ҳам унутиб, югурди. «Аяжон!!» деган нола билан онасининг бошини кучиб, юзига юзини кўйди.

– Кўркма, болам, кўркма! Хурсандчиликда шунақа бўлади, – Манзура шундай деб болани овутиб, онадан ажратди-да, беморнинг юзига сув сепди.

Фазлия бир сесканиб, кўзларини катта-катта очиб, девонаваш ҳолида атрофга жавдиради. Ўғлини кўрди-ю, яна ҳушидан кетди. Бу орада қизчалар етиб келишди. Наргиза бир қадам берида қолиб, Норхол дод солганича онасини кучоқлаб олди. Кўзларидан оққан ёш она ёноғига томди – бу сафар сув сепишга ҳожат қолмади, Фазлия кўзларини очиб, қаддини кўтарди. Йиллар бўйи бағрига йиғилиб, куйдириб келган дард ўкирикка айланиб, ташқарига отилди. Икки қўли билан икки боласини кучиб олди. Ётсираган Наргиза ҳамон сал нарида жавдираб турарди. Болаларини бағрига босган Фазлия бирдан йиғидан тўхтаб, «Наргиз, Наргиз қани?» деб бошини кўтарди. Манзура қизчани икки елкасидан ушлаб Фазлияга яқинлаштирди. Энди Фазлия кенжасини кучоқлаб олди. Икки боласи икки елкасидан кучди.

Асадбек бу манзарага қараб тура олмади. Томоғига нимадир тикилди. Юрагини чўғ каби доимий равишда куйдириб турувчи соғинч чўғи бирдан аланга олди. Айниқса, айрилиқ ўтининг аламли тиллари оловли киличга айланиб, баданини тила бошлади. У бурилиб, уйга кириб кетди. Муштипар хотин ҳасратининг оғир тоши остида қолган Манзура эри каби ўзини ўзи енга олмас эди – қувонч ёшларига эрк берди. Унинг қувончи Фазлияникидан фарқ қиларди. Фазлия дийдор қувончидан кўз ёши тўкарди. Манзуранинг қувончи соғинч тошлари орасидан сизиб чиқарди.

Дийдор дақиқалари соғинч ярасига бир оз малҳам кўйгандай бўлиб, Фазлия болаларини ўзи яшаётган хонага бошлади. Ўғли билан телефонда гаплашиб,

кўнгли чароғон бўлган куни Манзура уни бозорга олиб борган, болаларнинг ҳозирги қадди-қоматини тахминан чамалаб, янги кийим-бошлар сотиб олган эди. Қиммат-қиммат кийимлар харид қилинаётгани учун қимтиниб, хижолат бўлаётган Фазлияни «бу акангиздан суюнчи, суюнчини қайтариш мумкинмас», деб кўнглини кўтарган эди. Ният холислигиданми ё она кўнглининг сезгирлигиданми, чамалаб олинган кийимлар лоппа-лойиқ келди. Болалар чўмилиб, янги уст-бошларни кийишгач, Манзура бахтиёр оилани меҳмонхонага таклиф қилди. «Булар сизнинг ҳимматингиз туфайли бахтини топди, савоби, Худо хоҳласа, ўғлимизнинг руҳига етади. Ярим соат бўлса ҳам бирга ўтиринг», деб кўчага отланган Асадбекни йўлдан қайтарди. Иззатли меҳмонлар учун ҳамиша тузоғлиқ дастурхон болаларнинг кўзларини олган бўлса-да, ўзларини эркин ҳис қила олмадилар, неъматларга, ҳатто нонга қўл узатишдан иймандилар. Фазлия Асадбекка миннатдорлик билдириб, қайта-қайта дуо қилди-ю, жимиб қолди. Буларга ҳозир бу шохона дастурхон эмас, чакка ўтувчи уйларидаги бир оёғи лиқиллаб қолган хонтахта атрофида ўтириб, сувга қотган нонни ботириб ейиш азизроқ ва суюмлироқ эди. Уларнинг қалblари истаётган бу ҳузурни на Манзура, на Асадбек ҳис қила оларди. Агар Фазлия кўнгил истагини баён этгудай бўлса, «шунақаям ношукур бўладими!» деган таънани эшитиши мумкин эди. Манзура лабини тишлаб қолса ҳам, Асадбек шундай деб тўнғиллашдан қайтмаган бўларди.

Асадбек «гапингни икки қилмай, ўн дақиқа ўтирдим, буларнинг бахтли бўлиши учун шу кифоя қилар, а?» дегандай хотинига маъноли қараб қўйди-да, зарур ишлари борлигини айтиб, ўрнидан турди. Бу шунчаки баҳона эмас, чиндан ҳам зарур иши бор эди: уни анҳор бўйидаги нохуш учрашув кутарди. Кеча Тошкентга етиб келган Фиманинг арзини эшитган, бугундан қолмай унинг масаласини ҳал қилиб бериши керак

эди. Аввалига «ўзинг тинчит, бу ишни», деб Жамшидга топширмоқчи эди. Лекин болаларга тегишли масаланинг аввал ўйлаганидан кўра жиддийроқ эканини англаб, мулозимларини ўзи сўроқ қилмоқчи бўлди.

Асадбек чиқиб кетгандан кейин ҳам болалар яйраб ўтира олмадилар. Улар чўмилаётган пайтда Манзура Афрузага кўнғироқ қилиб, хушxabарни етказган, кейин «бир пиёла чойга» таклиф этган эди. «Бирров кириб, табриклаб чиқаман», деб ваъда қилган Афруза келиб, давра сал жонланди. Истарали аёлнинг ширин сўзлари болаларга ҳам ёқди. Афрузанинг вақти зиқ эди. Мезбондан ижозат сўрашдан олдин Фазлияга мурожаат қилди:

– Синглим, агар айбга буюрмасангиз, ширинларингизнинг исми ҳақида бир гап айтмоқчи эдим? – деди.

Фазлия бу илтимосдан ажабланиб, «сиз айтинг», дегандай Манзурага қаради.

– Айтинг, отин оёи, – деди Манзура.

– Пайгамбаримиз алайҳиссалом, фарзандларга ҳам чиройли, ҳам маъноли исм қўйиш зарурлигини тайинлаганлар. Ўзлари кўп саҳобаларнинг исмларини ўзгартирганлар. Ҳатто набираларига уруш аслаҳаларининг номини исм қилиб қўйишганда бирини Ҳасан, яъни яхшилик, иккинчисини Ҳусайн, яъни чирой, хусн, деб ўзгартирганлар. Хайрли исм умидли ният фазилатида боланинг умри давомида ҳамроҳ бўларкан. Бизда тушунмаслик оқибатида маъноси ғалати исмлар қўйиб юбориш одати ҳам бор. Илгари араблар боласи туғилиши билан кўзига биринчи нима кўринса, ўшанинг номини исм қилиб қўяверган эканлар. Биттаси ўғлига «Жуал» деб исм қўйибди. «Жуал» арабчасига «сахро кўнғизи» дегани. Кулгили, а? Мана, сиз ўғлингизга «Фурқат» деб исм қўйибсиз. Маъносини биласизми?

– «Фурқат» деган шоир бор-ку... – деди Фазлия айбли иши фош бўлган одамдай қимтиниб.

– «Фурқат» шоирнинг тахаллуси. Асл исмлари

«Зокиржон» бўлган. Ватандан айрилганлари учун шунақа тахаллус олганлар. Чунки «Фурқат»нинг – «айрилиқ» деган маъноси бор. «Норхол» – «туянинг холи» дегани...

– Мен туғруқхонадан чиққунимча дадаси шунақа деб ёздириб қўйибдилар...

– Ўзингиз нима деб қўймоқчи эдингиз?

– Бувимнинг исмлари «Гуландом» эди, шуни қўйинг, девдим, унамадилар.

– Ҳали ҳам кеч эмас, «Гуландом» бўлаверсин.

– Майли... Фурқатжонга... – Фазлия Манзурага умид билан қаради, – мулла акам исм қўйиб бера қолсинлар...

Шу қарорга келдилар. Афруза кетгач, Фазлия болалар билан хонасига чиқди. Шом намозидан кейин «Рухсат берсангиз, эрталаб уйимизга кетардик», деди ялиниш оҳангида. Манзура эътироз билдирса, «ҳеч бўлмаса болаларингиз топилгунича яшаб туринг», девдингиз, мана, Худога шукур, бағрим тўлди», демоқчи эди. Йўқ, Манзура қаршилиқ билдирмади.

– Майли, – деди синиқ овозда, – ҳали мулла акангиз келсинлар...

Асадбек анҳор бўйидаги «қозилиқ»дан кўнгли хиралашган аҳволда қайтди. Манзура боланинг исмини ўзгартириб қўйиб беришни сўраганида ажабланди. Чунки бунақа ҳолни ҳатто эшитмаган эди. Буни хотинларнинг иримчилигига йўйиб, қўл силтади-да, «керак бўлса, ўзинг қўйиб беравер», деди.

– Сизники табаррук, бир умр эслаб юришадди, – деди Манзура, бўш келмай. Ҳали шу масала кўтарилганда негадир кўнглига «Абдуҳамид» бўла қолсин, деган ўй келган эди. Шундай қилинса, назарида ўғлининг номи ўчмас бўлиб қоладигандай эди. У ҳозир эридан шу исмни кутди. Асадбек кўп ўйламади, хаёлига келган биринчи исмни айтди:

– «Абдурахмон» деб қўя қолларинг.

Шундай деди-ю, кўнгли равшанлашди. Эри-

нинг ҳар бир гапини қонун ўрнида қабул қилувчи аёл бу қарорни «нега?» деган савол билан муҳокама қилиб ўтирмади. Эрининг қарорини Фазлияга айтиш мақсадида чиқмоқчи бўлганида Асадбек тўхтатди:

– Болалари билан гаплашдингми? Акли жойида-ми? Маънилими? – деб сўради.

Кутилмаган бу саволдан Манзура ажабланди:

– Нега бунақа сўраяпсиз?

– Тушунмадингми? Эси-хуши жойидами? – деди Асадбек, бу сафар сал дағалроқ оҳангда.

Манзура «бир гап бўлган шекилли», деган ўйда эрига чўчиб қаради.

– Бип-бинойи болалар...

– Ўғлини чақир, гаплашиб кўрай-чи.

– Хўп, – Манзура шундай деди-ю, юра қолмади.

– Яна гапинг борми?

– Фазлияхон эртага кетмоқчилар.

– Кетса мен нима қилай?

– Рухсат берамизми?

– Қамаб ўтирмоқчимисан? Шунақа бўлишини мен сенга бошида айтганман. Йигитларга айтаман, кузатиб кўйишади.

– Уйларида бирон ҳафта туриб, кейин қайтиб келишса-чи?

– Қайтиб келишса-чи? Унгача сен каллангни ишлатсанг-чи! Бу хотин сенга хизматкорлик қилмайди. Болалари ҳам сенга бола бўлмайди! Орзуйингни амалга ошираман, деб овора бўлма!

– Унақа деманг...

Манзуранинг ғам тиришлари сўлиштирган қалтироқ лабидан шу сўзларгина учди. Бошқасига қурби етмади. Хотинининг куйилиш истагидаги ёшларга тўғаноқ бўлиб турган киприкларига кўзи тушган Асадбек юмшади:

– Яна ўзинг биласан. Келгиси келса, келаверсин...

Бу гап Манзурага далда бўлди. Тез-тез юриб чикди-да, кўп ўтмай болани бошлаб қайтди.

Ўзига «Абдурахмон» деб исм қўйиб берган, кўри-нишидан баджаҳл бу одамга Фурқат тик қарай олмади. Асадбек эса унга бошдан-оёқ разм солди.

– Фима хафа қилмай, яхши қарадимми?

Кутилмаган бу савол боланинг юрагини кемириб ётган алам илонини кўзгади, вужудини эса гўё шафқатсиз қўллар кўтариб ерга урди: ҳамма ёғи зирллаб кетди. Тили қотиб қолди, жавобга ҳатто уринмади ҳам. Фиманинг аблахлигини Марлен акасига айтган, унга ишонади. Қовоқ уюб турган одамга ҳам ишониши керакми? Ким сўраса, гапириб бериши шартми?

Асадбекка бола безрайиб тургандек туюлди, унинг ичини қоплаб турган дард булутини сезмади.

– Фима сени нималарга ўргатди? – деб сўради ундан кўз узмай.

Абдурахмон саволни тушунмагандай елка қисиб кўйди.

– Шахматни зўр ўйнармишсан, – деб саволига аниқлик киритди. – Картани ҳам яхши сурасанми?

Бола нима деб жавоб қайтаришни билмай, яна елка қисди. Асадбек столи тортмасини очиб, тахи бузилмаган картани олди-да, унга узатиб, «чийлаб, тарқат», деб буюрди.

Онаси «сизларни шу киши топдириб бердилар», деган эди. Энди нима қилмоқчи, бу ҳам киморга ўргатадимми?

Абдурахмон шу хаёл зарбида енгил сесканиб, картани кўлига олди-да, буйруқни бажаришга киришди. Асадбек унинг бармоқларидан кўз узмай, тикилиб турди.

– Яхши устознинг кўлига тушибсан, – деди Асадбек бир оздан кейин. – Нима қилмоқчисан, адангга ўхшаб киморбоз бўласанми?

У нима десин? Ўз тақдири ўз кўлида бўлса кошки эди! Қўлма-кўл ўтиб, бу ерга келди. Фимадан озод

қилган бу одамнинг мақсади нима – билмаса... Унинг мушуқулини Асадбекнинг ўзи осон қилди: гапни кўп чўзмасдан муддаосини айтди:

– Қиморнинг нималигини кўргандирсан. Бармоқларинг чаққон экан. Ана энди шу чаққон бармоқларинг билан бу картани йиртиб ташла.

Бола иккиланиб турди-да, кейин буйрукни бажарди.

– Нимага йиртганингни тушундингми? Бундан кейин қўлингга карта олмайсан. Карта ушлаганингни кўрсам ёки эшитсам, бармоқларингни ўтмас пичоқ билан битта-битта кесаман.

Асадбек «ўтмас пичоқ билан», деб таъкидла-маса ҳам бўларди. Бармоқ ўткир пичоқда кесилади-ми ё занглаганидами, бу ёшдаги бола учун барибир кўрқинчли, хатто даҳшатли ҳукм. Абдурахмон эса қилт этмади, даҳшатга ҳам тушмади, чунки унинг ўзи кимор масаласида аниқ бир қарорга келиб қўйган эди. Унинг ҳаёт йўлини белгилаган қасоси Асадбекни-дан ҳам, Тарзан ва айниқса, Ахтамниқидан ҳам кескин фарқ қиларди:

«Ўзим кимор ўйнамайман. Катта бўлганимда ким-нинг ё хотинини ё боласини киморга тикиб ютқизганини эшитсам, ўша куни бориб, қўлларини қайириб узаман, кейин бошини кесаман!»

## XV б о б

---

### 1

Анҳор бўйидаги ўзларининг жойларига соат тўртда келишлари шартлигини эшитиб, ажабланиш-мади. Вазифани қай йўсинда ўринлатганлари бўйича ҳисоб бериб, Бек акаларидан олқиш олишни ўйлаб, кайфиятлари кўтарилди. Тарзан ювиниб, дам олиш мақсадида уйига кетди. Ахтам эса анҳор бўйига бо-

риб, чойхоначига «зўр бир жонон дастурхон» тузаб кўйишни тайинлагач, бошпанасига жунади.

Анҳор бўйида белгиланган вақтдан бир соат аввал учрашдилар. Чойхоначи сув устидаги сўрига «жоннон дастурхон» тузаб кўйган эди. Ахтам бу диди учун уни алқаб турганида Тарзан тушкун кайфиятда келди. Чойхоначининг саломига алик ҳам олмади. Соҳилдаги сўрига омонат ўтириб, сувга тикилганча жим қолди. Ахтам чойхоначига кўшимча топшириқлар бергач, шеригига яқинлашди:

– Нима бўлди, худди мен еб сен курук қолгандай тумшайиб олдинг?

– Бирпас жаврамай тур, – деди Тарзан унга қарамай.

– Ҳа, тушингни сувга айтиб ўтирибсанми, менга ҳам айт, бир мазза қилай...

– Айтайми? – Тарзан шундай деб ўрнидан турдида, Ахтамга ўткир нигоҳини қадади. Ахтам бу қарашда аёвсиз зулм шарпасини кўриб, эҳтиёт юзасидан бир қадам тисарилди. Чўчиганини сездириб кўймаслик учун айёрона жилмайди:

– Ёнғокнинг тагида ухлаб келмадингми, ишқилиб?

– Кўрган тушимни айтайми? – деди Тарзан газаб билан. – Тушимда бир аблаҳ адамни каламушга ем қилганмиш.

«Бу ифлосликни сен қилгансан, қани, тониб кўрчи!» дегандай Ахтамнинг ёқасига қўл юборди. Лекин қўли ёқага етиб бормади – Ахтам кафтининг қирраси билан бир уриб, четга сурди.

– Ўзингдан кетма, бола, дардинг бўлса, айт! Адангга нима бўлибди?

Тарзан энди «ростдан билмайдими, бунинг иши эмасми?» деган иккиланиш билан қаради. Аввалги шашти сал сўнганини дардли овози ошкор қилди:

– Адамнинг нозик жойини каламушга ем қилибди... кимдир.

Аламли одамнинг дардли овозини эшитиб, Ахтам-



нинг ичидаги шайтон қаҳқаҳа отди. Аммо сир бой бермади, тухмат балосига учраб ранжиган дўст либо-сида эътироз билдирди:

– Шунақами? Ўша «кимдир» мен эканманми? Каламушларнинг базми қачон бўлибди, айт-чи?

– Олдинги кечаси...

– Красноярда туриб адангнинг нозик жойини мўлжалга олибманми, аҳмоқ! Красноярдан эртасига эрталаб учдим, кечаси аэропортида молдай ётганман. Пешинда учиб келдим-у, Бек акангга ҳисоб бериб, Олмаотага жўнадим. Аввал суриштириб аниқлагин-да, кейин менинг бўйнимга осил! Мендан шубҳаланишга ҳаққинг йўқ, каламуш сенинг кашфиётинг. Мен бунақанги ипириски ишлар билан шуғулланмайман. Аданг билан нима ишим бор?!

Ахтам дағал оҳанги билан уни ишонтиргандай бўлди. У Тарзаннинг отаси учун қасос олишга ҳаракат ҳам қилмаслигини билса ҳам, эҳтиёт чорасини кўриб қўйганди: Красноярдан учиш вақти чиндан-да, эртасига эрталаб бўлгани сабабли, пешинда Чимкентга учиб, Тошкентга таксида етиб келганди.

Шеригининг гаплари таъсир қилдими, Тарзан жойига қайтиб ўтириб, бошини чангаллаб олди.

– Аданг тирикми, ўзи? – деб сўради Ахтам.

Тарзан бош ирғаб «Ҳа» ишорасини қилди. Кейин «бундан кўра ўлгани ҳам яхшийди», деб минғирлади.

– Қаерда бўлибди бу иш, суриштирдингми?

Тарзан «ростдан ҳам билмайсанми?» дегандай унга саволомуз қараб олди-да, худди ўзига-ўзи гапирувчи телбанинг оҳангида эшитганларини баён қилди.

– Ота-онангнинг ёлғиз яшаши ёмон, деб сенга неча марта айтдим. Уйланишинг керак. Хотининг ҳеч бўлмаса, ота-онангга қоровуллик қилади. Мен ўғриман, уйланишим мумкин эмас. Сен тўғрисан, уйланишинг шарт, ўзингга ўхшаган валаки-саланг болаларни қаторлаштириб қўйганингдан кейин борадиган жойингга жўнайверасан. – Ахтам бу гаплари шеригига

ёқмаётганини фахмлаб, энди меҳрибон ака оҳангига кўчди: – Аданг касалхонада эканми, бордингми? Дўх-тир нима дейди?

– Нима дерди! – Тарзан алам билан қўл силтади. – Қон қуйишибди, хатар ўтибди.

– Хатар ўтган бўлса, нега дий-диё қиласан. Аданг ўшасиз ҳам яшайверади. «Адам бузук», деб онангга ачинардинг-ку, ана, энди онангнинг кучоғида ўтираверадиган бўлибди. Ўрислар айтади-ку, «бахт йўк эди, бахтсизлик қўллаб юборди»...

Соат тўртда Бек акаларини кутиб олиш учун дарвоза томон юришди. Кетма-кет келиб тўхтаган машинанинг олдингисидан Асадбек тушди. Унга пешвоз чиқиш мақсадида қадам босганларида орқадаги машина эшиги очилиб... Фима кўринди. Ахтам «айтганим тўғри чикдими?» дегандай Тарзанга қараб олди-ю, саросимага тушмай, кулимсираганича Бек акасига салом бериб, кўришмоқ мақсадида қўл узатди. Асадбек паст овозда алик олди-ю, қўл бермади. Йўл бошлаган Жамшиднинг изидан анҳор соҳили томон юрди. Фима унга эргашди. Йигитларнинг ёнидан ўтаётганида ифротти ғазаб ва нафрат билан тикилди. У «Кутилмаган учрашув безбетларни шошириб кўяди», деб ўйлаб янглишганди. Ахтамнинг кўзларида саросимани ҳам, чўчиш аломатини ҳам кўрмади. Аксинча, Ахтам ишшайиб саломлашди:

– Салом, Фима амаки, яхши етиб келдингизми? Самолётда миянгиз чайқалмадими ишқилиб?

Фима: «Мия чайқалиши қанақа бўлишини ҳозир кўрасан», деб минғирлаганича ўтиб кетди. Йигитлар бир-бирларига «энди нима қилдик?» дегандай қараб қолишди:

– Сен тез бориб, пулини олиб кел. Қолганини менга қўйиб бер.

Ахтам шундай деб меҳмонлар изидан шошилди. Асадбек сув устидаги сўрига ўтмай, соҳилдаги дастурхонсиз сўридан жой олган эди. Ахтам Бек акасининг

рўпарасига келиб, мутелик билан кўл боғлади. Асадбек унга бошдан-оёқ тикилиб, қошларини чимирди.

– Танийсанми? – деди Фимага қараб олиб.

– Бўлмасам-чи! – деди Ахтам қувонган одамнинг жилмайиши билан. – Етим бола боқиб оламан, деб юрганымда шу тавия учраб қолди. Менинг ўғай ўғлим бу. Аслида иккитасини боқиб олганман, биттасининг моягига чипқон чиқибди, – деб меҳмонга айёро-на боқди: – Фима, Алёшканинг аҳволи қандай, олиб келмабсан-да?

«Бу бола нега ҳеч нарсадан тап тортмайди? Гуноҳи борлигини билмайдими? – деб ўйлади Асадбек ғашланиб. – Айёр тулкининг гапларига ишонайми ё бу сурбетгами?»

Кеча пешинда кўнғирок қилган Балабуха йигитларидан эшитганларини айтчи, Фиманинг йўлга чиққанини билдирган эди. Балабуханинг гапларига қараганда буларда айб бўлмаса-да, Асадбек барибир Ахтамнинг ёнини олмади.

– Майнавозчилик қилма. Эски ҳунарингни ташламабсан-да? – деб ғазабли нигоҳини унга қадади, бу гап билан ресторандаги қилиғини эслатди.

– Бек ака, унақа деманг, булари янги. Фиманинг келгани яхши бўлибди, ўзимиз ювиб-тараб, одам қиламиз, – деди унга тик қараб.

– Сенга «тўғри бориб, тўғри келларинг», деб топширилувди.

– Чизган чизигингиздан чиқадиган аҳмоқ эмасмиз-ку, Бек ака. Тўғри келишимизга бу тавиянинг ўзи йўл бермади.

Ахтам шундай деб Барнаул воқеаларини русчалаб бир-бир баён этди. Ўзидан ёлғон кўшмаётгани учун Фима гап кўшмади. Ахтам тингач, Асадбек унга «энди сен гапир», дегандай қаради. Фимага жон кирди:

– Ахир мен нотаниш одамларга болаларни икки кўллаб топширмайман-ку, тўғрим, Бек? Булар мени ҳақорат қилишди, пулимни ўғирлашди.

– Шундай ҳурматли амакимизни ҳақоратлайдиган тил топилса, тилиб-тилиб итларга ташлаган бўлардим, – деди Ахтам. – Пулни олганимиз рост, лекин ўғирлаганимиз йўқ. Бек ака, бу амакимизни жонжонимиз билан иззат қилиб, меҳмонга чорласак, кўнмадилар. Биз томонларга келишлари учун пулни атай олволдик. Мана, келдилар, тийин-тийинигача санаб олаверадилар. Уч-тўрт ҳафта меҳмон қиламиз-у, уйларига тантана билан ўзимиз олиб бориб кўямиз. Фақат...

– Пул қани? – деди Асадбек унинг гапни бўлиб.

– Тарзан ҳозир олиб келади.

– Сен бола, қадамингни ўйлаб бос. Ўғри бўлиб, ўғриларнинг қонунига бўйсунмасанг, қиморбоз бўлиб қиморбозларнинг ўйинини бузсанг, оқибати нима бўлишини биласанми? Абжағинг чиқиб кетади.

– Бек ака, мен ўғри ҳам, қиморбоз ҳам эмасман. Мен – Мурдаман. Мурдаларнинг қонуни сал бошқачароқ бўлади.

Асадбек унга ғазаб билан қараб турди-ю, гапни қисқа қилди:

– Барнаулга соат еттида самолёт учади. Ҳурматини жойига қўйиб, кузатиб қўйларинг.

Асадбек шундай деб ўрнидан турди. Фима «мен нима қилай?» деган хавотирли назар билан қаради.

– Пул келгунча, зиёфатни еб ўтира тур, атай сени деб дастурхон тузабди, – деди Асадбек унга.

– Менга зиёфати керакмас, йўлкирамни, яна кўрган маънавий зараримни қоплашсин.

Бу талабдан Асадбекнинг энсаси қотди: «қоплайди, қоплайди», деб дарвоза томон юрди. Ахтам Фиманинг кизчаларга қилган қилиғини айтолмай қолди. «Айтсам, «ўлдириб юбор», деб буйруқ берарди, буйруқ берса-бермаса, нима қилишни ўзим биламан», деган қарорга келиб, ишшайганича Фимага яқинлашди:

– Ваъдам эсимда, сени хўроз гўшти билан сийламоқчи эдим. Лекин, афсуски, кутилмаганда вақт-

лироқ келиб қолдинг. Сенга аталган хўроз ҳали курк товук тагидаги тухум ичида ётибди. Шунинг учун боримизни баҳам кўрамиз, – деб довдираб турган меҳмонни сўрига таклиф қилди. Фима сув устига қурилган сўрига хавотир билан қараб қўйиб, ўрнидан жилмади.

– Фима, меҳмонни тўйдириб, кейин сувга итариб юборадиган маразлар бошқа жойда яшайди, – деди Ахтам унинг хавотирини фаҳмлаб. Кейин чойхоначини чақириб, дастурхон устидагиларни бу сўрига олдирибди. Шундан кейин ҳам Фима ҳатто нонга қўл урмади, чой қуйиб узатилган пиёлани олмади. Тарзан кўрингач, қутилган қувончига етишгандай бир кимирлади.

– Мана, пулинг эсон-омон етиб келди, Фима. Ҳали нима деятувдинг? Қанча кўшишимиз кераклигини ҳисоблагандирсан-а?

Фима айтди. Йигитлар бир-бирлари билан кўз уриштириб олдилар.

– Фима, ҳозир мени бозорга олиб бориб сотсанг ҳам биров шунча пул бермайди. Сўраганингни кўнга тикиб балки бир қўл ташлармиз? – деди Ахтам, но-чорликдан азият чекаётган одам каби иягини қашиган бўлиб.

– Уйнамайман. Мен самолётга улгуришим керак, – деди Фима бир пул ўрамига, бир унга хавотир билан қараб.

– Самолётинг сенсиз учмайди, хотиржам бўл. Биз Бек акамизнинг талабларини ерда қолдира олмаймиз. Ҳозир сени аэропортга кузатамиз.

– Қолган пул-чи?

– Қолган пулни Тарзанникига кириб оламиз. Бунинг отаси бой. Ундан қарз ола турамыз. Ҳозир бориб Бек акамиздан пул сўрасак уят бўлади. Кетдик, Фима, энди пулингни ўзинг кўтар. Чап кўкрагингга босиб олсанг, юрагингга дармон оқиб киради. Шу пулнинг қуввати билан яна юз йил яшайсан.

Тарзан шеригининг бир шумликни ўйлаганини сезди-ю, гап қўшмай, унга сўзсиз эргашди. Фиманинг улар билан бирга юришдан ўзга чораси йўқ эди.

Ахтам: «машинада ўтириб туринглар, мен чойхоначи билан ҳисоб-китоб қилиб қўяй», деб қаҳвахона ичкарасига кирди-да, «Зўр»га қўнгирак қилиб, тезлик билан етиб борадиган жойини тайинлади. Кўчага чиқиб, машинага яқинлашганда орқа ўриндикда ўтирган Алёшкага кўзи тушиб, кадрдонини кўргандай жилмайди:

– Алёшка, азизим! Нега бу ерда ўтирибсан, тушсанг бўларди, бир отамлашардик. Чопқиллаб юриб кетдингми? Қадам ташлашинг қалай, ўрдакка ўхшаб лапангламаяпсанми? Фима билан бирга келганинг яхши бўлибди, буни ёлғиз қўйиш ҳечам мумкинмас.

Алёшка бу гапларни эшитмаётган соқов одам каби безрайиб ўтираверди. Ахтамга унинг бу қилиғи ёқмаган бўлса ҳам, индамади. Ҳайдовчига «сен шу ерда қол, пастга тушиб, дастурхонга қараб тур, биров тегмасин», деб тайинлади. Ҳайдовчи йигит бу топширикни жиддий буйруқ сифатида қабул қилиб, чойхона томон юрди. Ахтам рулда, ёнида Тарзан, орқада Фима билан Алёшка биргалашиб йўлга тушдилар.

Машина шаҳарнинг шимол томонига қараб бурилгач, Тарзан шеригининг максadini англади.

– Тарзан, адангнинг пули кўп, амали ҳам зўр, янги уйни шаҳар марказига қурса ҳам бўларди, – деди Ахтам атайин русча гапириб.

– Бу ёқларнинг ҳавоси тоза, – деди Тарзан.

– Гапинг тўғри, Фима амакингни баҳонада тоза ҳавога тўйдирар экансан-да. Фимани аданг билан таништириб қўй. Иккаларининг ёшлари тенг бўлса керак, бунақаларнинг дунёқараши ҳам бир бўлади, гаплашишса, тез тил топишиб кетишади. Сибирдан ёғоч олиб келиб сотмоқчимиди? Ана, Фима билан келиш-

син. Фима, бунинг отасига кўшилиб, кооператив туз-майсанми?

Ахтам шундай деб пешкўзгу оркали Фимага каради. Атрофга аланг-жаланг боқаётган Фима унга жавоб бермади.

– Фима, кўй энди, хафаликни йиғиштир. Аҳмоқ-лигимизни бўйнимизга олдик. Сен кетганингдан кейин Бек акамиз бизни роса тузлайдилар. Сендан бир илтимосим бор: аэропортга борганимизда Бек акамга кўнғироқ қилиб, «шу аҳмоқларни мен кечирдим, сен ҳам бир сафар кечир», деб кўймасанг, теримизни шилиб, ичига сомон тикади. Бизга раҳминг келмайдими, Фима?

Кўксига босиб ўтирган пул ўрами юрагига далда бердими, хавотирни унутиб, бағрини куйдира бошлаган ғазабини юзага кўполлик билан чиқарганини ўзи ҳам сезмай қолди:

– Сенга шайтоннинг раҳми келсин! – деб юборди-ю, «индамай ўтирганим маъқул эди, валдираса валдиравермайдими» деган фикрда ўзига-ўзи танбех берди. Бир донишманд «айтган сўзим – холам, айтмаганим кулим», деган экан. Фима яшайдиган олам бу каби хикматларни билмайди, уларнинг ҳукми бошқа: «Айтган гапинг учун жавоб бер!» Шу гапни айтса-айтмаса тақдири ўзгармасди. Тинмай валдираётган йигит уни «доносан!» деб мақтаса-да, ўлим чангалидан кутулиб қололмаслигини ҳозир эмас, кейинроқ англади.

Ахтам эса унинг кўполлигини малол олмади, аввалги пичинг аралаш қувноклигини давом эттирди:

– Яхши тилак айтдинг, – деди. Кейин ишонч билан кўшиб кўйди: – Шайтон менга ҳамиша яхшилик қилиб келган. Мен шайтонга опичиб, бахтини топадиган одамман. Келажакда мени жаннат парилари кутиб турибди.

Фима бу гапга жавобан: «Сени дўзах кутиб турибди», – деб тўнғиллагач, Ахтам хахолаб қолди:

– Унда яна ҳам зўр экан: агар нариги дунёда дўзах кутаётган бўлса, бу дунёда мазза қилиб яшаб олишим керак.

Кенг йўлда бораётган машина бир-икки силкингач, Ахтам четга олиб, тўхтади.

– Нима бўлди? – деб сўради Фима.

– Бензин келмаяпти шекилли, хавотирланма, Фима, машина янги, балки карбюраторга бирон нима тикилиб қолгандир. Очиб, бир пуфланса, тойчокдек ирғишлаб, чопиб кетади.

Ахтам шундай деб машинадан тушди. Тарзан ҳам тушмоқчи эди, Алёшка уни елкасидан маҳкам тутди.

– Сен жойингда ўтир, – деб буюрди Фима қатъий оҳангда.

– Асабинг чатоқ-ку? – деди Тарзан кулиб. Сўнг орқага ўтирилди: – Алёшка, кўлингни ол, елкаминг китиғи бор-а...

Ахтам олд копоқни очиб, ниманидир титкилагач, «Тарзан, калитни бура», деб буюрди. Калит буралди, мотор ўт олмади. Ахтам чап томондан юриб орқага ўтди-да, юкхонани очди. Ниманидир қидирди. Кейин бирдан Алёшка ўтирган томонда пайдо бўлиб, эшикни шарт очди-ю, Алёшканинг жағига зарб билан тепди. Бақувват йигитнинг хушидан кетишига шу кутилмаган тепкининг ўзи кифоя қилди.

– Фима, соқчини ўзгартир, демаганмидим, ана, бир қоп ахлатга айланиб қолди, – деди Ахтам эшикни асабий равишда қарсиллатиб ёпиб.

Фиманинг жонида жон қолмади. Кеча Асадбек билан учрашганида анча хотиржам тортган эди. Бирок, Асадбекнинг бугунги қарорига тушунмади. Анҳор бўйида турганида юраги хатарни сезиб бир қалқиган эди. Асадбек тақдирини яна шу йигитларга топширганда бежиз хавотирланмаган экан. «Фирром ўйин бўлди», деб кўнглидан ўтказди. Бу йигитлардан ёмонлик кутган эди, аммо соқчисининг бу қадар латталигига чидай олмади. Нима қилсин, айб ўзида.



Бу йигитлар Барнаулда тузлаб кетишгандан кейин соқчиларининг думларини тугиб юбориши шарт эди. Лекин уларни алмаштиришга фурсати бўлмади. Яхши соқчилар дўконда қоплаб сотилса экан-ки, бориб танлаб олса! Ҳақиқат шуки, танлаш имкони бўлганида ҳам Фима энг арзонини оларди. Жони эмас, пулини азиз кўрувчи одамнинг тақдирига ўзидан бошқа ҳеч ким ачинмайди.

Тарзан тезлик билан орқага ўтди. Бир томони-ни ҳушсиз соқчиси, иккинчи томонини Тарзан эгалламаган тақдирда ҳам Фима қочишга уринмасди. Бу аҳволда қочиб қаерга борарди. Пул дардида бу ёкка келиб хато қилганини англаб, афсусланишдан ўзга чораси йўқ эди унинг. Ахтам эса қопқоқни ёпиб, жойига хотиржам равишда ўтирди-да, калитни буради. Машина, ўзи айтганидай, тойчоқ каби югуриб кетди, бояги силкинишидан асар ҳам қолмади. Машина силкинмасди, бироқ, Фимани сирли кўрқув титрата бошлаган эди.

– «Ўқилон»ни ҳалол деб эшитган эдим, – деди Фима, пул тахламини бағрига янада қаттиқроқ босиб.

Унинг гапи ғалат эди: адолатсиз оламда қандай ҳалолликни талаб қиляпти?

Ахтам адолат, ҳалоллик хусусида фалсафий фикр юритиш фазилатидан маҳрум бўлгани учун ўз оҳангида давом этди:

– «Ўқилон» ҳалол одам, ҳамма бало Мурдада!

– «Мурданг» ким?

– Менман-да, – Ахтам орқага ўгирилиб Фимага қараб олди: – Нима, ўхшамайманми?

– Мени Асадбекнинг олдига олиб бор, энди бошқача гаплашаман.

– Асадбек билан гаплаша олмайсан, у Барнаулга учиб кетди. Сени ўзи тантана билан кутиб олади. Йўлда юрагинг ёрилиб ўлиб қолсанг, тобутга ўз қўли билан қўяди.

Ахтам манзилга етгунича Фиманинг жиғига те-

гадиган телба-тескари гапларни айтиб, бир кулиб, бир сўкиниб борди. «Нима десам экан?» деб ўйлаб турмок, «бу сўзни нимага айтдим?» деб надомат қилгандан яхшироқдир», деган ҳикматдан беҳабар одамдан маънили гап кутишнинг ўзи нодонлик эмасми?

«Зўр» яна икки йигит билан уларни ташландик бино олдида қаршилади. Поймонаси тўлганини сезган Фима «машинадан тушмайман», деб суянчикқа ёпишиб олди. Уни судраб тушириш, хириллаб ётган соқчини эса юкхонага ташлаш «Зўр» билан йигитларга унча малол келмади. Фиманинг қўлини қайираётганда «Зўр»нинг йўтали тутди.

– Яхшилаб йўтал, сенинг микробларинг шу амакинга табаррук, – деди Ахтам. – Сил юқтиргани атай сени излаб келибди.

Бу гапни эшитган заҳоти жон талвасасидаги Фима афтини бужмайтириб, бошини бурди. Ҳадемай ўладиган одамнинг силдан ирганиши Тарзанга кулгили туюлди. Лекин ҳозир кулиб, масхара қилишнинг ўрни ҳам, пайти ҳам эмасди. «Зўр»ни кўргандаёқ гаши келган эди, йўтал бошлангач, ундан узоқлашиш мақсадида ертўла томон шошилди.

Ботаётган қуёш нурлари ертўла дарчасидан тушиб тургани билан, ёритишга ожиз эди. Ғира-ширада Жамолбекнинг юзи ўликники каби оқариб кўринди. Бу ерга банди қилинганидан бери бир бурда нон-у, бир пиёла сув билан тирикчилик қилаётган одамнинг силласи қуриб, қимирлашга мажоли қолмаган эди.

– Чала Бек акажоним, зерикмай ўтирибсизми? – деди Ахтам меҳрибонлик ниқобидаги киноя оҳангида. – Улфатчиликка кўзингиз учиб турган экан, Фима ошнангиз ҳам келдилар.

Фимани судраб келган «Зўр» уни Жамолбек ётган томонга қараб итариб юборди. Кўркув туфайли оёғида жон қолмаган Фима Жамолбекнинг устига йиқилди. Бусиз ҳам азобланиб ўтирган Жамолбек дод деб юборди.

– Ана, жамоа жам бўлди. Энди ҳисоб-китоб қилсак ҳам бўлади. Чала Бек, Худога ишонармишсанми?

– Ишонаман, – деди Жамолбек йиғламсираб.

– Ишонганинг яхши. Мен ҳам ҳозир ишониб қолдим. Агар Худо бўлмаганида сен бу ерда сасиб ўлардинг, ошнанг ўзининг ертўласида каламушларга ем бўларди. Ғалати воқеани эшитувдим: бир фоҳиша сафарга чиққан экан. Денгизнинг ўртасига борганда кема тешилиб чўка бошлабди. Бечора фоҳиша оҳ-воҳ қилиб, «Эй Худо, бузуқларни ёмон кўришингни биламан, битта менинг касримга шунча яхши одам ўлиб кетиши инсофданми?» дебди. Шунда унга: «Ташвишланма, мен бу кемага сенга ўхшаганларни тўплаганман», деган экан. Худога раҳмат деб қўйларинг, ёлғизликда ўлиш ёмон... Барнаулдан қайтиб келганимдан кейин сени қўйиб юбормоқчи эдим. Бир қилиғингни эшитиб, аҳдимдан қайтдим. Фима, мен сени ўлдириш учун атай Барнаулга бормоқчи эдим, ўз оёғинг билан юриб келиб, оворагарчиликдан қутқардинг.

– Худонинг иши шунақа бўлади, – деди Тарзан шеригини қувватлаб. – Худонинг иши шунақа, ургиси келган одамларни тўплаб-тўплаб, биздақаларга рўпара қилади. Худо хоҳламаса, биз бировни чертишдан ҳам кўрқамиз.

– Шу пайтгача одамларни қийнаб роҳатланардим-у, лекин ўлдирмовдим. – деди Ахтам. – Жон суғуриб олишнинг ҳузури қанақа бўлишини билмайман. Тарзан, биттасини танла, сенам мазза қилгин.

– Қиморда ҳар қанақа найранглар бўлади, лекин бунақа ишлар учун ўлдирилмайди, – деди Фима қаддини ростлаб.

– Сенинг қонунинг шунақами? Яхши, қонунингта бўйсунамиз, – деди Тарзан. – Болаларни ким қандай ютқизди, ким қандай ютиб олди – ишимиз йўқ, қимор тўғрисида гаплашиб ҳам ўтирмаймиз. Сенлар ҳайвонликларинг учун ўласанлар.

– Ҳайвонларни хафа қилма, Тарзан. Ҳайвонларни

бунақа хайвонлик қилганини қаерда кўргансан? Сен менинг битта саволимга жавоб бер: одам маймундан пайдо бўлганми ё одамни Худо яратганми? Агар маймундан, десанг, бу иккала маразни кўрган маймунларнинг худосидан балога қоласан. Агар ўзимизнинг Худо яратган десанг, худойингдан сўраб кўр: бу падарлаънатларни яратиши шартмиди? Шу иккаласининг дунёни булғаб юриши шарт бўлса, шайтонни нима қиларди яратиб?

– Бу Чала Бекнинг нима қилганини билмайман, менинг гуноҳим нима? Ҳақимни талаб қилганимми? – деди Фима жонҳолатда.

– Сенинг ҳеч кимда ҳақинг йўқ, – деди Тарзан. – Аммо болаларнинг сенда ҳақи бор. Айниқса... қизчаларнинг...

– Уйингда қизчаларнинг жавдирашига қараб кўр-қишаётганини сезишга сездим-у, бу аҳмоқ каллам чуқурроқ ўйлаб кўрмабди.

Жамолбек ҳам, Фима ҳам сирлари фош бўлганини билиб, бу гуноҳ учун ўлимлари муқаррар эканини англаб, кўрқув даҳшати исқанжасида бир неча нафас жим қолишди. Хукми индамай эшитиб, мутелик билан ўлиб кетишни иккови ҳам истамас эди. Жамолбек эътироз билдиришга, ўзини оклашга куч топа олмади. «Чикмаган жондан умид», деганларидай, Фима титроқ овозда ўзини окламоқчи бўлди:

– Сен тухмат қиляпсан... аввал исботла... Болаларнинг гапига ишониб, мени ўлдирмоқчимисан?

Унинг бу гапи чўкаётган одамнинг жон сақлаш умидида хасга тирмашишини эслатарди.

– Мен исбот қилиб ўтирмайман, – деди Ахтам. – Кўмирни оқ, сутни қора десам, исбот талаб қилсанг ярашарди. Қизчаларни олиб ётганинда бу роҳатларинг бурнингдан қонли булоқ бўлиб отилиб чиқишини ўйламагандинг, а?

Агар Фима болаларни оч қолдириб, ё бошқача қийнаб ўлдириб юборганида Ахтам тишини тишига

кўйиб, бу аблахларнинг қорнини чавақлаб ташлашдан эҳтимол ўзини тия олган бўларди. Лекин етимликнинг турфа хорликларини кўриб ўсган бу одам етим қизларнинг, гарчи улар бегона бўлсалар-да, хорланишларини кечириши мумкин эмасди. Дунё қонунлари адолатли кўрингани билан жабрланувчи учун аксинча туюлади. Гўдакларга тегиниш дунёвий қонун билан ҳам жазоланади – жиноят кўламига қараб неча йилдир қамоққа ҳукм қилинади. Лекин бу ҳукм жабрдийдаларнинг қалб яраларига малҳам бўлиб даволай олмайди-ку? Ахтам ўғрилар оламига кириб, ҳали ўз ўрнини топмаган, етарли обрўга эришмаган эди. Юқори мартабанинг «козирили ффраер» деб аталувчи дастлабки боскичидан ўтган эди, холос. Шундай бўлса-да, ўғрилар қонунига сўзсиз амал қилишни ҳам одат қилганди. Ўғрилар оламининг мутлақ қонунига кўра, ҳатто балоғат ёшидан ўтган қизларни зўрлаш ҳам жиноят ҳисобланиб, оғир жазога муносиб кўриларди. Ахтамнинг муросасиз қарорга келишига иккинчи сабаб айнан шу эди.

Тарзанга хорланган етимларнинг аччиқ қисмати бегона бўлса-да, ўғрилар қонунига амал қилмаса-да, унинг ҳукми ҳам шеригиники каби муросасиз, дунёвий маҳкамада жаранглагандай, «ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ» эди!

– Сен болаларнинг гапини тўғри тушунмабсан. Бир-икки марта чироқ ўчиб қолиб, қизчалар қоронғида кўрқишганда хонамга олиб кирган эдим. Экспертиза қилдириб кўр, уларга тегмаганман. Қизларимни ўзимни боламдай авайлаганман, – деди Фима, кейин йиғламсираб кўшиб кўйди: – донишмандлар «ҳеч қандай яхшилик жазосиз қолмайди», деб тўғри айтишган экан.

– Тушингни сувга айт, Фима! Мен экспертиза қилдирадиган аҳмоқ эмасман. Қизчаларнинг кўрқиб жавдираб қарашларининг ўзи мингта экспертизанинг

ўрнини босади. «Боламдай авайлаганман», дедингми? Қайси болангни айтяпсан? Пуштингда куйиб, туғилмаган болангними?

– Агар пулдан воз кечсам ишонасанми?

– Қани пул?

– Пул... машинангда қолди.

– Менинг машинамдами?

– Ҳа...

– Менинг машинамда бўлса, демак, пул меники экан, воз кечишинг шарт эмас. Келишмоқчи бўлсанг, костюмингни еч.

– Нега?

– Нега бўларди? Гуноҳингни шу костюмингга сотмоқчиман.

– Мени масхара қилмоқчимисан?

– Бир оёғинг гўрнинг ичида турибди-ку, сени масхара қиладиган жинниманми мен? Еч дегандан кейин индамай ечаверсанг-чи, галварс! Ё манави сил ачомлаб-ачомлаб ечинтирсинми?

Бу гапдан кейин Фима титраб-қақшаб, пиджагини ечиб Ахтамга узатди.

– Хужжатларинг, калитларинг шу чўнтакдами? – деб сўради Ахтам пиджакни олмай.

– Қанақа хужжат, қанақа калит?

– Паспортни айтяпман. Уйингнинг калитини ташлаб келмагандирсан?

Бир тийин устида юз юмалайдиган одам уй калитини энг яқин одамига ҳам ишониши мумкин эмасди. Бирон дарахтнинг тагига кўмиб яшириши ҳам эҳтимолдан узоқ эди.

– Чўнтагимда, – деди Фима иложсиз бир ўкинч билан.

– Олиб кўрсат, – деб буюрди Ахтам.

Фима титроқ бармоқлари билан аввал паспортни, кейин калитни олиб кўрсатди.

– Темир сандиқнинг калитини қаерга яширгансан?

– Қанақа темир сандиқ?

– Остап Бендер деган қариндошинг айтган-ку, эсингдами: «пул сақланадиган сандиқ».

– Менда сандиқ ҳам, пул ҳам йўқ. Сенлар келмасларингдан олдин Туладаги ўйинда катта тушган эдим. Уйим ҳам гаровда.

– Уйинг гаровда бўлса, ўлсанг, у ерда ўлигингга ҳам жой беришмайди. Шунинг учун шу ерда ўла қол, янги костюм кийдириб кўмдираман.

Ахтам шундай деб чўнтагидан рўмолча чиқарди-да, Фима узатиб турган пиджакни рўмолчаси билан ушлаб, «Зўр»га узатди. Бу эҳтиёткорлиги сабабини англаган «Зўр» ҳам пиджакка бармоғини тегизмай, рўмолча билан ушлади.

– Шимни ҳам еч, Фима. Ювилиб, дазмол қилинавериш шимингнинг жонида жон қолмабди.

Фима янада титраб-қақшаб буйрукни бажарди. Бу сафар ҳам Ахтам шимга кўлини узатмади, имлаб қўйган эди, «Зўр» аввалгидай эҳтиёткорлик билан олди.

– Чала Бек, сен нега қурбакага ўхшаб бақрайиб ўтирибсан, тур ўрнингдан, ечин! – деди Ахтам.

– Мен нима гуноҳ қилдим?

– Ҳалиям тушунмадингми? Ё сенам ошнангга ўхшаб қизчаларни болангдай кўрганмисан?

– Мен бола-чақали одамман, Худодан кўрқаман...

– Бола-чақалисан, лекин одам эмассан. Худодан ҳам кўрқмайсан. Болаларни савдога қўйиб, бу мараз билан талашаётганингда «қизчалар шикалатдай-а!» деб нархини оширмаганмисан? Татиб кўрмаган бўлсанг, «шикалатдай»лигини гўрдан билармидинг?

Ахтам тахминан айтган бу гап кўзни юмиб отилган ўкнинг аниқ нишонга етиб бориши каби бўлди. «Буларга ҳаммаси маълум экан-да», деган фикр ҳаёлини ёритиб ўтиб, талвасага тушганича тавба қила кетди. Яқингинада «Худого ишонаман» деган одамнинг тавбаси Раҳмон ва Роҳийм сифатли Раббисига қаратилмаган, балки умиди ўзи каби зулмкордан эди.

Ахтам йигитларга имлаб қўйган эди, улар икки тепки ва уч мушт ёрдамида нола чекаётган бадбахтни онадан туғилгандай ҳолатга келтириб қўйдилар. Кейингал Фимага келди.

Ахтамнинг амрига кўра, икковини орқама-орқатиз чўктириб, тизимча билан аввал қўлларини, сўнг бўйниларини боғлаб қапиштирдилар. Кейин эса худди итни боғлагандай, занглаган қувурга боғлаб қўйдилар.

– Энди бу ёғи гардкам! – деди Ахтам ошиқ тепувчиларнинг лафзида. – Худога ишонсаларинг, гуноҳларинг бўлмаса, ўлмайсанлар. Уч кунда ўлмасаларинг қўйиб юбораман. Худо ўлдирмаса, мен ҳам ўлдирмайман.

Буларнинг иккови ҳам аҳмоқ эмас, марҳаматнинг охири барибир ўлим эканига, бу аҳволда уч кун эмас, уч соат ҳам чидаш мумкинмаслигига ақллари етиб турса-да, энди ялинмадилар. Қувватлари етмайди-ган куч қаршисида чорасизлик захрини ичишдан ўзга чоралари йўқ эди уларнинг. Кўзлари очиқ бўлса-да, ғафлат уйқусига берилган нодоннинг қалб фарёди билан уйғонишидан энди фойда бўлармикин? Ҳаётнинг лаззатини қимор ўйинидан қидириб яшаган Жамолбекка ҳам, Фимага ҳам «Одам қачон ютқизади?» деган савол берилса, «омад кетганда» ёки «лаллайиб анқайса», деб жавоб қайтаришлари аниқ. Ҳолбуки, бу саволнинг жавоби ўзгача: агар ҳаётни қиморга ўхшатиш мумкин бўлса, бу ўйиндаги асосий ютқизик – ўлим. Ҳамма ўладими, демак, ҳамма ютқизикда! Аммо бу икки нодонга ютқизикдан кутулиб қолишнинг йўллари бордай туюлади. Ҳозир уларга азоб бераётган бу мағрур йигитларни ҳам шу ютқизик кутиб тургани хаёлларига келмайди. Озод инсон ўлаётганида ҳаёт қувончини йўкотади. Қул эса аламу дард ва азобларини... Булар озод эмасдилар, демак, йўқотишлари мумкин бўлган ҳаёт қувончлари йўқ эди. Улар зулмнинг қули эдилар, ўлиб, аламу дардлардан қутулардилар. Лекин уларнинг заиф онглари аксинча ўйларди: корин тўқлиги,



маишатлар уларга ҳаёт қувончи бўлиб туюларди. Озод эмас, зулм кули эканини ўйлаб ҳам кўрмаган одам шу маишатли ҳаётдан ажраётганидан афсусланади, холос. Кечагина зулм саройида керилиб юрган бу икки гуноҳкор банда умид кулбаси ёниб кул бўлган икки ғариб сингари андух туфроғига қорилиб қолавердилар.

Нимқоронғи ертўлага жам бўлган маҳкумлар ҳам, ҳукм чиқаргувчилар ҳам ўзларини «озод инсон», деб янглишардилар. Қамокда ўтирмаслик, истаган пайтда еб-ичишлари, истаган пайтда маишат қилишлари, истаган одамани тепиб-янчишлари уларнинг назарларида озодлик эди. «Озодлик»нинг маъноси ўзгача эканини эса сира ўйлаб кўришмаган. Инсон учун энг улуг дунёвий неъмат — унинг озод ва ҳурлиги экан, демак, озод инсоннинг бахтсиз бўлмоғи мумкин эмас. Агар инсон «бахтсизман», деб қайғу-ҳасратда ёнаятими, демак, у озод эмас экан. У шубҳасиз ким ёки нима томонидан эзилган кимсадир.

Агар озодлик неъмат экан, озод инсон аблаҳ бўла олмайди. Агар бир одам бошқалар олдида паст кетаётган ёки хушомад қилаётган бўлса, демак, у озод эмас экан. Қамокдан ташқарида юрган бўлса ҳам, у бир қулдир. У бўйинини қуллик сиртмоғига тутиб, бунинг эвазига бир товоқ овқат ёки бирон мансаб, ёки шунга ўхшаш бир нима ундирмоқ истайди. Ким озроқ манфаатга эришибди, демак, озроқ хушомад қилибди. Зўрроқ хушомад билан эса каттароқ бойликка эришилади.

Озод одам ҳеч бир тўсиқсиз эғалик қилиш мумкин бўлган нарсага эгадир. Ҳеч бир тўсиқсиз нимага эғалик қилиш мумкин? Фақат Ўз-ЎЗИГА! Агар одам ўз-ўзига эғалик қилмай, бошқаларга ҳам ҳукм ўтказмоққа жазм этар экан, демак, у озод эмасдир. У бошқаларга ҳоқимлик қилишни истадимми, демак, у ўз истаги — нафси кули экан!

Нафс инсонни ёмон нарсаларга буюради. Ин-

сон унга кулоқ солдими, тамом, нафс кулига айланади. Ҳақнинг кули эмас, нафсининг кули бўлади. Нимқоронғи ертўлада жамулжам бўлган нафс куларининг бир томони ўзларини адолатсизлик қурбонлари, иккинчи томони эса адолат соҳиблари деб билардилар. Бугунми ё эртагами, Асадбек бу воқеадан хабар топиб, ғазабланса-ю, чора кўрса, ҳозир ғолиблик нашидасини сураётганлар жазо оннда ўзларини адолатсизлик қурбонлари сафига қўядилар. «У Уни ўлдирди, Сен Уни ўлдирдинг, Сени Мен ўлдирдим, Мени ким ўлдирар экан?» дейилгувчи ҳақиқат ҳам адолатмикин?

Ким билади, эҳтимол улар Қиёмат куни бир-бирларига рўпара келиб, даъволашарлар. Солиҳ бандалар савобларининг ҳисобидан чиройли мукофотга эга чиқиб, қувонаётган лаҳзаларда булар «кимнинг гуноҳи оғирроқ», деб тарозу талашаётган бўлармикинлар, валлоҳи аълам! Шуниси ҳақиқатга яқинроқ. Чунки бундайлар дунёвий маҳкамага тортилгудай бўлсалар, жазодан қутулиб қолиш, ёки енгилроқ ҳукмга эришиш мақсадида шериклари устидан мағзава ағдараверадилар. Фоний дунё маҳкамасини чалғитишлари мумкиндир, лекин боқий дунёда...

«Ал-маъмуру маъзурун» – буюрилган одам узрлидир, дейилганидай, Тарзан ҳам Ахтам бу онда ўзларини узрлилар қаторида кўрардилар. «Зулм денги зидаги тешиқ қайиққа ўтирган одамнинг қисмати не бўлар? Ҳар қанча эшқак эшмасин, фарқ бўлғусидир... Ўзинглар ҳам шундай қайиқда ўтирибсизлар», дегувчи ақл эгасига учрасалар, бу ҳақиқатни тан олар эдиларми?

Йигитлардан бири кийимларни йиғиштириб олгач, Ахтам шарт ўтирилиб, ташқарига чикди-да, тўхтади. Изидан келаётган шу йигитга буюрди:

– Сен шу ерда қоласан. Булар-ку қочмайди, лекин атрофга сергак бўлиб тур. Битта-яримта овсар додираб келиб қолмасин. Бақириб жонингга тегишса,

пайпоқларини ечиб, оғзига тикиб қўй. Эрталабга, нари борса, пешингача етар. Ўлганидан кейин ишингни килавер, – шундай деб Тарзанга қаради: – Каламушларга кўзинг тушмадими? Олдингги сафар каламушга ем қилмоқчи эдинг. Ҳеч бўлмаса, ўлигини ейдиган қилгин. Милиса ис олса, суяқларини томоша қилиб ўтираверади.

– Кислота қуйиб қуйдириб юборсак-чи?

– Милисани текин томошадан бебахра қолдиранми? Майли, билганингни қил. Гўрсўхтага нимани тайёрлаб қўйдинг?

– Буни ўзинг пишитиб қўйгандирсан?

– Бек акам Барнаулга иззат-икром билан кузатиб қўйларинг дедиларми, бажармасак, йиғламоқдан бери бўлиб ранжийдиларми? Кеча келиб, бугун башараларига тик қараб, сан-манга борсак, ғирт аҳмоқ бўламиз. Фиманинг ўзи бу ерда қолса ҳам, костюми иззат-икром билан уйига етиб боради.

– Алёшканг олиб борадими?

– Барнаулдан икки киши келган. Икки киши қайтиши керак. Биттаси Алёшкалигини билдинг.

– Мени бу ишга рўпара қилма, – деди Тарзан кескин оҳангда.

– Хафа бўлмагин-у, братишка, сен бунақа ишни эплай олмайсан. Буни «Зўр» қотиради. Эшитяпсанми, – энди «Зўр»га қаради: – Костюмни ғижимламай кўтар. Ҳозир Фиманинг ўрнига сен Алёшка билан жўнайсан. Уйининг эшигини калит билан очасан. Кўйлак-костюмини, туфлисини чиройли қилиб қўясан. Худди ўзи келиб, ечингандай бўлсин.

– Алёшкангчи?

– Алёшка бир қоп хамир. Бунақа кўрқоқларнинг иши осон: яхшилаб ишлов берсанг, сўраганларга хўжайини билан қайтиб келганини айтади. Бизга шу гувоҳлиги керак.

– Унга ишонма, – деди «Зўр».

– Бу ёғини хом ўйлабсан, – деди Тарзан пешона-

сини тириштириб. – Сен бу ерда «ишлов» берсанг, у ёқда терисини шилиб олиб ишлов берадиганлар ҳам бордир. Бир черткига чидамай, «гуллаб» кўяди.

– Гулласа-гуллар... Қўркма, унгача иш пишган бўлади.

– Агар у «гулласа», ўша куниеқ Бек акамизга хабар етиб келади. Хабарнинг ўзи бўлса майли-я...

– Хўп, нима дейсан? Фимадан кечирим сўраб, кўйиб юборайми?

– Бугун бўлмаса эртага Бек акамизга буларнинг қилиғини айтсак, ўзбошимчалигимиз учун номига бир-икки сўкиб кўйиб, кейин «ўлдириб тўғри қилибсанлар», дейишлари аниқ. Лекин у томондан хабар келса, кечиришлари қийин.

– Мени кўрқитма.

– Гап кўркишда эмас. У ёқда Фимани тириклигида сарик чақага олишмаса ҳам, ўлдирилганини билишса, даъволари катта бўлади.

– Ҳе, даъвосига урай уларни!

Ахтам шундай деб аралашига бўралаб сўкина кетди. Унинг баъзи қилиқлари, хусусан, шафқатсизлиги, кескинлиги, шарттакилиги Кесакполвонга ўхшарди, лекин оқибатни салафига нисбатан камроқ ўйларди. Тарзан унинг режаси саёзлигини билиб тургани учун ҳам йўлдан қайтармоқчи бўлаётганди. Ахтам сўкиниб бўлгач, ўз режасини баён қилди:

– Фима билан Алёшканинг паспортига иккита билет олиб «Зўр»нинг билан бирга манавилардан биттасини юборамиз. Эшикни калит билан очиб киришади. Кейин уйни ағдар-тўнтар қилиб пулини кидиришади. Қанча топишса – ҳаммаси ўзларига. Барнаулдан тўғри Қора денгизга учиб, бир ҳафта дам олиб келишади. Ҳаммаси оппа-осон ҳал қилинади: Фима уйига эсон-омон етиб келган-у, кейин кимдир бостириб кириб, тинчйтиб кетган. Из қолдирмасаларинг бас. Ҳа, ҳозир пастга тушиб, бурнини қонатларинг-да, рўмолчасига теккизиб олларинг. Уйига борганларинг-

да ташлаб кўясанлар. Милиса қизикадими, шериклари кидирадими – бошларини қотираверсин. Мужими – биз буларни иззат-икром билан кузатиб қўйганмиз.

– Хўп, мени кўндирдинг ҳисоб. Уларни кузатиб қўйганимизга аэропортдаги сержант бола гувоҳ бўлади. «Зўр»ни самолётгача олиб чиқиб қўяди.

Тарзан эътироз билдирди:

– Сержантинг буни эпложмайди, юраги йўқ бир кўрқоқ, сўтак у.

– Юраги бўлмаса чўнтаги бордир? – деган гап билан Ахтам уни қайириб ташлади. – Одамга юрак эмас, чўнтак керак! Чўнтагини тўлдириб қўйгин, Барнаулга опичиб олиб боради. Бўпти, буларни мен кузатаман. Сен гўрсўхтани гумдон қилиб, ўрис мозорга кўмдириб қўй.

– Мозордан жой кидириб юрамизми? Ахлатхонадаги дайди итларга раҳминг келмайдими?

– Ўзинг биласан... пулни нима қиламиз? Йўқотиш керак, хосияти йўққа ўхшайди, бизларни ҳам гўрга тикмасайди...

Тарзан унга қараб, «ҳа, мард йигит, ўлимдан кўрқмас эдинг-ку?» деган киноя билан узиб олмоқчи эди-ю, лекин тилини тия қолди.

– Пул болаларнинг ҳақиға ўхшайди, ўшаларга бериш керак, – деди Ахтам, аниқ тўхтамакча келиб.

– Камбағал бўлса ҳам онасининг димоғи баланд эди, эсингдами? Нима деб берасан? Бир сўмингни ҳам олмаса керак?

– Ҳа, мен шунақа аҳмоқман, «Фимани ўлдириб, пулни ундириб олдим», деб бераман-да, а?

– Жириллайверма. Таклифинг яхши. Балки... Шоди шилтанинг хотини эсингдами? Ўшани ишга соламиз.

– Нега?

– Болаларнинг онаси Шоди шилтанинг номини биларди. Унинг хотинини балки танир ёки отини эшитгандир. Пулни шу хотин олиб бориб беради: «эрингиз ютган пулини бизникига яшириб қўйган экан», дейди.

– Хўп, у аҳмоқ хотин шодлигидан чапак чалиб пулни олади, «шунча пули бўла туриб эрим нега болаларни тикиб ютқизди?» деб ўйламайди, а?

– Ўйлайди, – деб хатосини тан олди Тарзан, лекин бўш келмай, давом этди: – «Эрим насиёга ўйнаб, сизнинг эрингизга ютқизган экан, ўлимларидан олдин «тўлаб қўйларинг, қимордаги карзи тўланмаса гўрда қийналаркан одам», деб васият қилганлар», деса ишонди.

Ахтам бир оз ўйланиб турди-да, қўл силтади:

– Нима қилсанг, ўзинг биласан, менинг бунақа майда-чуйда ишларга тоқатим йўқ. Эртага Жамшид акага учрашиб, бир кунга жавоб оламиз. Мен ойимнинг қишлоғига бориб келаман, сен Шилтанинг хотинига учрашасан.

– Ойингнинг қишлоғида нима қиласан?

– Красноярга нима учун бордим? Ойимни олиб келишим керак-ку? Қишлоққа бориб, хилхоналарини аниқлайман, бувам билан тоға-ю холаларимни яна бир марта тузлайман. Аввал борганимда «сенлар тўйларинг», деб пул ташлаб келган эдим. Ўйлаб қарасам, бу ишим уларнинг аҳмоқ каллаларига таъсир этмаганга ўхшади. Борай-чи, энди қанақа кутиб олишаркин? Одамга ўхшаб кутиб олиб, ойимни кўмдиришса, индамайман, яна «оқ қилганман-кўк қилганман», деб турса, шўрини қуритаман, аяб ўтирмайман. – Ахтам шундай деб бир оз тин олди-да, кейин кутилмаганда сўради: – Айтмоқчи, аданг яхши-микин, кеч бўлса ҳам ҳозир бориб хабар олиб қўй. Агар мени таниганида бирга борардим, танимаганим учун «салом айтиб қўй», деб ҳам қўёлмайман. Майли, ёмон бўлса ҳам отанг бор, бахтингга тузалиб кетсин.

Кейинги гаплар Тарзани ажаблантирди-ю, лекин «нега бирдан адамни эслаб қолдинг?» деб сўрамади.

Сахрода адашиб, очлик ва ташналик балосига гирифтор одамнинг бахти бир култумга боғлиқ бўлиб қолганидай, Ахтамнинг ҳаёт қувончини қасос онлари бериши керак эди. Қалби темир сингари занглаб кетганмиди, орзу қилган ҳузурни ҳис қилмади. Отасининг шўрини куритиши, икки аблаҳни ўлим чоҳига ташлаб чиқиши сахро ташналигини қондирмади. Уни кейинги ҳафталар ичи пул ёки шуҳрат қизиқтирмай қўйган, ўз ҳаёлларининг қаландарига айланиб, сарсари кезади.

Тарзан билан хайрлашгач, анҳор бўйига келди. Чойхоначи «меҳмонлар қайтишармикин?» деган гумонда дастурхонни йиғиштирмаган эди. Ахтамнинг томоғидан таом ўтмади, бир шиша пивони очишга очди-ю, ярмини ичиш билан кифояланди. Чойхоначини чақириб, сув устидаги сўрига кўрпа тўшаб беришни буюрди.

– Шийпонда ёта қолинг, ҳаво айниб турибди, – деди чойхоначи булутли осмонга хавотир билан қараб олиб.

– Мабодо тош ёғиб қолса, уйғотарсан, – деди Ахтам пичинг билан.

У Асадбек даражасига етмаган бўлса ҳам «нега?» деган савол ўрнига «хўп»ни яхши кўрарди. Ўзини доно ҳисобламаса-да, ўзгаларнинг ақл ўргатишларини ёқтирмасди. Чойхоначи унинг одатини била туриб меҳрибонлик қилганидан афсусланганича амрни бажарди. Ўринни қалин қилиб тўшаб, дастурхонни йиғиштиргач, «яна бирон нарсани истаб қолармикин?» деган гумонда сўридан узоқлашмади. Ахтам кийимини ечмаёқ ўрин устига чўзилди. Ёстикни нари суриб, қўлларини болиш қилганича, булут парчаларининг фитнаси туфайли тилкаланган осмонга тикилди: осмонни тилка-тилка қилишга азм этган яшинни зулмат дарҳол ютди-ю, дардли гулдирак билан замин-

ни титратди. Сўнг осмон йиғиси бошланди. Юзини ёмғир томчилари савалашди аввалига Ахтамга хуш ёқди. Кейин кўзларини чирт юмиб олди. Шийпонда жон сақлаётган чойхоначи жалада шалаббо бўлиб ётган Ахтамга яқинлашишни ҳам, шу ердан кузатиб тураверишни ҳам билмай иккиланди.

Ёмғир унга болалар уйини эслатди...

Аниқ ёдида – мактаб ёшига етган йили бир марҳаматли одам болалар уйига аллақанча ўйинчоқлар совға қилди. Совғалар орасидаги велосипедни Ахтамга берди. Ҳатто «қоравой бу ерга қайдан келиб қолди?» деб бошини силаб, эркалаб ҳам қўйди. Шу пайтгача унга ҳеч ким, ҳеч нима совға қилмаган эди. Етимхонада ҳамма нарса ўртада, шахсий ўйинчоқ йўқлигини билса ҳам Ахтам бу велосипедни ўз ўзиники сифатида қабул қилиб суюниб кетди. Аммо қувончи узокқа чўзилмади. Ёши каттароқ бола велосипедни тортиб олиб, минди. Ахтам елкасига мушт урилганда индамади-ю, боланинг қувнаб, шодон қийкириб велосипед учишига чидай олмади. Бола ундан велосипедни эмас, ягона шодлигини тортиб олган эди. Ҳеч қандай ҳуқуқи бўлмаган заиф етимнинг кўлидан нима келарди? Кўпчилик йиғлаб-йиғлаб овунади.

Бу бола йиғласа ким овутади?

Ахтам ёши улғайгани сайин йиғини унутиб бораётган эди. Чорасизлиги туфайли йиғлаш ўрнига унда ўзини ҳимоя қилиш, ўз ҳақини талаб этиш ҳисси уйғона бошлаганди. Бу ҳис жажжи қалбига қасос чўғини ташлади – велосипедли бола яқинлашганда рулни итариб юборди. Бола бошқарув мувозанатини йўқотиб йиқилди, ёшига ярашмаган ҳолда ариллаб йиғлай кетди.

Ахтам тортиб олинган шодлиги учун кичкина зулмкорни жазолаб, кўнгли роҳатланди – бу унинг биринчи қасоси эди. Бироқ, кўнгил роҳати узокқа бормади, тарбиячи унинг ўзини жазолади. Аввал бетлари-



га урди, кейин ечинтириб, битта иштончада ҳовлига олиб чиқиб қўйди. Кеч кириб қолганди. Шимол кузи аёзли нафаси билан дов-дарахтларни ҳам дилдиратиб қўйган чокда иштончан бола титрай-титрай атрофга нажот билан боқар, аммо дод солиб ёрдамга чақирмас эди. Ёмғир ёға бошлади. Музтоғларни ошиб келган булут тўкаётган совуқ томчилар болани қақшатиб юборди. У ёруғ тушиб турган деразаларга нажот билан боқди. Қайси бир куни ўртоғини тарбиячи хотин ураётганида муштчалари билан ташланиб, уни ҳимоя қилган эди. Ҳозир ўша ўртоғининг бу ёққа чиқмаса ҳам, деразадан қараб қўйишини илинж билан кутди. Қараб қўймагач, алам қилганидан йиғлаб юборди.

Нажот бор эди, ҳамма болалар «Флюра ойи» деб эркаланадиган энага югуриб чиқиб, болани рўмолига ўраб кўтариб олди. «Йиғлама, қора кўз, йиғлама», деб овутди. Бола бир ҳафта иситмалади-ю, кейин тузалиб кетди. Лекин қалб яраси тузалмади.

Ҳозир илиқ томчилар савалаётган дамда ўша яра кўзгаб, руҳини азоблади. Харсангтош остида қолиб эзилгандай вужуди зириллади. Қаддини кўтариб, шийпонда турган чойхоначига кўзи тушди-да, «Ароқ олиб кел!» деб буюрди. Чойхоначи Ахтамнинг тушкун кайфиятини сезиб, «яна тортиб қолар», деган ўйда турфа ичкиликларни стол устига қўйиб, устини дастурхон билан ёпиб қўйган эди. Буйрукни эшитиб, ўша заҳоти қўлига шишани олди-ю, ёмғир остида бўкиб турган хожасига олиб боришни ҳам, уни бу ёққа чақиришни ҳам билмай, иккиланганича туриб қолди.

– Ҳой, анков! Эшитмадингми? – деб бақирди Ахтам. Ҳозир чойхоначи кўзига деразадан қараб ҳам қўймаган бевафо ўртоғи бўлиб кўринди. Агар чойхоначи яна бир нафас имиллаганида эшитадиганини эшитарди. Бир қўлига сочиқ билан пиёлани, иккинчисига ароқни олиб, югурди. Сочикни Ахтамнинг елкасига ташлаб, шишанинг қопқоғини очди. Пиёлага куймоқчи эди, Ахтам шишани тортиб олиб, кўтарди.

Унинг бунақа қилиғини аввал кўрмаган чойхоначи анграйиб тураверди. Учинчи култумдан кейин Ахтам қалқиб кетди. Бир-икки йўталгач, шишани кўтариб, бошидан кўйди.

– Шийпонга ўтинг, сочикни арокқа хўллаб, баданингизни артиб кўяман, – деди чойхоначи меҳрибонлик билан. Бу оҳанг энди Ахтамга меҳрибон энагани эслатди.

– Артиб нима қиласан? – деди шаштидан сал тушиб.

– Шамоллашнинг олди олинади-да...

– Мен шамолламайман. Сибирнинг совуғини еб пишиб кетганман.

– Шийпонга юра қолинг...

Бирпасда шалаббо бўлиб, титрай бошлаган чойхоначига қараб Ахтам кулди-да, арокни узатди:

– Сен ипакдай нозик одамсан, ичвор, яна эртага бурнингни оқизиб, пиқиллаб юрма. Ё баданингни артиб кўяйми?

Чойхоначи «йўғ-е, йўғ-е», деганича шишани олди-ю, аммо ичмади. Беихтиёр равишда ўрин-кўрпага қараб кўйди. Буни сезган Ахтам унинг елкасига энгил мушт уриб кўйди:

– Жудаям паст одамсан-да! Менга ачиняпсан, десам, дардинг кўрпаларингда экан. Дунё ўзи шунақа – одам эмас, шу исқирт кўрпа азиз.

– Унақа деманг, кўрпа топиладиган матох, одамдан азизроғи борми? – деб ўзини оклади чойхоначи.

Ахтам ҳафсаласи пир бўлган киши кўринишида қўл силтаб кўйди-да, шийпон томон юрди, панага ўтиб яна икки култум ичди.

– Ичкарига кириб... кийимларингизни қуритиб олинг.

– Кийимними?.. Уйга боргунимча ўзи қуриб қолади. Бу ерда ўтирганимни ҳозир биров кўрса, «жинни бўлиб қолибди», деб ўйлайди. Жиннилигимни уйимга бориб қила қолай.

Ахтам шундай деб юқорига қараб юрди.

У бир кампирникида ижарада турарди. Икки-уч хонали уй сотиб олишга пули етса-да, бунга ҳаракат ҳам қилмасди. Тарзаннинг «уй ол», деган гапларига қўл силтаб қўя қоларди. Уйланишни ҳатто ўйламаса, атрофида ота-онаси, ака-сингиллари бўлмаса, уйни нима қилади? Ижарачи кампир «шартнома тузайлик, ўлгунимча қарайсан, ўлигимни кўмганингдан кейин шу уй сенга қолади», деганида ҳам «уйингиз ўзингизга сийлов, ўлсангиз энг чиройли тобутга солиб кўмдираман, худди маликалардай мазза қилиб ётасиз», деб ҳазиллашган эди.

Кийими шалаббо бўлиб кетган Ахтамни кутиб олган кампир шошиб қолди. Унинг кўзларидаги маъюсликни кўриб хавотирга ҳам тушди, лекин сабабини сўрамади. Ахтамнинг хонасига кириб жавонни очди-да, кийимларни олиб қаравот устига қўйди, кейин ҳаммомдан катта сочиқни олиб чиқди.

– Тез бўлакол, – деди шошириб. – баданингни ароқда артиб ташлайми?

– Баданимни ичидан артганман, – деди Ахтам кулимсираб.

– Нимадандир хафага ўхшайсан. Ритани чакирайми?

Кампир эрдан чиққан набирасини Ахтамга таништириб, «ёкса уйлан, истасанг ўйнаш қилиб ол», деб очикчасига таклиф қилган эди. Рита бир-икки марта тунаб қолганидан кейин кампирда умид уйғона бошлаган, ҳозир Ахтамнинг тушқунлигидан фойдаланиб қолмоқчи эди. Ахтам «керакмас», дегандай бош чайқади.

– Унда кўнглинг нима истаяпти, айт, ёш йигитга сиқилиб юриш ярашмайди.

– Кўнглим нима истагини ўзим ҳам билмайман, – деди Ахтам ўйчанлик билан. Кейин хаёлини йиғиштириб олиб, жилмайди: – Йўқ, биламан,

кўнглим юмшоқ ўринда ётиб, мазза қилиб ухлашни истаяпти...

– Ёшлар аклини еб қўйган, маза нимада эканини ҳам билишмайди.

Кампир шундай деб минғирлаганича хонасига чиқиб кетди. Ахтам ҳўл кийимларини ечиб, стул суянчиғига ташлади-да, ўрнига ётди. Салкин таъсир қилиб, чойшабга ўраниб олди. Ичган озгина ароғи ёмғирнинг заҳрини кеса олмади, эти жунжикавергач, кўрпа орасига кирди. Кўрпада исиб кетиб, юраги беҳаловат ура бошлади... Тунни шу аҳволда, бесаранжом ўтказди. Кампир уйғонмай туриб, уйдан чиқди. Кеча Тарзанга «онамнинг қишлоғига бораман», деганда аҳди қатъий эмасди. Онасининг жасадини олиб келиб кўмиш учун, мозорини бориб кўриши шарт эди. Қишлоққа борганида «бобо», «тоға» аталмиш кимсаларни кўришни эса бир хоҳлаб, бир истамаётган эди. Хоҳлашининг сабаби – аввал учрашганида, гарчи илон каби уларни чакқиси келса-да, онаси арвоҳининг ҳурматини қилиб, ўзини тийган эди. Фақат кўзойнакли илон сингари лабини шишириб, тилини ўйнатиб қўя қолган, «шунинг ўзи уларни талвасага солади», деб ўйловди. Адашганини кейинроқ фаҳмлади-ю, «аламдан чиқадиган вақт ҳам келиб қолар», деган умидда мақсадини амалга оширишни галга солди. «Ота» аталмиш Дониёрнинг адабини бергач, навбат қишлоққа етди, деган тўхтамга келди. Бу сафар қариндошларига етарлича заҳрини сочгандан сўнг, жасадни олиб келиб хилхонага қўйгач, мўлжалидаги юмушларнинг якунига етишига, тушларида қасосга даъват этаётган арвоҳнинг таъкибидан қутулишига ишонди.

Икки ҳил хис исканжасида отланиб, шу ҳолатда йўл юрди. «Ота» Дониёрнинг қисмати унинг учун аниқ, буларни тавбасига таянтириш йўлини билолмай гаранг эди. Баъзан уйғониб қолувчи «орадан ўтган вақт ичида улар инсофга келиб қолгандир?» деган хайрли гумон йўлда яна қўзғолди: аввалги келгани-

да совуқ каршилаб, совуқ гаплардан иборат ҳақорат тошларини отган бобоси бу сафар кучоқ очиб кутиб олса-чи? «Болажоним, кизимдан ёдгорлигим!» деб кўзларида ёш билан кучоқ очса-я?! «Бобожон, тоғажонларим! Бу кунни мен салкам ўттиз йил кутдим», деб уларни бир-бир бағрига босадими? Дийдор Қиёматга қолмагани учун қувониб, кўзларига ёш оладими?

Бўлмаган гап!

Хаёлини яшин нури каби ёритган некбин орзу ўша заҳоти сўнди – қариндошларига инсоф кирганига ишонмади.

Кун тиккага келганда катта йўл четидаги чойхонада тўхтади. Ҳовуз бўйидаги тўртта мажнунтол соясига кўйилган сўридан жой олди. Шабада эсиб, кизиган машинада эзилган вужудига роҳат бахш этди. Мўйлаби сабза ура бошлаган ўсмир яқинлашиб, салом берди-да, дастурхон ёзиб, ўртага иккита нон қўйди.

– Чой қанақасидан бўлсин? – деб одоб билан сўради. «Фамил» деган жавобни эшитиб, яна сўради: – шўрва олиб келайми ё ошми?

– Шу иссиқда ош ўтадимиз, шўрва олиб кел.

Сал наридаги сўридан бир оила жой олганди. Калта оқ соқоли киши Ахтамни танигандай қараб-қараб қўйди-да, ўтирган еридан сўради:

– Меҳмон, Тошкандан келаётганга ўхшайсиз, обҳаво қанақа?

Кўккисдан берилган савол оддийгина бўлса-да, Ахтамни ажаблантирди.

– Кечкурун ёмғир куйиб ўтди. Эрталаб йўлга чиққанимда булут бор эди, чаласи қолган бўлса, балки ёғаётгандир. Нега қизиқиб қолдингиз?

– Набираларни ўйнатгани олиб кетаётувдим. Тошканда мошин кўп, аспал йўл кўп, қуёш қиздириб ташлайди, деб эшитувдим.

– Кўркмай бораверинг, сиз боргунингизча қиздирмай туради, – деди Ахтам қулимсираб.

Қария унинг ҳазилини чин ўрнида қабул қилиб, яна соддалик билан сўради:

– Чиллада элликданам ошаркан, а? Қандай чидай-сизлар?

– Чидаймиз, – деди Ахтам ишонч билан. – Тошкентликлар иссиқ юз даражага борганда қайнашади.

Қария ҳазилни англаб кулиб юборди-да, «ҳа, омон бўлинг», деб гапни бас қилди. Яна пича ўтиришгач, барчалари сояда турган икки машинага жойлашиб жўнаб кетишди. Ахтам уларнинг изига соғинч кўзларини тикиб қолди. Қаерда бўлмасин, овқатлангани кирганда оила жамланиб ўтирганини кўрса, юрагида ғалати ҳис уйғонади. Оила даврасининг нечоғли бахт экани унга бегоналиги рост. Лекин дам-бадам юрак шундай нотаниш бахтни кўмсайди...

Ҳозир ҳам шундай бўлди. Ярим коса шўрва ичиб, ҳақини тўлагач, яна йўлга тушди.

Икки соатдан кейин онасининг қишлоғига етиб борди.

Чанқамаган, очикмаган бўлса ҳам, бурилишдаги чойхона ёнида тўхтади. Юз йиллик баҳайбат чинор паноҳида жойлашган чойхонада мудраб ўтирган икки қариядан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Ахтам салом бериб, уларнинг яқинидаги сўрига омонат ўтирди. Чойхоначи «кўнгиллари нима истайди?» деб сўрамасданок бир чойнакда чой билан чети учган сопол пиёлани келтириб қўйди. Чой ичилаверилгани туфайли пиёланинг сири кўчиб, кирланганга ўхшаб қолган эди. Шу сабабли Ахтам ирганиб, чойдан қуйиб ичмади.

Мудроқ босиб, зерикиб ўтирган қариялар ҳангоматалаб бўлишади. Айниқса, бегона одамни учратишса, гапга солгилари келаверади. Ҳозир ҳам шундай бўлди. Қариялардан бири тилининг тагига нос отиб, иккинчисига узатди. У носқовоқни олиб, кўрпача устига ташлади-да, Ахтамга юзланиб:

– Меҳмон ўғлим, йўл бўлсин? – деб сўради.

– Чолларни гапга солиб, бобоси ҳақида у-бу нарсаларни сўраб олишни мўлжаллаб ўтирган Ахтам учун бу савол айтилиши муддао бўлди.

– Йўлим шу ёққа тушувди, чой ичай, деб тўхтадим. Илгари ҳам бир-икки келувдим. Сангин бобо деган отахон билан танишувдим, бормилар ҳали? – деб қариянинг саволига савол билан жавоб беради.

– Ҳа-а... Сангинми?... – Қария шундай деб Ахтамга тикилиб қаради: – У билан қанақасига танишиб қолдингиз? Мухбир болалардан эмасмисиз?

– Шунақа иш ҳам қилиб тураман, – деди Ахтам кулимсираб.

– Сангин комсомолда ишлаб юрганида уни мухбирлар тинмай мақташарди, мақтовнинг чаласи қолган экан-да?

– Худо уриб қўйган одамни ҳам мақтайверишадиди, бу ёғ мухбирлар, – деди нос отиб олган қария ёғдираб. Унинг бу гапи Ахтамни ажаблантирди:

– Худо уриб қўйган, дедингизми? Нима бўлди?

– Агар Худони танийдигон мухбир бўлсангиз, туғриси эзинг, ўғлим, – деди иккинчи қария ўрнидан бир кўзғолиб олиб. – Авлиёнинг мазорини буздиргани учун пес бўлгани камлик қилган экан. Болалари ҳам куйдирди. Куйиб-куйиб ўлиб кетади ҳали.

– Бунисини билмабман, тушунтириброк айтинг.

– Битта қизи ўттиз йил олдин бир ҳайвоншеванинг этагини тутиб қочворганиди, қамалиб йўқ бўлиб кетди, деб эшитганмиз. Яқинда кенжа ўғли билан қизини қамаб қўйибди.

– Нимага?

– Нафси ҳақалак отган-да! Ака-сингил бир вагон селитрни пуллаётганда қўлга тушиб қолибди. Агар отиб юборишмаса, икковиям анчага кетса керагов... Матқовул, эсингдами, «авлиёнинг мазорини бузма», деб Худонинг зорини қилганимизда «эскилик сарқитини йўқотмасам, онам хотиним бўлсин!» деб қасам ичувди. Онаси хотини бўлмади-ю, аммо-

лекигин қасамхўрни Худо бошлаб урди. Энди додини кимга айтади, билмайман...

– Ҳадеб Сангинга осилаверма, ўз ақли билан қилмаган, тепадан буюришган.

– Билмасанг гапирма, тепадагилар «зиёратгоҳнинг дарвозасига кулф ур», деб буюришган, у кизиғар, кулф топишга эриниб, буздириб ташлай қолди.

Бу янгилик Ахтамни яна аросат водийсига ҳайдади. Бобосига учрашиб нишини санчишни ҳам, «Худо уриб кўйибди-ку, шу ҳам кифоядир», деб изига қайтишни ҳам билмай иккиланди.

– Ҳа, меҳмон, ўйланиб қолдингиз? Бунақа гапларни эшитмаганмидингиз? Олдин келганингизда сиз ҳам кифтини келтириб, бошдан-оёқ мактаб ёзганмидингиз?

– Ўзишга улгурмовдим, – деб Ахтам кулимсиради. – Худо бир асраган экан.

– Бу гапингиз ҳам тўғри, ёмонни мактаган ҳам ёмон бўлади, бу иши Худога ёкмайди.

– Ўттиз йил олдин қочиб кетган қизини айтдингиз, бу тарихни сал-пал эшитувдим. Қизлари камокда ўлибди-ю, лекин... бир ўғли қолган экан-ку?

– Шуниси қулоғимга чалинган-у, аммо-лекигин ўзини кўрмаганман.

– Шаҳарда менинг ҳам қулоғимга чалинди, ўша ўғли онасининг жасадини олиб келиб шу қишлоққа кўммокчи экан. Шунақаси ҳам бўладими?

– Бунақасини эшитмаганман. Жасади қаерда экан?

– Қамокда ўлган бўлса... балки Сибирдадир.

– Сибирда ётавермайдими? Бзовта қилиши шарт эканми?

– Ақлли одамлар маслаҳат бергандир-да...

– Шунақа маслаҳат берган ақлли одамнинг кўп нарсага ақли етмас экан. Агар ўғли онасининг жасадини олиб келиб кўмса-ю, кейин ўзи шу қишлоқда яшаб қолса, бир нави – вақти-вақти билан мазоридан хабар олиб туради. Қишлоққа кўмиб кўйиб, ўзи кет-



ворганидан нима фойда? Сангин қизини ўша вақтда оқ қилган, гўрига қарамайди.

– Оқ қилинган қизнинг ўлигини олиб келиб кўмишига қишлоқдагилар кўнмайди, демокчимисиз?

Қария ён томонига эгилиб, оғзидаги носни тупуриб ташлади-да, лабини кафтига артгач, суҳбатга кўшилди:

– Отаси оқ қиладими ё кўк қиладими, қишлоқдагиларнинг нима ишлари бор? Ана мазор, хилхонасида жой кўп, кўмса кўмавермайдими? – шундай деб Ахтамга тикилди: – Менга қаранг меҳмон, камокда туғилган ўша бола ўзингиз эмасмисиз?

– Йўғ-е... – Ахтам ўнғайсизланди. – Нега унақа деяпсиз?

– Сангиннинг ўша қизига ўхшаб кетаркансиз. Айниқса қошларингизнинг туташлиги ўхшаркан. Суҳроб, ўша қиз эсингдами? Оти Рихсиямиди? Чап ёноғида холи бор эди.

– Холигача эсингда турибдими? Тоз-за суқланиб қараган экансан-да, а?

– Атай қарабманми? Ўғлим хуштор бўлганида, келин қиларман, деб қараганман-да. Аммо комсомолнинг қизи ўзига ўхшаган чиқди, бизларни менсимеди, қочди-ю, кетди.

Ахтам қарияларнинг эндиги хотираларини эшитгиси келмай, шошилаётганини баҳона қилиб, ўрнидан турди. Бобосини кўргиси, «Ана, яна икки болангиз камалибди, уларни ҳам оқ қиласизми?» – деб сўрагиси келди.

Машинасини ариқ томонда тўхтатиб, тушиш ёки тушмаслик қарорига келолмай пича ўтирди. Ундаги ожиз меҳр шафқатсизлик зарбига кўпам дош беролмади. Машинасидан дадил тушди-да, дарвозанинг бир табақаси очиклиги сабабли ҳовлига тўғри кириб бораверди. Бобоси кетмонини елкага қўйиб, томорқадан чиқиб келаётган экан. Уни кўриб, аввалига танимади.

Кейин супадан анча бериде тўхтаб қолди. Ахтам икки кўлини чўнтагига тикқанича унга яқинлашди.

«Ассалому алайкум, бобожон, соғ-омонмисиз?» дейилмади.

«Ваалайкум ассалом, қизгинамнинг ёлғиз ёдгори – жоним болам, хуш келибсан, соғина-соғина кўзларим тўрт бўлди-я!» деб алик олинмади.

Бобо ва набира кўз уриштириш мусобақаси ўйнаётгандай бир-бирларига тикилиб туравердилар.

Ниҳоят бобо тилга кирди:

– Нега келдинг?

Бу совук муомаладан Ахтам оғринса-да, дарров жавоб бермади, сурбетларча қараб тураверди. Чол бундан ғашланиб, энди ғазабли оҳангда сўради:

– Нега келдинг, деяпман?!

Бу хонадон аҳли, хусусан бобоси, тоғалари билан Ахтам орасида ҳурмат ва одобнинг белгили чегараси йўқ эди. Шу боис тўппа-тўғри сенсирашга ўтди:

– Агар ўлган бўлсанг, гўрингга тош-пош бостириб кўяйми, деб келдим.

«Валади зино» аталгани билан ўз набирасига ҳукмрон эмаслигини Сангин чол билар, айти чокда унинг қаршисида тиланчи кўринишида ўтиришни истамасди. Набирасининг бу хунук гапидан сўнг юраги қалтирай бошлаган бўлса ҳам дардини сиртга чиқармади.

– Кет, кўзимга кўринма, ҳароми!

Дарғазаб кўринишда, ваҳшат билан айтмоқчи эди бу сўзларни, бироқ, қурби етмади, лабларининг титраши ожизлигини ошкор қилиб қўйди. Ахтам бундан ҳузурланиб, у томон яна бир-икки қадам босди:

– Яна «ҳароми», дединг-а? Агар қизинг бир хунагани яхши кўриб қолиб, тукқан бўлса, менда нима айб? Дунёда алданган қизлар камми? Ҳаммаси оқ бўлганми? Қизингни оқ қилганинг учун Худо сенга нима берди? Олдин ҳам пес эдингми ё қизингни оқ қилганингдан кейин бўлдингми?

– Сенсирама...

Ох, қани эди илгариги куч-қуввати бўлса-ю, бу сурбетни қулочкашлаб бир уриб, бўғзигача ерга кирғизиб юборса. Билак кучи етмай қолса, милисага битта қўнғироғи кифоя эди.

Қани ўша куч, қани ўша мартаба? Ўзича қишлоқ осмонининг устуниман, деб керилиб юрарди, энди билса, осмонга устуннинг ҳожати йўқ экан... Қариганида бир сурбетга қараб, «сенсирама» деб дўк уришга ҳам холи қолмаган бўлса... бундан тубанроқ хорлик борми?

Ажиб манзара: бировининг гуноҳлар юкига бардош беролмаётган кемаси чўкиш арафасида турибди, бирови эса пўртаналарга парво қилмай, ҳаёт кемасига тўхтовсиз равишда гуноҳлар юкини ортяпти... Янада ажабланарлиси шуки, қай бир кеманинг аввалроқ чўкиши фақат Худогагина маълум.

Бобосининг ғам сели олиб кетган қайғули юзига қараб роҳатланаётган Ахтам ғолиб кимса тахтини эгаллаб, қаҳ-қаҳ ургиси келарди.

– Мен сенсираб гаплашадиган жойда катта бўлганман. Тилим қотиб қолган, – Ахтам энди бобосининг юзига лаънат тамғасини босаётгандай қилиб гапирди: – Сен мени олдин келганимда «валоди зино» девдинг-а? Ўшанда ақлим етмаган эди. Бунинг нима-лигини кейин тушунтириб беришди. Ҳозир «ҳароми» дедингми? Етимхонада ҳам мени «ҳароми» деб хорлашарди. Бунинг маъносига тушунмасам ҳам, ичим оғрирди. Кейин билсам, етимларнинг ярмидан кўпи ҳароми экан. Уч ёшлигимда мени онамдан тортиб олишган. Онам хайрлашаётганларида бир-иккита гапни айтганлари аниқ эсимда. Биттаси – «аданг билан никоҳимиз бор», деган. Ўшанда мен никоҳни ё ширин нарса, ё катта бойлик деб ўйлабман, шунинг учун бу гаплари эсимда қолган бўлса керак...

Ахтам кичиклигида шундай ўйлаб адашмаган эди.

Афсус шуки, никоҳнинг ширин ҳаёт асоси, энг катта бойлик эканини то ҳануз тушуниб етмади.

Кетмон дастасига суяниб қолган бобосига яна бир қадам яқинлашиб, кесатиқ оҳангида сўради:

– Балки ўзинг ҳам валади зинодирсан?

Ахтам бу саволи билан ўзи билмаган ҳолда нозик жойдан тутди: Сангин валади зино эмас, бироқ, ўзи уйланаётганида ҳукумат идорасининг рўйхатидан ўтган-у, никоҳ ўқитишни истамаган эди. Ҳарбий хизматдан қайтиб келиб, комсомол йўлланмаси билан мактабда ишлаб юрганида ёш муаллимага кўнгили кўйди. Уларнинг аҳду-паймонидан қувонган мактаб аҳли, айниқса, комсомол идораси тўйни янгичасига қиладиган бўлишди. Ота-боболаридан ўтиб келаётган удумлар ёқмай, «комсомол тўйи» дегани кўзларига жилвали кўринди. Никоҳ ўқитишмади, ҳукумат рўйхатидан ўтгач, яқинларини тўплаб, уйларида қолхоннинг ҳисобидан базм қилишди. Кўни-кўшнилари бурда нонга зор бўлиб яшаётган бир замонда базм қилишдан ўзларини тия олишмади. Келинни ёр-ёр айтиб олиб келишмади, ўт атрофида айлантиришмади, тортишмачоқ ҳам бўлмади... Бунинг ўрнига қадах сўзлари айтилди. Келин ичмаса ҳам кўлига мусаллас тўлдирилган пиёлани ушлатиб кўйишди. Куёвжўраси «қирқ кунгача оғзингга бир қултум ҳам ароқ олмайсан», деб огоҳлантиришига қарамай, қадах сўзларидан илҳомланиб, барча билан баравар ичди. Эртасига куёв ошида ҳам жўралари билан тенгма-тенг ичиб, тўшакка ширакайф ҳолда кирди...

Буларнинг ҳаммаси гуноҳ эканини кейинроқ билди. «Валади зино» деб айблаётган набираси ҳозирги гапи билан унинг шу оғриқ ярасини тилиб юборган эди. Агар никоҳсиз туғилган набираси валади зино бўлса, ўзининг барча болалари нима деб аталади?

– Оғзингга қараб гапир бола! – Бу гапни дўқ эмас, салкам ялиниш оҳангида айтди.

– Ҳа, нима, бўлиши мумкин эмасми? Биттаси ўғил

кўрганини эшитиб, туғрукхонага бориб, хотинини чақирибди. Ҳаммага эшитиларли қилиб, «полвонтой ўғлим кимга ўхшайди?» деб керилиб турибди. «Сизга ўхшайди-да, дадаси» дейилишини кутган-да у лақма. Хотини тўғриси айтиб кўя қолибди: «Вой, дадаси сиз у кишини танимайсиз»... Ўғил кўриб керилган ўша аҳмоқ сен эмасмидинг?

– Тур, жўна! Сен билан гаплашадиган гапим йўқ.

– Шошилма, ҳали менинг анча гапим бор. Кўрслигим ёкмаяптими? Мен ширин тилда гапира олмайман, дедим-ку? Аслида сен ўйлаганчалик тўнкамасман, атай шунақасига гаплашяпман. Агар туғилганимни эшитиб, мени уйингга олиб келиб тарбиялаганингда бунақа бўлмасдим. Онам ҳам куйиб ўлиб кетмасди. Ёмон бўлишимга сен сабабчисан. Қамалишимга ҳам, қамокдан чиқиб беш-олтита одамни сўйиб ташлашимга ҳам сен сабабчисан.

«Беш олтита одам сўйиш»ни эшитиб чол бир чўчиб тушди. Ёлғон гапининг бунчалар таъсир қилганидан кўнгли тўлган Ахтам яна шу оҳангда давом этди:

– Қамокдан чиққанимда лўли хотинга фол очирувдим, «бахтли яшашинг учун онангнинг қишлоғида ҳам уч-тўртта одамнинг қонини оқизиб, худойи қилиб юборишинг керак, ҳар сўйганингда бир пиёла-ни қонга тўлдириб ичмасанг, онанг гўрида тик туради», деди. Лўлининг гапи – гап! Менинг кўрқадиган жойим йўқ. Баъзи нодонлар қамокқа тушишдан кўрқади. Қамокхонада туғилган одам ҳам ўз уйдан кўрқарканми? Ўша лўлидан «аввал тоғаларим билан холаларимни сўяйинми ё суюкли бобожоним-ними», деб сўровдим, «кичикларидан бошла», деб айтди. Яхши маслаҳат... Кўз олдингда болаларингни битта-битта сўяман... Ҳа, болаларингга ачинасанми? Ачинма. Ахир уларнинг отаси ким экани аниқ эмаску? Одам онасидан туғилганини аниқ билади. Отам деб юрганидан туғилганми ё бошқаданми, онаси билан Худо билади. Сенам шунақасан. Ўғилларинг-чи?

Ўзингга ўхшайдими? Балки сен комсомол айғирини миниб давр сурганинга, молбоқар дев хотинингни миниб, уйингни гуллатгандир?

Бу гапга чидаш қийин эди. Чол суяниб турган кетмонини даст кўтариб, набирасига ҳамла қилди. Кетмонни кўтаришга улгурди, аммо, набирасининг бир тепкиси билан кетмонига қўшилиб ўзи ҳам учиб тушди. Шу пайтда уйдан югуриб чиққан ўғил отасига ёрдамга шошилмай, Ахтамга ташланди. Лекин унинг мушти Ахтамга етиб келмади. Жағига тушган тепкидан сўнг отасининг ёнгинасидан жой олди.

Ахтам чўнтагидан буклама пичокни чиқариб, тугмасини босган эди, тиг «ширк» этиб очилиб, офтобда ярқираб кетди.

– Ҳозир икковингнинг киндигингни чапиштириб боғлаб қўяйми? Ё ичакларингни бошларингга салла қилайми? – У росманасига сўймоқчи бўлган одам шаштида улар томон қадам ташлади-ю, тўхтади: – Йў-ўк... сўйсам ҳам ўзларингнинг пичокларингда сўяман, бу пичокни ҳаром қилмайман.

Бу пўписа чолга нисбатан ўғлига таъсир қилиб, у қўрқувдан типирчилаб қолди. Ахтам кулиб, тигни жойига қайтарди-да, пичокни чўнтакка солиб, улар томон тупурди:

– Лўлининг гапини қилмайман: сенларнинг конингни аҳмоқ одам ичади. Аслида мен суюнчли хабарни эшитиб, сени табриклагани кирувдим. Қамалган ўғлинг билан қизингни ҳам энди оқ қиласанми? Улардан умидингни уз, тирик чиқишини кутма, мен қамокдаги ошналаримни огоҳлантириб қўяман, болаларингнинг ўлигини ҳам кўрмайсан. Лекин мен онаминг ўлигини олиб келиб, шу қишлоққа кўмаман, тайёрланиб тур, ўз кўзинг билан кўрасан. Кейин ўлсанг, сенинг ҳам, менинг ҳам армоним қолмайди.

Бу шафқатсиз ҳукми билан уларни тириклайин гўрга тикқандан баттарроқ азобга гирифтор қилди.

Асадбек кўнгилни эзадиган туш кўрди:

...аввалига дарвозахонасида олов кўринди. Кейин бир тўп одам аскарлар каби сафга тизилиб кириб кела бошлашди. Қараса, барчалари ўлиб кетган қариндошлари, яқинлари. Кўзлари бир нуқтага қадалган... шийпонда ўтирган Асадбекка қараб ҳам кўйишмайди. Ўликлар сафида отаси йўқ... онаси йўқ... ўғли йўқ...

...улар қани?

Сўрайман, дейди-ю, овози чикмайди. Кўчасига чиқиб қараса, икки томонига чуқур ва узундан-узун хандақлар қазиб ташланганмиш. Ўртада ёлғизоёқ йўл қолган. Асадбек кўлидаги чўлтоқ супурги билан йўлни тош-у кесаклардан тозалай бошлади. Шу онда оппоқ либосли, оппоқ дўппили дадаси кўринди. Ажаб... ҳаётлигида хасса ушламас эди. Ҳозир мўйсафид кўринишида яқинлашди-да:

– Ўғлим, сеникига кирмоқчи эдим, йўл йўқ-ку? – деди афсусланиб.

– Ҳозир... ҳозир очаман йўлни, – деб янада тезроқ ҳаракат қилиб, тозалайверди. Шунда дадаси орқасига тисланмоқчи бўлди.

– Орқага юрманг, юрманг, дада! – деб бақирди. аммо...

вақт ўтган эди, дадаси хандаққа кулади. Асадбек дод солиб ўзини чуқурликка отди. Дадаси хандақ тубидаги ботқоққа чўкиб кетган эди. Асадбек жонҳолатда лойга қўл ботирди. Шунда ёнида Абдуҳамид пайдо бўлди: «мен кутқараман», деди-ю, бобосини ботқоқликдан тортиб олди.

Лекин...

вақт ўтган эди. Ота-бола биргалашиб жонсиз танани юқорига олишди.

Узоқлардан онасининг хаста овози келди:

«Даданг ўлганлари йўк, қара, киприклари пирпираяпти»...

Дадасини кучмоқчи бўлиб эгилган эди... Унинг ўрнига... Суликонинг бобоси қад ростлаб турди...

«Дадам қанилар?! Қанилар дадам?!» деб дод солди ва...

ўз овозидан ўзи чўчиб, уйғониб кетди.

Ёнини қараса, Манзура йўк. Ташқаридан азон чақириғи эшитилгач, қаддини кўтарди. Эзилган вужудини бошқариши қийин бўлса-да, дераза томон юрди. Манзура шийпонда жойнамоз устида ўтирарди. Асадбек шу қарашида унинг келинлик чоқларини, қимор ўйнаб қайтганда, жойнамоз устида ўтирганларини эслади. Манзуранинг жойнамоз устидаги ҳозирги ҳолати бошқачароқ эди. Ҳар тонг шийпонда Фазлия билан намоз ўқиётган эди, кеча меҳмонлари уйларига кетишди. Манзурани тинмай эзаётган ёлғизлик азоби бу лаҳзада Асадбекка ҳам кўчди. «Шундай дабдабали саройда иккимизгина бўлсак-а?» деган ўй ҳозир кўрган нохуш туш таъсири билан қовушиб, юрагини увиштирди. «Ёнгил тортармикинман», деган ўйда ичкаридаги ҳовуз томонга ўтиб, ўзини сувга отди. «Сув – ёруғлик, сув кўнгил ғуборини ҳам кўтаради», дейдилар. Лекин бу ҳикмат ҳозир амал қилмади. Сувдан чикиб, артинди-да, кийиниб, диванга чўзилди. Бу орада Манзура кириб салом бергач, «чойни шу ерга олиб келайми?» деб сўради. Кейин нима учундир эрининг пешонасига кафтини қўйди.

– Соппа-соғман, – деди Асадбек, бошини буриб.

– Илойим соғ бўлинг, – Манзура шундай деб чикди. Саждага бош қўйган онда у эрининг бақиршини эшитиб, чўчиб тушган, бироқ, намозни бузмаган эди. Эрининг тунлари алахсирашига кўникиб қолаётган бўлгани билан, барибир сихатидан хавотирланарди.

Хотини чикиб кетгач, Асадбек яна кўрган туши таъсирига тушди. Суликонинг бобосини ҳеч тушида



кўрмас эди. Бугун ҳолати қизиқ бўлди-ку? Гуржистонда учрашганида у: «Ўғилларинг мен каби узоқ умр кўрсинлар, мен каби ҳалол яшасинлар, аммо фарзанд ҳажридан йироқ бўлсинлар!» деб дуо қилган эди.

Ҳеч бир дуоסי ижобат бўлмади...

Нега? Бошқа динда бўлгани учунми? Унда Муҳиддин отанинг дуолари-чи?

Асадбек билмайди, билолмайди...

Суликонинг бобоси «Қароргоҳларинг чўкишини билмайсанми?» – деб маломат қилган эди.

Қароргоҳи чўкажагини нега билмасин, билди. Фақат қаерда, қачон чўкишигина унга номаълум холос... Қароргоҳи ўз-ўзидан чўкадими ё биров чўктирадими – буниси ҳам мавҳум.

Тушига кириб шуларни эслатмоқчи бўлдими?

Гуржи чолнинг бу маломатини ҳар эслаганида бу мавҳумликларнинг чигал ипларини ечмоқчи бўлади-ю, аммо эпполмайди. Ўйлай-ўйлай тайинли жавоб топа олмагач, «нима бўлса бўлар, бошга тушгани кўз кўрар», деб қўл силтаб қўя қолади. Ўғлининг ўлиmidан кейин қароргоҳининг ҳалокати яқинлашгандай туюлди. Хотини билан қизини хорижга – Абдусамаднинг ёнига жўната олса эди, кўнгли анча тинчирди. Қароргоҳининг тақдиридан кўра она-боланинг ўжарлиги уни кўп қийнаб қўйди. Азадор хотинини аяйдиган бўлиб қолгани сабабли унга қаттиқ гапиришдан тийиларди. Қизининг аҳволи ҳам маълум: унга салгина оғир гапириб юборса, кўнгил чинниси чил-чил синади...

Кеча Муҳиддин отани зиёрат қилиш баҳонасида дардини баён этмоқчи бўлди. Лекин «оиламни четга жўнатаман, балки кейинроқ ўзим ҳам кетарман», деган гапни айта олмади. Бир-икки мужмал гап билан чекланди. Муҳиддин ота Асадбекни ёмон дард қийнаётганини сезарди-ю, бошқа ташвишларидан беҳабар бўлгани учун бу дардни фақат фарзанд ҳажри билан боғларди. Кеча ҳам шу тўхтамга келиб, Асад-

бекнинг кўнглини кўтариш мақсадида бир ривоят айтиб берди. Муҳиддин ота гап бошлаганида унинг юраги сиқилди, «қисқарок килса-ю, туриб кета қолсам», деган ўйда қимирлаб ҳам қўйди. Кейин фикри ўзгариб, диққат билан тинглади:

– Қадим замонда ўтган улуғ донишманднинг ҳузурига одамлар келишиб, суҳбати, панд-насихатидан баҳраманд бўлишар экан. Бир куни тўсатдан унинг ўғли ўлиб қолибди. Таниш-нотаниш ҳамма бу воқеадан қайғурибди, йиғлабди, – Муҳиддин ота шундай деб Асадбекка маънодор қараб олди: – Бирок, бу зот бир томчи ёш тўкмабди. Шунда аҳли аёли:

– Боламиз учун барча зор йиғлаб турса-ю, сиз нега йиғламайсиз, шунчалар бағритошмисиз? Қалбингиз шунчалар қотган бўлса, маҳшар куни инсонларга Аллоҳнинг изни ила меҳр-шафқат кўрсатиб, қандай шафоат қиласиз? – дебди.

Шунда у зот бундай жавоб қилибди:

– Эй ҳаётимнинг йўлдоши, йиғламаганимга мени марҳаматсиз, юраги тош қотган, деб ўйламагин. Менинг кофирларга ҳам раҳмим келади, уларга иймон насиб этсин, дея дуо қиламан. Кўппакларга, ҳатто мени тишлаган кўппакка ҳам ачинаман. «Ё Раббим, бу бечоранинг феълени ўзгартиргин, одамлардан калтак емасин, унга тош отишмасин», деб дуо қиламан.

Бу гап аёлига таъсир этмай, янада ўжарлик билан сўрабди:

– Қалбингиз шунчалар шафқат ва марҳаматга тўла экан, нега ўғлимиз учун йиғламаяпсиз?

– Инсон бир нарсани йўқотганда ёхуд ундан айрилганида йиғлайди, ранжийди. Фарзандларимиз ўлсин ёхуд тирик қолишсин – улар кўнгил кўзидан йўқолмайдилар-ку?! Улар шундоқ кўз ўнгимда кезиб ўйнаб юрар экан, нега энди сенга ўхшаб йиғлайин, хафа бўлайин? Ўғлимиз бу замон даврасидан чикди холос. У йўқолмади-ку? Атрофимизда айланиб юрибди, ахир! – Шайх шундай дегач, яна қўшиб қўйибди: –

Йиғи ё аламдан келади, ё айриликдан. Ҳолбуки, мен севганларим билан биргаман. Табиий, ўлган болам билан ҳам вуслатдаман. У билан югуриб юрибман. Одамлар уни тушида кўрса, мен уйғоқ ҳолда, очик-равшан кўряпман. Бу дунёда ўзимни яширганимда ҳам, борлик дарахтидан туйғу япроғини силкитганимда ҳам у билан биргаман.

Муҳиддин ота ривоятни баён қилгач, пича сукут сақлади, кейин изоҳ берди:

– Бўтам, тушунгандирсиз-а, ривоятдаги шайх етукликка эришганлардан. Бундай одамлар нафсларини тарбиялаб, рухий-маънавий камолга етганлар. Улар дунёвий, башарий, моддий оламнинг таъсирларидан қутулган зотлардир.

Асадбек кечгача Муҳиддин отадан эшитганларининг таъсирида юрди. Балки шунинг учун ўгли тушига киргандир? Фақат... сал бошқачароқ ҳолатда кўринди, шундан кўнгли хижил. У Муҳиддин ота баён қилган донишманд шайх каби бўлолмайдими, шуниси ҳам бор. Сабр булоғидан сув ичмай, қасос гулханида ёнаётган одамдан яна нимани кутиш мумкин? Муҳиддин ота «бўтамнинг ярасига малҳам бўлар», деган мақсадда бу ривоятни айтиб эди, шамолга қараб гапираётгани хаёлига ҳам келмаганди.

Манзура чой кўтариб кирганда ҳовлидан Жалилнинг овози эшитилди. У чойнакни хонтахта устига қўйиб, шошилиб қолди, лекин меҳмонга пешвоз чиқишга ҳам улгурмади, остонага етмай тўхтади. Тўртта нони бор ок белбоғ тугунча билан бир банка қаймоқ кўтарган Жалил кириб келгач, ўзини четга олиб, салом берди.

– Маҳалланинг нони билан қаймоғини соғингандирсизлар, деб вақтли келдим, – деди Жалил саломга алик олгач. Ошнаси билан кўришиб, манзират кутмай тўрга ўтиб ўтирди-да, хонадон ҳақиқага хайрли дуо қилди. Манзура меҳмон келтирган неъматларни кўтариб, ташқарига чиқди.

– Кеча маҳалладаги оғайнилар билан ошхўрлик қилувдим, сенга салом айтишди. Кечаси адамнинг уй-ларида мазза қилиб ётдим.

– Чақирсанг ўлармидинг, мен ҳам борардим, – деди Асадбек.

– Топилмайдиган матохдай бўлиб кетган бойваччани қаерлардан қидиришим керак?

– Кўнглингда бўлса, топардинг.

– Агар сенинг кўнглингда бўлса, ошналарим омонми, деб излаб борардинг.

– Айтмасанг ҳам бораман. Болларга самоворхонада ош қилиб беришни кўнглимга тугиб қўйганман.

– Ҳа, боллар сенинг ошингга мухтож бўлишиб, тишлари тақиллаб, оч-наҳор ўтиришибди.

– Бўлди, сасима. Ҳаммаси тинч-омонми ишқилиб?

– Ҳа, ана энди ўзингга келдинг: ҳаммаси тинч. Думбули думбулликча, алкаши алкашлиликча юрибди. Алкашнинг кўнгли балиқ тусаб қолибди, «кейинги сафар балиқхўрлик қилайлик», дейди. «Балиққа бошинг қоронғи бўлдимми?» десам, «Балиқ ҳалқумни тозалар экан», дейди. «Ол-а, сенинг ҳалқумингни тозалаш учун бутун денгизлардаги балиқлар ҳам кифоя қилмасов», дедим.

– Баъзан ҳазилни ҳам ошириб, тагига олдирворасан, а?

– Ҳазил эмас, чин гап бу. Эрта-индин элликка қирадиган аҳмоқ ичишни ташламаса, балиқ билан ҳалқумини тозалаб бўларканми? Тўлқининг нима дейди? Бир йиллик қовоқ кўрганмиш. Айвонидаги сандиқ орқасида битта қовоқ қолиб кетган экан, кеча кўрибди. «Нима бўпти, мен элик йиллик қовоқни кўрганман», дедим. «Қаерда кўргансан?» дедди, «ана, елкангнинг устида турибди, дедим.

Асадбек жилмайиб қўйган эди, Жалил ўзининг гапидан ҳузурланиб, хаҳолаб кулди.

– Мўмин-ювош ошнанг нега қовоқ бўларкан? – деди Асадбек.

– Пешона саждага тегмаса, ковоқдан нима фарқи бор?

Бу заҳарли гапдан кейин Асадбекнинг юзидаги жилмайиш йўқолди.

Манзура Жалил келтирган нондан иккитасини, иккита пиёлага солинган қаймоқни патнисда кўтариб кирди-да, бирини Жалил томонга, иккинчисини эрига яқинроқ жойга қўйгач, «хуш келибсиз, олинглар», деб лутф қилди. Чой қуйиб узатгач, туриб кетмоқчи эди, Жалил тўхтатди:

– Бир ажойиб гапни ўқиб, илиниб олиб келдим, сиз ҳам эшитинг.

Манзура эрига нажот кўзи билан қаради-ю, қимти-ниб ўтирди.

– «Хотининг номаҳрамни олдида ўтирмасин», дердинг-ку? – деди Асадбек пичинг қилиб.

– Кессагинг номаҳрам эди, мен акасиман. Ака амри-маъруф қилаётганда сингил ўтирса бўлаверади.

Асадбек хотинига қараб, «иложинг қанча, ўтиришга мажбурсан», дегандай кулимсираб қўйди. Жалил чойдан бир ҳўплам ичгач, чўнтагидан тўрт буклоғлик газета қирқимини олиб, ёйди-да, ўқишни бошлади:

– «Бир одам қутурган туядан халос бўлмоқ учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди-ю оёғи остидаги индан тўрт илон бош чиқариб турганини кўради. Жарнинг тубига назар ташласа, у ерда бир аждаҳо оғзини катта очиб, унинг тушишини кутиб турибди. Юқорига қараса, оқ ва қора сичкон у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемирмоқда. Бу аҳволдан қутулиш йўлини ўйлаётган онда сал нарироқдаги асалари уясига кўзи тушади-ю, боши узра тўпланаётган бало булутини ҳам унутиб, бармоғини болга ботириб, ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантирадики, натижада, у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади. Оёқларини тўрт илон боши устига қўйганлиги

ва бу илонлар ҳар онда чакиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемира-кемира синдиришгач, аждаҳо комига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб қўйгани туфайли оз фурсат ўтмай, жарга кулаб, ҳалок бўлади».

Жалил кўзларини сатрлардан узиб, дўстига савол-омуз қаради-да, сўради:

– Бу ривоятни қаерда эшитганинг эсингдами?

Вожаб, бу дўсти тушмагур уни ғоят эси паст деб ўйлайдими? Абдурахмон табибникидаги суҳбатни унутиш мумкин эканми!? Асадбек бир нарсага тушунолмади: «Ривоятни Манзурага ўкиб бериш учун атай олиб келдимми ё «сен ўша асал яловчи нодонсан», деб яна таъкидламоқчимми? Ҳарҳолда бу муғомбирда бир гап бор...»

– Донишманд оталар айтиб юрган ҳикматларнинг газетда чиққани яхши бўлибди. Оғзаки гап бировнинг кулоғига ё киради, ё кирмайди.

Жалил «бировнинг» деган сўзга урғу берганини Асадбек фаҳмласа-да, унга қарши сўз айтмади. Жалил эса бундан фойдаланиб, ўқишда давом этди:

– «Ривоятдан англашиладиган маъно: даҳшатли ва чуқур жарлик – дунё. Қора ва оқ сичқон – кеча ва кундуз. Улар инсонлар умрини озайтириш, ҳалок этиш учун узлуксиз бир-бирини алмаштириб туради. Тўрт илон – борлиқнинг моҳиятини ташкил этган тўрт унсур: ҳаво, тупроқ, ўт, сув. Булардан биронтаси ўз мувозанатини йўқотса, инсон ўша заҳоти маҳв бўлиб кетади. Асал – азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот дарвозаларини беркитган фоний дунёдир. Аждаҳо – ҳеч ким қочиш қутула олмайдиган ўлимдир. Ажал шарбатини ичишга тўғри келганида, ажал фариштаси тепангга келиб турганида ўлимдан қутулиб бўлмайди. Пушаймонлик ҳам фойда бермайди. На тавбага вақт қолади, на дуо ўқимоққа мажол.

Низомий ҳазратлари шундай ёзганлар:

Бир кун Яман шохин гўри устига борсам,  
Кўл чўзди-ю тутди кафан, кўрсатиб карам.  
Ва деди: «Бу саховатим айб айламагил,  
Бу дунёда бундан бошқа йўқ бирор нарсам».

Жалил ўқишдан тўхтаб, газетани яна аслидай қилиб буклади-да, Манзурага узатди. Манзура олишини ҳам, олмаслигини ҳам билмай, эрига савол назари билан қаради:

– Манзурага бунинг нима кераги бор? Ўзингда турарверсин. Меҳмондорчиликларга борганинда донолик қиларсан.

– Атай ўнта газит олганман, таги сероб. Лекин битта гапингни тўғри айтдинг, бунинг Манзурга кераги йўқ. Хотининг бир ўқиб берганимдаёқ тушунди. Сен ковоқмия фаҳмига етмадинг. Манзура сенга яна эллик марта ўқиб берса, кейин тушунасан.

Бу гапдан кейин Манзура Жалил узатиб турган газета парчасини олишдан чўчиди.

– Ўзимга бер, керак пайтида ўқиб оламан, – деди Асадбек хотинининг мушқулини осон қилиб.

– Сен бунақа ақлли гапларнинг кадрига етмайсан, ўқишинга ишонмайман, ғижимлаб ташлаб юборасан, – шундай дегач, Манзурага қаради: – Олсангчи, эрингнинг кўзига мўлтиллаб қарайвермай, одам бўлишига ёрдам бер.

Асадбек «ҳали сен одамсан-у, мен одам эмасманми», деб гап бошлагудай бўлса, Жалилнинг гап халтаси баттар очилиб кетиб, шарманда қилиб ташлашини фаҳмлаб индамади. Хотинига «ола қол, шунинг жағитинсин», деган маънода қараб қўйди. Манзура газета парчасини олди-ю, хижолат бўлганидан бетлари кизариб, тезгина чиқиб кетди.

Жалил пиёладаги қаймоққа нон тўғраб, иштаҳа билан еди. Асадбек бир-икки тишлам нонни аранг ютиб, дастурхондан қўлини тортди.

– Маҳалланинг нонини соғинмадингми? – деди Жалил чойни хўриллатиб ичиб.

– Нонни ҳар куни маҳалладан олиб келишади, – деди Асадбек.

– Унда мен аҳмоқ бўлиб кўтариб келибман-да?

– Ҳайрият-е, аҳмоқлигингни бир марта бўлса ҳам тан олдинг, – деб кулди Асадбек.

– Ақлли одам бир марта аҳмоқлик қилса, ҳамма кўриб, ноғора қилиб чалади. Аҳмоқ одам кунда минг бир аҳмоқлик қилса ҳам биров сезмайди, – деди Жалил тагдор оҳангда.

– Аҳмоқликни тортадиган тарози бўлганида биринчи бўлиб сени торттириб кўрардим.

– Менга кичкина қўл тарози ҳам кифоя қилади, ўзингга тракторларни тортадиган катта тарози буюришинг керак бўлади, оғайнижон!

Нонушта шундай киноялар-у захарли ҳазиллар билан ўтди. Жалил чойни ичиб бўлгач, пиёласини тўнтариб қўйди-да:

– Тур, кийин, Муҳиддин отаникига борамиз, – деб буюрди.

– Кеча борганман, – деди Асадбек, қимирлагиси келмай.

– Кечагинг ҳисобмас, бугун ҳажжул-масокин, саййидул айём, жумадаги зиёратнинг савоби улуғ бўлади. Гапни кўпайтирма, бўла қол.

– Жамшид бозор қилиб чиқсин...

– Бозоринг керакмас, отамнинг кичкинагина қорни бор, сенинг ҳашаматингга зорлиги йўқ. Зарур нарсани ўзим олволганман.

Асадбек унга эргашишга мажбур бўлди. Жалил отага аталган тугунчани дарвозахонага қўйиб кирган эди. Асадбекнинг беписанд қараб қўйгани унга ёқмади:

– Нега чимириляпсан? Назарга илмаяпсанми? Иккита патир, бир бонка қаймоқ, ярим кило гилос, ярим кило қулупнай, ярим кило новвот сенга камлик қилади-да, а? Сен бозорнинг ярмини тўртта қоғозхалтага жойлаб, керилиб кириб бор-



масанг, кўнглинг ўрнига тушмайди. Кеча шунақа қилгандирсан?

– Шунақа қилмадим, икки кўлимни бурнимга тикиб кириб бордим, десам сенга ёқаманми?

– Сен бир жононмидинг-ки, менга ёқсанг, – Жалил шундай деб кўча томон юрди-да, аҳдини маълум қилди: – Автобусда кета қоламиз, ярим соатли йўл.

– Жиннилик қилма, ўтир машинага!

Асадбекнинг жаҳл билан буйруқ бериши таъсир қилди: Жалил тўхтаб, амрга итоат этди.

Улар кириб келганда Муҳиддин ота мутолаа билан банд эди. Меҳмонлар билан кўришиб, китобни олиб қўймоқчи эди, Жалил: «Шошманг, бир кўрай, ҳар ҳолда сиз ақлли гапларни ўқийсиз», деб қўл узатди.

– «Аввал таом, баъд аз калом», – деб кулимсиради Муҳиддин ота.

Кеча Асадбек кириб келганда ҳам Муҳиддин ота китоб ўқиб ўтирган эди. Варақлар орасига қоғоз парчасини қўйиб, китобни четга олиб қўйишини Асадбек эътиборсиз кузатганди. Ҳозир Жалилнинг китобга интилишидан мутаассир бўлиб, унинг шаштини қайтармади.

– Биз нонушта қилиб келдик, сиз ҳам чой ичгандирсиз, – Жалил шундай деб китобни қўлига олди-да, ўқишни бошлади:

– «Саба жуда катта шаҳар эди, шунчалар катта эди-ки, катталиги бир товоқча келарди... Саба шаҳри айни пайтда жуда улуғ, баҳайбат, азамат шаҳар эди. Шунчалар баҳайбат эдики, гўё каттакон бир пиёздай...» – шу ерга келганда Жалил сатрлардан кўзини узиб, Муҳиддин отага ажабланиб қаради: – Ие, хато ёзилмаганми?

– Хато эмас, айнан шундай, – деди Муҳиддин ота жилмайиб, – ўқийверинг, мағзини кейин чақиб оласиз.

Жалил «қизик», деб бош чайқаб қўйиб, ўқишда давом этди:

– Бу ғалати шаҳарда уч ғалати инсон яшар эди.

Бири кўр, бири кар, яна бири эса яланғоч. Кўр узоқларни кўрар, кар жуда яхши эшитарди. Учови бир жойда ўтиришганда кўр: «Қаранглар, узоқда отликлар келишяпти, уларнинг қайси қабилага мансублигини ва неча киши эканлигини кўряпман», деди. Кар эса: «Ҳа, ҳа, мен овозларини эшитдим. Ҳатто нима деганларини айтиб беришим мумкин», деди. Гапга яланғоч кўшилиб: «Агар бу ерга келишса, бизларни ечинтириб кўйишади», деб кўрқди. «Қаранглар, яқинлашиб қолишди. Қани, бўлинглар, улар келмасларидан, бизларни тутиб олмасларидан, қочиб қолайлик», деди кўр хавотирланиб. Уларнинг талвасаси карга ҳам ўтди: «Бўла қолинглар, дўстлар, шовқин борган сари яқинлашяпти, вақт борида жуфтакни ростлайлик», деб ўрнидан турди. Улар шаҳарни ташлаб қочишди. Ниҳоят, бир қишлоққа етиб келишди. У қишлоқда жуда семиз бир қушни топиб олишди. Қуш шунчалар боқилган эдики, семизлигидан вужудда гўштдан асар ҳам йўқ эди. Ҳатто суяклари ингичка ипдай эди. Уч ўртоқ қуш гўштини ейишди, қорни тўйган филлар каби семиришди. Шунчалар тўйиб ейишди-ки, оламга сиғмай кетишди. Шунча шишганларига қарамай, бир эшикнинг тиркишидан ўтиб, бир уйнинг ичига киришди...»

Жалил ўқишдан тўхтади-ю, сатрлар орасидан маъно кидиргандай кўз узмади.

– Ҳа, тишинг ўтмай қолдимми? – деди Асадбек унинг ҳолидан кулиб.

– Тишинг ўтган бўлса, қани, тушунтириб бер-чи? – деди Жалил пешонасини тириштириб.

– Тушунмадим, мен сенга ўхшаб доноликни даъво қилмайман.

Муҳиддин ота икки ошнанинг маънисиз баҳсига тезоқ яқун яшаш мақсадида гапга аралашди:

– Мавлоно Румий ҳазратларининг ҳикматларини англаш осон эмас, бўтам. Қадим сўфий адабиётида маънолар рамзлар, ишоралар билан баён қилинган.

Мавлонони тушуниш учун бошқа олимларнинг шарҳини ҳам ўқиш керак. Шўронинг hozирги адабиётида бунақа маънолар йўқ.

– Ўқишга ўқидик, бизни энди пичоксиз сўймай, маъносини тушунтиринг, – деди Жалил.

– Аввали шуки, ўқиган ҳикоянгизни енгил кино асосида деб қабул қилинг. «Саба шаҳри» – инсон танасининг рамзи. «Шаҳар аҳолиси» дейилганда инсондаги руҳоний ва жисмоний қувватлар назарда тутилган. Демак, Саба шаҳри – инсон кўнгли экан. Кар – истак, тилақдир. У ҳаётдан кўп нарсаларни талаб қилувчи, еб-тўймас инсон рамзи. У бошқаларнинг ўлимини эшитади-ю, ўзининг ўлиши муқаррарлигини ҳаёлига ҳам келтирмайди. Кўр эса нафсоний хирснинг тамсилидир.

– «Тамсил» нималигини ўзбекчалаб тушунтирингда, ахир биз оми бўлсак, – Жалил «оми бўлсак»ка урғу бериб, Асадбекка маъноли қараб қўйди.

Муҳиддин ота бу пичингни англаса ҳам, аҳамият бермай, салмоқли оҳангида давом этди:

– «Тамсил» – «мисол» дегани. Ҳикоядаги кўр халқнинг айб-нуқсонларини ипидан-игнасигача кўради, ҳатто маҳаллама-маҳалла айланиб, уларни айтиб юради. Яланғоч эса доимо «этагимни кесиб кетишади», деб кўрқиб яшайди. Ахир яланғочнинг ҳам этаги бўладими? Бўлмайди! Бу ердаги яланғоч – дунёга топинган, бойликка муккасидан кетган муфлисдир. «Муфлис» – бенаво, бечора, қашшок, «илмсиз, бефаҳм», деган маънолари ҳам бор. Ҳикоядаги яланғочнинг руҳи қашшок. Руҳий қашшоқлик эса илмсизликдан келиб чиқади, – Муҳиддин ота шундай деб Жалилга қараб олди. – Яланғоч бечора ечинтиришларини, яъни тунаб кетишларидан кўрқиб, ваҳима ичида яшайди. Ваҳоланки, у дунёга яланғоч келган, оқибат яланғоч кетади. Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: «Одам боласига бир водий тўла олтин берилса, иккинчисини истайди, иккинчиси берилса, учинчиси-

ни истайди, унинг кўзини фақат тупроқ тўйдиради», деган муборак гаплари ана шунақа яланғочларнинг кўзини очиш учун айтилган. Ҳазрат Навоийнинг бир байтлари ҳам шу ҳақда: «Нафским, ул айши мудом истагай, сенга гуноҳ, ўзига ком истагай». Нафс кишини гуноҳга қўйиш эвазига, ўзини бахтли қилишни истаркан. Ҳикоядан менинг тушунганим шулар. Энди меҳмоннинг иззатини қилиб, дастурхон ёзмасам бўлмас.

– Сиз энг зўр дастурхонни ёзиб, энг зўр неъматлар билан сийладингиз. Биз чойга келмадик, жума намозини сиз билан ўқишни ният қилганмиз, жомега бирга борамиз.

Жалилнинг «бирга борамиз» деган гапи Асадбекка ғалати туюлиб, унга савол назари билан қаради. Жалил бу қарашга эътибор бермай давом этди:

– Бундан бу ёғига ҳар жумани бирга ўқиймиз.

– Инша Аллоҳ, инша Аллоҳ, – деди Муҳиддин ота «шу гап ростми?» деган маънода Асадбекка қараб олиб. Кейин ўрнидан турди-да, тайёргарлик кўриш учун ташқарига чиқди. Асадбек «бирга борамиз», деб ўзи билан отани назарда тутгандир», деган тўхтамга келиб, гапни кавлаштирмади. Жалил ҳам индамай ўтираверди.

Машина ярим йўлга етганда Асадбекка қараб:

– Таҳоратинг бормиди ё масжидда оласанми? – деб сўради.

– Мен сизларни кузатиб қўяман, зарур ишим бор, – деди Асадбек жавобдан бўйин товлаб.

– Биз билан жума ўқимайсанми? – деб сўради Жалил зарда билан.

– Бошқа сафар... Бугун зарур ишим бор, – Асадбек шундай деб узрли нигоҳи билан Муҳиддин отага қаради.

– Худонинг фарзидан ҳам зарурроқ иш бўладими? – деди Жалил, портлағудай бўлиб. – Ростдан бормайсанми?

– Кейинги сафар дедим-ку?

– Сенинг «кейинги сафаринг» кўп. «Кейинги сафарга»ча ким бор-у ким йўк. Тўхтат машинангни!

– Жириллама, олиб бориб кўяман.

– Тўхтат, дедим, биз машинада туғилмаганмиз, автобус ҳам бўлаверади.

– Бўтам, тўхтата қолинг, ҳали вақт бор, хангомалашиб етиб оламиз, – деди Муҳиддин ота уларни мурасага келтириш учун.

Жамшид машинани тўхтатиши билан Асадбек тушиб, орқа эшикни очди. Жалил нимадир деб гўлдираганича, нариги эшикни очиб, тушди. Муҳиддин ота Асадбекнинг ҳақиға дуо қилди, Жалил эса «бунингизнинг одам бўлиши қийин», деганича қолаверди.

– Идорага ҳайда, – деб буюрди Асадбек, машинага қайтиб ўтиргач. Шаҳар марказига жойлашган уч қаватли иморатга яқинлашганда ертўладаги серҳашам хонасида димиқиб ўтиришни истамай, қарорини ўзгартирди: – Анҳор бўйига ҳайда.

– Жўжахўрозларинг кўринмайдими? – деди Асадбек сув устига қурилган сўри томон юриб.

Жамшид уларнинг қаердалигини айтди. Асадбек «ҳар қадамидан хабардор бўлиб тур», деди-да, кўрпачага ёнбошлади. Чойхоначи хонтахта устини бирпасда ноз-неъматларга тўлдириб ташлади-да, «янги картошкадан димлама қилиб кўювдим, қора кўзи гўштидан қозонкабоб ҳам тайёр», деб навбатдаги амрни кутди. Асадбекнинг кўнгли димламани тусади. Пахтагулли катта лаганда ҳовури чиқиб турган таом келтирилди. Зираворларнинг ёқимли иси димокқа урилиб иштаҳани кўзғаса-да, Жамшид қилтамоқ сингари кўп емади. Асадбек буни сезиб:

– Ҳа, бугун машқинг пастроқми? Ресторанда ивирсиб юрган экансан, кечаги маишатинг чарчатиб қўйдими? – деди.

Асадбек «ресторанда юрган экансан», деб таҳминан айтган эди, мўлжални беҳато урди. Бўйдоқ одам

хожасини уйига кузатиб кўйганидан кейин қаёққа бориши мумкин? Акаларининг фожиаларидан сўнг бунақа жойларга камқатнов бўлиб қолган Жамшид чиндан ҳам кеча ресторанга борган эди. Асадбекнинг гапидан кейин «биров чақибди-да», деган хаёлга бориб, бошини эгди:

– Оғайнилар ўтиришган экан, ярим соатга кириб чикдим, – деди қўлга тушиб шармандаси чиққан ўсмирнинг айбли оҳангида.

– Кўзингни очиб юр, ҳозир анқаядиган пайт эмас. Оғайнининг ҳам ҳар қанақаси бор.

Жамшид ёлғон гапирди, оғайнилари баҳонасида кирмаган эди. Кўнгли тортди-ю, кирди, бошқа сабаб йўқ. Хожасига шундай дея олмайди-ку? Аслида кўнгли бекорга тортмаган экан: кириб ўтиргач, тўрда давра курган одамларнинг шовқини хаёлини олди. Қандайдир идора ходимлари кимнингдир туғилган кунини шоду хуррамлик билан нишонлашаётганини шу шовқин орасидаги табрик сўзларидан англади. Давра томонга беихтиёр қаради-ю... ўша хонимни кўрди.

Ҳа, ўша хоним...

Фитна қилиб уни қамоққа жўнатган хоним...

Қамоқдалигида, айниқса биринчи ойлари, озодликка чиққанидан кейин бу хонимни жазолаш йўлларини кўп ўйлаган, лекин қутулгач, уни кўришга ҳаракат ҳам қилмаган эди. Ҳозир тўрда талтайиб ўтиришига қараганда, бугун унинг туғилган куни.

Айнан шундай! Унутиб бўларканми? Туғилган куни арафасида бўлган эди-ку, ўша воқеа?! «Эртага туғилган куним, лекин сиз билан бугун нишонлайман», деб шампанни очган эди. Паҳлавонкелбат ўсмирни осонгина енгаман-у, кучоққа оламан, деб ўйлаганди. Лекин Жамшид унамаганди. Кейин... найранг қилди – гўё учинчи қаватдан ўзини ташлагандай бўлди... Айнан шу куни Жамшидни зўрлашга уринишда айблаб, қамоққа тикишган эди.

Тасодифни қаранг-а!

Буларни эслагач, ғашланиб, чиқиб кетгиси келди. Лекин қитмирлиги тутиб, кузатишни истади. Рақс бошланганда даврага яқинлашиб, гўзал қизни таклиф этди. Қиз нозланмади, ўрнидан турди. Қизни билагидан ушлаб, рақс майдончасига бораётганида хоним томон қаради: кўзлар тўкнашди! Қизни жойига кузатиб қўяётганда ҳам нигоҳлар учрашди.

Кейин...

Муסיқачилар «қизлар йигитларни таклиф этишади», деб эълон қилганида хоним у ўтирган столга яқинлашди-да, нозли табассум билан, «сизни таклиф этаман», деди.

Жамшид кутилмаган бахтдан суюниб кетгандай жилмайиб, рақс майдонига бошлади. Ёши ўтиб қолган бўлса ҳам, хоним чиройини йўқотмаган эди. Жамшид уни белидан ушлаб ўзи томон тортганда кўзлари атрофига ажин оралаганини кўрди.

– Қариб қолибманми? – деди хоним, карашма билан.

– Чиройли қизлар қаримайди, – деди Жамшид.

– Сизга тилёғламалик ярашмайди. Бу ерда учрашиб қолишимизни кутмаганмидингиз?

– Нега кутмайман, атай келдим-ку?

– Алдаманг, атай келган бўлсангиз... гулдаста қани?

– Гулдастами? – Жамшид уни ўзига тортиб, кулогига шивирлади: – сизга аталган анвойи гулларни гулчилар бугун экишди, кейинги йилгача кутасиз энди.

– Илтимоc, мени майна қилманг... – Хоним бошини бурди, Жамшиднинг қучоғидан чиқишга урингандай, ўзини нари тортди. – Бир неча марта узр сўраб бормокчи бўлдим... Биламан, мени ҳеч қачон кечирмайсиз... Лекин бунчалик шафқатсиз бўлиш йигит кишига ярашмайди.

– Сиздан хафамасман, аксинча хурсандман. Агар мени турмага тиқиб қўймаганингизда нари борса, қайсидир қавакда илмий ходимнинг жойини эгаллаб,

китоб титиб ўтирардим. Сизнинг баҳонангизда академияни битириб, профессор бўлдим. Мени бахтли қилганингиз учун оёгингизни ўпсам ҳам арзийди.

– Қўйинг бунақа гапларни. Уйландингизми, болачақангиз борми?

– Уйланмадим. Болам йўқ, лекин чақам кўп. Сиз ҳам турмушга чиқмагансиз.

– Қаердан била қолдингиз?

– Кўзингиз айтди...

Хоним энди унга дадил тикилди:

– Истасангиз, бугун сиз билан кетишим мумкин.

– Афсуски, бугун ҳеч қаёққа кетмайман, мен шу ресторанда қоровулман. Бир кун иш, икки кун дам. Бугун менинг навбатим, – Жамшид шундай деб хонимни ўзига яна ҳам қаттиқроқ тортди. Хоним қўлдан сирғалиб чиқмоқчи бўлган балиқдай уринди-ю, эпллмади.

– Ҳалиги қиз ёқдим, истасангиз таништириб қўяман. Ярим йил олдин эрга теккан эди, эрига кўнгли йўқ.

– Агар қўлингиздан келса, менга ёпиштирманг-у, эрига иссиқ-совуқ қилиб беринг. Менга онаси ўлмаган қизлар ҳам етарли.

Жамшид шундай дегач, хонимни қўйиб юбордида, столига қайтиб бормай, кўчага чиқиб кетди. Кечаси уйқунинг тайини бўлмади, Асадбек айтмоқчи, машқи пастлиги шундан. Яхшики, хожаси битта гап билан кифояланди. Майдалаб сўраганида, нима дея оларди, билмайди.

Асадбек қўлини артиб, чой ичаётганда чойхоначи кўришиб, Жамшидни имлаб чақирди. Жамшид унинг гапини эшитиб, хожасига қараб олди. Кейин яқинлашди-да:

– Бек ака, қанақадир хондан одам келибди, сизда зарур гапи бормиш, чиқиб қарайми? – деб сўради.

– «Қанақадир хон» деганинг нимаси?

– Отига тили келишмаётганмиш.



Асадбекнинг хаёлига «Хонгирейми ё Гирейхонми?» деган ўй келди. «Ўша мараздан келган бўлса, бу жойдалигимни қайдан билибди?» деган савол кўнглини хира қилиб, пешонасини тириштирди:

– Қара, Хонгирейдан бўлса, бошлаб кел, – деб буюрди. Кейин «ошга пашша тушди» деб минғирлади-да, пиёладаги чойни анҳорга қараб сепиб юборди.

У адашмаган эди: Жамшид Маматбейни бошлаб келди.

– Ў, жан гардашим, сени чўх сағиндум!

Маматбей шундай деганича кучоқ очиб кўришмоқчи эди, Асадбек унга қўл учини узатди. Маматбей бундан ғашланса ҳам, сиртига чиқармади, жилмайганича давом этди:

– Хабаринг ўлдумики, буюк фожиа кўпди: Козлов гардашни Аллах чақирмиш экан, иззати юзасидан жанозасига вордим. Сўнгра эса Красноярдан учиб, Асадбек гардашимни зиёрат этмай ўтиб кетар ўлсам, оғам Хонгирейнинг арвохи чирқиллаб қолажак, дедим-у, виждоним чўх қийналди. Йўлни сен томон бурдим, азиз гардашим.

«Сенда ҳам виждон борми?» – деб ўйлади Асадбек. Ўғлининг ўлимида Маматбейнинг ҳам иштироки борлигини аниқ билмаса-да, уни бўғиб ўлдиргиси келди.

Маматбей Асадбекнинг ҳолини билиб турарди. Хонгирей Асадбекнинг ақлли эканини тан олиб, «ақлли одамнинг узоқ яшаши дуруст эмас», деган, лекин ўшанда камроқ яшаши чорасини кўрмаган, шу касали билан ўлиб кетади, деб калтабинлик қилган эди. Москвадаги учрашувдан кейин Хонгирей «анча дадиллашиб қолибди-ку?» – деб ажабланганида Маматбейнинг ўзи «Княз, у эртага бутунлай синиб, чилпарчин бўлиб кетадиган одам», деб ишонтирган эди. Ҳозир Асадбекни зимдан кузатиб, «ўзига келиб қолибди, синадиган одамга ўхшамайди», деб ўйлади-да, сир бой бермай гапини давом этди:

– Билюрмисанки, Козлов гардашим Хонгирейни чўх севиюр эди. Аркадашининг ўлимидан калби сиқила-сиқила инфаркт бўлмиш экан. Княз номи ила бир сиким туфракни тобути устига ташлаб, Хонгирейни-да арвахин шод этгим. Унда Козлов ҳам ўлимин топди, энди не ўлур, гардаш?

– Нима бўларди, Козлов ўлса, ўрнига Баранов чиқар, у ўлса, Зайцеви бордир. Сенга Зайцев бўлгани дуруст, – деди Асадбек заҳарли киноя билан. Насабга доир сўз ўйини қилгани Маматбейга хуш ёкиб, кўзлари чакнади:

– Чух гўзал сўз ўлди! Аммо Козлов Красноярни қандайдир Барановга яки Зайцевга эмас, Гирейхонга васият қилмиш экан. Бунга не деюрсан?

– Гирейхон? – Асадбек қошларини чимирди. – Моргашни айтяпсанми?

– «Моргаш» узок ўтмишда қолмиш, энди ул Гирейхандир! Билиюрмисанки, Қрим хони Гирей у ёғи Полша, бу ёғи Русни титратмиш эди. Бизим Гирейхан совет русини бир қўлида ўйнатажак!

– Чоғи келармикин? Даъвоси катта-ку?

– Қуввати етмас ўлса, Асадбек гардаши вор-ку?

– Асадбек қардоши энди бунақа ишлардан четга чиқиб кетган.

– Билюрмисанки, гардашим, бир инсан ики қайиққа оёқ қўюб турмас. Сув дўлқуни қайиқларни ики томон сурар ўлса, оқибат не ўлур? Чати йири-лур, а?

Асадбек ўзининг четга чиққанини айтди-ю, Балабуханинг гапини эслади: «Ўйиндан чиқдим, деб хомтама бўлма, бизнинг ишимизда фақат ўлган одам ўйиндан чиқади. Одам йўқми, демак, муаммо ҳам йўқ. Сел келса, барчани баравар олиб кетади. «Бу киши ўйинда йўқлар», деб ўзанни ўзгартирмайди».

Сел Хонгирейни, Кесакполвонни олиб кетди. Лекин сел йилда бир келмайди-да! Кейингиси кимни

олиб кетади? Энди сел йўлида Моргаш билан Асадбек турибдими?

– Сана Гирейханнинг чўх саламлари вар.

Аблақ одам ҳақида гап бориб, «у кашкирнинг ўлими якинга ўхшаб турибди», дейишганда донишманд «ўлаётган кашкирдан кўркқули», деб огоҳлан тирган экан. Кўзлари чақчайиб турган бу одам ўладиган кашкирдан салом олиб келиб, нима демоқчи? Асадбек унга синовчан тикилиб, сўради:

– Сени Хонгирейнинг ўрнини олади, деб эшитувдим, ҳали ҳам дастёрликдан қутулмадингми?

– Тарозунинг бир палласийа ўлум, икинчи паласийа ҳаёт қўюлур ўлса, гай бир аҳмак ўлумни танлиюр? Анжак дастярлик чўх яхши эмасми?

– Ўша тарози ҳали ҳам турибдими ё ташлаб юбордингми? – деди Асадбек пичинг билан.

– Бул тарозу ташлаб юборилмаяжак, – деди Маматбей жиддий тарзда. – Масковдаги жан гардашинг бул тарозуни сана юбармиш ўлду. Танламак ихтяринг вордур: Бек, сан-да, ман-да гап адамлари эмасдурмиз. Лакиллаб ўлтурмакка фурсатинг йўқтур?

– Дардинг бўлса, айт, гапни ўзинг чўзаяпсан-ку?

– Хангирей гардаш вафат тапду, амо, ниятлари тирикдур, сан шунинг-да, ҳисабин алмагинг лазим ўлур.

– Хўш, кейин-чи? – деди Асадбек қошларини чимириб.

– Европа таман наркотик шу ердан ўтажак ўлса, сан қаршилиқ қилмиюрсан.

– Мен қанақасига қаршилиқ қилишим мумкин? – деди Асадбек зардали овозда. – Нима, мен чегарачи-манми ё милисаманми? Аниқроқ гапир, балки ёрдам беришим керакдир?

– Эҳтимал... эҳтимал... – деди Маматбей мужмал тарзда.

– Яна ҳам аниқроғи – мен Моргашнинг гумаштаси бўлишим керами? Ё кўппагига айланаманми?

– Бунларни Гирейхана рўпара ўлганинга ҳал

қилиб алажаксан. Сан ила музакара юритмакка ман-да ихтияр йўқтур. Ман деганимни дедим. Жаваба шашилмак вазифанг вар, унутма! Сана қийин ўлди, гардаш, Айдер ҳам йўқ, Махмуд ҳам йўқ. Энди не ўлур? Бу гардашларнинг йўқ ўлгани сан учун чўх муд-дао ўлди. Варисларинг тахтингга чўх ишқибаз эди-лар. Худо уларни олмас эрса, сани-да олиюр эди. Ай гардаш, ўлумни ўйламақдан на фойда, қўй, ўлумни! Ўлум лабларидан ўпич алмағимиз чўх узокдир. Аллах сени-да, мени-да роҳат ила яшасун, деб яратмиш экан, ман роҳата тўйганим йўқтур. Сан-да тўймагансан! Ўйнамак ва кулмак, кулмак ва ўйнамак керак! Гула-гула яша, гардаш!

Маматбей шундай деб хайрлашди-да, изига қайтди. Асадбек ичида сўкиниб қўйиб, унинг гаплари-ни фикр чиғириғидан ўтказа бошлади: «Козловни эс-латиб, қўлимиз шу даражада узун, сенга ҳам етиб ке-лади», демоқчими? Огоҳлантиришдан мақсади нима? Яна қанақа шумликларни бошлаб келди бу ҳароми?! «Ўйнамак ва кулмак...» дедими? Қачондир айтган эди-я, шу гапларини? Ким ўйнаб-кулади-ю, ким ка-фанлигини кучоқлаб ётади – эндиги ечиладиган маса-ла шундан иборатми?»

Асадбек адоқсиз саволларига жавоб истаб ўтир-ганида Жалилнинг бир заҳарли гапи хаёлини бе-хос ёритиб ўтди: айтилган ўша гап отилган ўқ каби қалбига санчилиб қолган, ўқтин-ўқтин ғимирлаб, ву-жудини ғижимлаб ташлагандай бўлаверарди: «Агар оламнинг куни сенларга топширилса, ер юзида ҳалол-лик ҳам, вафо ҳам, меҳр-оқибат ҳам қолмайди. Сенлар куртак очган ниҳолни синдириб ташлашдан, бойче-чакми ё полопонларними аямай топташдан тоймай-санлар. Ҳатто, бир-бировингни аямай янчасанлар. Нима учун Ҳайдар кессагинг билан дўстсан, айтайми? Икковингнинг ҳалқуминг бир, нафсинг бир»...

«Ҳайдар ўлимини топди-ю кетди. Энди шу ҳаро-милар билан ҳамтовоқ бўламанми?»

Дунё ҳаёти узунга ўхшайди, аслида кимсани ўз бағрига олган бир нафасдан иборатдир. Ўтган дақиқа ўтмиш бўлиб қолади. Киши эришганидан ортиқ ҳеч нарсага эга бўлолмайди. Келажагининг қандай бўлишини эса биллолмайди. Вақт шундай нарсаки, тун кундузнинг ўлиmidан хабар беради. Туннинг бошланиши у куннинг завол топганини билдирувчи бир ишоратдир. Тинимсиз келиб кетган ҳодисалар инсонларни ўзгартиради, эскитади, қаритади. Вақтнинг вазифаси жамоаларни сочиб ташламоқ, сараламоқ ва неъматларни йўкотмоқдан иборатдир. Амал узун, умр қисқа, ҳар нарса эса ёлғиз Аллоҳга қайтади.

Маматбей ҳозир эндиги вақтнинг зиммасига жиддий масъулият юкланганини англадиб кетди: Аллоҳдан қайтишдан олдин вақт шайтанат оламини саралаб бериши керак. Ким элакдан ўтади-ю, ким ўтмайди?..

## XVI б о б

### 1

– «Аифклерунгс» деган идорани билжурмисан? – деб қайта сўради доктор Худоёр.

– Билмайман, – деди Абдусамад.

– Мутлак билмиюр эрсанг янада чўх гўзал бўлур эди. Сизда «кғб» отлиқ бир идора вордур, «аифклерунгс» шу кабидур. Энди айт-чи, не сабабдин бул идора санинг ила қизикмоқни ихтияр этмиш?

– Билмайман, – деди яна Абдусамад.

– Билиюрсан, – деди доктор Худоёр кескин оҳангда. – Турк қаҳвахонасинда ким ила ҳамсуҳбат ўлдунг?

Абдусамад «сиз буни қаердан била қолдингиз?» дегандай ажабланиб қаради.

– Сан мана бу каби ажаб ила боқма. Ул малла ўруснинг муддаоси не экан?

– Муддаоси...

– Истагинг йўқ эрса, демагилки, ўзима маълумдир. Агарчи ул маним ила қизиқиб, «нейтрон бомба яратиш юмушларида иштирок этиюр», деса, чўх адашур. Ман қайдаман-у, нейтрон бомба қайда? Бирокким, доктор Яқвалхўжамга ихтиярлари ўлса, ул зотга яқинлашмоқ амри маҳолдур. Яқинлашмоқ фикридан воз кечажагингиз маъқулроқ эрур.

– Менинг яқинлашиш истагим йўқ. Ўша ўрис йигитда хоҳиш бор, гапириб нима қилдим, ўзингиз билар экансиз.

– Ҳа, мани-да огоҳ эттилар. Мани-да «аифклерунгс» азаматлари суҳбатга тортмиш ўлдилар. Турк қаҳвахонаси ва ўрус йигит хусусинда сўзлаган ўшал азаматлардир. Сан ўйламагинки, доктор Худоёр «аифклерунгс»нинг хуфяси экан, деб. Асти ундай эмас! Ҳамонки, шу туфроқ тузини тотаётмиш эканман, бу юртга хизмат этмоққа бурчилидирман. Ўзга ҳақиқат йўқ. Эрта-бириси кун азаматлар сени-да суҳбатга чорлиюрлар, зийраклик ила тадорик кўра тур.

– Нимага тайёрланаман?

– Сан ўрус йигит ила яна бир кўришмак чорасини қилувинг лозим ўлур. Мақсадин очиқ-ойдин англа. Сўнг...

– «Аифклерунгс» айғоқчисига айланишимни таклиф қилмоқчимисиз?

– Ўзга чорамиз йўқтур. Фаннинг ҳеч бир тармоғи йўқким, ҳарбийга хизмат этмаса. Биокимёни одамлар тирик организмларнинг кимёвий таркиби ва ўнларда содир бўлажак кимёвий жараёнлар ҳақиндаги фан деб билиюрлар. Нейтрон бомбага алоқаси мавжудлиги афкор омма учун махфийдир. Сан ики ўт исканжасига тушганинг англамагинг жоиз. Агар «аифклерунгс» ила ҳамкорликдан бўйин товламоқ ўлсанг, бу юртда турмоғингда хавф вордур. Юртингга қайтмоқ истанг, «кгб» шамширига рўбарў бўлажаксан.

Абдусамад буни ўйлаган эди. Бир вақтлар бобосини «халқ душмани» деб йўқ қилган идора уни аяб ўтирармиди? Зулм вужуди аслидай турганини, фақат либоси ўзгарганини у билмайдими? Шуларни ўйлаганда «Абдуҳамиднинг ўлимига ким айбдор?» деган саволга жавоб топгандай бўлади. Отасининг душманларидан кўра, шу идоранинг қўли бормикин, деб гумон қилади. Москва аэропортида қорадори билан қўлга олинишлари, милициянинг «маймунхона» деб аталмиш ҳибсхонасидан осонгина чиқиб кетишлари кўп гумонларни уйғотган эди.

«Бу найрангни милициянинг ўзи қила олмайди. Қорадори масаласида иғво қилганлари ойдек равшан эди. Чунки қорадори Шарқдан Ғарбга оқади. Бизнинг Ғарбдан Шарққа олиб ўтишимизда мантлик йўқ эди. Демак, бу фитнани милиция тепасида турадиган идора қилган...»

Ана энди ўша идоранинг ноғорасига ўйнашга мажбур. Бу ёқда яна бир ноғора чалиниб турибди...

– Эҳтимол шуки, ишингни авиация соҳасига бурарсан, балки бионикага, – деди доктор Худоёр маънодор оҳангда.

– Ўрис йигитни чалғитиш учунми?

– Оре, рост. Маним нейтрон бомба ила шуғулланмоғим эҳтимоли ҳам вордир.

– Бунга унинг ўзи ҳам ишонмайди. Гапининг оҳангидан сезганман. Биофизика билан биокимёни аралаштириб юборадиган гўлга ўхшамайди. Унинг сиз билан иши йўқ. Сиз орқали профессор Яквалхўжага чиқиш. Менинг вазифам икки ўртада воситачилик қилиш. Қайси бири фош бўлса ҳам биринчи галда мен кетаман.

– Дуруст англабсан.

– Мен фақат бир нарсага тушунмайман: Берлин деворининг бузилишига ўзлари йўл очиб бердилар. Икки Германиянинг қўшилиб, яна Буюк Германияга айланиши мумкинлигини энди англаб, хавотирланиш-

япtimi? Бир мамлакатнинг кучайишига шароит яратиб бериб, энди талвасага тушиши нодонлик-ку?

– Ҳақ сўз айтдинг: ўнларнинг дастидан бир-ики одам жабр кўрибгина қолмай, ҳаёт чоки сўкилюр. «Холи жой топса, тўнғиз пештоққа чиқмоқчи ўлур» мақоли мазмунига мувофиқ, дуч келган тўнғиз, кўряпмизки, Оврупо тахтига чиқяпти. Советнинг туфроғида бўлганимда ҳайратда эдим. Бундан қарасак, коинотга эга чиқмоқ тараддудида, унга бориб қарасак, трамвай изни темир таёқ ила буришяпти. Тараққиётнинг бир учи осмону фалакда, бир учи сассиқ балчиқда. Оврупога қара, минглаб қирувчи, бомбаловчи уоқлар вордир. Бирокким, ўрмонига ўт тушса ўчира олғувчи сувсепар уоқлар бармоқ ила саналарли. Ақлданми шу?

Абдусамад «Европа менга деса бундан баттар бўлмайдими!» дегиси келди-ю, устози ҳузурида тилини тийди.

– Сана бир ривоят айтай, диққат ила тингла: **Тақдир**нинг бениҳоя тенгсиз гўзал, оқила қизи бор эмиш экан. «Тақдир» исмининг тағдор маъносини англаюрмисан? Қараки, бир вақтнинг ўзида **Ақл**, **Давлат** ва **Умид** исмли йигитлардан совчилар келди. **Тақдир** қизини чақириб дедик: «Қуёв бўлмишни ўзинг танла, қай бири сенга маъқул?» Доно қиз ўйлаб туриб жавобан дедик:

– **Ақл** инсондаги энг олийжаноб фазилатким, унинг ёрдамида дўстни душмандан, хушёрни эса девонадан фарқлаш мумкин. Бирок, **Ақл**нинг бир айби борки, кишини чалғитиб, хатарли йўлларга солиб қўймоғи ҳам мумкин. «Ақллилик балоси» деб бекорга айтмаслар.

**Тақдир** фарзанду аржуманди сўзларидан чўх ҳузурланиб яна дедик:

– **Давлат** ҳақида нима деюрсан?

– **Давлат** — ишбилармон ва ҳукмдордир. **Давлат**нинг итоатида кўп нарсалар бор. Бирок, унда вафо йўк. Агар ихтиёрни ўзима бериюрсангиз мен **Умид**ни



танлагум. Чунки Умид ҳар қандай ҳолатда ҳам инсондан ажралмаяжак, ҳар қандайин ҳолатда ҳам вафодин чекинмаяжак, энг якин дўст бўлиб қолажак...

Доктор Худоёр ривоятни айтиб бўлгач, маҳзун ҳолга тушди.

– Сенинг англамоғинг мушкулдир: Олмонияда ўлсун, Бирлашмиш Штатларда ўлсун ённки Саудийдами, Туркиядами, Афғондами бўлсин, яшамоқда ўлан ўзбаклар шу умидни танлаганмиз. Умид қушини юрагимиздан аълороқ равишда эҳтиёт саклаймиз. Айтиб эдим, боболаримиз бизлар учун тилла-жавҳар эмас, юрт соғинчин мерос қилиб ташлаб кетмишлар.

Доктор Худоёр «бошқа гапим йўқ», дегандай столи устидаги китобни беихтиёр чертиб-чертиб қўйди. Абдусамад унинг аҳволини тушунди. «Аифклерунгс» билан ҳамкорликдан бўйин товлаган тақдирида буларнинг тинчи ҳам бузилишини ўйлаб, чорасиз одам кўринишида тушкунликка тушди. У айна чоқда маслаҳатга, кўпни кўрган доно одамнинг насиҳатига муҳтож эди. Рўпарасидаги доно одам у истаган йўлни кўрсатиб бера олмади.

Отасининг паноҳида эмин-эркин яйраб юрган кунлари қани? Ҳамма атрофида эди, таъзимга шай эди, дўстлари бениҳоя кўп эди...

Қани улар?

Ҳаёт нақадар бешафқат!

Атрофини юзларча, ҳатто мингларча одамлар ўраб тургани ҳолда ёлғизлик балосидан жабр чекса...

## 2

Солиевнинг касалхонада ҳушсиз ётганини эшитган Зоҳид, барча ишини четга суриб, устозини зиёрат қилишга шошилди. Лекин уни кўриш насиб этмади. Даволовчи врач: «беҳуш одамни кириб кўрганингизнинг нима фойдаси бор?» деб эътироз билдирса ҳам, Зоҳиднинг ялиниши туфайли, касалхо-

на тартиб-интизомини бузишга мажбур бўлди. Зоҳид хона эшигини аста тақиллатганда ичкаридан Солиевнинг хотини чиқиб, «кирмаганингиз маъкул» деган маънода остонада туриб олди. Зоҳид саломлашгач, кўлидаги қоғоз халтани унга узатиб:

– Тузукмилар? – деб сўради.

– Худога шукур, бугун яхшилар, икки марта ўзларига келдилар. Кейингисида сизларни ҳам сўрадилар.

– Олдинги куни телефонда гаплашувдим, яхши эдилар... – деди Зоҳид афсусли оҳангда.

– Кечаси юраклари тутиб қолди. Иккинчи хуружи қаттиқроқ бўларкан. Худодан умид қилиб ўтирибмиз...

«Балки топилиши кийинроқ дори керакдир?» деган гапига хотин «ҳамма нарса етарли», деб, орқасига ўгирилиб, хона ичкарисига хавотир билан қараб олгач, Зоҳид узр сўраб, изига қайтди. Ишхонасига боргиси келмади. Бир оз пиёда юрди. Касалхонадан узоқлашгани сайин кўнгли ғаш бўлаверди. Гўё Солиев унинг изидан норози қиёфада тикилиб, «мени шу аҳвода ёлғиз ташлаб кетяпсанми?» дегандай бўлаверди.

Солиев биринчи хуруж билан касалхонага тушганда ошнаси ачиниб, «инфаркт бўлгандан кўра, елкасиданми ё сонидамни яралангани минг марта яхши эди, шу касал туфайли ишдан кетиши инфарктнинг ўзидан ҳам ёмонроқ», – деган эди. Илёсов билан бу ҳақда бир марта гаплашган бўлса ҳам, Зоҳид нима учундир уни кўп эслайди. Ҳозир ҳам унинг гаплари қулоғи остида жаранглагандай бўлаверди:

– Умр бўйи кўчада юрган одамнинг бундан бу ёғига «энди яна қачон инфаркт бўларкинман, иккинчисида ўлармикинман ё учинчисидами?» – деб уйда Азроил келишини кутиб ўтириши осонми?.. Одам одамни беш дақиқами ё икки соатми кутса, бетоқатланади. Ҳар дақиқа, ҳар соатда ўлимни кутса-чи? Инфаркт

нима ўзи? Юрак касаллигимми? Йў-ўқ... бу шунчаки хасталик эмас, аслида Азроилнинг ташриф қоғози. Кутилганга нисбатан кутилмаган меҳмон анча дуруст...

«Адолат сўкмоғи билан бориб, ҳақиқатга етмоқчи бўлган одамнинг топгани шуми энди?» – деб ўзига ўзи савол берди. Жавобни эса Солиевнинг ўзи шивирлаб айтгандай бўлди:

«Ким айтгани эсимда йўқ, бир донишманд: «Адолат кучли, куч эса адолатли бўлиши керак», деган экан. Менинг ишларим бошқачароқ бўлди: кучсиз адолат ва адолатсиз куч – икки даҳшат муроса қилди...» Биринчи юрак хуружи билан касалхонага тушганда шундай деган эди...

Кўнгли ғашланган киши хаёлини тўзитиб ташлаётган саволлар жиловини бўш қўйса, баттар қийналади. Дунёда адолат излаган камми? Ўзи-чи? Адолат излайман, деб илмдаги йўлини йўқотди, энди нимани топяпти? Худо унга риёзиёт оламини ҳайратга сола оларли қобилият берган эди. Риёзиёт осмонининг ёрқин юлдузи бўла олмаган тақдирда ҳам, дунёнинг мана-ман деган риёзийлари орасида, шубҳасиз, ўз ўрнини топарди.

Акасининг фожиали ўлими, терговчи-ю ҳакамларнинг номардлиги Зоҳиднинг умидларини парчалаб ташлади. Унинг қулоғи остида кимдир: «риёзиёт йўлини ташлайсан, ҳуқуқ илмини оласан, бу аблаҳларга қарши курашасан, адолатни тиклайсан, бечораларга суянчиқ бўласан», деб минғирлайверди. Бу гаплар ўшанда унга ҳақиқат бўлиб туюлди. У ҳозир ҳам сонлар назарияси билан шуғулланиши, дифференциал тенгламаларни ечиб бериши, ҳатто катта олимларнинг қурби етмаётган Ферма теоремасини исботлашга уриниши мумкин. Бирок, йиллар бўйи тинимсиз уринса-да, адолат формуласини ечишга тиши ўтмаяпти. «Не-не алломаю донишмандларни юз йиллардан бери ўйлантириб келган бу масалани ечишга менинг қурбим етармикин?» деган савол ўзига бўлган ишончсизликни тобора мустаҳкамлаб борарди.

Ҳақиқатга кўрсатиладиган энг катта лутфу карам – унга амал қилмоқлик, дейдилар. Аммо дунёда ҳеч нимага ҳақиқатчалик машаққат билан эришилмайди. Ҳақиқатни излаш, унга етиш учун ойлар, баъзан йиллар зарур бўлади. Ҳаёт шундайки, бунда ҳақиқатдан кўра хатони топиш осонроқ. Хато кўриниб туради, киши уни дарров пайқайди, ҳақиқат эса пинҳона – яширинган бўлади ва уни ҳар ким ҳам топавермайди. Ҳақиқатга етишмоқликнинг энг биринчи шарты – ҳақиқатни чинакамига севмоқлик эканини барча ҳам билавермайди. Зотан, фақат ҳақиқатгина чинакам гўзалдир, фақат угина меҳр-муҳаббатга лойиқдир. Ҳақиқатни шунчаки севиш ва тил учида гапиришнинг ўзи кифоя эмас, ҳақиқатни бирон-бир улуғ мақсадни кўзлаган ҳолда юрак-юракдан севиш ва гапириш лозим бўлади. Киши бирор фойдали ҳақиқатни очғунича, юзларча одам омадсиз изланишлар ва аянчли янглишишлар билан ўз умрини хазон қилмоғи ҳам мумкин. Ҳақиқат излаш вақтичоғлик билан эмас, ҳаяжон ва ташвишлар билан ўтади. Бироқ, шунда ҳам барибир уни излайвериш керак, акс ҳолда, ҳақиқатни топмаган, уни севмаган одамнинг ҳалок бўлмоғи тайин. Ҳақиқатни ўргана туриб уч мақсад кўзда тутилади: уни излаб топиш, топгандан сўнг, албатта исботлаш, ниҳоят, ҳақиқатни изоҳлаб, исботлаётганда уни сохталиқдан ажрата билмоқлик шарт.

Ҳақиқатга етиш бир-икки жиноятчини фош этишдангина иборат эмас. Агар ҳаётнинг мазмуни фақат шундангина иборат бўлса, демак, ҳақиқат ҳеч қачон қарор топмайди. Чунки, майдонни бир жиноятдан тозалаб улгурмасидан, иккинчиси сел каби ёпирилиб, балчикка тўлдиради. Солиев ўзини хазонрезгида ташвиши ортувчи кўча фаррошига ўхшатиб: «сарғайиб тўкилган баргларни супуриб, энди нафас ростлайман, деса, шабада туради-ю, кўчани яна аввалги ҳолига келтириб қўяди...» – деб маъюс кулимсираган эди. Ҳозир Зоҳидни шу маъюслик таъкиб этди.

Касалхонадан икки бекат наридаги уйда илмдаги устози Ҳабиб Сатторов яшарди. Хаёллари ҳукмига ўзини топширган Зоҳид сувоқлари кўчиб, олачалпок бўлиб кетган, кўримсиз етимдай мунғайиб турган тўрт қаватли уйга келиб қолганини ўзи ҳам сезмади. «Нимага бу ерга келдим?» деб ўйлаб, тўхтади. Бу уйга келмаганига бир йилдан ошган эди, устозини кўрганидан бери ҳам кўп ойлар ўтди. Неча марта йўқлайман, деди-ю, турли ишлар баҳона бўлиб, зиёратни галга солаверди. Энди оёқлари бошлаб келибди.

Аста зинадан кўтарилди. Тўртинчи қаватдаги ҳаворангга бўялган ўша ёғоч эшик... Олдинги келганида бола кўли билан бўрда «проф. Ҳабиб Сатторов», деб ёзиб қўйилганди. Биров артиб ташлаганми ё вақт ўтиши билан ўзи ўчиб кетганми, ҳарҳолда ёзув кўринмади. Кўнғироқ тугмасини босди, овоз бўлмади. Олдин келганида устозининг ўзи текшириш учун тугмани учинчи босганда ичкаридан булбул овози келган эди. «Болалар тугмани ўйнайвериб, ишдан чиқарганга ўхшайди», деб баҳона қилганди. Ҳозир учинчи марта босгандан кейин ҳам кўнғироқ ишламади – булбул сайроғи эшитилмагач, эшикни аста тақиллатди. Эшикни профессорнинг бўйи етган қизи очиб, Зоҳидни дарров таниди, салом берди-да, «кираверинг, дадам уйдалар», деб ичкарига бошлади. Аввал қиш пайтида келган, томдан чакка ўтаётгани учун дераза томонга тоғоралар, ўртадаги стол устига эса кўк пластмасса челақ қўйилган эди. Бу нарсалар йўқлиги учун Зоҳидга хона кенг бўлиб кўринди. Ҳабиб Сатторов чиқиб, хушнудлик билан кўришди-да, уни иш хонасига бошлади. Чап томонни эгаллаган жавон китобларга тўла. Стол усти ҳар доим батартиб бўлгучи эди, қоғозларнинг ёйилиб ётиши, ёндафтарларнинг бетартиб сочилиши Зоҳидни ажаблантирди. Шогирдининг савол назарини уққан профессор кулимсираб, изоҳ берди:

– Чанг артаятувдим. Жавон бўлди, стол усти қолувди.

– Қизлар уйда экан-ку? – деди Зоҳид.

– Агар хонамни қизларим йиғиштирса, кейинги кунларим қоғозларимни қидириш билан ўтади. Қайси китоб қайси жойда турганини кўзимни юмиб туриб ҳам топаман. Қизларим чанг артса... бу ёғини тушунгандирсан? Хонамни ўзим йиғиштирсам, кўп кунлик, ҳатто кўп ҳафталик кўнгил ғуборларим ҳам тарқаганга ўхшаб, енгил тортаман. Агар хона чанг бўлса ёки шипнинг бурчагини ис босса, тамом, ишнинг баракаси кетади. Карра жадвалга ҳам каллам ишламай қолади.

Зоҳид унинг бу фазилатини яхши билади. Уйда ҳам, ишхонасида ҳам ҳамиша батартибликка, озодаликка амал қилишни устозидан ўрганган. Ҳамдам Толипов билан бирга ишлаганида шериги учун ҳам хонани йиғиштириб туришга мажбур бўларди. Ҳамдамнинг бундай тартибга тоқати йўқ, ўз ибораси билан айтганда, унга «ит ётиш – мирза туриш» ёқарди. Бетартиб ташланган қоғозлари ичидан кераклисини қидириб хуноб бўлса ҳам, тартибга ўрганай, демасди. Зоҳиднинг озодалигини кўриб, «сен милиса эмас, хирург бўлишинг керак экан», деб куларди.

Ҳабиб Сатторов Зоҳидни ўтиришга таклиф қилди:

– Чойни ҳам шу ерда ичамиз, – деди у, кейин муҳим нарсани эслагандай кўшиб кўйди: – Кеннайнинг чиқмаганига ажабланма, бугун бизникида «учинчи жаҳон уруши» бўлиб ўтди.

Бу хонадонда тилга олинган «уруш» у ёқда турсин, эр-хотин орасида оддий аразлашув ҳам бўлиши мумкин эмасди. Ҳабиб Сатторов майда-чуйда гапларга парво қилмас, хотинининг феъли ҳам кенг эди. «Баҳслашиб, масала талашиб учун менга фан майдони ҳам кифоя қилади, оила майдонини жангу жадалсиз генерал хонимга топширганман», деб ҳазиллашарди. Бугун «учинчи жаҳон уруши» бўлиши?!

– Ажабланияпсанми? – деди профессор. – Ўртанча кизимга совчи келавериб, чарчатиб юборди. Каттасига биров оғиз солмай турибди. Кеннайингга «ўртанчани

узатаверайлик», десам кўнмайди. Сингил олдин эрга тегса, опасини биров олмай кўярмиш. Шунақа теоремани эшитганмисан? Опа-сингиллар орасида қатъий навбат белгилаб кўйилганидан хабаринг борми?

Зоҳид қай томонни қўллашни билолмай, мужмаллик билан:

– Бу бир одат-да, – деди.

– Берлин девори йикитилган пайтда биз битта кичкинагина одат тўсиғидан ошиб ўтсак халқ душманига айланамизми?

Ҳаёт тажрибаси етарли бўлмаган Зоҳид оилавий муаммолар бўйича жўяли бир гап айтишга ожиз эди. Шу сабабли устозининг саволини жавобсиз қолдирди. Стол четидаги ўн икки варақли дафтарлар тўплами диққатини олиб, устозига савол назари билан қаради.

– Болаларнинг назорат иши, – деб изоҳ берди профессор бу қарашнинг маъносини англаб.

– Қайси болалар? – деди Зоҳид ажабланиб.

– Эшитмабсан-да, мактабда ўқитувчилик қил-япман. Сенга кулгили туюляптими ё ачинарлими? Ҳа... академикликка номзоди кўйилган, Англиянинг нуфузли университетига таклиф қилинган, Москвада обрў топиб ишлаши мумкин бўлган одамнинг паст кетиши ё хорланиши бўлиб туюляптими сенга?

– Унақамас, лекин ҳарҳолда... – Зоҳид фикрини очик баён қила олмади.

Солиев: «одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсизлик оқибатларини кўрсатиб туриш керак», деган эди. Дунёнинг нуфузли дорулфунунларида иш-лашга лойиқ кўрилган олим – Кембриж университети фахрий профессорининг оддий бир мактабда оддий ўқитувчилик қилиши адолатсизлик эмасми? Бу адолатсизликни кимга кўрсатиши керак. Бу адолатсизликдан кимлар ибрат олиши керак? Ибратнинг ҳосиласи хайрли бўлармикин?

Зоҳид гапиролмай, чайналиб қолган бўлса-да, устози уни тушунди.

– Кеннайинг ҳар куни маломат қилади. Нима, мен амалпараст Соҳиб Пўлатовга хизмат қилиш учун дунёга келганманми? Қаерда бўлса ҳам фанга хизмат қилиш муҳимроқ эмасми? Айт, тўғриси айт менга!

– Муҳими... Соҳиб Пўлатовга, ҳатто фанга эмас, ҳақиқатга хизмат қилиш зарурроқмикин?

– Ҳа, қойилман! Сен математикани буткул унутиб, милиса сифатида фикрладинг. Укам ўзини ўлдирмасидан олдин «дунёнинг тузилиш формуласини яратдим», деб ҳақиқатни нолга тенглаштирган эди.

– Буни айтган эдингиз. Яқинда Элчин билан гаплашганимда, у ҳам айтди. Лекин...

– Ланжлик қилмай айтавер фикрингни. Милисахонангда бу мавзуда фикр юритадиган ҳамсуҳбатинг йўқдир?

– Милисахонадан кетганимга анча бўлди, прокуратурадаман, – деб изоҳ берди Зоҳид.

– Мен учун бунинг мутлақо фарқи йўқ, – деб, мезбон хатосини тан олмади.

– Укангизнинг формуласи менга ҳам ёққан, лекин ҳосила бир ёқлама бўлиб қолган. Формуланинг бошқа ечимларини ҳам излаб кўриш керак, бўлмаса яшашнинг қизиғи қолмайди. Хуллас, укангизнинг ҳаёт формуласига танкидий ёндашиш тарафдориман, ҳеч бўлмаса, нисбият назариясидан четга чиқмай қаралса, тўғрироқ бўлар.

– Фикрларимизда яқинлик бор: диққат қил-чи, ҳозир исбот этилган нарсалар илгарилари фақат тасаввурда мавжуд бўлганми? Бугун ҳақиқат деб эъзозланаётган қанчадан-қанча нарсалар-чи, то рўёбга чиқарилгунича хурфотга ўхшаб туюлган. Ҳатто бу ҳақиқатлар аввалига масхараланган. Тарихга қараб туриб, ҳар қандай таълимот уч босқичдан, таъбир жоиз бўлса, уч чиғириқдан ўтган, дейиш мумкин. Аввалига, уни «ақлга сиғмайди», деб инкор этадилар. Ҳатто хуруж қиладилар. Кейин бу таълимотда озгинагина ҳақиқат борга ўхшайди, деб тан ола бошлайдилар.



Ниҳоят, унинг ғоят муҳим, оламшумул эканини тан оладилар-у, сўнг «уни мен очдим!», «йўқ, сен эмас, бу менинг кашфиётим!» деб талаша бошлайдилар. Улар обрў талашаётган пайтда бу кашфиётга йўл очган, боши балоларга қолган одам гўрда чириб ётган бўлади... Эслагин-чи, автогенни ихтиро қилган олимни дўстлари масхаралашганми, кашфиёти инкор этилганми? Ўғрилар эса қизиқиб, сотиб олишган. Бир неча ойдан сўнг Лондон банкидаги энг мустаҳкам пўлат сандиқ автоген ёрдамида кесилиб, пул ўмариб кетилган... – Ҳабиб Сатторов баҳсни юмшатиш мақсадида гапни ҳазил оҳангига бурди: – Сен эса кашфиётнинг кадрига етадиган ўғриларни қамайман, деб излаб юрасан. Нисбият назариясини тилга олдинг, дуруст, баҳслашмайман, энди айт-чи, фанга нисбатан олганда ким жиноятчи? Янгиликни инкор этган олимларми ё янгиликка йўл очиб берган ўғриларми? Инкор этувчилар олимнинг бебаҳо ҳаётини ўғирлаганлари учун жазога тортилмайдилар-а? Чўнтақдан ўғирланган ўн сўм учун қамайсан, олимнинг ўн йиллик умрига зомин бўлганга гинг дея олмайсан. Сенинг ҳақиқатинг шуми?

Ҳабиб Сатторов усталик билан мавзуни бошқа томонга буриб юборди. У мактабда ишлашининг бошқалар томонидан муҳокама қилинишини истамасди. Бу масалада олимлар орасидаги дўстларининг танбеҳ беришлари тушунарли, мактаб ўқитувчиларининг ўзаро висир-висирлари кўп ажабланарли эди. «Шундай олим одам мактабимизда ишляпти, фарзандларимизга билим беряпти» деб фахрланиш ўрнига «ишдан нима учун ҳайдалган экан?», «нима учун урилиб кетибди?» деган бемаъни саволларга ўралашиб, бемаъни жавоблар топишлари унинг дилини оғритарди. «Ишдан урилиб» кетиши сабаблари орасида ёш шогирд кизни зўрлашдан тортиб, зўр иқтидорли олимни захарлаб ўлдиришгача жиноятлар балчиғи мавжудлиги ҳам кулгили, ҳам аянчли ҳол эди. Шундай муҳитда

бу олим одам яйраб-кувнаб ишлаяпти, дейилса ким ишонаркин? «Юрган эканман-да, катта даргоҳларга осилиб, мактабда мазза қилиб юрибман», деганига ўзи ҳам ишонмайди. Бирок, бошқаларни ишонтиришга уринади.

Мактабда қандай найранглар борлигини Зоҳид билмас эканми? Енгил масалани ҳам еча олмайдиган ўқувчининг «олтин медал»га асосий даъвогар бўлиши, ўқитувчидан тортиб, директоргача бой ота-оналар олдида паст кетиши билан бу олим муроса қила олар эканми? Мактабда мингта бола ўқиса, шуларнинг нечтасида қобилият бор, нечтасига математика илми керак? Математикани пул санашни ўргатадиган фан деб билувчи нодонлар қанча?

Ҳозир устозининг гапини бўлиб шуларни айтсинми? Ярасини янгиласинми?

Ҳабиб Сатторов худди шогирдининг фикрини ўқигандай, бирдан хомуш тортиб, аввалги мавзуга қайтди:

– Ўқишни ташлаб, бу соҳага ўтиб кетганимда мен сени фанга нисбатан хиёнат қилдинг, деб айблаган эдим. Сезиб турибман, ҳозир сен менинг гарданимга шу айб юкини ортиб ўтирибсан. Лекин янглишасан, сенинг йўлинг чиндан ҳам хиёнат эди, меники ундай эмас. Сенам бошқаларга ўхшаб «Нега чет элга кетмадингиз?» деб маломат қиларсан? Соҳиб Пўлатов мени ишдан бўшатганида бир гуруҳ илмий ходимлар норози бўлиб, Академияга хат ёзишибди. Шунда «бекор қилибсизлар, ўзим ариза бериб бўшамоқчи эдим, Москвага кетаман, бу ердаги ноҳақликлар жонимга тегди», деганимда келиним Хонзода «Московда ҳақиқат бор эканми?» деб киноя қилган эди. Бу ҳақда укам билан ҳам баҳслашиб, «Менга ҳақиқат эмас, илмий иш учун шароит керак», деганимда, «Ҳақиқат йўк ерда шароит ҳам бўлмайди. Масковдаги домлангиз бошингизни силагани билан «кора-кура келгиндилар нонимизни еб кетишяпти», дегувчилар кўп эмасми-

кин?» – деб оғзимни очирмай қўйганди. Ҳозир сенинг ҳам шунақа дегинг келяпти. Тўғри, четга жўнавориш мен учун қийин эмас. Тарихга қарагин, Али Қушчидан тортиб, Хоразмийгача барча энг зўр олимларимиз четга кетаверган, тўғрими? Бунга чек қўйиш зарур эмасми? Ҳеч бўлмаса сен тушун: мен юртим учун керакман.

– Ракибларингиз «юртга мен керакман» деб даъво қилаверса, илм бир ёқда қолиб, ўзаро тортишувларингиз давом этаверадими?

– Бу олишувларнинг охири бор. Телевизор кўрасанми ҳеч? Депутатларинг масала талашиб, муштлашиб кетай дейишяпти-ку? Дикқат қил: советинг чокчокидан сўкилай деб турибди. Сахаров яратган водород бомбасини ишга солмади-ку, лекин ҳар бир гапи бомба бўлиб портляпти. Горбачёвинг бу портлашларга чидаёлмайди. Ана шунда юртга биз керак бўламиз.

Ҳабиб Сатторов шундай деб ўрнидан турди-да, узрли нигоҳ билан меҳмонига қаради:

– Чой кирмади, демак, «учинчи жаҳон уруши»нинг даҳшатли оқибатлари тугатилгани йўқ. Кеннайингга чиқиб, «узил-кесил мағлуб бўлганим ҳақидаги капитуляцияга» имзо чекиб, шунинг эвазига бир чойнак чой дамлаб келай. Албатта, кеннайинг «намунча дарров энгила қолдингиз», деб менга ишонмайди. Шунда Зоҳиджоннинг ўтқир дипломатияси туфайли чекиндим, дейман, сен эса буни тасдиқлайсан.

Зоҳид устозининг бу ҳазилидан мамнун бўлиб, кулганича ўрнидан турди:

– Бу соҳада менинг дипломатик тажрибам йўқ, аралашмай қўя қолай.

– Ҳа, айтмоқчи, ўғриларинг билан дипломатик музокаралар олиб бормайсан-а? Демак, акангни жангу жадал бўҳронларига рўпара қилиб кетаверасанми?

Шу пайт эшик очилиб, мезбоннинг хотини патнисда чой-нон, ширинликлар кўтарганича кириб келди. Зоҳид билан саломлашиб, ёзув столининг бир четини бўшатди-да, дастурхонни тўрт буклаб солди.

– Меҳмонхонага чиқа қолсанглар бўлар эди, – деди эрига қараб.

– Уруш асоратлари тугамай туриб, чиқишдан кўркдик, – деди Ҳабиб Сатторов қувлик билан кўз қисиб.

– Гапингиз курсин, қўйинг, совуқ нафас қилманг, – деди хотин эрига гина қилиб. Кейин меҳмонга қаради: – Зоҳиджон, акангизга насиҳат қилиб қўйинг, қариганда бўлар-бўлмас гапларни гапирадиган бўлиб қолдилар. Бошларидаги «катет-гипотенуза»ларни сал четга суриб, «оила, тирикчилик ташвиши, қизларнинг бахти», деган тушунчаларга ҳам жой берсинлар.

– Хоним, хоним, илтимос қиламан, урушга милсаларни тортманг. Мен енгилганимни тан олиб, ҳузурингизга чикмоқчи эдим, яна тил замбарагидан ўққа тута бошласангиз, фикримдан қайтаман.

Хотин бу кинояларни эшитмагандай, Зоҳидга қараб ҳол-аҳвол сўради:

– Олдин келганингизда адангизни айтувдингиз, оёқлари синганмиди ё беллари чикқанмиди? Яхши бўлиб кетдиларми, ишқилиб Худо шифо берсин...

Шундай деб дуо қилиб чиқиб кетди. Зоҳид устозининг зўри билан бир пиёлагина чой ичгач, тез-тез келиб туришга ваъда бериб, хайрлашди.

«Тез-тез келиб тураман», деди-ю, бироқ, ваъдасига ўзи ҳам ишонмади, устози ҳам. Йилда бир келишини «тез-тез» деб аташ мумкин бўлса, демак, орадан яна ойлар ўтаркан. Яқинлари билан хайрлашув вақтида «тез-тез келаман» деб ваъда берувчилар, ваъдага вафо қилмовчилар ҳаётда кўп. Ваъдасини унутган киши ўша яқин одами билан бир йилдан сўнг учрашгудай бўлса, турмуш ташвишларини баҳона қилади. Кунда, кун ора чойхонадаги ошхўрликдан бўшамайдиган одам ҳам «ишим шунақанги кўп-ки, ўзим билан ўзим ўралашиб қолдим», дейди. Яқин кишиси эҳтимол гина қилар ё эътибор бермас, бу жиддий масала ҳам эмас, муҳими – дийдор Қиёматга қолмаса бас... Зоҳид чой-

хонада валаклаб ўтирмайди, иши чиндан ҳам кўп, баъзан овқатланиш у ёқда турсин, бош қашишга ҳам фурсати бўлмайди. Лекин кўнгил чопса, яқинларини зиёрат қилиш учун вақт топса бўлади. Муҳими – кўнгил!

Дахлиздаги телефондан Саид Қодировга кўнғирок қилган эди, «тезроқ келинг, зарур гаплар чиқиб қолди», деган топшириқ олиб, ишхонасига шошилди.

Зоҳид бу чорловни эшитгач, «ашулачининг ўлимига доир иш бўйича ҳисобот талаб қилишса керак», деб ўйлади. Бу идорада ҳеч қачон «ишни пухта ўрганиб, калаванинг учини шошилмай, адашмай топинг», дейишмайди. «Ишни нега чўзясиз?!» – катталарнинг талаби шу саволга жамланган бўлади. Зоҳид милиция олиб бораётган қидирув ишлари билан танишиб, марҳум ва йўқолган ашулачининг яқин дўстлари билан гаплашди-ю, лекин, содир бўлган жиноят хусусида ҳали аниқ бир тўхтамга келолмади. Шунга қарамай, раҳбарларга айтадиган гапларини тайёрлаб кўйди. Ишхонасига бориб, тўғри Саид Қодировга учрашди.

– Бирпас йўқлигингизга ҳамма ёқни жиноят босиб кетди, – деб, гапни ҳазил оҳангида бошлади. – Ё эшитдингизми?

– Нимани? – деб сўради Зоҳид таажжубланиб.

– Ахлатхонадан яна битта одамнинг жасади топилган, тўғрироғи, дайди итлардан қолган суяклари... Экспертизанинг дастлабки хулосасига қараганда, жасад европа миллатига мансуб одамники, ёши ўттизларда... Шу маълумот етарлими? – Саид Қодировнинг кейинги саволи киноя оҳангида бўлди.

– Маълумот керагидан ҳам кўп, – деди Зоҳид худди шу оҳангда. – Яна ўша ахлатхонами?

– Яна ўша ахлатхона, яна ўша аҳвол, – деб таъкидлади Саид Қодиров. – Энди биз нима қилишимиз керак: ахлатхонадаги дайди итларни отиб ўлдириш ҳақида буйруқ берилган эди, ҳалигача бажаришмабди.

– Сабаби оддий: итларни топишса милтиқни қидиришади, милтиқ топилса, итлар йўқ.

– Бу муттахамларни қаранг: бечора итларни ҳам жиноятга тортишяпти-я! Ҳангомани эшитинг: бир одам машинасида кетатуриб, йўл ўртасида ётган итнинг ўлигини кўрди. У ўзининг итини таниди, машинасини секинлатди, аммо тўхтамади. Ёнидаги ҳамроҳига қараб: «Олапарнинг куни битибди, эрталаб кўринмай қолган эди-я!» – деди. Ит умр бўйи унга садоқат билан хизмат қилган эди. Ўлимига ҳам шу садоқати сабаб бўлди – хўжайинининг ошхонасидан гўшт ўғирлаётган мушукни қувиб бораётганда машина уриб кетди. Итнинг садоқатига хўжайини хиёнат билан жавоб берди. Агар дунё айланиб келиб, бу одамнинг бошига шундай кун тушса, ит хўжайинининг жасадини ташлаб кетмаган бўларди. Европаликлар итни яхши кўришларини биласиз. Уй ичида, ҳатто тўшагида олиб ётадиганлар ҳам бор. Кўчаларда ит билан атай сайр қилгани чиқишади. Лекин Лондонда ит билан қабристонга кириш негадир тақиқланган экан. Яқинда бир одам ўлибди-ю, ити эгасининг қабрига келиб ётиб олибди, ҳеч нима емабди ҳам, ичмабди ҳам. Шу ётишида охири ўлибди. Итнинг вафодорлигидан таъсирланган лондонликлар итларнинг қабристонга киришига рухсат беришибди. Кўрдингизми, уларнинг итлари ҳам маданиятли. Бизнинг дайди итлар прокуратурага керак бўлиб қолар, деб озгина бўлса ҳам ашёвий далил қолдирмай, ўликни ғажиб ташлашади.

Саид Қодировнинг пичингларига жавобан жилмайиб қўйган Зоҳид жиддий оҳангга кўчди:

– Ўликнинг кийимлари қолгандир?

– Ҳа, отангизга балли! Криминалистлар ўрганишяпти. Лекин шими Киевда тикилган, пойабзали Ригада ишланган бўлса, ўзининг изини қаердан қидирамиз? Биласизми, аслида итларга раҳмат дейишимиз керак. Юнусобод томондаги ташландик бино ертўласида икки одамнинг қолдиқлари топилган. Хато гапирмадим, ахлатхонадагига ўхшаган суяклари эмас, суякларнинг қолдиқлари... У ёққа ит кирмаган, мурдаларни икки оёкли жонзот кислотада куйдириб ташлаган.

– Бу ишларни ҳам бизга юклашдими?

– Йўқ, азизим, бизнинг бахтимиз ҳам айнан шунда. Бу билан бошқалар шуғулланишади. Буни мен янгилик сифатида айтдим-кўйдим. Сизга тегишли янгилик бошқа: Дониёр Жасуров деган одамни танийсизми?

– Йўқ... лекин номи танишга ўхшайди.

– Шаҳарнинг бели бакуват казо-казоларидан бири. Демак, Асадбек билан яқинлиги бор. Асадбекни юрак-юракдан севмаса ҳам, ё хизматини қилади ё бир четда мутелик билан қўл қовуштириб туради, – Саид Қодиров шундай деб столи тортмасидан бир сурат чиқариб, Зоҳидга узатди. Унда Асадбек билан қўшқўллаб кўришаётган Дониёр акс этган эди.

– Энди эсладим, – деди Зоҳид, – бу одамни Асадбекнинг тўйида кўрган эдим. Кислотада куйганларнинг биттаси шу эканми?

Бу гапни эшитиб, Саид Қодиров кулиб юборди:

– Қаҳрингиз жуда-а қаттиқ, азизим, – деди ёлғон пўписа оҳангида. – Бу одам куйдириб ташлайдиган даражада хавfli эмас. Уни каламушга ем қилишган.

– Қанақасига?

– Икки сонини чилвирда боғлаб туриб, шимининг ичига оч каламуш ташлашган. Терини салгина тилиб қўйган бўлишса, озгина қон чиққану жониворнинг иштаҳасини очиб юборган. Энди олдинги йилдаги қотилликни эсланг: йўл четидаги дарахтга бир одамни осиб, ёқиб юборишган. Мухими – аввал эркаклигини кесиб ташлашган. Каламуш жазонинг янгича тури эмасми?

– Иккала жиноят битта одамнинг иши демоқчиси?

– Битта одаммасдир, бунда жиноятчи гуруҳнинг қўли борга ўхшайди. Жабрланувчининг ўзи ҳам, хотини, ўғли ҳам бизга арз қилмади. Буни тез тиббий ёрдам врачлари хабаридан билдик. Бу ҳолат ҳам ажаблаларли.

– Кўрқишдими? Кимдан? Асадбекдан, демоқчиси?

– Мен ҳеч нарса демокчимасман. Олдинги иш билан сиз шуғуллангансиз. Жабрланувчини аниқ-ладингиз-у, қотил ҳалигача топилгани йўқ. Жасуровнинг воқеаси билан ҳам қизиқиб кўринг, балки шу томондан йўл очилар?

– Мен Асадбекка тақалаётган ишлар ҳақида кўп ўйладим. Унинг жиноятлари бизга маълум бўлса ҳам, ҳозирча исбот қила олмаймиз. Лекин шаҳарда фақат унинг тўдаси керилиб юрибдими? Жиноят турлари янгиланаётганига қараганда, шайтоннинг янги жиянлари пайдо бўлмаётганмикин?

– Бу фикрингизни инкор эта олмайман. Айниқса, «шайтоннинг янги жиянлари» деганингизга гап йўқ. Бир жойда ўқувдим: шайтоннинг туёғига тақа уриб, устига эгарсиз миниб олганлар Худога сиғиниб, шайтоннинг шарридан паноҳ сўрар эканлар.

Зоҳид бу гапдан кулиб, кўшиб кўйди:

– Бунақаларни кўравериб, найрангларидан куйган шайтон Худога ёлбориб: «эй Худо, шу одамларни яратган экансан, мени яратиб нима қилардинг?» деб нолаю фиғон қилса керак.

– Ҳа, шунақа, кўлга тушган жиноятчиларнинг кўлидан «мени шайтон йўлдан урди», деган гапни эшитганман. Суриштириб қаралса, аслида, унинг ўзи шайтонни йўлдан урган бўлиб чиқади, – Саид Қодиров энди муддаога кўчди: – демак, Жасуров воқеаси билан жиддий шуғулланасиз. Ўзи индамаса, атрофидагилардан гап олинг, сизга ўргатишнинг ҳожати йўқ. Бу масала ҳал, деб ҳисоблаймиз. Ашулачиларнинг иши нима бўляпти? Бугун раҳбарлар мени тикка турғизиб кўйишди. Ҳисоботга арзирли гап борми?

– Ҳозирча йўқ, яна бир-икки марта тик туришингизга тўғри келади. Дастлабки тергов юзаки олиб борилган. Баллистик экспертизада ҳам камчилик бор. Хуллас, кўп ишлар деярли бошидан бошланди. Милициядаги дўстларимиз Илёсбекни дўсти Козимбек ўлдириб, яшириниб юрибди, деган гумонни маҳкам ушлаб олишган, бошқа шубҳа-ю, фикрга



ўрин қолдиришмаган. Уларнинг иш услубини ўзингиз ҳам яхши биласиз: жиноят кодекси қаршисида тирик одам турганини ҳисобга олишмайди. Бу одамнинг руҳий олами, руҳий изтироблари эътибор доирасидан ташқарида қолади.

– Шу ерга келганда ўлчовни жуда тор олдингиз, сал кенгрок бўлаверинг. Жиноятчининг ё гувоҳнинг руҳий оламини ўрганишга уларнинггина эмас, сиз билан менинг ҳам вақтим йўқ.

– Германиядаги, Ҳиндистондаги мутахассислар ўрганишибди, дунёдаги энг даҳшатли жиноятлар Ой тўлишганда, яъни ўн учинчи, ўн тўртинчи, ўн бешинчи кунлари содир этиларкан.

– Бу даъвоингиз энди ортиқча бўлди. Жиноятчини осмондаги Ойга қараб қидириш керак, демоқчимисиз. Қўйинг, бу гапларни. Хўп, Илёсбек билан Козимбекнинг уйига борибсиз, консерваториядаги устозларидан сўраб-суриштирибсиз, кимлардан шубҳангиз бор, шуларни айтинг.

– Яхши... Демак, ҳозирча барча ишлар икки ашулачи йигит атрофида ўрганиляпти. Ҳолбуки, бу икки дўст ёнида Толибжон деган қўшиқчи ҳам бор. Учови калин дўст, учови қобилиятли. Энг муҳими – ораларида бир гўзал қиз ҳам бор.

– Қиз талашиб ўлдиришган, деб ўйлаяпсизми?

– Қизга учовининг муҳаббати бўлган. Лекин у гўзал тушмагур, «Бокудаги халқаро кўшиқ кўригида ким ғолиб чиқса, ўшанга тегаман», деб шарт қўйган. Устозларининг айтишича, кўриқка Илёсбек бориши керак бўлган. У ўлдирилган, дўсти йўқолган, оқибат Толибжон борган-у, ғолибликни қўлга кирита олмаган.

– Гўзалингиз нима дейди, кунини энди шу Толибжон деганига қолибдими, кўнгли бор эканми унга? Ё шартга биноан тегмоқчимиз?

– Гўзалим... «шартни ҳазиллашиб айтувдим, йигитлар ҳам ҳазил тариқасида қабул қилишган, ме-

нинг кўнглим бошқа йигитда, улар билишарди», дейди. Қизнинг йигити бошқа эканини Толибжон ҳам тасдиқлади. Унинг ўзини тутиши, довдираши менда шубҳа уйғотди. Ўзи отмаган бўлса ҳам, қотилликни уюштириши мумкин, деган тўхтамга келдим. Илёмбек ўлдирилмаса, халқаро кўрик Толибжоннинг тушига ҳам кирмас эди. Қизнинг қалбини забт этган йигитнинг касби заргар экан. Бунақа гўзал халқаро кўриklar ғолиби, машхур кўшиқчи йигит турганда заргарни танлашига ҳам унча ишонмаяпман.

– Тушундим, – деди Саид Қодиров, пешонасини силаб. – Милиция ходимлари тиндираётган ҳовуз сувини титиб, баттар лойқалатибсиз-да? Гапингизда жон бор, раҳбарлар олдида ҳали кўп терлашим аниққа ўхшаб қолди.

Бу сафар Саид Қодиров уни буровга олмади. Кунлар ўтиб, раҳбарлар сиқуви кучайса, унинг талаби ҳам бошқача бўлишини Зоҳид англади.

## XVII б о б

### 1

Зайнаб боши берк кўчага кириб қолиб, чиқиш йўлини билмай довдираб қолган одам ҳолига тушган эди. У акасининг ўлимига кимлардир сабабчи эканини биларди. Уларнинг кимлигини тахмин ҳам қиларди, аммо уларга қарши бир иш қилишга ақли етмас эди. У Ҳайдар амакисининг Москвадан қайтишини интиқ кутарди. Бир-икки марта Кесакполвоннинг тантиқ қизи Моникага кўнғироқ қилиб «амаким яхши юрибдиларми?» деб сўради. Моника «да ну его, юрибди где-то ялло қилиб», деб қисқа жавоб бергач, ўзининг янги кийимларию атир-упаларидан гап очиб, уни бездирди. Ҳайдар амакисининг қаерда эканини, қачон келишини фақат отасигина аниқ биларди. Отасидан сўрашга эса

Зайнабнинг ҳадди сифмасди. Суриштириши оқибатида отасидан гап эшитишдан чўчирди. Жамшид ҳам би-лиши мумкин. Лекин... Жамшид билан қаерда гап-лаша олади? Бу ерга, эрининг уйига чакирадими? Тўғри, Жамшид бу ерга келиб-кетиб туради, лекин у билан юзма-юз гаплашиш имкони унда йўқ. Отаси-нинг уйида ҳам Жамшидни кўриб турса-да, бир оғиз сўзлашмоққа журъат эта олмайди. Энди нима қилсин, кўчада гаплашсинми?

Билмайди... билолмайди.

Акаси эса уни қасосга чорлайверади. Тушида эмас, баъзан куппа-кундуз куни ўнгида ҳам пайдо бўлади...

«Наҳот менинг тақдирим ҳеч кимни ташвишга сол-маса?..» дейди алам билан.

Аслида акасининг пайдо бўлиши, қасосга ун-даши Зайнабнинг хаёлидагина рўй беради. Агар Абдуҳамиднинг руҳи чиндан ҳам у билан гаплаша олса эди, синглисидан қасос олишни зинҳор талаб қилмаган бўларди. Зайнаб хаёллари тузоғида қолган кезлари ўзининг қисмати, оиласи осмонидаги ташвиш булутларининг тарқамай туриб олганини кўп ўйлайди. Бунинг сабабларини кидиради. «Буларнинг барчаси ҳаром лукмаларнинг меваси» деган ҳақиқат хаёлини ёритмайди. Балки «буларнинг ҳаммасига адамнинг ҳасадчи душманлари айбдор», деган фикр унга мутлақ ҳақиқат бўлиб кўринади. Кўпроқ отасига тортган қиз онасининг йўлини кўриб турса ҳам, унга эргашини ўйламайди.

Кеча онаси «Худодан узоқлашиш одамнинг бо-шига кўп балолар ёғдираркан, Аллоҳнинг «эй бан-дам, сен менга бир қарич яқинлашсанг, мен сенга бир кулоч яқинлашаман», деган ваъдаси бор экан. Одам саждага бош қўйганида Раббисига яқинлашаркан...» деб насиҳат қилган бўлди. Манзура муҳаббатсиз қалб – тош қалб эканини, Тангри таоло тош қалбларга зинҳор назар солмаслигини эътиборга олмай даъват қилди. Инсон қалби уйини Аллоҳга бўлган ишқи би-

лан тузатмоғи жоизлигини, вайрона қалбини фақат муҳаббат билангина обод этмоғи мумкинлигини илм-сизлиги туфайли тушунтираб бера олмади.

Ўлимнинг муздек лабига бир неча марта лаб тутган, ўлимнинг димоғидан уфураётган совуқ нафасдан эти сесканган Зайнаб, «дунёдаги барча нарсалар заҳарланган», деб яшаётган бу маъсуманинг онаси йўлига ўтиши учун бир-икки даъват кифоя қилмас эди.

Онасининг Худога яқинлашиш ҳақидаги гапи унга қора хотинни эслатди. Кейинги пайтда бу лўли хотинни эсламай қўйганди. Бу кеч онасининг гапи сабаб бўлдимиз, елкасига хуржун ташлаган ўша қора хотин кўзига яна кўринди. Иккинчи марта ўзини осмоқчи бўлган куни шу лўли хотинни кўрган эди. Дастлаб кўчага чиққанида кўрди, бу тиланчига пул олиб чиқмоқчи бўлганида у «менга қаранг, дардингизни олай», деб тўхтатди. Кейин: «Худо денг, дардингиз кетади», деди. Кўчага чиқмасликни тайинлади. Зайнаб қорадорининг хумори тутганда унинг гапини унутди, кўчага чиқди... Оқибатда ўша шармандали ҳол... Ада си «ўзингни ос», деган мақсадда арқон ташлаб кетди... Арқондан сиртмоқ ясаётганда бу лўли хотин уй бурчагида пайдо бўлган эди. «Агар Азроил шу бўлса, ўзимни осмай туриб жонимни осонгина олиб қўя қолмайдимиз? Ўзимни осганимни билган одамлар минг хил миш-миш тўқийди. «Тўсатдан ўлибди», дейилса, «ёшгина жонга жабр бўлибди», деб ачинишади. Азроил бўлса нега тикилиб турибди? Шартта чанг солиб, жонимни суғуриб олавермайдимиз? Ё сиртмоққа осилишимни пойлаяптими? Уйимда осганимда бу хотин кўринмаган эди. Унда ойим кутқариб қолгандилар. Энди... ойим йўқлар...» – деган афсусли ўйлар домидан кутула олмай, қора хотинга қараб: «Сен қанақанги Азроилсан ўзинг! Осишимни пойлаб нима қиласан? Ўлимга рози бўлганимдан кейин оладиганингни олавермайсанми?» – деб бақирмоқчи бўлган, бироқ, овози чиқмаган эди.

Овози чиқмаса ҳам, қора хотин унинг нима демоқчилигини англаб, «ўзингни осиб овора бўлма, сен ўлмайсан, узок яшайсан... Сен Худодан узоклашгансан, ҳар кадаминг билан яна узоклашаверасан, ҳозир ўлим топмоқчимисан? Сенга бунақанги осон ўлим насиб этмайди. Худо узок умр бериб, сени қаттиқ азобларга рўпара қилади...» деган эди. Бу окшом яна ўша уй бурчагида пайдо бўлиб, пичирлади. Зайнаб унинг гапларини эшита олмади.

Элчин ўтирган хонадан радио овози эшитилиб, унинг хаёлини бўлди. Қора хотин ўша заҳоти кўздан йўқолди. Радиодан таралаётган ҳазин оҳанг, сўнг дардли қўшиқ Зайнаб ўтирган хонага ҳам оқиб кирди:

Дилда дардинг, тилда отинг, ёр,  
Қани сенинг диёнатинг, ёр?  
Менга бу қиёматинг, ёр –  
Хиёнатинг, хиёнатинг, ёр!

Зайнаб овоз эгасини таниди – Илёсбек. Қўшиқни ҳам эслади. Икки ойча аввал келганида Илёсбек «устоз, янги ашулангизни мен айтмоқчиман», деб тор чертиб, айтиб берган эди. «Радиога ёздиришга улгурган экан, бечора, балки охириги ашуласидир», деб ачинди Зайнаб. Тор ёнига най ва ғижжак қўшилгани учун қўшиқ янада таъсирли чиққан эди:

Эр киши ҳеч эгиларми, айт,  
Ғам чекмаса, эзиларми, айт,  
Мени ерга тенг қиларми, айт –  
Хиёнатинг, хиёнатинг, ёр?

Қўшиқ тугамай, радио ўчирилгач, Зайнаб хавотирланиб, эрининг ёнига шошилди. Элчин суянчикқа бошини тираганича шифтга тикилиб ўтирар, икки ёноғини ёш томчилари намлаган эди. Хотини киргач, ўзини ўнглади-ю, ёноғини кафти билан артди. Зайнаб овунтирмоқчи бўлиб гап бошласа, уни баттар хижолат

қилиши мумкинлигини фаҳмлаб, ашулани эшитмаган одам кўринишида жавондан нимадир излагандай бўлди. Кейин иккита ликопча олиб, эрига юзланди-да: «ҳозир овқатни сузаман», деди.

Элчин йиғлагани учун хижолат бўлмади. Бу ашула ўзининг руҳан хорланган кунларини эслатган эди.

Бир йил ўтибди...

Беҳол ётган Зайнаб унга мунгли нигоҳини қадаб: «Мен ўзимни ўлдирмоқчи эдим... — деб йиғламсираган эди. Кейин даҳшатли ҳақиқатни айтишга ўзида куч топиб, кескин оҳангда давом этганди: — Жамшид акамни ўлдиришди... Мен Жамшид акамни яхши кўрардим... Худодан яширмагани сиздан яширмайман... Худо жонимни олмади. Болангиз туғилганидан кейин... мени ўлдилинг! Мен... сизга хиёнат қилдим...»

Бу гапларга ишонгиси келмаса ҳам Элчиннинг юраги тарс ёрилиб кетай деганди.

«Ўлдирасиз...»

Бир неча нафас сукут сақлаган Зайнаб энди пичирлаганди. Жонсиз лабларидан учган заиф сўз ўққа айланиб, Элчиннинг юрагига қадалганди.

Ўша тун уйда ёлғиз ўтирганида туғилган эди бу кўшиқ...

Зайнаб бу кўшиқнинг ўзига аталганини билмайдди...

Овқат сузиб келган Зайнаб: «ўтган ҳафта туғридаги кўшнимиз бир коса чучвара чиқарган эди. Чоршанба куни тугун оши қилиб, кўшниларга тарқатилса яхши бўлар эмиш, менам шу одатга риоя қилдим», деб кулимсиради. Зира ҳиди анқиб, иштахани қитиқлаган бўлса ҳам, косаларида овқат қолди. Зайнаб идишларни ювиб, телевизор томоша қилгани ўтирганда чирок ўчди. Шам ёруғида бирпас китоб ўқиган бўлди. Эрининг ўтирган ерида мудраётганини кўриб, унинг аравачадан тўшакка ўтишига кўмаклашди.

Ярим кечаси машина эшигининг қаттиқ ёпилишидан чўчиб уйғониб кетди. Аввалига «тушимда эшитилдимикин», деб ўйлади. Кейин кўча томондан овоз-

лар эшитилгандай бўлиб, ўрнидан турди-да, деразага яқинлашди. Пойлоқчи йигитларнинг машинаси ёнида икки нотаниш одамни кўриб, хавотирланди. Шу онда бир қора машина деразаси қаршисида тўхтади. Зайнабнинг юраги ёмонликни ҳис этиб, телефонга югурди...

Чироқ ўчган... телефон ҳам ишламайди. Машинадаги пойлоқчилар ҳам кўринмайди...

Эрини уйғотишдан фойда йўқ.

Нима қилиш керак? Отаси бекорга хавотирланмаган экан-да?!

Зайнаб бир қарорга келгунича дарвоза очилиб, тўрт-беш йигит югуриб кириб келди.

У бақиришга ҳам улгурмай қолди. Кўзига яна ўша қора хотин келди:

...сен ҳали узоқ яшайсан...

## 2

Субҳи содиқ азони эшитилмай туриб уйғонган Манзура эшикни аста очиб, ташқарига чиқди. У эрини уйғотиб юбормаслик учун шарпасиз юришга ҳаракат қилаётган эди. Ҳолбуки, аввалроқ уйқуси ўчган Асадбек хотинини уйғотиб юбормаслик учун жимгина ётган эди. Манзура ювингани ҳаммомга кирган пайтда тунги сукунат ҳукмронлигини болохонадаги телефон жиринги тўзатиб юборди. Дам ўтмай йигитлардан бири иккала табақаси очиқ турган деразага яқинлашиб, паст овозда «Бек ака!» деб чақирди. Асадбек шарт туриб, деразага яқинлашди.

– Жамшид акам телефон қилдилар, Зайнаб опамникига тез борар экансиз.

Асадбек «нимага?» деб сўрамади. Орқасига қайтди-да, тезгина кийиниб, ҳовлига чиқди. Унгача бир йигит машинани ҳозирлаб, иккинчиси дарвозани очиб турган эди.

Жамшид хожасини кўчада кутиб олди.

– Нима гап? – деди Асадбек зарда билан.

– Ичкарига кирайлик, – деди Жамшид кўркувини яширолмай.

Ҳовлидаги темир сўрида бир йигит чўзилиб ётибди, иккинчисининг боши боғланган, ихраб ўтирибди. Яна иккитаси тик турибди. Асадбек уларнинг саломига алик олмай, уй томон юрди. Ётоқхонадаги каравотда кимдир ҳаракатсиз ётибди, тепасига чойшаб ёпиб қўйилган. Буни кўриб Асадбекнинг ранги оқариб кетди. Тили қотиб қолгандай бўлди: «Ким бу?» деб сўрашга ҳам қурби етмади. Жамшид хожасининг ахволини сезиб, чойшабни кўтарди-да, ётган одамнинг юзини очди. Асадбек унга бир оз қараб тургач, умиди сўнаётган одам овозида сўради:

– Зайнаб қани?

Жамшид айбдор кишининг узра сўрашига ўхшаган овозда жавоб берди:

– Олиб кетишибди...

Бу хабар Асадбекнинг зулмат босиб ётган бағрига янги ханжар бўлиб санчилди. У тақдир қартасининг бу тариқа чийланишини хаёлига ҳам келтирмагани учун довдираб қолди.

– Ким?

Жамшид «билмайман» дегандай елка қисди.

Аламига чидолмаган Асадбек мулозимини уриб юборди. Кутилмаган зарбадан мувозанатини йўқотган Жамшид чўккалаб қолди, йиқилмади. У хожалар томонидан мулозимларнинг жазоланишини кўп кўрган, бироқ, у пайтлар бу вазифани асосан Ҳайдар акаси бажарарди. Аввал муштларди, кейин тепкилаш бошланарди. Жамшид ҳозир тепкини кутди. Бироқ, Асадбек тепмади:

– Қанақа сўтакларни қўйган эдинг?! – деб сўкинди.

– Элчин акам йигитларни ичкарига қўймасдилар... – деди Жамшид, қаддини ростлаб.

Асадбекка бу янгилик эмас, фақат йигитларни ичкари қўймайдиган одам Элчин эмас, қизи Зайнаб эканлигини ҳам ўзи яхши билади.



– Ярим кечада беш-олтитаси бостириб келибди. Элчин акамни аравачасига боғлаб кетишибди. Кутуламан, деб ҳаракат қилганларида бўғилиб қолганларми ё улар ўлдиришганми... ҳарҳолда аравачада осилиб ўтирган эканлар. Милиса чақирайми ё дўхтирми, билмай иккиланиб турувдим.

Жамшиддаги иккиланиш хожасига ҳам ўтди. Бир зум жим турди-да, тақдирга тан берган одам овозида деди:

– Милисани нима қиласан? Таниш дўхтирингни чақир. Зайнаб топилгунча «тирик», деб сақлаб турсин.

– Зайнаб-чи?

– Овоза қилмаларинг.

– Қидиришни бошлайликми?

Аслида «Зайнабни қаердан қидирайлик?» – деб сўрамоқчи эди. Бундай саволга яраша сўкиш эшитиб қолишдан чўчиди. Асадбек унга ўкрайиб қараб:

– Қаердан қидирмоқчисан? – деб сўради.

– Маматбей... шу ерда бўлса, ишни ўшандан бошласакмикин?

– Ҳа, ўшандан бошлайсан. Фақат... қидирмайсан, ўзи келади олдимга. Мен у хунасаларнинг ғирром ўйинини биламан. Сур тайёр турсин. Ҳалимни топиб кел.

Ҳа, у адашмади – Хонгирей ўлгани билан зулм олами ўлмаганини яхши биларди. Моргашнинг телефондаги пўписаси, Балабуханинг огоҳлантириши, Козловнинг ўлдирилиши, Маматбейнинг пайдо бўлиб қолиши... бежиз эмас. Шиддат билан бостириб келаётган қора кунлар сели ўғлининг вафоти билан тўхтагандай бўлган эди. Йўқ, селнинг кучи ҳали қирқилмаган экан. Қора тақдирнинг қора дарёси бир ўлимга тўймадими? Наҳот?!

Хонада сиқилиб ўтиришга тоқати етмаса ҳам, Асадбек сабр қилишга мажбур эди. Қизини ўғирлаганлар шаҳарни остин-устун қилиб ташлашини кутишгандир. Аввалгисида шундай қилган эди.

Унда... бошқача ҳолат эди.

Унда... мавқеи ҳам ўзга мартабада эди...

Энди-чи? Сингани ростми?

Буни ўйлашнинг ўзиёқ дард устига чипқон эди.

Ҳалим келгач, дардли ўйлар исканжасидан кутулиб, аччиқ ҳаёт ташвишларига қайтди. Ҳалим ичкари кириб, одати бўйича хона ўртасига етмай тўхтади-да, «буюринг, хизматингизга тайёрман», дегандай қўл қовуштирди. «Шундай йигитнинг мили-салиги чаток-да», деб ўйлади Асадбек унга бошдан-оёқ разм солиб. Кейин Ҳалимжонни ажаблантириб, ўтиришга таклиф этди.

– Эшитгандирсан? – деди Асадбек, савол назари билан тикилиб.

– Эшитдим, – деди Ҳалимжон зийраклик билан.

– Нима қилиш керак?

– Хонгирей бошлаган ўйиннинг давомига ўхшаш-япти?

– Тўғри сезибсан. Хизматимни қилмоқчийдинг, фикринг ўзгармадимми?

Бошқа ҳолат бўлганида Асадбек «милсангда ишлайвермайсанми?» деб кўрслик қилиши мумкин эди. Лекин ҳозир бунинг мавриди эмас, мазкур маъно сақланиб қолса-да, саволнинг юмшоқроқ тарзда қўйилиши шундан.

– Хизматдан қочмайман.

– Очигини айтай, хали ҳам ишончим тўлиқ эмас, сенга.

– Синаб олишга шароит етилганга ўхшайди.

– Ҳа, етилган... Барнаулга қандай бориб келдиларинг?

– Айтишгандир...

– Айтишди. Фиманинг ўзи келиб-кетди. Шерикларинг ҳақида нима дейсан?

– Тўғрисини айтайми?

– Албатта.

– Улар хали ғўр. Бошида бўш жой кўп, шамол ай-ланиб юради.

– Тўғри англабсан. Кунимиз шунақаларга қолган. Қовоқ каллада шамол айланмаслиги учун пишитишимиз керак.

– Пишитиш қийин бўларов... Уларнинг фалсафасини ўзгатириш керак.

– Яна қанақа фалсафа?

– Сурники жуда ғалати: «Кимнинг пули бўлса – ўшанинг келажаги бор, пули йўқда келажак нима қилсин?» – дейди. Бу фалсафаси яхшиликка олиб бормайди.

Бу гапни эшитиб, Асадбек бир сесканди. Чунки унинг ўзи ҳам бир пайтлар шу фикрда қойим эди. Касали зўрайган пайтда эса «Пулдорнинг аҳволи шуми? Пулдор одамнинг келажаги – кафанми?» деб афсусланганди.

Ҳозир бу фалсафа хусусида фикр юритишга вақти ҳам, тоқати ҳам йўқ эди, шу сабабли муддаога кўчди:

– Энди гап бундай: Маматбей шу ерда бўлса, менинг олдимга ўзи келади. Жамшид билан келишиб, унинг изига одам кўясанлар: юрса – юрларинг, ётса – ётларинг, турса – турларинг.

Ҳалимжон вазифага тушундим, дегандай бош ирғагач, кетишга рухсат тегди.

Асадбекнинг ёлғизлиги бу сафар узок чўзилмади. Кутаётган одами уни пешинга яқин йўқлади. Қорақош эшикни қия очиб:

– Маматбей деган одам сўраяпти, – деди.

Бу хабарни эшитган Асадбек сакраб ўрнидан турди. Меҳмонни бўғиб ташлашга қасд қилгандай бирикки қадам босди-ю, тўхтади.

– Чой ичяптилар, бирпас кутар экансиз, де. Ўзига ҳам чой қуйиб бер, ўпкасини босиб турсин.

Шундай деб илиб қолган чойдан икки ҳўплагина қуйиб ичди-да, жойига ўтирди. Маматбейга сир бой бермаслик учун ўзини босиб олиши керак эди. Суянчикка суяниб, кўзларини юмди. Ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилди. Эпложмади... Кўз олдида қизининг маъюс чеҳраси гавдаланиб туравер-

ди. Бу кўринишни ҳайдашни истамади. Кўз олдига бошқа нарса келтиришга интилса, кизини гўрга тикиб кўядигандай юраги эзилди.

Ўн беш дақиқадан сўнг Қорақошни чакириб, «кирсин», деб буюрди.

Маматбей ҳеч қанақа разил воқеа юз бермагандай, кулимсираганича кириб келди. Асадбек ўрнидан ҳам турмади, сўрашмоқ учун қўл ҳам узатмади, меҳмонни ўтиришга ҳам таклиф этмади. Маматбей бу илтифотсизликни сезмаган одам кўринишида яқинлашиб, стулга ўтирди.

– Чай ичиб ўлдунгми, жан гардашим, Аллах сана чўх гўзал иштаҳа версин.

Асадбек жавоб бермай, ғазабли нигоҳини унга қадаб ўтираверди. Иlico: «Бизнинг бахтимиз зўр душманнинг кўлидан ўлим топиш» деган эди. Асадбек кўзига бир қоп ахлат бўлиб кўринаётган Маматбейдан нигоҳини узмай, «шулар зўр душманми?» деб ижирғанди. Кейин «бу бошни силаш керакми ё кесишми?» деб ўйлади.

Минг тўққиз юз қирқ тўққизинчи йилнинг ўттиз биринчи декабридан бери унинг қалбида бир қасос ўти ёниб-ўчгач, иккинчиси аланга олаверади. Асадбек отасининг қасосини олиш учун яшамай, отасига яхши ном, яхши дуо келадиган ишларни қилгани хайрлироқ эди. Олган қасосидан ким қандай наф кўрди? Отасини олиб кетганларнинг бири осилганида, иккинчиси жинни бўлиб дайдиганидан кейин ҳаёти чиройлироқ бўлиб қолдими? Йўқ! Ҳатто ўзининг қонга ташна синиқ кўнглига ҳам тасалли етмади.

Энди янги қасос гулхани ёниб, ичини куйдирыпти.

Маматбей «аввал сен дардингни айтиб, ёрил, кейин мен гапларимни айтаман», дегандай бамайлихотир ўтираверди.

– Қизим қани? – деди Асадбек тишларини ғижирлатиб.

– Бу ман учун қоронғудир, жан гардашим. Бу хусусда сўз юритмакка манда ваколат-да йўқтур.

– Нимага ваколатинг бор?  
– Сен-да мусулманин, мен-да...  
– Мусулмонликни аралаштирма. Нима демокчи-санлар?

– Жан гардаш, анжак санинг бу аҳволинг ила катта кетмагинг хатарлидир, сўзима кулақ ас.

– Шунақами?! – Асадбек шарт туриб, унга рўпара келди-да, ёқасидан бўғди. Маматбей шунда ҳам тал-васага тушмади. Асадбекнинг сўкишларини индамай эшитди. Ёқасини бўшатишга ҳам, ўзини хорланган ҳис қилиб жавоб қайтаришга ҳам уринмади. Унинг бу қилиғи Асадбекнинг шаштини қайтариб, ёқасини бўшатди. Маматбей шундан кейингина тилга кирди:

– Қизинг қаерда, ман билмиюрим. Иста, мани ўлтур, истарсан, мани гарова ол. Ҳар ики ҳолда-да ютқизик санинг томонингда ўлур. Ютқизмакни истаяюрмисан? Уйлайманки, йўк. Сан Гирейхана муқобил ўлма, на деса десин, сан уни бажар. Санинг ихтиярингда ўзга чара йўқтур.

– Асадбекнинг бўйнини синдириб, гумаштага айлантириш йўлини топдик, деб қувоняпсанларми?! Йўқол!

– Ғазаб ихтияринда ўлмак хатарлидур, гардаш. Сан шартни тингла. Сўнра мани тепиб ҳайда.

– Айт, шартингни, – деди Асадбек, жойига қайтиб ўтириб.

– Шарт санинг учун заҳматли ўлмас. Ҳафта ўн кун орасинда Афгандан бир юк ўтар. Сан уни Термизда қаршилаб, то Қазақстанга ўтгуни қадарли назарингда ушлаб туражаксанки, то ҳеч бир бегана кимсанинг назари душмасун. Гирейхан бу учун сана чўх илтифотлар кўрсатиюр.

– Шунинг ўзими?

– Ҳа, гардаш.

– Олдинги хўжайининг «куч билан битадиган иш учун ҳақ тўлаш аҳмоқликдир», дерди. Моргашнинг

бундан хабари йўқми? Кучларинг кўп-ку, нимадан кўрқасанлар?

– Ҳар бир юмушнинг ўз ҳадиси вордур. Гирейхан мурувватин сан инкор эта кўрма.

– Мурувват, дегин. Сенларнинг ишларингда мурувват йўқ, мажбурият бор.

Ноҳақлик зўр келган онда ҳақиқатнинг ожиз қолиши аниқ. Асадбек ғазаб алангасини босиб, энди арқонни узун ташлашни ихтиёр қилди:

– Моргашга айт, мен бу ердан чикиб, уйимга етгунимча қизим уйида бўлса, шартини қабул қиламан.

– Бу шартинг мақбул ўлмас, гардаш. Санда шарт кўймак ихтияри йўқтур. Юк Қзақстана ўтгани ҳамон қизинг уйингда ўлажак.

Маматбей тўғри айтди: Асадбек ҳозир иложсиз эди. «Ўқ илон»нинг тасарруфидаги оламга чанг солишдан тоймаган куч аҳмоқ эмасдир. Қизни узок шаҳарга олиб кетмаган тақдирда ҳам, яхшилаб яшириш йўлини қилгандир. Икки ярим миллион одам гимираб юрган шаҳарда қизни топиш, игнани излашдан ҳам мураккаброқ эканини билгани учун ҳам иложсиз эди.

Маматбей эса рўпарасида ўқилон эмас, чувалчанг типирчилаётгани каби мағрур ўтирарди.

Асадбекнинг бу ҳолга чидаши қийин бўлди.

Лекин чорасиз эди...

– Қизимни кўйиб юборларинг, ўзимни гаровга олларинг. Сенлар айтган жойда ўтириб, ишларингни битириб бераман. Битирмасам – ўлдирасанлар.

– На ўлди, сана гардаш? Биз сани ўлтурмак истар ўлсак, муаммо йўқ эди. Сан шарт кўя кўрма. Бизим шарта кўнар ўлсанг, қизинг сочидан бир тола ҳам тўкилмас.

– Яхши... жавобини эрталаб айтаман.

– Бу ишинг дуруст ўлмас, жавабин акшам олажакмиз.

– Яхши... унда... ўзинг билган Жамшид билан гап-

лашаверасан. Жамшид бу ишнинг оғир-енгил томонларини билади.

– Бу қараринг чўх гўзал ўлди, гардаш. Ман Ги-рейхана дедимки: Бек гардашимнинг ақли чўхдир, ул Масковдаги гардаши Илико ила гардашлик рабитасин узиб ташлагандир.

Асадбек бу гапдан «Илико билан боғланишга овра бўлма, агар у аралашса, кизингнинг аҳволи вой бўлади», деган маънони уқиб, заҳарли жилмайди:

– Сен тулки жуда сезгирсан-а! Илико билан алоқани узганим рост. Акаси мендан анча қарз эди. «Акам қарздор бўлса, мазорига бориб, ўзидан талаб қил, мен тўламайман», деб туриб олди, туллак. Ишлари орқага кетганми, пули йўқ шекилли? Бунақа одам менга дўст бўла олмайди.

Маматбей бу гапдан қувонган кўринса-да, Асадбекнинг қарорига бир ишониб, бир ишонмай, ўрнидан турди. Стол устидаги қаламни олиб, газетанинг бир четига рақамларни ёзди:

– Телифон нумерам санда-да турсин. Энди биз санинг ила иш бирлиги япажакмиз.

Маматбей чиқиб кетгач, Асадбек кўп ўйлаб ўтирмай, телефон гўшагини кўтариб, Томск билан уланди. «Эшитяпман, гапиринг», деган овоз келгач, ўзини танитиб, «Павел Владимировични чақириб беринг», деб илтимос килди. Ярим дақиқа ўтмай, Балабуханинг овози эштилди:

– Бек, тинчликми? Нима бўлди?

Воқеани баён қилишга Асадбекнинг тили айланмади. У Балабухага шикоят қилмоқчи ҳам, ёрдам сўрамоқчи ҳам эмасди. Ундан баъзи маълумотларни сўраб, аниқлаб олмоқчи эди. Балабуха унинг жим қолганидан хавотирланиб:

– Бирон нохушликка учрадингми? – деб сўради.

– Нохушликка дейсанми? – Асадбек ўзи учун ҳам кутилмаганда хўрсинди. Лекин сир бой бергиси келмай, гапни улаб кетди: – Қизимни ўғирлашди, куёвимни ўлдиришди.

– Моргашми?

– Яна ким бўлиши мумкии?

– Шунга ўхшаган бир ҳайвонлик қилишини кутган эдим. Сени огоҳлантирувдим, хафа бўлмагин-у, ўшанда катта кетувдинг. Хўп, ким ўтган гапни кавласа, кўзи ўйилсин. Нима деяпти у мараз?

– Хонгирей нимани талаб қилган бўлса, унинг дарди ҳам шу – қорадори.

– Шартига кўнишдан бошқа чоранг йўққа ўхшайди.

– Мен дуч келган битлиқига тиз чўкадиган лақма эмасман!

– Мен сени камситиш фикридан узоқман, Бек. Қизингни қандай қутқармоқчисан? Агар уни бу томонларга олиб келишган бўлса, шубҳасиз, ёрдам бераман. У ёқда бўлса... демак, бу ўзингнинг муаммоинг. Яна қандай ёрдам беришим мумкин?

– Бир-иккита маълумот керак менга.

– Нималарни режалаштиряпсан, менга айта оласанми?

– Ҳозирча йўқ. Бугун ва эртага у аблаҳ қаерда бўлишини, атрофидаги одамлар қанчалигини аниқ билишим керак.

– Эшитишимча, у ҳозир Хонгирейнинг дала боғида. Аммо эртага азонда мен билан учрашув белгилаган. Ишончим комилки, учрашувга ўзи келмайди.

– Нега? Кўрқадими?

– Кўркмайди, у тулкига ҳам дарс берадиган айёр. Одамларини менга ташлайди. Балки ҳаммамизни кириб ташлашга ҳаракат қилар. Бек, ўйлаб иш қил, олов билан ўйнашма.

– Ёшлигимда менга «ўқилон» деб лақаб беришганди. Ўқилон ташланса, одамнинг товонидан кириб миясидан чиқиб кетади. Менам бир ташлансам, душманам нафас олишга улгурмай қолади. Шунинг учун ҳам мени ҳамма ҳурмат қиларди.

– Буни биламан, Бек. Лекин у замонлар ўтиб кет-



ган. Агар бу томонларга келадиган бўлсанг, қаерга қўнғирок қилишни биласан. Мен кечгача Москвага етиб бораман.

Асадбек унга «ўқилон»ни бекорга эслатмади. «Ўйчи ўйига етгунча, таваккалчи ўйига етади», деганларидай, ҳозир «нима қилсам экан?» деб машварат курадиган вақт эмас. Рақиб ғолиблик жомини симираётган пайтда унга шундай зарба бериш керакки, товондан кириб, мияни ўпириб чиқиб кетадиган ўқилон ҳам бу тадбир олдида ип эшолмай қолсин.

Асадбек режасини хаёлан пишириб, қатъий қарорга келган пайтда Жамшид кириб келиб, ҳисоб берди:

– Элчин акамни эски касаллари бўйича расмийлаштириб қўйишди. Ўлим ҳақидаги гувоҳномани ҳам шу асосда беришади. Ўликхонадаги одамнинг оғзи маҳкам, гулламайди.

– Ўликхонага қўйдиларингми? – деб сўради Асадбек.

– Касалларнинг ичида сақлаб бўлмайди-ку?

– Йигитларингдан биттаси ўша ердан жилмасин, дўхтирларингга ишониш қийин, бири бўлмаса бири лақиллайди. Маматбей ошнанг келди, мана, телефони, – шундай деб рақам ёзилган газетани у томон суриб қўйди. – Изига тушиб овора бўлмаларинг. Улар ўзларича очик ўйин ўйнашмоқчи. Ҳар қанақа очик ўйиннинг таги ғирром эканини мен билмас эканманми?! Ҳозир Сур, Ҳалим, яна тўртта бакуват йигитинг билан Москвага учаман. Сен шу ерда шай бўлиб турасан. Биз учгандан кейин шу рақамга қўнғирок қилиб, итдан таркаган Маматбейга «хизматингизга тайёрман, Бек акам ҳамма шартларингга розилар», дейсан. «Бек акамнинг шarti кетиб, парти қолган, шунақа зўрлаганларинг ҳам дуруст. Ҳозир иккита лимонад цехи билан тирикчилик қиладиган замон эмас», – дейсанми, хуллас, бошимга ҳар қанақа мағзава ағдаравер. Ҳайдар аканг ўрнимни эгаллаш учун қандай ҳаракат қилган бўлса, ўзингни шундай кўрсат. Термизга бугун

одам жўнатишни талаб қилса, жавоб бериб юборган йигитларингни қайта тўплаб, буйруқларини бажар. Тушундингми?

– Тушундим... Фақат... у ёққа борадиган бўлсангиз... олти киши камлик қилмайдими?

– Етти кишимиз, янглишма. У ёққа пода-пода бўлиб боришнинг ҳожати йўқ. Одам тўплашни Ҳайдар аканг яхши кўради. Сенам ўшанга ўхшайсан. Керак бўлса битта ўзим рўпара келаман у ит эмганларга!

Асадбекнинг бу гапида қатъий ишонч зоҳир эди. У олифтагарчилик учун айтмади бу гапни. Болалигида ҳам, ундан кейинги ҳаёти давомида ҳам «бирга-бир чиқиш»дан қайтмас эди. Ҳатто кавказликлар чақиришганда ҳам чўчимаган эди. Отасини қамокқа олиб кетганлардан бирини топиб, ўч олгани бу ёқдаги кавказликларга маълум бўлгач, унга жазо бермоқчи бўлишган эди.

– Йигирмата йигит душманларингнинг қонига ташна бўлиб турибди. Орқангдан борамиз-у, ҳаммасини бира тўла онасиникига кирғизворамиз!

Кесакполвон шундай деб катта кетганда Асадбек: «Биттанг ҳам бормайсан, сен бугун уларни онасиникига кирғизворсанг, эртага у ёқдаги юзтаси отасиникидан чиқиб келади», – деб унинг шаштини қайтарди.

«Келиб-келиб шулардан кўрқяпсанми?» деган маломатни ўзига олмай: «Қирғин бошланишини истамайман, улар мени чақиришяпти, демак, бир ўзим бораман. Агар ўлдиришса, отам учун ўлган бўламан. Бу ҳам чиройли ўлим», – деди.

Чиндан ҳам ўлимни бўйнига олиб борди. Кесакполвон «Улар билан ҳазиллашма», деб йўлдан қайтармоқчи бўлди. «Мен ҳазилни ёмон кўраман, теппа-тенгига гаплашаман», деб қароридан қайтмади.

– Бу дунёда бирга-бир чиқиб гаплашадиган мард қолмаган, – деди Кесакполвон ўжарлик билан.

– Бирга-бир чиқиб, теппа-тенг гаплашадиган битта одам қолган, валдирама, – деди Асадбек.

– Кавказлигингни айтяпсанми, ўзинг валдирама, унингда мардликнинг «м»си ҳам йўқ.

– Ўзимни айтяпман, кавказлигинг билан нима ишим бор? Йигитларингни тўплаб қўйган бўлсанг, чойхонада ош дамлаб тур, узоғи билан икки соатдан кейин қайтаман.

Марказга жойлашган меҳмонхона орқасидаги да-рахтзорда уни тўрт йигит қарши олди. Тўрттовининг лабларида сигарет, бармоқларида тилла узук, бўйни-лари ва билакларида тилла занжир... Асадбекни ўраб олишиб, «сенам одаммисан?» дегандай беписандлик билан қараб тураверишди. Уларнинг бу қилиғи Асадбекнинг ҳамиятига тегиб, йигитларини бошлаб кел-маганига афсусланди. «Буларнинг уруғини ўйнатиб юборишим керак эди», деб ўйлади. Кавказлик йигит-лар «кимсан, нега келдинг?» деб сўрашмади, у ҳам га-пирмади. Орадан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, меҳмонхона томондан башанг кийинган, қирра бурни остидаги мўйлови ярашмаган бир йигит келиб, Асадбекнинг рўпарасида тўхтади. У ҳам шериклари сингари сурбет-лик билан тикилди. Кейин энсаси қотган одам овозида сўради:

– «Ўқилон» деганлари сенмисан?

– Менман, – деди Асадбек киприк қоқмай унга ти-килиб.

– Айтишларига қараганда, менинг юртимда ада-шиб юрган экансан?

– Юртинг қаерда ўзи? – деб сўради Асадбек дадил овозда.

– Кавказда... Унутдингми? У ерда бир одамни ран-житибсан?

Асадбек унинг нима демоқчи эканини англаб, «кимни ранжитибман?» деб сўрамади:

– Ранжитган бўлсам, сабаби бордир? Бекорга қи-дирмагандирман уни.

– Агар мингта сабабинг бўлса ҳам, бу ҳаром қў-лингги бизнинг одамга кўтаришга ҳаққинг йўқ! –

деди йигит тупук сачратиб. – Унинг бир пайтлар ахлат бўлганини биламиз. Ахлатдан ҳам баттар бўлгани учун ундан нафратланамиз. Бизнинг миллатдан бўлгани учун эса севамиз! Биз миллатдошимизни хорлатиб қўймаймиз, шунга ақлинг етмадими?

– Сенинг ҳисобинг бошқа, меники бошқа: у ўлиши керак эди – ўлди. Мен отам учун қасос олишим керак эди – олдим. Бу ҳисоб-китобнинг ҳеч мураккаблиги йўқ. Менинг ўрнимда бўлганинда ўзинг ҳам шундай қилардинг.

– У отангни ўлдирганмиди?

– Шунақа десам ҳам бўлади. Қирқ тўққизинчи йилда отамни қамаган, отам Сибирда ўлиб кетган. Сен севадиган миллатдошинг жуда кўпларнинг ёстиғини қурутган. Агар сен ҳақиқий кавказлик бўлсанг, ўғлонларнинг оталар учун қасос олиши мутлақ шараф эканини билишинг керак.

– Сени ўжар, ахлоқсиз, деб тўғри айтишган экан. Сендақаларни ўлим яхши кўради.

– Кавказга бориб келгунимча отам учун қасос ололмай ўлиб кетишдан кўрқардим, энди кўрқадиган ерим йўқ.

– Қасос олиб бўлдингми?

– Буниси энди менинг ишим.

– Албатта... албатта... сенинг ишингга аралашингга тоқатим йўқ. Йигитларинг қани, бу атрофда кўринмайди, пистирманг қаерда?

– Ўзимнинг уйимда ўзим пистирма қўяманми? Бир ўзим келдим.

Башанг йигит «ростданми?» дегандай шерикларига қаради, улардан бири Асадбекнинг гапини тасдиқлаб бош ирғаб қўйгач, кулимсиради:

– Бир ўзинг келган бўлсанг... гапни чўзишдан маъно йўқ. Оғайниларимнинг сенга нисбатан бўлган нафратлари чексиз эди. Лекин биз ўғлонлар қасосининг қадрига етамыз. Мардлик қилиб келибсан, биз ҳам мардлик қиламыз, юр, дастурхонимизнинг азиз меҳмони бўл...

Ҳа, ўшанда шундай бўлган эди. Жамшид буни билмайди. Балабуха тўғри айтди: у замонлар бошқача эди. Ҳозиргиларда бунақа мардлик йўқ.

Асадбек қилинадиган ишларни Жамшид билан келишиб олгач, ўрнидан турди. Аэропортга боришдан олдин уйга бирров кириб-чиқмоқчи бўлди.

Ҳовлига қадам босди-ю, шийпон зинасида парижон ўтирган Манзурага кўзи тушиб «билиб қолдимиз?» деган хавотирда тўхтади. Манзуранинг бошидаги рўмоли сирғалиб елкасига тушган, нигоҳи бир нуктага қадалиб қолган эди. Эри келганда пешвоз чиқишга шошилувчи аёлнинг кимирлагиси ҳам йўқ эди.

– Манзур, сенга нима бўлди? – деди Асадбек унга яқинлашиб.

Манзура дардли нигоҳ билан унга қараб, синик овозда салом берди. Асадбек хотинининг юзидаги ғам чизикларига қараб, инграб юборай деди.

– Нега бу ерда ўтирибсан?

Манзура эридан берухсат бир иш қилиб қўйган айбдор хотиндай бош эгиб хўрсинди.

Тонгда таҳорат қилиб чиққунича эрининг шошилиб кетиб қолишидан хавотирга тушди. Намозини қандай ўқиганини ҳам билмади. Юраги потирлаб, ўйнаб кетаверди. Болохонадаги йигитни чақириб:

– Аканг қанилар? – деб сўради.

– Билмадим, шошилиб кетдилар...

Йигитдан тайинли жавоб ололмаслигини билса ҳам яна сўради:

– Ким телефон қилувди?

– Билмадим, меҳмон келибди шекилли...

Тонг отди... Қуёш терак бўйи кўтарилди. Хавотирини енгиш учун таҳоратини янгилаб, чошгоҳдаги нафл намозини ўқиди. Кўнгли бир оз таскин топгандай бўлди. Нонушта ўрнига ярим пиёла чой ичди. Томоғидан бир тишлам нон ҳам ўтмади. Телефон гўшагини кўтариб Зайнабга кўнгирак қилди – жавоб йўқ. Кейин эрига сим қоқди – Қорақош гўшакни

кўтариб, хўжайини меҳмонлар билан юрганини маълум қилди. Бундай гаплар билан безовта она қалбини алдаш кийин. Манзура яна Зайнабнинг рақамини терди... Учинчи марта ҳам жавоб бўлмагач, қизиникига отланди...

Тайинли хабар эшитмаган бўлса ҳам, ҳушидан кетар ҳолида қайтиб, шийпон зинасига ўтирган эди.

– Тур, уйга кир, – деди Асадбек уни билагидан ушлаб.

– Зайнабникига борувдим... – деди Манзура ўрнидан туриб.

– Нега бординг?

– Сиз ҳам борибсиз-ку? Нима бўлди?

– Ким айтди, борганимни?

– Кўшни кўрибди. Эрталаб сал бесаранжомлик бўлганмиш-ку?

– Кўшнилари миш-мишига ишониб ўтирибсанми? Эрталаб қизинг телефон қилувди, куёвингнинг мазаси қочибди. Бориб, касалхонага ётқизиб келдик. Зайнаб эрининг ёнида қолди.

– Қайси касалхонада?

Манзура шундай деб «мени алдаманг», деган маънода эрининг кўзларига маъюс тикилди. Қизи дастлаб ўғирланганида Асадбек хотинини ношудликда айблаган эди. Энди бу хабарни ўзи айтиши керакми? Қайси тили билан айтсин? Яраланган кўнгилни баттар оғритсинми?

Асадбек хотинининг бу қарашига дош беролмай, нигоҳини олиб қочиб, уни захарли оҳангда енгмоқчи бўлди:

– Айтсам, ҳозир учиб борасанми ёнига?

– Ҳеч бўлмаса телефонда гаплашай?

– Шарт эмас. Бугунча безовта қилма, эртага бирга борамиз.

Асадбек хотинини ишонтиргандай бўлиб йўлга отланди.

Манзура дардли жилмайиш билан эрини кузатиб кўйгач, яна шийпон зинасига бориб ўтирди. Алҳол

у ўзини фақат шу ҳовлида эмас, олам аро ёлғиз ҳис қилди.

Бу қанақа ҳаёт ўзи? Худо унга уч фарзанд берди-ю, лекин худди тирноққа зор хотин каби ёлғизлатиб қўйди. Уйда ҳамма нарсаи бор. Бекаму кўст яшашига кўпчилик ҳавас қилади.

Фақат... биттагина бўлса ҳам дардкаши йўқ...

У эрининг алдаётганини билиб турган бўлса-да, эътироз қила олмади. Куёвига эмас, Зайнабнинг ўзига бир нима бўлганини сизди. Манзура оғир дард юкларининг ҳаммоли бўлиб яна қанча яшашини билмасди. Бунақа юкнинг эзиб туришига ҳеч бир она чидамаган, Манзура чидай олармиди? У ўзига аталган ташвиш сандиғини тўлиб-тошган деб ҳисобларди, эрини кузатиб, ўйлаб қараса, бу сандиқда ҳали бўш жой бордай туюлди.

Кимнингдир елкасига бошини қўйиб йиғлагиси келди.

### 3

Асадбек ўтирган машина унинг вужудини олдинга сураб, ҳаёли эса ортда қолаётган уйда, паришон чехра билан кузатиб қолган хотинида эди. Жон вужудини тарк этмоқ истади. Дард қуртлари емириб адо қилаёзган тана елпиғич каби тебрана бошлади. Ҳозир дардга бўйин бериши мумкин эмасди: чуқур-чуқур нафас олиб, енгил тортгандай бўлди.

Самолётнинг олд бўлмасидан ёнма-ён жой олдилар. Ҳалимжон хожасининг одатини билгани учун тарбияли мўмин боладай жим кетди. «Атрофда хатар йўқмикин?» деган мақсадда дамо-дам олазарак қараб қўйиши назарга олинмаса, тек ўтирди. Ахтам ўриндиққа ташлаб қўйилган кўп саҳифали русча газетани варақлаб, у ер-бу еридан чўқилаб ўқий бошлади. Асадбек бошини суюнчиққа тираб кўзларини юмди. Бир маҳал Ахтам Ҳалимжоннинг биқинига тирсағи билан туртиб, гапга солди:

– Мана буни эшит: Хитойдаги зилзилада қирқ минг одам ўлибди. Яна қирқ минги бедаракмиш. Саккиз кун давомида босиб қолган уйи тагида қолган бир юз саккиз ёшли кампир тирик чиқибди! Сувсиз, овқатсиз саккиз кун яшаганмиш. Минг-минглаб ёшлар ўлиб кетганда бу кампирнинг тирик қолиши ҳаётнинг адолатсизлиги эмасми?

– Адолатсизлик эмас, – деди Ҳалимжон паст овозда. – Қирқ йил қирон келса, ажали етган ўлади.

Бу гапларни Асадбек ҳам эшитди. Кўзларини очмаган ҳолда «ўчирларинг», деди. Ҳалимжон «жим ўтирсанг ўлармидинг, гапингга жавоб қайтарган мен аҳмоқ!» дегандай Ахтамга норози қиёфада қаради-ю, бошини бурди. Ахтам эса газетани тўрт буклаб, оёғи остига ташлади-да, суянчиқни пастлатиб, ястаниб олди.

Кўзлари ярим юмуқ Асадбек гўё воқеликдан тамоман узилгандай эди. Хавотирли ўйлар ҳукмига ўзини топширган одамнинг аҳволи ачинарлими ё дўзах ўтида куяётганникими – буни аниқлаш мумкин эмас. Ўйларнинг бири ёғоч қурти сингари миясини қирчиса, бири чўғ бўлиб товонини куйдирса, бири илон каби қўйнига кирса, яна бири сиртмоқ бўлиб бўйнига осилса, бошқаси эса ўргимчак тўрига айланиб, қўл-оёғини чирмаб ташлаган бўлса, қаердан, қандай чора ахтарсин? Москвада камалиб қолган ўғилларини чиқариш учун учганида ҳам худди шундай аҳволда – оташ чўғлар узра ялангоёқ югургандай бўлган эди. Ўша сафар чоғида ўттиз йил олдинги бир фарёд қайта уйғониб, вужудини тилкалаб ташлаганди. Ҳа, қизи бадном бўлган хотин қарғаган кезде ҳали Зайнаб туғилмаган эди. Қалб фарёди билан отилиб чиққан қарғишнинг ўлмас экани, йиллар чиғириғидан ўтиб келиб, кутилмаган онда тақдирга чанг солишини ўшанда билмаган эди.

«Худодан қайтсин!» – хотиннинг фарёди эди бу.

«Худодан қайтибди... Сен зўрлаган қизларнинг



хам ота-оналари бор эди...» – ошнаси Жалилнинг шафқатсиз хулосаси шу эди.

Ҳозир Москвага учаётган онда бу фарёд яна момақалдироқ сингари гумбурлаб, вужудини титратиб юборди. Жалилнинг овози гумбурламади, аксинча, висирлаб, томир-томирларига сингиб, қақшатди. Ҳаммаҳаммаси ўшандаги даҳшати билан яна кўзига игна бўлиб санчилди.

Худодан қайтибди...

Бу қулоғи остида жаранглаган овоз эмас, балки юзга урилган ўлим нафасидай туюлиб, баданига муз югурди.

Зайнаб ўғирланганда Жалил айтган бу гап йил давомида унутилмаган, дарахт илдизига тушган курт сингари юрак томирларини кемириб ётган эди. Гарчи ўшанда «Менинг маишат қилганимни кўрганмидинг?!» деб баланд келишга уринса-да, фақат ўзи-ю ва Аллоҳгагина маълум бўлган қилиқларини эслаб, бу хулоса рўпарасида ич-ичидан таслим бўлган эди.

Ҳозир...

Жалилнинг овози эшитилгач, энди ўзи кўринди...

Кўзларида ғазаб учкунлари бор...

Киприк қоқмай яна гап бошлади:

– Ўтмишда ўтган донишмандлар чиройли безатилган дунёни шайтоннинг дўконига ўхшатишган. Ким бу дўкондан бирон нарса олса, то ҳақини тўламагунича шайтон ҳоли жонига қўймайди. Тақдирдан нолима, безакларга маҳлиё бўлиб, бу дўкондан кўп нарсалар олиб қўювдинг, қизингнинг номуси, ўғлингнинг жони билан ҳақ тўладинг. Эҳтимол, тўловларингнинг яна чаласи бордир. Шайтоннинг иши шунақа, ҳақини пул билан олмайди, унга банданинг ғамли кўз ёшлари керак, қонли кўз ёшларидан эса ҳузурланади. Шунини билмай қолдинг. Эсингдами...

– Бўлди, бу гапларингни ҳадеб такрорлайверма, ундан кўра дуо қил, боламини Худо асрасин!

Ҳалимжон хожасининг пичирлаб айтган бу гапини

эшитиб, унга қаради-да, «уйкуда алахсираяптилар», деб ўйлади.

Самолёт Домодедово аэропортига кўниб, ташқарига чиқишганда дим ҳаводан кўнгиллари беҳузур бўлди. Икки кун ёққан ёмғирдан сўнг кун бўйи қуёшнинг қиздириши натижасида ердан кўтарилган намлик шаҳарни эгаллаб олган, қуёш ботган бўлса-да, бу намликни тарқатиб юборишга қодир шабада эсмаётган эди.

Асадбек шу ернинг ўзидан Балабухага кўнғирок қилди:

– Ҳалиги маълумотда ўзгариш йўқми?

– Йўқ. Ҳозир бир одам сенга яқинлашади. Нима дейишини биласан.

Қисқа гап тўсатдан узилди. Асадбек ким келар экан, деб атрофига аланглади. Шу пайт унга бўйдор малла йигит яқинлашиб: «Балабуха аксирмай кўйди», деди-да, жавоб кутмай, кўча томон юрди. Ахтам ҳам, Ҳалимжон ҳам Барнаулда кутиб олиб, ҳамроҳ бўлган бу йигитни танишди. Ахтам тез-тез юриб бораётган хожасига яқинлашиб: «ишончли йигит, бизни Фиманикига шу олиб борган эди», деди. Асадбек гапни эшитмагандай кетаверди, унга ҳатто бир қараб ҳам қўймади.

Майдончада турган «РАФ»га чиқишлари билан, машина тез кўзғолди. Аэропортдан узоқлашишгач, ҳайдовчининг ёнида ўтирган йигит орқасига ўгирилиб, Асадбекка юзланди:

– Мижозингиз ҳозир Шаховскойда, икки соатлик йўл. Район марказида битта «Запорожец» билан «Москвич»га ўтамиз. Ўрмонга кираверишда «КамАЗ» кутади.

– «КамАЗ»нинг нимага керак? – деб сўради Асадбек.

– Темир дарвозани очиб беради.

Асадбек эҳтиёт чораларини эшитиб, Балабуханинг ниятини тушунди: «Демак, Моргашни йўқотишни

мўлжаллаб кўйган экан, у пишириб кўйган ошни мен сузиб оламанми?» Ҳозир Балабуханинг мақсадини мушоҳада қилиб ўтирадиган вақт эмасди. Асадбек темир дарвозадан ўтгунига қадар ихтиёри шу йигит кўлида эканини англади.

– Ярим соат вақтингиз бор. Эрталабки рейсда Ленинградга учасиз. У ерда уч соат бўлиб, кейин уйингизга қайтасиз.

Агар бу гапни Балабуханинг ўзи айтганида Асадбек: «эҳтиёткорликни оширвординг, Масковдан тўғри учавераман», деб эътироз билдирган бўларди. Бу йигит ижрочи, хўжайини нима деган бўлса бажаради.

Шаховскойга етишганда машинадан тушмай туриб, малла йигит ён чироқни ёқди-да, чўнтагидан тўрт букланган қоғоз чиқариб, ёйди:

– Эслаб қолинглар: бу Хонгирейнинг қароргоҳи. Моргаш ҳамма хоналарнинг чироғини ёқиб кўяди. Ётоқда ҳам, меҳмонхонада ҳам ётмайди, қазноққа жой қилиб олган. «КамАЗ» дарвозага урилиши билан, мен ошхона орқали ўтиб, ўша қазноқни оламан, сенлар, – шундай деб Ахтам билан Ҳалимжонга қаради, – ётоқ билан меҳмонхонани босасанлар. Пойлоқчилар буларники. Бир шартни унутмаларинг: бу ер Барнаул эмас, ўзбошимчалик қилмайсанлар.

Уларнинг қисқа ва кескин тарзда айтилган буйруққа сўзсиз бўйсуннишдан ўзга чоралари йўқ эди. Ҳалимжон билан Ахтамга кимнинг буйруғига итоат этиш фарқсиз эди, Асадбекка эса оғир ботди. Малла йигитнинг сўзини бўлди:

– Энди сен ҳам эшитиб ол, – деди Асадбек унга амр оҳангида: – «КамАЗ»нинг керакмас, дарвозани бузмай, шовқинсиз оламиз.

#### 4

Моргаш Козловни ўлдиртириб, ўғрилар оламидаги мавқеини кўтаргандай бўлган эди. Кейинги кун-

лар ичи Ҳамзатбей ҳам, бошқалари ҳам унга индамай қўйишди. Ҳатто Балабуха қўнғирок қилиб, иноқлик билан ишлашни таклиф этди. Моргаш бу таклифга ишонқирамай, уни Москвага чақиртирди. Аввалги куни Бугай билан ҳаммомда учрашди. Яқиндагина кўз ёши қилиб юрган Бугай Хонгирейнинг ўлиmidан кейин катта гапирадиган бўлиб қолган эди. Хонгирей унинг шохини қайириб қўйган эди, Моргаш бира тўла синдирмоқни қасд қилди.

– Бугай, Хонгирей ўлмаганидан хабаринг борми? – деди у салом-алиқ ўрнига.

– Бизнинг ишимизда ҳеч ким ўлмайди, – деди Бугай.

– Хонгирейга фойданинг йигирма фоизини ваъда қилган эдинг-а?

– Адашдинг, беш фоизга келишганмиз.

– Хотиранг пасайиб қолибди, Бугай. «Орхидея»ни очганингда Хонгирей сендан ҳеч нима талаб қилмади. Четга темир чиқармоқчи бўлганингда йўлни сенга ким очиб берди? Хонгирейга йиғлаганинг эсингдами? Тўғри, сен беш фоиз бермоқчи эдинг, лекин Хонгирей йигирмани сўради. Охири, сенга раҳми келиб, ўнга рози бўлувди, а? Кеча Хонгирей ўликхонамга телефон қилиб, «ўшанда бекорга раҳмдиллик қилибман, айтиб қўй, фойданинг йигирма фоизини берсин», деди. Гапига ишонмасанг, ўзинг учраш унга.

– Оширишнинг иложи йўқ, вазият ўзгариб, харажатлар кўпайди, бир тийин ҳам қўша олмайман.

– Гапинг тўғри, вазият ўзгарди, менинг харажатларим ҳам кўпайди, шунинг учун йигирма фоизни тўлаб қўясан. Ўзинг биласан, мен ўликхонада ишлаб юрган одамман. Ўликни ечинтириб оладиган одам Хонгирейга ўхшаган раҳмдил бўладими? Ўликхонамда жой кўп... хоҳласанг, бориб кўр. Кўмадиганлари ҳам бор, куйдириб юборадиганлари ҳам бор. Кўнглингга қараб, танлайверасан. Красноярскдаги Козёлни биларминдинг? Эшитгандирсан? У крематорийдан кўрқар экан, кўма қолишибди.

Табиатан кўрок бўлган Бугайга шу гапларнинг ўзи кифоя эди. Унинг ваъдасини олган Моргаш кувониб, Хонгирейнинг Шаховскойдаги қароргоҳига жўнади. Балабуханинг масаласини шу ердан туриб ҳал қилмоқчи бўлди. Крот Маматбей билан Красноярга бориб, Козловни ўлдиргач, унга бўлган гумони таркагандай бўлди. Унинг амрига биноан Маматбей Тошкентга, Крот эса Томскка учди. Иккови ҳам вазифани ўринлатди. Бу ёғи хотиржамлик...

Фақат бир нарсада янглишди: қиморда кўп ютқи-задиган Крот унга эмас, Балабухага хизмат қилишни афзал кўрди.

Балабуханинг малла йигити Асадбекка тўғри маълумот берган эди: Моргаш эҳтиёт чораси сифатида қароргоҳдаги барча чироқни ёқтириб қўйиб, ўзи қазноқда тунарди. Ярим кечаси йигитларини Балабуха билан учрашувга жўнатгач, бу тунни ўзига бахт келтиришига ишонгани учун қазноққа тушмай, ётоқдаги партўшакда керилиб ётди.

Биров «ҳаёт нима?» деб сўраган тақдирда «маза қилиб яшаш» деб жавоб қайтарувчи бу нодон ҳаётидаги сўнгги тунни ўғирлаб адо қилаётганини билмасди. Ҳаётнинг туғилиш онидан бошлаб ўлим паккасига қараб жону жаҳди билан югуришдан иборат эканини сира ўйлаб кўрмаган одамдан яна қандай жавоб кутиш мумкин? Барчани ўлим билан қўрқитувчи бандасига охир-оқибат Парвардигор қандай мукофот берарди...

Ширин туш кўраётганда бир шарпадан уйғонди. Шошилиб ёстиғи остига қўл юборди-ю, тўппончани олишга улгурмади. Аввал жағига қаттиқ мушт тушиб, гангитди, кейин бўғзига пичоқнинг ўтқир тиғи тиралди:

– Жон ширин бўлса, қимирлама!

Овоз қай томондан келаётганини билиш учун аланглади. Бўғзига пичоқ тираган Ахтамнинг орқасида турган Асадбекни кўриб кўзларига ишонмади. Бир неча соат олдин Маматбей кўнғироқ қилиб:

«Ўқилон»ни чувалчангдай эзиб ташладим, ҳамма шартларимизга кўнди. Ҳатто юкни ўзи орқалаб ўтишга ҳам рози», деган эди. Чувалчангдай хорланган одамнинг кутилмаганда бу ерда пайдо бўлиши эртак ўрнида баён қилинса, биров ишонмайди. Лекин... Моргаш ишонишга мажбур. Чунки рўпарасидаги «ўқилон» эмас, нақ ўлимнинг ўзгинаси эди!

– Умрингдан бир дақиқаси қолди. Аклинг бўлса, узайтирасан, бўлмаса Хонгирейнинг олдига бекафан жўнайсан.

Бу дағдағадан Моргаш саросимага тушмади. Аксинча, кулимсираб, кўришмоқчи бўлгандай Асадбекка кўл узатди:

– Гап йўқ, Бек! Қойилман! Ҳеч қанақа гап-сўзсиз таслим бўламан! Сен мутлақ ғолибсан! Мен келишингни билардим, фақат Балабуха билан бирга бўларсан, деб ўйлаб хато қилибман. Омадинг бор экан, Бек. Ҳозир у ерда менинг йигитларим мўъжиза яратишяпти. Учрашувни бекорга соат тўрт-у ўттизга белгиламадим. Худди шу пайтда мен роппа-роса қирк ёшга тўламан. Йигитларим менга қиркта аҳмоқ каллани кесиб совға қилмоқчи бўлишибди, сенинг ақлли бошинг буларнинг ичида бўлмайди, шунисидан хурсандман. Юбилейимни сен билан бирга нишонлайман, энг ардоқли меҳмоним бўласан. Ҳайдар ошнанг Хонгирейга тилла ҳайкалча совға қилган эди. Сенинг келишингнинг ўзи менга катта тухфа. Ҳозирнинг ўзида ташвишли масалангни ҳал қилиб бераман. Сен мендан ранжима, биз кизингни ўғирламадик, бу шунчаки ҳазил эди, Маматбейни биласан-ку, йўнилмаган таёққа ўхшайди, ҳазили шунақа кўполроқ бўлибди. Ҳозирнинг ўзида унга кўнғироқ қиламан, суюкли кизинг ярим соатда уйингда бўлади.

Шунча гапдан кейин ҳам бўғзидаги пичоқ олинмади. Асадбекнинг қаҳрли қарашида муроса сезилмади:

– Гапириб бўлдингми? Энди кизимнинг қаердалигини айт.

– Ўзим кўнғирок қила қолай.

– Ярим дақиқа вақтинг қолди. Маматбей йўнилмаган таёқ бўлса, бу бола ўткир ханжар, қўли қалтирамайди.

– Бек, сен билан талашадиган мулким йўк, биргаликда гўзал ҳаёт кечиришимиз мумкин.

– Сен ҳозир ҳаётингни сақлаб қолишни ўйла. Қирк ёшингга қирқта калла совға олмоқчимидинг? Илико билан Бугай Балабуханинг ёнида томоша қилиб тургани йўк. Йигитларинг ўттиз тўққизта чиқса, қирқинчи калла ўзингники бўлиши мумкин.

Асадбек Илико билан Бугайни тахминан айтган эди. Моргаш бунга ишониб, бўшашди, энди Асадбекдан марҳамат кутиб қаради:

– Мен сен билан ҳеч нарсани талашмайман. Юкни олиб ўтишимга ҳалал бермасанг бўлди.

– Сен менга шарт қўйма. Маматбей кеча менга «шарт қўйиш ихтиёринг йўк», дедди.

– Бўпти айтаман: «Грек шаҳарчаси», деган жойларинг борми? Ўша ерда Нилуфар кўчаси бор. Номини чиройлилигини қара-я! Шу кўчадаги ўн учинчи уй.

Асадбек телефон томон юрди, унинг ўрнини Ҳалимжон эгаллади.

– Сени танидим, – деди Моргаш унга қараб, – Наркобаронга мол олиб бориб ишни пачавасини чиқарган эдинг-а? Биз жонингни сақлаб қолган эдик.

Ҳалимжон кар-соков одам сингари индамай тураверди.

Асадбек Жамшид билан боғланиб, манзилни айтгач, «борган жойингнинг телефон рақамини ўзинг билган жойга маълум қилиб қўй», деб топшириғини эслатгач, жойига қайтди.

– Сен менга бир дақиқа ҳаёт инъом этмоқчи эдинг, билишимча, яна ярим соат қўшасан шекилли? Лайчаларингни ол, мен сени алдамадим. Ўтириб, хотиржам гаплашиб олайлик. Агар менинг йўлимга юрсанг, иккаламиз дунёнинг энг бой одамларига айланамиз.

– Қўлларини боғлаб, оғзига пайпоғини тикиб кўйларинг, вайсайвермасин, – деди Асадбек Ҳалим-жонга қараб.

– Бек, сен аҳмоқ одам эмассан. Зўрлар бир-бирлари билан ёвлашмаслиги керак. Бу оламни бошқаришга фақат иккаламиз ҳақлимиз...

Моргаш бошқа гапиролмади. Асадбекнинг амри ўша заҳоти бажарилди.

– Битта одам бошқариши мумкин бўлган оламда иккинчи одам нима қилади? – деди Асадбек. У энди ўз зулмининг тантанасидан қувонган ғолиб овози билан гапирди: – Сен паст кетдинг. Хўжайининг тахтида бир ўзинг ўтирмақчи эдинг. Сен Хонгирейнинг сояси эдингми? Соя тахтда ўтира олмайди. Хўжайининг «Машина яхши юриши учун мурватларини алмаштириб туриш керак», девди. Сен мурватликка ҳам ярамайсан. Хонгирей ақлли гапларни кўп гапирарди Охирги учрашувимиздамикин, «битта ўлик сикқан гўрга иккитаси ҳам сиғади», деган эди. Шу ростмикин?

Бу гаплар Моргашнинг кўркувдан потирлаётган юрагига камон ўқлари каби санчилиб, баттар талвасага солди. Гўё мушукники сингари кичкина гавдасига қафасдаги йўлбарс ғазаби жойлашиб олгандай бўлди. Жавоб беришга, ўзини оқлашга ожизлигига чидолмай, тўлғонди. Унинг бу аҳволига қараб Асадбекнинг ичидан шайтон қаҳқаҳа отиб юборди.

– Эсингдами, «Оқ сурпга ўралиб, қироллигимга меҳмон бўлиб келишдан олдин мен билан дўстона равишда, тирик ҳолингда учрашишни ният қилавер», деб таклиф этган эдинг. Энди таклифингдан ўзинг норозига ўхшайсан-а?

Асадбек деворда осиглиқ турган қиличлар, турли ханжарларга кўзи тушиб, яқинлашди-да, кумуш сопли қилични қўлига олди. Одамзоднинг ишлари ажабланарли: чолғу асбобларини садаф билан безашига тушуниш мумкин, нафислик, назокат акс этиб туради. Инсон қонини тўкиш, жон олиш учун ясалган қуролни



безашдан мақсад нима экан? Асадбек қилични салмоқлаб кўриб, яна Моргашга яқинлашди. «Мени чопиб ташлайди шекилли?» деб ваҳимага тушган Моргашнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. Айниқса, кўкрагига қилич тиғи тиралганида ҳаётдан умидини узди. Лекин Асадбек тиғни тиради-ю, ботирмади.

– Хонгирейнинг итдай хор бўлиб ўлганини эшитганимда қувонишим керак эди. Ҳарҳолда сен шундай деб ўйловдинг. «Хонгирейнинг ўлими муносабати билан бошлаган байрамнинг адоғига етдими ё ҳали ҳам давом этяптими?» – деб сўровдинг, а? Сен янглишган эдинг, Хонгирейнинг ўлими менга қувонч эмас, алам берди. Чунки унинг ифлос пешонасига битта ўқни ўз қўлим билан қадашни истаётган эдим. Соясини чопиб ташлаганим билан кўнглим барибир ором олмайди. Сен хўжайинингни кўрганингда гапимни етказ: мен у билан дўзах гулханида учрашсам ҳам, барибир юрагини суғуриб оламан.

Асадбек шундай деди-да, хона бурчагида турган одам бўйи баравар келадиган нақшли кўзага қаради. Кўза ўртасига Хонгирейнинг қулиб турган сурати туширилган эди. Суратдаги Хонгирей унга гўё «ҳеч қачон бу мақсадингга ета олмайсан», дегандай бўлди. Асадбек кўза томон икки қадам ташлади-ю, қилични боши узра кўтариб, кўзага зарб билан урди. Зарб бериш чоғида йўлбарс каби ўқирдики, ҳатто йигитлари ҳам сескандилар. Асадбек кўза парчаларини тепкилаб, майдалаб ташлади. Унинг ҳаракатларини Моргаш кўрқув билан, йигитлар эса хавотир билан кузатиб туришди. Ҳеч ким унга яқинлашмади, «қўйинг, ўзингизни босинг», деб қўлидаги қилични олмади. Йигитларнинг бундай қилишга ҳаддилари сиғмасди.

Орадан ярим соат ўтгач, Асадбек ўзи билган телефонга кўнғироқ қилиб, «Менга хабар борми?» – деб сўради. Уч дақиқа олдин шу телефон билан боғланган Жамшид фақат Асадбекнинг ўзигина тушунадиган рақамларни билдириб қўйган эди. Асадбек шошилиб, титроқ бармоқлари билан рақамларни терди. У томон-

да гўшак кўтарилиб, Жамшиднинг овозини эшитган заҳоти умид билан:

- Нима гап? – деб сўради.
- Алдамабди, ҳаммаси зўр бўлди, хавотирланманг.
- Зайнаб яхшими?
- Яхши, сал кўрқибди. Ҳозир ўзига келиб қолди.
- Эрини айтма. Ўзи қани?
- Ҳовлида ўтирибди, чақирайми?
- Чақир...

Зайнаб титроқ овозда салом берди, гўё унинг иссик нафаси Асадбекнинг юзини майин силагандай бўлиб, кўнглидаги дардларни қува кетди.

– Опоқмисан, жон қизим?

– Яхшиман, адажон... Ҳозир ойим билан гаплашдим, хавотир олманг, дедим.

– Ақлли қизим... яна менинг касримга қолдинг... мени қарғамагин, жон қизим.

Ўзини кизининг қарғишига лойиқ деб билган Асадбек бу гапни юракдан чиқариб, йиғламсираб айтди. Агар Зайнаб бераҳм киз каби отаси томон лаънат тошларини отганида ҳам, Асадбек бош тутиб берган бўларди. Бирок, Зайнабнинг тилидан шафқатсиз сўзлар учмади:

– Унақа деманг, адажон, ўзингизни эҳтиёт қилинг, – деди меҳрибонлик билан.

– Сен хотиржам бўл, жон қизим, мен буларни тинч қўймайман.

– Йўқ, йўқ! – Зайнаб баланд овозда шундай деб юборди-ю, жимиб қолди. Бир неча нафасдан сўнг босиқлик билан гапирди: – Адажон, унақа деманг, ҳеч кимга тегманг.

– Бу ҳаромиларнинг қонини ичган одам савобга қолади.

Асадбек «Акангни ўлдирганлар ҳам шулар, хунини олмагунимча тинчимайман», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди. Зайнаб унинг ниятини англагандай яна бир оз жим турди-да, ялиниш оҳангида гапирди:

– Адажон, тегманг уларга. Ўлим улар учун нажот бўлади.

Асадбек эслади: қизи олдин ҳам шудай деган эди. Ўшанда ҳам унинг ниятини тушунмаган эди, ҳозир ҳам. Зайнаб эса йиғисини қайтармоқчи бўлгандай яна сукут сақлагач, давом этди:

– Жазоларини Худо беради, сиз соғ-омон қайтинг. Набирангиз қон устига туғилмасин...

Зайнаб яна жимиб қолди. Асадбек у ҳовлида бир неча одам қонига беланиб ётганини билмагани учун кизининг аҳволига тушунмади.

Бир оздан сўнг Жамшиднинг «Бек ака» деган овози эшитилди.

– Маматбейни кидириб топларинг, – деди Асадбек катъий оҳангда.

– Кидиришимизнинг ҳожати йўқ. Ана, ҳовлида ётибди, – деди Жамшид.

– Нимага?

– Юраги чаток экан, кўркқанидан ёрилиб кетди шекилли?

– Бу ёғига зийрак бўл, нима қилишни ўзинг биласан.

Асадбек гўшакни жойига қўйгач, йигитларига қараб, «бўлди, кетдик!» деди.

Моргашнинг ёнидан жилмай турган Ахтам:

– Буни гумдон қилайми? – деб сўради.

– Ўзига тегма, уйга ўт қўйларинг.

Асадбек шундай деб чиқди. Ахтам унга эргашиб, икки қадам босди-ю, ишни чала ташлаб кетгиси келмади. Чўнтагидан рўмолчасини чиқариб, Моргашнинг ёстиқ остидаги тўппончасини олди. Сўнг бошига ёстиқ ташлаб, ўқ узди. Моргаш жон талвасасида типирчилашга ҳам улгурмади. Қадимгилар «Нечук шарбатки, сен элга ичирдинг, ўзинг ҳам охири уни симирдинг», деганларидай, тириклик қадаҳини ўлим шарба-ти билан тўлдириб ичишдан ўзга чораси қолмади.

Кўп жонларни қийнаган бу одам жонини осонгина

топширди... Зайнаб айтганидай, ўлим унинг учун нажот бўлди.

Ахтамнинг қўлида рўмолча билан чиқаётганини кўрган Асадбек «бунинг нимаси?» дегандай савол назари билан қаради. Ахтам тушуниб, аянчли жилмайди:

– Бурнини артиб қўйдим...

– Уйни ёқиш керак, – деди Асадбек малла йигитга караб.

– Бу ёгини бажарадиган одамлар бор.

Малла йигит ишора қилган эди, кўчадаги дарахтлар панасидан икки одам чиқиб келди. Асадбек Балабуханинг иши пухта эканига тан берди.

– Ленинград самолёти уч соатдан кейин учади, – деб шоширди малла йигит.

Малла йигит улар билан бирга Ленинградга учди. Шаҳарга чикмай, Тошкентга учадиган самолётни шу ерда кутадиган бўлишди. Асадбек шаҳарлараро автомат-телефондан Жамшидга кўнғироқ қилди. Ҳамма иш жойида бўлганини маълум қилган Жамшиднинг бир гапни айтолмай чайналаётганини сезган Асадбек:

– Яна нима гап? – деди зарда билан.

– Бек ака, айтмасликнинг иложи йўқ...

– Чайналма!

– Элчин аканинг қариндошлари билиб қолишибди.

– Қанақасига билишибди?

– Кўшнилар етказишгандир...

– Ношуд!.. «Ҳамма ишларингнинг орқасидан шилтаси чиқади», деб сўкиб бермоқчи эди, мавриди эмаслигини фаҳмлаб, дағдағасини давом эттирмай, «нима қилмоқчисан?» деган савол билан чекланди.

– Дўхтирлар маҳкам, касали бўйича ўлган, деб қоғоз беришди. Қариндошлари бугун асрга чиқаришмоқчи... Келишингизни кутишмасинми?

– Бориб тирилтириб бераманми? Кўмса кўмаверсин. Бунча латгачайнар бўлиб кетдинг, акангга ўхшасанг-чи?

Акаси Маҳмуд – Чувриндига ўхшаш осон эканми? Акасига ўхшаши учун хожаси укашонини қандай яхши кўрган бўлса, унга ҳам ўша даражада меҳрли бўлиши керак. Ўлимга ҳукм қилиб юборилганининг аниқ сабабини ҳалигача билолмаган Жамшид бир ишни ўзича ҳал қилиш мартабасига етмаган эди.

Жамшид билан гаплашиб, кўнгли хиралашган Асадбек одамлар кўзидан панароқ бўлсин, деб ресторанга ўтди. У Ҳалимжон билан алоҳида ўтирди. Ахтам малла йигит билан, қолган тўртта йигит ҳам алоҳида столдан жой олишди.

– Қайтганимиздан кейин хўжайинларингга нима деб ҳисоб берасан? – деб Асадбек мулозимини кутилмаганда саволга тутди.

«Мен милисага хизмат қилмайман, сизга содиқман», деб қасам ичиши фойдасиз эди, Ҳалимжон шу сабабли «билмайман» дегандай елка қисиш билан кифояланди.

– Ўзинг кўрдинг, аслида мен сенларнинг хизматингни қилдим.

– Бунақаларни жазолайдиган қонун бор, – деди Ҳалимжон.

– Қонунинг қўлидан нима келади? Турмага тикасанми? Булар турмангдан кўрқар эканми? Қамоғининг битта эшик, битта дарвозаси бор. Эшиқдан кириб, дарвозадан тантана-ю шоду хуррамлик билан чиқиб кетаверади.

Ҳалимжон эътироз билдирмоқчи эди, хизматчи йигит яқинлашиб, Асадбек томон энгашди-да, одоб билан: «Сизни сўрашяпти», деди.

– Ким? – Асадбек шундай деб атрофга аланглади. Ҳалимжон ҳам зийраклик билан қаради.

– Ичкарида кутишяпти, – деди йигит яна ўша одобли оҳангда.

Асадбек Ҳалимжон билан кўз уриштириб олгач, ўрnidан турди. Буни кўриб, Ахтам билан малла йигит ҳам кўзғолдилар.

– Бир ўзингиз кирар экансиз, – деб изоҳ берди хиз-

матчи йигит қўлидаги оппоқ сочиқни билагига ташлаб.

– Бир ўзлари кирмайдилар, иши бор одам бу ёкка чиқсин, ё бирга кирамиз, – деди Ҳалимжон Асадбекнинг йўлини тўсиб.

– Улар чиқишмаса керак, – хизматчи йигит шундай дегач, Асадбекнинг кулоғига: «Гап ўғлингиз тақдирига тегишли экан», деб пичирлади. Шундан кейин Асадбек мулозимларига қараб: «Қимирламай ўтирларинг», деди-да, хизматчи йигитга эргашди.

Ресторан директорининг хонасида уни сочига оқ оралаган, ўрта ёшлардаги хушмуомала одам кутиб олди. Хизматчи йигит икки финжонга қаҳва қуйгач, изига қайтди.

– Сизни яхши танийман, – деди нотаниш мезбон. – Мени танимадингиз, битта самолётда учиб келдик, эътибор қилмабсиз. Ташвиши кўп одам шунақа бўлади. Қаҳвадан ичинг, совумасин. Ўзимни сизга танитмайман. Бу ердан чиқасиз-у унутасиз.

Битта самолётда учиб келдик?..

Демак... доимо буларнинг кузатувида бўлганми? «Босган ҳар бир қадамнинг бизга маълум демоқчими?» Шаховскойдаги воқеани ҳам билишадими?

Асадбек Балабуханинг тадбирига тан берган эди. Лекин томсклик ўғрининг Илико билан эмас, кавказлик тўдаларни киришга киришган махсус хизмат идораси билан тил бириктирганини у қаёқдан ҳам билсин? Асадбек ҳозир бунга тегишли калаванинг учини топишга уринмайди, унинг дарди ўғлининг қисмати билан банд.

– Ўғлимга нима бўлди? – деди у хавотирини яшира олмай.

– Ўғлингизга нима бўлиши керак эди? Совет Иттифоқининг эркин граждани сифатида чет элда билдим оляпти, менинг билганим шу.

– Унда мени нега чақирдингиз?

– Биласизми, азизим, ҳаёт шундайки, Ватан сени эркалар экан, сен Ватанга хизмат қилишинг ке-

рак. Ўғлингизнинг шу ҳақиқатни тушуниши қийин бўляпти. Сиз ҳам тушунмаяпсизми?

– У ўқияпти, хизматни кейин қилади, – деди Асадбек.

– Хизматни ҳозир бошлаши керак. У бизга айрим илмга тегишли маълумотларни аниқлаб бериши мумкин, энди тушундингизми?

– Сирли маълумотми? Жосуслик қилиши керакми?

– Қупол гапирдингиз. Жосуслик эмас, Ватанга хизмат бу. Агар сиз ўғлингизни тўғри йўлга солмасангиз, кўргуликлари яхши бўлмайди.

Бу одамнинг сўзлари ширин бўлгани билан тилида захар борлигини Асадбек фаҳмлади. Кўргуликлари яхши бўлмаслигининг ортида қандай аянчли қисмат ётибди?

– Мен нима қилишим керак?

– Ҳозир ўғлингиз билан боғлаб қўяман, насихат қилинг, ўзини ҳали у ёққа, ҳали бу ёққа ташламан. «Валерийнинг чизган чизиғидан чикма», десангиз кифоя. Ўғлингиз ақлли бола, нима демоқчи бўлганингизни дарров тушунади.

– Шунинг ўзими?

– Бу камми?

– Олдинги талабингизга солиштирганда буниси осон.

– Қайси талабимиз?

Асадбек айтсамми ё айтмасамми, деган мулоҳазада бир оз сукут сақлагач, ўғилларини қамаб қўйган милисахонадаги суҳбатни қисқа тарзда баён қилди.

– Мен буни текширтириб кўраман, гапингизга караганда, у бизнинг одамга ўхшамайди.

У шундай деб телефон рақамларини терди-да, у ёқдан овоз эшитилгач, немисчалаб сўрашиб, Абдусамад жанобларини чақириб беришларини илтимос қилди. Асадбек унинг гапларидан фақат ўғлининг исминигина тушунди. У томондаги телефон гўшагини Абдусамад олиб, овоз бергач, бу киши туркчалаб «бир дақиқа, афандим», деди-да, гўшакни Асадбекка узатди.

Отасининг овозини эшитиб, Абдусамад ажабланди:

– Ада, тинчликми? Ойим яхшимилар? – деб сўради.

– Ҳаммаси яхши, сен гапимни диққат билан эшит: Валерий деган йигит анча бамаъни бола, у билан яхшилаб дўстлашиб олгин-у, чизган чизигидан чикма.

Отасидан бундай насиҳатни кутмаган Абдусамад ажабланиб:

– Бунинг ҳеч иложи йўқ, ада, – деб эътироз билдирди.

– Дунёда иложсиз нарсанинг ўзи йўқ! – деди Асадбек зарда билан. – Сен айтганимни қил. Яқинда борамиз, қолган гапни ўша ерда гаплашамиз.

Гапни мухтасар қилиб, гўшакни қўйгач, у одам савол назари билан қаради:

– «Яқинда борамиз», дедингизми? Сир бўлмаса айтинг-чи, қаерга бормоқчисиз?

– Сир эмас, ўғлимнинг олдига бормоқчимиз. Нима, ҳаққимиз йўқми?

– Ҳозирдан эътиборан ҳаққингиз йўқ, азизим. Бир қадам четга чиқмоққа ҳаққингиз йўқ. Сиз ўзингиз билмаган ҳолда давлат сири билан танишдингиз. Энди бу сирни сақлаш мажбурияти ҳам бор. Мана буларга имзо чекинг.

У стол устидаги қоғозларни Асадбекка узатди. Асадбек қоғозларни қўлига олиб, кўз югуртирди, кейин давлат сирини ошкор қилмаслик ҳақидаги тилхатга имзо чекиб берди.

– Отангиз ҳақидаги ҳужжатлар билан танишмоқчи бўлганингизни айтишди. Сиз учун йўл очик. Борган идорангизда полковник Чернобородовга учрашсангиз, муаммоларингизни ҳал қилиб беради. Сизга уруш иштирокчисининг оиласи фойдаланадиган барча имтиёзлар берилади. Масалан, солиқларнинг ярми кесилади, навбатсиз машина ҳам олишингиз мумкин.

У Асадбекнинг бундай имтиёзларга ҳожати йўқ-



лигини билгани учун кейинги гапларни киноя оҳангида айтди. Асадбек «кетаверайми?» дегандай ўрнидан турди. У эса жойидан жилмай, гапини давом эттирди:

– Иосиф Тито ўлганидан кейин Югославияда ҳам уруш тарихига муносабат ўзгарди. Кузатаётгандирсиз, мамлакати парчаланяпти. Сал олдинроқ бўлганда отангиз жанг қилган жойларни зиёрат қилиб келишингиз мумкин бўларди. Агар ўғлингиз истаса, айланиб чиқсин, унга монелик йўк.

У яна телефон рақамини териб, овоз келишини кутди кейин туркчалаб, «хонум афандини лутфан», деб сўради. Манзуранинг овозини эшитгач, «бир дақиқа, хонум афандим», деди-да гўшакни Асадбекка узатди. Асадбек нима дейишини ҳам билмай қолди.

– Тинч ўтирибсанларми? – дейишдан ўзга сўз тилига келмади.

– Вой, адаси қаердасиз? – деди Манзура салом бергач.

– Йўлдаман, тўрт соатдан кейин уйда бўламан.

Асадбек шундай деб хона соҳибига қараб қўйди.

– Нима овқат қилиб қўяй? – деб сўради Манзура соддалик билан.

Эрининг кимнинг ҳузурида, қандай аҳволда эканини у бечора қаердан билсин? Хотинлик бурчига мувофиқ сўради. Асадбекнинг жаҳли чикиб, зардали оҳангда: «мошхўрда», деди-да, гўшакни жойига ташлади. У одам лутф кўргазиб, Асадбекни эшикка қадар кузатиб қўйди. Хожаси кетганидан бери жойига ўтирмаган Ҳалимжон «Тинчликми?» деб сўрамаса-да, уни савол назари билан қарши олди.

– Эски танишим учраб қолди, – деди Асадбек жойига ўтириб. – Ҳар жой, ҳар жойда танишларинг бўлгани яхши-да!

Ичига чироқ ёқса ёришмайдиган одам кулимсирагани билан дардини яширолмайди. Зийрак назарли Ҳалимжон ичкарида қандайдир жиддий гап бўлганини англади.

Асадбек уйга қайтиб аҳлиясини қувноқроқ ҳолда кўришни умид қилганди. Куёвининг жанозасидан эндигина қайтган Манзура аввалгидай паришон кўриниши билан эрининг кўнглидаги умид чироғини ўчирди.

Асадбек Манзура билан Зайнабнинг маънос боқувчи кўзларига қараб эзилди. Зайнаб уч кунгача эрининг жияниникида, майит чиқарилган уйда турди. Асадбек бунга қарши бўлса-да, дардини ичига ютди, индамади.

Асадбекнинг ўзи ҳам бу кунлар ичи кўчага чиқмади. Пешин чоғи зерикиб, юраги сиқилиб ўтирганда телефон жиринглаб, болохонадаги йигитлар «Ҳайдар акамнинг хотинлари» дегач, Манзурага қараб, «ўзинг гаплаш», деди. Манзура итоаткорлик билан гўшакни олиб, кўнгил хуши бўлмаса ҳам, узоқ гаплашишга мажбур бўлди. Кетма-кет «хўп-хўп», деявериб қутулгач, гўшакни эрига узатди:

– Сизда зарил гапи бормиш.

Асадбекнинг энсаси қотиб, «ҳа, нима дейсан, сингилжон?» деди.

– Яқин орада Масковга бормадингизми?

Бу саволи қизик бўлди-ку? Бировдан эшитганми ё тусмоллаб сўраяптими?

– Нима эди?

– Укангиздан дарак йўқ-ку?

– Дарак кутмагинам.

– Вой, нега?

– Анавинда нима девдинг, эсингдами? «Мегажини билан ўша ёқда кўшмозор бўлсин», деб қарғангиндинг? «Қарғишинг уриб ўша томонларда ўлиб кетса, кейин пушаймон ейсан», девдимми? Ана энди ўзингдан кўр, дардингни кимга айтсанг айтавер, нафси бузук эринг ичбуруғ бўлиб ўлибди. Кундошинг ўрисчасига ҳам кўмдирмай, биратўласи куйдириб, қулини сочдириб юборибди.

– Вой, мен энди нима қиламан?

– Нима қилардинг, битта мулла чақириб ис чиқариб юборсанг етарли. Кунини айтсанг, борарман.

Гўшакни жойига кўйиши билан Манзура ёқасини ушлаганича:

– Вой ўлмасам, рости биланми? – деб сўради.

– Қўявер, озгина куйсин, ўрис хотинга уйлангани рост. Эрининг қадрига етмаганидан кейин энди тирикми ё ўликми, бунингга нима фарқи бор?

Манзура «тавба, тавба» деганича, нари кетиб, ўзининг юмушларига овора бўлди. Аср намозини ўқиғач, Асадбекка қарашга ботинмай, «эрининг қирқи чикқунича уйида ўтирармиш», деди.

– Бўлмаган гап! – деди Асадбек ғазаб билан.

– Кўнглига қарамасак бўлмайди, адаси...

– Кўнглига?

Асадбек Зайнабнинг «неварангиз қон устига туғилмасин», деган гапини эслаб, хотинига савол назари билан қаради:

– Бўйида борми?

– Нега унақа деяпсиз?

– Сен саволимга жавоб бер.

– Бўлмаса керак...

– Аниғини айт!

– Йў-ўқ...

«Ҳайрият... – деб енгил нафас олди Асадбек, – «неварангиз» деганда акасининг боласини назарда тутибди-да...»

Асадбек ўйлаб кўйган режасини амалга оширишни галга солмай, Жамшидни чақирди:

– Ахтамга айт: Элчин акангнинг уйи эрталабгача йўқолсин.

– Буздириб ташлайликми?

– Қалланг жойидами? Бир хил уйларда газ очик қолса портлаб кетармишми?

Жамшид тушундим, дегандай куллуқ қилиб, буйруқни бажаришга шошилди...

## АБДУСАМАД

1990 йил, июнь, Олмония.

Асадбек навбатдаги қасос жомини симириб уйига кайтаётган вақтда мусофирликдаги ўғли боши узра ташвиш булутлари тўпланаётган эди. Отаси билан гаплашиб, унинг нима сабабдан бундай буйруқ бергани сабабини англашга уриниб ўтирганида уни телефонга чақирди.

– Мен Валерийман, ўзинг билган ўша турк қахвахонасида кутяпман...

Буйруқ оҳангидаги бу гап... Яна сенсирашга ўтилиши... Беҳурматлик белгисими ё яқинлашишни англаувчи русларга хос одобми? Ёки кимга тобе эканини билишига ишорами?

Катта ўйин бошланганидан кўнгли гашланганича айтилган жойга етиб борди. Валерий хурматини жойига қўйиб кутиб олди. У кўлидаги кўп саҳифали рангли газетани бўш стул устига ташлаб, хизматчини чақирди-да, қахва буюрди:

– Ҳозир дунёни водород ёки нейтрон бомбаси қизиқтирмай қўйди, – деди у. – Ҳамминг бутун эътибори биогенетикада! Шу соҳага ўтиб кета қолсаммикин? Сен қизиқарсан? Мен клонлаштиришни назарда тутяпман. Қўллаб-қувватлаётган одамлар бунинг нималигини дуруст англашмайди. Нима ўзи бу, деб сўрасанг, агар маъносини билса, ўз хужайрасидан фойдаланиб нусха кўчириш, дейиши мумкин. Тушунимча, бола организми минглаб хужайралардан ташкил топади. Агар бир-икки хужайра етишмаса, ногирон, ҳатто кўлсиз ёки оёқсиз бўлиб туғилади, тўғрими? Хўп, энди менга тушунтириб бер: биттагина хужайрадан қанақа бола пайдо бўлади? Агар эллик ёшли киши хужайрасидан одам ясалса, неча йил яшайди? Дейлик, хужайраси олинган одам етмиш йил яшаши керак. Ундан эллик йиллик хужайра олинди-

ми, демак, ясалган одам йигирма йил яшар экан. Генетикларинг буни тушунтириб бера оладиларми?

– Буни генетиклардан сўранг.

– Сўрамайман, менга шу газетадаги вайсақиларнинг гапи ҳам етиб ортади. Илм ҳам отбозор бўлиб кетди.

Валерий илмдаги адолатсизликлар ҳақида гапира туриб, бирдан мавзуни ўзгартирди:

– Мени бошқа жойга юборишяпти. Яқинда сенинг жонажон дўстинг келади. Менга шу қаҳвахона ёқарди. Унга уйда гаплашиш маъкулмиш. Уйи қаердалигини ўзи айтади. Дераза дарчасининг ҳар куни соат саккиздан саккиз яримгача очиқ туриши хотиржамлик белгиси ҳисобланади. Уйга бемалол кираверасан. Манави газетани олиб, дикқат билан кўриб чиқасан. Рекламлардаги манзилларга белги кўйилган: ўн икки жойда учрашув нуқтаси бор. Ҳар бирининг номланишини янги дўстинг айтади. Ҳозир қаҳвахонадан бирга чиқиб, кутубхонага борамиз. Ўша ерда хайрлашамиз. Отанг биз билан ҳамкорлик қилишга тилхат берди. Энди ота-онанг гаровда тургандай бўлади, бу ердаги кадамингни сал чатоқ боссанг, уларга жабр бўлади.

Абдусамад шу тариқа ўргимчак тўрига ўралди. Доктор Худоёр уни қутқариш чораларини кўради, лекин фойдаси бўлмайди. Орадан ойлар ўтиб, советнинг чоки сўкилгач, енгил нафас олади. Унгача босиб ўтилиши керак бўлган анча ташвишли довлар бор.

## ЗОҲИД

*1990 йил, июнь, Тошкент.*

Элчиннинг ўлими ҳақидаги кутилмаган хабар Зоҳидни таажжубга солди. Унинг ўлимида жиноят унсурлари бўлса аниқлаш учун эмас, балки танишлиги ҳурматидан жанозага борди. Борди-ю... Асадбекнинг

кўринмаганидан ажабланди. Кўпчиликка кўшилиб, тобут орқасидан бораётганда Жамшид яқинлашиб саломлашди-да, ажабланганини сезгандай унга изох берди:

– Бек акам яна қаттиқ иситмалаб қолдилар...

Шундай деди-ю, одамлар оқимига кўшилиб кетди.

«Ҳар бир нарсага гумон билан қарашимни атрофимдагилар ҳам сезишади шекилли?» деган ўй Зоҳиднинг кўнглини хира қилди.

Майит лаҳадга кўйилиб, яқинлари бир кафтдан тупроқ ташлаётган пайтда кўзларидан ёш куйилаётган кўркам йигит унинг диққатини тортди.

«Козимбек-ку!?!»

Суратига қарайвериб, чехраси ёд бўлиб кетган, адашиши мумкин эмасди. Ҳозирнинг ўзида бориб, билагидан ушлагиси келди. Ҳатто қабр томон икки қадам ҳам ташлади. Йигит ўзига тикилиб турган нигоҳни сезиб, Зоҳид томонга қаради. Кейин белкуракни олиб қабрга тупроқ ташлай бошлади. Зоҳид эса уни кузатиб туриш билан чекланди. «Агар қочадиган бўлса, куръон ўкилиб, ҳамма турган пайтдан фойдаланади», деб ўйлаган Зоҳид ундан узоқлашмасликка ҳаракат қилди.

Фотиҳадан сўнг ҳамма тургач, йигитни кўздан қочирди. Жаноза маросимида эканини ҳам унутиб, атрофга аланглай бошлади. Қабристондан чиқаверишда орқа томонидан кимдир ширали овозда салом берди. Ўгирилиб қараса – Козимбек!

Зоҳид бир неча нафаслик таажжубдан сўнг ўзини ўнглаб олгач, «Козимбекмисиз?» деб сўради.

– Ҳа, сиз қидираётган Козимбек менман.

Зоҳид унинг кўзларига қараб, маъсум бир покликни кўрди.

– Мени танийсизми? – деди ажабланиб.

– Учрашмоқчи бўлиб икки марта йўлингизни пойладим. Сизни кўрдим-у, яқинлашишга кўрқдим. Уч кун олдин Элчин акамга кўнгироқ қилиб маслаҳат

сўраган эдим. Сизга учрашишимни тайинладилар. Мен ёвуз қотил эмасман... мен кўрқоқман... Қочиб юрмаслигим керак эди.

– Нима бўлганини шу ерда айтмоқчимисиз ё идо-рага борамизми?

– Олдин эшитинг, кейин... ўзингиз биласиз. Қамокдан кўрқмайман... Илёсбекнинг кўзларидан кўрқ-япман...

– Айтинг бўлмаса.

– Илёсбек менинг энг қадрдон дўстим эди. Кўп ашулаларни бирга айтганмиз.

– Лекин Илёсбекни сизга қараганда қобилиятлироқ, деб ҳисоблашаркан.

– Бунга ўзим ҳам тан берардим. Илёсбек авжни мендан кўра яхшироқ оларди. Лекин ишонинг, икки-миз обрў, шуҳрат талашмас эдик.

– Шунга қарамасдан... Илёсбекни сиз отдингизми? Козимбек хўрсинди.

– Отдим... Лекин бу бир ўйин эди.

– Қанақа ўйин?

– Толибжоннинг янги уйига борувдик. Деворига милтиқ осиб қўйилган экан. Урушда зўр мерган бўлганлари учун бобомга совға қилишган», деб мақтанди. «Ростакам милтиқми, отиладими?» деб қизикдик. «Отилади, ўқлари ҳам бор», деди. Кейин: «менам мерганман, йигирма қадамдан шишани учириб юбораман», деб мақтанди. Ўқ отиш тўғарагига қатнаганим учун «ўттиз қадамдан олманинг уруғини пойлайман», деб менам мақтандим. Шунда Зулайҳо, «Йигитлар, унда гўзал маликага етишиш учун отишмайсизларми?» деб қолди. Олдин «Халқаро кўриқда ким ғолиб чиқса ўшанга тегаман», деб шарт қўйган эди. Уни учаламиз ҳам яхши кўрардик. Лекин унинг кўнгли бошқа йигитдалигини билардик. Билсак ҳам муносабатимиз яқин эди. Унинг шартлари жиддий эмас, ҳазил эди. Хуллас, бокка яқин майдончада отишадиган бўлдик. Толибжон эплолмади. Мен олмани нишонга олмоқчи

бўлганимда Илёсбек «Тўхта, ҳақиқий мерган бўлсанг, циркдагига ўхшаб отасан», деб олмани бошига қўйиб олди. Мен ҳазиллашиб кўрkitмоқчи эдим. У ҳам «ҳазиллашяпти, барибир отолмайди», деб ўйлади шекилли. Мени калака қилиб чалғитмоқчи бўлди. Аввал секин ўтирди, кейин ўнг томонга сурилди. Мен кулиб нишонга олавердим. Чап томони бўш эди. Олмани ҳам, бошини ҳам нишонга олмадим, ишонинг, бўш томонни пойладим... Қанақасига сурилганини билмай қолдим...

Козимбек «гапларимга ишонинг», дегандай Зоҳидга илтижо билан қаради.

– Мен тахминан шундай бўлгандир, деб гумон қилган эдим. Отиш сабабини билмасам ҳам, Илёсбекнинг туриб берганига ишонардим. Ҳозир фотиҳа ўқиб, кейин идорамизга борамиз, айтганларингизни ёзиб берасиз, – деди Зоҳид.

Козимбек унга итоат билан эргашди. Худди қўлоёқларига оғир кишан урилгандай оғир-оғир кадам босди.

Козимбек «Тушунтириш хати» ёзаётган дамда Зоҳид милициядаги терговчига кўнғироқ қилиб, милтикни ашёвий далил сифатида олиб келтирди. Ўша куниёқ Толибжон билан қиз гувоҳ сифатида кўрсатмаларини ёзиб беришгач, Саид Қодиров раҳбарлар ҳузурида қизаришдан кутулди...

## АСАДБЕК

*1991 йил, апрель.*

Олдинги йили Каримулла тилёғламалик қилиб: «Ҳажга биллалашиб борсак бирам ярашади, сиз билан борсам икки марта ҳаж қилгандай бўламан», деганида Асадбек «Сен ҳаром кадамингни Маккага босма, Каъбатуллоҳга покиза одамлар бориши керак», деб



уни ҳайдаган эди. Масжид курдираётганини писанда қилиб, Ҳажга боришга ундовчилар кейин ҳам топилди. Абдурахмон табибникида даволанаётганида «тузалиб кетсам, Ҳажга бораман», деган ният ҳам туғилган эди. Кейинги воқеалар уни бу ниятдан қисман қайтарди. Рамазон байрамида йўқлаб келган Саматохун бу йил Ҳажни ният қилганини билдириб, Асадбекни ҳам даъват этганда, хаёлига ўзини ҳам қувонтириб юборган бир фикр келди: Манзура боради!

Қарорини хотинига айтган эди, у қувониш ўрнига эрига маъюслик билан тикилиб:

– Бирга бормаймизми? – деб сўради.

– Менинг тайёргарлигим йўқ. Бориб, болаларимизни дуо қиласан. Кейинги йили бирга борамиз. Ўшанақаси Германияга ўтиб, неваранг билан келинингни олиб келамиз.

Бу жонбахш ваъдадан Манзуранинг кўнглига чиқроқ ёқилгандай бўлди.

Невараси туғилгандан бери на ўзи бора олади, на келини келади. Абдусамад ҳам ҳар телефон қилганида галга солади. Эри тайинли гап айтмайди. Четга чиқиши мумкинмаслигини аниқ билмагани учун турли хаёллар бурувида қийналаверади.

Эрининг эндиги ваъдаси... Дийдорга қадар яна бир йил вақт бўлса-да, кўнгли ёришди. Аслида Ҳаж ибодатини бажариш ўзининг дилида ҳам бор эди-ю, эрига билдиришдан тортиниб турганди.

– Сиз бормасангиз... маҳрамсиз боришим мумкин эмас, – деди етдим деганда йиқилган иложсиз одамнинг афсуси билан.

– Жалил боради. Жалил сенга ака қаторида, намозини ҳам қотириб ўқийди. Хоҳласа Зайнаб ҳам борсин.

Қани эди! Лекин... қанча тушунтирмасин, Зайнаб отаси каби саждага бош қўйишга рағбат қилмаётган эди. «Эҳтимол Ҳажга бориш баҳонасида иймонга кириб қолар», деган умидда яна гапирди. Зайнаб

этироз билдиришга баҳона ўйлаб турганида Манзу-  
ранинг ўзи топиб берди. Отасининг сафарни кейин-  
ги йилга мўлжаллаганини эшитиб, «мен адам билан  
бора қоламан», деди. Манзура бундан ранжиса-да,  
«на илож, Аллоҳ чақирмаганлар бормайди-да», деб  
тақдирга тан берди. Эрининг розилигини олиб, Афру-  
зани таклиф этди. Афруза Асадбекнинг маблағига бо-  
ришдан оғринди-ю, буни сиртига чиқармади. «Бу йил  
иложим йўқ, кейинги йилларда «лаббайка»ни айтиб  
йўлга чиқиш насиб қилиб қолар», деб кўйди. Кўнгил  
бу ибодатга чопгани билан, бориб-келишга етадиган  
маблағни ҳеч қачон тўплай олмаслигини билса ҳам,  
бу таклифни қайтаришга ўзида куч топди.

Асадбек Жалилнинг уйига бориб, ниятини баён  
қилганида у Афрузадан фарқли ўларок, «Мен Ҳажга  
борадиган бойларданмасман», деб бобиллаб берди.

– Харажатини ўзим кўтараман, – деди Асадбек му-  
лойимлик билан.

– Хотинингни Ҳажга юборгинг келаётган бўлса,  
ўзинг намозга киргин-у, олиб боравер.

– Ҳеч бўлмаса битта яхши иш қилишимга ёрдам  
бергин, илтимосимни қайтармагин.

Асадбек унга ҳеч қачон бундай синиқ оҳангда га-  
пирмаган эди. Жалил бўшашди. Асадбек ялиниш  
оҳангида «Манзурани синглим, дегансан, синглинг  
учун бориб келгин», дегач, ҳовури пайсайди.

– Битта шартим бор: бир йил ичида намозга кириб,  
кейинги йили ўзинг ҳам борасан Ҳажга.

– Айтсанг, айтмасанг, шунақа ниятим бор. Бу са-  
фар хотининг бирга борса янаям яхши бўларди, – деди  
Асадбек.

– У нима қилади? Намозни ўқишни ўргансин...  
Мени ўйлаганинг учун раҳмат, лекин сен доим чала  
ўйлайсан. Муҳиддин ота билан гаплашмадингми?

– Ниятим бор. Отамга биргалашиб айтамиз, деб  
олдин сенга келдим, бутун одам.

Жалил тезгина отланди-ю, Муҳиддин отаникига  
йўл олишди.

Ҳар тонг намоздан сўнг китоб ўқиш Муҳиддин отанинг одати эди. Бу тонг бир шарафли ҳадисга Мавлоно Румий томонидан берилган шарҳни ўқиб, мутаассир бўлди. Нонуштадан кейин янада чуқурроқ англаб олиш мақсадида китобни қайта қўлга олди:

«Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи васаллам, марҳамат қилдиларким: «Олимларнинг ёмони амирларни зиёрат қилгани, амирларнинг яхшиси олимларни зиёрат этганидир. Фақирнинг эшигига келган амир нақадар хуш ва амирнинг эшигига борган фақир нақадар нохушдир».

Халқ бу ҳадиснинг зоҳирий маъносинигина қабул қилган. Яъни бир олим ёмон олим бўлмаслик учун амирни йўқламаслиги лозим, амирни бориб кўриш унга муносиб эмас, деб билган. Аслида фикрнинг ҳақиқий маъноси халқ ўйлагандай эмас, балки шундай: Олимларнинг ёмони амирдан ёрдам олгани ва улар воситасида ўз аҳволини яхшилагани, кучга кирганидир. Амирлар менга инъом берадилар, мени иззатикром қиладилар, бир яхши жой эҳсон этадилар, деган тушунча билан ва уларнинг кўрқуви остида ўқиган кимса олимларнинг энг ёмонидир. Шу ҳолида бу кимса амирлар тарафидан ислоҳ бўлган, билимсизликлардан биладиган аҳволга келгандир. Олим бўлганда ҳам амирлар кўрқувидан ва уларга ёмонлик қилмасликдан тарбия кўрган бир инсонга айлангандир. Энди у истаса-истамаса, ҳамма вақт бу йўлга уйғун тарзда ҳаракат этмоғи керак бўлади. Хуллас, бу вайдан зоҳиран хоҳ у амирни кўргани борсин, хоҳ амир унинг ҳузурига келсин, барибир, у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади.

Олим агар амирлар соясида олим бўлишни ўйламаса, унинг билими ибтидо ва интиҳода Аллоҳ учун қилинган бўлади. Унинг тутган йўли ва кўрсатган фаолияти савоблидир. Чунки яратилиши шундайдир, балиқ сувдан бошқа ерда яшай олмаганидек, у ҳам бундан ўзгани қилолмайди. Унинг

кўлидан келгани шу. Бундай бир олим ҳаракатларини бошқариб йўлга солиб турган нарса – АҚЛдир. Ҳамма ундан кўрқади ва инсонлар баъзан билиб, баъзан билмасдан у таратган нурдан баҳра оладилар. Хуллас, бундай бир олим амир ҳузурига борса, зоҳиран у зиёрат қилган, амир эса зиёрат қилинган бўлади. Аммо амир олимдан ҳамма вақт юксалишга чорловчи бир қувват – ёрдам олади, олимнинг эса амирга эҳтиёжи йўқ, чунки у бадавлатдир, нур сочаётган қуёш кабилдир. Иши тамасиз кўмак бермоқ, эҳсон этмоқдир. У тошлардан лаъл ва ёкут қила олади. Таркиби тупроқдан иборат бўлган тоғлардан мис, олтин, қумуш ва темир маъданлар ясайди. Тупроқни тозалайди, ёшартиради. Дарахтларни турли-туман мевалар билан бойитади. Иш ва эрмаги – бағишламоқдир, ҳадя қилмоқдир.

Арабнинг «Биз бермоқни ўргандик, олмоқни ўргана олмадик» мақолидаги сингари олим ҳам беради-ю, бировдан олмайди. Ниҳоят, бундай олимлар ҳақиқатда зиёрат этилган, амирлар эса зиёрат этган бўладилар».

Муҳиддин ота бу фалсафанинг мағзини чақиб ўтирганда Асадбек билан Жалил кириб келиб, уни фикр дунёсидан юлиб олишди. Бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришгач, Жалил мақсадни баён қилди. Муҳиддин ота уларга миннатдор назар билан боқди. Ҳатто кўзлари намланди. Кейин бошини эгиб, ўйга толди. Имкон ўзида бўлганда учиб борарди. Лекин... маблағ масаласи... Тўғри, пулнинг ҳароми бўлмайди. Бирок, уни топиш йўлларида шубҳа бўлса... Муҳиддин отанинг шубҳаси бор, аммо билдирмасликка уринади. Асадбек келтирган неъматларнинг ўндан бирини олиб қолиб, қолганини қўни-қўшниларга тарқатади. Ўзи Жалил келтирганлар билан кифояланади. Шундай ҳолда буларнинг таклифини қабул қила олармиди? Рад этса, кўнгилларини оғритади. Муҳиддин отанинг ўйга толгани шундан.

У бошини кўтариб аввал Асадбекка, сўнг Жалилга қаради-да, маъюсгина жилмайди:

– Сизларни Аллоҳ сийласин, – деди хаста овозда. – Ҳазрати Соҳибқирони Акбар Шероз шаҳрига борганларида Ҳофиз Шерозий билан суҳбат қуриб, «Ғазалингизда гўзалнинг битта холига Самарқанд билан Бухорони тортиқ қилиб юбормоқчи бўлибсиз. Сизни Самарқандга олиб кетаман, бу шаҳарнинг нақадар гўзаллигини ўз кўзингиз билан кўринг», деб марҳамат қилганларида, шоир: «қариб қолдим, етиб боролмай йўлда ўлиб қолишим мумкин, етиб борсам ҳам, она шаҳримга қайтиб келолмасман», деб узрини айтган экан.

Жалил бу тарихнинг баёнидан мурод не эканини англади. «Ҳали куч-қувватга тўласиз, Худо чақирганидан кейин Ўзи қўллайди», деб аврамоқчи бўлди. Унга Асадбек қўшилди. Бироқ, икковининг ҳаракати зое кетди. Муҳиддин ота:

– Каъбатуллоҳда менинг ҳақимга ҳам дуо қилинг, Мадинаи Мунавварага бориб, Масжидул набавияга кирганингизда пайғамбаримиз алайҳиссаломга саломимни етказинг, – дегач, умидлари синган ҳолда хайрлашдилар.

## МАНЗУРА

*1991 йил, июнь, Маккаи Мукаррама.*

Одамлар оқими ҳажарул-асвад томон интилади. Каъбатуллоҳ атрофида айланаётган ҳожиларнинг бир-бирларига азият етказишлари ман этилганига қарамай, одамлар бу одобни унутиб, бир-бирларини босиб бўлса-да, қора тошни ўпишга интилишади. Манзура бу оқимни ёриб бориб, муқаддас тошни ўпишдан умидини узган эди. Каъбани олтинчи айланишида оқим уни ҳажарул асвадга ўзи олиб борди. Ҳатто муқаддас тош рўпарасига келганда шошиб қолди. Тошдан таралаётган кўнгилни хуш этувчи ёқимли ҳид димоғига

урилди. «Жаннатдан чиқарилган бу тошдан жаннатнинг иси таралиб туради», деган гапни эшитган эди. Ҳозир худди жаннатга тушгандай хис этди ўзини. Вужуди ҳалимдай юмшади. Ўзини гўё куш каби ҳис қилди. Тошни ўпди. Кўз ёшлари тошга томди...

Кун бўйи ибодат билан банд бўлди, меҳмонхонага бориб овқатланиб келишни ҳам хоҳламади. Хуфтонни ўқигандан кейингина Жалилнинг зўри билан қайтди. Худди юрагининг бир парчасини ташлаб чиқаётгандай, айрилиқ азоби билан қайтди меҳмонхонага. Кечки таомни еб, хонасига қирганда кўнглини хира қилувчи манзарага гувоҳ бўлди.

Хотинлардан бири ўртага ўтириб олган, атрофига турли матолар ёйиб ташланган. Бу хона ҳожиялар ҳордиқ чиқарадиган жойга эмас, ёймачи бозорга ўхшаб қолган эди. Хотин барчани ўзига қаратиб гап берарди:

– Мен аҳмоқ, юк бўлади, деб ўн кило асал олибман. Кейинги йил икки фляга асал олиб келаман, бира-тўласи ойимга «ҳаж бадал» қилиб кетаман.

Шундан сўнг харид қилиб келган молларини бир-бир тахлаб, риал долларга қанча, бу доллар рублга қанча бўлишини санади. Ҳисоб-китобга шу даражада берилган эди-ки, ҳозир намозга турса, «тўрт ракаат суннат ўқийман», деб ният қилиш ўрнига «тўрт риаллик намоз ўқийман», деб юбориши ҳеч гап эмасди.

Манзура секин орқасига қайтиб, Жалилга билдирмай, бир ўзи Каъбатуллоҳга қайтди. Тонгни шу ерда кутиб олди.

Мадинаи Мунавварага бориб келгунча ҳам, хайит арафаларида Минога чиқишганда ҳам, Арафотда туриб дуо қилганда ҳам, Муздалифадан тошчаларни те-риб келиб шайтонни лаънатлаб отганда ҳам қандайдир куш қанотида учиб юргандай бўлди. Унинг ибодатга бутун борлиғи билан берилганини кўрган Жалил ара-лашмай, холи қўйди.

Жамаротда шайтонга сўнгги тошни отиб, Маккага

қайтгач, ҳадемай бу муқаддас жойларни тарк этажани ўйлаб, юраги эзилди. Бир томондан уй соғинчи, иккинчи томондан айрилиқ уни паришон қилди.

Видолашув ибодатини бажариб бўлганда субҳ кириб, намоз чақириғи янгради. Бомдодни ўқиб бўлиб, қаъдага ўтирганида юраги бежо урди, худди қафасни бузиб чиқишга қасд қилган куш каби потирлади. Шу онда Каъбатуллоҳ томон янада ёришиб кетиб, одамлар кўринмай қолишди.

Кейин...

...Абдуҳамид кўринди.

Кучоқ очиб югуриб келарди...

«Жоним болам, сенам шу ердამисан?» Шундай деб пичирлади-ю...

юраги тўхтади...

## АСАДБЕК

*1991 йил, июнь.*

– Қанча сарф қилиб бўлса ҳам жасадини олиб келсанг ўларминг? – деди Асадбек.

– Эсинг борми? Одамлар ўша ерда жон бериб, ўша ерда қолишни орзу қилишади-ку? Кейинги йили борасан, зиёрат қиласан, – деди Жалил бўш келмай.

Муҳиддин ота бу фикрни кўлламаганида Асадбек унга яна аллақанча маломат тошларини отмоқчи эди.

Муҳиддин ота билан Жалил аввал Асадбекка, кейин бошига қора рўмол ташлаган Зайнабга тасалли берувчи сўзларни айтишгач, уйларига қайтишди. Зайнаб ошхонага кириб кетди. Асадбек шийпонга чиқиб, ёнбошлади.

Кўкрагида қаттиқ оғриқ кўзғолди. Икки кунгача оғриқ азоб берди. Кейин йўтала бошлади. Йўтал азобини Абдурахмон табибнинг дориси кесган эди. Энди унга шифо берувчи табиб йўқ. Асадбек мозор-

га тортиб борадиган дард билан оғриганини англади. Англади-ю, кўнгли равшанлашди. Суйганлари билан қовушиш онлари яқин қолганидан ҳатто қувонди. Дунё ташвишларидан безган одамга яна нима керак?

Йўталганда бўғзидан қоп-қора қон отилиб чиқди.

Ётган жойида умид билан кўча томон қаради: дарвозаси очилиб, бир тўп одам саф бўлиб кириб кела бошлади. Диққат қилиб қаради: барчалари ўлиб кетган қариндошлари. Қачондир шундай туш кўрган эди.

Дадаси... онаси... Самандар... Маҳмуд... Абдухамид...

Унга маънодор қарашди, сўз айтишмади. Шийпонни ёнлаб, ўтиб кетишди.

Сўнг... дарвозахона ёришди. Зайнаб кўринди...

Фақат Зайнаб...

Кўзларида ўт чакнайди...

Кейин...

Асадбекнинг кўз олди қоронғилашди.

Хожаларини туну кун турли балою офатлардан, фалокатлардан асрашлари шарт бўлган болохонадаги йигитлар ғафлатда қолдилар.

Агар киши атрофини етти қават темир кўрғон билан ўраса-да, ажал ўзига йўл топади. Игнадай тешикдан кириб бўлса ҳам вазифасини белгиланган кун, соат, дақиқа, сония, нафасда бажаради. Кишининг санокли нафаси адоғига етгач, кўшимча нафас ололмайди, ризки тугагач, кўшимча бир қултум сув ҳам ичолмайди. Шундай экан, хатарнинг олдини олиш пайида болохонада ўтирувчи йигитларнинг қўлидан нима келарди?!

**В а с с а л о м .**



## СЎНГСЎЗ ЎРНИДА

Кўп йиллик ишимизни ниҳоясига еткурган Аллоҳ таборак ва таолога беадад шукурлар қиламиз. Оқибатнинг хайрли бўлишини Раббимиздан сўраймиз.

Асарни сўнгги сатрларигача ўқиб чиққан сиз – азизларга миннатдорлик билдириб, ҳақингизга хайрли дуолар қиламиз. Ҳафсалангизни пир қиладиган сатрлар, саҳифалар учраган бўлса, Аллоҳ хузурида тавба қилган ҳолда, сиздан узр сўраймиз. Бир неча йиллар давомида учрашувларда «бешинчи китобни ёзасизми?» деб сўрашди. «Ҳоҳиш бор, ғайрат бор-у, журъат етишмаяпти», дердим. Ниҳоят, Аллоҳга таваккул қилиб иш бошладим. Китобхонлардан дуо қилишларини сўрадим. «Китобни ёзсин», деб шунчаки дуо қилманглар, «китобни яхшилаб ёзсин, савияси тушиб кетмасин, аввалгиларидан аълороқ даражада ёзсин», деб дуо қилинглар. Шояд, дуоларингиз ижобат бўлиб яхши асар ёзилса», деб эдим. Ҳозир сўнгги нуктаси қўйилган бу китоб шу дуоларнинг натижасимикин, валлоҳи аълам!

Мазкур асарни ёзиш ҳаракати ўтган асрнинг саксонинчи йилларида бошланган эди. Биринчи китоб «Шарқ юлдузи» журналида 1992 йилда нашр қилиндики, фурсатдан фойдаланиб таҳририят аҳлига ташақкурларимни айтаман. Аммо, афсуски, «Ёзувчи» нашриётининг «китобни босиб чиқарсак сота олмаймиз, нашриёт зарар кўради» деган ғалати хавотири туфайли икки йилгача босилмай ётди. Ана шунда «Шарқ» нашриётининг эътибори ва мардлиги туфайли китоб мухлислар қўлига етиб борди-ки, бу учун нашриёт раҳбарлари, барча ходимлари ва ишчиларига миннатдорчилигимни билдираман. Ана шундан бери деярли

барча асарларим шу нашриётда нашр этиляптики, бу учун ҳам миннатдорман.

«Шайтанат»нинг тўрт китоби нашр этилгач, матбуотда ёзма равишда, учрашувларда оғзаки тарзда кўп суҳбатлар бўлди. Ўқувчиларимиз мактублар йўллаб турли саволлар билан қизиқдилар. Лозим жойда танқид ҳам қилдилар, баъзан жавоб қайтармоққа тилимиз ожизлик қилган пайтлар ҳам бўлди. Бешинчи китобга яқун ясашда беҳисоб саволларга мухтасар жавоблар қайтаришни лозим кўрдик.

– *«Шайтанат» асарингизни ёзишга нима туртки бўлган?*

– Бу савол деярли ҳар учрашувда, ҳар мактубда такрорлангани учун суҳбатни шундан бошладим. Учрашувларда бу саволни эшитишим билан ҳазил оҳангида «шайтонлар туртки бўлган», деб жавоб берардим. Гарчи жавоб ҳазилга йўйилса-да, унинг замирида ҳақиқат ҳам бор. Умуман, мен нима учун детектив, яъни жиноятлар жараёни баён этилган асар ёзишга ҳаракат қиламан? «Алвидо, болалик!», «Сўнгги ўк», «Мурдалар гапирмайдилар», «Чархпалак» «Галваса» ва ниҳоят «Ов»... Одамлар шу мавзуга кўпроқ қизиққанлари учунгина ёзилганми ё бошқа сабаб ҳам борми? Бор. Асосий сабаб, менинг асл мақсадим бошқа томонда. Мен жамиятни жиноятчиларсиз раванк топишини орзу қиламан. Ҳеч кимнинг боласи жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳеч қайси ота-она фарзанди туғилганда «ўғлим (ёки қизим) ўғри бўлсин, гиёҳванд бўлсин», деб орзу қилмайди. Лекин афсуски, маълум ёшга етганда айримлар жиноят кўчасига бурилиб, шайтанат оламига кириб кетганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар.

1982–83-йилларда тоғам, машҳур ёзувчи Мирзакалон Исмоилий қайсар ўсмирнинг оқибатда жиноятчига айланиб қолиши мумкинлиги ҳақида асар ёзмоқчи эканликларини айтдилар. У дамларда тоғамнинг сихатлари унча яхши эмасди. Шунга қарамасдан ёшлар-

га бир ибратли гап айтгилари бор эди. Ички ишлар вазирлигидагилар билан маслахатлашиб, ёзувчини ўсмир жиноятчилар сақланадиган «ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси» деб аталмиш қамоқхонага юбордик. Тоғам кун бўйи ўша ердаги болалар билан танишиб қайтдилар. Мен тоғамни кутиб олиб: «Болаларни кўрдингизми?» дейишим билан кўзларида ёш кўринди. Йиғидан ўзларини тутолмай: «Ўша болалар қамоқда ўтирадиган болаларми? Ўқийдиган, ўйнаб куладиган вақтларида-я!?» – дедилар. Тўрт йил урушда ваҳшийлигу даҳшатларни кўриб йиғламаган, тухмат билан қамалиб ётганида ҳам кўзларида ёш кўрсатмаган бу одам ўсмир жиноятчиларни кўрганларида чидай олмадилар. Оғир хасталикларига қарамасдан «Ўзингдан кўр» деб номланган ахлоқий қисса ёздилар. Бу ёзувчининг сўнгги асари – васияти бўлиб қолди.

Ўша саволни мен ҳам ўзимча тез-тез такрорлайман: нима учун болалар жиноят оламига кириб қоладилар? Адашибми? Нима учун биз, катталар улар адашгунларича қараб турамыз?

«Шайтанат»ни ёзишда мен ўзимни қийнаган муаммоларга жавоб топишга ҳаракат қилганман. Ёзувчининг вазифаси нимадан иборат? Жамиятни кузатиш, таҳлил этиш, юзага чиқаётган муаммоларни ҳал этишда қатнашиш эмасми? Ўтмиш жамиятнинг касалликларидан бири – жиноят олами эди. Мен ўша хасталикнинг бир заррасинигина қаламга олганман. Жиноят олами, яъни шайтонлар етовидаги оламнинг нақадар қабих эканини одамлар ўз кўзлари билан кўриб ёки эшитиб юрган эдилар. Мен шулардан айримларини жамлаб, қоғозга туширдим, холос. Бу воқеаларни ёзишдан асосий мақсадим – одамларни огоҳлантириш эди: «Одамлар, кўриб қўйинглар, бефарқ юрманглар, сиз билан бизнинг ёнимизда кўзга кўринмас, аммо ваҳший бир олам борки, ундан ўзингиз ҳам эҳтиёт бўлинг, айниқса, фарзандларингизни асранг, токи бу

оламга банди бўлиб қолншмасин. Бу оламнинг битта-гина эшиги бор. Кирдингми, тамом, ўз оёғинг билан қайтиб чиқишинг маҳол, кафансиз кетишинг аниқроқ...» – демоқчи бўлганман.

– «Шайтанат» сўзи нимани англатади? Нима учун асарни айнан шундай деб атагансиз?

– Бу сўзни мен кашф этмаганман. Дастлаб ҳазрат Навоийнинг асарларида, сўнг устоз Абдулла Қодирий романларида учратганман. Сўзнинг луғавий маъноси – шайтонлик, шайтон етови таъсирида йўлдан оздиришликни ҳам тушунса бўлади. Бошқачароқ айтсак, шайтонлар бошқарадиган жинойт олами назарда тутилган. Ҳазрат Навоийнинг «Хазойинул-маоний» дostonларидаги бир байт:

«Риёий шайхдурким шайтанатдин тавқи лаънатдек,  
Солур ўз бўйнига тасбиҳни ҳар лаҳза ул малъун» –

диққатимни тортиб, «Шайтанат» номи билан бир асар ёзиш истаги туғилган эди. Адашмасам, 1984 йил эди шекилли, Андижонда содир бўлган бир жинойт тафсилоти мени қизиқтириб қолиб, шу номда қисса ёза бошладим. Умидим – аввал бошдан уч китобдан иборат қисса ёзиш эди. Аммо тақдир тўрт китобни насиб этган экан, деб юрсам бешинчи китобнинг куртаклари ҳам кўриниб қолди. Андижонда эшитган воқеа Элчин билан Зайнаб тақдирига тааллуқли эди. Ёзиш жараёнида бу воқеа асарга сингмай, тушиб қолди. Кейинроқ худди шу воқеа асосида «Мурдалар гапирмайдилар» деган асарни ёза бошладим. Ажабки, ўша воқеа бу асарга ҳам сингмади. Худо билади, балки янги асарга «томизғи» бўлар?

– Нима учун асарда қора бўёқлар қуюқ? Айниқса, аёллар образини бошқа асарларда ҳам кўпроқ қора рангларда бергансиз?

– Бу тасодиф эмас. Аввал бошдан ниятим шундай эди. Агар эсласангиз, биринчи китобга ёзилган

сўзбошида «Замон берган эркинликдан фойдаланиб, турмушимизнинг қора кўчаларига киришга жазм этдим. Ёзганларимни ўқиб, чор-атроф зимистон экан-ку, деб ваҳнмага берилманг. Ёруғ кунда барча нарсаларни кўриб тураман. Қоронғида эса кўрмаймиз. Урилиб, сурилиб, қоқилиб юрамиз. Алқисса, ёруғ куннинг қадрига етмоқ учун қоронғиликни ҳам кўриш лозим эмасми?» деганман. Асардаги бўёқлар кимгадир қуюқ, кимгадир эса хира туюлиши мумкин. Бу ўринда у ёки бу одамнинг ҳаётни қай даражада англаши, воқеаларга муносабати ҳам муҳим. Масалан, Зайнабнинг тақдири бировни ҳаяжонга солса, бошқа бир китобхон, «бунақа гиёҳванд аёлларни ўзим ҳам курганман», деб бефарқ қараши мумкин. Дунёда неча миллиард одам яшаса, шуларнинг бармоқ излари бир-бирига ўхшамайди. Демак, шунча миллирад бармоқ излари мавжуд. Шунга кўра, айтиш мумкинки, одамларнинг феъл атворлари, хис-туйғулари, дунёни англамақ зеҳнлари ҳам бир-бирига ўхшамайди.

«Шайтанат»да, бошқа асарларда ҳам ҳавас қилиш мумкин бўлган аёллар кам тасвирланганининг сабаби бор. Камина, такрор айтаман, шайтонлар бошқарадиган оламни, қора бўёқларни қаламга олганман. Бу оламда яхши аёлларнинг кўп бўлиши мумкинми? Очиги, мен ёмонларни тасвирлаганимда юрагимда оғриқ турарди. Буларни ёзмасликни истардим. Лекин на илож? Ибрат маъносида ҳам ёзиш керак эди.

– Асардаги қаҳрамонлар ҳаётдан олинганми ёки тўқимами?

– Яна биринчи китобни эслашга тўғри келади: «Асарни охиригача ўқий олсангиз, бунга сабрингиз ва вақтингиз етса, бир қанча одамлар билан танишасиз. Улар балки қўшнингизга, балки дўстингизга, балки қариндошингизга ўхшаб кетар. Шу ҳол юз берса, «Фалончини ёзибдилар», деб юрманг. Бу шунчаки тасодифий ўхшашликдан бошқа нарса эмас», дейилган.

Шунга кўра айтиш мумкинки, айрим миш-мишлар элакдан ўтказилиб, айрим воқеалар умумлаштирилиб, баъзилари бўрттирилиб ёки аксинча, камайтирилиб хаёл маҳсулига қўшилган. Чингиз Айтматов айтмоқчи, хаёл маҳсулини ишонарли тарзда баён қилиш ёзувчининг бурчи ҳисобланади. Биз «хаёл маҳсули» деймиз. Ўйлаб кўрайлик: хаёл маҳсули сув ичадиган булоқ қаерда экан? Асарда баён қилинган гап-сўзлар ҳам, ҳаётнинг ўзидан эмасми? Шунча гапларни тўқиб чиқаришга битта одамнинг куч-қуввати етмаса керак?

– Асарингизни ўқиган одам сизни қаҳри қаттиқ инсон деб ўйлайди.

– Бу янглиш хулоса. Мен қаҳри қаттиқ, бешафкат эмасман. Ҳаётнинг ўзи бешафкат. Менинг вазифам ўша бешафкатликнинг баёини қоғозга кўчириш, холос. Асадбек кизини шармандали ҳолда кўргач, «ўзингни осиб ўлдира қол», деган маънода аркон ташлаб кетган сатрларни ёзаётганимда қалб оғриғидан қийналганман. Бир неча ҳафта кўлимга қалам ололмай юрганман. Кўпчиликни Асадбекнинг ўлиши ёки ўлмаслиги кизиктиради. Ёки Жамшид билан Зайнабнинг муносабатлари ўйлантиради. Аксар китобхонлар Асадбекнинг тирик қолишини хоҳладилар. Андижондаги учрашувда бир муаллима синглимиз: «Мен Асадбекни яхши кўриб қолганман, илтимос, уни ўлдирманг», дедилар. Мен ҳазиллашиб: «Яхши кўришингизни эрингиз биладиларми?» деб сўрадим. Синглимиз: «Ҳа, биладилар. Асадбекни у киши ҳам яхши кўрадилар», дедилар. Бу масалада айтишим лозимки, Асадбек одам сифатида китобда тирик қолиши мумкиндир. Аммо жиноят оламининг сардорларидан бири сифатида ҳаётимизда қолиши мумкинми? Бу масалада рамзий маъно излашимизга тўғри келди. Тўртинчи китобнинг сўнгги сатрларига шу маънолар жамланмоқчи бўлинди. Ёки Зайнабнинг тақдирини олайлик: агар у айтайлик, Глория ёки Наташа бўлганида мажруҳ эрини ташлаб, суйгани би-

лан қовушмоғи мумкин эди. Лекин кимнинг қизи бўлишидан қатъи назар, у ўзбек аёли! Ўзбек аёллари эса камдан-кам ҳолларда эрларидан юз ўгирадилар. Эрга кўнгиллари бўлмаса ҳам уларни оғир аҳволда ташлаб қўймайдилар. Агар мен Зайнабни китобхонлар истагига кўра Жамшид билан қовуштириб қўйсам, ўзбек аёлларининг бекиёс фазилатларига хиёнат қилган бўлардим.

– *Асадбек ижобий қаҳрамонми ё салбийми?*

– Асадбек, шубҳасиз, салбий одам. Тўғри, унинг айрим мардликлари ҳам бор. Лекин одам ўлдирган ёки ўлдиришга ҳукм этувчини яхши киши дея ола-мизми? Баъзиларга Асадбек яхши кўринаётгандай туюлиши ҳам мумкиндир. Лекин бу, менингча, алдамчи туйғу. Диққат қилайлик: аслида биз Асадбекни яхши кўрмаймиз, бошига кулфатлар ёғилаётгани учун унга ачиняпмиз. Бошига нима учун кулфат дўллари ёғиляпти? Бунга Жалилнинг гапи жавоб бўлади: «Худодан қайтибди!» Ҳали Зайнаб туғилмасидан олдин қизи хўрланган муштипар она уларни қарғаган эди, эслайсизми? «Дунё шайтоннинг дўкони, ундан бир нарса олдингми, шайтон ҳақини ундириб олмагунича тинчимайди». Асадбек шайтоннинг дўконидан кўп нарса олган эди, йиллар ўтиб, қизининг номуси ва бир ўғлининг жони билан ҳақ тўлади. Дунёда ҳеч қандай зулм жазосиз қолмайди. Мен бу сатрларни атай бешинчи китобда такорладим.

Авваллари ижобий қаҳрамон фаришта каби тас-вирланарди. Ҳолбуки, ҳаётда бутунлай яхши одам ҳам, бутунлай ёмон одам ҳам йўқ. Яхшининг оз бўлса-да, ёмон хулқлари, ёмоннинг оз бўлса-да, яхши ишлари бўлиши табиий. Асадбек ва унинг атрофидагилар, юқорида айтганимдай, жиноятчи, зулмкор бўлиб туғилмаган эдилар. Уларни ўтмиш жамиятнинг адолатсизлиги шу ҳолга солди. Асардаги асосий ғоялардан бири ҳам шу. Асадбек гуруҳини «аламзадалар тўдаси» десак ҳам бўлади.

– Нима учун асар бошида Зайнабнинг уйи кўриқланмайди?

– Биз чет эл мафияси ҳақидаги киноларни кўра-вериб, уларнинг уйлари ҳамиша кўриқланади, деб ўйлаб қолганмиз. Хориждаги жинойи гуруҳлар билан биздагиларнинг анча фарқи бор. Майкл Корлеоне мафиясига ўхшаган тўдалар саксонинчи йилларда бизда йўқ эди. Гуруҳлар орасидаги «уруш»лар ҳам етилмаганди. Шунинг учун ҳам уларни катта куч билан кўриқлашга ҳожат йўқ эди. Шундай бўлса-да, бу саволга тўртинчи ва бешинчи китобда жавоб беришга ҳожат сезилди.

– Ёшларга асар салбий таъсир этмайдими?

– Агар шундай бўлганида бу асарни ёзмаган бўлардим. Мен ёшларнинг оқ-қорани ажратиб олишларига ишонаман. Назаримда ёшларнинг биронтаси Ҳосилбойвачча ёки Кесакполвонга ўхшаб яшаб, улар каби азобли ўлим топишни истамасалар керак. Ниятим – жиноят оламига қизиқиб, маҳлиё бўлиб юрганларни бу йўлдан қайтаришга хизмат қилиш. Умуман, у ёки бу китобни ўқиш натижасида жиноят оламига кириб қолган одамни ҳали учратганим йўқ. Лекин «Шайтанат»ни ўқиш натижасида бу разил оламдан чиқиб кетганлар билан учрашганим рост.

Дикқат қилинса, «Нафснинг келажаги зулмдир, зулмнинг келажаги эса хорликдир», деган фикр асарнинг шиори, дейиш ҳам мумкин. Бу каби асарларни ёзишдан мақсадим шайтанат олами, яъни шайтонларга тобе бўлган жиноят олами билан ёшларни таништириб, уларни бу ярамас йўлдан қайтаришга уринишдир. Бошқача айтганда атрофимизда шундай қабих олам борлигидан одамларни огоҳ этишдир. Бизнинг адабиётимизда ҳали «қонундаги ўғри» деб аталмиш жиноятчилар олами баёни берилмаган эди. Бу оламнинг шиорига эътибор беринг: «Дунёда ўғридан бошқа ҳеч ким инсон тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас!» Мана шундай зулм оламини биз билиши-



миз керакми? Албатта керак. Фарзандларимизни бу олам таъсиридан химоя қилишимиз учун ҳам керак. Ҳар ҳолда мен шундай бўлар деган мақсадда қўлга қалам олган эдим. Агар бирон-бир асар тарбияга хизмат қилмас экан, ёзувчининг уринишлари зое кетибди, деб ҳисоблайман.

– *Асадбекдай одамнинг ҳаётда бўлишини хоҳлар-мидингиз?*

– Йўқ. У қанчалик мард бўлмасин, қанчалик жабр-дийда бўлмасин, жамиятимизнинг бундайлардан ҳоли бўлишини истардим. Асадбек бизнинг жамиятимизда яшашга ҳақли эмас!

– *Китобда кўп шеърларни ўқидик. Ўзингиз ёзган-мисиз?*

– Афсуски, дурустроқ шеър ёзишга менинг қобилиятим йўқ. Қофиядан нарига ўтмайдиган нарсаларни ёзишдан ўзгаси кўлимдан келмайди. Шунинг учун нуктадон шоирларнинг шеърларидан фойдаланаман. Китобда марҳум дўстим Асқар Қосимнинг шеърларидан кўпроқ фойдаланганман. Асардаги Анвар тақдирига шу дўстим ҳаётини асос қилиб олганман. Шу боис Анвар Асқар Қосимни устозим деб билади ва хаёлан у билан учрашади ҳам. Асарда мумтоз назмдан, хусусан, ҳазрат Навоий, ҳазрат Бобур ғазалларидан, раҳматли Рауф Парфи, замондош шоирларимиздан Гулчеҳра Нур ва Садриддин Салим Бухорий шеърларидан ҳам фойдаландим. Кинофильмдаги кўшиқлар шеърларини Қутлибека ва Шукур Қурбон ёзганлар. Фурсатдан фойдаланиб, марҳумларни Аллоҳ мағфират қилсин, деб дуо қиламан, замондошларга эса миннатдорлигимни изҳор этаман.

– *Китоб билан фильм ўртасида ўзгаришлар бор. Буни қандай изоҳлайсиз?*

– Ҳазил тариқасида айтсам, бунга сабр ва чидам билан қарайман. Гап шундаки, кино санъати билан бадий адабиёт орасида кескин фарқлар бор. Талаблар ҳам фарқланади. Шунга кўра, ёзувчилар киночи

биродарларининг инжиқликларига чидашга мажбурлар. Чидаш қийин бўлгани учун ҳам кўп ёзувчилар ўзларини киночилардан нари олиб юрадилар. Айримлар китобнинг ўзгаришлар билан олинишидан норози бўлишади. «Шайтанат» фильми учун мен санъаткорларимизга раҳмат айтаман. Лекин бир изоҳим ҳам бор: китобдаги Асадбек билан кинодаги Асадбек орасида фарқ мавжуд. Китобда Асадбекнинг ёмонликлари, бу ёмонликларни туғдирган омиллар баёни батафсил берилган. Кинода эса асосан унинг яхши томонлари бўрттириб кўрсатилган. Шу сабабли «Асадбек ижобий қахрамонми ё салбийми?» деган саволлар юзага чиқди. Китобни синчиклаб ўқиган кишида бундай савол уйғонмаса керак, деб ўйлайман.

– *Асарда диний мавзуларда ҳам фикр юритгансиз. Бу соҳада махсус билим олганмисиз?*

– Афсуски, йўқ. Ёшлигимизда бундай илм олиш имконияти бўлмаган. Бу соҳада мен устоз кўрмаган шогирд мақомидаман. Диний масалаларга доир нашр этилган китобларни кўп ўқиш, уламолар суҳбатидан баҳраманд бўлиш натижасида китобга айрим фикрларни киритишга уриниб кўрдик, холос.

– *«Шайтанат»нинг барча китоблари муборак Куръон оятлари билан бошлангани сабаби нимада?*

– Ҳаётнинг энг улуғ фалсафаси аввало Аллоҳнинг шу илоҳий китобида мужассам. Баъзи бировлар муқаддас оятлардаги огоҳларга эътиборсизликлари туфайли адашиб, шайтанат дунёсига кириб қолишган. Шарқ адабиётига азалдан Куръон маёқ бўлиб, ҳақиқат йўлини кўрсатиб келган. Дунёнинг Фёдор Достоевский, Лев Толстой сингари буюк ёзувчилари ҳам асарларида Инжилга мурожаат қилиш орқали эзгуликнинг улуғворлигини таъкидлашган. Менинг ҳам мақсадим Аллоҳнинг хитобларини, огоҳлантиришларини одамларга эслатиш йўли билан эзгулик учун курашдир.

– *Танқидга муносабатингиз? Асарни кўп танқид қилишдимми?*

– Танқидни яхши кўрадиган одам бўлмаса керак. Ҳазрат Умар камчилигини айтмайдиган дўстан фойда камлиги ҳақида ибратли гап айтганлар. Шунга кўра, ҳар бир одам танқидга чидамли бўлса ўзига фойда. Танқид ҳам икки хил бўлади: холис танқид учун миннатдор бўлиш жоиз. Танқид замирига хусумат жойлашган бўлса, бу танқидчига инсоф тилашдан ўзга чорамиз йўқ. Мен танқиддан бирданига лов этиб ёнмайман. Дикқат билан эшитаман. Агар танқид нотўғри бўлса, кўп ҳам аччиқланмайман. Чунки ҳар бир одам ҳар бир масалада ўзининг танқидий фикрини билдириш ҳукукига эга. Баъзи хато фикрга асосланган танқид беғараз бўлиши ҳам мумкинким, улардан мутлақо ранжимаслик керак. У ёки бу асарни барча бир хилда севишга мажбур эмас. Асаримни барча бир хилда севсин, эъозласин, деб талаб қилувчи ёки умид қилувчи ёзувчи нодондир. Агар танқид тўғри бўлса, мен кўпроқ ўзимдан ранжийман. Танқидчидан эмас, ўзимдан хафа бўламан. «Шу оддий нарсага аклинг етмадими?» деб ўзимни ўзим койийман. Ўтиборсизлигим туфайли шу камчиликка йўл қўйганим мени кўп қийнайди. Маълум фурсат ўтгандан кейин ёзганларимни ўқиб, ўзим кўпроқ хатолар топаман. Бешинчи китобни ёзиш жараёнида аввалги тўрттала китобимни қайта ўқиб, таҳрир қилдим. Хатолар, чалкашликларга дуч келганда юрагим ачишди. Бу хатоликлар учун муҳтарам китобхонлардан узр сўрайман. Худо хоҳласа, танлаган асарлар жумласига киритилса, бу хатоликларни тузатаман, деган умидим бор.

– *Айрим фикрларни такрорлашни яхши кўрасиз. Ҳатто айрим фикрлар бир китобдан бошқасига ҳам ўтади. Бу камчилигингизми?*

– Баъзилар камчилик ўрнида кўришлари мумкин. Ўтиборсизлиги учун такрорлапти, дейишса ҳам эҳтимол. Лекин ундай эмас. Мен ўзимга ёққан фикрларни атайин такрорлаб туришни ёқтираман. Ҳаёт учун зарур бўлган бирор фикр бир китобда ёзилса-ю,

ўқувчи эътиборсиз ўтиб кетган бўлса, яна диққатини тортиш учун такрорлайман. Масалан, «Эй Одам фарзанди, мен зулмни Ўзимга ҳаром қилдим, бас, бир-бирларингизга зулм қилманглар», деган қудсий ҳадисни бир неча китобда такрорлаганман. Аслида бу хитобни ҳар бир одам ёдлаб, амал қилишини истар эдим. Ёки нафс ҳақидаги фикрлар ҳам шулар жумласидан. Жалилнинг «Худодан қайтибди» деган гапи ҳам шунақа. Биз ҳар қандай ишимиз учун Аллоҳдан ажр олмоғимизни унутмаслигимиз керак. Агар бу ҳақиқатни ўзимиз ҳам такрорлаб турмасак, унутиб қўйишимиз мумкин. Асадбеклар шундай унутувчилардан эди. Биз ундай бўлмайлик.

*2010 й.*

**Тоҳир МАЛИК**

**ШАЙТАНАТ**

*(Бешинчи китоб)*

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти  
Тошкент – 2013

*Рассом Бехзод Ҳайдаров*

*Мухаррир З. Мирзаҳакимова  
Бадий муҳаррир У. Холиқов  
Техник муҳаррир Р. Бобохонова  
Саҳифаловчи М. Атхамова  
Мусахҳих М. Зиямуҳамедова*

**Нашр лицензияси АІ № 201, 28.08.2011 йил.**

Тайёр диапозитивдан босишга рухсат этилди 29.07.2013. Бичими 84x108 1/32 «TimesNewRoman» гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 33.6. Нашриёт-ҳисоб табоғи 33.9. Адади 5000 нусха. Буюртма № 3221. Баҳоси шартнома асосида.

«Sharq» нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси босмаҳонаси,  
100000, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.



ISBN 978-9943-26-051-1



9 789943 260511